

Н. В. ГОГОЛЬ

сайт аннотаций



сайланма



Р
Г
Б61

1829-1861 г.
г. Б61

Б.О.


Н. В. ГОГОЛЬ





Сайланма

ДИКАНЬКА ҚИШЛОГИ ОҚШОМЛАРИ
МИРГОРОД

37/2 СС
№ 04



ОПИСАНИЕ



16942-5339

P1
I 61

Русчадан

Наби Алимуҳамедов таржималари

Тўпловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи
Мамлакат Бекжонова

4702010100—117
Г —————— 93—84
М 352(04) — 84

© Faфур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984 й. (Сўзбоши,
изоҳлар)

ГОГОЛНИНГ БАДИЙ ОЛАМИ

Мана, иккى асрдирки, Полтаванинг Великие Сорочинци кишилгига куз чоги машхур Сорочи ярмаркаси бўлиб ўтади. «Сорочи ерларига ўн чакирим қолгунга кадар теварак-атрофдан ва узок-узок кишлоклардан ярмаркага шошиб-пишиб келаетган одамлар гиж-биж» (Н. В. Гоголь).

Бугунги кунда Великие Сорочинци — бу катта замонавий кишилк, Сорочи ярмаркаси эса очик хаводаги ўзига хос жонли музейдир. Бу ерга меҳмонлар фикатина Украинадан йигнилмай, балки кардош итифоқдош Республикалардан ким мен, ҳар хил сабзалин, ҳалк усталарининг маҳсулотлари, замонавий саноат моялларини олиб келиб турадилар. Кўргазмаларда кадимги ҳунармандлик буюмлари ишикбоз томошабинлар ҳамда ҳаридорлар кўз олдида намойиш клиниади.

Ярмарканинг авжи кизгин чогига бугилар қушилган араваларда Гоголь ясарларининг қаҳрамонлари: Хивра, Солоха, Грицко, Рудий Пашыколар пайдо бўлиди. Улар билан бирга бу қаҳрамонларининг улуғ ижодкори ва ҳамюрти бўлмини Николай Васильевич Гоголининг ўзи ҳам кириб келади.

Бизнинг бугунги кунимиз узилмас ишлар билан узок ўтмишга бориб уланиб кетди. «...Биз Россияни Гоголисиз тасаввур қиломаймиз», — деб ёзган эди И. Г. Чернышевский. Бу билан у факат ўз муносабатининг эмас, балки Россиянинг улуг ёзувчинига барча илгор, революцион-демократ жамоатчиликнинг муносабатини ҳам ифодалаган эди, унинг бу сўзлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Ҳа, Гоголининг ижодий тажрибаси туганмасдир. Ҳар бир давр унинг меросидаи ўлига керак бўлган қизиқарли ва ибратли маънавий бойликни топа билади. Гоголча услуб, гоголча тил, гоголча пейзаж, гоголча юмор, гоголча реализм рус ва совет ёзувчиларининг кўп авлодлари учун маҳорат мактабидир.

* * *

Гоголь «Умумий тарихни ўқитиш ҳакида» мақоласида тарихининг асосий натијаси давлат тараққиётида ҳалкнинг объектив ролини кўрсатишдан иборат леб ётган эди. Мазкур фалсафа Гоголь дунёкарашининг шаклланишида ба бадий ижодистига асос бўлиб хизмат қилди. У «Ўлик жонлар»нинг жирканч дунёсини Герценнинг ифодалашичи:—«вайрон килишининг энг кучли куролларидан» биря бўлган кулги билан парчалаб ташлади. У адолатга интилган, ахлоқий тўйғуси олий даражада камол топган ёзувчилардан эди. У гўззаликнинг юксак төсинга иочорликни, ярамасликни инкор этиш орқали хизмат қилди. Гоголь ҳалка, унинг битмас-туганимас маънавий яратувчилик курдатига ишонарди. Гуманистик пафос ва одамзодга ишониш, Герцен фикрича, факат лиризмда эмас, балки Гоголининг аччик кинояларида ҳам ўз ифодасини топган. Унинг ижодида бадий ҳалк манифатлари химоя остига олинди.

Н. В. Гоголь ўз асарларида чиновник — бюрократик идора аппарати ва хукм суралтган чириган тағтиб-көндәләрни байни бир кораловчидек аёвсиз фош күлди, дворян тузумининг мутлако чида бўлмайдиган ижтимоний иллатларига — тенгсизлик, зуравонлик, лаганбардорлик, пораҳурлик, машиш бузуклик, мешчаниликка карши ўт очди.

И. В. Гоголь ўзи яшаб турган ижтимоний тузумнинг карама-каршиликларини тадқиқ кила бориб, подшоплик идора усулиниң тубдан чириганилигини «бутун хали кўз олдига», ҳакиқат ва адолат саҳнасига олиб чиқиб курсатди.

Санъат куроли доимо фантазия билан, санъаткориниң бадиий тўқимаси билан ўткирлди. Фантазиянинг ижодий роли кини маънавий фадолиятнинг ҳар қандай соҳасида, айнисса, реалистик санъатда бекиёс. Гарчи санъаткор воқеий дунёни унинг ўз конуниятлари асосида, объектив кузата бориб реалистик асарлар яратада, фантазияси иш кила олмайди.

Гоголь буни яхши тушуниар эди ва, ўз фантазияси туфайли рус адабиётида биринчи бўлиб шахс характерини ижтимоний муносабатлариниң умум йигинидеси сифатида тасвир этди. Гоголь рус реализмига танқидий йўқалиш берди ва «Пушкин изидан бориб, рус адабиётида бутунлай бошқача характерга эга булган Суюк бир бурниш ясади.

Буни яхши хис этган В. Г. Белинский биринчи маротаба «Бизнинг адабиёти мизда ж. Гоголь ким ўзи?» деган саволни кўйди. Ўзининг «Рус повести ва ж. Гоголининг повестлари ҳакида» мақоласида, улуғ танқидчи «Миргород»нинг муаллифида ўз асарлари орқали ижтимоний хаёт иллатларини очиб ташлаб, уни тубдан ўзгартириш учун кураш олиб бораётган «адабиёт сардорини!» ёзувчи ва шоирлар сардорини кўрди. Белинский Гоголь асарларидаги тасвирнинг содалигини, ҳакконийлигини, ҳалқчилликни, оригиналликни таъкидлади ва унинг ҳётини бор мураккаблиги ва ранг-баранглиги билан курсатишга моҳир санъат соҳиби экантигини уқтириди.

Гоголининг «гумор»и Белинский фикрича, инкор этиш пафоси билан суғорилгандир. Унинг энг мухим хусусияти воқелинка тўғрилик билан қаровчи фош кибуочи характер ҳисобланади: санъаткор «пасткапшликни аямайди, уларнинг жирканчилкларини яширмайди ва бўяб кўрсатмайди, шу насткаш ликнинг тасвири билан асир килиб, унга яна нафрат ҳам уйготади». У Гоголининг «гумор»ида жуда катта вайрон кибуочи сатирик кучни кўради.

Белинский таърифича, Гоголь ҳам, худди Пушкин сингари, «доимо жонли, ҳаракатдаги ходисаларга» тааллукли бўлган том маънодаги реалист санъаткор эди.

«Рус повестлари ва ж. Гоголининг повестлари ҳакида» макеласидан бошлаб, «1847 йил рус адабиётiga назар» асаригача Белинский барча ишларida Гоголни Россияни танқидиги реализмнинг тараққиётida прогрессив демократик тенденцияларни ўринатишда катта роль ўйнаган ҳакиқий ҳалк ёзувчиси эканлигини курсатди. У Гоголь ижодини катта қизиқиш билан кузатди, унинг барча асарларига нисбатан муносабат билдириди ва замондошлар, кўпинча Гоголни Белинский маколалари орқали, унинг таъриф-тавсифи орқали танидилар. У гоголча сатирининг туб маъносини чукур англаб олган эди. В. Г. Белинский шундай деб ёзди: «Унинг «Қадимги помешчикларини олинг, уларда шима бор? Бир неча ўн йиллар мобайнида одамзодининг бу икки тоғаси ичади ва ейди, ейди ва ичади кейин эса қадимги расм-руслум бўйича улади вассалом. Аммо бу хирс-ҳавас нимадан ўзи? Сиз бу турмушнинг барча хайвоний мажрух, ҳажжий даражадаги бемаъниликларини, барча ярамасликларини кўрасиз, бинобарин, шу билан бирга, повестнинг каҳрамонлари тақдирида катинаясиз, улар устидан куласиз, аммо жаҳлсиз ва кейин Филомон билан унинг Бавкидаси ҳакида ўқириб йиглайсиз, унинг чукур, оламда йўқ кайгуисидан азобланасиз ва икки содда одамнинг мол-мулкини вайрон кўлган ярамас меросхўрдан газабланасиз» (1 т., 291-бет).

Танқидчи «Иван Иванович билан Иван Никифорович ўртасида бўлиб ўтмиш жанжаллар ҳикояти» повестини ўқиб чиқиб ёзди: «Ха! Ўйлаш гамгин, ушбу

рухнинг олижаноб томири соя бўлиб ва ҳатто ҳаётиниг борлигини ҳам ҳаёлларига колтгрмай, яшаш ва ўлиш мумкин! Оламда бундай кишилар қанчадан-канча, оламда Иван Иванович ва Иван Никифоровичлар қанчадан-канча!» (II т., 444 бет).

«Тарас Бульба» повестида автор В. Г. Белинскийнинг сўзлари бўйича «тарихий Малороссиянинг бутуни ҳаётини камради ва яратувчи, бадиий ижоди билди донимига унинг маънавий образини колдирили» (VI т., 661-бет). Улуг ганикдининг ушбу сўзлари «Тарас Бульба» повестининг иккинчи нашрига таалуғидир.

Уша даврда «Миргород»нинг биринчи нашри муносабати билан Белинский «Рус повестлари ва ж. Гоголнинг повестлари» мақолосида завкланиб ёзган эди: «Агар бизнинг давримизда гомерча эпопея лозим бўлса, мана сизга унинг буюк намунаси, идеали ва прототипи!» (VI т., 304-бет).

Танқидчи Гоголь реализмининг мавжуд крепостной тузумга қарама-қарши кўйилганинги кўрди ва унинг ижодидаги прогрессив томонларни таан олишига, ундан ўтириш реалистик тенденцияларни мустаҳкамлашга ҳаракат килди. Унинг повестлари мисолида Белинский Гоголь реализмининг, умуман реалистик санъатнинг ихчам формуласини берди.

Белинский Гоголь ижодининг муваффакиятларини, ижодий томонларини таъкидлаш билан бирга, унинг хато ва камчиликларини ҳам аяб ўтиради. Оқўзликнинг курбони бўлган ёш рассомининг тақдири ҳақидаги «Портрет» повестини ўқигач, Белинский ўз норозилигини очиқ айтди. «Портрет» ж. Гоголнинг фантастик турдаги беҳуда уринишидир» деди. В. Г. Белинский «Портрет»нинг иккинчи нашридан ҳам норози бўлди, чунки асарнинг иккинчи кисмидаги Гоголнинг луїё-карашидаги зиддиятнинг тобора ўсиб бораётганинги аниқ кўрди. Ўз мақолосидаги И. В. Гоголь асарларини таҳдил қила бориб, «Ревизор» асарини ювек баҳдиди ва шу асар таҳдили орқали ўзининг типилич тўғрисидаги назарийсига аниқлик кириди ва бойитди. Унинг фикрича, Гоголь комедияларининг кучи шундаки, унда кўнгирчоқлар эмас, ҳақиқий рус ҳаётининг тераи жойидан олиниган характерлар, одамлар ҳаракат қиласидар.

Белинский «Ўлик жонлар» романига алоҳида аҳамият берди, уни рус реалистик адабиётиникам ахамиятни учрайдига намунаси, деб хисоблади. Улуг танқидчи Гоголнинг бу асарида «соф рус, миллий ижодиёт»ни кўрди. У биринчи маротаба рус китобхонига бу асарнинг гоявий мазмунни ва аҳамиятини тушунтириди. Белинскийнинг фикрича «Ўлик жонлар»нинг чиқиши бизнинг давримиздаги адабий муаммони ҳал килди ва «янги мактаб» тантанасини юксалтириди. У Гоголини рус адабиётидаги, кейинчалик, Герцендан Салтиков-Шчедрингача бўлган улуғ рус ёзувчиларининг бутуни авлоди борган янги оқим — танқидий реализмининг «отаси», бошлиги ва асосчиси деб атади. Белинский Гоголь асарларининг балий эстетик қадр-киммати ҳақида гапириб, гоголона юморнинг буюн ижтимоий, аҳамиятнингизни эмас, балки унинг асарларидаги бетакор лиризмни ҳам алоҳида ургу билан таъкидлаб утди: «Сиз унинг Днепр ёнидаги чексиз яйловларни тасвиirlашини эслайсизми? Накадар кенг кўлмали бўёқ? Хиссиятнинг интиҳосиз эркин яираши? Ушбу тасвиirlarda нечоғлик зебу тароват ва ёддийлик мужассам. Хе, жин урсни сизни, яйловлар, ж. Гоголда сизлар нечоғлик жозибалисан!»

В. Г. Белинский 1847 йил «Рус адабиётига бир назар» деган мақолосида садаи «Гоголнинг рус адабиётига тасъири бекиёсdir. Фақат ёш истеъоддларигина ўқурсанган йўлдан юришга ружу киаяб колмай, баъзи бир анча танилиб колган ёзувчилар ҳам олдинги ўйинларини четла колдириб, шу йўлдан бордилар. Ани шу ерда душманлар ибтидоий деб камситмоқчи бўлган янги мактаб найдо бўлди».

Танқидчи таъкидлаганидек, уша пайтда Россиянда ёзувчининг «душманлари» ҳақиқатан оз эмас эди. Улар О. И. Сенковский, Ф. В. Булгарин, Греч ва башкалар бўлмб, Гоголь санъатини пастга урдилар. Уни тубан, ирkit нарсаларни тасвиirlанида айладилар.

Айникса Петербург реакцион танқидчилари Гоголни бир ёқадан бош чиқарыб баб-баравар сүккан эдилар. «Вий» повестининг на охири, на бошланиши, на гояси бор», деб танқид тўқмоғи остига олдилар.

«Иван Иванович билан Иван Никифорович ўртасида бўлиб ўтган жанжаллар ҳикояти» повести ҳақида «Библиотека для чтения» журнали «...биз ҳар вакт у жуда иркит, деган фикрда бўлган эдик» деб ёзди. («Библиотека для чтения» журнали, 1835, 9-т, IV б., 33-бет).

«Московский наблюдатель» да танқидчи С.Шевирев «Қадимги помешчиклар»-даги ярамас фикрларни ўз ичига олувчи сатрларни йўқ килиб ташламоқка тайёр эканлигини билдири, чунки улар гўё бутун бошли картинанинг ахлоқий таассуротини бузар эмиш «Московский наблюдатель» (1835, №2, 406-бет). У Гоголдаги энг мухим хусусият воқееликни реалистик тарзда тасвирлашни рад килди ва унда факат тасвир тасавуримизни китиқламоқчи бўлган ва одамнинг биргина кувнок торида ўйнайдиган «адабиётчизнинг кўра олди. (Ўша ерда, 397-бет). «Северная пчела» газетаси бўлса, иккى Иваннинг жанжаллари тўгрисидаги новесть ҳақида қаҳр билан ёзди: «Бу юмклар, бу ифлос жулдуларни, канчалик улар маҳорат билан кўрсатилмасин, бизга кўрсатишнинг нима хожати бор? Одамзод ва ҳайтнинг орка ҳовлисининг ёқимсиз манзарасини ҳеч қандай кўзга кўриниарли мақсадсиз тасвирлаб беришдан кўзда тутилган мақсад нима?» («Северная пчела», 1935, 115-сон, 458-бет) деди.

Гоголга ҳатто рус тилининг грамматик нормаларини билмайди, унинг асарлари грамматика ва логика конун-коидаларига қарши кўпол исён, деб айбладилар, аммо Гоголь асарларининг ўзига хос оригиналлиги, Гоголнинг новаторлиги ва рус адабиётидаги ўрни ва аҳамияти тўгрисида бир оғиз ҳам сўз айтмадилар.

Лйникса, 1836 йил 19 апрелда «Ревизор» комедияси биринчи маротаба саҳнага кўйилиш муносабати билан реакцион гуруҳларнинг жазавага тушиши Гоголга жуда оғир ботди. Унинг ўша пайтда дўстларига ёзган мактублари жуда хомуш ва алами эди. У М. С. Шчепкинга шундай деб ёзган эди: «Комик ёзувчининг ахволи не кечишини мен мана энди кўряпман. Қиттай ҳақикатдан ёздингми — сенга қарши бир киши эмас, бутун бошли табака галаён кўтаради».

Худди мана шу сабабларга кўра у қувгин остига олинди ва 1836 йил 16 июнда Россиядан чиқиб кетишига мажбур бўлди.

Ўн иккى йил давомида хорижда юриш Гоголь учун ғоят оғир ва машаққатли бўлди. У бу йиллар ичидаги бошланган касаллик ҳамда қашшоқлик билан олишиди.

Гоголь бегона юртларга атаб бир сатр ҳам асар ёзмади. 1847 йили Европада Гоголь «Дўстлар билан ёзишмалардан танланган жойлар»ни нашр килидирди, унда ёзувчининг маънавий таназзули ўз ифодасини топган эди. Бу китоб чиккандан сўнг Белинский, ўз ижоди билан Россия самодержавие — крепостной тузуми асосини ларзага солган Гоголь учун курашни давом эттириди.

1847 йили 15 июнда Белинский ўзининг машхур «Гоголга ҳат»ини ёзиб, Н. В. Гоголининг китобини каттиқ таққид килди: «Улуг ёзувчи ўзининг табиий-бадиий, чукур ҳақиқатгўй ижоди билан Россиянинг ўзини англашга салмоқли таъсир килгани, ўзига гўё ойнадагидай яққол қарашга имконият яратгани буюк слувчи, эндиликда китоби билан Исо ва черков вахший-помешчикни ҳаром тумшук деб сўкиб, дехконларни кўпроқ пул орттиришга ўргатяпти. Бу ҳам менин қаҳр-газабга солмайдими? Агарда Сиз менинг ҳайтимга сунказд қилганингизда, ўшаида ҳам мени Сизни ушбу шармандали сатрлар учун бундан ортиқ ёмон кўрмаган бўлар эдим...» Ҳатда Белинский, аслида, революцион-демократик эстетиканинг асосий масалаларини баён килди.

В. И. Ленин «Гоголга ҳат»ини демократик матбуотининг энг яхши намунаси деб атади.

«Хат» Гоголга кучли таъсир килди: у Белинскийга «Менинг қалбим бардош беролмади, мендаги ҳамма нарса ларзага келди, айтишим мумкин, ҳатинигизни

отмасимданок, шикаст смаган сеэги торлари қолмади. Хатингизни мен деярл
кунисиз ҳолатда ўқиб чикдим, бирок шу билан бирга, унга жавоб бернишга
холим йўқ эди» деб ёди.

Гоголнинг ўзи икроран айтишича, унинг «Оқшомлар»даги юмордан муросасиз сатирага ўтишида Белинский мақолалари сабаб бўлган. Белинский қарашлари таъсирида у ўткір социал, сатирик, шу билан бирга, инсонпарварликни, демократизмин тарғиб қилювчи асарлар «Миргород», «Арабески», «Ревизор», «Ўлик жонлар»ни ёди. Гоголь янги адабий мактабни қандай ташкил қилиб, рус адабиётининг бундан кейнгиги тараққига йўл очган бўлса, Белинский ҳам шундай тарзда ёзуви Гоголга ёрдам кўрсатиб, рус танқидий реализмининг эстетик принципларини, социал мухитни реалистик тасвирилаш принципларини ишлаб чиқди.

Гоголнинг ижоди Герценда жуда катта эътибор ва хайриҳоҳлик ўйғотди. Унинг рус адабиётидаги гоголча традицияларга қарашлари, Гоголь ижодининг тарихий аҳамияти ҳақидаги унинг мулоҳазалари кўп жиҳатдан Белинский қарашлари билан ҳамоҳанг келди. Герцен Белинскийни қувватлаган ҳолда биринчи марта Гоголь реализм факатгина барбод қилювчи кучга эга бўлмай, балки ҳам социал янгилашга даъват этувчи реализм ҳамдир деган фикрин айтди.

Шуниси характерлики, Герцен ижодининг ўзида Гоголь тажрибалига амалий суюнни, унинг анъаналярини ривожлантириш майллари жуда яққол кўзга ташланиб турди. С. Машинский ўзининг «Гоголнинг бадий дунёси» китобида шундай дейди: «Герцен ўзида Гоголнинг кучли таъсирини ҳис қилди. Унинг дастлабки асарларидаёк Гоголга хос характерли иштонациялар сезилади. Бу жиҳатдан «Малинов шаҳрининг патриархал урф-одатлари» эътиборга лойдидир. Чекка ўлкладаги кичик шаҳарнинг манзараси, унинг турмуш тарзи, одамлари, урф-одатлари, табиийки, китобҳон хотириасида «Миргород» ва петербургча циклага кирнуви повестларинг сатрлари билан оҳангдошлик ўйғотади.

Агар Герценинг 30-йилларининг кундалик дафтарида «Петербург повестлари» ва «Ўлик жонлар»нинг кенг ва терзи фикрли анализи мужассамланган бўлса, 1851 йилда чиккан китобида «Россияда революцион гояларнинг тараққий килиши замонда» сўз юритиб, «Дүстлар билан ёзишмалардан ташланган жойларни кептиқ ташкил қилди. Уйбу китобда яна у Гоголь ижодини «даҳшат ва номус ҳайқириғи» деб атади (VII т., 229-бет). Герцен Гоголнинг кулгисини мустабид ҳокимият билан курашда кучли курол деб атади.

Гоголь ўзбек томошабини ва китобхонларининг ҳам мухаббатини қозонган сувчидир.

Унинг «Ревизор» комедияси 1926 йилдаёк ўзбек тилига таржима қилинган ва Самарқанд шаҳар театри саҳнасида намойиш этилган эди. Комедияни биринчи марта Санжар Сиддик таржима қилган эди. Уша пайтларда «Зарафшон» газетаси ушбу спектакль ҳақида ёзган эди: «Актёрларнинг ажойиб ўйинини, уларнинг бой, раинг-барагн ҳарақатлари, текстни равшаш талафуз килиши, шар хил иштонацияларга бойлиги, спектакль охиригача саҳна ҳолатини аниқ иҷтиҳодлика саклашларини белгилаб ўтмок лозим. Овозидан актёрларнинг ҳизматини аниқлаш мумкин бўлмасди. Ҳатто шу характерлар ўзбеклар томонидан ўзбек таликнинг ишониш қийин эди».

1926 йил 7 июлда «Правда Востока» газетасида ушбу спектакль муносабати боди рецензия босилиб чиқди. Унда «Ревизор» постановаси катта тарихий ҳизматнинг эга бўлгани мухим воея сифатида баҳоланди. «Бу ёш ўзбек театрининг ишони адабиёти ҳазинасига кўшган биринчи хиссаси, бу маданиятга биринчи кадам, ўз кучларини фаҳмлаётган ва ёргуларка чанқоқлик билан интилаётган ўзбек таликнинг биринчи кадамидир» дейилди.

1925 йилда «Маориф ва ўқитуучи» журналининг 11-12 сонларидаги «Май сени ски сув кизи» повестидан парчалар, 1926 йилда эса «Шинель» повести (Сайдахмад Сиддик Ажзий таржимасида) босилди. Булар Гоголнинг ўзбек матбуотига ўзаси килинган дастлабки асарлари эди. Унинг асарларини ўзбек тилига Санжар Сиддик, Сайдахмад Сиддик Ажзий, Чўлпон, Абдулла Кодирий,

Абдулла Қаҳхор, Наби Алимуҳамедов, Рустам Абдураҳмонов, Холида Аҳророва-лар таржима киодилар.

Киркинчи йилларнинг бошида Н. В. Гоголининг «Үлиқ жонлар» поэмасидан иккита парча (Л. Отабеков таржимасида ўзбек тилида) босиб чиқарилди. Кейинроқ бу таржима 8-синф учун чиқарилган хрестоматияга ҳам киритилди. Факат 1959 йилдагина поэма тўлалигича биринчи марта ўзбек тилида (Рустам Абдураҳмонов таржимасида) алоҳида китоб ҳолида нашр килинди.

1935 йил 25 авгуистда Ҳамза номли ўзбек Давлат академик театр саҳиасида Н. В. Гоголининг «Ўйланиш» пъесаси кўйилди. (Саҳнага кўючви ёш режиссёр Шариф Каюмов, таржимон Абдулла Кодирий эди.) Замондошлиарнинг эслашича, спектакль катта мұваффакият билан ўтган. Таржимон олдида катта вазифалар туарар эди албатта: тасвирнинг ҳаққонийлиги билан бирга, жонлилик, табиийлик, тилининг ширалилиги ва Гоголь комедияси күлгисининг ҳайрон коларли кучини етказиш керак эди. Таржимон ушбу вазифанинг уддасидан чиқди.

Гоголининг услуби, унинг юмористик үсулларини ўз она тилида бериш учун мазкур ёзувчи ижодини, унинг ўзига хос ҳусусиятларини обдон яхши билиш керак эди. Таржимон Абдулла Кодирий худди шундай йўлни тутди.

Таникли адаб ва таржимон Абдулла Қаҳхор Гоголининг машҳур «Ревизор» комедиясини таржима килди.

Абдулла Қаҳхор портретнинг тўғри ва пухта қайтадан яратилишига алоҳида эътибор берди. Гоголь томонидан ихчам чизикларда яратилган портретни образнинг ажralmas кисми эканлигини унумтаган ҳолда аник, бирорта ҳам деталини туширмасдан, кайта тинклашга ҳаракат килди.

Абдулла Қаҳхор Абдулла Кодирий таржимачилик тажрибалари традицияларини ривожлантириб «Ўйланиш»нинг янги таржимасини ҳам яратди.

Н. В. Гоголь асарларининг таржималари муносабат билан таржимачилик санъатининг бутун бир мактаби вужудга келди, бадий таржиманинг янги традициялари пайдо бўлди ва мустаҳкамланди. Бу таржималар театрларнинг репертуарларига чукур кириб борди, уларда актёrlарнинг бутун гурухи тарбияланди.

Наби Алимуҳамедов таржималари ҳақида ҳам ана шундай илик сўзларни айтиш мумкин.

Наби Алимуҳамедов ўзининг «Таржима санъати тўғрисида баъзи мулоҳазалар»¹ номли маколасида Ўзбекистонда бадий таржима ишининг чинакам санъат дарражасига кўтариш масалаларига доир кўпгина кимматли ва ўз даёри учун мухим бўлган таржима назариясининг проблемаларини кўрсатади, чинакам таржимон бўлини учун шу ҳалкнинг урф-одати, шаронти ва тилининг билмоқ инҳоятда зарурлигини уқтиради. Унинг таъбирича, таржимоннинг вазифаси бошқа тилда ёзилган бадий асарни ўз тилининг барча нормаларига риоя килган ҳолда айнаи таржима килишдам иборатдир.

Наби Алимуҳамедов таржимон сифатида ўзининг ани шу айтганларига каттиқ риоя килаи, Н. В. Гоголь асарларини ўзбек тилига таржима килишда, гоят маҳорат кўрсатди.

Худди мана шундай моҳир таржимонларимиз туфайли Н. В. Гоголь асарлари ўзбек китобхонлари қалбига чукур кириб борди ва уларнинг мангалик адабий мулкига айланди.

МАМЛАКАТ БЕКЖОНОВА.

¹ «Шарқ юлдузи», 1947, 1-сон.

ДИКАНЬКА
ҚИШЛОГИ
ОҚШОМЛАРИ

Асаларичи
Рудий Панько
томонидан нашр
қилинган
повестлар

БИРИНЧИ КИСМ МУҚАДДИМА

«Диканька қишлоғининг оқшоми», дегани нимаси? Қаёқдаги бир асаларичидан чиққан гап-да! Худоё тавба! Шунча гознини пати юлиниб қалам бўлса ҳам, шунча латта қофозга кетса ҳам камлик қилибди! Қўли сиёхга бўялган ҳар хил қаланғи-қасанғилар каммиди! Энди асаларичи ҳам уларга таассиб қилибди-да! Босмаҳонада чоп бўлиб чиққан қофоз шундака сероб бўлиб кетдики, одам нима ўрашни билмай қолди».

Бу гапларни асаларичи эшиганига бир ой бўлди, яъни айтмоқчи бўлган гапим шуки, биздек бечоралар мабодо қишлоғимиздан чиқиб баъзи улуғ мартабалилар орасига кириб қолгундай бўлсакми, шўримиз қурыйди! Гоҳда каттакон бойнинг ҳовлисига кириб қолгудай бўлсак, дарров одамлари ўраб олиб калака кила бошлийдилар. Агар сал мундоғ мартабаси баландрок хизматкорлар калака қылсалар-ку майли-я. Йўқ, таъвияси чиққан майдა-чўйда тирранча малай болалар ҳам паشاҳурдалик қиласидилар. «Қаёқка борасан, қаёққа, йўқол, кет қишлоқи!»... деб ҳар қайси ҳар ёқдан ўдагайлайди. Шунга ўҳшаб улуғлар орасига кирганда ҳам киши шундака меровланиб қолади. Айтаберсам... нимасини ҳам айтаман! Бундақа жойга боргунча судъя дастёри, поп ҳазратлари беш йилдан бери афтимин кўрмаган Миргородга борганим тузукроқ, аммо бориб қолгудай бўлсак, дод десанг ҳам жавоб қайтармай иложинг йўқ.

Азиз уқувчилар, яна жаҳлингиз чиқмасин (анчайин бир асаларичи сиз билан худди уруғ-аймоги ёки ошина-оғайнисидек бемалол сўзлашганига жаҳлингиз чиқмадими), бизнинг овулда қадимдай қолган бир расм бор; дала ишлари битди дегунча эркак зоти печкага бир чиққанича қиши билан тушмасдан дам олади. Бизнинг касаваларимиз ҳам ариларини ертўлага камайдилар; осмонда туриа, нок дарахтида нок қолмаган вактда коронғу тушартишмас кўчанинг ҳов бир ёғида чироқ милтиллаб ёндими — ўйин-кулги, кўшик эшитаберасиз; балалайка, гоҳда скрипка овози ҳам чиқиб қолади, шўхлик бошланади... Оқшом ўйинлари деганимиз шу. Бизнинг бу оқшомларимиз сизнинг балга ўҳшайди. Аммо баайни ўзи, деб бўлмайди. Сиз ўйин тушмоқ ва қўлингизни оғзингизга тутиб эснамоқ учун борасиз. Бизда қизлар гала-гала

бұліб йигиладылар, бирок үйни түшмок учун эмас. Ҳаммаси құ
лида дугиу, пылтакачи билан келади. Бошда ҳар қайсиси иш би
лан банддек күрінади: дуглар чирпирак айланған, құшиқ авжига
чиқкан, ҳеч ким бошини құтариб, ён-верига қарамайды ҳам. Аммо
үспириң йигитлар скрипкачини бошлаб уйга гуруллаб кирди-
ларми; тамом; шовқин-сурон, шұхлик, үйин бошланиб кетади,
шұнақанғи түполон бұладыки, таърифини айтган билан адо бұл-
майды.

Аммо ҳаммаси бир ерга ғуж бұліб чүпчак айтишса ёки ағдан-
багдан гап бошланса, буниси жуда ажойиб, худоёй тавба! Ҳикояти
йүк нарса йүк. Қаёклаги эски гапларни кавлаб топишади! Бирам
вахималар соладиларки, аммо асаларичи Рудий¹ Панькоңинг
окшом мажлисидеги сұхбатда айтилганидек ажойиботу ғаройибот
ҳеч қаерда ҳикоят бұлған эмас. Ҳамқишлоқларимиз нима сабаб-
дан менға бундай лақаб құйғанларини, азбаройи худо, айтол-
майман. Соч-соқолим ҳам сарикдан құра құпроқ оқ бұлса керак.
Аммо, хафа бұлмагайсиз, бизда шундай одат борки, агар бирөвга
бирорта лақаб құйылған бұлса, бу лақаб үла-үлгунча қолади.
Гоҳи арафа-марафа күнларыда бир қанча зот-бобарапатлар аса-
ларичининг күлбасыға меҳмон бұліб, дастурхон тепасида үлти-
рғанларыда, шундօғ шириң сұхбат бұлур әдіки, асло құяберинг
Шуниси ҳам борки, мажлис ахллари унақа-бұнақа қишлоқи
мужиклар эмас. Кимникига кадам ранжида қылсалар ул одам-
нинг боши күккә етар әди. Чуоночи Диқань қишлоғининг дъякони
Фома Григорьевични биласизми? Ана ақилу! Шундай ғалати
ҳикоятлар айттар әдіки, бу ҳикоятлардан иккитаси бу рисолада
бордир. Бу киши сира қишлоқ дъяконлари киядиган олача тұн
күймас әди. У кишиникига қаңон борсанғиз, ранги картошқа уни-
дан қилинған совук атала рангига үшшаган, Полтавада газини
олти сүмми, қанчадан олиб тиқтирган нафис мовут чакмон кийиб
чикар әди. Қишлоқ кишиларидан ҳеч ким бу кишининг этигидан
кора мой хиди келади, демайди ва лекин этигини гоз мойи билан
мойлаганини ҳамма биларди. Уннинг этик мойлаган мойини бошқа-
лар жон деб овқатларига солардилар. У кишининг сирасидан
бұлған бошқалар этаклари билан бурунларини артар әдилар, ле-
кин у кишининг умрларыда бирон марта этаклари билан бурун
артғанларини ҳеч ким күрдім дея олмас әди. Бурун артмоқчи бұл-
са, четлари алвон ип билан тиқилған, тахлоқлик оқ рұмольчасини
құйнидан чиқазиб, ул ишини адо қылғандан кейин рұмольчани үн
иқки буқлаб яна құйнига солиб құяр әди. Мекмонлар орасида
биттаси бор әдіки... шундай басавлатки, қозихона вакиғи қыліп
әки қозилик мансабынға үтқазиб құйса ҳам бұларди. Құлини найза

¹ Рудий — сарик, малла.

қилиб, бармогига тикилиб олиб ганириб кетардикн, худи китобдан ўқиётгандек охори тушмаган гапларни топиб, лапар ўқиб сўзлар эди. Шундай иборалар билан сўзлар эдикн, гоҳда гапига тушунмай, бундай галати гапларни қаердан топганига ҳайрон қолардик. Фома Григорьевич бир кун унинг бу хил гапларига киноя қилиб галати бир ҳикоят сўзлаб берди: бир мактабачани дъякон лотинча гапга шундай уста қилибдик, бола ҳатто ўз тилимизни унутиб, нима гапирса «ус» қўшиб сўзлайдиган бўлибди: куракни куракус, хотинни хотунус дейдиган бўлибди. Бир кун отаси билан далага чиқиб, бу ерда ҳаскашни қўриб отасидан: «Дада, сизларнинг тилингизда буни нима дейсизлар» деб сўрамоқчи бўлиб ҳаскашнинг мих томонини оёғи билан босган экан, отаси жавоб бергунча ҳам бўлмай, ҳаскашнинг ёғочи кутарилиб аграйиб турган боланинг пешанасига теккан экан, бола пешанасини ушлаганича бир газ нарига қочиб «Ҳа, занғар ҳаскаш! Оти нима эди, падарига лаънат, ёмон тегаркан» дебдир. Ана шунака. Ҳаскашнинг сти ҳэм боёқишнинг эсига келиб қолибди. Бу гаплар қув ҳикоятчига ёқмади шекилли, индамай-индамай ўрнидан туриб, уйнинг ўртасига бориб чатоногини кериб туриб олди, кейин бошини андак эгиб бир қўлиниmallаранг коптонининг¹ орқа чўнтағига солиб, ялтираган думалок тамаки кутисини олди. Кутичанинг устидаги мусулмон подшосининг суратига бир чертиб қўйгач, ундан бир хил ўт билан кул аралаштирилган бурнакидан катта бир чимдим олиб, ҳатто бошмалдоғини ҳам бурнига еткизмасдан узоқдан бир тортиб эди, бурнакининг бор-йуғи бурнига кириб кетди, аммо ҳануз ҳам ҳеч нарса демади. Кейин яна бир киссасига қўл солиб, катак-катақ кўк чит рўмолчасини олгандан кейин эшитилар-эшитилмас ғўнғиллаб масал ўқигандай «эшак қулоғига танбур чалманг» деб қўйди; Фома Григорьевич бошмалдоғини икки нанжаси орасига олиб турганини пайқаб ичимда, «жанжал бошланади» деб қўйдим. Ҳайриятки, кампирим фаросат билан фаҳмлаб дастурхонга дарҳол иссиққина мойлик оширма нон келтириб қўйди. Ҳаммалари овқатга тутиндилар. Фома Григорьевич ҳалиги вазиятда ушлаб турган қўлини мана деб кўрсатиш ўрнига, мойлик нонга узатди ва одатича бу сафар ҳам кампирининг пазандалигини мактаб кетди. Яна бир ҳикоятчим бор эдикн, аммо буниси шундай ваҳималик ҳикоятлар айтар эдикн (бемахалда уни айтиш ҳам чакки-ку), этларимиз жимирилашиб кетар эди. Шуннинг учун унинг ҳикоятларини бу китобимга қўшимадим. Ҳаммани ваҳимага солиб яна балога қолмай. Худо уриб асаларичини курганда ҳамма жиндан қочгандай қочмасин, дедим. Агар худо умр бериб келаси йилгача ўлмасдан яна бир китоб чоп қилиб чиқазсам,

¹ Коптон — түп.

мана бу китобда нариги дунёдан қайтиб келганлар борми, динимиз кувват топган юртимиэда, қадим замонларда бўлиб ўтган ажойиботлар борми хикоят қилиб одамларни бир ваҳимага солай. Бу хикоятлар орасида асаларичининг ўз набираларига хикоя килгани латифалари ҳам чиқиб қолар. Ўкиб тингласаларингиз бўлгани, андак дангасалигим бор, шуниси ёмон, бўлмаса, айтаберсам, бундай китобдан ўнта ҳам бўлади.

Пок бўлмаса гапнинг каттаси ёдимдан чиқадиган экан. Азиزلар, меникига бормоқчи бўлсангизлар катта ўйл билан тўппатуғри Диканькага йўл солаберинглар. Адашмасдан тезроқ етиб борсинлар деб, бу номни атайин китобнинг бошига битиб кўйдим. Диканька қишлоғининг таърифини хўб эшитган чиқарсиз. Шунн ҳам айтайки, ундаги ўй аллақандай асаларичининг похол капасидан яхши. Богнинг таърифини алтган билан адо бўлмайди, сизнинг Петербургингизда буидай боғ бўлмаса керак. Диканькага келгач, учраган кир кўйлак гозбоқар боладан «Асаларичи Рудий Паньконики қаерда?» деб сўрасангиз, дарров «ана» деб кўрсатиб беради, мабодо хоҳласангиз элтиб ҳам кўяди. Факат илтимосим шуки, қўлингизни орқангизга килмасдан, жудаям гердаймасдан боринг, чунки қишлоғимизнинг йўллари сизнинг боргоҳларингизга борадиган йўллардек текис эмас. Фома Григорьевич бурноги йили тўриқ байталини янги аравасига қўшиб келган экан, Диканькадан чиқаверишда бир чукурга ағанаб кетибди, тагин тизгинини ўзи тутиб, кўзи устига янабир ҳарид қилган кўз ҳам тақиб олган экан.

Ва лекин қадам ранжида килиб меҳмон бўлиб борсангиз, умрингизда емаган қовунлар сўйиб бераман. Азбаройи худо, ҳеч бир қишлоқда топилмайдиган асаллар бор. Шундай хушбўйки, ҳиди уйни тутиб кетади. Тозалиги кўз ёшига ёки қимматбаҳо исирғаларнинг ақиқ тошига ўхшайди. Кампир пиширган перогларни асло кўяберинг! Қанду асал. Есангиз мойи оғзингиздан оқиб кетаберади. Хотинларга балли-я. Афандилар, нок сувидан наъматак солиб қилинган ёки майиз билан олҳурот солинган шарбат ичганимисиз ёки широши еганингиз борми? Худоё тавба, дунёда андоғ турли мазалик овқатлар бор экан-да! Лаззат-а — лаззат! Мақтовини айтган билан тамом килиб бўлмайди. Ўтган йил...исе, менга нима бўлди, мунча жаврайман. Иш килиб боринг, албатта боринг, кечикмасдан боринг. Зиёфатни шундай боплаймизки, курган бирорга мақтайдиган бўласиз.

Асаларичи Рудий Панько

СОРОЧИ ЯРМАРКАСИ

1

Зериктим уйимда ўлтириб,
Ўх, мени тез олиб кетинглар.
Қизларжон ўйнашиб-кулдириб,
Йигитлар қўнглини тўлдириб
Юришган жойларга элтинглар.

Кадим афсонадан

Малороссиянинг ёз кунлари қандай гўзал, қандай дилбар! Кун қиёмга келиб поёнсиз кўм-кўк денгиз гумбази гўё ерни кучмоқ бўлгандек, унинг устига тўнтарилмиш ва гўзал маҳбубасини оғушига олгач гўё бунинг лаззатига ботиб роҳат уйқусига толмиш; иссиқ ҳаддан ошиб ҳамма жимиган бу пайтда киши қандай толиқади! Осмон гумбазида булутидан асар йўқ. Далалар жимжит, гўё борлик ўлмиш. Фақат баланд осмонда тўрғай сайдайди, холос. Унинг кумушдек жаранглаган овози ҳаво нарвонидан юрганича тушиб, юрагида севги ўти ёнган ер устига тўкилмоқда. Аҳён-аҳёнда балиқчи қушларнинг чағиллаган овози, саҳрова сайдори беданалар товуши эшитилмаса, бошқа товуш чиқмайди. Булат билан ўшишган чинорлар худди сайру томошага чиққанлардек шалпайиб ҳомуш турадилар. Қўз нурини олгудек тез офтоб шуълалири баргларга наизадек қадалиб, алвон турли ранг ичидан товлантиради, баъзиларига тун коронғусидек қора кўланка ташлайди, бу барглар каттик шамолда қуёшнинг зар нурларидан баҳра олмасалар, бошқа маҳалда ололмайдилар. Осмонда пириллаб учиб юрган зумуррад, забаржад ва ёкут капалагу капалакчалар сарвқад кунгабокарлардан чамандек очилиб турган экинзор ерларга ёғилмоқдалар. Далаларда босилиб қўйилган пичанлар, гарам-гарам сап-сарик бугдойлар катор-катор кетаётган кети кўрнимаган карвонга ўхшайди. Гилос, олуҳирот, олма ва нокларнинг тарқалиб кетган шоҳлари мевасининг оғирлигидан эгилмиш. Осмон, унинг ойнадек равшан юзи, кўм-кўк чор-чўп ичига олиниб ҳиммат билан баланд кўтарилган дарёдир... Малороссиянинг ёз фаслида қанча лаззат, қанча гашт бор!

Бир минг саккиз юз...саккиз юз...-нчи йилда иссиқ август ойининг аиа шундай дилбар, гашти бир куни эди... Хуллас, бундан ўттиз йилча бурун Сорочинец деган мавзудан тахминан ўн чакиримлик жойдаги йўллар атрофу жавонибидаги мавзу ва қишлоқлардан ярмаркага келаётган одамларга тўлган эди. Туз, балиқ ортган аравалар, эрта саҳардан узун-узун карвон бўлиб келмоқдалар. Пояхолга ўралиб тоғ-тоғ қилиб аравага босилган

мўндию хурмачалар коронгида қамалиб қолганларига хафа бул-
гандек секин-секин келмоқдалар. Сирланған мўндиchalар, кўва-
кўвачалар худди мақтандандай срзанинг баланд четанидан унда-
бунда кўриниб, яхши молга меҳр қўйган кишиларнинг ҳавасини
келтиради. Бу қимматбаҳо матонинг эгаси лойдан ясалган олифта-
лари билан серкарашма сатангларини авайлаб, очилиб қолган-
ларини похолга ўраб, араванинг кетидан аста-секин бормокда.
Кўп йўловчиларнинг баланд бўйли кулолга ҳаваси келарди.

Қоп, каноп, мато ва бошқа ҳар хил рўзгор ортган ҳўқиз арава
бир чеккадан секин-секин келмоқда. Оппок сурп кўйлак, дофу дуғ
теккан оқ сурп чалвор кийган эгаси арава орқасидан имиллаб
келяпти. Чиройлигу хунукни айрмасдан, чақирмаганда ҳам ўзи
келиб неча минг йиллардан бери ҳеч кимсани хоҳламаганига
қўймай, бутун одамзоднинг соч-соқолини оқ упага бўяб келаётган
баттол сартарош оппоқ қилиб қўйган узун мўйловидан ҳам,
қорайган юзидан ҳам оқиб кетаётган терини хушёқмаслик билан
зўрга артиб қўярди. Унинг ёнида араванинг кетига боғланган
байтал ҳам бор. Бечоранинг юввош-юввош бориши қариб қолга-
нидан далолат берарди. Кўп кишилар, хусусан ёш йигитлар ара-
васи кетидан бораётган бу кишига рўпара келганда шапкаларини
олиб салом берардилар. Аммо бу хурматнинг боиси унинг мўйса-
фидлиги ёки савлат билан юриши эмас; бошингизни андак юқори
кўтариб қарасангиз, бунинг асл боиси нима эканини дарҳол кура-
сиз. Аравада бутадек кўзлари ўтқир ёниб турган, кора кошлари
ёйдек қайрилиб тушган, қизилгул фунчасидек лаблари табассум
қилиб турган, сочини қизил ва кўк ленталар билан боғлаган
думалоққина кўхлик қизи ўтирипти. Бошидаги ленталари, узун
соchlарига тақилган чечак гуллар чиройлик бошининг ҳуснига ҳусн
булиб тушибди. Уни ҳар бир нарса машғул килгандай, ҳар нарса
қизиқтиргандай, ажойибдай кўринарди. Шаҳло кўзлари ҳар
тарафга қараб ўйнар эди. Нега ўйнамасн. Ярмаркага келгани
шу! Ўн саккиз ёшлиқ қиз ярмаркага энди биринчи келиши!.. Лекин
ярмаркага бораман деб отасига қанча ялиниб-ёлворганини йў-
ловчилардан ҳеч ким билмайди. Отаси қизини аввал ҳам ярмарка-
га олиб боргиси келарди-ю, аммо узок хизмати бадалига энди бу-
гун бозорга лойик кўрилган байтални отаси ўзига қандай ром қи-
либ олган бўлса, унинг ўзини ҳам шундай ром қилиб олган хотини
ҳеч кўймас эди. Чакаги тинмаган хотин... Эй, эсимиздан чиқинти.
Эгнида кўк тивитдан тикилган ясамол кофталиқ, ола байроқ йўл-
йўл юбкалик, бошида гулдор чит қалпоқчалиқ онаси ҳам арава-
нинг устида ўтиради. Кофтасига худди қундузға тикилгандек, қи-
зил парчалар уланган, бошидаги қалпоқнаси унинг тўладан кел-
ган қиққизил юзини алланечуқ салобатли қилиб кўрсатарди.
~~Унинг юзидан кашлайди бир сочалиқ, кашлайдир ёқимсизлик бор.~~
~~Бир сочалиқ кашлайди кундузға тикилгандек, қиққизил юзини дарров~~

ундан олиб, кулиб турган қизнинг чиройлик юзига қаради.

Йўловчиларининг кўзига йирокдан Псел¹ кўрина бошлади. Узокдан шабада туриб, салқин ҳам тушиб қолди. Қаттиқ иссиқнинг шиддатидан кейин шабаданинг таъсири дарров билина қолди. Ўлаизор ичида чалакам-чатти ўсиб ётган оқ терак, миrzатерак ва қора толларининг кўм-кўк ва яшил япроқлари орасидан совук ичида йилтираб турган ўт учкунлари кўринади. Нозанин дарё кумушдек кўкрагини очмиш, дараҳтларнинг паришон яшил кокиллари унинг оқ баданига ёйилиб тушмиш. Зар кокиллари патила-патила бўлиб ойдек юзига, нозик кифтларига, мармардек оқ бўйнига ёйилиб тушган ситамгар бир танноз, нозу карашма билан ойнага бокканда, юз жилва қилиб зару зеварларни бирини ташлаб, бирини олганда нучук итобу истиғно кўрсатса, бу дарё ҳам шўхлик билан ҳар йили ўзга бир сой пайдо қилас, оқар йўлини ўзгартар, янги жойлардан ўтар эди. Қатор-қатор тегирмонларнинг оғир парраги сувни мавжга келтириб, толкон қилиб ҳар тарафга сачратар, сочар, туполон кўтарап эди. Биз билган одамлар тушган арава бу чокда кўпrik бошига кирди. Дарё ҳам бутун ҳашамату савлати билан улар кўз ўнгиде азамат бир ойнадек очилди. Осмон, кўм-кўк яшил дараҳтлар, бораётган одамлар, кўзаю мунди ортган аравалар, атрофдаги тегирмонлар тескари бўлиб тўнтирилганча ложуввад сувнинг тагига тушмай муаллақ осилиб қолди. Аравадаги нозанин кела-келгунча тинмай чақиб келаётган пистачкасини ҳам унубиб, атроф манзарасига маҳлиё бўлиб қолди. Қизнинг хаёли қочиб турган пайтда бировнинг: «қандингни ур, қизча!» деган хушомади қулогига кирди. Қайрилиб қарагач, кўпrik устида тупланиб турган бир неча ўспирин йигитчаларга кўзи тушди. Кийим-боши бошқаларнидан олифтарок бўлиб, устига оқ тўи, бошига кўк баррадан қалпок кийган бир бўз йигит керилниб, белини ушлаганча одамларга қараб туар эди. Йигитнинг офтобда корайган, лекин ёқимтой чехраси, гўё қизини у ён-бу ёнидан тешгудай бўлаётган чараклаган кўзлари гўзал қизнинг назарини жалб этмай қолмади. Хушомад қилган одам шу кишимикин деган хаёл қўнглидан ўтиши билан қиз кўзларини юмиб олди. Оқ тўнлик йигит кузини қиздан олмай яна хушомад қилиб:— қандингни ур!— деб қўйди.— Агар бир ултираса, топган таянганимнинг ҳаммасини берардим. Олдида анави ажина ўтирипти-да!

Ҳамма хохолаб кулиб юборди. Лекин шошмасдан аста-секин кетаётган эрнинг ясанган хотинига йигитнинг бу хушомади унча хуш келмади шекилли, қизил юзларидан олов чиқиб, бирталай тутилмаган қарғишлар шўх йигитнинг устига ёмғирдай ёғилди:

¹ Псел — жойпинг опи (Тарж.)

— Афтиыг курсин кемакаш, илойим тиқилиб үлгин! Отангнинг бошида хурмача синсин! Лаънати дажжол отаңг муздан тойиб йикилсни! У дунёда отангнинг соқолига шайтон ўт қўйсин!

Йигит тұсатдан бундай қарғышларни эшитиб хайдон колган-дек:

— Қарғышини қара-я. Ажузага үхшаб, тили оғримасдан жаврайди-я!— деб қўйди.

Ёши ўтинариб қолган барно жувон йигитнинг гапини илиб кетди:

— Ажуз-я!.. Таъеия, аввал башарангни ювиб олсангчи! Жувонмарг юум! Онангнику курганим йўқ, онанг ҳам, отанг ҳам ўзингдан баттар исқиртдир, амма-холанг ҳам таъвияси чиқкан тараққосидир! Ажузадейди-я, онасининг сути оғзидан кетгани йўқ-ку...

Бу пайтда арава кўприкдан ўтиб, нима деётгани энитилмади, лекин йигит можарони бу билан тамом қилгиси келмади шекиlli, ҳаш-паш дегунча бир думалоқ лой олиб отди. Лой ҳам мўлжаллангандек худди хотиннинг бошига бориб тегди. Янги ураган чит дуррачаси лойга беланиб, шўх буз йигитлар яна қаттиқрок хохолаб кулиб юборишиди. Савлатли сатанг жони чинкундай бўлди, аммо бу орада арава анча нарига кетиб қолгач хотин ҳамма аламини бечора ўгай қизи билан, бу хил можароларга аввалдан кўни-киб қолганидан ғазабнок хотиннинг фасод гапларига парво қилмай индамай кетаётганди эридан олди. Бовужуд хотиннинг чарчамаган тили тинмасдан, шаҳарга яқин жойда тургувчи бир чеккаси қариндош бўлган, эски танишлари казак Цибуланикига етгунча жавраб борди. Кўпдан бери кўришмаган қавм-карнидошлиарини кўргач, йўлда вое бўлган нохуш можаро бирпас эсларидан чи-киб, ярмарка хусусида гаплашиб кетдилар ва узок йўл юриб чарчаган эканлар, бироз дам олдилар.

II

Е олло, ярмаркада йўқ нарса борми!
Дунгалаг дейсанми, ойна дейсанми,
қорамой, тамаки, кайиш, пиёс дейсан-
ми ҳамма нарса бор, бирор олган,
бирор сотган... киссангда ўттиз сўминг
бўлса ҳам ҳамма ярмаркани сотиб
ололмайсанми!

Малороссча комедиядан.

Узокдаги шаршаранинг овозини эшитганингиз бордир. Сувнинг шариллаган, гуриллаган овози оламни босиб, аллақандай номаълум тўполон нағмалар қулоғингиз атрофида гирдобдек гур-

гур айланади. Қишлоқ бозоридаги ярмаркага борганда ҳам ўзингизни худди шупдай ҳис этмайсизми? Бозор ўртасы, йўллари одамга тулиб, ҳамма бир-бирига ёпишиб, худди ваҳимали катта бир маҳлукдек гивир-гивир қилади, холос. Шовқин-сурои, ҳой-хуй олами босади. Бакирган-чакирган, бирорвни бирор сўккан, моллар мъярлашган, тўс-тўполои, говур-гувур. Бир ёқда ҳўқизлар, бир ёқда коп-кот юклар, похол-пичанлар, лўлилар, мўйнию мўйндиҷалар, хотин-халаж, ширин кулчалар, бошлардаги телпагу қалшоқлар ҳаммаси ранг-баранг бўлиб, тўполон билан ҳали у ёқка, ҳали бу ёқка гув-гув югуради, кўзингизни қамаштиради. Шовқиндан гап англаб бўлмайди. Шундай бир тўфонки, ҳеч бир сўз бу тўфон гирдобидан кутилиб чиқиб кетолмайди. Ҳеч бир гапни аниқ эшитиб бўлмайди. Ярмарканинг ҳар тарафидан яккаш қийнишиб, савдолашётганларнинг бор баракаси ёштилади холос. Бир ёқда арава синган, бир ёқда темир данғиллаган, ерга ташланган тахталар тақиллаган. Одамнинг боши айланиб, қаёқка карашини билмай қолади. Ҳалиги қишлоқимиз ҳам аллақачон кора қош қизи билан тўполон ичиди туртиниб юрипти. Ҳали бу, ҳали у араванинг олдига борарди, унисини, бунисини ушлаб кўради, нарху навони суриштираси эди, лекин ўй-хәёли бозорга келтирган ўн қоп бугдойи билан қариб қолган байталида эди. Қизнинг авзоидан, ун ортган, бугдой ортган аравалар орасида тентираబ юриш унга унча хуш келмаганга ўхшар эди. Чиройлик қизил уқаларни, исирғаларни, қўлом, мис бутларни, танга-живакларни ёйиб, кафа қилиб ўтирган дўкондорлар тарафига борақолсан дер эди. Аммо, лекин қизга бунда ҳам томоша кўп топилди, бир лўли билан мужик барака қиласериб қўллари оғригандан вой-войласалар ҳам зўр бериб қийишиб ётганларини кўриб, бир маст жуҳуд бир хотиндан дўнг олаётганини, уришиб қолган икки бозорчи хотин қарғашиб бир-бирига кисқичбака отишганини, бир москалъ¹ бир қули билан эчки соқолини силаб, бир қули билан... турганини кўриб тоза кулди. Бир маҳал бирор кўйлагининг гул тикилган енгидан ушлаб тортиди. Қайрилиб караса, ҳалиги оқ тўнлик ўспиринча кўзларини жавдиратиб унинг олдида турипти. Томир-томири жимирилаб, юраги шундай орзиқиб кетдики, ҳар қандай суюнганда ҳам, хафа бўлганда ҳам ҳеч-ҳеч маҳал юраги бундай ўйнаганмасди. Бир ёқдан суюнса, бир ёқдан ғалати бир ҳол рўй бериб ажабланар, нима бўлганини ўзи ҳам билмасдан ҳайрон эди.

Йигит унинг қўлидан ушлаб, астагина:

— Жоним, кўрқма, кўрқма! Ёмон гап айтмайман! — деди.

Барно қизнинг кўнглидан, ёмон гап айтмайман дегани рост бўлса ростдир, аммо ўзимга-ўзим ҳайронман... Айёр экан. Бундай

¹ Москалъ — рус демаклир.

турмок уят эканини биламану, лекин кўлимни тортиб олишга мажолим йўқ — деган гаплар ўтди.

Отаси қизига қараб бир нарса демоқчи бўлиб турганда бир ёқдан «буғдой» деган гапни эшитиб қолди. Афсуни зўр бу сўзнинг сехри шу ондаёқ уни шанғиллашиб гаплашиб турган икки савдогар ёнига тортди. Шундай анграйиб қолдики, энди хеч нарсга уни бундан ажратиб ололмас эди.

III

Курдингми, бўз йигит! Разм сол бундок,
Ундайлар дунёда жуда озрок.
Бузадек ичади маю арок.

Котляревский — «Энеида»¹

Афтидан бу ернинг одами бўлмай шу атрофдаги биронта мазгилдан келган кишига ўхшаган, олача чалвори чирк тегиб доғдог бўлиб қолган бир одам ёнидаги ямоғлик тўн кийган, пешанаси фурра бир одамга қараб:

— Ҳамشاҳар, бугдойнимиз ўтмайди деб ўйлайсанми? — деди.

— Ўйласам, ўйламасам шу. Агар бир қадоқ сотсак ана шу тेракка майрам куни шипда осиглик турган колбасадек осиб қўйсанг ҳам майли.

— Ҳамшаҳар, кимни лақиллатмоқчисан? Бозорга бизникидан бошка бугдой келгани йўқ-ку — деб эътиroz билдириди олачадан чалвор кийган, бизга ошна бўлмиш одам.

Бу икки ўжарнинг гапига астойдил қулоқ солиб турган бизга ошна бўлмиш бояги одам «қўнглингизга келганини гапираберинглар. Гапиринглар. Ўн қоп донни тахлаб қўйибман» — деб ўйлади ўзича.

Пешонаси гурра одам илмокдор килиб:

— Ана шундай жин аралашдими, бўлди. Очдан қанча ҳаён бўлса, бундан ҳам шунча ҳаён, — деб қўйди.

Олачадан чалвор кийган шериги дарров:

— Жининг нимаси, — деди.

— Пешонаси фурра:

— Одамларнинг гапини эшитмадингми? — деди, хўмрайган кўзларини аланглатиб.

¹ Котляревский — Украинанинг машхур ёзувчиси (1769 йилда туғилиб, 1838 йилда ўлган). Ёзувчининг «Энеида» деган энг муҳим асари, кадимги Румо шоири Вергилийнинг (бизнинг асримиздан 69—70 йил аввал ўтган) шу номдаги асарига таклид бўлиб, Украинанинг XVIII асрдаги турмушини ҳажв килиб ёзилган достондир.

— Хўш!

— Хўш, деганини қара бунинг! Бойнинг олухирот шарбати лабига тегмагур даъвоши ярмаркага шундай жин теккан жойни бернибдирикни, бунда ўлганда ҳам битта дон сотолмайсан. Ҳов анави тепалик ёнидаги бузук оғилхонани кўрдингми? (барио қизнинг гаинг қулоқ солиб турган отаси шу пайтда яна якинроқ келди, унинг бутун аъзойн-бадани қулоқ бўлниб кетганга ўхшар эди).— Ани шу бузук оғилхонада жинлар ўйин қиласар эканлар. Бу ерда ҳеч ярмарка бир фалокат бўлмаедан омон-эсон ўтгани йўқ. Кеча бўлус маҳкамасининг миrzаси бемаҳалрок бу ердан ўтиб колган экан, томнинг туйнигидан бир тўнғиз тумшуғини чикариб ҳурилласа, бадани жимирилашиб кетибди. Яна қизил чакмон¹ чакмаса дейман!

— Кизил чакмонинг нимаси?

Хамма гални дикқат билан эшитиб турган бояги ошнамизнинг тела сочи тик бўлниб оркасига қайрилиб караса, қизи билан ҳалиги йигит бутун дунёни тарқ қилиб кучоклашиб, ишқ-муҳаббатдан бир-бирларига афсона айтиб турптилар. Бу холни куриб ваҳимаси тарқаб яна эски бепарволигига қайтди.

— Эҳ-ҳа. Ҳамшаҳар, қучоклашнинг жуда машқини олганга ўхшайсан. Мен марҳума Хвеккани олганимда тўрт кунгача кучоклашин билмаган эдим, куёв навкар бўлган бир ошнам ўргатиб кўймаса сира билмас эдим.

Кизнинг отаси соддароқ одам эканини йигит дарҳол пайқади, уни қандай қилиб ўз томонига оғдириб олиш фикрига тушди.

— Яхши киши, сен мени танимайдирган чикарсан, лекин мен сени дарров танидим.

— Танига бўлсанг танигандирсан.

— Агар хоҳласаңг номингни, лақабингни ҳам, ҳаммасини айтиб бераман. Отинг Солопий Черевик.

— Тўгри, Солопий Черевик.

— Яхшилаб қара-чи, мени танидингми?

— Йўқ, танимадим. Жаҳлинг чикмасин, умримда хар хил одамларни жуда кўп кўрганман, қайси бири эсимда қолсин.

— Голопупенконинг ўғлини эсиндан чикариб қўйганингни қара-я!

— Охримнинг боласимисан?

— Бўлмаса-чи? Ундан бошқа кал йўқми?

Бундан кейин икки ошна шапкаларини олишиб сураша кетдилар, бир-бирларини ўпдилар. Голопупенконинг боласи фурсатни ғанимат билиб, дарҳол янги ошнасини қўлга олмоқ пайнга тушди.

¹ Шайтон маъносида.

— Эиди-чи, Солоний, менга қара, қизинг билан мен бир-биримизга хуштор бўлдик, ўла-ўлгунча бир-биримиздан ажралмайдиган бўлдик.

Черевик қизига қараб кулиб туриб:

— Нима дейсан, Параёка, майлими, кўшилиб бирга... бу ўтлоқда ўтлайсизми? Майлими? Қўд олишиберайми? Кани, янги куёв, бер берадиганингни.

Бир маҳал учловлари ярмарканинг машҳур бир ресторанига кириб келдилар. Бир жуҳуд хотин аллақанча катта-кичиқ ҳар хил шишаларни қатор қилиб кўйипти.

Черевик андак ширакайф бўлгандан кейин, куёвликка аталмиш йигитнинг ярим чорак элитадиган катта кружкани тўлдириб, юзини асло буриштирмасдан бир шимириганда топ-тоза ичиб, кружкани ерга уриб чил-чил қылганини кўргач:

— Баракалла, койилман! Параска нима дейсан? Хўб куёв топдимми сенга! Қара -я, ароқни шимиришини кара-я...— деди.

Кейин хушвақт бўлиб қизи билан бирга гандираклаб арава тепасига келди. Йигит бўлса мис қоплаган серҳашам беланчак, сўнгра қайнота-қайнона ва бошқа хеш-акраболарга совға-салом олмок бўлиб, ҳатто Полтава губернасидаги энг катта шаҳарлардан бўлган Гадяч ва Миргород шаҳарларидан келган савдогарлар ҳам дўкон очган матофурушлар растасига қараб кетди.

IV

Билки хотин гәр кирмаса?
Эрнинг измига,
Эрдан лозим бўюн сунмок
Хотин сўзига.

Котляревский.

— Хотин, нима дейсан? Қизингга куёв топдим.

— Хозир хўб куёвқидирадиган вакт-да. Тентак, девона! Ўла-ўлгунча шу кўйда ўтадиганга ўхшайсан. Яхши одам шу топда куёв қидирганини қаерда кўрдинг, қаерда эшитдинг. Буғдойни пуллашни ўйласанг-чи, топған куёвинг ҳам қашшоқнинг қашшоги, бир яланг оёқдир-да.

— Нима деяпсан, шундок бир буз йигитки, кўрсанг ҳавасинг келади. Кийган чакмонининг ўзи кўк кўйлагинг билан қизил этигиндан қиммат туради. Ароқ ичишини кўрсанг... Бир ўспирин боланинг ярим шиша ароқни бир кўтарганда ичганини умримда кўрган бўлсан мени ҳам, сени ҳам ажина чалоин.

— Яхши бўпти. Ароқхўр саёқ бўлса ўзингнинг нусхангдан экан. Гаров боғлашаманки, шу йигитинг кўприкда бизга тегишинган

шум боланинг худди ўзи; қўлимга тушмаяпти-да, тушса-ку адабини берардим.

— Хўш, хотин, агар ушанинг ўзи бўлса нима қилипти, нега шум бўлади?

— Ана! Нега шум, дейди-я! Эй, эси пас одам! Нега шум, дейди-я! Тегирмон олдидан ўтиб келаётганиниизда тентакникинга ўхшаган шу кўзинг қаерда эди. Тамакнга белангтан тумшугининг таккинасида бирор хотинини ҳақорат қилса ҳам унинг иши йўқ.

— Хўб, майли шундок, лекин нега энди шум дейсан. Мактаса мактагундай йигит. Башарангга бир пас шалтак суртгани бўлмаса, бошқа шумлиги йўқ.

— Оббо! Гапиргани ҳам қўймайдиганга ўхшайсан-ку! Ахир, майлими? Ўзинг бўлсанг нима қилардинг? Бир нарса сотганинг маълум эмас-ку, аллақачон ичиб олганга ўхшайсан...

Жуда ҳаддидан ошиб кетганини Черевикнинг ўзи ҳам фахмлади шекилли, ғазабга келган ҳамхоби дарҳол тирноклари билан соч-соқолига ёпишишини пайқаб дарров икки қўли билан юз-кўзини бекитиб олди. Ўдағайлаб келаётган хотинидан ўзини олиб қочаркан, кўнглида: «ана холос, тўйим чиқди. Туппа-тузук одам бўлса, энди унга қандай қилиб йўқ, бўлмади дейман. Эй худойим, қайси гуноҳимиз учун биз бечораларни шунча азобга қолдирдинг. Дунёда ёмонлар каммиди, яна хотин деган маҳлукни яратибсан».

V

Чиноргинам шохинг эгма,
Ҳали кўксан, қувватиг бор.
Казак йигит, алам чекма,
Ҳали ёшсан, сенсан шунқор.

Малорусс қўшиғи.

Оқ чакмонлик йигит араваси ёнида ўтириб, одамларнинг тўполнон, шовқин-суронига афрайиб қараб туар турар эди. Аста-аста тобиш уриб тушни ўтказган, қиёмдан ошган, толиқкан офтоб, худди кишини ўзига жазб қилиб кўзни қамаштирадиган даражада кизарганидек, тобиш уриб ботарди. Оқ чодирлар билан оқ капаларнинг тепалари ўтдек шуъла уриб аллақандай кизгиш товланарди. Ерда уйилиб ётган деразаларнинг ойналари чироғдек ёнарди. Ароқ-фуруш хотинларнинг столларида терилиб қўйилган кўк шишалар,

күк қадаҳлар чўғ бўлиб ёндилар, тоғ-тоғ уюлиб ётгаи қоғун-тарвузлар ошқовоклар гўё олтин билан жездан қуйилганга ўхшар эдилар. Фовур-ғувур камайиб, бозорчи хотин ва эркаклар билан лўлиларнинг тиллари чарчаб, гапга келмай қолди. Бир ёқда чироғ ёниб, жимиган кўчаларни умачошнинг хиди тутди.

Қорадан келган баланд бўйлик лўли йигитимизнинг елкасига қоқиб:

— Нимага хафа бўлиб ўтирибсан, Грицько? Хўкизингни берасанми йигирмага, нима дейсан,— деди.

— Сенинг дардинг хўкизда. Сизлар шундай тоифа экан-сизларки, фойда бўлса бас экан. Содда одамни кўрсангиз дарров алдасам дейсиз.

— Туф-ей, бадбахт! Ҳазилакам жин урмаганга ўхшайди сени. Ўзингга-ўзинг бало орттирганингга пушаймонмисан?

— Йўқ, мендан эмас. Мен-ку лафзимда тураман. Бир ишни бошладимми, сира қайтмайман. Лекин чол Черевикнинг сариқ чақалик уяти йўқ экан. Сўзидан қайтиб орқасига... ўтирипти. Ростиға кўчганда ундан гина қилиб бўлмайди-я, у нима-ю, ётган тўнка нима! Ҳаммани килаётган анави ажуза. Бугун кўприк бошида болалар билан уни хўб масхара қилган эдик. Кани энди подшоҳ бўлсан ёки давлатим бўлса-ю, бу хил номард ҳезларнинг ҳаммасини дорга оссам...

— Агар Черевикни кўндириб Параскани олиб берсак, хўкизларни йигирмага берасанми?

Грицько ҳайрон булиб унга қараб қўйди. Лўлининг кора ҷехрасида қандайдир баджаҳллик, заҳар-закқум, симёнлик, пастлик аломатлари билан бирга магрурлик аломати ҳам бор эди: унинг бетига бир карра қараган одам дарҳол бу одамда шундай катта фазилатлар борки, бу фазилатларнинг музди оламда битта, у ҳам бўлса дордир, дер эди. Чўзинчоқ энгаги билан бурни ўртаси ўририлиб кетгандай оғзи кемшик, лабидан заҳарханда ҳеч кетмайди, кўзлари кичик-ку, лекин ўтдек ёниб туради. Юзи ҳар дамда бир ўзгариб неча хил ўй ва хаёллар аломатини кўрсатарди. Ҳудди менга муносаби шу дегандек, эгнидаги ғалати кийимлари ҳам бу хислатларига жуда монанд эди. Қўл тегса тўзиб кетадигандек, тўқ жигарранг чакмони, патила-патила булиб икки елкасига тушиб турган узун кора соchlари, коп-кора оёғига шиллинг почакийган бошмок — ҳаммаси ўзига жуда муниссиб булиб асил-зоти ким эканини кўрсатиб туради.

— Агар алдамасанг йигирма эмас, ўн бешга ҳам бераман, деди йигит, бетига тикилиб туриб.

- Ўн бешга-я? Хўп! Лекин эсингдан чиқмасни ўн бешга дединг! Манави кўк қогоз¹ сенга заколат!
- Агар алдасанг-чи?
- Алдасам заколат сенини!
- Хўп, қўлингни бер!
- Бер!

VI

Шўрим курсин, Роман келиб қолди,
ичак-чавогимни ағдаради эди, сизни
хам, таксир, сира соғ қўймайди.

Малороссса комедиядан:

— Бу ёққа келинг, Афанасий Иванович! Мана бунда девор пастроқ, оёғингизни кўтаринг, мунча қўрқасиз. Девонам москаллар тагин бир нарсани кўтартмасинлар, деб оғайниси билан аравани пойлаб ётгани чиқиб кетди.

Черевикнинг рафиқаси девор тагида қўрқиб-писиб турган поп ўғлига шу қабилдаги сўзлар билан далда бериб чакирап эди. У дарров сакраб деворга миниб олди-ю, лекин қаерга тушишини билмай, хайбатлик алвастига ўҳшаб, теракдек типпа-тиқ турарди; бир маҳал какра ўт ичига гумбиллаб йиқмалиб тушди.

Хивря бўлса ачингандек:

— Шўрим курсин. Хеч ерингиз майиб бўлмадими, худо па-ноҳида сакласин-ку, иш қилиб бўйнингиз синмадими?— деб шивирлар эди.

— Жим туринг! Хеч нарса бўлгани йўқ, марҳаматлик Хавронъя Никифоровна!— деди зўрға поп боласи ўрнидан инкиллаб туаркан.— Мархум ҳазратнинг қавлича айтганда илондек за-ҳарли бўлган бу алафнинг чаққани бўлмаса, бошқа хеч зиён етмади.

— Бўлмаса юринг, уйга кирайлик, хеч ким йўқ. Афанасий Иванович, сизга айтсан, корин-порнингизга ёки бирон ерингизга хала тегиб оғриб қолдингизми, деб ўйладим. Дом-дараксиз кетдингиз. Омон-эсонмисиз? Жаноб отангизга гўр-ердан анчагина тушинти деб эшийтдим!

— Хавронъя Никифоровна, ҳаммаси беҳуда гап. Бизнинг падарга рўзанинг бошидан бүён тушган нарса атиги ўн беш қопча баҳори буғдоӣ, тўрт қопча кўноқ, юзтacha кулча, товук бўлса элликтага ҳам етмайди, тухум бўлса кўпи палағда. Эди ростини айтсан, балассат илтифот сиз томондан бўлур, деган умидим бор!— дер эди поп боласи унга яқинроқ сурилиб.

¹ Кўк қогоз — ранги кўк, беш сўмлик қогоз пул.

У дастурхонга идишларни қўяркан, худди ўзи жўрттага ёчиб кўймагандек уялган булиб, қийпанглаб кофтасининг тугмасини утказаётib:

— Афанасий Иванович, сизга атаган тортигим чучвара, ёғлик кулча, бўғирсок-да! — деди.

Поп боласи бир қўлини бўғирсоққа узатиб, бир қўли билан чучварани олдига тортиб туриб, мақтаб кетди:

— Азбарой худо, гаров боғлайманки, бу овқатларни Ҳаво она жинсидан бўлганларнинг пазандасидан пазандаси пиширгмаган бўлса. Аммо лекин Ҳавронъя Никифоровна, кўнглим сиздан бу овқатларнинг жамидан мазалироқ бошқа бир нав балассат овқат тилайди.

— Вой, Афанасий Иванович, кўнглингиз яна қандай таомлар тусашини мен кайдан билай! — деди забардаст нозанин, ўзини тушуммаганга солиб.

Поп боласи бир қўлини чучварага узатаркан, бир қўли билан хотиннинг йўғон белидан кучоклаб туриб:

— Қандай таом бўларди, албатта сиз нодиран замоннинг муҳаббатингизни хоҳлайман-да! — деди шивирлаб.

Хивря шарми келгандай кўзларини сузиб:

— Қўйинг, Афанасий Иванович, худо хоҳласа, хали кўп нагмалар чиқарадиганга уҳшайсиз. Хали ўпаман деб қолмасангиз гўргайди! — деди.

— Бу борада сизга ўз бошимдан ўтган бир воқеани айтиб берсан ҳам бўлади. Бурсада ўқиб юрган вақтларимда бўлса кепрак, бир замонларда мана ҳозир худди кўз олдимда тургандек, эсимда бор... — деб гап бошлиши билан, ҳовлида ит вовиллаб, эшик тақиллади. Хивря югуриб чиқди-ю, ранги ўчиб дарров қайтиб келди.

— Вой, Афанасий Иванович, икковимиз ҳам шарманда бўлдик. Бир гала одам эшикни тақиллатиб кепти, қўшнимнинг товушига уҳшайди...

Чучвара попбаччанинг бўғзида колди... Худди нариги дунёдан бирор келиб уни кўркитиб кетгандай кўзлари косасидан чиқиб кетди.

Кути учиб кетган Хивря шундоқкина шипда икки ёғочга тахта миндириб, гўр-ерлар саранжомлаб қўйиладиган сўричани кўрсатиб:

— Бу ёқка чиқинг, бу ёқка, — деб бақирар эди.

Хатар қаҳрамонимизни ғайратга миндириди. Бир оздан кейин эси ўзига келиб, аввал ердаги сўричага чиқди, сўнгра секингина шипдаги сўрига чиқиб олди; Хивря эс-хушини йўқотиб, юргурганча дарвозахонага кетди, чунки дарвозанинг тақиллаши ҳаддан ошган эди.

Ажойиботлар бунда-ку.
марҳаматли афандим.

Малороссча комедиядан.

Ярмаркада ажаб ғалати бир воқеа бўлди; қаердандир, моллар орасида қизил чакмон кўринипти, деган овоз ёйилди. Тешик кулча сотиб юрган бир кампирнинг кўзига баҳайбат тўнғиз суратига кирган шайтон кўринипти. Бир нарса қидиргандек араваларни оралаб юрган эмиш. Бу гап дарров тўполони босилиб тинчиган бозорнинг ҳар тарафига ёйилди. Ароқфуруш хотиннинг бир ёнида аравачадан дўкон қилиб ўтирган бояги кампир кечгача бекордан-бекорга ҳамма билан сўрашиб юрган ва ёғи билан ерга тешик кулчаларга ўхшаган чизиқ чизиб юрган бўлса ҳам, бояги сўзларга ишонмасликни ҳар ким гуноҳи азим билар эди. Бунинг устига волость мирзасига бузук оғилхонада кўринган ажина тўғрисидаги ваҳималар қўшилиб, ҳамма ваҳимага тушди, шундай ваҳима босдики, кечга яқин одамлар бир-бирининг пинжига тикилиша берди. Ҳамманинг тинчлиги бузилиб, ваҳима ҳеч кимни ухлатмади. Юраксиз, уйларида хилватхоналари ҳам бўлган бир нечалар тезрок уйларига жўнаб қолдилар. Черевик билан ёнидаги қадрдони ва қизи ҳам шу қабила одамларидан эдилар, яна бир неча ўзларига ўхшаганлар билан бирга эшикни тақиллатиб Хивря бечорани така-пука қилган шулар эдилар. Ошнаси андак тортиб олганлигидан бўлса керак, уйни тополмасдан араваси билан ховлини икки-уч бор айланиб чиқди. Бошқа меҳмонлар ҳам шира-кайф бўлганиликларидан мезбондан аввал уйга кириб ётабердилар. Меҳмонлар уйнинг ҳар ерини кавлаштиришга тутинганларида, Черевикининг рафиқаси ўтирага жой тополмай типирчилаб колди.

Эшикдан кириб келган қадрдони:

— Эгачи нима, қилди, ҳали ҳам безгак қалтиратяптими,— деди бақириб.

— Ҳа, тобим йўкрок,— деди Хивря шинпадаги сўрига аланглаб.

— Қани хотин, аравадаги бочкачани олиб кел-чи,— деди қадрдони бирга келган хотинига қараб.— Яхшилар билан бирга ўтириб ичайлик, латнати хотинлар шундай кўркитиб юбордиларки, одам бирорвга айтгани ҳам уялади.— Кейин сопол кружкадан ҳўпларкан:— Оғайилар, азбаройи худо, бекорга қочиб келдинг-а! Баччагар хотинлар бизларни лакиллатмаган бўлсалар бошимдаги янги шапкамни тикаман. Борди-ю, жин рост бўлсин. Ҳуш, жин бўлса нима қиласи? Башарасига тупур. Агар шу пайтда худди рўпарамга келиб қараб турса ҳам, муштумимин тумшуғига ишқамасам итвачча бўлай!

Меҳмонлар ичидан үзини доим мард олиб мақтаниб юрган энг новчаси шовқынилаб:

— Нега бирдаңига рангинг бўзариб кетди? — деди.

— Менми?.. Худо сакласин, туш кўрдингизми?

Меҳмонлар илжайишиб қўйнишди. Новча ботирнинг юзида хурсандлик кўринди.

— Энди ранг ҳам учмайди, юзлари лолакизғалдоқдек очилиб кетди. Энди пиёз эмас, лавлаги ёки ҳаммани ваҳимага соглан «қизил чакмон», — деди яна бирови.

Бочкача столдан думалаб кетиб меҳмонларнинг кўнгли яна очилди. Қизил чакмон сира хаёлидан кетмай, унинг нима эканини билгиси келиб, ҳеч тинчиёлмасдан ўтирган Черевик қадрдонидан ҳадеб сўрайверди.

— Садағанг кетай! Кимдан сўрасам, ҳеч ким тузуккина айтмайди, ахир бу куриб кетгур қизил чакмон деганинглар нимаси?

— Э, оға, буни кечаси-ку айтиб бўлмайди-я, аммо сени ва бундаги яхшиларни қиёлмаганимдан сұзлаб берсам, берай (буни деб меҳмонларга қараб қўйди), бу воқеани билмоққа сенга үшаб уларнинг ҳам иштиёки баландга үхшайди. Айтсам, айтай, кулок солинглар!

Елкасини қашиб, этаги билан бетини артиб олгандан кейин икки қўлини столга ташлаб гап бошлиди:

— Бир куни, қайси гуноҳи жазосига, азбаройи худо, мен ҳам билмайман, нимаям бўпти-ю, бир шайтонни дўзахдан кувлаб юбориптилар.

— Қандай қилиб шайтонни дўзахдан кувлайдилар, қизиг-а! — деди Черевик унинг сўзини бўлиб.

— Қандай қилиб бўларди, итнинг эгаси кувлаб юборгандек уни ҳам кувлаб юбориптилар-да, нимасини сўрайсан. Жини келиб биронта савоб иш қилиб қўйган бўлса, эшикни очиб йўл кўрсатиб қўйгандирлар-да. Қўйнингчи, шайтон дўзахни согиниб, жуда хафа бўлиб жонидан тўйипти. Кейин ҳеч илож тополмай, ичкиликка ружу қилиб кетипти. Ўзинг кўрган тепа тагидаги вайронга оғилни жой қилиб олипти. Энди у ердан ҳеч ким чўкинмасдан ўтолмайди. Шундай қилиб, шайтон ичкиликка шунақанги ўрганиб кетибдики, бизнинг йигитларимиз ичида унақасини топиб бўлмайди. Эртадан кечгача ароқхонадан чиқмас экан!

Идроклик Черевик бу ўринда гапни яна бўлди:

— Қаёқдаги йўқ гапларни гапирасан, оға! Шайтонни ароқхонага ким киргизади? Ахир, худога шукур, унинг панжаларида узун тирноклари, бошида шохи бор-ку!

— Бошида қалпоғи, кўл-оёғида пайпоклари бор экан-да. Ким танисин, хуб ялло қилиб юргандан кейин, алоҳа буд-шудидан ажраб ҳеч нарсаси колмати. Ароқфуруш аввал насияга берса ҳам,

кейин бермай кўйипти. Кейин шайтон нонлож қолиб, ярмаркадаги арокфуруши жуҳудга кизил чакмонин гаров кўйиб, ҳой жуҳуд, худди бир йил деғанда чакмонимни олгани келаман, эҳтиёт қил, деб бадар кетган экан. Жуҳуд чакмонни яхшилаб қараса, ҳатто Миргородда ҳам топилмайдиган жуда галати мовутдан экан, ранги кўзни олгудек қип-қизил, жуҳуд қачонгача пойлайман, дептида кокилининг тагини қашиб-қашиб, бошка юргдан келган бир бойга унча-мунчага эмас, салкам беш тиллага сотиб юборнити. Жуҳуд гаров муддатини эсидан чиқазиб ҳам юборган экан. Бир куни кеч пайт бирор келиб, қани жуҳуд чакмонни бер, депти. Жуҳуд аввал танималти, кейин яхшироқ тикилиб қарагандан кейин таниб, қанақа чакмон, чакмон-пакмон кўрганим йўқ сендан, депти. У ҳам индамасдан кетаберипти; кечкурун жуҳуд хужрасини бекитиб, сандигидаги пулларини санаб бўлиб, бошига чойшабини ёпиниб ибодат килаётган экан, бир маҳал бир нарсанинг шарпаси эшитилиб, ҳар деразадан биттадан чўчқанинг тумшуғи куринипти...

Шу онда дарвоқе чўчқанинг ҳўриллаганига үшшаган овоз чиқди, ҳамманинг ранги ўчди... Ҳикоя килаётганинг юзидан тер чиқиб кетди.

Черевикининг капалаги учиб, кўрижанидан:

— Нима бўлди? — деди.

Қадрдорни титраб-қақшаб:

— Ҳеч нима! — деди.

Меҳмонлардан бири:

— Нимади? — деб сўради.

— Бир нима дедингми?..

— Ким ҳўриллади?

— Азбаройи худо, ҳеч ким йўқ, нега бекорга мунча ваҳима килдик!

Ҳаммалари қўрқа-писа секин-аста уйнинг тўрт тарафини қидириб кетдилар. Хивря жони чикқундай бўлиб гезариб қолди.

— Э, хезалаклар, сизлар ҳам эркакми! Ҳаммангизни қўлингизга пилтакач бериб, олдингизга чарх қўйиб ип йигиртириш керак! Худо урди кетди... Битта-яримтангиз ўтирган курси гижиллаб кетса ҳаммангиз худди жиндеқ ҳар ёққа қочарканисизда! — деди шовқинлаб.

Хотининг бу сўзларига ботирларниң ори келиб, сал ўзларига келдилар. Ҳикоячи бир ҳўплаб ичиб олиб, яна сўзга кирди:

— Жуҳуд тахта бўлиб қолипти, лекин ёғоч оёқдек узун-узун оёқлик чўчқалар деразадан тушиб, уч қўйрукли қамчи билан савалаб, уни дарров эсига келтирипгилар. Ҳар урганда жуҳуд манави сўридан ҳам баланд сакраб тушаркан. Жуҳуд бўйнига олипти... Аммо чакмонни дарров қаердан топсин. Чакмонни йўлда бойдан бир лўли ўғирлаб, бозорчи хотинга сотган экан. Бозорчи хотин

чакмонин яна ярмаркага олиб келса, ҳеч ким ундан мол олмасмиш, кейин ўйлаб-ўйлаб билса, сир кизил чакмонда экан. Қачон киймокчи бўлса, бир нарса келиб бўғаркан, шундан пайқапти. Хотин у ёқ-бу ёғини ўйлаб ўтирасдан ўтга ташлаган экан. Кўймасмиш. Э, шайтонники экан, деб ақлига келиб қолипти-да, бозорга мой олиб келган бироннинг аравасига ташлаб кетипти. Ахмоқ мойфурш чакмонни кўриб суюнити, лекин, мойнин ҳеч ким олмай кўйипти. Кейин чакмонни бебаракат бирор ташлаб кетган экан, деб болтани олиб чопса, яна бутун бўлиб қолармиш. Кейин чўкиниб олиб, чопкиллаб дарров у ёқ-бу ёққа отиб ташлаб, ўзи жунаб кетипти. Шундан бери ҳар йил ярмарка вактида шайтон чўчка суратига кириб, бозор айланиб чакмонини қидирамиши, энди ҳаммасини топган эмиш-ку, битта чап енги қолипти. Шундан бери одамлар бу ердан ҳазар қиласидар, ўн йилчадан бери бу ерда ярмарка бўлмас эди, бу йил даъвошини нима жин урипти, у...

Сўзининг ярмиси ҳикоячининг бўғизда колди...

Дераза қарсиллаб, ойналари чил-чил бўлиб тушди, бир маҳал баҳайбат бир чўчка тумшугини чиқазиб худди: ҳўш, яхшилар, нима қиляпсиз, дегандек қўзларини бақрайтириб турса-я.

VIII

Думини қўсиб туар ит каби,
Кобил каби титрарди буткул
Ва буридан чикар тамаки.

Котляревский — «Эпейда».

Үйдагиларга ваҳима тушиб кутлари учиб кетди. Латифачи оғзини очганча тахта бўлиб қотиб колди. Қўзлари ўйнаб чиқкундин бўлиб чақчайиб кетди, қўли кўтарилганча колиб, қалтирас эди. Баланд бўйли мард жон-пони чиқиб, бир сакраб тушди, боши шинпадаги тахтага тегиб, тахта сурилиб попвачча гумбиллаганича йикилиб тушди. Мехмонлардан бири — эшакка ётиб олиб, кўл-оёгини типирчилатибвой-войлар эди. Яна бирин бошига пустинини ёпиниб олиб, овозининг борича «дод»лаб бақирад эди. Қути учиб тахта бўлиб колган латифачи бу тўполондан кейин эсига келиб, дарров хотинининг этаги ичига кириб кетди. Новча ботир бўлса сикилганига қарамай, печканинг кичкина тешигидан кириб эшигини ёпиб олди. Черевик бирор қайнок сувини бошидан қуйиб юборгандек, шапкани қўйиб хурмачани бошига илиб олиб зингиллаганича кучага чиқиб, худди жинни бўлган кишидек чопар эди. Ҳайтовур хўб ҷарчаганидан кейин югуриши бир оз пасайди. Юраги тегирмоннинг дўлидек дук-дук уради, юзларидан тер чак-чак оқар, тинкаси куриб, йикилай деган чокда, назарида орқасидан

биров кувлаб келаётганга ўхшаб жони ҳалқумига келди... Эси йўк телбадек оёгини срга тегизмай «Жин! Жин!» деб бакирганча бо-риб, бир маҳал ҳушидан кетиб йиқилди. Орқасидан кувлаб келаёт-ган одам ҳам: «Жин! Жин!» деб бакирав эди. Кейин бир нарса дўпиллаб унинг устига келиб тушганини билди. Ҳуши бошидан учиб, тор тобутда ётган ўликдек куччанинг ўртасига чўзилиб, донг қотиб ётаберди.

IX

Олдидан карасанг ҳеч нарса эмас, орқасидан, азбаройи худо, ажинанинг ҳудди ўзи!

Халқ чўпчагидан.

Кучада ухлаб ётган одамлар ичида бири, бошини кўтариб
— Влас, эшитдингми? Шу яқингинада биров ажинани чакир-
гандай бўлди-я! — деди.

Унинг ёнида ётган лўли керишиб:
— Нима ишим бор, менга деса ҳамма уруғ-аймоғини чакир-
майдими! — деди.
— Ахир биров босиб бўғаётгандек бакирди-да!
— Одам уйқусираганда ҳар бало дея беради-да!
— Ўзинг биласан-ку, аммо бир қараш керак. Қани ўтингни
чақ-чи!

Ётган лўли гўнгиллаб ўрнидан турди, икки марта чақмоқ ча-
қиб, кейин пилтасини пуфлаб ўт олдиргандан кейин бир парча
сополга қўй ёғи қўйиб қилинган, Малороссияда расм бўлган кора
чироқни кўтариб йўлдан бораверди.

— Тура-тур, бир нарса ётганга ўхшайди! Бу ёкка тут чиро-
ғингни!

Шу онда яна бир неча киши етиб келди.
— Влас, ётган нима?
— Икки одам устма-уст мингалиб ётибди. Ажинаси қайси —
билолмадим!
— Тепасидаги қанака одам?
— Хотин киши!
— Бўлмаса ажина ўша-да!
Хохолаган кулгидан ётганларнинг ҳаммаси уйгониб кетди
Одамлар ичидан биров:
— Хотин киши миниб олибди, баракалла, хўп чавандоз экан-
да! — деди.
Яна бири Черевикнинг бошида бир парчаси қолиб синиб туш-
ган хурмачанинг сополини олиб:

— Оғайнилар, манавини қаранглар! Бечоранинг бошига кийиб олган шапкасини қаранглар! — деди

Кулги, шовқин-сурондан ўлуклар уйғониб кетдилар. Солотий билан хотини ваҳимадан довдираб лўлиларнинг кора афтларига бақрайганча анграйиб қолдилар. Пир-пир килиб, дам учуб, дам ёниб турган чирокнинг шуъласи улар юзига тушиб, тим кора кечанинг зулмати ичида ер қаъридан кутарилиб келаётган рутубатли бир ҳовур гирдобида гивирлашиб ётган жинларга ўхшар эдилар.

X

Юзинг бўлсни тескари, қоч йўлимдан малъун!

Малороссча комедиядан.

Эрталабнинг изғирин шабадаси уйқудан турган ярмаркачилар устида ўйнар эди. Офтоб кутарилиб, мўрилардан чиккан тутунилар гўё унинг истиқболига чикқандай у томонга ўрмалар эдилар. Ярмарка бозорида яна ғовға бошланди. Кўйлар маърашиб, отлар кишинаб, гозлар ғовғаси, бозорчи хотинларнинг шовқин-сурони ина олами босди; олами ёритган тонг ёруғи пайдо булиши билан кеча бемаҳал оқшом пайтида одамларни бунча қўркувга солган қизил чакмон тўгрисидаги ваҳимали гаплардан асар ҳам қолмади.

Черевик ошнасиникида похол томлик бостирманинг тагида ҳўқизлар, ун ва буғдой қоплари орасида эсноқ келиб, мудрок бенсиб, кўкнори хаёллари билан керишиб ётган чокда, дангасалик макони бўлган ўз уйидаги азиз печкасидек, ёки унинг остонасидан ўн қадамча жойда тургувчи узоқ бир хешининг майхонасиdek таниш бир товуш қулоғига эшилтилди.

Хулқи мулойим хотини кулоги тагига келиб азза-базза енгидан тортиб:

— Тур, тур! — деб тўнгиллади

Черевик ҳеч жавоб бермасдан лунжини тўлдириб, қўлларини ҳудди ногора чалгандек ўйнатаверди.

Хотини эрининг афтига тегишига сал қолган муштумига чап бериб:

— Девона! — деб қичқириди

Черевик ўрнидан тургач, кўзини бироз ишқалаб у ён-бу ёнига караб олди-да.

— Хобимда — ёлғон бўлса ғанимим мени олсинки, тушимда кўрсам сенинг афting ногора эмиш Ошнам айтган тунов кунги

чүчкә тумшуклар келиб, худди ўрисни ногора чалдиргандек менга ха деб-шу тоңг ногорасини чалдиряптилар-да...— деди.

— Бұлди, бас, бемаза гапларинг курсин, бор тез байтални сот! Шарманда бұлдик-ку! Ярмаркага келиб наҳотки бир кисим пұта сотмасак-...

— Хотии, нима қиламиз, уятга қолдик-ку, хамма кулади,— деди Солопий хотинининг оғзидан сұзини олиб.

— Бор! Бор, тезроқ! Аллақачонок ҳаммага кулғи бұлдинг!

Черевик эснаб туриб, орқасини қаширкан:

— Ахир күриб турибсан-ку, юзимни ювганим йўқ,— деди, ҳарна даңгасалик қилиб олмок ниятида

Жуда бемаҳал озодагарчиликкінг тутнити! Қачон бунақа озода бўлиб қолдинг? Мана сочиқ, афтинги артиб ола қол...

Хотини ўроғлик бир нарсани қўлига олиши билан кути учиб, дарпов уни отиб юборди Ўроғлик нарса қизил чакмон енгининг учи экан.

Қўрқанидан қўл-оғи бушашиб, тиши-тишига тегмай қалтираб кетаётган эрининг ҳолини кўриб ўзини андак мардона тутиб, нафасини ростлаб олгандан кейин хотини.

— Тур энди, ишининг қил!— деди, яна қайтариб.

Эри байтални ёчиб бозорга етаклаб кетаётганда ўз ҳолича фулдираб:

— Энди сотиши қайда! Бу бадбаҳт ярмаркага отланиб чиққанимда, худди бирор ҳаром ўлган сигирни устимга ортиб қўйгандек қўнглим ғаш булиб, оғим тортмагани бежиз эмас экан, ҳуқизлар ҳам икки марта орқаларига қайтган эдилар. Энди эсимга келди, уйдан худди душавба куни чиқмабидик — бу касофатлар шунинг учун экан-да!.. Шайтон бадбаҳт ҳам жим юрмайди, чакмонини бир енгисиз кияқолса нима қиларкин, бечора одамларга бунча ташвиш солмаса нима қиларкин. Худо сакласин-ку, лекин, агар мен шайтон бұлсам бир парча фалокат латтани кечаси демай қидириб юрармидим?

Шу пайтда бирорининг қаттиқ дўриллаган овози эшитилиб, Черевикнинг гапини бўлди, қараса баланд бўйлик новча лўли олдида турипти:

— Нима сотмоқчисан, барака топгур?

У индамади, лўлининг оғидан бошигача хўб қараб олгандан кейин отининг жиловини қўймай, бемалол, секин-аста кетаверди

— Нима сотаётганимни кўриб турибсан-ку!

Лўли унинг қулидаги юганга қараб:

— Тасма сотасамми?— деди.

— Агар байтал тасма бўлса, тўғри, тасма сотаман!

— Ҳамشاҳар дейман отингни похол бериб бокқанга ўхшайсан-а!

— Похол бериб?

Черевик байталини тузукрок күрсатиб, ноинсоф ёлғончини шарманда килмоқ ниятида юганни бир силтаб тортиб эдики, қули енгилгина күчидеги гагига келиб тегди. Қарасаки, қулида кесилген югану, юганга кизил енгнинг бир парчаси боғлик — эсхонаси чиқиб, тепа сочи тик бўлиб кетди. Осмондан тушандек тўсатдан пайдо бўлиб қолган бу тухфани қўрасолиб, тупура-тупура чўкинаркан, қўлларини силтаб, ўш боладан ҳам илдамрок юугурганча қочиб одамлар орасига кириб кетди.

XI

Ўз донимга ўзимни ўгри қилдилар.

Масал.

Кўчанинг тор жойига борганда йигит-яланлардан бир нечтаси:— Ушла! Ушла уни!— деб қичқиришар эди. Бир маҳал Черевик ўзини бироннинг қаттиқ чангалида кўрди.

— Тутинглар! Ҳалиги бечоранинг байталини ўғирлаган худди шу.

— Худо ярлакагурлар! Сизларга нима бўлди, нега менинг қўлимни боғлаяпсизлар.

— Қилғиликни қилиб, яна сўрашини қара! Бечора мусоғир Черевикнинг отини нега ўғирладинг?

— Йигитлар, жинни бўлдингларми? Ахир одам ўзиникини ўзи ўғирлайдими?

— Эски ҳийлани қўйсангчи, ким билмайди ҳийлангни! Нега бўлмаса худди орқангдан бало-қазо қувлаб келаётгандек шаталок уриб кочдинг?

— Шайтоннинг кийимини кўргандан кейин қочмай кўр-чи!..

— Ҳой, бунақа гапингни битта-яримта бошқага айтиб алда. Ажина-пажина деб ҳаммага вахима согланингга ҳали даъвошидан ҳам жазангни қўрасан.

Кўчанинг яна бир ёғида тағин:

— Ушла! Ушла уни! Бу ёқда, мана бу ёқда қочган ўгри!— деган шовкин чиқди.

Черевик қўзини очиб қараса, қўллари орқасига боғланган оғайнисини ҳам бир неча йигит олдига солиб ҳайдаб келяпти.

Йигитлардан бири:

— Хўп ажойиб гаплар чиқдими! Афти-башараси мана — мен ўгри, деб турса ҳам бу муттаҳамнинг гапини қаранг. Нега жин теккандек жуфтак уриб қочдинг деса, «тамаки оламан деб чўнтағимга қўлимни солсан қўлимга халтача эмас, шайтон чакмонидан бир парчаси чиқиб, дарров ўт олиб ёниб кетди, шунинг учун оёғимга қувват бер, деб қочдим-да!» дейди-я.

— Эҳ-ҳа Иккови ҳам бир ошёндан парвоз қилган қуш-ку!
Олиб боринг икковини!

XII

Эй яхши одамлар, айтингиз, қилдим не гуноҳ?
Нимага бунчалик қийнайсиз,— дер ғарип-гадо.
Нимага сиз мени хўрлайсиз, хўш, айтинг, эй-воҳ.
Деб белин ушлади бечора, чекиб нола-оҳ.
Кўзидаи окди ёш, не чора йинглар, дил сиёҳ.

Артемовский-Гулак, «Пан та собака»¹

Похол ёпган чайлада бандда ётган Черевик ёнидаги оғайнисига
қараб

— Битта-яримтанинг бирор нарсасини урганинг ростми?— деб
сўради.

— Оғайни, сендан шу гап келса, энди! Агар умримда биров-
нинг битта чўпини олган бўлсан кўл-оёғим шол бўлсин-а. Уйда
энамдан қаймок билан чучвара ўғирлаб еганим бор, у ҳам бўлса
ун ёшимда бўлган иш

— Оғайни, қайси гуноҳимиз бизни бу балога солди? Сенга-ку
унча эмас Сени бировникини ўғирлабсан дейдилар, аммо мен
бечорага бу тухмат нимаси? Ўз отимни ўзим ўғирлаган эмишман.
Оғайни азалдан толеимиз паст экан-да!

— Шўримиз қурсин, биз бечора ғариларнинг!

Икки оғайни бирдалига ҳўнгиллаб йиги бошладилар.

Бу чоғда тўсатдан кириб келган Грицько:

— Солопий, нима қиёди сенга? Ким сени бундай боғлаб кўй-
ди?— деди.

Солопий хурсанд бўлиб:

— Бормисан, э, ўғлим! Бормисан!— деди шовқинлаб.— Ҳой,
оғайни, сенга айтган эдим-ку, ўша ана шу. Ҳўп азамат-да! Ўлай
агар кўз олдимда худди сенинг каллангдек келадиган кувачани
тўлдириб, пинагини бузмасдан шимириди.

— Сгайни дейман, шундай азамат йигитни иззат қилмадинг-
ми?

Черевик йигитга қараб:

— Кўриб турибсан-ку, сени хафа қилганимга худонинг қаҳри
келганга ўхшайди. Гуноҳимдан ўта қол, садағанг кетай, худо

¹ Украина ёзувчиси ва Харъков университетининг профессори Н. П Артемов-
скийнинг «Бой или ит» деган ҳажвий манзумасидан.

ҳақи, гап менда бұлса, нима десаң қиласадим, нима қилайки, кампир шайтоннинг васвасасига кириб кетган.

— Солопий, мен гинахонлик қилиб юрадиган одам эмасман. Агар хоҳласанг бүшатиб юборай!

Бу гапдан кейин у эшикда пойлаб турған болаларга құзини кисиб, ишора қилиб эди, улар дарров ечишга киришдилар.

— Лекин сен ҳам түйни үрнига құясан-да! Базмда шундай үйнайликки, бир йилгача оёғимиз оғрисин, хұпми?

Солопий орқасига қоқиб:

— Баракалла, баракалла! Ҳозир худди кампиримни уруслар олиб кетгандек суюниб кетаётібмаи. Үйлаб үтираманми, бұлса бұлмаса бугун түйни қилаберамиз, вассалом! — деди.

— Солопий, билиб қўй, бир соатдан кейин сенингга бораман, энди үйингга жўна, байталинг билан буғдойингни оладиган харидорлар үйингда пойлаб туришипти!

— Байтал топилдими?

— Топилди.

Черевик хурсандлигидан донг котиб, боланинг орқасидан қараб қолди.

— Хўш, Грицько, ишни үринлатдикми? Энди ҳўқизлар меникими? — деди баланд бўйли новча лўли, шошиб-пишиб кетаётган йигитга қараб.

— Сенини! Сенини!

XIII

Асло қўркма, асло қўркма аяқиз,
Кизил этик кийиб олгин, ула тез —

ёвни янчгин,
Багрин санчгин.

Сен юрганда ярқирасин нағалла-
ринг жаранглаб,

Жим қолсинлар, қон қуссинлар
ғанимларниг
бос, жадэллаб.

Tўй қўшиги.

Параска ёлғиз уйда чиройликкина энгагини қўлига тираб, хаёл сурисиб үтириб эди. Зар кокилларни ўсиб тушган боши ширин-ширин хаёллар ичидә айланур, лаълдек лабларида тусатдан мулоёним бир табассум, қандайдир номаълум бир хурсандлик пайдо бўлиб, кора қошлари юкори кўтаришур, кейин яна ўй үйлаб хаёл сурисиб кетса, кўтаришган қошлари тагин шамчирокдек ёниб турған бўта

күзларига тушар эди. У ўз ҳолича шивирлаб: «Унинг айтгандар бўлмаса нима қиласан,— дер эди, кўнглига шубҳа тушиб.— Агар унга бермасалар нима қиласан? Агар... наҳотки йўқ десалар. Энам кўнглига нима келса шуни қиласди, мен нега кўнглимдагини қиломайман? Ўжарлигим ўзимга етгулик. Бирам чиройлиг-ей, кора кўзлари ёнади-я, гаплари бирам ширин, жоним Параскахон!— деб гапиради. Оқ чакмони бирам ярашган. Агар белбоги гулдор рок бўлса тагинам ярашарди. Майли, уй қилганимиздан кейин ўзим тикиб бераман. Эсимга тушса бир суюниб кетаман,— дер эди, ярмаркадан сотиб олган, четига қизил қофоз ёпиширилган кичкина ойнасини кўйнидан олиб, ич-ичидан қувониб кааркан.— Агар бирон жойда онам билан учрашиб қолсан кўришмайман, ўзини-ўзи уриб ўлдирса ҳам кўришмайман. Бўлди энди, ўгай қизни калтакламоқлик, она! Тошдан қум кўкарса ҳам, чинор, толдек сувга эгила ҳам сенга бўйин эгмайман. Э, эсимдан чикити-я, ўгай онамники бўлса ҳам кийиб бокайчи, калпокчasi менга ярашармикин!» У ойнани қулидан қўймай, бошини энгаштириб ойнага қараганча, ўриндан турди-да, худди йиқилиб тушадигандек секин авайлаб уйнинг бир ёғига қараб юрди. Уйнинг шипидаги попвачча йиқилиб тушган тахта сўри, токчада турган идиш-оёклар ойнада кўринди. Ўзига-ўзи кулиб: «Менга нима бўлди, худди ёш боладек юргани кўрқаман-а!» деди-да, бир-икки марта дадил-дадил оёқ босгандан кейин бир маҳал чап қўли паастга тушиб бикинини ушлаганча нағалларини жирниглатиб, ойнага қараб туриб доим айтадиган кўшигини айтиб, ўйнинг тушиб кетди.

Кўм-кўккина мажиун тол
паст эгила кол.
Коши кора, сўзи бол
ёrim кела кол.
Кўм-кўккина мажнун тол
эгил сен пастрок.
Кора кои ёр, сўзи бол
келгил якинрок.

Шу пайтда эшикдан кириб келган отаси қизининг ойнага қараб ўйин тушиб турганинни кўриб анграйганча котиб колди. Ўзи билан ўзи овора бўлиб, хеч нарсадан хабари бўлмаган қизининг бу қилиғига кулиб бирпас тикилиб турди, лекин қулоғига таниш кўшиқ эшитилиши билан унинг ҳам завки қўзғаб, икки қули белида, кернлиб туриб ўйнинг тушиб кетди. Ишлари ҳам эсидан чикди. Бир маҳал ошнаси келиб қолиб хоҳолаб кулиб юбордикни, ота-бала иккови чўчиб тушди.

— Баракалла, ота-бала аллақачон түйни бошлаб юборибесіз-ку! Бу ёкка чикинглар, күёв келди.

«Күёв келди» дейиши билан кизнинг юзи бошидаги кизил жияқдан ҳам қаттикөр қызариб кетди, бегам отаси ҳам ҳушига келиб, унинг нимага келгани эсига тушди.

— Қизим, тез бұл! Онанг отни ғоттанимга суюниб, юрганича кетди,— деди отаси у ён-бу ёнга аланглаб қааркан.— Үзиге күйлаклика матоми, алачами нима балолар олгани кетди, у келмасдан ишни битириб қоя қолайлык!

Қиз уйнинг останасидан үтар-үтмас бир тұда одам билан күчада пойлаб турған оқ чакмонлик йигит уни маҳкам ушлаб олганини билиб қолди.

Черевик қиз билан йигитнинг құлини бир-бирига тутқазиб қүйгач:

— Худо ярлақасин! Құша қаринглар!— деб фотиха қилди.

Шу пайтда одамлар шовқинлашиб қолдилар.

Солопийнинг хотини келиб қолиб:

— Ылсам ҳам бу ишни бұлдирмайман!— деб бақирап әди, аммо турған одамлар хохолаб кулишиб, уни итариб-итариб ташлади.

Черевик ҳам хотинининг икки құлини иккита азамат лўли маҳкам ушлаб турғанини күриб:

— Жиннилік қилма, хотин, қўй, бўлган иш бўлди, айнишни ёмон кўраман!— деди жуда бегамлик билан.

Хотин:

— Йўқ, йўқ, асло кўнмайман!..— деб ҳар канча бақирса ҳам, унинг гапига ҳеч ким қулоқ солмади. Бир неча одам күёв билан кизни үртага олиб ўйин туша кетдилар.

Жун чакмон кийган, мўйловлари буралган ғижжакчи қулига камончасини олиб ғижжагини чалиб юбориши билан үртадаги жанжал-талаш бас бўлиб, шундай бир улфатлик пайдо бўлдикни, агар бирор бу ишларга караб турған бўлса, ҳайрон қолар әди. Чехраларида азалдан абадгача кулги аломати кўрилмаганига ухшаган бадковок, тунд одамлар оёкларини тепиб, елкаларини қока бошладилар. Гўё бор-йўқ тебранарди, ҳамма ўйин тушарди. Лекин афт-башараларидан лаҳад ҳиди келиб турған кампирларнинг, кулиб турған очик ёшлар орасида уриниб-суриниб юрганларини кўрган одамнинг таажжуви яна ортиқ бўларди. Бегам-бепарво кампирлар. Уларда ҳатто гўдаклик қувончи ҳам йўқ, ҳеч кимнинг улар билан иши ҳам йўқ, бирор жонсиз машинанинг қулогини бураб, юргизиб тургандек, кампирларга ҳам одамзот-дек қиликларни қилдираётган мастилик әди, улар сархуш бошлигини сарак-сарак килиб, ҳатто келин-куёвга ҳам сира парво қилмай, кулган-ўйнаган шўх ёштар билан баравар ўйнар әдилар.

Қий-чув, ўйин-кулги, кўшик-ашулалар секин-секин пасайиб, камончанинг овози сусайиб, тароналари сўнмоқда эди: узокдаги улуғ дарёнинг гуриллаган овозига ўшаган дупур-дупур секин-аста тиниб, бир пасдан кейин жимжит бўлиб қолди.

Хурсандлик деган барно, азиз меҳмон ҳам бизни шундай ташлаб кетади эмасми, бу азиз меҳмон бизни ташлаб кетганда, танҳоликда ҳар қанча хониш қилсан ҳам хурсандлик қайтиб келмайди, шундай эмасми? Танҳоликда чиккан бу овозининг акс садоси қулоқка харобат ичида чиқкан аламли бир мунгдек эшитилади. Шўхлик ичида ғурур билан ўтган ёшликтининг қувноқ дўстлари ҳам шу кўйда бирин-сирин паришон-пароканда бўлиб, эскидан қолган бир кўхна улфатни ўринларига қолдириб, ўзлари тўзиб кетиши масмикин? Танҳо қолганга қийин! Қўнгли бузилиб, юраги сикилур, аммо бу дардга даво йўқ.

ИВАН ҚУПАЛ АРАФАСИ

... даги бутхонанинг дъячоги айтган ҳикоя

Фома Григорьевичнинг жуда галати одати бор эдики, бир марта айтган ҳикоясини сира қайтиб айтмас эди. Гоҳда бирон ҳикояни яна айтиб берниг деб сўрасангиз, дарров бошқасини айтиб берар ёки эскисини худди янгидек тўкиб кетар эди. Бир кун анав улуглардан бири (бизга ўшаган авомлар уларнинг номларини ҳам айттолмаймиз) ёзгучи десам, ёзгучи эмаслар, бизнинг ярмарка бозоримиздаги жаллоилар бўлади-ку, ана шунака одамлар. Уйдан-бундан сўраб, эшитиб, биронникини уғирлаб, ойда ёки ҳафтада алифбедек келадиган китобчалар чиқазадилар¹. Мана шу афандилардан бири бу ҳикояни Фома Григорьевичдан билиб олган бўлса ҳам, бу воқеа унинг хотиридан батамом кўтарилиб кетибди. Бир кун юкорида айтилган малла чакмонлик одам Полтавадан келиб қолди, унинг бир ҳикоясини ўқиган чиқарсиз, деб ўйлайман. Бу одам бир рисолача келтирган экан, унинг уртасини очиб бизга кўрсатди. Фома Григорьевич қаншарига ойнагини миндиримокчи бўлиб эди, аммо ипини ўрамаганлиги ва мум ёпиштирганлиги эсига тушиб қолиб, рисолани менга узатди. Мен саводдан андак хабардор бўлиб, кўзойнак тақмаганимдан уни

¹ Бунда Гоголь факат фойда кўриш учун ҳар хил журнал ва тўпламлар чиқазган ноширларга киноя килади; бу хил ноширлар ҳар хил ёзувчилардан бўлар бўлмас шеър, ҳикоят ва маколалар ёздириб, иш қилиб фойда килса, бўлгани деб, китоб қилиб чиқазар эдилар.

үкишга тутиндим. Икки бетини ҳам үқиғунимча бўлмай, у қўлимдан ушлаб тўхтатди¹.

— Шошманг! Аввал айтинг-чи, нимани үқияпсиз?

Ростини айтсам бундай савол мени андак таажжубда қолдирди.

— Фома Григорьевич, нимани үқияпсан, деганингиз нимаси, үзингиз айтган киссани, үзингиз айтган гапларни үқияпман.

— Бу гапларни менини, деб сизга ким айтди?

— Бундан ортиқ нима бўлсин, ахир фалончи айтган, деб ёзиб қўйипти-ку!

— Буни ёзган одамнинг калласига туф денг! Итнинг ҳамма гапи ёлғон. Шунақа дебманми, мен? Мияси айниб қолипти. Кулок солинг, ҳозир ӯзим айтиб бераман.

Биз столга яқинроқ келиб ўтирдик. У киши гапини бошлиди:

Худо раҳматли бобом (охиратда емиши кулча билан кунжутли иону асал бўлсин) латифани яхши айтар эди. Бир гап бошлиса, кечгача қимириламасдан эшитгинг келарди. Эндиғилар қизиқчиларга ӯҳшамас эди. Эндиғилар ичларидан чизазиб ёлғонни гапира берадилар, гаплари уч кун овқат емаган одамниги ӯҳшайди, эшитгандага ковушингий кўлинингга олиб қочгудай буласан. Мархума онам ҳаёт эди. Қишининг узун кечаларида, совуқ қаҳрини утқазиб уйимизнинг камбаргина дарчаси ойнаси яхлаб қолган вақтларда олдига пилтакачини қўйиб олиб, қули билан ип йигириб, оёғи билан бешик терватиб ўтиргани ҳам кўз олдимда турипти, аллаалласи ҳали ҳам кулогимда. Уйимизда ёниб турган қора чироқ худди бир нарсадан кўркқандек ҳали лопиллаб кетар, ҳали липлип қилиб пасайиб қолар эди. Онамнинг дуги фир-фир қилар, бола-чақалар ҳаммамиз гуж бўлиб олиб, кексайганидан беш-олти йилдан бери печкасидан тушмаган бобомнинг сўзини эшитиб ўтирап эдик. Лекин бизларга ёққани бурунги замонда бўлиб ўтган роқеалар эмас, запорожъеликларнинг босқинлари, поляклар тўғрисидаги гаплар эмас, Подкованинг ботирликлари, Полтора — Кожух билан Сагайдачнийнинг² қилган полволликлари эмас. Бизларга кўпроқ қадим замонда бўлиб ўтган ажойиботлар ёкар эди; буларни эшитганимизда баданимиз жимирлашиб, тепа сочларимиз тик бўлиб кетар эди. Гоҳда бу хикоялардан шундай ваҳимага тушар эдикки, кеч бўлдими ҳамма ёқни жин босар эди.

¹ «Отечественные записки» («Ватан мактублари») журналининг ношири П. П. Свињинга (1798—1839) киноя. Бу одам 1830 йилда «Иван Купал арафаси» хикоясини босиб чиқазди, лекин Гоголникидан бошқача қилиб, бузиб чиқазди. Гоголь бу хикояни алоҳида китоб қилиб чиқазмокчи бўлганда Свињининг тузатишларини чиқазиб ташлади ва япа бир неча жойини узгартди.

² Иван Подкова, Полтора — Кожуха, Сагайдачний (Петр Конашевич) Українанинг машҳур атоқли подшоҳларидан.

Кечаси ўрнингдан туриб ташкари чиққундай бўлсанг, қайтиб келгунингча ўрнингга охиратдан қайтиб келган бирор ётиб олганга ўхшар эди. Гоҳда ечиб бошимга ташлаб қўйган ўз чакмоним ўзимга гумбак бўлиб, бекиниб ётган ажинага ўхшаб кўринмаган бўлса жоним хик этсин. Аммо бобом хикояларининг галатилиги шу эдикни, ҳеч ёлғони бўлмас эди, нимацки гапирса, ҳаммаси чин эди. Унинг ажойиб ҳикояларида бирини сизга айтти берай. Судхоналарда ариза ёзиши хўб яхши билган саводхон одамлар борки, дуо ва фотиҳалар битилган китобни қўлига берсангиз бошини кашиб тураверади-ю, лекин тишини иржайтириб кулишини хўб билади. Нима десанг кулишдан бошқасини билмайди. Ана шунақа шаккоклар кўпайиб кетди. Ёлғон айтсам худонинг қаҳрига учрай, биби Марям урсин, сизга ёлғон менга чин, бир кун ажинадан сўз чиқиб эди, ажинага ишонмайдиган бир жувонмарг бор экан. Худога шукур, дунёга келиб шунча яшаб, попнинг олдига тавбага борганда ҳам ёлғон гапиравчи каззобларни умримда жуда кўп кўрдим, попни алдаш уларга бизга ўхшаганларга бурнаки отгандек гап. Булар ҳам ажинага ишонмайдилар. Лекин агар тушларида, отини айтмай қўяқолай, ҳалигини кўргандай бўлсалар, у ёғини қўяберинг.

Марҳум бобом айтардики, бундан юз йилми, ортиқми аввал бизнинг бу қишлоғимиз жуда кичкина хароб бир жой экан. Дала серда унда-бунда ҳаммаси бўлиб, ўнтача хонадон бор экан. Ўйлар шувалмаган, томи йўқ, мол боғлайдиган, арава қўядиган оғилхона, бостирма деган нарса сира йўқ экан. Бу ҳали бойларникида, бизга ўхшаган бечоралар ертўлади одамзод борлингини билиб ҳам бўлмас экан. Нега бу зайлда турар эканлар, деб сўрасангиз керак, камбагалликдан деб бўлмайди, чунки у замонда талонга бормайдиган одам кам бўларди, ҳамма бошқа юртларга бориб кўп дунё талаб келар эди. Тузуккина уй-жой қилиб ўтиришга ҳеч кимда ҳавас йўқ эди. Кримликлар дейсизми, полякларми, литваликларми, ҳар бало одамлар бор эди; ўзиники келиб ўз элатини талаб ҳам кетаверарди. Ишқилиб ҳар бало бўларди.

Ана шу кичкина овулда гоҳо-гоҳо бир одам пайдо бўлиб қолкан, одам ҳам эмас, одам суратига кирган шайтон. Қаердан, нега келиб қолганини ҳеч ким билмас экан. Ҳўп тараля, тоза арокхўрлик қилиб, юриб-юриб, бир кун онсииздан йўқ бўлиб, кораси кўринмай кетар экан. Юриб-юриб бир кун осмондан тушгандек яна пайдо бўлиб келаркан-да, энди асари ҳам қолмагану, лекин у замонда Диқанъқадан юз қадамча нарироқда бўлган қишлоқ кўчаларида изғиб юраркан. Йўлиққан бирорни ёнига олиб, ўйинкулги килгани-килган. Пулни ҳўп сарф килар, арок сувдек оқар... Чиройлик қизларни курса лента-ю, маржону, жеваглар улаша бораркан. Кўхлик қизлар бу нарсаларни олганларида, худо бил-

син, қандай ҳаром күлларга кириб чиққан экан, бу нарсалар деб, сал гумонсираб колиптилар. Бобомнинг холаси ҳозирги Опошия йўлида ароқхона очган экан, Басаврюк деган ҳалиги шайтонсифаг одам ҳамма вакт шу йўлда юраркан. Ана шу хотни ҳар қандай молу дунё бўлса ҳам уйдан ҳеч бир нарса олмас эдим, дер экан. Олмасанг ҳам бало, қовоғини солиб, ҳар кайсиси нинадек-нинадек қошини чимириб, ҳўмрайнб караса ҳар қандай одам қўрқиб қаёққа қочишини билмай қоларкан. Агар берган нарсасини олсанг тағин балога қоласан. Эртасигаёт кечаси жарликдан чиққан шоҳлик меҳмонлар келиб маржон олган бўлсанг бўйинингдан бўғаберади, узук олган бўлсанг бармоғингни тишлайди, лента олган бўлсанг сочинигдан тортади. Берганини олганингга минг пушаймон бўласан. Бу ҳам майли-я, кейин сира қутулолмайсан, маржонини ёки узугиними сувга ташласанг чўкмайди, яна қўлинингда пайдо бўлиб қолаберади.

Қишлоқда бир бутхона бор эди, эсимдан чиқмаган бўлса, авлиёлардан Пантелей бобо бутхонаси эди шекилни. Мазкур бутхонада худо раҳматли Афанасий бобо дъячоклик қилар эди. Ҳалиги Басаврюк якшаиба кунтари ҳам бутхонага келмаганини пайқаб, унга жазо бериб, тавба қилдиришмокчи бўлипти. Бе! Ўзи зўрга қочиб қутилган экан. «Таксир-чи хой, агар эчки бўйинингга иссиқ қуғирмоч ёпишмасин десанг, ўзингни билу, ўзгани қўй!» депти. Лашнатига нима деб бўлади! Афанасий бобо нима қилишини билмай ҳар ким Басаврюк билан алоқа қиласа Исо динининг душмани, одамзотнииг ёви ва коғир бўлади, деб ҳаммага эълон килди.

Уша қишлоқда Корж деган бир одам бўлиб, унинг Етим Петр деган бир хизматкори бор эди. Бу одамии шега етим деганларини яхши билолмайман, унинг отаси ким, онаси кимлигини ҳеч ким билмаганиданми, униси менга номаълум. Оқсоқол, унинг отонаси бола бир ёшга тўлар-тўлмас вабодан ўлиб кетган эди, дерди. Ўтган йилти корга бизнинг мухтоҷлигимиз қаича бўлса, бечора Петрининг уруғ-аймоққа мухтоҷлиги ҳам шунчалик эди-ку, аммо бобомнинг холаси оқсоқолининг гапини сира иnobатга олмасдан унинг уруғ-аймоқлари бор дейишини қўймас эди. Петрининг отаси ҳали ҳам бор, Запорожъеда эмиш, туркларга банди тушиб кўлазобу уқубатлар тортиб, алоҳа бир кун ҳарам оғаси кийимини кийиб урра қочипти, дер эди. Қора кош қизлар билан жувонлар унинг ота-снасини суриштирмас эдилар. Улар агар Петрин янги тўн кийдириб, белига қизил пўтадан белбоғ боғлаб, бошига кора барадан тепаси кўк телпак кийғизиб, ёнига румий қилич осиб қўйса, бир қўлига камчин, бир қўлини кумуш қоплама трубка берниб қўйса, у вактда ҳар қандай йигитни йўлда қолдириб кетади, дердилар Лекин шўрликининг биттаю битта кўк чакмони бор, унинг ҳам йиртиғи, жуҳуднинг киссасидаги танғадаи кўп эди. Бу ҳам

майли-я, фалокат босганини қаранг. Корж чолнинг бир қизи бор экан, чунонам кўхлик экан, бундай кўхликни асло кўрмаган чикарсиз. Ўзингиз ҳам биласиз, хотинлар хафа бўлмасинлар-ку, лекин хотин кишига ўз тоифасидан бўлган бирорни чиройлик дейиш, ажина билан ўпишишдан ҳам қийинрок, шундоқ бўлса ҳам мархум бобомнинг холаси у кизнинг мақтовини шундай қиласр эдики, унинг лўппидан келган юзларининг тоза ва тинклиги, шабнам сувн билан юзини ювиб, эндиғина кўтарилган офтоб олдида жилва қилиб, япрогини ёйган кўкнор гулининг рангига ўхшаб товланар эди; қошлари бўлса қизларимиз қишлоқма-қишлоқ бозор қилиб юрган чорбозорчи ўрислардан бўйинга тақадиган бут ва туморчаларга кора боғич сотиб оладилар-ку, ана шунга ўхшар эди, худди чироқдек ёниб турган кўзларига тикилиб, мўралаб тургандек эгилиб тушган эди, даҳанини айтсангиз, у замоннинг ёнилари унинг оғзига қараб ҳаваслари келар эди, булбулдек сайраш учун яратилгандек эди. Зулукдек тим қора, ипакдек мулоим соchlари қўнғирок-қўнғирок бўлиб, кимхоб камзул устига ёйилиб тушган эди. (У вактда қизлар соchlарини ранг-баранг пиликлар билан майда қилиб ўрмас эдилар). Сочу соқолимга оқ тушиб, мўйсафид бўлиб колган бўлсам ҳам, кампирим кўзга тушган чўпдек ёнимда ўтирган бўлса ҳам, агар ўша қиз ҳозир олдимда бўлса ўниб-ӯниб олмасам бутхонанинг минбариғачикмоқ менга насиб бўлмасин. Қиз билан йингит бир уйда турдими, бўлди... оқибати нима бўлишини ўзингиз ҳам биласиз. Гоҳда эрталаб тонготардан бошлаб Пидорка Петрусаси билан сухбатлашган жойда қизил этиклар нағалининг ўрини колар экан. Корж ҳеч нарсани пайқамас ҳам эди-ку, аммо бир кун Петрусага шайтон васваса қилиб у ёнбу ёнга қарамай йўлакда қизни ёқут лабларидан чапиллатиб ўлиб олган экан. Петрусага васваса қилган ҳалиги, тушингга бут киргур, малъун шайтон чолга ҳам васваса қилиб, чол уйнинг эшиғини очиб юборган экан, кўзи қиз билан йигитга тушиб, эшиғини тутганча аграйиб котиб қолибди. Фалокат ўпич чолки эсхушидан айриб қўйгандек бўлди. Замонамизда милтиқ дору билан пилта милтиқ йўқлигидан эндиғилар кели даста билан жинни кўчирадилар-ку, шунга ўхшаб, ўпич обози унинг қулоғига келисоп билан деворга ургандек эшитилди.

Корж хушига келиб, деворда осиғлик турган бобосидан колган қамчини олиб бечора Петрни саваламоқчи бўлиб турган пайтда, Пидорканинг олти яшар укаси Ивась оёқ остидан чиққандай келиб қолди-ю, кўркиб кетиб, отасининг обигига маҳкам ёпишиб олиб, «дада, дада, урманг!» деб йиғлади. Нима бўлса ҳам ота-да. Ота болага меҳрибон бўлади-да. Унинг ҳам бағри тошдан эмас ахир. Қамчини илиб қўйиб, Петрни секин ташқари олиб чиқиб, «агар иккинчи шу ўйга қадам боссанг ёки деразам тагида кўринсанг, қора мўйловинг билан қулогингдан икки буралаб тушган

кокилингни бошингдан жудо қилмасам, азбаройи худо, Терентий Корж деган отимни бошқа қўяман!» деб, гарданига бир мушт уриб жўнатиб юборди, Петр оёги ерга тегмай урра қочди. Хуллас ўпиша-ўпиша алоҳа қўлга тушдилар. Бечоралар бир-бирларидаи жудо бўлдилар. Бундан кейин қишлоқда зарбоп кийгац, шопшалоплик, мўйловдор, оёғида жинфироқлик, киесаси бутхонамизнинг жомчиси Тараснинг ҳамёнидек жаранглаган бир поляк Коржникига қатиаб юрган эмиш, деган гап тарқади. Қора кошизи бор отаникига кўп келувчиларнинг мақсади нималиги маълум. Бир кун Пидорка укаси Ивасни қўлидан ушлаб депти: »Жоним укам Ивась, опанг сендан ўргилсан. Дарров юрганингча Петрусанинг кошига бор, ёйдан чиккан ўқдек югар, нима десам бориб айт, бута кузларини сурядим, ок юзидан ўпардим, нима қилайки, қисмат буни менга насиб қилмапти. Кўзим ёшидан нечаче рўмол ҳўл бўлди, ичим қоронги, кўнглим бузук, ўз отам душманим бўлди. Кўнглим бўлмаган кишига бермоқчи бўлди. Бориб айт, тўй бўлмоқчи, аммо тўй эмас, аза бўлур, кубиз билан сурнай чалинмас, дъячок келиб жаноза ўқиди, қайлиғим билан ўйин тушмайман, мени кўтариб борурлар. Қора ер ўйим бўлур, ўйимнинг томинга мўри эмас, ёғоч бут тикилур!»

Маъсум, бегуноҳ бола ширин тили билан Пидорканинг бу сўзларини келиб айтганда Петро эс-хушн кетиб аграйиб қолди. «Мен бахти қора Кримга, ундан Турк мамлакатига бориб олтинкумуш талаб, дунё орттириб, сўнг қошингга бормоқчи эдим, э жононим. Ниятимдан қайтдим. Ёмон кўз тушди бизга. Сувдаги тилла балиғим, мен ҳам қилурман тўй, аммо бу тўйда никоҳ ўқилмас, тепамга поп ўрнига қора қарға келиб қафиллар, дашту дала бўлур маконим, қора булат соябоним, бургут келиб чўкир бута кузларимни, селлар оқизар, шамол куритар суюкларимни. Бирек не чора, кимдан қиласай ўпка, ҳасратимни айтай кимга? Такдири худо шу экан, такдирга тан беришдан бўлак чора йўқ!— деди-да, тўппа-тўғри ароқҳоиага келди ошифта.

Марҳум бобомнинг холаси Петрни ароқхонада кўриб, тағин мўмин кишилар эртандиги номоз ўтамоқ учун бутхонага борадиган паллада уни ароқхонада кўриб андак таажжуб қилди. Петр уича-мунча эмас, бирданига ярим челак ароқ сўраганида бечора хотин ўйкудан чўчиб ўйғонгандек эсанкираб, бакрайганча қараб қолди. Аммо бечора Петр аламини ароқдан ҳам ололмади. Ароқ тилини худди чиён ўтдек чакар, заҳар ўтдек аччик кўриниар эди. Косасини ерга урди. Бу онда бирор тепасига келиб, дўрилланган товуш билан «Мунча хафасан йигит» деди. Бошини кўтариб қараса, Басаврюк. Важоҳати курсин. Сочлари тўнгиз ёлидек, кўзлари буқаникидек. «Ҳожатинг менга маълум, муродинг мана бу!» деди-да, иблисона кулимсираб камарига боғлиқ чарм ҳамёнини жаранглатиб қўйди. Петронинг юраги бир орзиниб

тушди. Басаврюк тиллаларини қўлидан-қўлига шопириб туриб:

— Бай-бай, йилтиллашини қара, жаранглашини қара! Битта иш қилсанг бас, шунақадан бир тўпни олаберасан!— деди баҳайбаг товуш чиқазиб. «Шайтон! Майли бер, нима десанг қиласай!»— деди Петро. Иккови қўл олишиди.

— Петро, воқиғ бўл, хозир ҳуб фурсати, вактни қўлдан берма, эртага Иван Купал куни¹. Қирққулоқ йилда бир марта шу куни очилади. Тун ярмисида Айиксойда сени пойлайман.

Петро қачон кеч бўларкан деб шундай интизор бўлдики, товуклар ҳам дон сепар вакт қачон келаркан деб сира мунча интизор бўлмагандир, деб ўйлайман. Дарахтнинг сояси узайдими, оғган офтоб қизардими, йўқми, деб ҳар онда бир каар, токати тобора ток булиб, сабри чидамас эди. Мунчаям узайди кун-а! Худонинг куни йўлда куйругини йўқотиб қўйганга үхшайди. Алоҳа кун ботди, осмоннинг бир ёққинаси қизарди, холос. Осмон ҳам хира бўлди, дашту далага салқин тушди. Аввал гира-шира кеч бўлиб, кейин коронги тушди, зўрга кеч бўлди-да. Петро, юраги қинидан чиққудай бўлиб йўлга тушди, дарахтзор тепасидан секин тушшиб, Айиксой деган адирга тушди. Басаврюк аллақачондан келиб уни пойлаб ўтирган экан. Тим коронги, ҳеч нарса кўринмайди. Иккови қўл ушлашиб чакалак бўлиб ўсиб ётган тиканларни ушлаб, ҳар қадамда бир коқиниб, ботқоқ ерлардан зўрга юриб борар эдилар. Бора-бора сайхон ерга чикдилар. Петро у ён-бу ёнига аланглаб қараб қўйди; бу ерга сира келмаган эди. Басаврюк ҳам шу ерга келиб тўхтади.

— Олдингда кўринниб турган уч тепа борми, унда ранг-баранг гуллар кўп. Аммо у гуллардан биттасини узакўрма. Қирққулоқ очилса дарров уз, орқангда нима бўлса ҳам сира қайрилиб қарама.

Петро ундан бир нарса сўрамоқчи эди, қараса бирдан ғойиб бўлиб қолди. Петро, кўрсатган уч тепа олдига келиб қараса, ҳеч нарса кўринмайди, гул қаёқда? Бурган ўт коп-корайиб кўринарди, холос. Қалинлигидан ундан бошқа ҳеч ўт кўринимас эди. Осмонда чақмоқ чақилиб, умрида сира кўрмаган турли-туман гуллар чамандек очилиб кетди. Гуллар орасида қирқкулоқнинг барглари ҳам кўринди. Петро гумонсираб икки биқинини ушлаганча хаёл суриб, хайрон бўлиб қолди.

— Бу хил ўтларни кунинга ўн марта кўраман, бунинг нимаси таажжуб? Нимаси ғалати? Шайтон мени аҳмоқ қилганга үхшайди.

¹ Иван Купал — 23 июнь билан 24 июнь кечасида бўладиган байрам. Бу кеча килинадиган расм-одатлар Иван кечаси билан боғлик бўлган жуда эски одатлардир. Ҳалк бу кеча папоротник деган ўт кип-қизил чўғдек бўлиб очилади, Бу гулни узган одам дунё топади, сўнгра ўсимликлар билан ҳайвонлар тилини билib олади, лекин уни узиш жуда қийин, чунки жинилар узгани қўймайдилар, деб ишонади.

Бир маҳал қараса кичкина кизил гул очилиб турипти-ю, худди жони бордек қимирлайди. Дарвоқе ажойиб экан. Қимирлаган сари катта булиб, кип-кызил чүрдек ёнди. Бир маҳал бир учкун чикиб, чарс этган овоз чикди, кейин гул худди унинг күзи тагига келиб худди ўтдек ёниб очилиб кетди, унинг равшанида бошқа гуллар ҳам күринди.

Петро күнглида, энди узсам бўлар, деди-да, кўлини узатди. У кўл узатиши билан унинг орқасида бир неча юз тукли қуллар ҳам гулга узатилди. Орқасида бир нарса ҳадеб сакрагандай бўларди Қўзини чирт юмиб гулга кўл узатиб юлиб олди. Бир пасда ҳаммаси гойиб булиб, жимжит булиб колди. Тўнкада худди мурдадек кўкариб Басаврюк ўтирипти. Такир қимирламайди. Икки кўзи бир нарсата тикилиб турипти, аммо бу нарса уидан бошқа ҳеч кимга кўринмаса керак. Оғзи сал очик, чурқ этмасдан ўтирипти. Шундай жимжитки, одамнинг ваҳимаси келади!.. Бир маҳал хуштак чалгандек бир товуш чикди. Петронинг ичига гулгула тушди, унинг назарида ўт қимирлаб, гуллар кумуш кўнгироқдек жаранглаб, бир-бирлари билан сўзлаша бошлагандай бўлди. Дарахтлар шовиллаб, сўкинмоққа бошладилар... Басаврюкнинг юзига жон кириб, кўзлари ёриши. «Зўрга қайтиб келди-я, ялмоғиз, деб кўйди жаҳз билан Петро, ҳазир бўл бир барно олдингга келади, нима деса, айтганини кил, бўлмаса балога коласан!» Буни деб бутоқлик калтак билан тиканинг орасини очиб эди, товук ёёғига қўндирилган бир уй кўринди. Басаврюк бир мушт уриб эди, уйнинг девори қимирлаб, уйда каттакон кора ит ангиллаганича югуриб чиқди-да, бир думалаб мушук бўлди, кейин икковининг кўзига чанг солиб эди, Басаврюк:

— Кутурма, ажина кампир кутурма!— деди-да, кейин яхшилаб бир сўкдики, унинг бу сўкишини унақа-бунака одам эшитса, юраги ёрилар эди. Бир маҳал мушук гойиб булиб афти-башараси қовжираган олмадек, буришган-тиришган, долдек икки буқчайган, бурни қайрилиб энгагига ёпишиб, ёнғоқ чақадиган омбургга ўхшаб қолган бадбашара бир кампир пайдо бўлди. Петронинг эти жимирилаб: «Хуб барно экан!» деб кўйди. Кампир унинг кўлидаги гулини юлиб олиб, икки буқчайганча анчагача нималарни пичирлаб дам урди, аллақандай сув пуркади. Оғзидан ўтлар чиқиб, лаблари кўпирлиб кетди, кейин гулни Петрога бериб: «Ташла!» деди, Петро ташлаб эди, ажаб бир ҳолни кўрди, гул ерга тушмасдан қоронғи кечада худди чўрдек ёниб, сувда кетаётган кемадек ҳавода юриб кетди, бора-бора секин пасайиб узокқа бориб тушди, бориб тушган жойнда тариқча кичкина бир юлдуздек милтиллаб турди. Кампир хириллаб: «Шу ер!» деди. Басаврюк Петрога куракни тутқазиб: «Қавла шу ерни, Коржа ҳам, сен ҳам тушингда кўрмаган дунё топасан!»— деди. Петро қўлига тупуриб бир-икки кавлаган эди, курак қаттиқ бир нарсага қадалди. Яхши

рок караса темир қопланган сандикча, қўлини узатиб сандикни тортиб олмоқчи бўлган эди, сандик ерга қараб кириб кетаберди. Орқасида бирор қаҳқаҳа уриб кулди, лекин бу кулги илоннинг вишиллаганига үҳшади. Кампир «Одамзод қонидан менга топиб бермагунигча тиллалар сенга тегмайди», деди-да, устига оқ чойшаб ёпинган олти-етти яшар болани олиб келиб, бошини кесмоқча ишора қилди. Петро тахта бўлиб қолди. Арзимаган нарсага одам конинч тўқайми, тағин бегуноҳ маъсум гўдакни-я! Жаҳл билан боланинг бошига ёпинган чойшабни тортиб эди, қарасангиз, бола Ивась экан. Бечора гўдак кўлларини кўкрагига қўйиб қовуштириб ётипти, боши осилиб қолипти... Петро аччиғи чиқиб қўлида пиҷоқ билан кампир тепасига келиб қўлини кўтариши билан Басаврюқ шундай бир бақирдики, овози тифи паррондек орқасини тешиб кетгандек бўлди.

--- Қиз бадалига нима ваъда қилган эдинг?..

Ажина кампир ерни бир тепган эди, ердан кўм-кўк олов чиқиб кетди. Оловнинг ўртаси худди оқ ақиқдек ёп-ёруғ бўлиб, ер тагида нимаини бор, ҳаммаси равшан кўринди. Сандик-сандик қизил олтнилар, қимматбаҳо жавоҳирлар улар оёғи остида кўринди. Петронинг қўзлари ўйнаб кетди, боши айланди... Телбалардек пичоқни қўлига олди, маъсум гўдакнинг қони тиркираб кўзига сачради... Иблисона қаҳқаҳа оламни босди, баҳайбат алвастилар унинг олдида сакрашар эдилар. Ялмоғиз кампир оч бўридек бошсиз танага ёпишиб олиб, қонини ичар эди... Петронинг боши айланди, бор куч-қувватини йигиб, чопакетди. Назарида бутун борлик қизилга бўялди, дарахтлар ҳам конга бўялиб ўт бўлиб ёнар, фарёд килар эдилар. Осмон ёрилиб, ларзага келди. Чакмоқ чакқандек ҳар тарафга ўт сочилди. Дармони қуриб, хароб уйига зўрга етиб келди ва гўё уни бирор ўрк билан ўргандек таппа йикилди-ю, ўликдек котиб ухлаб қолди.

Петро шу ҳолатда икки кечаю икки куидуз тахта бўлиб ётди. Учинчи кунга ўтганда уйғониб, уйининг тўрт тарафига аланглаб каради, лекин нима воқеа бўлганини ҳеч эслаб ололмади. Эси чўнтагидан бир чака чиқиши қийин бўлган пулемас мужикнинг ҳамёнига үхшарди. Бир керишиб олгач, оёғи остида бир нарса жиринглаб кетганини эшигти, қараса икки халта олтин. Ана шундан кейин эсига келиб дунё излагани, чакалакда ёлғиз қолиб кўркқани ёдига тушди. Аммо бу дунёни қандай ва ниманинг Садалига топганини сира ёлдай олмади.

Корж халтадаги олтинларни кўриб ийиб кетди. «Садағанг кетай чиройлигим Петрус! Ёмон кўрармидим мен сени? Ўз ўғлинидек кўрмасмидим мен сени?» Муғомбир чол шундай тилёғламалик қилиб аврадики, Петро йиғлаб юборди. Пидорка Ивасни лўлилар ўғирлаб кетганини гапириб берди. Унинг ақалли айтибашараси ҳам Петронинг эсида қолмапти, лаънати шайтон шун-

чалик эсинни олиб қўйибди. Сустлик қиладиган вакт эмас, дарров полякни тумшуғига муштлаб жунатдилару, тўйни бошладилар Нону кулчалар ёпдилар, рўмолчалар тикдилар, бир бочка ароқ олиб келдилар. Куёв билан келинни столга ўтказиб нон ушатдилар, ногораю дўмбиравлар, сурнаю карнайлар, кўбизлар чаланиб тўю томоша бошланди.

Бурунги тўйлар эндиғига ўхшамас эди. Бобомнинг холаси гапириб бераверса, оғзимиз очилиб қоларди. Қизалоқлар кўку сарик, ранг-баранг уқалардан тикилиб, тепасига зар қадалган қалпоқчаларни бошларига кийиб олиб, чокига қизил ипакдан мағиз қўйилиб тикилган, майда пистон қадалган юпқа кўйлак, оёқларига нағал қоққан баланд пошинали саҳтиён этик кийиб олиб, товусдек хиромон бўлиб пирпирагига олиб ўйин тушиб кетар эдилар. Жувонлар тепаси кимхобдан, орқасидаги ўймасидан тагидаги зар дўппи кўриниб турган кема сурат қалпоқ кияр эдилар. Қалпоқнинг икки ёғида майнин қўзи баррадан кундуз бўлар эди. Қимматбаҳо кўк шоҳидан қизил жияк тутган мурсак кияр эдилар. Ўйин тушганда битта-битта бўлиб, белларини ушлаб олиб, савлат билан бир текисда ўйнар эдилар. Йигитлар бўлса баланд телпак, нозик мовут камзул, белларида заррин камар, оғизларида чилим, қиз-жувонлар олдига келиб, ҳазилмутойбалар билан гап отиб, хушомад қилиб улар кўнглини овлар эдилар. Корж ҳам ёшларни кўриб, сабри чидамасдан ўйинга тушиб кетди. Мўйсафид чол қўлига дўмбира олиб, трубкасини тортиб, май тўла косани бошига қўйиб, чўккалаб ўйин тушиб кетди. Ёшлар хоҳолашиб кулишдилар. Ўйин-кулги деб нималарни килмасдилар! Юзларига одам башарасига ўхшамаган алланима кийиб олардилар. Эндиғи тўйларда киядиган суратларга сира ўхшамас эди. Эндиғилар нима бўпти? Лўли билан ўрис бўладилар, холос. У вактда бири жухуд, бири шайтон суратини кийиб олиб, бошда ҳуб апоқ-чапоқ ўнишиб туриб, кейин бир-бирининг кокилига ёпишиб кетарди. Азбаройи худо, шунака кулги бўлардики, ичаклар узилиб кетарди. Баъзида татарча, туркча кийиниб чиқардилар, кийимлар ўтдек ловиллар эди... Қизиқчилигу масхарабозлик бошланса, тавба дердингиз... Марҳум бобомнинг холаси ҳам шу тўйда бор экан, уни жуда қизик қилиптилар. Унинг эгнида кенг-мўл татарча кийим экан, меҳмонларга шароб кийиб бераетганда бир палакат келиб устига ароқ сепиб юборипти, яна бир палакат кургур келиб ўт чақиб юборган экан, бирдан ёниб кетипти. Хола бечоранинг эси чиқиб кетиб, одамларнинг олдидаги кийимларини ечиб ташлайберипти, хохолаган кулгини қўяберинг. Ярмаркада ҳам бунақа кий-чув бўлмайди. Хулласки, кексалар ҳалигача бундай яхши тўй бўлган эмас дейдилар.

Пидорка билан Петрусъ бою бойваччалардек туриб кетдилар Нима десалар тайёр, ҳеч нарсага муҳтоҷжиклари йўқ... Бироқ

ўзини билган яхшилар уларнинг юриш-туришларини кўриб бошлини чайқаб кўярдилар. Ҳамма: «Шайтондан яхшилик чиқмайди», дер эди.— Ҳаммани йўлдан оздирган шайтонга имонини сотмаган бўлса, бунча дунё унга қаёқдан келарди. Мунча олтинни қаердан оларди? Нега бўлмаса бунга давлат келиб бойиган кундан бошлаб Басаврюк кўздан ғойиб бўлиб қолди?»— дер эдилар. Беҳуда гапларни одамларнинг ўзлари тўқийдилар, дейсиз-а? Йўқ, орадан бир ой ўтар-ўтмас Петрусни ҳеч ким танимайдиган бўлиб қолди. Нега, нима бўлди, буни худодан бошқа ҳеч ким билмайди. Ўтирган жойида индамасдан ўтираберади. Ҳаёл суради, холос. Яккаш бир нарсани ўйлагани-ўйлаган. Пидорка бир иложи қилиб уни гапга солса, эси ўзига келиб гапиришади, чирои очилади-ю, лекин бехосдан кўзи халтага тушиб қолиб: «Шошма, шошма, эсимдан чикди!» деб бақиради-да, яна хаёл суриб, бир нарсани ўйлаб кетади. Баъзида бир жойда узок ўтириб хаёл суриб кетса, бир нарса эсига келгандай бўлади-ю, тағин хотиридан кутарилиб кетади. Ароқхонада ўтирганини, ароқ келтириб берилгани, ароқнинг аччиғи, кўнгли тортмагани, бирор келиб, елкасига қоққани сал эсига келгандай бўлади-ю, аммо ундан у ёгини такир билолмайди, худди кора парда тўсиљандек, кора терга ғарк бўлиб, юзларидан чак-чак тер томади-да, мадори кетиб яна ўрнига келиб ўтиради.

Пидорканинг қилмагани колмади; фолбинга ҳам кўрсатди, чўчиғанданми деб куръя¹ ташлатиб ҳам кўрди, корин оғриғидан кинна солдириб ҳам кўрди, ҳеч қайсиси фойда бермади. Шу зайилда ёз ҳам ўтди. Кўп кишилар қазо қилиб кетди, шўҳроқ, ғалатироклар урушга отландилар. Гала-гала ўрдаклар ҳали бизнинг кўллардан кетгани йўқ; аммо қорабовурлар аллақачон кетдилар. Даشتлар қизарип, ғарам қилиб кўйилган буғдойлар ҳар қадамда худди казакларнинг қалпоғидек кубба бўлиб туардилар. Йўлларда ўтин, шоҳ ортган аравалар учарди. Ер котиб, унда-бунда музлади. Осмондан кор учкунлаб, дараҳтларнинг шохи қирордан пўстин кийди. Аёз кунлари ҳам келиб, қизил томоқ тоғ чумчуклари поляк бойваччаларидек олифталик қилиб қор ичидан дон киди-рар, гудаклар узун-узун таёқ билан музда пириллатор эдилар, уларнинг оталари бўлса қаҳратон қишининг совуғидан хафа бўлиб, хўбгина сўқмоқ ёки шамоллаб келмоқ учун ё бўлмаса

¹ У чўчиғандап куръа ташлаш — одам бир нарсадаи чўчиған бўлса нимадан чўчиғанини билиш учун килниадиган ирим. Кўргошин билан мўмни эритиб сувга ташланади, булар сувда ниманинги суратига кирсалар, одам шу нарсадан чўчиған бўлади, бундан кейин чўчиған одам тузалиб кетади. Корин оғриғидан кинна солдириш учун озигина канопни кўйдирив аввал кружкага солинади, сўнгра бир товоқ сувни бетобнинг қорига кўйиб, ҳалиги кружкани товоқдаги сувга тўнтириб қўйгандан кейин дуюсини ўкиб, сувдан бир қошиқ олиб бетобга берилади (Гоголь ўзи берган изоҳ).

бостирмаға чиқиб бўрсиб қолган доїни янчмок учун ҳар замонда бир, оғизларида трубка билан ташкари чиқмасалар, бошқа вактда печкадан сира тушмай баҳузур ётар эдилар. Кор ҳам эриб, чўртсан балиқ думи билан музни уриб ёрадиган вакт ҳам бўлиб қолди¹, лекин Петронинг ҳоли ўша-ўша, қайтага тобора баттар бўлди. Халталарни оёғи тагига босиб, уйнинг ўртасида қоқкан қозикдек ўтираберарди. Одам ёввойисидек соқол-мўйловлари ўсиб, ким кўрса кўрқадиган бўлиб қолди. Хаёл сургани-сурган, бир нарсани ўйлагани-ўйлаган, эсига келмаганига аччиғи келиб, жаҳли чиқар эди, гоҳ-гоҳда бирданига ўрнидан туриб кетарди, бир нарсани тутмоқчи бўлгандек, бир ерга тикилиб олиб қўлларини қимирлатаберар эди. Қачонлари ёдидан кўтарилиб кетган бир сўзни эсига олмоқчи бўлгандек лабларини пичирлатиб туриб, кейин маҳкам юмиб оларди... Телбаланиб, жунуни ошиб қўлларини тишлар, чайнар, аламидан соchlарини юлар, кейин кучдан кетиб, хориб, чарчаб эси оғиб йиқиларди. Сунгра ўйлаб кетар, яна тентакланар, яна қийналар эди... Худонинг қандай балоси экан? Пидорка жонидан тўйди. Аввал уйда ёлғиз қолгани кўркар эди, кейин ноилож қўникиб қолди-ю, лекин аввалги Пидорка йўқ эди, юзида қизили, лабида кулгиси қолмади. Тамом бўлди. Куритиб ҳазон бўлди, йиғлайвериб қўзларида нур қолмади. Бир кун кимамдир бирорининг раҳми келиб, Айнқойда бир фолбин бор, у билмайдиган дард дунёда йўқ эмиш, шунга бориб кўр, деб маслаҳат берипти. Пидорка буни ҳам килиб кўрай деб, кампир билан у ёқ-бу ёқдан гаплашиб бўлгандан кейин уни бирга уйига боришга кўндирипти. Иван Купала байрамининг худди арафа кечаси экан. Эси оғиб, бехуш сўрида ётгаи Петро келган меҳмонни ҳам пайкамапти. Бир оздан кейин аста-секин ўрнидан туриб, тикилиб-тикилиб қарагандан кейин, худди жаллод келиб бошини кесаётгандек дағ-дағ титраб, соchlари тиккайиб, шундай баҳайбат бир кулипти, Пидорканинг юраги ёрилгудай булипти. Хохолаб кулганича бақириб: «Эсимга тушди, эсимга!» дея солиб, болтани чопарасига олиб туриб кампирга отса, болта эман эшикка тегиб, икки бармоқ кириб кетипти. Кампир бир пасда фойиб бўлиб, оқ кўйлаклик, боши ўроғлик олти-етти яшар бола уйнинг ўртасида пайдо бўлиб қолди. Боланинг бошидан чойшаб тушиб кетиши билан Пидорка қичқириб «Ивасъ» деганича югуриб борса, хайёлдек кўринган боланинг бош-оёғи кора қонга бўялиб, уй қизғиши бўлиб кетди... Пидорка кўрқиб юргурганча даҳлизга чиқди. Аммо эси ўзинга келиб, болага қарай деса, у даҳлизга чиқиши билан эшик қаттиқ ёнилиб қолиб ҳеч очилмади. Одам тўпланиб, эшикни хўб тақиллатдилар, сира очилмагандан кейин бузуб кирсалар, ҳеч ким йўқ. Уйни тутун босиб, Петрусь турган жойда

¹ Яъни баҳор бўлиб қолди.

бир тўп кул пайдо бўлиб қолипти, кулнинг ўт-бетидан ҳовур чиқарди. Дарров халталарни олиб қарашса, олтин ўрнига сопол парчалар копти. Келганлар қоққаи қозикдек афрайиб, муртларини қимирлатгани ҳам ҳоллари бўлмай ҳайрон бўлиб, котиб қолдилар, кўркканлари шунчалик.

Кейин нима бўлгани эсимда йўқ. Пидорка зиёратга кетмоққа ният қилиб қўйди. Отасидан қолган мол-бисотнин йигиштириди, бир неча кун ўтар-ўтмас кишлоқдан ному нишонсиз йўқолиб кетди. Баъзи жонкуяр кампирлар уни ҳам Петро ёнига юбормоқчи бўлган эдилар, ҳайтовур Киевдан келган бир казак бундаги Лаврада¹ озиб, кок суяқ бўлиб қолган бир сўфи хотинни қўрдим, тинмасдан дуо-фотиҳа ўкур эди, ҳамқишлоқларимиз бу хотинни танийдилар, Пидорка экан, ҳалигача ҳеч кимга ҳеч нарса демасмиш; пиёда келган эмиш, ҳазрат Маряннинг суратига тоза тошлилар қадалгай шундай ғалати бир чорчўб келтирибдики, кишининг кўзини қамаштирар эмиш, деб сўзлаб берди.

Шошманг, гап ҳали тамом бўлгани йўқ. Петрусни шайтон олиб кетган куни Басаврюк яна пайдо бўлиб қолипти. Аммо энди ҳеч ким унинг яқинига йўламади, чунки кўмилган дунёларни топиб олмок учун одам суратига кирган шайтон экани ҳаммага маълум бўлди. Ҳаром қўлга дунё кирмаганидан йигит-яланларни алдаб ёнинг тортар экан. Ертўладагилар ҳаммаси шу йилиёқ қишлоққа кўчиб чиқдилар, лекин лаънати Басаврюк қишлоқда ҳам одамларни тинч қўймади. Мархум бобомнинг холаси Басаврюк ҳаммадан менга ёмонлик қилур эди, Опошня йўлидаги ароқхонани ташлаб кетганимга алам қилиб, мендан ўч олишга кўп ҳаракат қиласди, дер эди. Бир кун қишлоқнинг катталари мажлис куриб, бинойидек сухбатлашиб ўтириб эдилар, дастурхонда, уча-бунча десам ёлгон бўлар, бутунича кабоб қилинган қўй эди. У ёқ-бу ёқдан сўзлашиб гаплари ҳар хил ажойибот-гаройиботлар, каромат ва мўъжизалар борасига ўтди. Бир маҳал ўтирганларнинг бири бўлса майли-я, бирданига ҳаммаси назаридан қўйга жон кириб бошини кўтаргандек бўлипти, қўзларига нур кириб, аланглаб қарапти, тикандек мўйлов чиқариб ўтирганларга қараб мўйловларини қимирлатиб қўйипти. Қўйнинг бошига қарасалар, Басаврюк экан, ҳаммалари дарров танишилти. Бобомнинг холаси, ҳали замон арок сўраб қолмаса гўрга эди, деб ваҳимага тушиб қолипти... Бечора қишлоқ катталари бўркларини кия солиб урра қочиптилар. Черков мутасаддиси баъзида бобом билан майхўрлик қилиб, сухбатлашиб ўтиришни яхши қўрар экан, бир кун ичишиб ўтирганида бир-икки марта ичар-ичмас коса бушаб қолиб, унга қараб салом бераверилти. Бечора дарров косани қўйиб, ха деб чўкинар

¹ Л авра — таркидунё қилиб, умрини тоат-ибодат билан ўтказмоқчи бўлган қишиларнинг хилватхонаси бўлган катта монастирларнинг номи.

ЭМИШ... Унинг хотини катта тоғорада хамир қораётган экан, бир маҳал тоғора сакраб қочиб кетипти. «Ҳай, ҳуй!» дегани билан қулоқ солиш қайда. Тоғора уйнинг ўртасига тушиб олиб белини ушлаб ўйнинг тушаверипти. Куласиз-да, лекин шурлар боболари-мизга осон эмас эди. Афанасий бобо ҳар куни күчама-кӯча юриб муборак сувдан сепиб шайтонни даф қилар эди. Мархум бобомнинг холаси, яқин-яқинда ҳам кеч бўлар-бўлмас бирор томни тақиrlатиб, деворни тирмалагани-тирмалаган дер эди.

Нимасини айтай. Шу кишлоғимиз турган жойнинг ўзида қандай эди-ку. Энди тинчид қолди, бўлмаса яқин-яқинларда мархум отам билар эди, мен ҳам, ароқхона бузилиб кетса ҳам, бу зотинг қурғур жинлар ўзлари яна тузатиб олардилар ва бу ердан одам боласи ўтолмас эди. Кора куя босган мўридан бурқираб чиқкан тутун осмону фалакка шундай баланд чиқиб кетар эдики, Караган одамнинг дўпписи тушар эди, тутун осмонга чиқиб дала-ю, даштга ўт ёғар эди, номуборак отини тилга олмаган ҳам яхши, малъун итвачча ана шу жинхона уйида ўтирганда шундай чинкирар эдики, эманзордаги зоғчалар ҳам қўрқишиб қағиллашиб ҳар тарафга тўзив учар эдилар.

МАЙ ҚЕЧАСИ ЁКИ СУВ ҚИЗИ

Нима жин урди! Бу Исо умматларини товушкон кувлаган тозидек югуриб-еладилару, ишларни сира ўнгмайди. Нимагаки шайтон аралашса, худди осмондан тушгандек бирпастда дарров бўла колади.

I

ГАННА

...кишлопининг кўча-кўйларида ашула овозлари худди селдек оқар эди. Кундузнинг иш ва ташвиши билан чарчаб, ҳориган йигит-яланг ва қизалоқлар осмон чараклаб турган пайтда кўнгилларидаги хурсандликларини мунгли кўшикларда изхор қилмоқ бўлиб, йигилишадиган пайт эди. Доим хомуш кўрниган оқшом, бору йўқи гўё бир парда ичига яшириб, кўз илғамас олисга қочирди-ю, ширин хаёллар ичидаги кўм-кўк осмонни оғушига олди. Фира-шира коронги тушиб қолса ҳам ашуалар тинмади. Қишлоқ даъвоисининг ўғли бўз йигит Левко ашулачиларга секингина чап бериб, қўлида дўмбира билан бир томонга бораверди. Бошида барра телпак, дўмбирасини тингиллатиб, аста-секин ўйнинг тушиб кетяпти. Олдида пастак-пастак олчалар экилган ўйнинг эшигига келиб тўхтади. Кимнинг уйи экан бу? Кимнинг эшиги экан бу? У андак жим тургач, дўмбирасини чалиб кўшик бошлиди:

Кун ботганга үхшайди,
Шом бүлгашга үхшайди,
Төзөрөк чиккин жонгинам,
Вакт етганга үхшайди!

Йигит күшигини бас қилиб деразага яқинроқ келди-да:

— Жоду күзли жононим қаттиқ үхлаб қолганга үхшайди,—
деди.— Галыхон, Галыхон! Үхлаб қолдингми ёки чиккинг келмай-
дими? Бирор күриб қолади деб күркасанми? Ёки оппок юзимга
совук тегмасин дейсанми? Күркма, хеч ким йүк, совук эмас.
Бирор келиб қолса, бағримга үраб, камарим билан чирмаб кү-
чоклаб оламан, хеч ким бизни күрмайди. Совкотсанг бағримга
босай, оппок оёкларингга телпагимни кийгизиб қуяй, упиб-үипиб
иситай. Дилу жоним, тилла балигим, маржоним бир нафас мен
билан бўл. Хеч бўлмаса кўлнингни деразадан чиқазиб, оқ билагинг-
ни кўрсат... Тортган хўрлиги ўзига таъсири қилиб ори келган
кишилар сингари зарда билан овозини баландрок кутариб: Ўзига
бино кўйган мағрур қиз, ухлаганинг ёлғон, мени мазах киляп-
сан! — деб қўйди.

Ёқасини очиб ташлаб, шапкасини дол кийиб олиб, дўмбирасини
дингиллатганича секин-аста дераза олдидан нарироқ кетди. Шу
пайтда эшикнинг ёғоч тутқичи айланиб, фирчиллаб эшик очилди-
да, баҳордек очилган ўн етти яшар қиз ғира-шира коронгида эшик
тутқичини кўзидан чиқазмай, у ёқ-бу ёкка аланглаб, секин осто-
надан ўтди. Шамчироқлек кўзлари ғира-шира коронгида жовди-
раб ёнар эди. Бўйнидаги қизил маржони йилтирад, уялинкираб
икки бети нақш олмадек қизарган; унинг қизаргани йигитнинг
ўткир кўзидан яширин қолмади.

Қиз оҳистагина сўзлаб:

— Мунча бесабрсан, дарров хафа бўлганингни кара! Нега
бундай бемаҳалда келдинг, кўча тўла одам бўлса... Қалтираб
кетяпман... — деди.

Йигит, узун чармга боғлаб, бўйнига осиб олган дўмбирасини
оркасига ташлаб юборди-да:

— Қўй, қалтирама, гулнорим, кел бағримга кир! — деб қизни
эшик тагида ёнига ўтқазаркан, бағрига тортди. — Билиб қўй, сени
бир соат кўрмасам тоқат қилолмайман.

Қиз йигитга караб, ўйланкираб, термилиб тургач, унинг сў-
зини бўлиб, деди:

— Биласанми, кўнглимга бир хил гаплар келади. Бирор бундан
буён икковинг бир-бирингни кўролмасдан зор бўласан, деб куло-
ғимга шивирлагандай бўлади. Қишлоғингиз одамлари ёмон экан,
қизлар мени кўргани кўзлари йўк, йигитлар бўлса... Ҳатто онам
ҳам яқиндан бери менга ҳўмрайиб қарайдиган бўлиб қолди. Рости-
ни айтсам, бегона юртда вактим анча чоғ эди.

Охирги сўзларни айтганда қизнинг чехрасида аллақандай соғиниш аломати кўринди.

— Ўз юртингга келганингга икки ойгина бўлди-ю, дарров зерикдингми. Мендан ҳам безор бўлган чиқарсан?

Киз кулимсираб туриб:

— Йўқ, йўқ, сендан нега безор бўлай, кора кўз йигит, сенинг ошинингман, қуралай кўзингга борман, менга ҳар караганингда кўнглим кулганда бўлади, қувонаман, суюнаман. Корга муртингни учирганинг, кўчада юрганинг, дўмбирангни чалиб куйлаганинг ўзингга қандай ярашади, мен қандай завқланиб карайман.

Йигит қизни бағрига каттикроқ босиб, юзларидан ўпаркан:

— Э, жоним ороми! — деб сўйди.

— Шошма! Туратур, Левко! Аввал менга айт, отанг билан гаплашдингми?

Йигит худди уйкудан сесканиб турган одамдек:

— Нимади? Ҳа, сени олмокчи бўлганимни, сенинг менга тегмокчи бўлганингни айтдим, — деди, бироқ «айтдим»га келганда бир оз маъюсланиб қолди.

— Хуш?

— Нима деб бўлади унга? Муғомбир чол одатини қилиб, ўзини эшитмаганга солди. Карликка олиб, ҳар қаерда сандирақлаб юрасан, кўчаларда болалар билан шўхлик қилиб, тентираб юрасан, деб койиб кетди. Бироқ, жоним Галя, сен хафа бўлма! Агар отамни кўндирамасам, азбаройи худо, йигит эмасман.

— Левко, тўғри айтасан, нима десанг айтганинг бўлади, ўзимдан киёс қиласан, баъзида кажлигим тутиб гапингга кирмай дейману, лекин бир гап айтсанг қайтаролмайман, бенхтиёр кўнаман! Киз бошини йигит елкасига қўйиб: — Алдама тағин алдама! — деб қўйди-да, Украиналинг белоён кўм-кўк илиқ осмонига, улар тепасида шохларини шоқилда қилиб турган олча дараҳтариға тикилиб қараб қолди. — Анавини қара, хов анави ёқда юлдузлар милтиллаб қолди: битта, иккита, учта, тўртта, бешта... Фаришталар ёруғ уйларининг деразасини очиб бизларга карайптилар-а, ростми шу? Левко, ростми, дейман? Фаришталар бизнинг еримизга карайптилар-да? Одамларда ҳам қушларникидек қанот бўлса нима қиласмиш-а, осмонга, хов ўша баландларга чиқсанг... Вой, одам кўрқади-я! Ҳар қандай баланд эман ҳам осмонга етмас. Аллақайси юртда уни осмонга тегадиган дараҳт бормиш, бизнинг пасха байрамимизда кечаси худо шу дараҳтдан пастига тушаркан.

— Йўқ, Галяжон, худонинг осмондан ергача етадиган узун шотиси бор. Пасха куни фаришталар уни ерга туширадилар. Худо шотисига ёёқ қўйиши билан жами шайтонлар кочиб, дўзахга кириб кетадилар, шунинг учун пасха бўлганда ер юзида биттаям шайтон қолмайди.

Ганна атрофдаги қора толлар, сочини ёйиб йиғлаётгандай шокилдаларни сувга осилтириб турган мажнун толлар соясида қолган ҳовузга ишора қилип:

— Ҳовузнинг суви бола ётган белапчак тервангандек мавжуланди-я! — деди. Ҳовуз гүё куч-кувватдан кетган нотавон бир чолдек, баланддаги қора осмонни совуқ бағрига босмиш, муҳташам тун шоҳининг ҳали замон пайдо бўлишини билгандек, кечапнинг илиқ ҳавосида хира ёниб сайд этган юлдузларни совук-совуқ ўпар эди. Тепадаги чакалак олдида деразалари ёпиқ эски ёғоч уй жимжит уйкуда эди. Уйнинг томини майса-ю, алаф босган. Деразалари олдида шоҳлаб кетган олма дараҳтлари. Чакалақдаги дараҳтлар соя солиб, уйни мудҳиш бир коронги босмиш; уйдан пастроқдаги ёнғоклар ҳовуз бўйигача чўзилиб келган.

Ганна кўзини тепадаги уйдан олмай, деди:

— Худди тушда кўргандек бўламан, қачонлардир ёшлигимда, онамнида турган чоғларимда шу уй тўғрисида аллақандай вахимали гаплар эшигтган эдим. Левко, сен ҳам биларсан, гапириб бер!

— Оппорум, қуриб кетсин, нима қиласан эшитиб! Хотин-халжаллар, нодонлар нима гаплар тўкишмайди. Ўзингни-ўзинг ваҳимага солиб, уйқунгни нотинч қилиб нима қиласан, кечаси кўркиб ухлай олмайсан.

Киз бетини йигит бетига суртиб, уни кучоклаб, деди:

— Кора кўз бўз бола, айт! Айтмаганингга қўймайман! Бўлмаса, мени севмас экансан, бошқанг бор экан-да! Қўркмайман, тинч ухлайман, айт! Айтмасанг энди ухлай олмайман, нима экан, деб ўйлайвериб, тинчмайман... Айт!!

— Киз болаларнинг шайтони зўр бўлади, деган гап рост эканда. Бўлмаса, жоним қулок сол. Бурун замонда шу уй юзбошинники эди. Юзбошининг сендеқ кўхлик, оппоқ қизи бор эди. Юзбошининг хотини ўлиб қолиб, хотин олмоқчи бўлди. «Ота, уйлансанг ҳам мени аввалгидек эркалатасанми?» — «Албатта, оппоқ қизим, яна қўпроқ эркалатаман, бағримга яна қаттиқроқ босаман! Исира, маржисиларнинг тағинам яхшисини олиб бераман, қизим» — дебди отаси. Юзбоши ёш хотинни янги уйига солиб кепти. Ёш хотини кўхлик, юзлари нақш олмадек қип-қизил эди. Бироқ уйга келиши билан ўгай қизга шундай бир ёмон караб қўйдики, қизнинг юраги орзиқиб, чинқириб юборди, кейин бераҳм ўгай она кечгача бир оғиз сўз айтмади. Кечқурун бўлганда юзбоши ёш хотини билан ичкари уйга кириб кетиб, қизгина ҳам уйнинг эшикларини бекитиб олиб, хўрлиги келиб йиги бошлади. Бир маҳал қараса баҳайбат қора мушук секин кириб келаётгандиши, юнглари чўғдек ёпар, юрганди тирноқлари темирдек шақиллармиш. Қизча қўркканидан сўрига чиқиб олса, мушук ҳам қувлаб чиқипти, ўринга чиқса, мушук ҳам чиқиб, чангал солиб бўғмокчи бўлган экан, қиз чинқириб

уни ирғитиб ташласа, бадбаҳт мушук яна келипти. Қиз жон аччи-ғида отасининг деворда осиғлик турган қиличини олиб чоғган экан, темир тирнокли панжа узилиб тушиб, мушук миёвлаганча бурчакка кириб гойиб бўлипти. Юзбошининг ёш хотини кечгача ичкари уйдан чиқмай ётипти. Икки кундан кейин қўлини танғиб чиқипти. Қизгина ўгай онасининг ажина эканини, қилич билан уни чопганини фаҳмлапти. Тўрт кун деганда юзбоши қизига уйни супур-сиdir, сув ташиб бер, ичкари уйга кирма, деб уни чўридек килиб қўйди. Қиз бечорага ҳар қанча қийин бўлса ҳам, ноилож, отасининг айтганини қилди. Беш кун деганда юзбоши қизини оёқяланг қилиб, бир бурда нон бермай хайдаб юборди. Қиз оппок юзини бекитиб олиб йиғлашини ана эди кўр! «Бемехр отам, ўз қизингни ўзинг қилдинг нобуд! Шайтонга топширдинг имонингни, худога солдим, худо кечирсин гулохингни. Мен бахти қорага бу дунёда турмоқни насиб қилмаган экан!..» Шундай қилиб, ҳов анави уйни кўрдингми... Левко буни деб бармоғи билан уйни кўрсатаркан, деди:

— Бу ёққа қара, уйдан нарироқда жартепа бор-ку, қиз ана шу тепага чиқиб ўзини сувга ташлади, шундан бери номи дунёдан ўчди...

Ганна жиқ-жиқ ёш тўлган кўзини йигитга термултириб, ҳайқиб:

— Ажина хотин-чи? — деди.

— Ажинами? Кампирлар сўз чиқазиптилар, гўёки, шундан бери ойдин кеча бўлганда сувга оқкан хотин-қизларнинг бариси ана шу боқقا чиқиб ойдинда исинармишлар; юзбошининг қизи уларга бош эмиш. Бур кун кечаси қиз ўгай онасини ҳовуз бўйида кўриб қолиб, чинкирганича сувга тортиб кетипти. Еирок ажина бунда ҳам ҳйла қилиб, дарров сувга оққаңларнинг бири суратига кириб олипти, шу билан уни савалаш учун тайёрланиб қўйилган хипчиндан кутилиб қолипти. Хотинларнинг гапига ишониб буладими! Юзбошининг қизи ҳар кеча сувга оққаңларни йиғиб, ҳаммасининг афтига бир-бир қараб чиқармиш-у, лекин ажинани тополмасмиш. Агар бирор унинг кўлига тушса, дарров ажинани топио бер, бўлмаса сувга ботираман, дермиш. Жоним Галя, қариялар шунақа дейдилар!.. Эндиги бой хўжайн бу ерга винохона солмоқчи бўлиб, атайин виночини юборибди... Шошма, бирорнинг овози келяпти. Бизникилар қўшиқ айтиб келишяпти... Хайр, хўш қол, Галя! Тинчгина ухла, хотинларнинг бундай гапларини кўп ўйлай-верма!

У шундай деб махкам кучоклаб бир ўпди-ю, кетди.

Галя корайиб турган чакалакдан кўзини олмай:

— Хайр, Левко! — деганича ўйланиб қолди.

Шу онда тўлган муҳташам ой чўғдек қизариб викор билан уфқдан кўтарила бошлади. Ярми ҳали ердан узилганича бўлмаса

ҳам, ер юзи ажиб бир нурга тўлиб, олам ёришди. Ҳовуз жимир-жимир товланди. Қорайиб турган дарахтларнинг кўланкаси аник кўринди.

Кизнинг орқасидан:

— Ганна, хуш қол! — деган авоз чиқиб, шу ондаёқ бирор уни ўпиди олди.

— Қайтиб келдингми? — деди қайрилиб қараб. Бироқ бошқа йигитни кўриб тескари қаради.

Шу пайтда бирор яна:

— Хуш қол, Ганна! — деб тағин ўпиди олди.

Ганна хафа бўлиб:

— Қайси гўрдан келиб қолди тағин буниси! — деб қўйди.

— Хуш қол, Галиён!

— Яна биттасими!

— Хуш қол! Хуш қол! Хуш қол, Ганна! Ҳар тарафдан ўпа кетдилар.

Ганна ҳар кайсиси бир кучоқлаб колмоқчи бўлиб ёпишаёт-ган ўспирин болалар қўлидан чикишга уриниб:

— Вой, галалашмай қолинглар! Ўпичгаёк тўймас эканда булар! Якинда булар дастидан кўчага ҳам чиқиб бўлмайди шекили, — деди-да қочиб кетди.

Эшик ёпилиб, темир зулфиннинг гижирлагани эшитилди.

II

ДАЪВОШИ

Украина кечаларини биласизми? Йўқ, билмайсиз! Томоша килинг: осмоннинг уртасидан ой мўралаб турипти. Бепоён осмон гумбази кенгайиб, бағрини яна каттароқ очди, кўйди, ёнди. Ер юзи кумушдек оқарди. Дилбар хуш ҳаво фир-фир эssa ҳам димрок, ҳузур ила лаззатга тўлмиш, анбар ҳидидан олам муаттар. Ажаб бир хушҳаво кеча! Гўзал кеча! Дарахтлар улкан соя ташлаб, сокинликда викор билан жимжит қорайиб турадилар. Ҳовузлар ҳам сокин, жимжит, ям-яшил сабзазор унинг совуқ сувини, салқин соясини қучиб қамаб олгандай. Чакалак бўлиб ётган гилосу коракатлар совуқдан сескана-сескана томирларни сувга тикиб, кечанинг майн шабадаси секин-аста келиб ўпиди олганда, аччикланиб жавраётгандай шитир-шитир киладилар. Борлик табиат уйқуда. Осмонда нимаини бор ҳаммаси тирик, нафаси жонбахш, гўзллиги, ажаб ҳашамати бор. Кўнгил яйраб-яйраб очилур, баҳра олур, завқ-шавқларга тўлиб, тахти-гахтида бирталай самовий порлок хаёллар, гўзал илҳомлар туғилур. Дарвоке гўзал, чиройли кеча! Бирпасда бутун табиатга жон кирди, дарахтзорлар,

биёбонлар, сувлар ҳам тирилди. Булбул ҳам фигонини бошлади, күкдаги ой ҳам унинг овозига мафтун бўлиб, тек туриб колганга ухшайди... Тепаликдаги қишлоқ гўё булбул нағмасидан маст бўлиб уйқуга кетгандай мудрок ичида ётипти. Қатор-қатор уйлар, пастак-пастак деворлар зулмат кечанинг коронги қучогидан чиқиб, яна равшанрок кўринадилар. Кечанинг қўшиғи тинди. Жимжитлик босди. Мўмин, қобиқ қишилар аллақачон ухладилар. Унда-бунда, битта-яримта дарчадан чирок кўринади, холос. Факат гоҳ-гоҳ уйларда овқати бемаҳалга қолганлар бўлса, остонохонада ўтириб овқат емоқдалар.

— Ҳа, гопакка¹ бундай тушмасди! Энди билдим, нега ҳеч келишмайди, дедим-а. Оғайним бекор айтитпи. Қани, баракалла, туш ўйинга; гоп трала, гоп трала! гоп, гоп, гоп! Ўрта ёшлик бир одам андак сархуш бўлиб олиб, кучада ўз-ўзи билан шу мақомда сузлашиб борар эди.— Азбаройи худо, гопакка бундай тушилмайди! Ёлғон гапириб нима қиласман! Азбаройи худо, бундаймас! Қани, гоп трала, гоп, гоп, гоп!

— Жинни бўлиб қолипти! Ёш бўлсаям гўргайди. Хирс-миресдек садам болаларга майна бўлиб кечаси бемаҳал кўчада ўйин тушнб юрипти-я!— похол кўтариб, ўтиб кетаётган картайганрок бир хотин шундай деб койиб ўтиб кетди.— Бор уйингга кир! Аллақачон ётар пайт бўлиб қолди!

Эркак йўлидан тұхтаб:

— Ҳўп бўлади, кириб кетаман! Кетаман. Унақа-бунақа оқсоқолдан тап тортмайман. Ўзини ким деб ўйлайди, отаси шайтонга учрасин, қишида одамларни сувга пишганинга, оқсоқоллигига магрур бўлиб қанқаядими! Оқсоқол бўлса узига, мен ҳам узимга оқсоқолман. Худо урсин, үлай агар оқсоқолман. Йўлидаги биринчи уйга яқинлашиб келаркан яна бақириб:

— Бор, билганини қилсан, бўлмаса-чи...— деди-да, уйнинг деразаси олдида тұхтаб, дарчанинг ёғоч тутқичини излаб пайпаслаб қолди.

— Хотин, эшикни оч! Ҳой хотин, илдамроқ дейман, оч тезрок! Казакнинг уйкуси келди!..

Хўб ўйин-кулги қилиб, қўшиқ айтишиб қайтиб келаётган бир гала қизлар уни кўриб қолиб:

— Ҳой Қаленик, бировнинг уйини тақиллатаётисан-ку! Ўзингникини кўрсатиб қўяйликми?— дедилар кулишиб.

— Жонон қизчалар, кўрсатиб қўйинглар!

Кизларнинг бири:

— Ҳой, гапини эшилдингларми, қизчалар, дейди-я. Ширин гаплигини қаранг Шу яхшилигига кўрсатиб қўяйлик... Йўқ, аввал ўнаб бер!— деди.

¹ Гопак — украинча ракс, танца. (Тарж.)

Каленик оёғи бир жойда турмаганидан тек туролмай, гандираклаб туриб:

— Ўйнаб берайми? Ҳой шайтон қизлар,— деди чүзиб.— Ҳаммангиз биттадан үптирасизларми? Ҳаммангизни үпаман, ҳаммангизни!— деди-да, оёғи чалишиб, гандираклаб қизларни қувлай кетди.

Қизлар аввал қийқиришиб ҳар тарафга түзиниб қочдилар-у, кейин Каленикнинг оёғи илдаммаслигини кўргандан кейин далдаланиб, кўчанинг нариги бетига ўтиб олдилар.

— Ҳов ана сенинг уйнинг!

Қизлар кетаркан, бошқа уйлардан каттароқ, қишлоқ оқсоқолники бўлган уйни кўрсатиб кетдилар. Каленик уларнинг гапига қириб, яна боягидек оқсоқолни сўка-сўка гандираклаганча қизлар айтган томонга қараб кетди.

Энди бунча зам-замага қолган оқсоқол ким бўлди? Билиб қўйинг, оқсоқол қишлоқнинг улуги бўлади. Каленик етиб боргунча оқсоқол тўғрисида бир-икки сўз айтиб ултуришимизга шубҳа йўқ. Қишлоқ аҳли уни кўрганда дарров шапкасини олади. Ёш-ёш қизалоқлар ҳам энгашиб салом берадилар. Ўспириналардан қайси бири оқсоқол бўлгиси келмайди? Ҳамманинг тамаки халтаси унга очик, оқсоқол бесунақай, йўғон, ғадир-будир бармоғини тамаки кутига тикиб тамаки олгунча ҳар қандай азамат ҳам шапкасини қўлига олиб иззат билан туради. Оқсоқолнинг ҳукми бир нечагина кишининг товуши билан юрса ҳам, қишлоқ йигинида ёки катта маъракаларда ҳамиша унинг қўли баланд, айтгани айтган, қишлоқдагилардан кимни хоҳласа йўл тузатгани, ариқ қазигани юбораверарди. Оқсоқол бадқовок, баджаҳл, кўп гапни ёқтиромайди. Қадим-қадим замонда, худо раҳмати улуғ маликамиз Екатерина Кримга кетаётганда унга йўловчиликка сайланган экан. Икки кун бу мансабда туриб, ҳатто маликамизнинг кучерлари ёнида ўтириб ҳам борган экан. Ўзини доно ва сипо олиб шоцдек буралиб тушган узун мўйловини силаб, қовоғини солиб ўқрайиб қараш шуидан бери одат бўлиб қолган эди. Шуидан бери кимки оқсоқол билан нима тўғрисида сўзлашса, дарров гапни маликамин кузатиб борганига ва унинг кучери ёнида ўтирганига буради. Оқсоқолнинг яна бир хислати шуки, баъзида ўзини гарангликка солиб олади, хусусан ёқтиромаган бир нарсасини эшитиб қолса дарров кар бўлиб олади, олифтачиликни сира ёқтиромайди, ҳамма вакт кийгани кора иш чакмон, белида бўялган жуп белбог, маликамиз Кримга боргандарнда кузатиб боргандана кўк қозоки чопон кийганини айтмасак, бошқа вактда ҳамиша кийган кийими шу. Лекин маликамининг Кримга ўтиб кетаётган вакти эснада қолган одам қишлоқда борлиги жуда шубҳа. У вактда кийган чопопини бўлса сандиқдан чиқазмайди. Оқсоқол бева, аммо уйнда қайнэгачиси туради. Эрталик, кечлик овқат пишириш

борми, супуриш, сидириш, уйни оқартиш, бўз тўкиш борми, ҳамма ишни шу хотин қиласди. Қишлоқда бу хотининг унга ҳеч қариндошлиги йўқ, дейдилар, аммо оқсоқолнинг ғанимлари кўплигини, булар унинг шаънига ҳар хил бўлар-бўлмас гаплар тўкишларини боя кўрдик. Баъзида оқсоқол ўрокчи хотинлар олдига бориб колса ёки ёш кизи бор кишиникига кириб қолгудай бўлса, хотинга унча хуш келмас эди, шунинг учун бояги гаплар тарқаган бўлса ҳам ажаб эмас. Оқсоқол сўқир, бироқ бир кўзи шундай ёмонки, қишлоқда кўхликроқ хотин бўлса ҳар қаердан бўлса ҳам дарров курди. Аммо юз-кўзи чиройлироқ жувонни кўриб қолганда ҳам, аввал у ёк-бу ёққа қараб, қайнэгачиси хабардор эмаслигини билса, сўнгра карайди. Оқсоқолнинг ҳамма таъриф-тавсифини айтдик шекилли, энди маст Каленикка келайлик. У ҳануз йўлнинг ярмисига ҳам етгани йўқ, гулдираб оғзига нима келса, қайтармай оқсоқолни хўб сўкканича кетяпти.

III

КУТИЛМАГАН РАҚИБ. ҚАСД

— Йўқ, йигитлар, қўйинглар, йўқ, керакмас! Шўхликдан сира тинмас экансизлар-да, ҳалиям ҳаммамизнинг номимиз безорига чиқиб қолди. Боринглар, яхшиси ётиб ухланглар!— деди Левко, уни яна алланечук шўхликлар йўлига бошламоқчи бўлган чапани тенгқурларига.— Оғайнилар, хайр! Яхши ухлаб туринглар!— деб хўшлашгандан кейин кўчага тушиб олиб, илдам-илдам юриб кетди.

У бизга таниш бўлган олчалик уйга яқин келганда «Шахло кўзим уйқудамикин?»— деб хаёлидан утказди. Атроф-теварак жимжиту, бир ёдан ғувур-ғувур гаплашган овоз энитилиб қолди. Левко тўхтади. Дараҳтлар орасида оқ кўйлак кўриниб қолди... «Бу нима бўлсайкан?» деб у яқинроқ келиб дараҳт орқасига бекинди. Ойнинг шуъласи унинг олдида турган қизнинг юзига тушиб турипти... Турган қиз, Ганна! Аммо орқаси ўгириғлик новча киши ким бўлди? У шунча қарасаям таниёлмади, чунки ҳалиги киши корониғида эди. Олди томондан унга озрок ёргу тушиб туриб эди-ку, лекин Левко турган жойидан бир қадам қўйиб қимирлагудай бўлса сири очилиб қоларди. У дараҳтга суюнганича қимирламасдан тек тураверди. Қиз очик-ойдин килиб унинг номини айтди.

— Левкоми? Левко ҳали ёш!— деди хириллаб баланд бўйлик одам.— Мабодо уни сеникида кўриб қолсан, сочидан тортиб ураман...

Левко оғзидан қаттиқроқ сўз чиқиб кетмаслигининг эҳтиётини килиб, товушини чиқармасдан секингина:

— Мени сочимдан тортиб урмоқчи бўлган олифта ким экан, билсан эди! — деб, бўйнини чўзиброқ қаради. Аммо у танимаган одам сира эшитиб бўлмайдиган қилиб жуда оҳиста сўзлашаверди.

Левко танимаган одам гапини тугатгандан кейин, Ганна унга:

— Хеч уяting йўқ экан! Гапларинг ёлгон, алдайсан; мени севмайсан, севишингга сира ишонмайман! — деди.

Баланд бўйли одам яна сўз бошлиб:

— Биламан, Левко сенга ҳар нарсалар, деб бошингни гангитиб кўйинти. (Йигитнинг назарида бу товуш унга жуда ҳам ёт эмас, қачондир бир эшитгандай бўлди) — Лекин унинг адабини бериб, ўзимнинг ким эканимни билдириб қуяман, — деди новча одам.— Хаёлида қилиб юрган шўхликларини мени билмайди, дер. Итвачча, ҳали менинг муштумимни еб кўргани йўқ-да.

Левко бу гапни эшитгандага аччиғига чидай олмай, узини босолмай колди. Уч қадам яқин келиб, уни урмоқчи бўлиб қўлини кўтарди-ю, лекин зўрга ўзини тўхтатиб олди. Агар ургандай бўлсами, новча ҳар қанча бақувват бўлса ҳам бардош килолмас эди. Шу пайтда унинг юзига ойдин тушиб, Левко олдила турган одам отасилигини билиб, тахта бўлиб колди. Таажжуб ва ҳайрати шунчаликка етдики, беихтиёр бошини чайқаб, тиши орасидан хуштак чалиб колди, холос. Нариги ёқдан шитирлаган овоз чиқиб, Ганна шошиб-пишиб уйига кириб, эшигини бекитиб олди.

Шу пайтда йигитларнинг бири секингина келиб:

— Хуш бор, Ганна! — деб оқсоқолни кучоклаб олди. Лекин оқсоқолнинг мўйлови тикандек қадалиб, кути учиб иргиб тушди.

Йигитларнинг яна бири келиб:

— Гўзал қиз, хайр! — дейиши билан оқсоқол туртиб юборган эди, ағнаб тушди.

Бир неча йигит бирданига оқсоқолнинг бўйнига осилиб, ҳар қайсиси Ганна билан хайрлашган бўларди.

Оқсоқол уларни турткилаб итааркан депсиниб:

— Йўқолинглар-а шум бадбаҳтлар! Ганна қилиб олдингларми мени! Йўқолинг-а шайтондан тарқаган, баччағарлар, бўйнингиз дорда чўзилсан! Асалга ёнишган пашшадек ёпишади-я! Ганналарингизни чиқазиб қўярман!.. дер эди.

Йигитлар:

— Оқсоқол экан, оқсоқол! — деб қичкиришиб, ҳар тарафга тўзиб қочишиди.

Левко ҳайратидан ўзига келиб, болаларни сўкканича кетаётган оқсоқолнинг орқасидан:

— Баракалла, ота! — деганича колди. — Мен гап очганимда нега отам ўзини кар қилиб олади, дердим-а! Бунақа ишларинг бор экан-да, шошиб тур, сен чолни бир боплай, ёш кизларнинг деразаси тагида юрмайдиган, бирорнинг қайлиғига кўз олайтиридиган қилиб қўймасамми сени! — Яна тўпланишган ўс-

пириналарни чақириб:— Хой болалар, бу ёкка келинглар, бу ёкка!— деди құлнин силкиб.— Ҳали уй-уйларингга бориб ухланглар, деган эдим, энди айнидим, бери келинглар, энди тонг отгунча үйнайман сизлар билан!

Қишлоқ йигитлари орасыда ҳаммадан шұх, ҳаммадан үйинқароқ бұлғаш, яғринлари кенг, забардастдан келган йигит суюниб:

— Баракалла! Яхшилаб үйнаб, шұхлик қилиб олмасам-хумордан чиқмайман, бир нарсам камдек, шапкамними, трубкамними — бир нарсамни йүкотгандай бұлиб тураман. Ишқилиб бир чаккам галатироқ бұлиб, йигитта үхшамай қоламан,— деди

— Бугун оқсоқолни хұб боплайлик, хұпми?

— Оқсоқолними?

— Ҳа, оқсоқолни. Ахир жуда ошиб кетди-д. устнисиздан худди гетман бўлиб олди. Ҳаммамизни малий қилиб олгани бир сари, энди қизларимизга ҳам кўз олайтира бошлади. Ахир оқсоқол айланишмаган тузуккина қиз қишлоқда қолмаган чиқар, деб үйлайман.

Ўспириналар ҳаммаси унга қўшилиб:

— Бу гапку рост-а! Рост,— деб ҳар тарафдан шовқинлашди.

— Йигитлар, ахир бизлар унинг малай эмасмиз-ку! Ундан нима камлигимиз бор? Ҳудога шукур, ҳаммамиз озод йигитлармиз! Йигитлар, ўзимизнинг озодлигимизни унга кўрсатиб қўяйлик!

— Кўрсатамиш! Кўрсатамиш!— деб шовқинлашди йигитлар.— Оқсоқолнинг ўзини эмас, мирзасини ҳам қўймаймиз!

— Ҳа, мирзасини ҳам қўймаймиз! Оқсоқол тўғрисида ғалати қўшиқ ҳам тўкиб қўйдим.— Левко дўмбирасини чертиб туриб:
— Қани юринглар, қўшиқни ўргатиб қўяй,— деди.— Шошманглар, ҳар қайсинг устингга ҳар нарса кийиб ол!

Бояги азamat шұх йигит оёғини оёғига уруштириб, чапак чалиб:

— Йигит боши омон бўлсин, үйнасин. Баракалла! Дориломон бўлсин! Туполон қилиб, яйраб кетсанг, бурунги дориломон замон келгандек бўлади. Қўнгил суюнади, шодланади, одам жаннатга тушгандай бўлади. Баракалла, йигитлар, баракалла, үйнанглар!— дерди.

Йигитлар галашиб, шовқин-сурон солиб, қўчаларни бошлигiga кутардилар. Туполондан үйқулари безовта бўлиб үйғонган художўй кампирлар дарчаларини кўтариб кааркан, карахт қўллари билан чўкиниб туриб:

— Оббо, йигитлари тушмагур-эй, кутириптилар-ку!— дердилар.

ЙИГИТЛАР ШҰХЛИГИ

Күчанинг охирдаги биттагина уйда ҳали ҳам чирок ёниғлиқ, бу уй оқсоқолники. Оқсоқол кечлигини аллақачон еб олди, агар мәхмөнни бұлмаса аллақачон ётиб ухларди ҳам. Озод казаклар орасыда бир бұлак ери бұлган бой бунда винохона солмоқчи бүлиб виночини бу ёққа юборған эди... Бақалоқдан келган, күзлары ҳар доим кулиб турған мәхмөн уйнинг түридаги бутлар осилған бурчакда үтирипти. Калтагина трубасини чекаркан, дамба-дам тушириб, кулини құли билан босиб құйғанда топған хузури худди уннинг күзларида ёзилиб құйилғандай эди. Трубка тутуни ёйилиб, күм-күк тумандек уннинг бошини чулғаб олди. Аллақандай винохонанинг йұғон мұриси, жойида тураверіб зерикканидан бир ёзилиб келай, деган хаёл билан бу ерга келиб, оқсоқолнинг дастурхони тепасига үтириб олганга үшшар эди. Қалин ва калта мүйловлари диккайиб турарди. Аммо трубка тутуни ичиде мүйлови зұрға күринар ва виночи омборхона мушугининг насибасига chan gal солиб тутиб олган сичқонни оғзіза ушлаб турғанга үшшарди. Оқсоқол бұлса мезбонлигини килиб, күйлакчан, суруп иштонда үтирган эди. Бургутникідек үткір күзлари кеч пайт офтобидек нури үчиб, хира тортиб юмилиб кетаётған эди. Дастанхоннинг пойғаҳида, бир чеккада оқсоқолнинг құл остидаги үн бошилардан бири уй әгасига хурмат юзасидан чакмонини ечмай трубка чекиб үтиради.

Оқсоқол эснаб оғзини чүкнитиаркан виночига қараб:

— Винохонанғизни қачон солмоқчисиз? — деб сүради.

— Худо хоҳласа, шу кузда юргизиб юборсак ҳам ажаб әмас.

Агар оқсоқол таксиrlари оёқлари чалишиб, күчага ажи-бужи хат ёзиб юрмасалар Покров¹ байрамига күрасиз, нималар килиб бераман.

Виночи шу сұзни айтди-ку күзлари юмилиб күринмай кетди, күзидан күлогигача эти тарам-тарам бўлиб тортишиб кетди. Кулганида ҳамма танаси залвор билан силкиллаб, лаблари ҳам иржайнib, тутаб турған трубкаси бир лаҳза оғзидан тушди.

Оқсоқол ҳам илжайған башара бўлиб:

— Худо хоҳласа,— деб қўйди-да, сұнгра:— Худога шукур, хали винохоналар уича кўпайғанича йўқ. Аммо бурунги вактда, мен

¹ Покров — Русларда диний байрам. Эски йил ҳисоби билан биринчи октябрда бўлади. Биринчи кор тушиши муносабати билан бўладиган корёғди байрами.

маликамизни Переяслав йўлидан кузатиб борган вактимизда мархум Безбородъко¹...

— Қариндош, қачонги вактни айтасан-а! У вактда Кременчугдан то Роменга² боргунча иккита ҳам винохона йўқ эди. Эндичи... Лаънати немисларининг ўйлаб чиқарғанларини эшитдингми? Яқинда винони сиз-биздек христиёнлар сингари ўтин ёки тортмай, шайтон ўргатган буг билан тортармийлар.— Виночи бу сўзларни айтиб, ўзи ўйлалинираб колди да, столга ва унинг устида турган кўлига кўзи туши.— Азбаройи худо, ҳеч билмайман, буг билан қандай тортаркиншар!— деб қўйди.

Оқсоқол ҳам:

— Бу немислар қандай бемаъни ҳалқ экан, худоё тавба,— деди.— Мен бўлсам у итваччаларни таёқ билан дўппаслардим! Ахир буг билан бир нарсани кайнатиб бўладими? Шунинг учунда, бир кошиқ шўрвани лабинига якинига келтирсангиз, чўчка боласи ўрнига лабингизни конуриб оласиз...

Сўрида чордана куриб ўтирган қайнэгачиси гап котиб:

— Қариндош, хотининг келтирмай шундай тураверасанми?— деди.

— Хотинни нима киламан? Тузукроқ бўлса майлийди.

— Нега, чиройлимасми?— деб сўради оқсоқол кўзни унга бакрайтириб туриб.

— Чиройлик қаерда! Қарид ажинага ўхшаб қолган. Афтибашараси бўшаб қолган ҳамёндек буришиб кетган,— виночи хоҳолаб кулган эди, бақалоқ танаси яна залвор билан силкиниб силкиниб тушди.

Шу онда эшик орқасида бир нарса ивирсилагандай бўлди. Бир маҳал эшик очилиб, бирор шапкасини олмай остонодан ўтди-да, уйнинг ўртасига келиб шипга қараб сўррайтиб тураверди.

Келган одам танишимиз бўлган Каленик экан.

У ўйлагиларга сира парво килмай, эшик олдидағи сўричага ўтираркан:

— Ўйимга стиб олдим-а!— деди.— Одамзоднинг душмани баччагар шайтон йўлининг танобини хўб чўзди-да; кетяпман-кетяпман, охирига етмайман-а! Бирор оёғимни синдириб қўйгандек! Хотин, пустакни ташлаб бер, тагимга. Печкага чикиб сен билан ётмайман, осгим ширкираянти. Пустакни олиб бер, ана бурчакда ётипти. Эҳтиёт бўл, хурмада тамаки эзиб қўйиман, тўкиб юборма. Йўқ, кўя кол, тегма! Бугун маст чиқарсан... Майли кўй, ўзим оламан.

Каленик турмолчи булиб, аидак кўтарилиди-ю, туролмади, аллақандай кувват уши ўтирган сўричасига михлаб қўйгандай эди

¹ Книғи А. А. Безбородъко (1742—1799) Екатерина II ниңг боз котиби эди

² Кременчуг шаҳри Ровен шахарлари Украина ССРда.

Оқсокол:

— Баракалла, шунисини яхши кўраман-да,— деди. Биронни кига келиб, ўзиникидек катталик қилади-я! Яхшилийча, омонэсон дарров чиқазиб юборинг!..

Виночи оқсоқолнинг қўлини тутиб:

— Кариндош, қўй, бир пас дамини олсин,— деди.— Бунақалар бизга фойдали; бунга ўҳшаганлар кўпроқ бўлса, ишимиз ривожга миниб кетади...

Бироқ виночи бу гапларни кўнгли бўшлигидан айтмади. Ҳар хил ирим-чиримларга жуда ишонарди, шунинг учун уйга кириб ўтириб олган кишини ҳайдаб чиқариш унинг назарида ўз бошига ўзи бало чақириш эди.

Каленик тахтага ётаркан:

— Кариб колдимми!..— деб тўнғиллади. Маст бўлсан ҳам майлиди-я, мастмасман. Худо хақи, мастмасман! Ёлғон айтиб не қиласай? Оқсоқолнинг олдига борсан ҳам айтаман. Оқсоқолнинг нима менга? Итвачча, ҳаром улсин! Башарасига тупирдим! Бир кўзи кўр шайтонни арава боссин! Одамларни совукда сувга пишганига...

Оқсоқол аччиғи келиб:

— Эҳ-ҳа, тўнғиз, уйга кириб, энди дастурхонга оёғини узат-яптими?— деб ўрнидан турди. Шу пайтда каттакон тош ойнани чил-чил қилиб унинг оёғи остига келиб тушди. Оқсоқол тўхтаб қолди. Тошни ердан кўтариб оларкан:— Агар қайси дор тагидан қочган отганини билсанм-чи, шундай адабини берардимки,— деб қўлидаги тошнинг у ён-бу ёнинг каради.— Отган тошинг ҳалкуминнга тикилсин...

Рангги ўчиб, бўзариб колган виночи:

— Кариндош, шошма-шошма! Худо сақласин! Икки дунёда худо сени ўз паноҳида сакласин, биронни ҳеч бундай карғай кўрма!— деди.

— Э, ёқлашингни қара-ю! Қўявер ўлиб кетсин!...

— Кариндош, асло бундай дея кўрма! Менинг қайнонам воқеасини эшигандирсан?

— Қайнонангними?

— Ха, қайнонам воқеасини. Кечкурун, шу маҳалдан сал эртароқ бўлса керак, марҳума қайнонам, марҳум қайнотам, малайи, чўриси, яна бештacha болалари билан кечки овқат емоққа ўтирган эканлар. Қайнонам ҳамир оши қилиб, совисин, деб озрок туппани қозондан идишга олиб қўйган экан. Ишдан кейин ҳаммасининг қорни очиқиб қолган эканми, совигунча сабрлари чидамапти. Туппани узун чўп билан емоққа бошлаган эканлар, шу пайтда кимлигини, қаерданлигини худо билмаса бошқа ҳеч ким билмаган бир одам эшикка келиб, сукатойлик билан дастурхонга ўтириб олипти. Оч одамга овқат бермай бўладими! Унга ҳам чўп берип-

тилар, бирок мәхмөн шундай тушириб бериптики, оч мол ҳам похолни бундай емайди. Бошқалар биттадан олиб, яна құл узат-гүнларича товоқнинг такири чикипти. Қайнонам мәхмөн энди түй-гандир, секинроқ ошалар деб, яна келтириб қўйипти. Йўқ, бояги-бояги. Баттаррок ошалаб, бу товоқни ҳам бўшатинти! Оч колган қайнонам, тиқилиб ўлгур, деб ичида қарғаши билан ҳалиги мәх-мөн қалқиб кетиб шу онда йиқилипти. Дарров қарасалар алла-қачон жони чикипти. Тиқилиб улиб қолипти.

— Лаънати очофат экан, ажаб булипти! — деди оқсоқол.

— Шундай-ку, лекин оқибати ёмон булди-да; қайнонам шун-дан кейин ҳеч тинчлик кўрмади. Қеч бўлар-бўлмас ҳалиги ўлик келиб, бадбаҳт оғзида хамир оши билан мўриға миниб олармиш. Кундузи бўлса жимжит, шарпаси ҳам кўринмай, кеч бўлди дегун-ча томга карасанг, итваччани мўрига миниб олган кўраверасан...

— Оғзида хамири билан-а?

— Оғзида хамири билан.

— Қариндош, ажаб гаплар! Мархума малика замонида ҳам шунга ўхшаш бир воқеани эшитган эдим...

Оқсоқол шу сўз устида тўхтаб колди. Дераза тагида шовқин, тапир-тупур ўйин тушган овоз эшитилди. Аввал секин чалинган дўмбира овози чикди, сўнгра унга ашула қўшилди. Дўмбира тор-ларининг овози баландроқ чикди. Бир неча киши қўшилишиб айта бошладилар, шундай қилиб ашула авжига чикди:

Билдингизми йигит-ёронлар?
Бизнинг бошлар қаттиқ эмасми!
Оқсоқолнинг боши шу онлар
Ерилибди, тушиб чегаси.

Бўчкачи, сиз тутиб бошини
Пўлат гардиш билан боғлангиз.
Савагич-ла бизнинг оқсоқолни
Савалангиз, хўп савалангиз.

Оқсоқолимиз сассиқ, ибليس чол,
Кариса ҳам сира қюлмай,
Хотин-қиздан қитдак тийилмай,
Суркалади бамисоли мол.

Йигитларга тенглашганингча —
Гўрга кирсанг яхшимасми чол.
Оқсоқолни ур ўлгунича,
Калласига боплаб-боплаб сол.

Виночи бошини сал кийшайтириб туриб, бундай густохликии күриб сүррайиб тахта бўлиб қолган оқсоқолга қараб:

— Қариндош, аломат қўшиқ экан! Жуда аломат-у, бирок оқсоқолнинг шаънига андак беадаблик жойи бор экан-да...— деб қўйди. Дераза тагидагилар: «Яна бошидан!» деб хоҳолаб кулишаётгандаридан виночи яна тингламоқчи бўлиб, кўзлари алла-иечук сузилиб, икки қўлини столга ташлади. Бирок хушёрроқ одамнинг кўзи оқсоқолнинг сүррайиб тахта бўлиб қолгани ҳайратидан эмаслигини дарров биларди. Унинг бу туриши, туллак, муғомбир мушук хом ва нодон сичконни кўрганда яқинига келгунча индамай қўйиб беришига ўштайди. Мушук индамай пойлаб туриб, сичконни қандай килиб инига киргизмасдан тутиб олиш хийласига киришади. Оқсоқолнинг биттаю битта кўзи деразага тикилиб турган, ўнбошига ишора қилган қўли ҳануз эшикнинг ёғоч тутқицидан узилгунча бўлмай, кўчада бирдан шовқин-сурон бўлиб қолди.. Бир қанча фазилатлари орасида ҳар нарсага ажабланиш одати ҳам бўлган виночи дарров трубкасига тамаки тўлдириб олиб, юргурганча кўчага чиқди; аммо шўхлик қилиб юрганлар аллақачон қочиб кетгандилар.

Оқсоқол тескари ағдарилган қора жун пўстинни бошига илиб олган бирорвни қўлидан судраб келаркан:

— Йўқ, энди қўлимдан чиқолмайсан!— дер эди. Виночи фурсатни ғанимат билиб, уларни бундай безовта килган одамнинг афтини кўрмокчи бўлиб югуриб келди. Бирок узун соколини таъвия қилиб, қора суртилган башарасини кўриб, кўркқанидан кетига тисарилди. Оқсоқол бўлса қўлига тушган ҳаромини тўппа тўғри дахлизга судраб бораркан, «Йўқ, энди қўлимдан чиқолмайсан» дер эди, лекин у ҳам ҳудди ўз уйига кириб келаётгандай, ҳеч тихирлик қилмай индамасдан кириб келаверди. Оқсоқол ўнбошини чақириб:

— Карло, омборни оч! Коронги омборга қамаб қўяйлик! Кейин мирзабошини уйғотиб, ўнбошиларни чақириб, баччагарларнинг Барисини тутиб, ҳаммасига шу куниёқ ҳукм чиқарамиз!— деди.

Ўнбоши дахлизда туриб кичкина осма қулфни чақиллатиб омборхонани очди. Шу пайтда бандга тушган одам қоронфиликдан фойдаланиб, кучининг борича силтаб қўлдан чиқди.

Оқсоқол уни ёқасидан яна каттикроқ ушлаб:

— Қаёқка борасан?— деб бақириди.

— Қўйиб юбор, менман!— деган ингичка овоз чиқди.

— Оғайни, хилла килма, фойдаси йўқ, хотин киши бўлмай, ажина бўлиб чинкирсанг ҳам алдаёлмайсан!— деб уни коронги омборга шундай итариб юбордики, у инқилаб йиқилиб тушди. Сўнгра оқсоқол ўнбоши билан бирга мирзабошиникига қараб кетди; виночи ҳам ҳудди кемадек тутун буркиратиб улар кетидан кетди.

Учови бошларини қүйи солиб хаёл ичида борар эди, то күчанинг муюлишига етганда, пешаналари билан урилиб кетиб, ҳаммаси бирданига қичкиришиб юборди. Шу онда бу томондагилар ҳам қичкиришиб юбордилар. Оқсоқол күзларини қисиб караса, мирзабоши билан иккى ўнбоши экан, уларни кўриб оқсоқол ҳайрон колди.

- Хурматли мирзабоши, мен сеникига кетаётган эдим.
- Хурматли оқсоқол, мен ҳам сеникига бораётган эдим.
- Мирзабоши, ажаб ғалати ишлар бўляпти.
- Хурматли оқсоқол, ажойиб ишлар.
- Нима гап?

— Ўспиринлар кутириб кетиптилар! Кучаларда галалашиб юриб бебошлиқ қиласидилар. Сени шундай сұзлар билар беҳурмат қиласидиларки, асло қуявер, гапиргани одам уялади; маст кишининг алжиган тили ҳам бундай сўзларга бормайди. (Алачадан чалвар, малладан нимча кийган қотма мирзабоши бу гапларни гапиргандагекирдагини бир чўзиб, бир тортиб қўяр эди). — Кўзим андак уйқуга кетиб мудраган эканман, ҳаромилар тапир-тупир, тўполон қилиб, ашула айтиб, уйкумдан бозвота қилдилар! Лаънатиларнинг хуб адабини бермокчи эдим, чалварим билан нимчамни кийгунимча тўзишиб қочиб кетдилар. Ва лекин бошлиғи кутулолмади. Ҳозир у авахтахонада ётити. У зангарнинг кимлигини билмоқка жуда иштиёқманд эдим-ку, бирор баччагарнинг афти-башараси дўзахиларни осишга мих қиласидиган шайтон лаъинга ўхшаб, қопкорага бўялган экан.

- Хурматли мирзабоши, устидаги кийими қанака?
- Хурматли оқсоқол, итваччанинг устида қоп-қора ағдарма пўстин.
- Хурматли мирзабоши, ёлгон айтмайсанми? Сен айтган ҳароми менинг омборимда ётган бўлса нима дейсан?
- Йўқ, ҳурматли оқсоқол, жаҳлинг чиқмасин-ку, сен ўзинг андак ёлгон сўзлаётисан.

— Чирок келтиринглар, бўлмаса, уни кўрайлик-чи!
Чирок келтириб, эшикни очган эдилар, оқсоқол қайнэгачисини кўриб, ҳайрон бўлиб, таажжубда колди.

Қайнэгачиси унга ўдағайлаб:

— Айт-чи менга, қолган-күтган аклингдан ҳам ажралмадингми? Мени коронги омборхонага итариб юборганингда, бир кўзи кўр бошингда заррача ақл бормиди, хайриятки, бошим темир санчикка бориб тегмади. Ахир, менман, менман, деб бақирдим-ку! Сўлоқмон ўлгур, наҳотки темир паншахадек қўллари билан ушлаб, итариб юборса-я! Сени ҳам охиратда шайтон жаҳаннамга итарсин..

Охирги сўзни эшикдан чиққац, ҳовлига ҳожат учун чиқиб кетаётисиб айтди.

Оқсоқол ҳушиға келиб:

— Күрдим, сен экансан! — деди.— Мирзабоши, бунга нима дейсан, бу зангар шум эмасми?

— Хурматли оқсоқол, шум, шум.

— Бу ҳаромиларни тутиб, таъзирини бериб, шумликни ташлатсақ бўлмайдими?

— Хурматли оқсоқол, аллақачон шундай қилиш лозим эди, аллақачон.

— Баччағарлар кўп ахмок бўлтилар... Кўчада қайнэгачим қичкиргандай бўлдими,вой тавба; ахмоқларнинг хаёлида мен уларнинг tengқуriman, шекилли. Ҳаёлларида ўйлардиларки, юрган ҳар бир казак менга тенг бўлаверади!..— Бу сўздан кейин оқсоқол бир оз ўйталиб олгач, ўшшайиб атрофига қараб қўйди; бу қилиғи унинг каттароқ, ғалати бир гап айтмоқчи бўлганидан хабар беради..— Бир минг...э, шу йилларнинг номи ҳам қурсин, ўлсам ҳам хеч айтолмайман; ишқилиб ўша йили у вактдаги ҳокимимиз Ледачега казаклар орасидан эслик-хушликрогини танлаб, хов! (Оқсоқол «хов» деганда бармогини кутариб салмоклаб қўйди.) Ҳаммадан эсликрогини танлаб тайинланг, маликани кузатиб қўйсин, деган буйруқ келган эди. У вактда мен...

— Хурматли оқсоқол, буни гапириб нима қиласан, ҳамма билади-ку! Маликага манзур бўлиб, ундан илтифот кўрганинг ҳаммага маълум. Энди ўзинг айт, менини тўғри чиқдими! Ағдарма пустин кийган ҳаромини тутдим деб, ёлғон сўзлаб қайтага гуноҳ орттиридингми?

— Пустинни ағдариб кийиб олган шайтонни бўлса, киshanга солиб, хўб жазосини бермок керак, токи бошқаларга ибрат бўлин, ҳукумат билан ҳазиллашиб бўлмаслигини билсинлар! Оқсоқол пошшо томонидан бўлмай ким томонидан қўйилипти? Кейин бошқаларини ҳам тутамиз; лаънатилар менинг пайкалимга чўчқаларни хайдаб юбориб, карам ва бодрингларимни едирганлари, буғдойимни янчиб бермаганликлари эсимдан чиққани йўқ, яна... гўрга кирсинлар-а, пустинни ағдариб кийиб олган кимлигини билмасам тинчланмайман.

Бу гаплар тамом бўлганча, қалъабузар замбаракни ўқлагандек лунжига тутун тулиб, калта трубкаси лабидан тушиб, оғзидан тутун бурқираб турган виночи:

— Буниси ҳаммасидан шумроққа ўхшайди!— деб қўйди.— Бундай одамни винохонада сақламоқ ҳам ёмон бўлмайди. Лекин қандил қилиб теракка осиб қўйган маъқулрок!

Виночи назарида ўзининг бу ҳазили чакки бўлмагандай куринди шекилли, бошқаларга манзур бўлган-бўлмаганига бокмай, хириллаб кулиб қўйди.

Шу онда улар қулай-қулай деб турган кичкина бир уйга яқинлашиб қолдилар ва бунга қизикишлари яна ошди. Ҳаммалари

эшик олдида ғуж бўлиб тўпландилар. Мирзабоши қалитни чиқариб жиринглатиб кўйди, аммо бу қалит сандигининг қалити экан. Сабрлари чидамай шошар эдилар. Қиссасини ахтариб қалитни топмай хит бўлиб сўкар эди. Бир маҳал энгашиб олиб олача чалварининг каттакон чўнтағини кавлашига-кавлаштира «топдим!» деди. Бу сўз унинг оғзидан чиққанда азаматларнинг ҳаммасининг дили бирлашгандай бўлди. Бу каттакон дил шундай қаттиқ ура бошладики, ҳатто қулфнинг чақиллаши ҳам унинг дук-дук урган овозини босиб кетолмади. Эшиклар очилди... Оқсоқол бўзек оқариб, суррайганча қотиб қолди. Виночининг баданига совук югурди, соchlари хурпайиб, учиб кетгандай бўлди. Мирзабошининг кути учиб кетди. Ўнбошилар қадалганча қолдилар ва аграйиб очилиб қолган оғизларини ёполнадилар. Улар олдида турган оқсоқолнинг қайнәгачиси эди.

Қайнәгачи ҳам улардан баттар ҳайрон бўлиб қолган бўлса ҳам, ўзига келиб, улар томонига юриб келаверди.

Оқсоқол бақириб:

— Тўхта!— деб, дарров эшикни ёпиб олди.— Биродарлар, бу одам эмас, жин! Тезроқ чирок келтиринглар, дарров! Пошиболик бўлса ҳам аямайман, уйга ўт кўямиз! Ўт кўй, баччағарларнинг сияги ҳам ер юзида қолмасин!

Қайнәгачиси бу ваҳимали гапларни эшитиб капалаги учиб, ўти ёрулгудай бўлди.

— Оғайнилар, сизларга нима бўлди!— деди виночи.— Худога шукур, соchlарнинг оппок қордек, лекин ҳалигача ақлингиз кирманти. Жин деган нарса ўзимизнинг расмона ўтдан ёнармиди. Уни трубка ўти ёндирамаса, бошқа ўт кор қилмайди. Шошманлар, ҳозир ўзим саранжом қиласан!

Виночи трубкасидан бир чимдим қул олиб, бир қисим похолга кўйиб пуфлай кетди. Шу онда бечора қайнәгачи жон аччиғида бақириб, уларга ялина бошлади:

— Оғалар, шошманлар! Бекорга гуноҳкор бўлмайлик, балки жин эмасдир,— деди мирзабоши.— Бунда ўтирган нарсани чўкинтириб кўрайлик, агар чўкинишга рози бўлса, унда жин эмаслиги маълум бўлади.

Унинг таклифи маъқул тушди. Мирзабоши оғзини қулф тешигига тўғрилаб;

— Даф бўл, жин булсанг!— деди-да, кейин яна: қимиrlамасанг очамиз,— деди.

Эшик очилди. Оқсоқол, мабодо орқага қочиш лозим бўлиб қолса кўриб қўйиш керак дегандай, орқасига қараб-қараб қўйгач:

— Чўкин, чўкин!— деди.

Қайнәгачиси чўкинди.

— Қандай бало бўлди. Қайнәгачимнинг худди ўзи-ку!

— Қайнәгачи, қайси жин сени бу ерга келтириб ташлади?

Қайнәгачи пикиллаб йинглай-йиглай, болалар күчада уни ушлаб, ҳар қанча олишса ҳам зүр билан уйнинг деразасидан уни итариб, деразанинг орқасини михлаб ташлаганларини сўзлаб берди. Мирзабоши қараса деразанинг зулфини суурилган, устидан танбаланиб қокиб ташланипти.

Қайнәгачи орқасига тисарилиб, ҳали ҳам уни кўзи билан чамалашини қўймаган оқсоқолга дўқ килиб:

— Бир кўзлик малъун! Ниятинг нималигини хўб биламан. Максадинг мени куйдирмоқ, мен куйиб ўлсан суюнсан, киз болалар кетидан қолмасанг-а? Бирор сени тиймаса, мўйсафид чоннинг килган тентаклигини ҳеч ким кўрмаса-а? Бугун кечқурун Ганна билан нималар гаплашганингни мени билмайди деб ўйлайсанми? Эҳ-ха, ҳаммасини биламан! Мени лакиллатиш осон эмас, сен каллаварам мени алдаб бўпсан. Мен арқонни узун ташлаб кўяману, лекин кейин, мендан гина қилма...

Қайнәгачи бу сўзни айтиб муштумини ўқталиб қўйгач, ғизиллаб кетаверди. Оқсоқол безрайганича қолди. Оқсоқол бошини қаширкан:

— Йўқ, бу ишга шайтон аралашмасдан иложи йўқ,— деб ўйланқираб қолди.

Шу пайтда ўнбошилар етиб келиб:

— Тутдик!— деб бақиришдилар.

— Кимни тутдинглар?— деб сўради оқсоқол.

— Афдарма пўстинлик шайтонни!

Оқсоқол улар тутиб келган бандини қўлидан ушлаб олиб:

— Итаринглар бу ёқقا!— деди.— Э, жинни бўлибсизлар, бунингиз маст бўлиб юрган Каленик-ку.

— Қандай бало бўлди! Хурматли оқсоқол, ўз қўлимиз билан ушлаган эди-га. Лаънати шумбаччалар тор кўчада ўраб олиб, хўп ўйин қилдилар, тилларини осилтириб масхара қилдилар, тортқилаб, туртқилаб, қўлимиздан юлқиб олмоқчи бўлдилар.. Оббо, шумлар-э, қандай қилиб унинг ўрнига бу гўнгтарға қўлимизга кириб қолганини худо билади!

— Ўзим ва бутун фуқаром номидан амр қиламан, у ўри шу ондаёқ тутилсин. Шунинг билан баравар кўчада кимни кўрсангизлар тутиб жазосини бермоқ учун менинг қошимга келтигринглар!..

Ўнбошиларнинг баъзилари оқсоқолнинг оёғига бош уриб:

— Ҳурматли оқсоқол, важоҳатини кўрсанг эди, ахир туғилиб, шунча ёшга кириб бундай баднамоларни сира кўрганимиз йўқ; ҳурматли оқсоқол, тағин бир балога йўликиб ўтирамайлик, битта яримтани чалиб кетса, кейин кўчирик қиладиган кампир топилмасдан ўтирасини.

— Чалиш-малишинглар курсин! Хўш! Бўйин товламоқчими-

сиз? Балки сизлар ҳам улар билан биргадирсизлар? Боғовотмисиз¹. Хүш, нима. Бу нимаси?.. Үгрилик, босмачиликми?.. Сизлар... ҳокимга билдирай! Ҳозироқ, эшиздингизми, шу топдаёк билдирай... Физилланг, қуш бўлиб учинг! Токи мен сизни... тоғиз мени...

Хар кайсиси ҳар тарафга югуришиб кетди.

V

СУВ ҚИЗИ

Бу можароларга сабаб бўлган одам, бепарвою фалак, ҳеч ғам емай, кетидан юборилган изқуварлардан ҳам сира тап тортмай, бемалол юриб, эски уй ва ҳовуз томонга қараб борар эди. Бу одамнинг Левко эканини айтиб утиришга ҳожат бўлмаса керак, деб ўлдайман. Қора пўстинининг тугмалари очик, шапкаси қўлида. Бетидан тер шариллаб оқиб кетяпти. Зарангзор ойдинда тим корайиб, ҳўмрайгандек вахима билан ҳомуш турарди. Сокин ҳовузнинг салқин шабадаси йўловчини ҳовуз бўйида бирпас дам олмоққа мажбур этди. Атроф жимжит. Даражатзор ичидаги булбулнинг сайрашидан бошқа овоз чикмайди. Уйқу енгиб, қўзлари юмилиб кетаверди; ҷарчаганидан аъзойи-бадани сусайиб, шалвиллаб кетяпти, бошини кутаролмайди, оғиб кетяпти... «Йўқ, тагин бу ерда ухлаб қолмай!— деди ўрнидан туриб, қўзларини уқаларкан. Атрофига аланглаб қараб қўйди. Тун коронфисининг маҳобати бу ерда яна ҳам дабдабалироқ қўринди. Ойнинг ёруғига яна аллакандай жозибали бир нур ҳам аралашганга ўхшар эди. Бундай манзарани ҳалигача сира кўрганмас. Атрофга чўккан туман кумушга ўхшайди. Олмагули билан кечаси очиладиган гулларнинг ҳиди оламни атирга тўлғазди. Левко оромда турган ҳовузнинг сокин сувига ҳайрат билан қараб тикилиб қолди, чунки бойнинг қадимги уйи, сувда тўнтирилиб алланечук озода ва муҳташам бўлиб қўринди. Коронги килиб турган дарпардалар ўрнига ойнавонли ёп-ёруғ эшик ва деразалар. Уйнинг зархал сирлари товланиб ойнадан қўриниб турипти. Бир маҳал дераза очилгандай бўлди. У нафасини ичига тортиб, қимирламасдан, қўзини ҳовуздан олмай, тикилганча шундай қотиб қолдики, гўё сув тагига тушиб кетди. Бир замон, аввал оппоқ билак қўринди, кейин ёйилиб тушган сариқ кокиллари орасида кўзлари ўтдек ёниб чараклаб турган чиройликкина бир бош чиқиб, тирсагига суюлди. Левко назарида киз бошини секингина чайқаб имлагандай, табассум қилгандай бўлди... Дили ўйнаб кетди... Ҳовузнинг суви жимирилаб, дарча яна ёнилди. Левко секингина ўрнидан туриб, ҳовуздан нарироқ бориб,

¹ БОГОВОТ — исёнчи, бош кутарган.

үй томонга бокди: қоронги қилиб турган дарпардалар очик, дарчанинг ойнаси ойдинда йилтиар эди. «Одамларнинг гапига қулоқ солниса оқибати шу-да»— деб қўйди у ичида.— Яигигина үй, бўёклари тоза, бугунгина сирланганга ўхшайди. Бунда бирор турса керак деб, товуш қилмай секни үй яқинига келди, аммо үй жимжит. Булбуллар ажаб фарёд уриб, хуш овоз билан сайрамоқдалар; улар чарчаб, нолалари пасайса, чигирткаларнинг читирлаши ёки сув кўзгусини силлиқ тумшуғи билан чўқиётган тўқай кушиленинг овози эштилиб коларди ва бу чокда унинг кўнгли очилиб, яйраб тотли ором олар эди. У дўмбирасини созлаб қўшиқ бошлади:

Хой қўкдаги ой, менинг ойим,
Юлдузинам, ёргу юлдузим,
Ёр уйига сочинигиз нурлар,
Бахра топсин гўзал қундузим.

Дарча секни очилиб, ҳовузда акси қўринган ҳалиги кухлик бош қўринди, қўшикка қулоқ тинглаб турди. Узун-узун киприклиари сузилиб кўзига тушган, ранг-баранг сурупдек, ойдин ёруғидек оппок. Қандай гўзал, қандай чиройли! Қиз кулди... Левко титраб кетди. Қиз бошини бир ёнга ташлаб, қалин киприкларини сувзаб туриб:

— Йигитча, бир ашула айтиб бер!— деди.

— Гўзал қиз, қандай ашула айтиб берай?

Кизнинг оппок юзидан ёш инириллаб оқиб кетди.

— Йигитча! Хой йигитча, үгай онамни топиб берсанг-чи менга!— деди. Унинг бу сўзида кўнгилни эшадиган ҳаддан зиёд бир ҳазинлик, маъюслик бор эди.— Мукофотинг берурман. Кўп молу дунёлар олурсан! Енглик укам бор, маржон, марваридларим бор. Марварид тақкан заррин камарим бор, олтиним бор, ҳаммаси сенга мендан тортиқ бўлсин. Ўспиринча, топиб бер менга үгайимни! Баднамо ажинани! Ёруғ дунёда уидан кўп озор топдим, тинчимадим. Менга кўп азоб берди, чўрисидек ишлатди. Юзимга карагин. Жоду кўзи билан кизил юзимни сарғайтирди; оппок бўйнимни кўр, темир тирнокларининг кўк доги сира кетмайди, ҳеч кетмайди. Оппок оёқларимни кўр, гиламда эмас, иссик куму тошларда, зах тупрокда, чакамуғ тиконларда юравериб қабарди. Кўзларимга бок, кузларимга, йигидан кўрмас бўлди... Ўспиринча, топиб бер, топиб бер үгайимни!..

Баланд кўтарилиб келаётган овози яна бушашди, учди. Кўз ёшлари оппок юзидан ариқ булиб оқди. Йигит ачиниб, дарду ҳасрат; алам туйғулари юрагини қисди, эзди. Йигитнинг қалби жўш уриб:

— Маликам, йўлингда ҳар ишга тайёрман, лекин айт, уни қандай топай, қаердан излай?— деди.

Киз тез-тез сўзлаб:

— Ана, ана қарагин! Шу ерда, сув бўйида канизларим ичидан юрипти, ойдинда исиняпти. Бироқ макр қилади, айёр. Сув кизи суратига кириб олган, аммо биламанки, шу ерда, овози қулогимга киради, нафасим бўғилади, оғирлашаман; унинг дастидан балиқдек яйраб юролмайман, тошдек сувга чўкаман, ботаман. Йигит, топиб бер уни менга!

Левко ҳовуз бўйига караб кумушдек оппоқ туман ичида оқчамандагул кўйлак кийиб ҳилпиллаб юрган қизларни кўрди. Ҳаммасининг бўйнида олтин тумор, маржон ва марваридлар йилтирар эди. Аммо бариси рангез, баданидан қон қочган, гўё тиник булатдан яратилганга ўхшар ва ойнинг кумуш нурида баданлари ойнадек кўринар эди. Қизлар чанбар тортиб ўйнай-ўйнай унинг якинига келдилар.

— Қелинглар, карға, қарға ўйнаймиз, келинглар! — дейишиб, улар жимжит оқшом пайтида эсган шабода бўсасидан шитирлаб кетган сув бўйидаги қамишдек чувуллашилар.

— Ким қарға бўлади?

Чек ташладилар; қизлардан бири қатордан чикди. Левко унга хуб тикилиб каради. Юви, кўйлаги, бошқа кийимлари ҳаммаси бир хилда, факат бу ўйинни хуш кўрмаганлиги билиниб турипти. Қизлар қатор тизилиб, олгир қарғанинг човутидан қочишар эди. Қиз қувлашдан чарчаб:

— Бўлди энди, қарға булмайман! Жўжанинг бечора онаснга раҳмим келади! — деди.

Левко, сен ажинамассан, деб қўйди ичида.

— Ким қарға бўлади?

Қизлар яна чек ташламоқчи бўлдилар. Қатордан бир қиз чиқиб:

— Мен бўламан! — деди.

Левко унинг афтига каттикроқ тикила бошлади. Талабгор бўлиб чиккан қиз жуда илдам, чаққон-чаққон ҳар тарафга югуриб, жўжани тутишга астойдил уринарди. Левко унга тикилиброк караб, унинг бадани бошқаларникидек тозамаслигини пайкади. Баданининг ичи қорайиб кўринар эди. Шу онда қизлар чувиллашиб қолдилар. Қарға қатордагиларнинг бирини ушлаб олди; туттган вактда панжаси очилиб, тирноклари кўриниб кетгандай бўлди, башрасида аламзаданинг кулишига ўшаган хунук бир кулиш зохир бўлди. Левко унга кўли билан ишора қилиб, уйга боқиб туриб:

— Ана ажина! — деди.

Малика кулиб юборди, қизлар чувуллашиб қарға бўлганни олиб кетдилар.

— Йигитча, нима муродинг бор? Сенга олтин керакмаслигини биламан, сен Ганнани севасан, аммо бемехр отанг уни олмогнинга

тўсқинлик қилиб турипти. Энди тўсқинлик қилолмайди. Манави хатни унга элтиб бер...

Унинг оппок қўли узатилиб, юзи аллақандай барқ уриб очи-либ кетди... Юраги үйнаб, ғалати бир изтироб билан хатни олди. Олди-ю, уйғониб кетди.

VI

УЙГОНИШ

Левко ўтирган дўнг жойидан тураркан:

— Ажабо, ухлаган эканманми? — деди ичидা.— Худди ўнгим-да кўргандек-а!.. Ажойиб, ажойиб! — дер эди орқасига аланглаб.

Унинг худди тепасига келиб тўхтаган ой ярим кеча бўлгани-дан дарак берарди. Жимжит ҳовуздан шабода эсар, дарпар-далари ёпиқ хафагезак эски уй ҳовуз тепасида хомуш турар эди. Бурган ўтлар, майсалар одам боласи бу уйни ташлаб кетганига кўп бўлганини кўрсатар эди. Левко уйқудалигида маҳкам юмиб олган панжасини ёзди, қўлида хат борлигини сезиб ҳайратидан қичкириб юборди. Хатни у ён-бу ёнини ағдариб, хўб томоша қил-гач:

— Аттанг, ўқиши билсан-ку! — деб қўйди. Шу онда орқа томондан товуш чиқиб қолди.

— Кўркманглар, тутинг! Нега кўркасиз? Бизлар ўн кишимиз. Гаров боғлашаманки, ажина эмас, одам! — Оқсоқол бирга келган одамларга шундай дер эди, Левко бўлса ўзини бир неча одам қўлида кўрди ва бу қўлларнинг баъзиси қўркувдан қалтирад эди. Оқсоқол уни ёқасидан тутиб:

— Огайни, устингдаги баҳайбат пўстинингни еч! Одамларни шунча жинни қилганинг бас! — деди. Бир маҳал унга тикилиброк караб кути учиб кетди. Ҳайратидан орқасига чиганиб, ёқасини кўйиб юборди.

— Левко, ўғлим, сенмисан, итвачча сенмисан! Ҳа, шайтондан тарқаган! Қандай ажина, қандай алвасти бундай майнавозликни қиляпти, дедим-а! Қўча-кўйда тўполон қилиб, ҳунар кўрсатиб, қўшиқ тўқиб юрган сен экансан-да, ҳа, отангнинг гўрига тош қалансин!.. Баракалла, баракалла Левко! Ҳуш бу нимаси? Орқанг қичиганга ўхшайди-я. Боғланглар!

— Ота, шошма! Манави хатни сенга топшир дейилган эди! — деди Левко.

— Энди хат-патингни кўй, чирофум! Боғланглар!

Мирзабоши хатни очиб кўриб:

— Хурматли оқсоқол, шошма, ҳокимнинг қўлига ўхшайди,— деди.

— Ҳокимникига?

Ўибошилар ҳам бир варакайи:

— Ҳокимники?— деб сўрадилар.

Левко ичида: «Ҳокимники, ажаб, буниси яна ғалати!» деб қўйди.

— Қани ўқи-чи, ўқи-чи, ҳоким нима депти?— деди оқсоқол. Виночи ҳам оғзида трубка билан чақмоғини чақаркан:

— Қани эшитайлик-чи, ҳоким нима ёзилти!— деди.

Мирзабоши аввал бир йўталиб олгач ўқиди: «Оқсоқол Евтух Макогоненкога бўйруқ: «Сен аҳмок чол эски бокимондаларни йиғиш ва қишлоқда тартиб барпо қилиш ўрнига, аклинг кетиб, бемазагарликлар қилиб юрган эмишсан, бу ишларинг бизга маълум бўлди...»

— Азбаройи худо, ҳеч эшитганим йўқ!— деб ўқишни бўлди оқсоқол.

Мирзабоши яна бошидан ўқиди: «Оқсоқол Евтух Макогоненкога бўйруқ: Сен аҳмок чол...»

— Бас қил, бас қил, керакмас!— деди бакириб оқсоқол. Эшитмаган бўлсам ҳам билдимки, гапнинг мазмуни бу эмас. Нариёни ӯқийвер!

«Шу сабабдан ўғлинг Левко Макогоненкони дарров ўз қишлоғидаги Ганна Петриченковага уйлантироғингни, сўнгра катта йўлдаги кўприкларни тузатиб кўймоғингни буюраман. Меним амримсиз суд амалдорларига, гарчи тўппа-тўғри юқори давлат маҳкамасидан бўлсалар ҳам, фуқаронинг оти берилмасин. Агар борсам ва бу бўйруқни бажо келтирилмаганини кўрсам, ёлғиз сени жавобга тортаман. Ҳоким, собик поручик Кузьма Деркач — Дришпановский».

Оқсоқол оғзини очиб:

— Ана, гапни эшитдингларми! Нима бўлса оқсоқол жавобгар, демак унинг буюрганини қилинг, нима деса хўп денг, бўлмаса гинани ўзингиздан қилинг...— деди. Сўнгра Левкога ўгирилиб:

— Ҳокимдан бўйруқ бўлганлиги туфайли мен сени уйлантираман, гарчи бу гапларнинг унга бориб етганлиги ғалатирок бўлса ҳам, уйлантираман. Аммо аввал қамчи ейсан! Бурчакда деворда осиғлиқ турган қамчини биласан-ку, эртага қамчини янгилаб оламан... Бу хатни қаердан олдинг?

Левко ишнинг бунақасига айланиб кетганига жуда таажжуబланиб, ҳайрон қолган бўлса ҳам, эсини йўқотмай, жавоб тайёрлаб қўйган эди, хатнинг қандай қилиб унинг қўлига кирганини яширди.

— Кеча кечқурун шаҳарга борган эдим, ҳоким аравадан тушаётган экан, кўриб қолдим. Мени бу қишлоқданлигимни билаб, бу хатни берди. Кейин, қайтганда сизларни кириб ўтаман, отангга айтиб қўйгин ҳам, деди.

— Унинг ўзи шундай дедими?

— Шундай деди.

Оқсоқол унга эргашиб юрган ҳамрохларига үгирлиб:

— Эшитдингларми? Ҳокимнинг үзи бизларникига, яъни меникига зиёфатга келармиш-а!— деб қўйди, керилмачоқлик қилиб. Оқсоқол буни айтиб, бармоғини найза қилиб, бошини худди бир нарсага кулок солаётгандек вазиятда ушлаб турди.— Эшитдингизларми, ҳоким меникига зиёфатга келармиш! Ҳурматли мирзабоши, сен нима дейсан, қариндош, сен не үйлайсан, ҳазил эмас-ку, ростми?

Мирзабоши оқсоқолнинг оғзидан сўзини олиб:

— Агар янгишмасам ҳалигача ҳеч бир оқсоқол ҳокимни зиёфат қилган эмас,— деб қўйди.

Оқсоқол ҳам хурсанд бўлиб:

— Ҳамма оқсоқол бир эмас,— деб қўйди. Оғзи кийшайиб, ҳаммалари узокда қалдироқ қалтирагандек қиқиллашиб қулишди.— Ҳурматли мирзабоши, қандай маслаҳат берасан, бундай азиз меҳмон учун уйбошидан бир донадан жўжа хурозми, матами, майли яна бирон нарса келтирсинглар, деб буйруқ берсам қалай бўларкан... Нима дейсан?

— Ҳурматли оқсоқол, чақки бўлмайди,— деди мирзабоши.

— Ота, туй қачон?— деб суради Левко.

— Тўйми? Тўйингни-ку курсатардим-а!.. Хуб, майлига, азиз меҳмон шарофати билан... Эртага поп келиб сизларни никоҳ қилиб қўйсин. Майли, қандай батартиблигимизни, қандай фармон-бардорлигимизни ҳоким ҳам куриб қўйсин. Қали азаматлар, энди вақт бўлди, уй-ўйларингга бориб ухланглар! Бугунги ҳодисалар анави эски замонларни ёдимга солди. Мен маликага...— Бу сўзларни деганда оқсоқол одати бўйича ўзини сиполардек улуф олиб, тумшугини кўтариб бир қараб қўйди.

— Оқсоқол тагин бошлади-ку, маликага ҳамроҳ бўлиб борганини сўзламоқчи!— деб, Левко илдам-илдам юриб, олчазор ичидаги пастаккина ўша уйга томон шошиб-пишиб кетди. Ичиди: «Марҳаматли гўзал малика, худо ярлақасин сени! Охиратда ҳуру гулмошлар билан ўйнаб-кулгин! Бу кеча бўлган воқеани ҳеч кимга айтмайман, жоним Галя, сендан бошқа ҳеч кимга айтмайман. Ёлғиз сенгина бунга ишонасан ва менга қўшилиб, шўрлик қизнинг арвоҳига дуо қиласан!»

Шу чоқда у уй олдига қедди. Уйнинг дарчаси очик, ойнинг шуъласи дарча тагида ётган Ганинага тушиб турар эди; қўлини бошига ёстиқ қилиб ётипти; икки бети қип-қизил оловдек, лаблари шивирлаб унинг номини айтар эди. «Ухла, маликам! Ёруғ дунёда нимаики яхши нарса бўлса тушинга кирсин!» Кизни чўқинтириб, секингина дарчани ёпиб кетди. Бир неча минутдан сўнг қишлоқнинг бариси уйқуга кирди; Украяннанинг ҳашаматли ажиб кенг осмонида ёлғизгина ой, битта ўзи, викор билан нур сочиб борар

Эди. Дабдабали қора түннинг нафасида ҳам бир гашт, сурур бор, кишига самовий завқлар бергани мухташам, гўзал кечанинг гашти тамом бўлиб, сўниб бормоқда; кумуш нурлар сочилган ер ҳам осмондек гўзал; аммо бу гўзаллик гаштини сурувчи ҳеч ким йўқ; ҳамма уйкуда. Гоҳ-гоҳда итлар увллаб сукунатни бузадилар, холос. Маст Қаленик ҳали ҳам уйини тополмай, куча-кўйларда кўп тентираб юрди.

ЙЎҚОЛГАН ЁРЛИК

... даги бутхона дъячоги айтган ҳикоя.

Бобомдан яна ҳикоя килиб бергин, дейсизми? Хўб, латифага курсанд бўлсангиз нега айтмай? Бурунгининг нимасини айтасиз, ҳай-ҳай бурунги! Дунёда бурун вақтларда, неча йилу, неча ойлар бундан аввал бўлиб ўтган воқеаларни эшитганда кишининг кўнгли қандай қувонади, қандай очилиб яйрайди. Айниқса ҳикояга бобонгизми, катта бобонгизми, биронта уругингиз аралашган бўлсами, омин оллоҳ. Ҳикоядаги ишларни ҳудди ўзингиз қилаётгандек бўласиз, бобонгизнинг арвоҳи сизнинг танангизга ёки сизнинг танангиз унинг арвоҳига киргандек бўлмасангиз, бир Варваранинг арвоҳига фотиҳа қилганда қалқиб кетай... Аммо кизалоқлар билан ўғил болалар эшитса, менга ҳаммадан шу яхши. Кўзла-рига кўриниб колдимми, бўлди: Фома Григорьевич, Фома Григорьевич, вахималироқ ҳикоянгиздан айтиб беринг, деб осилиб оладилар, жаврайвериб қўймайдилар. Ҳикоя айтиб беришдан-ку қочмайман-а, аммо кейин ётганларида нима ҳолга тушадилар, десангиз-чи. Эшитганларики бор ҳаммаси кўрпага бурканиб олиб, безгак тутгандек дағ-дағ қалтирайди, боши билан пўстинига бурка-ниб олгундай бўлади. Мабодо каламуш келиб кўзани қитирлатса-ми ёки ўз оёғи косовга тегиб кетса борми, худо ўзи сакласин, юраги орқасига тортиб кетади. Эртасига ҳеч нима кўрмагандек, вахимали ҳикоя айтиб бер, деб яна осилгани-осилган. Нимани айтиб берай. Дарров тўсатдан эсга келаколмайди-да... Хўб, мен сизга ажиналарнинг мархум бобом билан карта ўйнаганларини айтиб берай. Аммо олдиндан айтиб кўяй, сизлар мени адашти-манглар, тағин оғизга олиб булмайдиган бемаза киселга ўхшаб қолмасин. Шунисини айтиб кўяйки, мархум бобом замонасикинг улуғларидан эди. Хижжалаб ўкишни, ҳамза қўйиб ўкишни жуда пухта биларди. Ҳайтда шундай кироат килиб китоб туширади-ки, ҳозирги попларимиз унинг олдида лол бўлиб қолардилар Ўзингизга маълум, у вақтда Батуриндаги саводхонларнинг барисини йиғсангиз, шапкангизни тутмаёқ қўяқолинг, ҳаммаси бир ҳовучга сиғарди. Шунинг учун кимки уни кўрса, энкайиб салом берганлиги таажжуб эмас.

Бир кун улуғ гетман подшохга бир нома юбормоқчи бўлиб қолипти. У вактдаги аскар миrzабошиси, отинг курғур нима эди, эсимдан чиқипти... Вискрякмиди, Мотузочками, Голопуцекми, билмадим, алланима бало эди... Хуллас, ғалати бир номи бор эди, ана шу миrzабоши бобомни чакириб, гетман сизни подшоҳ ҳузурига чопар қилиб юбормоқчи бўлди, депти. Бобом узок отла-нишни ёқтирас эди, дарров отланиб, йўлга тушди. Номани қалпоғига қистириб олиб, отни етаклаб чиқди. Бобомнинг икки ўғли бор эди, уларни хўкчаларим деб суръ эди. Шу икки ўғилнинг бири бизнинг падаримиз бўладилар. Хотинини, икки боласини ўшиби хўшлашиб жўнаб кетди. Оти кўчани шундай тўзитиб, тўполон кўтариб кетдик, худди ўн беш йигит алаш-алаш ўйнагандек. Эртасига хўroz тўрт марта қичқирмасдан аввал бобом Конотопга кириб борди. Шу вактда у ерда ярмарка бўлаётган экан. Кўчага одам йиғилиб, қараганинг кузи қамашаркан. Вакт эрта бўлганидан ҳамма чўзилиб ухлаб ётар эди. Сигирнинг ёнида бурни тоғ чумчукдек қизариб кетган ўспирин бола маст ётар, унинг ёнбошида чақмоқ, синъка, питра, тешик кулча сотиб юрган чорбозорчи хотин хуррак отиб ухлаб ётар эди; арава тагида бир лўли, балиқ ортиб келган арава устида бир чумак¹ ётипти. Йўл устида паҳмок сокол рус, кўлида кўлқон, белида белбоғи билан ясланиб ётипти.. хуллас, ярмаркада кимлар бўлмайди, ҳар хил қаланги-қасанги-ларнинг бариси шу ерда. Бобом у ёқ-бу ёқни тузукрок кўриб олай, деб тўхтапти. Шу орада капалардагилар ҳам қимирлашиб қолди Ароқфуруш жуҳуд хотинларнинг кувачалари ҳам чақур-чуқур қилиб қолди. Үнда-бунда тутун осмонга ўрмалаб, иссиқ қўймок-нинг хиди ҳамма ёкин босди. Чакмоғи, тамакиси йўқлиги бобомнинг эсига тушиб қолиб, ярмаркага тентираబ кетди. Иигирма қадам юрар-юрмас бир запорожъеликка учради. Саёклиги афти-башарасидан ҳам маълум бўлиб турипти! Чалвари кип-қизил чўгдек, чакмони кўм-кўк, белида гулдор белбоғ, қиличи, товони-гача тувшган мис занжирга трубкасини осиб олипти, хуллас, Запорожъедан келган казакнинг худди ўзи. Хуб ғалати халқ-да! Каддини ростлаб туриб, мўйловини бураб, нағалларини чақ-чақ уриб ўйнинг тушиб кетсами! Қўяберасиз. Хотин кишининг кўлида дуг қандай чириллаб айланса, уларнинг оёклари ҳам шундай айланади. Чирпирак бўлиб кетади. Дўмбирасини чалиб, биқинини ушлаб туриб, чўккалаб ўйн тушив кетса, қўшигини қўйиб юбор-сами, кишининг кўнгли чамандек очилиб кетади-я!. Энди у вактлар ўтиб кетди, энди уларни кўриш қайди! Шундай қилиб, иккови учрашиб қолиб, гап ошначиликка айланди. Ҳангома билан овора

¹ Чумак — экси вактларда Украина шаҳарма-шахар мол обориб, мол келтириб савдогарчилик қилиб юрган карвон. (Тарж.)

бўлиб, бобом йўлни ҳам эсидан чиқазипти. Ичкилик худди шак куни бўлган тўйдагидек авж олиб кетди. Кўза синдириш, пул сочиш ҳам кўнгилларига тегиб, зерниб қолиптилар, ахир ярмарка ҳам тамом бўлади-ку. Икки ошна айрилмасдан бирга ҳамроҳ бўлмоққа аҳд-паймон қилдилар. Қеч кириб, алламаҳал бўлиб қолганда далага чиқдилар. Офтоб истироҳатга ётди; унинг ўрнига осмоннинг гоҳ-гоҳ ерига кизғиш йўл тушди. Далалардаги экинлар, кора қош жувонларнинг ҳайит кўйлаклариdek ранг-баранг товланар эди. Бояги запорожъелик бир ҳангома қилиб кетипти Бобом билан унинг ёнига кўшилиб олган яна бир сайилчи иккови, унинг ичига шайтон-майтон кириб олмадими, деб ўйланиб қолиптилар. Ҳар қаёқдан шундай ғалати гапларни топиб, қизиқ ҳикояларни сўзлармишки, бобом кулавериб ичаги узилгудай бўпти. Йўлни ҳам борган сари қоронғи босипти, аммо азаматнинг гапи ҳам алжиб, пойма-пой бўлиб қолипти. Алоҳа ҳикоясини бас қилиптию, лекин бир нарса сал шитирлагундай бўлса чўчиб тушаверипти.

— Эҳ-ҳа, ҳамشاҳар! Ҳазилакам мудраётганга ўҳшамайсан! Тезроқ ўйимга бориб печкага чиқа қолсам, деб қолдинг шекилилли!— дебди бобом. У бўлса уларга ўгирилиб барайганча қараб туриб:

— Сизлардан бекитиб нима қиласман. Имонимни шайтонга сотиб қўйганман,— дермиш.

— Ҳа, нима қилипти! Шайтонга иши тушмаган одам борми? Ўлгунча шўхликни энди килиш керак-да!

— Э, азаматлар! Шўхлик қилардиму, бироқ бугун кечаси куним битади-да! Э, оғалар!— депти, улар қулига қулини уриб.— Ҳой, дармонда қолдирманг. Бир кеча ухламанглар, ўла-ўлгунча яхшилигингизни унутмайман.

Бироннинг бошига бундай кулфат тушганда, ёрдам қилмай бўладими? Бобом, бошимдаги кокилимни кестираман-у, аммо бу христианнинг имонини шайтон баччағарнинг ифлос тумшугига ҳидлатиб қўймайман, депти.

Агар кечаси осмонни кора булат чодири ўраб олмаса, далаларни қора пўстин буркагандек тим қоронғи босмаса, йўловчилик тўхтамасдан бораверардилар-а. Узокдан милтиллаб чироқ қўриниб қолиб, отлар ҳам якин ўртада отхона борлигини пайқаб, қулоқларини чимириб, қоронғига кўзларини тикиб, юришларини илдамлатдилар. Чироқ ҳам худди улар томонга келавергандек бўлиб, зиёфатда хўб ичиб, бир томонга тоб ташлаб келаётган хотиндек, ёнбошлаб қолган ароқхона кўринипти. У вактлардаги ароқхоналар эндигидақамиди! Мабодо бирор ўйин тушмоқчи бўлса, жой қайди! Сархушлик бошланиб, оёқ жойида тек турмай гандирақлаб қолинса, ётарга жой бўлмас эди. Ҳовли карвоиларнинг от-аравалари билан тирбанд. Бостирмаю оғилхона-отхона-

ларда, бирор мукка тушиб, бирор чалқанчасыга мушукдек хуррап отиб ётишарди. Арокхонанинг эгаси жин чироқни олдига кўйиб олиб, карвонларнинг қанча арок ичганларини чўпхатга чизар эди. Бобом уч кишига уч чорак арок буюриб, ташқарига, саройга чи-киб кетди. Учовлари катор ётишипти; бир маҳал бобом қараса, ҳамшаҳарлари тирракдек қотиб ухлаб қолиптилар. Бобом уларга ҳамроҳ бўлиб олган йигитни уйғотиб, анавинга, ухламаймиз, деб ваъда бермаганмидик, денти, аммо у бир пас туриб ўтириб, кўзини укалай-укалай яна ухлаб қолипти. Нима қиссин, ёлғиз узи пойлаб ўтираверипти. Уйқусини учирмок учун араваларга, отларга бир-бир караб чиқипти, трубкасини чекиб, яна келиб ўтирипти. Жимжит, пашша учса билинади. Бир маҳал ёнида турган арава оркасидан қора бир нарса секин шохини чиқазгандай бўлипти... Кўзлари ҳадеб юмилиб кетаверипти, шунча уқаласа ҳам бўлмапти, кейин қолган ароқ билан ювипти. Сал кўзи очилса, ҳалиги нарса ғойиб бўлармиш. Бир пасдан кейин ҳалиги жинга ўҳшаган нарса яна қуринармиш... Бобом кўзини каттароқ очиб, ухламасликка ҳар қанча уринса ҳам, кўзини хира босиб, қўллари акашак бўлиб, боши қингайиб кетаверипти, кейин донг қотиб худди бирор келиб чопгандек йиқилиб тушипти. Шу ётганича ётиб, кун кўтарилиб, тарашланган тақир бошидан иссиқ ўтгач, уйғониб ўриидан турипти. Бир-икки йўл керишиб, бошини қашлаб у ёқ-бу ёққа қараса, аравалар кечагидан анча камайиб қолипти. Қарвонлар тонг отмасдан йўлга тушиптилар. Ҳамроҳлари тепасига келиб қараса, анави йигит уйқуда-ю, аммо запорожъелик йўқ. Сўрай деса, ҳеч ким билмайди. Ётган жойида битта чакмони қолипти холос. Бобомнинг қути ўчиб, ҳайрон бўлиб қолипти. Отларни бориб қараса, на унинг оти бор, на бунинг. Таажжуб! Запорожъеликни шайтон олиб кетди, дея колайлик, отларни ким олиб кетипти? Бобом ўйлаб, ўйлаб, шайтон пиёда келган экану, дўзахга йўл анчагина борлигидан менинг отимни миниб кетақошли-да, деган фикрга келипти. Берган ваъдаси устидан чиқолмаганлиги жуда алам қилипти. «Энди нима қилардим, бошқа чора йўқ, пиёда кетаверман. Йўлда битта-яримта ярмаркачи асп жаллоб учраб қолса, бир иложини қилиб от сотиб оларман» деб шапкасини қараса йўқ; кеча кечқурун запорожъелик билан иккови қалпоқларини вактича алмаштиргани эсига тушиб, мархум бобом чапак чалганча қолипти. Ажина ўғирлаб кетмаса ким олиб кетади. Баракалла, чопар. Номани пошшога хўб элтиб бердингиз! Бобом шайтонни сўкиб, булғаб кетдики, дўзахда ётиб неча марта аксирган бўлса керак, деб ўйлайман. Аммо сўккан билан бирон фойда чиқармиди; бошини ҳар қанча қашиса ҳам ўйлаб, ўйига етолмади. Иложи нима? Бошқаларнинг ақлига тутинди. Ароқхонадагиларнинг барисини, карвонларни, бошқа йўловчиларни йиғиб, бошига тушган фалокатни сўзлаб берди. Карвонлар ияклари билан қамчин-

ларига сүяниб туриб, хұб үйладилар. Қейин башларини чайқаб, исавийлар оламида хеч қаерда бундай ажойиботни, пошионинг номасини ажина үғирлаб кетганини эшитмадык, дентилар. Баъзи бирорлари, шайтон билан москаль бирлашиб бир нарса үғирласалар, асло топилмайды, дентилар. Елғиз бир арокфуруш бир бурчакда индамасдан үтирган экан. Бобом унинг олдига бориپти. Индамасдан үтирган одам борми, албатта акли доно бұлади. Аммо арокфуруш гапга жуда баҳил экан. Агар бобом киссасидан беш танга чиқармаса, олдида қадалиб туравераркан. Арокфуруш бобомни бир четга обориб:

— Ерлигингни тошиш иўлини ўргатиб қўяман,— депти. Бобомнинг кўнгли сал кувонди.— Мард йигитлигинг кўзларингдан хам кўриниб туринти, ҳезалакмассан. Бу ёққа қара, ароқхонадан нарироқда йўл үнг томонга, чақалакка қараб кайрилади. Кеч пайт борми, шу вакт тайёр бўлиб тур. Чакалакда лулилар бор, улар жинлар қосовга миниб чиқадиган қоронги кечалари уйларидан циқиб тақачилик қиладилар. Уларнинг ҳунари билаң ишинг бўлмасин. Чакалакда тақир-туқур қўп бўлади, аммо сен тақирлаган тарафга юрма. Бир томонда куйган дараҳт олдида кичкина йўл келади. Шу йўлдан боравер, боравер... Тиканаклар ёпишади, ёнғоқ йўлингни тўсади, парво қилмай боравер; кетавериб, кетавериб, сув бўйига чиқасан, ана шунда тўхтасанг бўлади. Шу ерга борганингда сенга керак одамни топасан. Қиссани нима учун килган, биласан-а, шу нарсадан солиб ол. Бу нарсани инсу жинис ҳамма баравар яхши кўради. Ароқфуруш бошқа бир оғиз сўз айтмай хужрасига кириб кетипти.

Мархум бобом унақа-бунақа қўрқок одам эмас эди. Агар бўрига дуч келиб қолса, думидан маҳкам ушлаб оларди, агар галага тексами, ҳар мушт урганда биттасини думалатаверарди. Аммо тим қоронги кечада чакалакка кирганда бадани жимирилашипти. Осмонда битта юлдуз бўлса-чи. Вино турадиган тунакдек¹ зулмат. Баланд осмонда совук шамол дараҳтлар учини оралаб юрганлиги эшитилар эди, холос. Дараҳтлар бўлса маст кишининг бошидек бекарор силкинар, барглари мастрлар сухбатидек шитир-шитир сўзлашар эди. Бир маҳал қаттиқ совук туриб, бобом пўстинини кийиб олипти. Бирданига худди. юзтacha болға тақир-туқур килиб, боши гангиб қолипти. Шу пайтда дараҳтзорнинг ичи худди машъала қилгандек ёришиб кетипти. Дараҳтзор ёришиши билан бобомнинг кўзи чакалак оралаб борган йўлга тушди. Куйган дараҳт, тиканак ҳам бор. Худди боя айтилгандек, ароқфуруш алдамаган экан. Аммо тиканзор ичидан оралаб бориши ҳазил эмас. Бундай ёмон қадаладиган тиканларни бобом ҳалигача

¹ Тунақ — коронги ертұла уй. (Тарж.)

сира күрмаган экан, ҳар қадам босганда бир бақиргудай бұлармиш. Секин-секин ялангрөк жойға чиқипти, назарида дараҳтлар сийракланиб, Польшанинг у томонида сира күринмаган йүгон дараҳтлар пайдо бўлипти. Бир маҳал дараҳтлар орасида жилға ҳам күринипти, қоп-қора пўлатга ўхшармиш. Бобом сув бўйида у ён-бу ёнга аланглаб турса, нариги томонда милтиллаган ўт кўриниб қолипти. Бир ёниб, бир ўчармиш, ўтнинг шуъласи сувга тушиб, Шляхтич¹ казак панжасида типирчилағандек жимир-жимир қиласмиш. Кўпrik ҳам кўринди, бироқ ундан шайтон араваси ўтмаса, бошқаси ўтолмайди. Аммо бобом қўрқмасдан қадам қўйиб, бирорлар қортиғидаги буринакисини отиб олгунча ҳам бўлмай, бир зумда физиллаб ўтиб олипти. Қараса ўт олдида одамлар ўтиришипти, шундай бадбашарамишки, бошқа вактда бўлса бобом бундайларга ўлиқмаслик учун, худо билар, нималар беришга рози бўларди. Лекин энди нима иложи бор. Бобом ноилож худди боши ерга теккунча энгашиб салом берипти: «Худо ёринглар бўлсин, яхшилар!» Улардан биттаси ҳам ақалли бошини қимирлатмапти. Индамай ўтириб, оловга бир нарса сепишармиш, холос. Бир жой бўш экан, бобом индамасдан бориб ўтириб олипти, ҳалиги тараққослар ҳам индамасмиш, бобом ҳам. Шу зайлда индашмасдан анча ўтиришипти. Бобом зерикеб диккат бўлгандан киссасини кавлаб, трубкасини олиб, у ён-бу ёнга қараса, ҳеч қайсиси унга қайрилиб қарамай, ўз ҳолига ўтиришаверипти. «Азизлар, илтифотингизни дариғ тутманг, чунончи, қандай десам бўларкан...» (бобом кўпни курган одам бўлганидан сиполикка ҳам уста эди, хонаси келиб қолса, пошшолар олдига борганда ҳам гапни қойил қилиб кетарди) «қандай десам ўзимни ҳам хурсанд қилган, сизларни ҳам ранжитмаган бўларканман, трубкам бор-ку, бироқ ўтга ҳайрон бўлиб турибман-да, ўти курғур йўқ экан». Бунга ҳам биттаси чурқ этиб жавоб бермаса-чи. Ажинага ўхшаганларнинг ёлғиз биттаси ёниб турган чўғни олиб, бобомнинг худди манглайига олиб келса бўладими! Бобом дарров ўзини опқочиб қолмаса-чи, пок бўлса бир кўзидан ажаркан. Қейин қараса вақт кетяпти; шайтондан тарқаган палидлар, қулоқ солса, солмаса, барибир айтиб кўрай, деб айтипти. Бадбашараларнинг қулоқлари диккайиб, қўллари чўзилипти. Бобом дарров фаҳмлаб киссасидаги пулнинг барисини қисимлаб олиб, итга ташлагандай улар ўртасига ташлапти. Пулни ташлаши билан ҳамма ёқ остин-устин, тус-тўполони чиқиб, ер ҳам зилзилага келипти. Қейин нима бўлганини ўзи ҳам билмайди. Худди дўзахга тушиб қолгандай бўлипти. Қейин у ён-бу ёнга яхширок қараса, ана холос, бундай ҳам бадномалар бўларкан-а! Афти-башарасига ўхшамайди, деган гап бор-

¹ Шляхтич — Польшанинг аслзода боёнларидан бўлган одам. (Тарж.)

ку, худди шунинг ўзи. Ҳамма ёқни ажина босиб кетипти, чиллада ёқсан кордек ёғилипти. Ҳаммаси ясанган, безанган, ярмаркага келган қизалоклардек. Ҳаммаси маст-алаастдек, аллақандай ажиналар үйинга тушяптилар. Шундай чангитиб, тўзитиб юбордиларки, худо ўзи паноҳида сақласин. Агар шайтонваччаларнинг сакрашларини биронта мўмин-қобил соддароқ одам кўрсами, ваҳимаси келарди. Ит тумшук, чиллак оёқ ажиналар думларини ликиллатиб, худди йигитлар чиройли қизлар теварагида гиргир айланишганидек бир ялмоғиз кампир теварагида дингиллаб сакрашар эмишлар; бобом уларнинг бу киликларини кўриб қўркув ҳам эсидан чиқиб, кулиб юборипти. Ажиналарнинг музикачилари лунжларини дўмбира қилиб, бурунларини карнай қилиб ҷалармишлар. Бобомни кўриб қолиб ҳаммаси галалашиб ёпирилишипти. Ит тумшук, чўчка тумшук, от тумшук ҳаммаси тумшуғини чўзиб бобомни ұпмоқчи бўлармиш. Бобом, қандай палидсизлар, деб тупуриб-тупуриб ташлапти. Алоҳа қўймасдан уни тутиб дастурхонга ўтқазиптилар, столнинг узунлиги Конотоп билан Батурин ўртасидаги йўлча келаркан. Бобом дастурхонда яна чўчка эти-ю, колбаса-ю, пиёз аралаш тўғралган карам ва бошқа алвон турли лазиз овқатларни кўриб «ҳайрият-э, бундай бўлса ёмон эмас! Баччағар шайтонваччалар рўза тутмас эканлар-да!» деб қўйипти ичидা. Шуни ҳам билиб қўйсангиз чакки бўлмайдики, бобом анча хуласахўр ва таомни яхши иштаҳа билан ер эди; шунинг учун гапни чўзмай кертиб-кертиб, тўғраб қўйилган мой билан яхна гўшт турган товоқни олдига тортиб, дехконлар похол ташийдиган айридек келадиган вилка билан лундагина бир бўлак гўштни олиб, бир бурда нонга кўшиб, оғзига обориши билан гойиб бўлиб, бошқа оғизга кириб кетгандай бўлармиш. Худди қулоғи тагида бирорнинг чайнаб-чайнаб, чапиллатиб егани ҳам баралла эшитилармиш. Бобом сир бой бермасдан индамай яна бир бўлакни олиб оғзига обориб, ҳатто бир чеккасини тишлагандай ҳам бўлипти-ю, лекин яна бирор илиб кетипти. Яна олса, яна шу воқеа. Бобомнинг жаҳли чиқиб, кўркишни ҳам йиғишириб қўйиб, кимнинг қўлида эканини ҳам унутиб, ажиналар тепасига келиб:

— Хорундан тарқаган малъунлар, мени майна қиляпизларми? Агар қалпоғимни ҳозир топиб бермасаларинг, чўчка тумшүғингизни тескари қилиб юбормасам, католик¹ бўлиб динимдан чиқиб кетай!..— деб даг-дага қилибди. Бобом гапни тамом қилгунча ҳам бўлмай, ажиналар тишларини иржайтириб шундай кулги қилишиптики, бобомнинг ўтакаси ёрилгудай бўлипти. Ажиналарнинг биттаси туриб:

¹ Христиан динининг бир мазҳаби.

— Хұп,— дебди, бобом бунисининг ҳаммасидан бешбаттар-лигини күриб, ичида каттаси бұлса керак, деб күйипти.— Қалпогининг берамніз, аммо аввал биз билан уч марта бешқарта үйнайсан!

— Энди қандок килама? Хотинлар билан қарта үйнаш казакка ор-ку! Бобом аввал күнмай, кейин ноилож рози бўлипти. Попларнинг қизлари қайликлари тўғрисида фол очадиган яғири чикиб кетган кир қарталар бўлади-ку, ана шунақа қарта келтириптилар. Ҳалиги ажина:

— Ҳой, эшишиб қўй, бир марта ютсанг ҳам қалпоқ сеники, аммо уч мартанинг ҳаммасида ютқизсанг, узингдан кўр, қалпоқ қалпоғ-а, ёруғ дунёдан ҳам бенасиб бўласан!— депти.

— Суз; суз ажуза! Нима бўлса бўлар,— депти бобом.

Шундай қилиб, қарта сузилгач, бобом кўлига олиб қараса, шундай расво қарталарки, хеч бўлмаса отига битта кўзир чиқса-чи, картасининг энг зўри ўнлик холос, пар бўладигани сира йўқ. Ажина яккаш бешталаб юрармиш. Бобом картадан аҳмок булиб қолипти. Қолиши билан дарров «аҳмок! аҳмок! аҳмок!» деб ҳар тарафдан биттаси ақиллармиш, биттаси ҳўриллармиш, биттаси ҳангиллармиш.

Бобом қулогига бармогини тиқиб олиб, «шайтондан тарқаган палиллар, бас э, ёрилиб үлгурлар» деб, кейин «ажина тирриклик қилгандир, энди бу гал узим сузай», деб, бобом узи сузипти. Кўзир чиқди. Мост карталар ҳам кўп, кўзир ҳам бор. Аввал бобомнинг қули баланд экан, ажина нукул шолардан беш қарта юрипти. Бобомнинг қулида нукул кўзирилар экан, узок ўйлаб ўтирамсдан шоларни кўзирилар билан босса, ажина:

— Ҳой, ҳой, бу ишинг ўғил боланинг ишимас-ку! Ҳамشاҳар, қараб бос, нима билан босдинг?— депти.

— Нима билан бўларди, кўзир билан!

— Сизларда кўзир бўлса бордир, аммо бизларда бу кўзирипас!

Қараса дарвоҷе кўзир эмас, тўғри қарта эмиш. Нима бало бўлди. Яна қолишига тўғри келиб, ажиналар ҳалигидек яна шунақа «аҳмок, аҳмок»ка олишиптики, стол ўйноклаб, карталар сакрашиб кетипти. Бобом аламига чидаёлмай; охиригни марта яна сузипти. Бошда яна тузук экан, ажина бештани бирдан юрипти. Бобом ҳаммасини босиб яна қўлини тўлдириб олипти.

— Кўзири!— депти бобом қартани ташлаб. Ташлаганда қарта букилиб кетипти. Ажина индамай-синдамай саккизталик тўғри қарта билан босипти.

— Ҳой, шайтоннинг кариси, нима билан босдинг!

Ажина қартани кўтарса, тагида олтилик тўғри қартамиш. Бобом:

— Шайтонларнинг тирриклигини кара!— деб аламидан столга бир мушт уринпти. Ҳайряткни, ажиннанинг қулида ёмон қарта кол-

ган экан, бобомда пар қарта экан. Ўртадаги қартадан олса, яланг ёмон карталар чикармиш, бобомнинг ҳафсаласи пир булиб, умидини узиptи. Ўртада қарта қолмапти; бўлар иш бўлди, деб олтиликни юрса ажина кўтаришти. «И-е, бу қандай бўлди! Буни бир балоси бўлса керак!» Бобом карталарини секин стол тагига олиб чўқинтириб олган экан, қараса, қўлида қўзирнинг тузи, шоси, саллотимиш. Халиги юргани олтиликмас, хотин экан.

— Хўб нодонлик қилибман-да! Қўзирнинг шоси! Хўш, кўтардингми? Ҳа, мушукдан тарқаганлар!.. Тузга хушинг борми? Туз! Саллот!

Дўзахда момоқалдиrok туриб, ажина тиришиб акашак булиб қолипти. Каёқдан тушганилиги номаълум, бир маҳал қалпок бобомнинг нақ бетига келиб тегинти. Бобом дадил булиб, қалповини кияркан:

— Йўк, бу билан кутилмайсанлар. Агар шу топда аргумок отимни топиб келтирмасангизлар, ҳаммангизни бутга чўқинтирасам мана шу ифлос маконингизда менга яшин тегсин!— деб қўлинни кўтариши билан отининг суюклари оёғи остига келиб тушипти.

— Мана отинг!

Бобом бечора отининг суюкларини куриб, ёш боладек ҳўнгиллаб йиглаб юборипти. Жуда ачиниб кетипти.

— Майли, қандай бўлса ҳам бир от беринг, бу маконингиздан чиқиб олай!

Ажина қамчисини бир қарсиллатса, ўтга ўхшаган асов бир от ўйноклаб келинти-ю, бобомни қушдек осмонга кўтариб кетипти.

От на шовқинга қулоқ солмай, на бошини тортганга қарамай ўр-тепалардан, сув-қуруқдан ошиб кетавергач, бобом қўрқиб кетипти. Агар борган жойларини сўзлаб берса, одамнинг баданига титроқ тушади. Кета туриб пастга қарармиш, ўтакаси ёрилгудай бўлипти, жаҳаннаммиш, таги кўринмасмиш. Шайтон от бўлса парво қилмай, сакраб ўтиб кетипти. Бобом маҳкам ёпишиб олса ҳам бўлмай, ўнкир-чўнкирлардан, тўнкалардан думалаб жарликка тушиб, ерга шундай ёпишиб колиптики, жони чиқкудай бўлипти. Ишқилиб ўшанда нима бўлганини ўзи ҳам билмайди, эси кетиб қолган экан. Хушига келиб ўн-бу ёнига қараса, аллақачон тонг ёришиб қолганмиш. Қўзини очиб қараса, кўриб юртан, билган жойларимиш, ётган жойи ўз уйининг томниш.

Бобом томдан тушиб чўқиниб олипти. Э, малъун! Қандай бало бу; одамзод билан ҳам шундай таажжуб ишлар бўларкан-а! деб қўлига қараса, қўли қонмиш, сув тўлдирилиб қўйилган бочкага қараб юзини кўрса, юзи ҳам қонга беланганимиш. Бола-чақалар қўрқмасинлар деб аввал ювиниб олиб, секин ўйга кирса, болалари ундан қочишиб, қара, энамни қара, жиннига ўхшаб иргишлайпти, деб кетларига чиғаниб келаётганмишлар. Дарвоқе, қараса хотини

құлида йиг билан шона тепасида мудраб ўтириб дикка-дикка үйнармиш. Бобом кампирни құлидан тутиб, секин үйготипти: «Хотин, омомисан, саломатмисан!» Кампир күзини бакрайтириб, аграйганча ўтириб-ўтириб, кейин зұрға танипти. Туш күраётган экан, тушида печка үрнидан құзғалиб, уйдаги хурма борми, тоғора борми, ҳамма нарсаларни белкурак билан ҳайдаб юрганмиш. Бобом, «сен түшингда құрибсан, мен үнгимда. Бир ис чиқазиб, үйимизни покизалаб олмасак бұлмайдиганга үхшайди; лекин мен энди тезроқ борай» депти. Бобом андак дам олиб, бир от топиб йұлға тушипти, аммо энди кеча-кундуз баравар йұл юриб, ёрлиқни пошшонинг үз құлига етказмагунча ҳеч ерда тұхтамапти. Ана у ерда құрган ажойиботларини бобом күп вактларгача гапириб юрди, сұзлаб берганда одам ҳайрон қолар эди. Шундай баланд боргохларга олиб кириптиларки, бизларнинг уйларимиздан үнта-сини устма-уст қўйса ҳам етмасмиш. Бир уйга кирса малика йўқмиш, унисига кирса унда ҳам йўқмиш. Шундай қилиб, учтұрт уйдан ўтиб борса, бир уйда бошида олтин тож, эгнида янги-гина камзул, оёғида қизил күн этик, тилла кулчалар еб ўтиран-миш. Бобомнинг қалпоғини күк қоғозға¹ түлдириб беринглар, деб амр қилипти... Эх-ха, қайси бирини айтасан. Ажиналарга йўлиқ-қанини кейин эсидан ҳам чиқазиб юборди. Бирор эсига солиб гапирса ҳам, индамасдан, унга дахли бұлмагандек ўтираверарди, бу тұғрида уни гапириши ниҳоятда қийин эди. Жуда қиста-сангиз зұрға гапирад әди. Ўша вактда дарров ис чиқазиб юбор-маганлари учун бұлса керак, ҳар йил, вакти келганда, кампир-нинг жини қўзиб дикка-дикка үйин тушаверарди. Ишқилиб, нима килса ҳам, оёклари дингиллаб үйин тушиб турарди.

¹ Күк қоғоз — беш сүмлик қоғоз пул.

ИККИНЧИ КИСМ

МУКАДДИМА

Мана бу яна бир китоб, тўғрисини айтсам, охиргиси. Буни ҳам чоп қилмоқни хоҳламаган эдим, сира хоҳламаган эдим, дарвоҷе кишига обрӯ ҳам керак-да! Сизга айтсам, қишлоғимизда мени масҳара қиласиган болаларнинг ишини қиласи, дермишлар. Дарвоке, тўғри айтадилар, аллақачон тинмөк керак эди. Азиз ўқувчилар, муғомбирлик қилиб, ўзини қартайганга олади, десангиз ҳам ажаб эмас. Оғзимда бир дона тишим қолмагандан кейин, муғомбирлиги борми! Энди, юмшокроқ нарса бўлса ейман, аммо қаттиқ нарсага сира тишим ўтмайди. Шундай қилиб, сизга яна бир китоб чиқазиб берай, аммотагин мени койиб юрманг, хушлаш ганда, алал хусус: яна кўриш-кўрмасингиз даргумон бўлган одам билан хушлашганда, койиш яхши эмас. Бу китобда Фома Григорьевични мустасно тутганда ўзингиз деярли танимаган-билимаган ҳикоячилар оғзидан ҳикоя эшиласиз. Анави масхарабоз киши борми, кўп чечанлар, Москов ҳалқидан бўлган кўп одамлар унинг тилига тушунмасдилар, бу одам қачонлардан бери йўқ. Ҳамма билан хафалашиб қолгандан бери бизникига ҳам келмайди. Шошманг, бу воеани сизга айтганим йўқми? Нихоятда қизиқ воеа бўлди. Ўтган йил, ёз кириш вақтида, тагин худди мен туғилган куни меникига бир неча меҳмонлар келишган эди (азиз ўқувчилар, айтиб қўймоғим керакки, худо саломат қилсин уларни, ҳамқишлоқларимиз, чолни ҳалигача ёдлайдилар. Эллик йил бўлди, ҳар йил ном қўйилган кунимни хотирлаб қўяман, лекин ҳозир неча ёшга кирганимни ўзим ҳам, кампирим ҳам сизга аниқ айттолмаймиз. Етмишга яқинлашиб қолган чиқарсиз, Диканъка қишлоғимизнинг попи Харлампий бузрук қачон туғилганимни билардилар, аммо афсуски, у кишининг оламдан ўтганларига эллик йил бўлди). Шундай қилиб, меҳмонлар келишди. Захар Кирилович Чухопупенко, Степан Иванович Курочка, Тарас Иванович Смачненъкий, суд аъзоларидан бўлмиш Харлампий Кирилович Хлоста додҳо, яна бир киши бор эди, номи қурғур ёдимдаи чиқипти. Осиپ... Осиپ... Э худоё тавба, бутун Миргородга машҳур-а, гапиргандা

құлини қарсылатыб, белини ушлаб туриб гапиради-ку, ким эди... хайр, үша-да, бир кун эсимга келиб колар. Сұнгра үзингиз билган полтавалик бой ҳам келган эди. Фома Григорьевични құшмадим, чунки үзимизга қарашли одам. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб үтириб, (яна сизни огохлантириб құяйки, бизларнинг сұхбатимизда майда-чүйда гап бұлмайды. Мен үзім сұхбатнинг бамаънисини яхши құраман, яъни гапда маза ҳам бұлсın, матра ҳам бұлсın дейдилар-ку, ана шунисини) олмани тузлаш усулидан гап очилиб кетди. Менинг кампирим, аввал хұб ювиб, кейин квасга солиб құймоқ керак, кейин... деб гап бошлаши билан, полтавалик иккى құлини малла чакмони құнтағига солиб олиб, бирам ғалати савлат билан үйнинг у ёғида¹-бу ёғига юриб туриб: «Бундан ҳеч нарса чиқмайди! Аввал канавпар¹ сепмоқ керак, ундан кейин...» деб қолди. Азиз үкувчилар, үзингизга ҳавола құлдим, инсоф билан айтинг, олмага ҳам канавпар сепадими, ахир? Маймунжон, себарг, шувок, шунга үхаш үтларнинг баргини солади, бу тұғри, аммо канавпар солганини ҳеч қаерда әшитганим йўқ, олма тузлашни ҳеч ким менинг кампиримдан яхши билмаса керак. Үзингиз айтинг, ахир! Мен уни ҳурмат қилиб, жұрттага бир четга қиқазиб: «Хой, Макар Назарович, үзингни уятта қўйма! УнАқа-бұнақа одам эмассан, ахир! Губернатор билан бир дастурхонда үтириб овқат еганман дейсан. Агар үша ерда ҳам бундай үтирсанг масхара бұласан, ахир!»— дедим. Нима деди, денг! Индамай, ерга бир тупуриб, шапкасини кийиб чиқиб кетди. Хайрлашиш, лоқал бош ишораси билан хушлашиш қайда; дарвозага құнғироқлик тележка келганини әшитиб қолдик холос, үтири-ю, кетди-қолди. Яхши бұлды, бундай меҳмоннинг нима кераклиги бор бизга! Азиз үкувчилар, мен сизга айтсам, дунёда ана шу наасабдорлардан ёмони йўқ. Қайси бир амакиси бир вактларда ҳоким бұлған экан, шунга жуда түмшугини күтариб юборипти. Ҳокимдан баланд амал дунёда йўқдек! Худога шукур, ҳокимдан каттаси ҳам бор. Сира ёктирмайман-да шу мартабаликларни. Чунончи, Фома Григорьевични құринг. Насаби ҳам унча баландмас шекилли, аммо савлатига қаранг. Чехрасида ажаб бир нуронийлик бор, ҳатто анчайин жүн бурнаки тортганда ҳам салобати ғадамни босади. Бутхонада миібарга чиқиб ҳофизлик құлсами, тавсифга сиғмайдыган маза қиласиз, одамнинг аззори-баданини эритиб юборади!.. Шу киши ҳам... келинг, майли ү киши ҳам, ҳикояларини жуда азиз қилиб юбордилар, у киши айтмаса бошқа ҳикоя йўқдек. Мана ахир бутун бошлиқ бир китоб бўлгандай ҳикоя чиқди-ку.

Бу китобда менинг ҳам үз ҳикоям бўлади, деган эдим шекилли. Шундок қымкоғчи ҳам эдим, бироқ менинг ҳикоям учун бунақанги китобдан учтаси керак экан. Алоҳида чоп қилдирсаммикин, деб ҳам үйладим, кейин айнидим. Сизни яхши биламан. Бечора мўйса-фидни масхара қилиб юрасиз. Йўқ, сира хоҳишим йўқ! Хуш қо-

¹ Канавпар — хушбўй үт.

линг! Энди узок, балки сира кўришмасиз. Бу гапларнинг нима хожати ҳам бор, агар мен думёга сира келмаган бўлсам ҳам, сизга барибир эмасми. Бир йил ўтар, икки йил ўтар, ҳеч қайсингиз чол асаларичи Рудий Панькони эсингизга ҳам олмассиз, унга ачинмасиз ҳам.

РОЖДЕСТВО ҚЕЧАСИ

Рождествога бир кун колган эди, у ҳам ўтди. Чараклаган ёруғ қиши кечаси келди. Юлдузлар чараклаб чиқди. Ой ҳам, яхшиларнинг йўли ёрисин, олам рўшно бўлсин, ҳамма шод-хурсанд қувониб ёрамазон¹ айтсин, Исо алайхиссаломга мадҳ ўқисин, деб шаън-шавкат, шукуҳ билан чиқди. Эрталабдан кўра қаттикрок совук. Аммо шундай тип-тинчлик эдик, бёқ остидаги корнинг гарчиллаши, ярим чақиримдан эшитилар эди. Ўспиринлар ҳали дарча тагида тўпланишганлари йўқ. Ёлғиз ойгина ясанган кизларни гарчиллама корга тезрок чикинглар, деб чақираётгандай дарчалардан муралар эди. Бир уйнинг мўрисидан бурқираб чиқкан тутун осмонга чирмасиб кетди, тутун ичида супурги минганди ажина ҳам осмонга чиқиб кетди.

Агар шу пайтда сорочинлик суд аъзоси фукарога қарашли отдан учтаси қўшилган аравада, бўз йигит сарвозлар сингари қундузи телпак, адипига қора барра тикилган бешбел камзул кийиб, аравага тушгандан доим қўлида ушлаб борадиган тўқима қамчинини кўтариб ўтиб қолсами, дарров ажинага кўзи тушар эди, чунки дунёда ҳеч бир ажина йўқки, унинг кўзидан қочиб қолсин. Кимнинг чучкаси нечта туққанини, кимнинг сандигида қанча бисоти борлигини, сахий киши улуғ байрам кунида бисотидан, рўзғоридан нимасини чиқариб ароқхонага гаров кўйишини ҳам билади. Аммо сорочинлик суд аъзосининг бугун йўли бу ёққа тушмади,

¹ Бурунги вақтда Украинаша «Колядка» айтиш одати бор экан. Гоголининг бу хақда килган кўйидаги шархидан Украяннинг бу «колядка»си бир одат жиҳатидан, бизнинг «ёрамазон»га ўхшаб кетганидан уни биз «бара» ёки «ёрамазон» деб таржима килдик. (Тарж.)

«Бизда эртага рождество деган куни кечкурун ҳар кимнинг эшигига бориб қўшиқ айтишик колядоватъ дейдилар. Уйнинг эгаси колядка айтиб келган кишининг тўрасига колбасами, ионми ёки чақами, иш килиб, ҳар ким топганини ташлайди. Бир замонларда Колядка, деган бир аҳмоқ лаванг ўтган экан, уни худо деган эканлар, колядкалар шундай колган экан. Ким билсин ростми, ёлғонми? Бунинг килу коли биздек нодонларнинг иши эмас. Ўтган йил Осип ҳазрат, колядка айтиш бидъят иш, деб айттирмаи кўйган экан. Аммо тўғрисини айтганда, колядкада бояги колядка тўғрисида бир оғиз сўз йўқ. Аскари Исонинг тугилгани тўғрисида кўшик айтадилар, кейин охирида уйнинг эгасини, унинг бола-чақаларни дуо қиладилар». Аричининг шархи. (Гоголь изохи.)

тушгаңда ҳам бошқалар билан унинг нима иши бор, ўзининг ташвиши күп. Аммо ажина осмон фалакка чиқиб шундай баландладики, жингирдек кора нарсага үшаб күринди. Коралар олардың көзінде күнделіктілік болғанын саналады. Нарса олардың көзінде күнделіктілік болғанын саналады. Ажина бир пасда енгини юлдузга тұлдыриб олди. Учтами-тұрттами юлдуз қолди, холос. Шу пайтда нариги томондан ҳам кора бир нарса пайдо бўлиб тобора ҷузилиб, бир пасда улғайиб кетди. Қўзи хира шабкўр одам кўзойнак эмас, ҳоким аравасининг фидирагини бурнига тақиб олса ҳам бу нарсанинг нималигини билолмас эди. Олдидан қараганда немиснинг¹ худди үзи: тек турмасдан қимирлаб, нима кўрса ҳидлаб турган тумшуғи бизнинг чўчқаларимиз тумшуғи сингари думалоқ чақага үхшарди, оёқлари чиллакдай; агар Ярески² қишлоғи оқсоқолининг оёқлари бунақа бўлса, бир ўйин тушишда синар эди. Аммо орқасидан қараганда худди губернатор ноибининг худди үзи эди, чунки ҳозир расм бўлган мундир этагидаги кўйруқка үхшаган унинг ҳам ингичка, узун қўйруғи бор эди. Фақат ияги тагида осилиб турган такасоколи, бошидаги шохчаси ҳаммомдан чиқкан гўлоҳчидан баттар қоралиги, унинг немис ҳам эмас, губернатор ноиби ҳам эмас, балки ёруғ дунёда охирги кун тентираб, яхшиларни йўлдан оздириб юрган, эртага эрталаб жом чалиниши билан думини қисиб, кетига қарамасдан жаҳаннамга кириб кетадиган шайтоннинг ўзгинаси эканини кўрсатиб турарди.

Бу орада ажина ойни ўғирлаш пайида секин-секин пойлаб келяпти; қўлини узатиб ойни ушламокчи ҳам бўлади-ю, лекин қўли куйгандек, тортиб олди, бармоғини оғзига тиқиб, дингиллаб қолди. Кейин у томондан келиб ушламокчи бўлди, тағин қўлини тортди. Аммо ҳийлагар ажина шунча панд еса ҳам сира қўймасдан шайтонлигини қиласерди. Йоғуриб келиб, икки қули билан ойни ушлаб олди; трубка чекмоқчи бўлган одам чўғни қўлидан қўлига олиб, пуф-пуфлагандек, у ҳам афти-башарасини бужмайтириб, ойни у қўлидан бу қўлига олиб совутгандай бўлди-да, дарров чўнтағига солиб, ҳеч нарса кўрмаган кишидек юрганча кетаверди.

Ажина ойни ўғирлаб кетганини Диканъкадагиларнинг ҳеч қайсиси эшитмади. Лекин волость мирзаси ароқхонадан эмаклаб чиқаётганда ой осмонда туриб бирданига қимирлаб ўйнаб кетганини кўрган экан; азбаройи худо, деб қасам ичиб айтса ҳам қишлоқдагиларнинг ҳеч қайсиси ишонмасдан, уни масхара қилиб кулдилар. Аммо ажинанинг бундай қонунга хилоф иш килишининг боиси нима? Боиси йўқ эмас, бор эди: Чуб бойни бутхона

¹ Французы, румини, шведи, иш қилиб, бошка юртдан келганларнинг ҳаммасини бизда немис, дейдилар. (*Гоголь изоҳи*.)

² Ярески — Полтава губернаси, Миргород уездиде бир қишлоқ.

дъяги сумалак ошига чақирганини билар эди. Бу меҳмондорчиликка оқсоқолдан бўлак хатиб дъяк қошидан келган ва дъякка қариндошлиги бўлиб, ниҳоят даражада йўғон овоз билан ҳофизлик қилувчи кўк чакмон кийган ҳофиз, яна казак Сверигуз ва яна бир нечалар чақирилган эдилар. Бу ўтиришда сумалак ошидан бўлак яна шарбат, заъфар қўшилган чагир ва бошқа турли-туман лазиз овқатлар бўладиган эди. Отаси меҳмондорчиликка кетгандан бутун қишлоққа номи кетган чиройли қизи уйда ёлғиз қолса керак, ёлғиз қолган қиз олдига, йўғондан келган норғил азamat тақачи йигит келса керак. Ажина буни Кондрат бузрукнинг хутбаларидан ҳам баттар ёмон кўради. Тақачи ишдан бушагандан сураткашлик ҳам қиласди ва бу атрофда ундан уста наққош йўқ эди. Мархум юзбоши Л...конинг ўзи тириклигига уни атайин Полтавага чарлатиб, уйнинг тахта деворини бўяттирган эди. Дикань қишлоғидагиларнинг шўрва ичадиган товоқларини бўяган шу тақачи эди. Тақачи худотарс одам бўлиб, кўпинча азиз-авлиёларнинг суратларини солар эди. Т...даги бутхонада инжил ёзган Луканинг тақачи соглан сурати ҳали ҳам бор, аммо тақачи хунарининг авжига чиққани, бутхонанинг ўнг томонидаги ҳужра деворига соглан сурати эди. Бунда маҳшар куни қўлида бир шода калит билан дўзахдан шайтонни ҳайдаб чиқазаётган вали Петрнинг тасвирини соглан эди. Шайтон куни битганини билиб қўрққанидан ҳар тарафга қочар, дўзахдаги гунохкорлар қамчин борми, палиён борми, қўлларига нима тушса, уриб қувалар эдилар. Наққош бу суратни катта тахтага солаётганда шайтон унга кўп ҳалал берган эди. Қўлидан турткилаб, қўрасидаги кулни тўзитиб сурати устига сочар эди. Лекин шайтоннинг бу ғаламислигига қарамай суратни тамом қилиб, тахтани бутхона ҳужрасининг деворига қоқиб қўйган эди. Ана шундан бери шайтон у билан ўчакишиб, ундан ўч олмоқчи бўлиб яниб қўйган эди.

Ёруғ дунёда яна бир кунгина изғиши қолди; бир кун қолган бўлса ҳам шу кеча тақачидан бир илож қилиб аламини олмоқчи бўлди. Шунинг учун борадиган жойи анча узоқ бўлганидан кексайиб қолган Чуб, дангасалик қилиб бормасин, деган максадда бу ишларни қилган эди. Қишлоқ орқасидан ўтиб, тегирмондан, гўристондан ўтиб, жарликдан айланиб борилур эди. Ойдин кеча бўлса, ширин-шарбатлар, лазиз овқатлар нафсини тинч қўймасдан судраб оборарди, аммо бундай коронфи кечада ҳеч ким уни печкасидан тушириб, уйидан чиқазолмаса керак. Бурундан у билан чиқишмаган тақачи ҳар қанча зўр бўлса ҳам у, уйидалигига юрак бетлаб қизнинг олдига боролмас эди.

Шундай қилиб, ажина ойни чўитагига солиб олиши билан оламни шундай зулмат босдики, ундақа-бундақа одам дъякники у ён турсин, арокхонани ҳам тополмас эди. Ажина коронгида қолиб бирданига чинқириб юборди. Шайтон дарров ўўрғалаб келиб

уни құлтиқлаб олгач, одатда хотин зоти қулогига Қандай шивирланса, у ҳам ажинанинг пинжига кириб шундай шивирлаб кетди. Дүнёнинг ишлари ғалати-да! Одамдаги маҳлукларнинг бариси бир-бирининг қилигини қилишга, бир-бирини эрмак қилишга уринади. Бурун Миргородда ёлғиз судья билан шахар ҳокими қиңда мовут қопланган калта пустин кияр эдилар, бошқа майды-чыйда амалдорлар тери пустин киярдилар. Энди булса, суд аъзоси ҳам, даҳа судъяси ҳам барра теридан янги пустин тикириб мовут қоплатиб олиптилар. Дафтарчи билан волость мирзаси ҳам бурноги йили газини икки миридан күк хитой мато олиптилар. Пономарь¹ булса катақ-катақ матодан ёзлик чалвар, йўл-йўл матодан камзул тикирипти. Хуллас, ҳамма одам қаторига кирмокчи бўлади. Қачон бу одамлар тинчиркинлар. Бас боғлайманки, шайтон ҳам ўзини одам қаторига қўшганини қўрсалар кўплар ҳайрон бўладилар. Ҳаммадан ёмон таъсир қиласидиган жойи шуки, шайтон ўзини жуда бежирим кўхлик деб ўйларди, ҳолбуки сиёзи курсин, ҳеч ким уни қўрмоққа орзуманда эмас. Фома Григорьевич айтгандай башараси хунукдан баттар, таъвия, аммо шайтон ҳам муҳабатбозлик қиласи! Бирок, осмону ёрни шундай коронгилик босдики, ажина билан шайтон ўртасида кейин нима гаплар ўтганини сира кўриб бўлмади.

Чуб уйнинг эшигидан чиқиб келаркан, қотмадан келган, новча бўйли, калта пустин кийган, соколи ўсганлиги, устараси йўқ мужиклар сокол қирадиган бир парча чалғи синифи икки ҳафтадан бери унинг бетига тегмаганидан дарак бериб турган кишига:

— Ҳали, оға, дъякнинг янги уйини кўрганим йўқ, дегин? Бугун у ерда яхшигина ичкилик бўлади! — деди-да, бетини силаб қўйди. — Иш қилиб кеч колмасак бўлгани...

Чуб бу сўзни айтганда, пустини устидан маҳкам боғлаб олган белбоғини ростлаб олди, бошидаги телтагини бостириб кийиб олди, паشاҳўрдалик қилган итларнинг кушандаси бўлган қамчи дастасини маҳкамроқ ушлаб қўйди, лекин шу пайтда осмонга қараб тўхтади...

— Нима бало! Уни қара! Уни қара, Панас!..

Оғайниси:

— Нимади? — деб сўради-ю, у ҳам бошини кўтариб юқори қаради.

— Нима деганингни қара, ой ғойиб бўлипти.

— Ҳой, нима бало бўлди? Дарвоқе, ой йўғ-а.

Чуб оғайнисининг беларволигидан хафа булиб:

— Ҳа, энди билдингми, йўқ-да, ҳеч парвойингга келмайди-я, — деди.

— Нима қиласи?

¹ Пономарь — бутхона дъячоги, жом чалувчиси.

Чуб енги билан мүйловини артаркан, сўзини улаштириб

— Эрталаб бир рюмка ароқ насиб қилмағур қандай шайтон дарров аралашипти-да!.. Худди масхара килгандай... Уйда ўтирганимда атайин ойнадан қарагандим-а! Жуда яхши ҳаво эди. Еп-ёруг, кор ойдинда йилтиар эди. Күппа-кундузидек ҳамма нарса равшан күрниб туриб эди. Эшикдан ташқари чиқар-чиқмас, қоронги босди!— деди.

Чуб жавраб, валдираб борайми, бормайми деб анчагача ўйланиб турди. Бориб у ёқдан-бу ёқдан ҳангома қилиб ўтиргиси бор. Оқсоқол билан қалъадан келган ҳофиз аллақачон келиб ўтиришгани аник; ҳар үн беш кунда Полтавага катнаб турган асқиябоз кора мойфуруш Микита ҳам аллақачон боргандир. Бу киши асқия қилганды ҳамма кулаверип ичаги узилар эди. Чуб дастурхонда турган шарбатни ҳам хаёлан куриб турипти. Булар унинг нафсини қитиклар эди-ю, лекин тун қоронғиси ҳамма казакларга жуда ёкқан ялқовликни ҳам құзғатар эди. Сүрига чикиб, чордона қуриб, трубка чекиб ўтирган яхши эмасми, дарча тагига тұпланишиб ўйин-кулғи қилған йигит ва қызыларнинг күшиқларини әшитиб, мудраб ўтирган яхши эмасми! Агар үзи ёлғиз бұлса-ку, албатта уйда ўтириб маза қиласы-я, бирок икки киши бұлғанларидан қоронғида юрмок хатарли эмас, зерикішмайды ҳам, сұнгра бошқалар олдида үзини құркок ва ялқов құрсатғиси келмади. Жаварашини тамом қилиб, ҳамрохига қараб деди:

— Шундай қилиб, ой йўқми?

— Йўқ.

— Таажжуб-а! Қани буринакиңдан ол, отайлик! Қаердан оласан, жуда яхши-да буринакинг?

— Яхши қаёқда!— деди ҳамрохи гулдор тамаки қутисини ёпаркан.— Қари товукқа ҳам кайф бермайди!..

Чуб яна ўша зайилда гапириб:

— Мархум ароқфуруш Зузуля менга Нежиндан бир тамаки келтириб берган эди, хұб тамаки эди-да! Нихоятда яхши эди! Хұш, оғайни, нима қиласыз, жуда қоронғи-ку.

Ҳамрохи эшикнинг тутқичини ушлаб:

— Бұлмаса, бормай құя қоламиз,— деди.

Агар оғайниси қоламиз, демеса Чуб бормас эди, аммо энди кажлиғи тутиб:

— Йўқ, оғайни, юр, бормасак бұлмайди,— деди.

Буни айтди-ку, дарров айтганига пушаймон қилди. Бундай тунда борғиси сира келмади. Аммо бирорнинг маслахатига кирмай үз билганини қилиб, кажлигини құрсатғанлығига хурсанд эди.

Оғайниси, уйда ўтирадими, күчага чиқадими, унга барибир бұлғанидан, чехрасида хеч бир пушаймон аломатини курсатмай беларволик билан у ён-бу ёнга қараб қўйғач, қамчи дастаси билан елкасини қашиб қўйди холос, кейин иккови йўлга тушишди.

Энди чиройли қиз уйда ёлгиз қолиб нима қилаётганини күрайлик. Оксана ҳали ўн етти ёшга тұлғанича йўқ-ку, лекин Ди-каньканинг у ёғида ҳам, бу ёғида ҳам ҳамманнинг оғзида у. Оксанадек қиз қишлоқда сира бўлмаганлиги ва бўлмаслиги тўғрисида йигитларнинг бариси яқдил эди. Оксана унинг шаънидаги гапларни эшитган, билганидан ўзига мағрур бўлиб, нозу карашма қилар эди. Агар тивит юбка, латта фартук киймай, тузукрок, узун кўйлак кийса, ҳамма қизларни йўлда кўйиб кетар эди. Йигитлар гала-гала бўлиб уни пайдан юрадилар, лекин сабрлари қолмай уни ташлаб, бошқа, жўнрок қиз билан бўлиб кетардилар. Битта шу тақачи ҳеч қолмасдан шилқимлик қилиб юравсар эди; унга ҳам рўйхуш бермасдан, бошқаларга қилгандай қилса ҳам у хирилил қилиб сира ташламас эди.

Отаси чиқиб кетгандан кейин, қалай балдоклик кичкина ойнага караб, анчагача ўзига зеб бериб ҳуб ойнага солди. Ўз-ўзи билан бекорчиликдан ҳангомалашмокдан бошқа иши бўлмагандек хушёқмаслик билан «одамлар менинг нимамни мақтайдилар! Бекор айтадилар, қатим кўхлик бўпти!» деб қўйди. Аммо ойнада кўринган тоза ва озода бет, ундаги қора кўзлар, кўнгилга ўт солувчи ажабтовур чиройли табассуми, бунинг хилофига далолат қиласди. Гўзал қиз қўлидаги ойнани қўймай: «Қошим, кўзим қорами. Дунёда мисли йўқ кош, мисли йўқ кўзми? Қанқайган бурнимнинг нимаси яхши? Бетимнинг, лабимнинг нимаси яхши? Қора сочимни яхши дейдилар!? Ваҳоланки, уни кечаси кўрган одам кўрқиб кетади. Қора ҷагир илондек бошимни ӯраб, чулғаб олипти Энди билсан, ҳеч ҳуснин йўқ!» деб, ойнани нари суриб қўйди-да, шовқинлаб: «Йўқ; чиройлиман! Вой, қандай аломат ҳуснин бор! Малакман! Мени хотин қилган толелик бўлади! Эрим ҳуснинг қараб тўймас! Эси кетиб колар, ўпавериб ўлдирар».

Оҳистагина кириб келган тақачи секин шивирлаб:

— Гўзал қиз! Мактаниши ҳам ҳазилакмас! Бир соатдан бери ўзини ойнага солиб томоша килади-ю, тўймайди, тағин ўзини ўзи мактаб ҳам қўяди! — деди.

Зебо қиз нозланиб ҳануз ўз-ўзи билан гапиришарди: «Хой, йигитлар, сизга тенгманни мен, менга қаранг, хиромон юришимга боқинг, кўйлагим чоки қизил ипакдан. Бошимдаги ленталаримни қаранг! Бундай зарбофларни кўрмок умрбод сизга насиб бўлмас! Қаллигим ер юзининг бориб турган мард йигити бўлсин, деб отам олиб берган буларни!» Илжайиб қайрилиб қарashi билан кўзи тақачига тушди.

Бир орзиқиб тушди-да, ғазаб билан ҳўмрайиб қараб турди
Тақачи сўррайиб, кўллари шалвиллаб тушди.

Гўзал қизнинг қорачадан келган кўхлик юзи қандай туйгуларни изҳор қилаётганини билиш қийин. Унинг чехрасида қахру

итоб билди бирға, эсхонаси чиқиб ҳайрои бўлиб қолган тақачини майна қилиш ҳам бор. Итобу истигнодан юзи сал қизаринқираб товланди. Бу итоб, бу истигно кўшилишиб унинг ҳуснини шундай очдики, таърифга сигмай кетди. Бу чокда уни миллион мартаба үниб үниб олмокдан яхшини йўк.

Нега келдинг? — деди гап бошлаб.— Кўлимга курак олиб қайдайми? Ҳун уста бўлибсиз-да ҳаммангиз шилқимликка! Отамиз унга нўқдигини дарров фаҳмлай коласиз. Ҳуб яхши биламан, сиздикадарни! Сандигим битдими?

Жоним, бигиб қолди, хайнтдан кейин битади. Қанча овора булганимни билсанг-ку! Икки кечака ишхонамдан чиқмадим. Аммо кеч кайсан ишхонигин кизида йўқ сандик килиб бераман-да, қоплаганини шундай темир килдимки, Полтавага ишлагани борганимда вазифанинг аравасига ҳам бундай асл темир қоплаганим йўқ эди. Накшини шундай чиройли киламанки! Оппок оёғинг билан юртини босдай бек юриб чиқсанг ҳам бундайни тополмайсан! Ҳар йўни кизида, кўк раңгга бўяб бераман, чўғдек ёниб турадиган булади. Менга жабр қилима! Бир пас гаплашиб ўтирасам, ҳуснингни томоша киладим майлимни?

Ким сенга бўк дейди, гаплашавер, томоша қилавер!

Киз курсига ўтириб, иши ойнага бокди, ўзига оро бериб, сочини туатди. Томонига, ишак чокди кўйлагига караб қўйганида, лаъл дабиза, този бетида, шахло кўзида андак завқ аломати зоҳир булади.

Ганинга мен ҳам ўтирасам майлимни? — деди тақачи.

Оксана чиройини бузмай, юзу кўзидаги ҳалиги шодонликни савлаб.

Утириб, — деди.

Юрагига дилла кирган тақачи:

— Гузат Оксана, ҳуснингга тўйдир, карам қил бир упай! — деди ю, уммоқчи бўлиб, огушига тортиб қучоклади. Аммо Оксана тақачининг лабларига яқин келиб қолган бетини тортиб опқочиб, уни шариб юборди.

— Тагин нималар истайди кўнглинг? Асал бергач, кошиқ ҳам бер, дейсанми! Пўқол, кўлларинг темирдан баттар. Ўзингдан ҳам тутуи хиди келади. Ҳали ҳамма еримни қора куя қилганамдирсан.

Буни деб янга ўзини ойнага солиб ўзига ороиш бериб қўйди.

Тақачи бошини қўйи солиб, ичиди: «Мени яхши кўрмайди-ку, — деб қўйди — Унинг назаридаги ҳамма майна, мен бўлсан унинг олдана аҳмок бўлиб, кўзимин ундан олмасдан мўлтайиб ўтирибман. Тикилиб турсам тураверардим, юз йил бўлса ҳам кўзимни оғимсадим! Аломат киз! Кўнгли кимдалигини, кимни севганини бирор менга айтса, ҳар нарса деса берардим. Аммо у ҳеч кимни бетирмаса керак, ўзига ўзи шайдо. Мен бечорани қийнайди, мен шўрлик кайгу-аламлар ичидаги куяман, рўшнолигим йўк, унга

муҳаббатим шунчаликки, дунёда ҳеч ким бирорни мендек севган эмас, бундан бүён ҳам мендек севган киши бўлмас».

— Сени онанг ажинамиш, ростми? — деб кулиб юборди Оксана. Такачининг назарида бутун ичи-таши кулиб юборгандек бўлди. Бу кулги биракайига кўнглига ҳам, оҳистагина жимирилашиб кетган қон томирларинга ҳам таъсир қилгандай бўлди ва бундай ёқимтой кулган бетдан ўполмаганига дод бўлиб, алам қилди.

— Онам билан нима ишим бор? Онам ҳам, отам ҳам бу дунёда ниманки менга азиз бўлса, ҳаммаси сенсан. Агар подшоҳ мени чарлаб айтсаки, тақачи Вакула, меним қалам рўёмда ниманки яхши нарса бўлса сўра мендан, бердим сенга, деса; олтиндан сандон, кумушдан болға қилдириб бераман деса, йўқ керакмас, қимматбаҳо жавохирлар ҳам, олтин сандон ҳам, мамлакатинг-у юртинг ҳам менга керакмас, Оксанамга етказсанг бўлгани, дердим! — деди.

— Кўрдингми қанақасан! Бирок, отам ҳам хўб туллак-да, онангни олмаганини кўрарсан,— деб айёрлик билан кулиб кўйди.— Нега қизлар ҳалигача келмайдилар-а... Нима бўлди экан? Бара айтишадиган вакт бўлиб қолди. Зерикиб кетаётубман.

— Гузалим, кўйсанг-чи, худо осин уларингни!

— Нега энди! Уларга қўшилиб йигитлар келишади! Ана ўшанда ўйин бўлади-да. Ҳали қандай қизик нарсалар гапириб берадилар!

— Улар билан бўлсанг хурсандмисан?

— Албатта, сендан кўра улар билан яхши-да! Э, шошма! Бирор тақиллатди, қизлар йигитлар билан келдилар, шекилли.

Тақачи ўз-ўзи билан сўзлашиб: «Энди нима умидим қолди. Мени майна қилса, унинг олдида занглаған тақача кадрим йўқ. Ва лекин бошқага мен ўзимни масҳара килиб қўймайман, билай-чи унга мендан қўпроқ ёккан ким экан, таъзирини бериб қўяй...» дер эди.

Эшикнинг тақиллагани, совукда қулоққа нохушроқ эштилган «оч» деган овоз унинг хаёлини қочирди.

Тақачи аламидан дафъатанига ким дуч келса оч бикинига тушираман, деган ниятда:

— Туратур, ўзим чиқиб очаман,— деб, эшикка чиқди.

Совук зўрайиб, осмон шундай тўнгиб кетдик, шайтон музлаб колган қўлинин сал иситиб олмок учун туёгини ерга тегизмай ўйноклар муштумига кух-кухлар эди. Эртадан кечгача дўзахда юргач тўнгмасдан буладими? Дўзах бизнинг қишиимиздака совук-маслигини биласиз. Дўзахда бўлса қалпогини кийиб олиб, бако-вулбошидек ўчок тепасига миниб олиб, гуноҳкорларни қовургани-қовурган эди. Хотинлар байрамда қандай суюниб колбаса қовурсалар, шайтон ҳам гуноҳкорларни шундай суюниб қовуради

Қалин кийинганига қарамай ажина ҳам тұнғиб қолди. Шуннинг учун яхмалак отаётган одамдек икки қулини тепа қилиб, чатаноги-ни керганича, ҳеч бир бүгіннің кимирлатмай, типпа-тигига хаводан пастга түшди, худди муз тепадан сирганиб түшгандай ғизиллаб түшди-ю, түппа-түғри мұрига кириб кетди.

Шайтон ҳам шу зайлда унинг кетидан тушиб кетди. Аммо бу хайвон ҳар қандай луччак олифтадан ҳам эпчил бұлганидан, мұренинг оғзидаёк, маъшуқасининг елкасига миниб олиб, бир пасда иккөві кенг печканнинг ичига тушиб, құзачалар орасига киришиб олди.

Сайр қилиб қайтган ажина, үғлим Вакула уйға меҳмон-пехмон олиб келмадимикки, деб қарамоқ ниятида печканнинг қопқоғини суриб мұралади. Уйнинг үртасида ётган қондан бошқа ҳечкім йүқлигини билиб, печкадан чиқди, устидаги құски пүстегини тапшылаб, үзини ростлаб олди, энди уни күрган одам ҳалигина супурғи миниб юрган ажиналигини такир билмас эди.

Такачи Вакуланинг онаси қирқдан ошмаган, чиройи ёмон ҳам эмас, яхши ҳам эмас эди. Қирқ ўшда чиройли бұлмок ҳам қийин. Аммо у ҳар қандай сипе әркакни ҳам үзига банда қилиб олишга уста эди (аммо буларнинг хүшрүлік билан унча ишлари йўқ эди, буни айтиб қўйсак ёмон бұлмайды), шуннинг учун оқсоқолдан тортиб дъяк Осип Никифоровчагча (албатта, башартники хотини уйда бұлмаса), казаклардан Корний Чуб, Касьян Свербигузгача ҳамма уникига кириб-чиқиб юрар эди. Үнга койил бұлмок керакки, буларнинг барисини жуда усталик билан саранжом қилас, ҳеч қайсиси рақиб ағёри борлигини кўнглига ҳам келтирмас эди. Худо-тарс факир мужикми, ёки бошлиғлик мовут чакмон кийғанлари учун ўзларига аслзода номини қўйиб олганларми, ким бўлсин, якшанба куни бутхонага бора туриб ёки ҳаво ёмон бўлса ароқхонага бора туриб, қаймок билан мазалик чучвара егани, иссиқкина уйда, яхши сухбатлашадиган меҳмондўст хотин билан ҳангамалашгани Солоханикига албатта кириб ўтарди. Аслзода бу уйға кирмок учун ароқхонага кета туриб, йўлни айланыб ўтса ҳам, йўлакай кирдим, дер эди. Ҳайт куни Солоха олдига фартук тиккан хитойи ипак кўйлагини, унинг устидан орқасига зар ука қадаган кўк юбкасини кийиб, ясаниб бутхонага келгандა ҳаммадан олдинга ўтиб, шундоққина меҳроб тагига бориб турсами, дъяк албатта бир йуталиб, кўзининг қири билан унинг томонига караб қўяр эди. Оқсоқол мўйловини силаб, парқидаги кокилини кулоғига бураб, ёнида турган қўшнисига имо қилиб: «Соз хотинда! Шайтон!» деб қўярди.

Солоха ҳамма билан саломлашар, аммо ҳар ким ёлғиз мен билан саломлашади, деб ўйлар эди. Лекин ҳамманинг кирдикоридан воказиғи кишилар, Солоха ҳаммадан кўра Чубга кўпроқ илтифот килганини дарров фахмлар эдилар. Чуб бева эди, уйнинг олдида

доим саккиз ғарам буғдой турар эди. Четан оғилхонада турган икки жуфт ҳўқизи қачонки қўшнисининг сигирини ёки амакисининг семиз буқасини кўриб қолса, бошини кўчага чиқазиб мў-ўлаб қўяр эди. Соқоли узун эчкиси томга чиқиб олиб, ҳовлидаги курка-тovуқларни масхара қилгандай, шаҳар бошлиғига ўхшаб мағрар, аммо унинг аччиғини чиқазиб соқолига тегишидиган шум болаларни кўрса, орқасини ўгириб олар эди. Чубнинг сандифида бисоти, чакмону зар қадаган мурсаклари, ип-матолари кўп, чунки унинг марҳума хотини сатанг бойвучча эди. Резавор экинлардан, кўкнор, қарам, кунгабоқардан ташқари, ҳар йил икки пайкал ерга тамаки ҳам экарди. Солоха бу давлатнинг барисини ўзимниги қўшиб олсан ёмон бўлмас, деган ниятда эди ва унинг кўлига ўтганда нималар қилишини мулжаллаб ҳам қўйганидан, кари Чубга кўпроқ илтифот кўрсатар эди. Ўғли Вакула бирон йўл билан Чубнинг қизини ўзига оғдириб олиб, бор-йўқ давлатни эгаллаб, уни бийлатмай қўймаслиги учун қирк яшар хотинларнинг ҳаммаси билган макрга қўл урди, яъни Чуб билан тақачи ўртасида ғаламислик қилиб, уларни ҳадеб уриштираверди. Унинг шу ғаламис, айёрги туфайли бўлса керак, баъзида кампиrlар, хусусан биронта зиёфат-миёфатга йиғилишганда меъерида ортиқрок ичиб қўйганиларида унинг ғийбатини қилиб, уни ажинага чиқазиб қўяр эдилар. Хотинлар ип йигирадиган дукчадек думи бормиш, ўспирин йигитлардан Кизяколупенко унинг бу думини кўрганимиш, ўтган пайшанба кучада бировнинг олдидан кора мушук бўлиб ўтиб кетганмиш, бир кун попнинг хотини олдига бир чўчқа келиб, хўroz бўлиб кичқирғанмиш-да, Кондрат отанинг шапкасини кийиб қочиб кетганмиш, дердилар.

Бир кун кампирлар ундан сўзлашиб ўтирганларида подачи Тимиш Коростявий келиб қолиб, бир кун ёзда худди Петровка байрами олдида бошига похол қўйиб оғилхонада ухлаб ётганида бир қўйлакчанг, сочини ёйган ажина келиб сигир соғиб турганини ўз қўзи билан кўрганини, ажинанинг авраги билан қимиirlай олмай колганини, ажина унинг лабига бир палид нарса суркаб кетганини ва жирканиб куни билан тупуриб чикқанини сўзлаб берди. Лекин унинг бу гапларига ишониб бўлмасди; чунки ажина Сорочин суд аъзосидан бошқа ҳеч кимга кўринмайди. Шу сабабдан улуғ казакларнинг ҳаммаси бундай гапларни эшитганларида қўлларини силтаб кетабердилар ва ҳамиша айтадиган жавоблари шу эдик, «бекор айтадилар, зангарлар» дердилар.

Солоха саранжом-саришталик хотин булганидан, дарров печкадан чиқиб, уйни йиғиштиришга тутинди. Аммо ерда ётган копларга тегмади; Вакула ўзи олиб келган, ўзи йиғиштирсив! Шайтон бўлса мўрига кирайтганда, бехосдан орқасига қайрилиб қараганда биров билан қўлтиглашиб кетаётган ва уйда анча нарига бориб қолган Чубга қўзи тушган эди. Дарров печкадан учиб чиқиб,

улар олдига ўтиб олди-да, яхлаб қолган қорни түзитиб соча бошлади. Бир пасда бүрөн бошланиб, ҳавони буюқ босди. Ҳар тарафдан қор уйирилиб, пиёдаларнинг юз-кўзларини, қулоқ-бурунлари ни қоплагундай бўлди. Шайтон бўлса Чуб, ҳамроҳи билан уйга қайтиб келишига, тақачини ушлаб олиб, бўёқ чўткасини анчагача қўлига ололмайдиган ва уни масхара қилиб сурат сололмайдиган қилиб қўйишига кўнглини тўқ қилиб, яна мўрига қайтиб келди.

Дарвоқе бўрон бошланиб, шамол кўз очдирмай қўйиши билан Чуб, йўлга чиққанига пушаймон бўлди, тумогини қаттиқроқ бостириб олиб ўзини, шайтонни, ҳамроҳини койиб кетди. Аммо унинг бундай хафалиги ҳам айёрлик эди, чунки бўрон кўтарилганига хурсанд эди. Дъякникига ҳам яна шунча йўл бор. Хуллас, йўловчилар кетларига қайтдилар. Шамол орқадан эди, лекин бўрондан ҳеч нарса кўриб бўлмас эди.

Бироз юргач, Чуб, ҳамроҳига қараб:

— Шошма, оғайни, бошқа йўлга кириб кетибмиз шекилли. Битта ҳам уй кўзимга кўринмаяпти. Бундай ҳам бўрон бўладими? Сен сал бурилиброк бу томонга юр-чи, зора йўл топсанг. Мен бўёқдан қарай. Шундай бўронда йўлга судраганини қара, шайтоннинг ишида бу, йўл топсанг мени чакириб қўй, ёдингдан чикмасин. Баччагар малъунни қара, кўзимга қорни тоза урипти! — деди.

Бироқ йўл куринас эди. Ҳамроҳи оёғида баланд қўнжлик этик билан тентираб-тентираб ароқхонага бориб қолди. Дунё топгандек суюнганидан, кўчада қолган ҳамроҳини унутиб, устидаги қорни қоқиб, ичкарига кириб баҳузур ўтираберди. Бу орада Чуб ҳам йўл топгандай бўлиб, ҳамроҳини чакириб бакиришга тутинди, ҳамроҳи овоз бермагандан кейин, ўзи кетаверди. Андак бориб эди, ўз уйини кўрди. Уйининг олдига қор уйилиб қолипти, томини ҳам кўриб бўлмайди. Совукдан тўнган қўли билан эшикни уриб тақиллата-тақиллата, қизини чакириб, оч, деди.

Эшик очгани чиқкан тақачи, дўқ қилиб:

— Кимсан, нима дейсан? — деб бакирди.

Чуб тақачининг товушини таниб, кетига чиганиброк турди. Ичида: «Бу, менинг уйим эмас экан... Меникига тақачи киромас эди. Лекин мундок қараганда тақачиники ҳам эмас. Кимники бўлса экан? Ана холос, таниёлмаганимни қара! Яқинда ёш хотин олган Левченко чўлокники бўлса керак. Уннидан бошқа уй, меникига ўҳшамайди. Нега дарров келиб қолдим, дедим-а. Аммо Левченко хозир дъякникидалигини яхши биламан, тақачи нима қилиб ўтирипти бунда!.. Еш хотинникига келиб юраркан-да! Хўб! Яхши, энди тушундим».

Тақачи яқинроқ келиб яна қаттиқроқ дўқ билан:

— Кимсан, эшикма-эшик нима қилиб юрибсан? — деди.

Чуб ичида: «Кимлигимни айтмайин. Манглайи қора тагни уриб-нетиб юрмасин!» деб овозини бўлакча қилиб:

— Дуогүй бир одамман, бара айтиб келдим эшигингизга,— деди.

— Йүкол, баранг курсин!— деди Вакула бакириб.— Нега яна кетмасдан турибсан, йүкол, кет, хозир кет!

Чуб ўзи ҳам балога қолмасдан кетақолай, деб туриб эди-ку, аммо тақачидан бундай сұзларни әшитгани алам қилди. Худди шайтон пинжига кириб, вас-васа қилаётгандай, тақачининг зиддига бир нарса айт-айт деяпгандай бўлди. Чуб овозини ҳалигидек бўлакча қилиб:

— Сенга нима бўлди, мунча бакирасан? Нима бара айтгани ҳам қўймайсанми, хохласам айтабераман-да!— деди.

— Эҳ-ҳа! Тилингни тиймайсанми ҳали!..— Бу гапдан кейин Чуб елкасига яхшигина бир мушт тушганини билиб қолди.

У кетига бироз тисланиб туриб:

— И-е, ҳали шунга муштлашаберасанми!— деди.

Тақачи яна туртиб:

— Кет-кет!— деб бақирди.

— Сенга нима бўлди, и-е!— деди Чуб калтак ўтиб, ҳазилми десам, рост экан, ёмон уришаркансан! Унинг бу овозида алам ҳам, кўркканлик, калтак ўтганилик ҳам бор эди.

— Кет-кет, йўқол!— деб эшикни ёпиб олди тақачи.

Чуб кўчада ёлғиз қолиб:

— Ботирлигини қара-я, яқинига бориб бўлмайди. Шошмай тур, ҳали, керилма, шахар бедарвозами! Саними бола, тўппа-тўғри ҳокимга арз қиласан. Тақачилигинг-у, бўёқчилигинг менга писанд эмас, қани елкам билан орқамга қарай-чи, кўкариб чиккан-дир. Баччағар ёмон урди, шекилли! Совук бўлмаса-ю, пўстинимни ечиб... шошмай тур, шайтон темирчиси, мени урдинг, сени ажина урсин, тақачилик дўконингга жин тегсин, шошма ҳали сени хўб ўйнатаман! Лаънати, дорга осилтур! И-е, шошма, хозир-ку уйнадамас, Солоха ёлғиз ўтиргандир... Ҳа.. уйи узок ҳам эмас, борсам-микин вақт ҳам шунақаки, ҳеч ким келмайди, зора мурод хосил бўлса... Лаънати тақачи ёмон урган экан-да!

Чуб орқасини қашиб олиб, йўлнинг бу томонига бурилди. Солохани кўргандаги хурсандликни ўйлаб, оғриқ ҳам эсидан чиқди, чарсиллаб турган совук бўроннинг буюғи ҳам билинмай кетди. Бўрон соқол-мўйловини қор билан шундай совунлаб қўйдики, қўлига тушган одамнинг бурнидан сира аямай тортадиган ҳар қандай чапдаст сартарош ҳам бундай совунлай олмас эди; қор босгани шу бетида гоҳда қувонч пайдо бўлиб, илжайиб кўяр эди. Аммо қор бўрони ҳар тарафдан гупиллаб, кузини очқизмай қўймаганда, ҳар кадамда яна неча марта тўхтаб: «Лаънати тақачи ёмон урди» деб, яна йўлга тушар эди.

Эчки сокол, думи осилган луччак олифта ойни ўғирлаб, ёнида осиғлиқ қўлборига солиб олган эди. Мўридан чиқиб-кирганида

күлбори печкага илиниб очилиб кетди ва ой фурсатни ғанимат билиб, Солоха уйининг мўрисидан чиқиб, лоп-лоп учеб осмонга чиқиб кетди. Оlam ёришди. Бўрон тўхтаб, бояги-боягидай. Ердаги кенг кўрпа бўлиб ётган қор кумушдек яраклади, шиша юлдузлардек сочилди. Ҳаво илигандай бўлди. Ўспирин йигит ва қизлар елкаларида тўрвалари билан чувиллашиб чиқдилар. Қушиклар жаранглаб, бара айтиб кирилмаган эшик қолмади.

Ой ажаб товланиб, тобиш уриб турипти! Бундай хушҳаво кечада ўйнаган-кулган қувноқ қизлар билан жилмайган тунда эсга келган ҳар бир ҳазил, ҳар бир ўйинга тайёр турган шўх йигитлар билан ўйнашмоқ завқини таъриф қилиб бўладими!? Эгнингда пўстин бўлса совуқ емайсан, совуқда бетлар яна баттарроқ ёнади. Шўхлик бўлса, ҳайбаракалла шайтондан.

Бир гала қиз елкаларида тўрвалари билан Чубникига кириб Оксанани ўраб олдилар. Уларнинг чувиллашидан тақачи эсан-кираб қолди. Ҳар қайсиси бир-биридан ошиқиб гўзал қизга бир нарса айтгуси келарди, бара айтиб йиқкан чалпак, чапатиларини, бўғирсоқ-чучвараларини халталаридан тўкиб мақтанар эдилар. Оксана шод-хурсанд бўлиб, ҳали у, ҳали бу қиз билан гаплашиб, хохолашар эди. Тақачи қизларнинг бундай қувончларини кўриб, ҳаваси келар, қизғанчиғлиги тутиб, ўзи бара айтишни яхши кўрса ҳам, лекин ҳозир ундан безор эди.

Гўзал қиз қувонч билан қизларнинг бирига қараб:

— Ҳой Одарка! Янги маҳси кийиб келибсанми, мунча чиройли! Зарлиг-а! Толеинг баланд-да сенинг, ҳар нарсалар олиб берадиган кишинг бор. Менга ким олиб беради бунақа маҳсини,— деди. Тақачи дарров:

— Жононим Оксана, хафа бўлма, сенга унақа-бунақа бойнинг қизи ҳам киймаганини олиб бераман,— деди.

Оксана лоп этиб қаради-да, уни менсимаган бўлиб:

— Сен-а?— деди.— Қани кўрай-чи, мен киядиган маҳсини қаердан топиб келаркинсан. Маликанинг оёғидан ечиб келсанг, унда майли!..

— Кўрдингми буни кўнгли қанақа!— деб хохолаб кулишди қизлар.

Гўзал қиз:

— Рост айтаман, Ҳаммангиз гувоҳсиз, агар тақачи Вакула маликанинг оёғидаги маҳсини келтирса, шу онда унга тегаман,— деди.

Кизлар нози баланд гўзални бирга олиб кетдилар.

Тақачи улар кетидан чиқатуриб:

— Масхара қиласвер-чи, ўзимни-ўзим ҳам масхара қиласман, ўйлаб ўйимга етолмай қолдим, билмадим ақл-хушим қаёққа кетди. Мени севмайди, севмаса севмасин, дунёда ундан бошқа қиз йўқми! Худога шукур, ундан бошқа ҳам қиз бор қишлоғимизда.

Нимаси ҳам бор? Ундан рўзгорни эплайдиган тузук хотин ҳам чикмайди, ясанишдан, ўзига зеб беришдан бошқани билмайди. Энди бўлди, бас қилмоқ керак.

Бирок тақачи бир йўла бас қилмоқчи бўлиб турган чоқда, билмадим қандайдир бир шайтон «маликанинг маҳсисини келтириб берсанг сенга тегаман!» деб кулиб турган шўхчан суратини унинг кўзига кўрсатди. Бутун вужудига бир изтироб тушиб, Оксанадан бўлак ҳеч нарса хаёлига кирмади.

Бара айтиб юрган қизлар билан йигитлар бир гала бўлиб, кўчама-кўча югуришар эдилар. Аммо тақачининг кўзига ҳеч нарса кўринмасдан, бир замонларда кўнглини қувонтирган бу ўйин-кулгиларга аралашмасдан ёлгиз борарди.

Бу орада шайтон Солохага жуда ийиб кетди. Суд аъзоси поп қизини кўрганда қилган қиликларни қилиб, унинг қўлларини үпар, оҳ-воҳ қилиб, кўксини ушлаб, агар менинг хирсимни қаноатлантириб, кўнглимни олмасанг, ўзимни ҳар нарса қиласман, сувга ташлайман, жонимни тўппа-тўғри сакарга¹ юбораман, деди дангалига. Солоха унча бераҳм эмас эди, сўнгра шайтон билан шерик ва бир нечани кетидан эргаштириб юришни яхши кўрар, сухбат курмаган куни кам бўларди. Бирок бу куни кечкурун ёлғиз ўтироқчи бўлди, чунки қишлоқнинг ҳамма улуғлари дъякникига зиёфатга чақирилган эдилар. Лекин иш бошқа ёқка айланниб кетди. Шайтон боягидаи қисти-бастига олиб турниб эдики, тўсатдан оқсоқолнинг йўғон овози эшитилиб колди. Солоха эшикни очгани чиқиб кетди, дингиллаган чақкон шайтон дарров бир копга кириб олди.

Оқсоқол тумоғидан қорни силкитиб бўлгач, Солоханинг қўлидан бир пиёла ҷағирини ичиб олди, сўнгра бўрон туриб тўполон бўлганидан дъякникига бормаганини, унинг уйида чироғ борлигини кўриб, бу кеча у билан сухбат курмоқ ниятида бу ёқка келганини сўзлади.

Оқсоқол сўзини тамом қилгунча ҳам йўқ эдики, эшик тақилаб, дъякникинг овози эшитилди. Оқсоқол шивирлаб:

— Мени бир жойга бекит, мени кўрмасин,— деди.

Солоха, оқсоқолдек гўпса семиз меҳмонни қаерга бекитишни билмай кўп ўлади, алоҳа кўмир турган энг катта коп эсига келиб, кўмирни бочкага ағдарди; оқсоқол сўлоқмондек бўлиб, уша мўйлаби, боши ва бошидаги тумоги билан қопга кирди.

Дъяк уҳ-уҳлаб кўзларини уқалаганча кириб келди, киргач, меҳмонлар келишмаганига ниҳоятда хурсанд бўлиб, бўрон туриб, тўполон бўлиб турганига қарамай, сиз билан андак роҳатлашай

¹ Сакар — дўзах.

деб келдим, деди. Буни деб яқинрок келди, йўталиб олгач илжайиб кулди, узунчоқ бармоқлари билан унинг яланғоч семиз кўлини ушлаб туриб, айёргилиги билан баравар хуэур қилганлиги ҳам кўриниб турган вожоҳат кўрсатиб:

— Совлатингиздан ўргилай, бу нимади? — деб сапчиб ўзини нарироқ тортди.

— Нима бўларди! Қўл-да, Осип Никифорович! — деди Солоха.

Дъяк гап бошлиш учун қилган даромадидан ўзи хурсанд бўлиб:

— Ҳм! Қўл денг! Хе-хе-хе! — деб қўйгандан кейин, уйнинг ўёғидан-бу ёғига юрабошлади.

Яна яқинига келиб томоғидан ушлаб:

— Азизим Солоха, бу нимади? — деб яна ҳалигидек сапчиб қочинкираб турди.

Солоха унга:

— Осип Никифорович, кўриб турибсиз-ку нималигини, бўйним, бўйнимда маржоним,— деди.

— Ҳм! Бўйнингизда маржонингиз. Хе-хе-хе! — деди-да, қўлларини уқалаб, яна юришга тушди.

— Бунингиз нимадир, хотинлар яктоси?.. Дъяк узунчоқ бармоқлари билан, билмадик, қаерни ушлар эди, шу пайтда эшик тақиллаб, Чубнинг овози эшитилди.

Дъякнинг юраги ёрилиб:

— Ё рабби, бегона киши-ку! Мени тагим нозик, бирор кўриб қолса нима бўлади... Кондрат бузрук эшитиб қоладилар! — деди.

Аммо дъякнинг хавотири бошқа томондан эди. Ўз хотинидан кўпроқ хавотирда эди: ҳали ҳам хотини дастидан бошидаги сочидан битта қолмаган эди. Қалтираб туриб, деди:

— Марҳаматли Солоха, худо ҳақи, бир илож қилинг. Сизнинг яхшилигингиз ҳазрат Лука Китобининг ўнучин... Бирор тақиллатяпти, азбаройи худо, тақиллатяпти! Вой, вой, яширангиз-чи мени бирон ерга.

Солоха яна бир қопдаги кўмирни бочкага ағдарди. Жуссаси унча катта бўлмаган дъяк қопга тушиб, ўтириб эди, қопнинг аллақанча кўмир сикқундай жойи бўш қолди.

— Ассалом алайкум, Солоха! — деди уйга киравериб Чуб. — Мени келади деб кутмагандирсан-а? Бемоврут келиб халал етказдим шекиллик... — деди яна. Гүё бир нарсани билгандай кулимсираб илжайиб кўйди. Унинг бу қилиғи, бефаҳм калласи биронта ҳазил-мутойиба сўз айтмок бўлиб анча овора бўлиб бу гапни топганини кўрсатиб турар эди. — Балки бирор билан ўйнашиб турганимидингиз!.. Битта-яримтани яширмадингми-а? — Чуб бу гапларига ўзи завқ қилиб, Солоханинг кўнгли факат менда, мендан бошқага рағбати йўқ, деган хаёл билан ич-ичидан куво-

ниб қулиб юборди.— Солоха, қани энди ароғингдан келтири. Совукдан томогим тұнғиб қолганга үхшайды. Э, худоё рождество-дек улуг байрам олдида ҳавони шундай қилармисан! Шундай қийратдик, асло құявер, бай-бай... қулок солсанг-чи, Солоха, құлларим акашак булиб қолди, пустинимни ечолмайман-а! Бурон шундай уриб бердики...

Ташқариде бирор эшикни итариб:

— Оч!— деди.

— Бирор тақиллатяпти,— деди Чуб тұхтаб.

— Оч!— деб аввалгидан қаттықрек бақиришди.

Чуб, шошиб тумоғини оларкан:

— Тақачига үхшайды,— деб қўйди.— Ҳой, Солоха, қаерга бекитсанг бекит мени. У бадбаҳтнинг кўзига сира кўрингим келмайди. Шайтонваччанинг икки кўзига гумбичча чиқсан!

Солоханинг кути учеб, жинни кишидек нима қиларини билмай гангид қолиб, дъянни қамаган копни кўрсатди. Дангалдек одам, совукда тұнғиб музлаган этиги билан унинг икки чаккасини босгана ҳам бечора гик этмай жим ўтираберди.

Тақачи индамай кирди-ю, бошидан қалпоғини ҳам олмай, эшак устига ёнбошлади. Авзоидан хафалиги билиниб турарди.

Солоха ўғли кетидан эшикни ёпгунча ҳам бўлмай, яна бирор тақиллатиб қолди. Қелган одам Сверигуз казак экан. Буни қопга жойлаш иложи ҳам йўқ, чунки сиғадиган қоп топилиши қийин. Унинг жуссаси оқсоқолникидан каттарок, бўйи Чубнинг оғайнисиникидан новчароқ эди. Шунинг учун Солоха унинг айтмоқчи бўлган сўзини яхшилаб тингламоқ ниятида уни ташқарига чиқариб, экин ичига олиб кирди.

Тақачи паришон ҳол, уйнинг ҳар тарафига алланглаб узокда бара айтиб юрганларнинг овози ўқтин-ўқтин эшитилиб қолганда қулоқ солиб ўтириб эди. Бир маҳал қопларга кўзи тушиб қолди: «Нима килиб ётипти бу қоплар, чиқариб ташлаш керак эди. Аҳмоклик курсин, bemаза муҳаббат деб, жинни булиб қолдим. Эртага байрам бўлса, уй йигиширилмапти, ҳар бало ивиришиб ётипти. Ишхонага обориб ташлай!»

Тақачи типпа-тиқ турган катта қоплар олдига ўтириб, аввал яхшилаб бўғиб, кейин орқаламоқчи бўлди. Аммо паришон хаёли уни ҳар тарафга олиб қочаётганлиги билиниб туринти, хаёли мунчча паришон бўлмаса, қопнинг оғзини бўғганда Чубнинг кокилини ҳам кўшиб боғлаб юборган бўлмас ва унинг пишиллаганини, дангалдек оқсоқолни иқичоқ тутиб, иқиллаганини эшигтан бўлар эди.

— Бу ярамас Оксана хаёлимдан сира кетмасмикин-а? Ҳеч ўйламай десам ҳам ўйимга келаверади, ўчакишгандек яккаш ўша эсимга келади, холос. Нега бундай экан, киши хоҳламаса ҳам мияга кираберар экан-да? Нима бало бўлди, қоплар оғир тортиб

қолиңтими? Күмирдан бўлак яна битта-яримта нарса борга ўхшайди. Э, эсим курсин! Хар нарса менга оғир кўрина беради энди, ҳеч эснамда йўқ. Аввал бир мирилик чақани, от тақасини бир қўлим билан икки букаверардим, энди бир қоп кўмирни кўтаролмайман-а! Якинда шамолга йиқиладиган бўлиб қоламан шекиллй.— Кейин бироз индамай туриб, ўзига далда бергандек:— Йўқ, хотин эмасман! Ўзимни ҳеч кимга майна қилиб қўймайман! Бунақа копдан ўнтаси бўлса ҳам кўтараман!— деб шовқинлаб кўйди. Сўнгра керилиб, икки полвон кўтаролмайдиган қопларни оркалааб олди. Ичида шайтон гуж бўлиб ўтирган копни ушлаб:— Буни ҳам олмайми, асбобларимни солиб қўйган эдим шекилли бунга,— деб қўшиқ айтганча ташқари чиқиб кетди.

Хотин олмоқ ҳазил эмас
Ботмон-дахсар эт қерак...

Кўчадаги қўшиқ, шовқин-сурон тобора авжига минди. Якин орадаги қўшини қишлоқлардан ҳам бир талай одам йиғилиб, тўполон қилиб юрганлар яна кўпайди. Ўспирин йингитлар хўб яйрайдилар. Бара айтиб юрганлар гоҳда ёшларнинг биронтаси шу топда тўқиган қўшиқлардан ҳам айтиб юборардилар. Гоҳда жўралар орасидан бирор овозининг борича бақириб, бара ўрнига наврўзлик айтиб юборарди:

Шчедрик-ведрик¹
Варакага келдик.
Ош беринг-мош беринг,
Қазидан бир бош беринг.

Ҳаммалари кулишиб, буни айтган қизиқчини хурсанд қиласди-лар. Дарчалар очилиб, қартайган эрлари билан уйда қолган кампирларнинг озгин кари қўллари бир бўлак колбаса ёки сомса узатар эди. Йигит ва қизлар, менга-менга қилиб талашиб, тўрваларини тутардилар. Бир жойда йингитлар бир гала кизни үраб олган: кий-чув бўлиб, чувиллашиб, бир-бирига қор отишган, бир-бирининг тўрвасини улок килган. Бир жойда қизлар бир болани чалиб, тўрва-мўрваси билан ағанатган. Тоиг отгунча шу зайлда тўполон қилиб чиқадиган кўринардилар. Тун ҳам уларга ёр бўлгандек илик, ойнинг нури кордан яна равшан тортгандай кўринар эди.

Тақачи галалашиб юрган қизлар ичида Оксананинг кулганда-ги найдек товушини эшигандай бўлиб, қопларини кўтарганича тўхтади. Томир-томирлари ҳаракатга келиб, орқасидаги қопларни

¹ Янги йил кирганда ёш болалар эшикма-эшик юриб, айтадиган қўшиқ.

ерга ташлаб эди, қопнинг тагидаги дъяк оғриқданвой-войлаб юборди. Тақачи елкасидаги енгил қопи билан Оксананинг овози чиқкан қизлар кетидан галалашиб бораётган йигитларга қўшилиб кетаверди.

«Шаҳло қўзи ўтдек ёниб маликага ўхшаб турган ул экан! Барно бир йигит унга бир нарсалар сўзлаяпти. Қизик сўз айтиётган бўлса керак, қиз кулиб турипти. Аммо у доим кулгани-кулганку!» Тақачи ўзи ҳам билмай, беихтиёр бирдан ҳаммани оралаб ўтиб, унинг қошига бориб турди.

Вакулани жинни қилғудай бўлган бояги масхараомуз кулги билан:

— Э, Вакула, шу ердамисан! Қалайсан! Хўш, бара айтиб нима йиғдинг? Қопинг мунча кичкина! Маликанинг оёғидаги маҳсини келтирдингми, келтирсанг сенга тегаман!— деди шўх қиз ва кулганича қизларга қўшилиб қочиб кетди.

Тақачи қокқан қозикдек қадалиб туриб қолди. «Йўқ, энди тоқатим қолмади...— деди чидолмай.— Э, худоё тавба, нега мунча чиройлиг-а, кургур. Қараши, сўзи, ҳар бир қилиғи ўртантариради-я, ўртантариади... Ҳеч тоқатим қолмади! Энди бир ёғлик бўлиб, бас қиласам бўлмайди. Ўлиб кетай, музни ёриб сувга чўкаман, номим учсин!»

Кейин дадил бўлиб, илдам-илдам юриб, қизлар тўпига етиб олди. Сўнгра Оксанага тенглашиб шовқинлаб:

— Хайр, Оксана! Энди кўнглингга ёқкан бошқасини топ, бошқа кимни хоҳласанг аҳмоқ қилавер, лекин мени бу дунёда энди кўролмайсан!— деди.

Барно қиз таажжублангандай ҳайрон бўлиб қолди, бир сўз айтимоқчи бўлди, лекин тақачи қўлини силтаб чопганича кетиб қолди.

Уннинг чопиб кетаётганини кўрган болалар:

— Вакула, қаёқка!— деб кичкиришиб қолдилар.

Тақачи уларга жавоб қайтариб:

— Хўш қолинглар, оғайнилар! Худо хоҳласа, нариги дунёда охиратда кўришамиз, аммо бу дунёда энди бирга ўйнамоқ насиб бўлмас. Хайр, ёмонлаб ўқламанг! Кондрат отамизга айтинг, гуноҳкор арвоҳимга дуои-фотиҳа қилисин, дунёнинг ишлари билан овора бўлиб, азиз-авлиёларга сифинмадим, шам ёқмадим. Сандинимда нимаики бисот бўлса бутхонага худойи қилдим! Хўш қолинглар!— деди.

Тақачи бу сўзларни айтиб, орқасида қопи билан яна чопиб кетаверди.

Йигитлар орқасидан:

— Зиён тегипти шекилли,— деб қолавердилар.

Қўчадан ўтиб бораётган художўй кампир:

— Худо урипти, тақачи үзини осганлигини бориб ҳаммага айтай! — деб үзича ғулдираб кетди.

Вакула шу юрганича күчама-күча бориб-бориб бир жойда дам олгани тұхтади. «Ҳамма ёқ барбод бұлғандек қаёққа чопиб кетаётібман, үзим. Янаbir чора қылай, запорожъелик қорни катта Пацюкка бориб маслаҳат килиб күрай, уни жами жинлар билан таниш, хар қандай мушкулни осон қылармиш, дейдилар-ку. Майли бориб күрай, барибир үлім кишисиман!»

Көнда ҳалигача қимирламасдан жим ётган шайтон бу гапни әшитиб, суюнганидан қонда туриб үйнай бошлади. Аммо тақачи қонға үзим тегиб қимирлатиб юбордим шекилли деб, қонни бир муштлаб, бир силкитиб қүйгач, қорни катта Пацюкниң қараб кетди.

Пацюк қорин бир замонларда запорожье казакларидан бұлғанлиги түғри. Аммо у ёқдан хайдалғанми ёки үзи келғанми буни ҳеч ким билмас эди. Диқанька қишлоғига келиб туриб қолғанига аллақанча, үн йилми, балки үн беш йилми бұлған. Аввал худди запорожъеликнинг үзи эди, ҳеч ишламас, куннинг уч ҳиссасини үйқуда үтказар, олти үроқчининг томогини ер, бир күтарғанда салкам бир өзек арок иchar эди. Бунча овқатнинг жойлашадиган үрни ҳам йүк әмас эди, чунки бүйі пастрок бұлса ҳам энига хийли катта эди. Кийган چалварининг кенглиги шунчалық әдікі, хар қанча катта қадам ташласа ҳам оёғи сира күрінмес, юрганда вино қиладиган бочка юриб кетаётғанга үхшарди. Шу туфайлидан қорин лақабини олган бұлса ҳам ажаб әмас. Қишлоққа келганига уч-тұрт күн бұлар-бұлмас фолбинлиги ҳаммага машхур бұлди. Биров бетоб бұлғундай эса дарров уни ҹакиртирап эди; келиб шивирлаб бир дуо үқиса, хар қандай дард тузалиб кетар эди. Нафси бузук очофат дворянлардан биронтасынга балиқнинг қылтанағи тиқилиб қолса, Пацюк боплаб бир мушт урганда, қылтаноқ дворяннинг томогига ҳеч зиён-зақмат етказмасдан жойини топиб кетарди. Лекин сұнғы вактларда у кам күринадиган бұлиб қолған эди. Бунинг сабаби дангасалиги бұлса ҳам ажаб әмас, аммо йилдан-йилга әшикка сиғмайдиган бұлиб бораётғанлигидан бұлса ҳам әхтимол. Унинг үзи әшикка чиқмасди-ю, жамоа аҳлларидан кимнинг унга иши тушиб қолса, үзи борар эди.

Тақачи құрқа-писа әшикни секин очиб қараса, Пацюк чордона қуриб үтирипти, олдида кичкина бочкача, бочкача устида товокда түппа оши, товоқни атайн оғзига түғрилаб баланд қилиб қүйнити. Құлни асло қимирлатмасдан, бошини андак әнгаштириб товоқдан хұплаб иchar, гоҳда туппани тиши билан тишлилаб олар эди.

Вакула буни қуриб:

— Буниси Чубдан ҳам баттар ялқов экан, Чуб-ку овқатини

кошик билан ейди-я, бу құлини күтаргиси ҳам келмайди!— деб қүйди ичидә.

Пацюк туппа оши билан жуда овора бұлса керак, остоңадан үтәр-үтмас энгашып салом берган тақачининг келганини сира пайқамади.

Вакула яна салом беріб:

— Мен сенинг олдингә илтимос билан келдім!— деди.

Хұппа семиз Пацюк бошини күтариб қараб құйғақ, яна туппасини еяверди.

Тақачи нафасини ростлагб өлиб:

— Аччиғинг чиқмасин, мен бу гапни сени ранжитмок учун айтайдығаним йўқ, сенинг шайтон билан озрок қариндошлигинг бормиш,— деди.

Вакула бу сұзларни айтиб қўйиб, кейин қалтис сұзларни бироз юшатмасдан, күпопроқ қилиб гапирдимми, деб қўрқди ва Пацюк товоғ-у бочка билан бошимга уриб қолармикан, деган хавотирда ўзини бир чеккага өлиб, туппанинг иссик шўрваси бетига сачрамасин, деб енги билан бетини бекитиб олди.

Аммо Пацюк бир қараб қўйиб, туппасини еяверди.

Тақачи сал ботирланиб яна деди:

— Пацюк, худо ҳеч нарсадан кам қилмасин, давлатинг ошсин, нону тузингга барака берсін, мен сенга паноҳ тортиб келдім!— Тақачи гоҳда сухандонлик ҳам қилиб құяр эди, чунки юзбошининг тахта деворини бўягани Полтавага боргандан анча пишиб қолган эди.— Мен гуноҳга ботган бечораман, дардимга даво йўқ. Энди нима бўлса бўлди, шайтонга ялинишдан бўлак чора қолмади. Нима қиласай, Пацюк?— Пацюк индамасдан утираваергач,— қандай қиласай?— деди яна.

Пацюк бошини күтармай туппасини ошаларкан:

— Шайтон керак бўлса, бор үшанга!— деди.

— Шунинг учун сенинг қошингга келдимда, шайтонга элтар йўлни сендан бошка ҳеч ким билмаса керак,— деди.

Пацюк чурк этмади, қолган туппасини еб бўлди. Тақачи уни ўз ҳолига қўймай:

— Раҳм қилгил, яхши одам, қайтарма! Чўчқа гўшти дейсанми, колбасами, ок ун, қора ун дейсанми, матами, сўкми, нимаики керак бўлса берай, яхшиликка яхшилик қайтараман, менда қолмас... лоақал шайтонга элтадиган йўлни кўрсатиб қўй,— дерди.

Пацюк бояги-боягича бемалол ва бепарво:

— Шайтон орқасида турган одам шайтонни кидирмайди,— деди.

Бу сұзларнинг маъноси Пацюкнинг манглайида ёзилгандек, Вакула унга тикилиб колди. Унинг башараси, нима деяпти? дегандай эди. Сал очилинкираб қолган оғзи, Пацюкдан чиққан

хар бир сўзни худди туппадек ютиб юборгудай бўлиб турарди
ЛЕКИН Пацюк жим.

Вакула яхширок қараса Пацюк олдида на бочка идиш бор, на товоқда туппа. Лекин ерда иккита заранг коса турипти, бирида чучвара, бирида қаймоқ. Унинг хаёли, кўзи бенхтиёр бу овқатга караб кетди. Ўзига-ўзи: «Кўрай-чи, чучварани қандай еркан, туппани егандек бошини эккиси келмас, экканда ҳам, барибир бўлмайди, чунки чучварани қаймоқка ботириб олиш керак-ку»,— деб ўйлаб қўйди.

Вакула буни эндингина ўйлаб турган эди, Пацюк оғзини очди, чучварага бир караб қўйинб оғзини яна каттарок очди. Чучвара косадан сакраб чиқиб, қаймоқка тушди, унда бир думалаб, сапчиб Пацюкнинг оғзига кириб кетди. Еб бўлгач яна оғзини очди, чучвара яна шу хилда сапчиб, оғзига кириб кетди. Унинг иши факат чайнаш-у, ютиш эди.

Тақачи таажжубидан ағрайиб, «ажаб ғалати!» деб ҳайрон бўлиб туриб эди, чучвара унинг оғзига ҳам кириб кетаётганини фахмлаб қолди. Лаби аллакачон қаймоқ бўлипти. Тақачи чучварани ютиб, лабини суртиб, дунёда қандай ғалати ажойиботлар бўлади-я, шайгон одамни қандай ишларга бошлайди-я,— деб ўй ўйлаб кетди ва Пацюкдан бошқа ҳеч ким унга ёрдам беролмаслигини билди. «Яна бир салом бериб кўрай, уктириброк айтсин... И-е, менга нима бало бўлди, бугун ўттал рўза тутадиган кун эди-ку! Чучвара еб кўйдим, чучвара тузлик-ку! Қандай аҳмокман, караб туриб гунохкор бўлдим-а! Коҳ энди!» Худотарс тақачи орқасига қарамай юргурганча уйдан кочиб чиқди.

Аммо унинг қопида бундай ғаниматга суюниб ўтирган шайтон, ғаниматни қўлдан чиқаргуси келмади. Тақачи қопни ерга қўйиши билан шайтон дарров чиқиб, унинг елкасига мишиб олди.

Тақачининг бадани жимирилаб кетди. Кути учиб, қони қочиб, чўкинмокчи бўлиб турганида шайтон ит тумшуғини унинг ўнг қулоғига яқин келтириб:

— Менман, сенга дўстман, дўстим, биродарим учун ҳар нарса қиласман.— Кейин чап қулоғига чийиллаб: Пул десанг ҳар канча бераман,— деди. Кейин тумшуғини яна ўнг қулоғига айлантириб: Оксана шу бугуннинг ўзида бизники бўлади,— деб шивирлади. Тақачи ўй ўйлаб қолди.

Ўйлаб туриб-туриб, кейин:

— Хуб, шу шарт билан мен сеники!— деди.

Шайтон қарсак уриб, хурсандлигидан тақачининг елкасида туриб ўйин тушиб кетди. «Энди қўлимга тушди-ю, шайтонларни масхара қилиб соглан суратларингни аламини энди оламан, қишлоқнинг энг яхши худотарс одами қўлимга тушганини шерикларим билсалар нима деркинлар?»— дерди ўзича ўйлаб. Дўзахдаги куйруклилар жинси тақачини кўрганда уни қандай мазах

килишлари, уларнинг васвасачиликда энг биринчиси бўлган чўлок шайтонга қандай алам қилиши эсига тушиб кулиб юборди

Шайтон, тақачи қочиб кетмасин, деган хавотирда ҳали ҳам унинг елкасидан тушмай туриб:

— Лекин Вакула, ўртада бир шарт боғламасдан ҳеч бир иш килинмаслигини ўзинг биласан!— деди чийиллаб.

— Нима десанг мен ҳозирман,— деди тақачи.— Сизларда кон билан кўл кўйиш одатмиш деб эшитдим; тўхта бўлмаса, киссамдаги михимни олай!— деб қўлинни орқасига қилиб, шайтонни думидан тутиб олди.

Шайтон кулиб:

— И-е, ҳазилкаш экансан-ку! Кўй ҳазилингни, бас!— деди бақириб.

— Шошма, шоввоз! Манавинга қараб қўй-чи, нимади?— деб, дарров ҷўқинтириб эди, шайтон бир пасда мулойим бўлиб, қўзи-чокдек ёввоЖ бўлиб қолди. Кейин думидан тортиб елкасидан тушираркан:

— Тўхта-чи, Исо уммати яхши одамларни йўлдан оздирадиган, гуноҳга бошлайдиган сенми, шошмай тур!— деб унинг устига миниб олди, кейин ҷўқинмок бўлиб қўлини кўтарди.

— Вакула, афв эт! Нима буюрсанг бажо келтираман, жонимни қўйиб юбор, товба қилдим, ҷўқинтирма мени, бутингдан қўрқаман!— деб ялинди шайтон.

— Ҳа-ҳа! Энди бошқача тилинг чиқдими, лаънати немис! Нима қилишимни энди ўзим биламан. Ҳозир мени учириб обор күшдек уч!

Шайтон хафа бўлиб:

— Қаёкка?— деди.

— Петербургга! Тўппа-тўғри пошшо хотин олдига обор!

Ҳавога кўтарилиб учиши билан, тақачи қўркиб, сўррайганча қотиб қолди.

Оксана тақачининг ғалати гапларини ўйлаб, кўп хаёл сурини қолди. Тақачига ҳаддан ташқари жабр килганини ўзи ҳам билиб ичиди афсус ер эди. Агар ростдан ҳам ёмон бир иш қилиб қўйса нима бўлади? «Аламидан ҳар нарса қылса қилаверади-да! Бошқа бирорни яхши қўриб, ӯшани кишлоқнинг барноси деб мақтаб юрса ҳам юраберади-да. Йўқ, мени севади, мендек чиройли борми! Мендан асло ажрамайди, ҳазиллашиб қўйди-да! Ўн минут ҳам ўтмасдан мени кўргани яна қайтиб келади. Нафсами унга берашмлик қилдим. Хоҳламагандек бўлса ҳам бир ўпич берай. Бир суюнтирай!» Енгилтак гўзал қиз ўртоклари билан ҳазиллашиб ўйнаб кетди.

Ўртокларидан бири:

— Шошманлар, тақачи қопларини эсидан чиқазиб ташлаб кетипти. Қаранглар, бир ғалати-я қоплари. У барани биздака

айтмапти, унга бир нимтадан гүшт ташлаганга ўхшайдилар, кол баса билан нон беҳисобдир. Мұлчилик, ҳайт ўтгунча маза қылсақ бўлади,— деб қолди.

— ТАКАЧИННИГ КОПЛАРИМИ ҲАЛИ БУ?— деб қолди Оксана ҳам,— тез бўлинглар, бизниги обориб унда яхшилаб қарайлик-чи, нималари бор экан.

Кизларнинг ҳаммаси қўшилиб унинг гапини маъкул курдилар
Бир тўп қиз аввал қопларни кўтариб кўриб:

— Вой, бизлар кўтаролмаймиз!— дебчувиллашдилар.

— Шошманглар,— деди Оксана,— дарров бориб чана келтириб, чанага ортиб олиб кетамиз

Кизлар тўпланишиб чанага кетдилар.

Дъяк бармоғи билан қопни анчагина тешиб қўйган бўлса ҳам, ҳар ҳолда қопга тушганлар жуда зерикишиб қолди. Агар одам бўлмагандан эди, дъяк бир илож қилиб чиқиб оларди, аммо ҳамма қараб турганда қопдан чиқиб, ўзини-ўзи майна килсинми... Бу мулоҳаза уни сабр қилишга мажбур қилди, шунинг учун, Чубнинг этиги анча эзганига қарамай, инқилаб, сабр қилишга карор берди. Чуб ҳам тагидаги нарса ўтиришга нокулай, бесўнақай эканини сезиб, у ҳам тезроқ қутила қолиши хоҳлар эди. Аммо қизининг бояги сўзини эшигниши билан хотиржам бўлиб, уйга етгунча лоақал юз қадам, балки кўпроқ юрмок керак. Чикадиган бўлса у ён-бу ённи ростлаб, пустинининг боғичини такмок, камарни боғламок керак, сўнгра тумоғи ҳам Солоҳаникода қолипти; шу мулоҳаза билан чиқмай ўтираберди. Кизлар чанада элтиб қўйсалар яхши эмасми. Аммо Чуб ўйлагандай бўлмади. Кизлар чанага кетгандарида, анави новча, котма оғайниси жуда хафа бўлиб, паришонҳол арокхонадан чиқиб келаверди. Арокфуруш хотин инонмасдан насияга бермапти. Биронта худо ярлақаган бадавлат келиб қолиб ичирармикин, деган умидда хийла кутди, лекин аксига олгандай, давлатманд боёнларнинг бариси художўй христиан бўлганларидан уйларида бола-чакалари билан бирга бўтқа ош еб ўтирадилар. У, одамларнинг феъли кетганлиги, арокфуруш жуҳуд хотиннинг тош бағирлиги тўғрисида ўй ўйлаб бораётби, қопларни кўриб, эси оғиб тўхтаб қолди. У ён-бу ёнга аланглаб қараб:

— КИМ ЙЎЛГА ҚОПНИ ТАШЛАБ КЕТИПТИ! ГўШТ-ПЎШТИ БОРДИР!
Битта-яримта баҳти очилган бара айтиб йикқан-ку шунчанарсан! Мунча баҳайбат қоплар-а! Агар ясмуқ унидан бўлса ҳам, бугдой унидан бўлса ҳам ичи тўла нон бўлса, у ҳам ёмон эмас. Нукул чапати патир бўлса тағин яхши. У ҳам ширин бўлади. Арокфуруш жуҳуд хотин битта патирга нимчорак арок беради. Бирор кўриб қолмасдан тезроқ олиб кетай!— Чуб билан дъяк тушган қопни орқалаб олмоқчи бўлди, лекин қараса, жуда оғир.— Бир кишиига оғирлик қиласкан. Хайрият, бўзчи Шапуваленко келяпти Ассалом алайкум, Остап!

Бўзчи хам тўхтаб, салом берди.

— Йўл бўлсин?

— Ўзим Оёғим қаёққа тортса, шу ёққа кетаётубман.

— Яхши киши, шу қопларни кўтаришвор! Бирор бара айтиб йигиб-йигиб, кўчага ташлаб кетипти. Нима бўлса бўлишиб оламиз!

— Кои? Нимаси бор экан, патирми, кулчами?

— Нима десанг борга ўхшайди.

Улар дарров четан девордан иккита калтак сугуриб, қопни калтакка қўйиб елкалаб кўтариб кетдилар.

Бора туриб, бўзчи:

— Қаёққа оборамиз, ароқхонагами?— деди

Мен хам ўшатга борайлик деган эдим-у, лекин бадбахт жуҳуд хотин ишонмасдан, бирорникини ўғирлаб келганлар, деб ўйлармикин дейман, сўнгра мен хозиргина у ердан чикдим. Бизниги оборамиз, ҳеч ким йўқ, бемалол, хотиним уйда эмас.

Бўзчи, эҳтиётини килиб:

— Йўқлиги аннкми?— деди.

Худога шукур, ақлимизни еб қўйганимиз йўқ, агар уйда бўлса, жинни бўпманни бориб. Тонг отгунча хотинлар билан алаҳсиб юрса керак,— деди.

Икки дўстнинг даҳлиздаги ғовур-ғувуруни эшлитиб қолган хотини эшикни очиб:

— Қимсан?— деди.

Эри хотинининг уйдалигини билиб тахта бўлиб колди

Бўзчининг хам қўллари шалвиллаб:

— Ана холос!— деб қўйди.

Унинг хотини шундай бир қимматбаҳо хазина эдики, бундай матодан дунёда оз эмас. Эри сингари у хам сира уйда ўтирас, эртадан-кечгача қўни-қўшиларникида, ош-нонлик кампирларникида юриб, овқатларини мактаб-мактаб, иштаҳа билан хуб ер эди, эри билан факат эрталаб уришарди, чунки гоҳ-гоҳда эрталаб кўрмаса бўлак вақтда уни сира кўрмас эди. Ўйлари қишилек мирзабошисининг чалваридан икки хисса эскирок, томларининг похоли тушиб кетиб, ўт-бети очилиб қолган эди. Четан девор аллақачон бузилиб, титилиб кетган, чунки ўтган-кетганлардан кимгаки ит ургани калтак керак бўлса, фалончининг девори бор-ку, деб уйдан калтак олмай, унинг деворидан суғуриб кетарди. Печкаси уч кунда бир ёқилар эди. Хотини саҳийлардан ниманки таъма қилиб сўраб олса, эридан яшириб, бурчак-бурчакка тиқар, лекин эри топганини дарров ароқхонада йўқотиб келмаса, зўрлик қилиб қўлидан тортиб олар эди. Эри шунча вазминлиги билан хам хотинидан паст келишни хоҳламас ва аксари икки кўзининг ости кўкариб, уйдан чиқиб кетар, қадрдон заифаси эса

оҳ-воҳ қилиб, эрининг зулмидан, еган калтакларидан қўшни кампирларга ҳасрат қилгани чиқиб кетар эди.

Бўзчи билан оғайнисининг бундай кутилмаган ҳолдан қандай саросима бўлиб қолганларини ўзингиз тушунаверинг. Қопни ерга қўйиб, иккови этаклари билан қопни тусиб олдилар. Бироқ фурсат ўтди, чунки кампир гарчи кўзи хирароқ бўлса ҳам қопни аллақачон кўрган эди.

— Мана бу ишинг яхши!— деди хотин. Унинг башарасида жўжага кўзи тушган калхатнинг авзойи кўринди.— Бара айтиб шунча овқат йигдингизми, баракалла, яхши одам ҳамма вакт шундакабўлади, бироқ ўт-бетдан уриб келганмисизлар, деб ўйлайман. Кани ҳозир менга курсатинг қопингизни, тез кўрсатинг дейман!

Эри савлат билан керилиб туриб:

— Бошида бир туки қолмаган кал шайтон кўрсатмаса, биз курсатмаймиз,— деди.

— Бу нарсаларни бара айтиб топган биз, сенинг ишинг нима?— деди бўзчи.

Хотини новча эрининг иягига бир мушт уриб:

— Кўрсатмайсанми ҳали,вой яшшамагур банги!— деб қолга човут килиб қолди.

Аммо эри билан бўзчи мардлик кўрсатиб, қопни унга бермасдан, даф қилдилар. Лекин улар кампирнинг даф-дафасидан ўзларини йиғишириб олгунча бўлмай, кампир қулида темир косов билан дахлиздан югуриб чиқди ва келасолиб эрининг кўлига, бўзчининг елкасига тушириб, аллақачон қопнинг тепасига келиб ўзиники килиб олди.

Бўзчи ҳушига келиб:

— Нега уни қоп яқинига йўлатдинг?— деди.

— И-е, мен йўлатдимми, нега сен йўлатдинг, ахир!— деди униси шалвайиб.

Бўзчи бир пас жим тургандан кейин елкасини қаширкан:

— Косовингиз темирга ўхшайди-я, ўтган йил ярмарка бўлганда хотиним тангамирига бир косов олган экан, ёмон эмас... оғритмайди...— деди.

Зўр чиққан хотини қулидаги қора чироқни ерга қўйиб, қопни ечиб қаради. Аммо қопни дарров кўрган хира кўзлари энди алдандилар, шекилли. Суюнганидан чапак чалиб:

— Эҳ-ҳа, бутун бошли тўнғиз-ку!— деди.

Бўзчи йўлдошини туртиб:

— Эшитдингми, бутун бошлик тўнғиз экан! Қилдинг қилдинг, сен қилдин!— деди.

Униси елкасини қисиб:

— Нима қилайлик!— деб қўйди.

— Бу нима деганинг? Нима қилиб, қараб турибсиз? Қулидан тортиб олайлик қопни, қани бошла сен!

— Нари тур, нари тур, сенинг ҳаққинг йўқ тўнғизда, бизники,— деди бўзчи дўқ қилиб.

Эри ҳам хотинига яқинроқ келиб:

— Нари тур, ажинанинг хотини! Нима ҳаққинг бор унда сенинг!— деди.

Хотини яна темир косовга қўл узатиб эди, шу пайтда Чуб қопдан чиқиб, узок уйқудан турган кишидек керишиб, даҳлизнинг ўртасида тураверди.

Кампир икки кўлини сонига уриб қичқириб юборди, ҳаммасининг оғзи очилиб ҳайрон бўлиб қолдилар.

Эри кўзини бақрайтириб:

— Нодон бўлмаса нега тўнғиз, дейди, тўнғиз эмас!— деди.

— Шундок одамни ҳам қопга тиқарми! Нима десанг ҳам, шайтоннинг иши, бошқа эмас, бўлмаса қандай қилиб дарчага сифади!— деди, қўркиб кетган бўзчи ўзини кетга ташлаб.

Униси бўлса тикилиброқ қараганидан кейин:

— Э, оғайним-ку!— деб қичқириб юборди.

Чуб илжайиб туриб:

— Бўлмаса ким, деб ўйлаган эдинг? Ҳа, хўб майна қилдимми икковингни? Сизлар бўлса, чўчқа, деб мени емокчи эдингизлар-а! Шошманглар, қопда яна бир нарса бор, тўнғиз бўлмаса ҳам, боласи бўлса керак ёки ҳар нучук бир жонивор-да, чунки тагимда ётиб ғивир-ғивир кимиirlар эди,— деди.

Бўзчи билан йўлдоши иккови бирдан қопга ёпишдилар, хотин ҳам бир ёқдан ёпишди. Агар энди чиқмасдан иложи йўқлигини билган дъяқ қопдан эмаклаб чиқмаса, улар ўртасида яна талаш бошланур эди.

Хотиннинг ўтакаси ёрилгудай бўлиб, дъякнинг оёғидан ушлаб тортаётган жойида қўйиб юборди.

Бўзчи қўрқанидан:

— Яна биттаси чиқди!— деб бақириб юборди.— Нима бало бўлди... Бошим айланиб қолди... Энди бара айтганларнинг қопига колбаса-ю, кулча ўрнига одам ташлайдиган бўлиптилар!

Ҳаммадан баттар таажжубда қолган Чуб:

— Дъяк-ку!— деди.— Баракалла, Солоха! Қопга хўб тикқан экан... Нега уйи тўла қоп дедим-а... Энди билсан ҳар қопда иккитадан одам бор экан, ёлғиз мен билан... деб ўйлаган эдим, баракалла, Солоха!

Қизлар қопнинг биттасини тополмай, ҳайрон бўлдилар.

— Майлига шу биттаси ҳам бўлади,— деди Оксана. Ҳаммалари қопга ёпишиб чанага ортдилар.

Оқсоқол қоп ичиди ўтириб ўлади: агар қопни ечиб, мени чиқаринглар деб қичқиргудай бўлсан нодон қизлар, қопдаги ажина экан, деб қочишиб кетсалар, эртагача кўчада қолиб кетаман, шунинг учун индамай деб, жим ўтираверди.

Кизлар бўлса қўлма-қўл ушлашиб, гарчиллама корда чанани учирганча олиб кетдилар. Бир нечалари шўхлик қилиб чанага ўтириб олдилар, оқсоқолнинг тепасига миниб олувчилик ҳам бўлди. Оқсоқол чурк этмасдан бардош қилишга қарор қилиб қўйди. Алоҳа етиб келдилар, даҳлиз ва уйнинг эшигини ланг очиб хоҳлашганча қопни судраб кирдилар. Кизларнинг бариси қопни ечмоққа уриниб:

— Нима бор экан, нима экан,— деб чувиллашар эдилар.

Шу пайтда, оқсоқолни боядан бери жуда кийнаб келаётган иқичок билан йўтал шундай қистаб бердикӣ, асло тўхтатолмасдан овозининг борича йўталиб юборди. Кизлар қўрқишиб:

— Одам ётипти,— деб чинқиришганларича ташқарига қочиб кетдилар.

Чуб эшикдан кириб келаркан:

— Нима бало бўлди сизларга, жинни бўлдингларми?— деди.

— Вой дада, қопда одам бор экан!— деди Оксана.

— Қопда? Бу қопни қаердан олдингизлар?

Ҳаммалари бирданига:

— Такачи кучага ташлаб кетди,— дедилар.

«Ана, худдакаш, айтмадимми»,— деб қўйди ичиди Чуб.

— Нимага қўрқасизлар? Қани қарайлик-чи. Ҳой киши, исм ва лақабингни билмаймиз, хафа бўлмайсан, қани чик копдан! Оқсоқол чиқди.

Кизлар «вой ўлай!» деб чинқиришиб юбордилар.

Чуб оқсоқолнинг бошидан оёғигача қараб, ичиди: «Оқсоқол ҳам кирган экан-да»,— деб ҳайрон бўлиб, ана холос!.. Оббо!— деганича қолди.

Оқсоқол ҳам Чубдан баттар хижолат бўлиб, нима дейишини билмас эди. Кейин бир пас туриб:

— Ташқариди ҳаво совукроқми!— деб сўради Чубдан.

— Озрок совук,—деб жавоб берди Чуб. Сунгра:— Сўрасам майлими, этигингга қора мой суртасанми, думба мойими?— деди. Унинг муддаоси бошқа эди, нима бўлиб қопга тушдинг, деб сўрамоқчи эди, аммо нега бундай деганини ўзи ҳам билмай қолди.

— Қора мой суртган яхширок! Чуб, хайр!— деб оқсоқол туомини бостириб олиб уйдан чиқиб кетди.

Чуб оқсоқол чиқиб кетган эшикка қараб туриб:

— Этигини пима билан мойлашини нега сурадим!— деди ўзича.— Баракалла, Солоҳа! Шундай одамни қопга тиққанингга қойилман!.. Оббо шайтон хотин-э! Офарин-э! Мен аҳмок бўлсам... Қани ҳалиги лаънати қоп?

— Анави бурчакка элтиб қўйдим. Ҳеч нарсаси йўқ,— деди Оксана.

— Бекор айтибсан, ҳеч нарса йўғ-а! Қани бу ёқка келтир. Яна бирор бўлса керак! Яхшилаб қоқинглар... хўш, йўқми?.. Ҳа,

лаъннати хотин! Куриниши авлиёга ўхшайди, ўзини жуда покиза, покдоман олади.

Лекин биз Чубни шу аччик ва алам устида қолдириб, эиди тақачига келайлик, чунки соат тўккиз бўлай деб қолди, шекилли.

Вакула осмонга кўтарилиб жуда баланд чиқиб кетганидан ерга караса ҳеч парса кўринмайди; юрагига вахима тушди. Пашибадек бўлиб ойнинг таккинасидан ўтиб кетди; агар бошини паст қилмаса қалпоги ойга илиниб қолар эди. Аммо бироздан кейин сал ботирланиб, шайтон билан ҳазиллаша бошлади. Санавбар ёғодан қилинган бутини бўйнидан олиб унинг яқинига келтирса шайтон акса уриб, йутал тутар эди. Жўрттага бошини қашимоқчи бўлиб кўлини кўтарса ҳам, шайтон чўқинтиромокчи шекилли, деб яна баландроқ учар эди. Осмон чараклаб, ҳамма ёқ ёруғ ва равшан. Кумушдек туман ичиди ҳаво тиник, ҳамма нарса равшан кўринар эди. Ҳатто тувак ичига тушиб олиб, шамолдек учеб ўтиб кетган сеҳргар жодуни ҳам кўрди; юлдузларнинг тўп бўлиб, кўзбоглаш ўйнаётганларини, бир томонда аллақанча арвоҳ гуж-фуж бўлиб пириллашиб учеб юрганини ҳам кўрди; ойнинг олдида дингиллаб ўйнаб турган шайтон учеб кетаётган тақачини кўриб шапкасини олиб салом берганини, ялмоғиз кампирни бирон ерга элтиб ташлаб, энди ўзи салт қайтиб келаётган супургини... хуллас яна бирталай бўлмағур нарсаларни кўрди. Ниманки йўлда учраса, бир пас тўхтаб, тақачи томоша қилиб, кейин яна йўлга тушар эди. Тақачи учеб-учиб Петербургга етди. Шу куни шаҳар билмадим нима учун чароғон экан. Шайтон йўлдаги говдан ўтгач, ерга тушиб аргумоқ отга айланди; тақачи караса, шўх, чопогон отда кўчада кетяпти.

Ё пирай! Тасур-тусур, тўполон, дабдабаси оламни бузгудай. Кўчанинг икки томонида тўрт қаватлик иморатлар. Отларнинг тасур-тусури, дўнгалакларнинг овози тўрт томондан акс этар эди. Ўйлар тобора кўпайиб, худди ердан ўсиб чиқаётгандай кўринарди. Кўприклар ларзон, файтон аравалар гумбир, извошлилар, кучерлар пўнит-пўштлаб қичкиришган. Ҳар тарафдан чониб кетаётган минг-минг чаналар корни тўзитиб, учириб ўтиб кетарди, пиёдалар қатор-қатор шамдон осилган деворлар тагига сиқилиб борар эдилар, уларнинг узун-узун тарнов бўйи соялари томга этар эди. Тақачи ҳайрон-ҳайрон ҳар тарафга аланглар эди. Назарида жами ўйлар чирок кўзларини унга тикиб тургандек эди. Мовут пўстин кийган бойлар кўплигидан қайси бирига салом беришни билмай қолди. «Ё пирай! Бойлар мунча кўп экан бунда!» дерди ичиди.— «Пўстин кийганларнинг бариси суд аъзоси бўлса керак! Ойнавон араваларда ўтганлар шаҳар бошлиги бўлмаса, ҳокимдир ёки ундан ҳам улуғдир». Шу пайтда шайтон «Тўппа-тўгри маликанига бораверамизми?» деб сўраб қолди. Тақачи ичиди: «Йўғ-э, вахи-

мали-ку!»— деб қўйди.— «Ўтган йил кузда Диканъкадан ўтиб кетган запорожъеликлар шу ўртада бир жойга тушгандилар. Юртларидан пошшога хат олиб келган эдилар; шулар билан маслаҳатлашсам яхши бўларди».

— Хой, шайтон, дарров чўнтағимга кир, мени запорожъеликлар қошига олиб бор!

Шайтон бир лаҳзада озиб, жинғирча бўлиб қолди ва бемалол унинг чўнтағига тушиб олди. Вакула ҳаш-паш дегунча улкан бир уйга етиб келди. Таваккал қилиб ичкари кирди, зинадан чиқиб, эшикни очар-очмас, ясамол уйнинг дабдабасини кўриб ваҳимаси келиб, кетига тисланди. Лекин Диканъкадан келган запорожъеликлар кора мой сурган этиклари билан шоҳи диванларда чордана қуриб, асл тамакилардан чекиб ўтирганларини кўриб юраги дадилроқ бўлди.

— Ассалому алайкум улуғлар, худо ёр бўлсин, шундай жойда кўришдик!— деди тақачи пешонаси ёрга теккунча энганиб салом бериб.

Тақачининг худди олдигинасида ўтирган киши ёнидагидан:

— Ким у келган?— деб сўради.

— Хали танимадингизларми мени, тақачи Вакула бўламан! Кузда Диканъкадан ўтганингизда, худо саломат қилсин, умрингиз узоқ бўлсин, омон бўлинглар, салкам икки кун қўнган эдингиз. Аравангизнинг олдинги фидирагига темир қоқиб берган ҳам эдим,— деди.

— Ҳа, анави сурат солишга уста тақачими?— деди бояги киши.— Омонмисан, ҳамشاҳар, худойим нега сени бу томонларга келтирди?

— Ўзим томоша қилгим келди, дейдиларки...

Запорожъелик ўзига оро бериб ва русча сўзлашишни билганини кўрсатмоқчи бўлиб:

— Ҳўш, ҳамشاҳар, шаҳар катта эканми?— деди.

Тақачи шарманда бўлмоқни хоҳламади, шаҳарни энди кўрган киши эканини ҳам билдиргиси келмади, бундан ташқари, тубанда кўрилгусидек, ўзи ҳам сўзга чечан, саводи чиққан эди, шунинг учун бамайлихотир сўзлаб:

— Донги кетган музофот! Нимасини айтасиз, уйлар улкан-улкан, ҳаммасига басавлат суратлар осиғлиқ, кўп уйларга бениҳоят зар билан битилган. Нимасини айтай, бағоят бежирим ва келишган!

Запорожъеликлар тақачининг гапга бундай чечанлигини кўриб, унга ҳурматлари ошди.

— Ҳамشاҳар, сен билан кейин, бафуржা сўзлашамиз, ҳозир бизлар пошшонинг қошига кетаётимиз.

— Пошшонинг қошигами? Улуглар, марҳамат кўрсатиб мени ҳам олиб боринглар!

Ростакам катта отга миндир, деб ялиниб турган түрт яшар болага катта киши қандай мумомала қылса, запорожьелик ҳам унга шундай мумомала қилиб:

— Сеними? У ерда сен нима қиласан, йўқ, бўлмайди,— деди ва:— Биродар, бизларнинг пошшо билан гаплашадиган гапимиз бор,— деб башарасини бужмайтириди.

— Бирга оборинг!— деб қистади тақачи. Кейин киссасига бир мушт уриб, шайтонга:

— Сўра сен ҳам,— деди.

Буни айтар-айтмас, улардан бири.

— Оғалар, оборақолайлик!— деди.

Бошқалари ҳам:

— Оборсак оборайлик!— дейишди.

— Бизларникидек либос кий.

Тақачи яшил чакмонни энди кияй деб туриб эди, эшик очилиб, олтин ука тутган одам кириб, отланинглар, вакт бўлди, деди.

Рессорлик каттакон аравада тебраниб бораётганида, түрт қаватлик уйлар олдидан ўтаберганида тек туриб, тош йўл ўзи юриб кетаётгандек кўринганда тақачи яна таажжубда қолди.

«Худоё тавба, шунча ҳам ёруғ бўладими, бизнинг қишлоқда кундузи ҳам бундай ёруғ бўлмайди!» дерди ичидা.

Аравалар бир ажойиб боргоҳ¹ олдига келиб тұхтадилар. Ҳаммалари аравалардан тушиб, шон-шавкатли бир долонга кирдилар, кейин долондан ўтиб, кўзни қамаштиргандай ёруғ пиллапоядан чиқдилар.

Тақачи ўз-ўзича «шунақа ҳам пиллапоя бўладими? Оёқ босгани кўзинг қиймайди. Ана зебу зийнату, эртакларнинг бариси ёлғон дейдилар, олинг-а ёлғон! Ёпирай, панжарага қаранглар, хўб ишлапти-да, битта темирнинг ўзидан эллик сўмлик кетган бўлса керак!» дерди.

Запорожьеликлар пиллапоядан чиқиб, энг олдиндаги катта долонга кирдилар. Тақачи оёғи сирғаниб, улар кетидан зўргазўрга борар эди. Уч долондан ўтдилар, лекин тақачи ҳали ҳам ҳайратда. Тұртнчи долонга кирганда беихтиёр, деворга осиғлик сурат тагига келди. Бу сурат кўлида Исо пайғамбарни кутариб турган биби Марям эди. «Ажойиб сурат экан, хўб чиройли ясадир! Худди гапириб тургандек, тирникка ўхшайди-я! Азиз боласини қаранг, кўлларини сиқиб олипти, бола фақирнинг кулишини қаранг! Бўёклари мунча яхши! Ё, бапармони худо, бўёғини қаранглар! Охра бўёқдан бир чақалик ҳам ишлатманти, нукул зоку ложивар. Тобланишини қаранг ложиварини! Ишига оғарин-э! Так сирига нукул асл оқдан берган бўлса керак.— Эшик олдига келиб,

¹ Боргоҳ — басавлат катта уй.

кулфини тутиб кўраркан:—«ва лекин бу сурат ҳар қанча галати бўлса ҳам, манави жез қабза ундан ҳам аломат экан, хўб тоза ишлапти-да! Немис темирчилари жуда қимматбаҳога ясаб берган-дирлар, деб ўйлайман...»

Агар зар уқалар такқан малай келиб қўлтиғидан туртиб, кейинда қолманг, демаса, ҳали анчагача шу зайлда анқайиб тураверарди. Мехмонлар яна икки долондан ўтгач тўхтадилар. Шу ерда тўхтаб турмокқа амр бўлган эди. Зарга фарқ бўлган бир неча генераллар бунда тўдалашиб юрар эдилар. Запорожъедан келганлар энкайиб салом бергач, ҳаммалари бир ерга ғуж бўлиб турдилар.

Бир лаҳзадан кейин хийлагина семиз, баланд бўйли новча, гетманча чакмон кийган, оёғида сарик күн этик басавлат одам бир талай маҳрамлари билан кириб келди. Сочлари тўзиган, бир кўзи сал қингиррок, улуғ сифат ва салобатли, амр-фармон қилиб ўрганиб қолгани ҳар бир ҳаракатидан кўриниб турипти. Зарвароқ кийимларда жуда керилиб, қанқайишиб савлат билан юриб турган генераллар дарров дабдабадан тушиб, ҳаммаси унинг оғзидан бир сўз чиқар-чиқмас ёки сал имо килгунча бўлмай таъзим билан дарров югуриб, унинг амрини бажо келтиришга ҳозир бўлиб типирчилаб турадар эдилар. Аммо Гетман уларни ҳеч писанд килмай, боши билан андак имо килиб, запорожъеликлар олдига келди.

Улар ҳаммалари оёғига бош уриб салом бердилар.

Гетман сал димоғи билан сўзлаб, салмоқ билан:

— Ҳаммангиз шундамисиз?— деб сўради.

Улар яна энгашиб салом қилиб:

— Ҳовва!— дедилар.

— Эсингиздан чиқиб қолмайдими? Ўргатганимдай гапиринг-а!

— Йўқ, отахон, эсимиздан чиқмайди!

Тақачи запорожъеликларнинг биридан:

— Подшоҳ шуми?— деб сўради.

— Шошма, ҳали, подшоҳ бу эмас, Потёмкин¹ деган шу бўлади,— деди.

Нариги уйдан ғувур-ғувур овоз чиқиб қолди. Орқа этаги узун қуйруқдай судралган атлас кўйлак, орқасида бурма гуллик кимхоб камзул кийган аллақанча басавлат хотинларни кўриб тақачининг кўзи жавдираб бесаранжом бўлиб қолди. Унинг кўзига йилтироқдан бошқа ҳеч нарса кўринмас эди. Запорожъеликлар бирданига йиқиллиб:

— Онахон, марҳамат кил! Марҳамат!— деб бақиришдилар.

Тақачи ҳам кўзига ҳеч нарса кўринмай узала тушиб ётиб олди.

— Туриңглар!— деди амр қилган, лекин кулокқа хуш эшитил-

¹ Князь Г. А. Потёмкин (1739—1791) — Екатеринанинг маҳрами бўлиб, бир қанча замон бутун мамлакат идораси унинг кўлида эди.

ган овоз. Сарой аҳлларидан баъзилари типирчилаб, запорожьеликларни турткилаб қўйдилар.

— Онахон, турмаймиз, ўлсак ҳам турмаймиз! — деб қичқиришдилар.

Потёмкин лабларини тишлар эди, кейин алоҳа бўлмай ўзи улар тепасига келиб, бирори қулогига шивирлаб амр қилгандай бўлди, бундан кейин улар турдилар.

Тақачи ҳам жасоратга миниб бошини кўтариб қараса, ўрта бўйли, мовий қўзли, упа суртган, тўладан келган бир хотин, ёлгиз маликаларга хос бўлган жозибали ширин табассум билан тепасида турилти.

Мовий қўзли хотин запорожьеликларни таажжуб билан томоша қиласкан:

— Онҳазрат, бугун, ҳалигача ҳеч кўрмаган ҳалқим билан мени таништирмоққа ваъда қилган эдилар,— деди. Кейин уларга яна ёвукроқ келиб:— Тузук кутяптиларми бунда сизларни? — деб сўради.

— Ҳа, онахон, миннатдормиз! Ҳурагимиз яхши (гарчи бу ернинг қўйи бизникича бўлмаса ҳам) нега хурсанд бўлмайлик?..

Потёмкин, запорожьеликлар унинг ўргатганини гапирмай булакча гап бошлаганларини қўриб, бужмайиб қўйди...

Запорожьеликлардан бири ўзига оро бериб, олдинроққа чиқди:

— Онахон, марҳамат қил! Садоқатли ҳалқингдан нима гуноҳ ўтдики, ғазаб қилдинг? Татарнинг ҳаром қўлини тутдикми, ёки бирор ишда бадбаҳт турк билан иттифоқлик қилдикми, феълимизда, дилимизда сенга бирон хиёнат қилдикми? Нега бизга ғазаб қилдинг? Аввал эшитдикки, бизнинг хилофимизга ҳар ерда қўрғонлар солишга амр қилибсан, кейин эшитдикки, бизларни итоат қилдириб, сипоҳлик хизматини ўтамокқа мажбур қилмоқчишишсан, энди яна янги ноҳуш гаплар эшитиб турибмиз. Запорожье сарбозларининг гуноҳи нима? Гуноҳи кримликлар билан уруш қилганда қўшинингни Перекопдан¹ ўтказиб жондоролларингга ёрдам берганимизми?..

Потёмкин қўлидаги қатор-қатор узукларнинг бриллиант кўзини кичкина чўткача билан тозалашла овора бўлгандек индамасдан туарар эди.

Екатерина меҳрибонлик қилиб:

— Нима тилайсиз? — деб сўради.

Запорожьеликлар нима деймиз дегандек бир-бирларига қарашиб олдилар.

¹ Перекоп — Крим ярим оролининг қитъага туташган тор жойи, татарча қопу, дейилади.

Тақачи ичида, подшох, тилагингиз нима деб сүраяпти, шекилли, вакт ғанимат, деган хаёл билан тұсатдан үзини ерга ташлади.

— Улуғ шоҳимиз, бир қошик қонимдан кечгайсиз, гунохимни үтгайсиз, шоҳона марҳаматингизни аяманг, газаб қымай айтинг, оёғингиздаги этикчанғиз нимадан тикилған? Бундок зиңфона этикни ҳеч бир швед тиколмаса керак, ҳеч бир мамлакатда бундай этик бұлмагандыр. Ё худо, менинг ҳам хотиним шундай этикдан кийса нима қиласмиш!

Малика кулиб юборди. Турган сарой ахллари ҳам кулишдилар. Потёмкин бир хұмраяр, бир кулар әди. Запорожьеликлар, тақачини жинни бұлыб қолди, деган хаёл билан унинг бикинига туртар әдилар.

Малика илтифот билан:

— Тур! Муродинг меникідек бошмок бұлса, мушкулинг осон, архол келтириңг, әнг қимматбаҳо зар бошмокдан! Унинг бу соддалиги менга ниҳоятда ёқди! — деди. Сұнгра бошқалардан бир чеккарокда турган, рангпар юзи тұладан келған, катта-катта садаф тұгмалик содда камзули унинг саройға дахлдор әмаслигини күрсатиб турған¹ кишиға тикилиб туриб:

— Қаранг, сизнинг үткір қаламингизга лойиқ бир намуна! — деди.

Садаф тұгмалик одам таъзим билан жавоб беріб:

— Маликан мұхтарама, лутф ва марҳаматингиз ҳаддан зиёда, бу үринде лоақал Лафонтен² лозимдир! — деди.

— Ростимни айтсам, «Бригадир» ингиз ҳали ҳам хаёлімдан кетмайди. Ажаб яхши үқийсиз! — деди малика. Сұнгра яна запорожьеликларга бокиб:

— Бирок сизнинг юртингизда сира уйланмаслар экан деб әшитған әдім, — деди.

— Нега, онахон, үзинг хұб яхши биласанки, одамзод хотиниз тириклиқ қилолмайды, — деди, тақачи билан сұзлашған ҳалиги одам. Тақачи унинг саводхонлар тилини яхши билатуриб малика билан сұзлашғанда жүрттага мужик тили дейилған бундай дагал тил билан сұзлашғанини құриб, ичида: «Муғомбирлар-ә! Бундай қилиши бежиз бұлмаса керак!» — деб күйди.

Ҳалиги запорожьелик:

— Бизлар тарқидунә қылғанлардан әмасмиз, биз ҳам гунохкор бандаларданмиз. Исавилярнинг бариси сингари биз ҳам мамын овқатларга үчмиз. Орамизда аўламандлар күп ва лекин улар Сечда хотинлари билан турмайдылар. Хотинини Польшага ташлаб

¹ Д. И. Фонвизин (1744—1792) — машхур рус ёзувчisi, «Недоросль» «Тентак» ва «Бригадир» номлы комедияларнинг автори.

² ЛаФонтен (1621—1695) — латифалари билан шұхрат топған машхур француз ёзувчisi.

келганлар ҳам бор, Украина хотини борлар ҳам бор, Туркия юртида хотини борлар ҳам бор¹.

Шу онда тақачига бошмок келтирдилар. Тақачи уни маҳкам ушлаб олиб:

— Худоё тавба, мунча чиройли! Улуғ малика, яхмалак отгани борганингизда ҳам оёғингизга шунақа бошмок кийиб борасизми, ажабо? Бундай бошмок киядиган оёклар қандай экан, тоза қандан бўлса керак дейман,— деди.

Оёклари рисоладагидек чиройли ва расо бўлган малика, гарчи бети корачароқ бўлса ҳам либоси ўзига ярашганидан чиройли деса дегудай соддадил тақачининг оғзидан бундай хушомадни эшишиб кулимсираб қўйди.

Маликанинг илтифотини кўриб талтайиб кетган тақачи, подшоҳлар бол билан мойдан бошқа нарса емасликлари ростми, яна шунга ўхшаш алланималарни сўрамоқчи бўлиб турган эди, запорожъеликлар биқинидан туртаётганларини фаҳмлаб, индамай кўяқолди. Малика карияларга боқиб, улардан юртларидағи расмрусларни суриштириб, ҳол-аҳвол сўраб турганида, секин кетига чиғаниб, чўнтағига энгашиброк: «Дарров мени бу ердан олиб кет»,— дейиши билан, шу ондаёқ ўзини ғовдан нарирокда кўрди.

Бўзчининг хотини кўччанинг ўртасида бир тўп хотинни йигиб олиб:

— Худо урсин, сувга оқди, ёлғон бўлса турган жойимдан силжимай ўлай!— деб жаврар эди.

— Ахир мен ёлғон гапириб юрган хотинманими? Битта-яримтанинг сигир-пигирини ўғирладимми? Бирорга кўзим тегдими, нега менга ишонмайсизлар?— деб бакирав эди, бурни кўкарған, казакча кўйлак кийган хотин қўлинини пахса қилиб.— Тақачи ўзини ўзи осганини кампир Переперчиха ўз кўзи билан кўрмаган бўлса сувтиқилиб ўлай!

Чубникидан чиқиб келаётган оқсоқол бу гапни эшишиб:

— Ана холос, тақачи ўзини осипти-я,— деди-да, можаро қилиб турганларга яқнироқ келди.

— Ароқ ичолмай ўлай десанг-чи ундан кура, куриб кетгур банди!— деб жавоб қайтарди унга бўзчининг хотини.— Сенга ўхшаган жинни бўлса, ўзини-ӯзи осар эди, сувга ташлади, музни ёриб сувга чўкди! Сенинг шу топда ароқхонадан чикқанингни нучук билсан, унинг сувга чўкканини ҳам шундай биламан.

Бурни кўкарған кампир аччикланиб:

— Вой манжалаки, шарманда, топган гапини қаранг! Ярамагур, сенга ким қуйипти гапни, ҳар куни кечқурун дъяк сенинига кириб юрганини билмайди, деб ўйлайсан-ми?— деди.

¹ Запорожъенинг расми-одати бўйича у ерга хотин келтирганларга ўлим жазоси бериларди.

Бўзчининг хотини тутақиб кетди.

— Дъякинг нимаси? Кимниги киради? Ёлғончи!

Кўк хитой мато билан сирма қилиб қўён терисидан тикилган нимча пўстин кийган дъякинг хотини можаролашиб турганлар тепасига бориб:

— Хўш,— деди чўзилиб,— дъяк билан битишган жазосини кўради, ким айтди?

Бурни кўкарган хотин бўзчининг хотинига ишора қилиб:

— Дъяк анавиникига кириб-чиқиб юради!— деди.

Дъякнинг хотини бўзчининг хотини тепасига ўқталиб бориб:

— Сен мочағарми ҳали, унга иссиқ-совуқ ичириб, бошини гангитиб юрган, сенмисан ҳали?

Бўзчининг хотини орқасига чиғаниб:

— Алвости, нари тур-э! Нари тур-э!— дерди.

— Ҳа, лаънати ажина, боланг ўлсин илойим, қуриб кетгур, туф башараңга... Дъякнинг хотини бўзчи хотинининг худди кўзига тупирди.

Бўзчининг хотини ҳам унинг башарасига тупурмоқчи эди-ку, бироқ можарони тузукроқ эшитиб олай деб хотинларга яқинроқ келиб турган оқсоқолнинг тарашланган бошига туфуриб юборди. Оқсоқол этаги билан башарасини артаркан:

— Ҳа, мочағар,— деб қамчисини кўтариб бир дағдаға қилиб эди, хотинларнинг бариси қарғашиб ҳар тарафга тўзиб қочдилар. Оқсоқол афт-башарасини артаркан сўкишини қўймай: «Ҳа, ифлос палид!— дер эди яланг.— Шундай қилиб, тақачи сувга чўқиптида, худоё тавба! Ҳуб уста сураткаш эди-я! Қандай пишиқ пичоқлар, ўроклар, омочлар ясади! Қуввати ҳам ўлгунча бор эди, азамат эди-я, ҳа, деб қўйди, сунгра бир пас ўйланқираб тургандан кейин:— қишлоғимизда ундаи одам кам. Қоп ичиди ўтирганимдаёқ фаҳмлаган эдим-а, бечоранинг авзойи ёмон эди. Ана холос, тақачи! Кечак бор эди, бугун йўқ! Тарғил байталимни тақалатмоқчи эдим-а!..

Оқсоқол бундай шафқат хаёлларига чўмганича аста-аста уйига етиб келди.

Оксана бу хабарни эшитиб ичидан кўйди. Переперчиханинг ўз кўзим билан кўрдим, деганига, хотинларнинг пойма-пой гапларига унча ишонмас эди, тақачининг хийла тақводор одам бўлиб, ўз жонига ўзи қасд қилишига ҳам ишонмас эди. Лекин қишлоққа сира қайтиб келмайдиган бўлиб, бош олиб чиқиб кетган бўлса нима қиламан? Тақачидек азамат менга яна чиқармикин, мени жуда яхши кўрарди, ҳеч ким чидаёлмаган эркаликларимни у кўтариб келаётган эди-ку, деб ўй ўйлаб қолди. Гўзал қиз кечаси билан бетоқат бўлиб, ўрнида тинч ётолмай у ёқдан-бу ёққа ағнаб, тонг отгунча сира ухламади. Гоҳ тун қоронфисидан парда қилиб қипяланғоч ўзига-ўзи дакки бериб тўлғанар, гоҳ ором олиб ҳеч

ўйламай дер эди-ку, аммо хаёлида қарор йўқ эди. Қечаси билан куйиб-ўртаниб, эрталабгача тақачининг мафтуни бўлди.

Тақачининг такдирига Чуб хафа ҳам, курсанд ҳам бўлмади. Унинг фикри ёлғиз бир нарса билан банд: Солоханинг бевафолигини ҳеч унотолмади, уйқусида ҳам уни сўкар эди.

Тонг отди. Одамлар эрта саҳардан бутхонага келиша бердилар. Дока рўмол ўраган, оқ мовут камзул кийган диндор кекса хотинлар бутхона эшигидан кирап-кирмас чўкинишардилар. Кўк ва сариқ нимча, баъзи орқасида попуги бор зар тўн кийган бойвучча хотинлар ҳаммадан олдинда турадилар. Бошига аллақанча ранг-баранг лента боғлаб олган, бўйни тўла маржон, бут ва жевак тақиб олган қизлар меҳробга яқинроқ бориб олишга ҳаракат қиласардилар. Аммо ҳаммадан олдинда мўйловдор, кокил қўйган, бўйни йўғон, ияги тарашланган, аксариси тагидан оқ, баъзида кўк камзули чиқиб турган чакмон кийган бою камбағаллар аралаш турадилар. Қаёққа қарасанг ҳамма ҳайитга чикқандек, оксоқол рўзасини колбаса билан очмоқ хаёлида тамшанар эди. Кизлар йигитларга қўшилиб, муз отамиз деб суюнар эдилар, кампирлар дуо-фотиҳани бугун астойдилроқ, ўқир эдилар. Қазак Свербигуз бош эгиб сажда қилганда бутхонадагиларнинг ҳаммасига эшитилар эди, ёлғиз Оксана беҳуддек турад эди. Номоз ўқияптими, йўқми, маълум эмас. Биридан-бири аламли, биридан-бири ғамгин бирталай туйгулар қўнглига ғам солар, қайғуси шунчалик ошган эдики, чехрасида ғаму ҳасратдан ўзга ҳеч нарса кўринмас эди. Қўзига жик-жик ёш тўлди. Кизлар унинг бу ҳолига сабаб нималигини асло тушунолмадилар, сабаб тақачи экани уларнинг хаёлига ҳам келмади. Аммо хаёли тақачи билан банд бўлган ёлғиз Оксана эмасди. Қишлоқ аҳлларининг бариси назарида ҳайит ҳайитга ўҳшамас, бир нарса етмагандай эди. Аксига олиб, дъяқ ҳам қопга тушгандан бери хириллаб қолиб, бўғилиб зўрға ўқир эди. Қалъадан келган ҳофиз яхши ўқиса ҳам, тақачининг йўқлиги билиниб туради, чунки ибодат вактида «Э, бор худоё»ни ёки «ғулмонлар билан»ни ўқиганда тақачи ҳам ҳофизлар ёнига чиқиб, полтавачасига ҳофизлик қилиб кетар эди. Бундан ташқари, тақачидан бошқа ҳеч ким бутхонага мутаваллилик қилмас эди. Эрталабки ибодат ўтди, пешингиси ҳам ўтди, лекин тақачи қаёққа йўқолди дарвоқе?

Шайтон аввалгидан ҳам каттиқроқ жадалга олиб бир зумда тақачини уйига олиб келди. Тақачи қараса уйининг олдида туритти. Худди шу пайтда хўрозд қичқирди. Шайтон қутулдим деб кетмоқчи бўлиши билан, тақачи унинг думидан тутиб, «Қаёққа борасан? Шошма, биродар, ҳали ишинг битгани йўқ, хизматинг муздини берганим йўқ» деб қўлига гаврон олиб, уч марта боплаб урди. Бечора шайтон, додхоннинг даррасини еган камбағалдек жуфтак уриб қочиб қолди. Шундай қилиб, одамзоднинг душмани

васваса килиб, бирони йўлдан оздираман, деб ўзи танбеҳини еди. Кейин Вакула оғилхонага кириб, тушгача пичан ичидаги хуб ухлади. Ўйғонгач офтобнинг анча кутарилиб қолганини кўриб, эртанги номозни ҳам, тушкисини ҳам ўтказиб юборибман, деб капалаги учниб кетди; номозхон такачи, ўз жонимга ўзим касд килиб, имонимни сотмоқчи бўлганимга худонинг қаҳри келиб, мени гафлат бостирибди, бундай улуғ айём кунларда бутхонага боролмапман, деб кўнгли анча хира бўлди. Аммо келар ҳафтадаёқ поп қошига бориб, гуноҳимни айтиб тавба қиласай, кафоратни берай, бугундан бошлаб йил бўйи ҳар куни эллик мартадан сажда қиласай деган ниятни қилиб уйига бокди; уйида ҳеч ким йўқ. Солоха ҳали кайтиб келмапти шекилли. Бошмокни секин авайлаб кўйинидан олди, дўзандасига қойил қолиб, яна бир марта томоша қилиб қўйди, сўнгра ўтган кечаси кўрган ажойиботларига хуб таажжубланди. Кейин ювинди, запорожъелилардан олган кўйлакни кийиб ясаниб олди. Полтавага боргандага олган бўлса ҳам ҳалигача сира киймаган тепаси кўк барра телпагини ҳам сандикдан олди. Ранг-баранг янги белбогини ҳам олди; буларнинг ҳаммасини, туғиб, битта қамчин ҳам кўшиб тўппа-тўғри Чубникига жунади.

Такачини кўриб Чубнинг қўзи косасидан чиққундай бўлди. Такачининг тирилиб келганигами, унинг юрак ютиб уникига келганигами ёки бундай ясаниб запорожъелик олифта бўлиб келганигами, қайси исига ажабланишини билмай ҳайрон бўлиб қолди. Лекин такачи Вакула тугунни ечиб, охори тушмаган оламда мисли йўқ янги телпак билан белбогни Чуб олдига қўйиб, оёғига йиқилиб:

— Отам, раҳминг келсин! Мендан ҳафа бўлма! Мана камчин, оёғингга йиқилдим, хоҳлаганингча ур, тавба қилдим, ур, ҳафа бўлмасанг бўлгани! Марҳум отам билан дўст эдинг ахир, нон-катик эдингиз, ширинкона олиб бирга ичардингиз,— деб ялинганда Чубнинг таажжуби яна ошди.

Қишлоқда ҳеч кимга бўйин ёр бермаган, ҳеч кимни писанд қилмаган ва бир мирилик чақани қули билан бемалол буккан, шундай такачи оёғига келиб йиқилганига ичидаги хурсанд бўлди. Чуб обрусини туширмаслик учун камчинни олиб, унинг елкасига уч марта урди.

— Бўлди, тур! Кексалар сўзини тингла! Ўртамиздаги ёмон-яхини гапларни ташлайлик! Қани, гапир, муродинг нима?

— Отам, Оксанани менга бер!

Чуб андак ўйланқираб тургач, шапка билан белбокка кўз ташлаб қўйди; шапка ниҳоятда яхши, белбог ҳам ундан қолишмас эди: Солоханинг бевафолиги эсига тушиб кетиб:

— Маъқул! Совчинги юбор!— деб юборди.

Оксана уйнинг остонасига қадам қўйиши билан такачини кўриб «вой!» деганча ҳайрон бўлиб, суюнганидан унга тикилганича қолди

— Кўр-чи, қандай этикча келтирдим мен сенга! Маликанинг оёғидаги этикчадан! — деди Вакула.

Оксана кўзини ундан олмай, кўлларини силтаб.

— Йўк, йўк, керакмас! Этикча келтирмассанг ҳам мен... — Оксана сўзининг у ёгини айтолмасдан қизариб кетди.

Такачи унга яқинроқ келиб, кўлидан тутди, барно қиз кўзини сузиб ерга каради. Қиз асло шу топдагидек гўзал кўринмаган эди Шавки ошиб шодланган такачи секин ўпид олиб эди, юзи яна қизариб, хусни яна ошди.

Марҳум архиерей бир кун Диканъка қишлоғидан ўтиб борурида бу ерни мактаб, бир кўчада янги солинган уй олдига келиб тұхтади. Ҳазратлари, эшик олдиде кўлида боласи билан турган чиройли хотиндан:

— Бундай яхши сирланган уй кимники? — деб сўрадилар Эшик олдиде турган хотин таъзим билан:

— Тақачи Вакуланики! — деди. Хотин Оксананинг ўзи эди Ҳазратлари уйнинг эшик ва дарчаларини томоша қиласкан

Хўб яхши ишланибди, яхши? — деб қўйдилар. Деразаларнинг тўрт томони қизил бўёқ билан бўялган, эшикларда оғзида трубкаси билан от миниб турган казакларнинг сурати солинган эди.

Аммо ҳазратлари Вакуланинг тавбасини бузмай бутхонанинг чап томонини текинга кўк бўёқ устига қизил билан гул солиб бўяб берганини эшишиб, яна ҳам алқадилар. Бундан ташқари, бутхонага кираверишда чап томондаги деворга, шайтон малъуннинг дўзахда ёнаётган суратини солиб қўйди; шайтон баччагарни шун дай хунук-баднома қилиб солдики; кимки ўтса туфуриб ўтар эди хотинлар бўлса болалари йиғлай берса, сурат олдига олиб келиб «анавини қара, мунча тасқара-я!» дердилар, болалар ҳам дарров кўз ёшларини артиб, суратга бир қинғайиб қарадилар-да, она-ларининг бағрига ёпишиб олардилар.

ДАҲШАТЛИ ИНТИҚОМ

I

Киевнинг бир чеккасида тўполон, тўй-томуша. Ясовул Горобец ўғлини уйлантиряпти, тўйга ҳар ёқдан кўп меҳмонлар келган. Бурун яхши емоқни суряр эдилар, ичмоқни бўлса яна зиёд, хурсанд-чиликни яна кўпроқ суряр эдилар. Запорожъелик Микитка ҳам тўриқ отига миниб, Перешля поляк боёнларига етти кечаю етти кундуз зиёфат бериб, қизил виноларни хўб ичказиб, айшишрат қилган жойидан тўппа-тўғри тўйга келди. Ясовулнинг тутинган оғаси бўлмиш, Днепрнинг нариги томонида икки тоғнинг орасида уй қилган Данило Бурульбош ҳам ёш хотини Катерина

ва бир яшар ўгли билан етиб келди. Катеринахоннинг оппок юзини, бархитдек кора қундуз қошини, мовут юбкасни, ҳавораннинг ишак күйлагини, кумуш нағаллик этигини кўрган меҳмонлар унинг хусинига ҳайрон қолдилар. Аммо унинг чол отасининг келмаганини шинтиб, бунга ҳаммадан ортиқ таажжубландилар. Отаси Днепрининг нариёғида атиги бир йилгина туриб, кейин йигирма бир йил беному нишон йўқолиб кетгач, қизи эрга тегиб, ўғил туғиб олгандаи кейин келган эди. У келса ажойиб ва ғаройиблардан сўзлаб берар эди. Шунча жаҳонгашта бўлиб юрган одамда сўз бўлмайдими! Бошка юртларнинг одамлари бўлак, исавийлар бутхонаси у ерларда йўқ. Бирок аттангки, келмапти.

Меҳмонларга майиз ва олхўри солиб пиширилган вараки, катта лаганда кўпчитма нон келтирдилар. Машшоқлар, орасига пултиқиб ёпилган ноннинг тагини синдириб, пулларини олгач сурнай, камон ва чирмандаларини ёnlарига кўйиб бирпас тиндилар. Жувон ва қизлар гулдор рўмолчалари билан юзларини артиб, ўртага тушдилар. Йигитлар ҳам бикинларини ушлаб у ён-бу ёнга бир кўз ташлаб кўйгач, эндигина ўйин тушмоқчи бўлиб туриб эдилар, шу пайтда кекса ясовул келин билан куёвга фотиҳа бермоқ учун икки бутни кўтариб чиқиб қолди. Ясовул келтирган бутлар, унга Варфоломей бузрукдан қолган таварик бўлиб, олтия-кумуш қопланмаган, ярақламаган содда бўлса ҳам хосиятли эди. Қимининг уйида бўлса бу ўйга инсу жиниснинг зиён-заҳмати тегмас эди. Ясовул бутларни кўтариб, энди дуосини ўқимоқчи бўлиб эди... ўйнаб ўтирган болалар бирдан қўрқишиб бақириб юбордилар, кейинда турган бошقا одамлар ҳам бирданига ўзларини орқага ташлаб, қўлларини бигиз қилиб ўртада турган одамни кўрсатар эдилар. Ўртада турган одамнинг кимлигини ҳеч ким билмас, аммо у бир дафъа ўйин тушиб ҳаммани қойил қолдирган, атрофида давра олиб турганиларни ҳуб кулдирган эди. Ясовул бутни кўтарганда унинг афти-башараси алланечук ўзгариб, бурни чўзилиб, бир томонга қийшайиб кетди, кўй кўзи чағир бўлиб қолди, лаблари кўкарди, ияклари қалтираб чўзинчоқ бўлиб узайнib, озиқлари оғзидан чиқиб кетди, орқаси буқчайиб чол бўлиб қолди.

Турганилар бир-бирлари пинжига тиқилишиб, ҳар тарафдан:

— Анави, анави,— дер эдилар.

Болали оналар болаларини ушлаб:

— Жоду яна чиқипти! Яна чиқипти! — дейишарди.

Ясовул савлат билан керилиб ўртага чиқди-да, бутларни жодугарга рўпара келтириб:

— Йўқол, даф бўл шайтон, нима қиласан бунда! — деди шовкинилаб. Баднамо чол, худди бўридек тишларини фижирлатиб, ўширганча кўздан фойиб бўлди.

Ҳаво айниб, денгизда тўполон бошланганда қандай алғов-диллов бўлса, халойик орасига ҳам шундай ғавго тушиб, ҳар хил миши-миш гаплар бошланди.

Хеч нарсан күрмаган ёшлар:

— Жодуси нимади?!— деб сўрашардилар.

Қариялар бошларини сарак-сарак қилиб:

— Бир бало бўлади!— дердилар. Ясовулнинг катта ҳовлисида одамлар ҳар ерда тўп-тўп бўлиб сеҳргар жоду ҳикояснни эшитур эдилар. Аммо ҳар ким ҳар нарса дер, бировнинг сўзи бировникига тўгри келмас эди.

Бир бочка шарбатни ҳовлига думалатиб чиқаздилар, юони виноларидан бир неча челак келтирдилар, яна хурсандчилик, ўйин-кунгли бошланди, машшоқлар машқ қилдилар, ёш қиз ва жувонлар, шўх йигитлар ранг-баранг тўнларини ҳилпиллатиб ўйинга туша кетдилар. Тўқсонга, юзга кирган қариялар озрок кайф қилиб олгач, бехуда ўтмаган ёшлик чоғларини эслаб, улар ҳам ўйинга тушиб кетдилар. Тун ярмисигача ҳуб айш қилдилар, шундай айш қилдиларки, эндиги замонда ундай хурсандчилик сира бўлмайди. Мехмонлар тарқалиша бошладилар, аммо кетгандар кўп бўлмади, кўплар ясовулнинг кенг ҳовлисида ётиб колдилар. Сўри тагидами, ҳовли юзасида ердами, от-арава тагидами, оғилхонадами сархушликдан дуч келган жойда думалаб, бутун шаҳарни бошига кўтариб хуррак отиб ётганларнинг сони йўқ эди.

II

Ер юзи мунааввар. Тоғнинг нариги ёғидан ой кўтарилимиш. Днепр бўйининг тоғи тошлари гўё оппок кордек қимматбаҳо мисқоли докага ўралгандек ой нурига ботмиш, кўланка ҳам ўзини қарагайзор ичига олмиш.

Днепрда катта қайиқ борадир. Қайикнинг тумшуғида икки азamat йигит борур, иккови ҳам телпагини чаккасига кийиб олган, куракни ҳар урганларида сув худди чақмоқ ўтдек, йилтираб сачрайди.

Нега йигитлар қўшиқ айтмай жим борадилар? На ксензлар¹ Украинани кезиб юриб казакларни ўз динларига киргизаётгандаридан, на Шўр кўл бўйида Ўрданинг икки кун уруш қилганидан сўзлашадилар. Қандай қилиб қўшиқ айтсинлар, қандай қилиб мардликлардан сўзласинлар! Беклари Данило жуда хомуш, қизил мовут тўнининг енги солиниб сувга тегиб боряпти, бекалари Катерина бўлса боласидан кўзини олмай аста-аста аллалаб боряпти, ялангқават мовут камзулига сараган сув зарралари худди мовутга ўтирган тўзонга ўхшайди.

Дарёнинг қок ўртасидан туриб қараганда баланд тоғ-тошлар, бағри кенг чаманзорлар, сабзадек кўкариб турган дараҳтзорлар

¹ Поляк руҳонийлари.

қандай гүзәл! Бу тоғлар, тоғ эмас, чунки тогнинг этаги булади, буларнинг этаги йўқ, пастга қарасангиз ҳам, юкорига қарасангиз ҳам, чўкки, тагига қарасангиз ҳам тепасига қарасангиз ҳам баланд осмон; кирларда ўсган дараҳтлар ҳам дараҳт эмас, чакалак бобонинг паҳмок бошидаги сочидир, унинг тагида осилиб тушган соколи, соколи тагига қарасангиз ҳам осмон, боши тепасида ҳам осмон. Ўланзор чаманлар ҳам ўт эмас, думалоқ осмон Белига боғланган кўк белбоғдир, юкорида ҳам, куйида ҳам ой сайд қилиб юрипти.

Данило бек ҳеч ёққа бокмайди, ёш хотинидан кўзини олмайди

— Не бўлди суйганимга, тиллагинам Катерина, нега хафасан?

— Хафа эмасман, бегим Данило! Сеҳргар тўғрисида эшитган галати ҳикоялар кўнглимга қўркув солди. Туғилишидан шундай хунук экан, гўдаклардан ҳеч қайсиси у билан ўйнамас экан Бегим Данило, гапимга қулоқ сол, назарида ҳамма уни масхара қилиб кулаётгандай бўларкан. Коронги кечада бирорвга дуч келиб колса ҳам, оғзини очиб, тишини қўрсатиб кулаётгандай кўрина-бераркан-да, эртаси у одамнинг ўлиги топиларкан. Бу гапларни эшитиб юрагимга вахима тушди, кўрқдим,— деди Катерина, кўлида ухлаб ётгани боласининг бетини рўмолчаси билан артаркан Рўмолчага қизил ниакдан япроқ, япроқ ичида мева гули солинган эди.

Данило бек ҳеч нима демай, дараҳтзор орқасида қорайиб турган тепага, тепанинг нариги ёғида турган баланд ва кўхна қасрга қараб қолди Пешонаси буришди. Чап кўли билан келишган хуш мўйловини силаб кўйди.

— Сеҳргарлигидан қўрқмайман, аммо шум оёқ меҳмонлиги ёмон. Қайси фалокот уни тўйхонага судраб келдикн? Ляҳлар, Запорожье юртига йўлимизни тўсмоқ учун йўлга қалъа солаётган эмишлар, деб эшитдим. Агар рост бўлсами.. Агар иблис у ерда макон қилганилигини эшитсан, уясини ер билан яксон қилиб юбораман, сеҳргар чолни кўйдириб кулинни совуртирайки, кузғунлар ҳар гардини тополмасин. Бирор олтин-кумуш дунёси йўқмасдир, деб ўйлайман. Бу жодугар мана шу ерларда яшайди. Агар олтин-кумушки бўлса... Ҳозир гўристонлик ёнидан ўтамиш, баччагарнинг ота-боболари шунда чириб ётишипти! Бу уруғнинг ҳаммаси, эски тўнига қўшиб имонини ҳам шайтонга сотоверар экан, деб эшитаман. Агар олтини борлиги аниқ бўлса фурсатни бой бермаслик керак, чунки урушда ҳам доим ўлжа тушавермайди...

— Нима ғавғо бошламоқчилигингни биламан, лекин у билан учрашмоқнинг менга ҳеч хайрлиги йўқ. Аммо нафасинг мунча бўғилиб кетяпти, нега мунча хўмрайнб қарайсан, қовокларинг солиниб кетди!

Данило жаҳл қилиб:

— Гапирма, хотин кишисан. Хотин киши билан баравар бўл-

ган ҳам ҳезалак! — деди-да, кейин қайиқни суриб бораётганлардан бирига караб:

— Ҳой үглои, трубкамга үт сол! — деди. У чекиб турган трубкадаги үтни бегининг трубкасига ағдариб берди. Данило ҳали ҳам аччиғидан тушмай:

— Сөхргар, деб мени құркитмоқчи бұлади-я! Худога шукур, казак на жиндан құрқади; на ксендздан. Агар аёлларимиз гапига қулоқ солиб үтираверсак биз одам бұлармидик! Тұғрими, йингитлар? Бизнинг хотинимиз — трубкамиз билан үткір қиличимиз! — деди.

Катерина сокин сувга тикилғанча индамай қолди. Шамол сувни жимирлатар, дарё кечаси бүрининг жуни оқ товланиб йилтирагандек жимир-жимир қиласы.

Қайык чакалак босған соҳилга қараб бурилди. Дарё бўйидаги гўристон қўринди. Қўхна бутлар шамалағдек қадалиб турарди. Улар орасида на бир туп чакалак ва на үт бор, ёлғиз осмондаги ой ёруғини сочиб турипти.

Данило бек қайиқчиларига караб:

— Йингитлар, товушни эшитяпсизми, бирор додлаяпти? — деди
Йингитлар бирданига:

— Эшитяпмиз, ана шу ёқдан келяпти шекилли,— дедилар, гўристон томонга ишора қилиб.

Аммо дарров жимжит бўлиб қолди. Қайык дарёning муйишига келиб қайрилиши билан, қайиқчилар куракларин ташлаб, ҳайрон бўлиб, афрайиб қолдилар. Данило бекнинг ҳам кути учиб, қони кочиб қотиб қолди.

Гўрга қадалган бут жойидан қимирлаб, қотиб кетган бир мурда унинг остидан секин чиқиб келаверди. Соколи қорнига тушган, тирноклари ўсиб, бармоғидан ҳам узайиб кетган. Мурда қўлларини секин кўтарди, афти-башараси қалтираб, қийшайиб кетди. Каттиқ азобда эканлиги важоҳатидан маълум эди. Мурда одам товушига ўхшамаган овоз билан бўкириб «бўғилдим! Бўғилиб кетдим!» деди. Унинг бу фарёди кишининг бағрини пичок билан тилгаандек бўлди. Мурда яна ерга кириб кетди... Кейин яна бир бут қимирлаб, унинг остидан ҳам бир мурда чиқди. Бу ҳалигисидан ҳам баттар, хунук, бадбашара, новча эди. Соколи тиззасига тушған, тирноклари боягиникидан баттар ўсган. «Бўғилдим!» деб фарёд уриб бу ҳам яна ерга кириб гойиб бўлди. Яна бир бут қимирлаб, ундан ҳам мурда чиқди. Куруқ суюк чўзилиб чиққандай бўлди. Соколи товоғигача тушган, тирноклари ўсган бармоқлари ерин чанглалаб қолипти. Осмондаги ойни олмоқчи бўлгандек даҳшатли қўлларини юқори чўзди, кейин сарғайған суюкларини бирор аралагандек бакириб юборди...

Катеринанинг қучоғида ухлаб ётган бола қичқириб уйғониб кетди. Бойвуччанинг ўзи ҳам чинкириб юборди. Қайиқчилар

қалпокларини сувга тусириб юбордилар, Данило бекнинг үзи
ҳам кўрқиб кетди.

Бу кўринган нарсалар бир пасда ғойиб булиб, бояги-боягидай
жим булиб қолди, аммо йигитларнинг эси оғиб хийлагача куракка
қўллари бормай турди.

Бурульбош, тинмасдан йиғлаб турган боласини қўлига олиб,
кўрқув ичида ҳадеб аллаётган ёш хотинини сўйиб, пешонасидан
ўпаркан:

— Қўрқма, Катерина, қара, ҳеч нарса йўқ. Сеҳргар жоду
касофат маконимга ҳеч ким ёвуқ келмасин, деб одамларни қўр-
қитмоқчи бўлади. Хотинлар қўрқмаса, бошқа ҳеч кимни қўрки-
толмайди. Ўғлимни бергин менга! — деди. Данило бек ўғлини
қўтариб ўпаркан:

— Иван, жодугарнинг сеҳридан қўрқмайсан-а? Йўқ, қўрқ-
майсан, мард казакман, де. Бас, йиғлайверма, ҳозир уйга етамиз!
Уйга борганда онанг ашша беради, беланчакка ётқизиб:

Алла болам, алла-ё,
Ширин ўғлим, алла-ё,
Гули лолам, алла-ё.
Эрка қўзим ўса кол
Казакларнинг шонига
Душманлардан қасос ол,
Вахима сол жонига,
Алла болам, алла-ё.

деб ухлатади.

— Катерина, менга қара, назаримда шу даданг биз билан
чиқишиси келмайди, шекилли-да Худди урушандек хўмрайиб,
тўмсайиб келди... Хуш қўрмасанг келма, қўй. Биз казакларнинг
омонлиги учун ичмади, болани ақалли қўлига олмади! Қўнглим-
даги ҳамма гапимни айти солай деган эдим, ҳеч айттолмадим, тилим
тутилди. Дадангнинг кўнгли бизникideк эмас! Казак шундайки,
иқкитаси бир ерда учрашиб қолса, суйинганидан юраги қинидан
чиққудай бўлади. Омон бўлгур йигитларим, дарё бўйига етай
дедикми? Ҳаммангизга биттадан янги қалпоқ бераман, сенга-чи
Стецько зар тикилган бархит қалпоқ бераман. Татарнинг бошини
узиб телпагини олган эдим; кийимининг ҳаммасини ечиб олиб,
ёлғиз жонини қўйиб юборган эдим. Шу телпакни сенга берай! Ана
егдик, ўғлим; йиғлайверасан ҳадеб, боғла қайнин. Катерина, ма,
ол болангни!

Ҳаммалари қайнидан чиқдилар. Баландлик тепанинг нариги
ёғнида похол ёпган том кўринди. Данило бекнинг бобосидан қолган
уий шу. Ундан нарида яна бир кир, нариги ёғи сирт, юз чақирим
юресанг ҳам битта казак топилмайди

Данило бекнинг кўрғони икки кирниг ўртасидаги Днепрга тушадиган сойлик ичида. Кўрғони унча баланд эмас, сиртидан қараганда анчайин казакларнидан фарки йўқ. Уйн биттагина, лекин битта бўлса ҳам, хотини, кампир энагаси, ўнта азамат йигити, ўзи, ҳамма сиғади. Уйнинг тўрт томонида гир айланган тахта токча. Токчаларда катор-катор идиш-товок, чора, совфага келган, урушда ўлжа тушган кумуш кувачалар, олтин қопланган заранг косалар, токча тагида қимматбаҳо туффанглар, туффангчалар, қиличу найзалар осиғлик. Бу килич ва найзалар тўра ва татарлардан ғанимат тушган, шунинг учун ҳам ейилиб, дами қайтиб қолган. Данило бек бу асбобларга караганда гўё уларда ёзилган битикларни ўқигандек, қилган урушлари эсига тушар эди. Пастда, девор ёнида силлик рандаланган тахта. Унинг ёнида сўри, сўри олдида шипга қоқилган ҳалқага беланчак осиғлик. Уйнинг таги хўб шибланиб, лой билан шувалган. Тахтада Данило бек хотини билан ётади, сўрида кампир энагаси. Беланчакда чақалоғи ўйнаб ётади, азаматлари ерда думалашиб ётишади. Аммо казакка ялангда, такир ерда ётгани яхши. Унга момик тұшак, юмшоқ кўрпа керакмас. Бошига барра пичандан ёстиқ қилиб, ўтда яйраб-яйраб ётади. Ярим кечада уйғониб, юлдуз сепилган осмон томоша-сидан завқ олади, бўғим-бўғимларига роҳат етказган шабададан хузур килади. Уйқу аралаш керишиб олгач, жавраб трубкасини чекиб олади-да, кейин пўстинига бурканиб олиб яна ётаверади.

Кечаги хурсандчиликдан кейин бугун Бурульбош узок ухлади. Уйқудан тургач, бир бурчакдаги курсига ўтириб олиб, якинда алишириб олган турк қиличини қайрашга тутинди. Катерина бека бўлса ипак рўмолчага зар тикиб ўтирган эди, бир маҳал оғзида бошка юртдан келтирилган ғалати трубкаси билан, қовоғини солиб, хўмрайганча отаси кириб келди. Кизига яқин келиб, зарда билан, нега мунча кеч қолдинг, деб суриштира бошлади.

— Қайнота, бундай гапларни мендан сўра! Жавоб хотиндан эмас, эрдан. Хафа бўлма, бизда расм шу! Бошқа гайри динлар орасида бундаймасдир, унисини билмайман,— деди Данило, ишини кўлидан кўймай.

Қайнотанинг бадковоқ чеҳраси кизарди, кўзлари ўтдек ёнди. Фулдираб:

— Кизини отаси тиймаса, тергамаса ким тергайди! — деди. — Хой, сендан сўраяпман, қаерда тентираб юрдинг ярим кечагача дейман.

— Ҳурматли ота, мана бу гапинг маъқул! Бу сўзингга айтидиган жавобим шуки, йўргакдан чиққанимга анча бўлди, от минишини ҳам биламан, ўткир килич билан чопишни ҳам биламан.

Билганим яна бор... Нима қылсам үзим билиб, бирөвга терғов бермаслики ҳам биламан.

— Данило, сен жанжал чиқармокчига үхшайсан, күриб турибман. Фаламиснинг күнгли эгри.

— Нима десанг деявер, үзинг биласан. Мен ҳам үзим биламан. Худога шукур, ҳалигача галамислик қилганим йўқ. Ҳамиша динимиз, юртимиз йўлида фидокорлик қилиб келганман. Православ дини йўлида жонбозлик қилиб урушиб турганларида, худо билсин, қайси гўрларда тентираб юриб, кейин, экмаган буғдойларини ўргани келадиган баъзи дайди-санғилардан эмасман. Бутхона бетини кўрмаган, дин ҳукмини тутмаган бетовфикарлардан эмасман. Бундай дайдиларни тутиб хўб адабларини бермок, қай гўрларда санғиб юрганларини суриштирмоқ керак эди.

— Хой, җазак! Биласанми... отишга нўнокман, юз саржин жойдан отган ўқим кишининг юрагидан паррон ўтади, холос. Қилич чопишга ҳам усталигим йўқ, одамни қийма-қийма қилиб юбораман, эти ошга соладиган сўкдек майда-майда бўлиб кетади.

Данило қиличини бекорга чархламаганини билгандек қиличини чўқинтириб олгач:

— Хўб, мен тайёрман,— деди.

Катерина унинг қўлига маҳкам ёпишиб олиб:

— Данило! Эсингни йиғ, кимга қилич кўтардинг, ўйласангчи! Дада, соч-соқолинг оппок қордек бўлса ҳам, эси йўқ ёш боладек баджаҳллик қиласан!— деди қичкириб. Данило даҳшат билан бақириб:

— Хотин! Биласанки, бу хил bemazagarчилкни ёқтиромайман, ўз ишингни қил, аралашма!— деди.

Қиличлар чакур-чукур уруша кетди. Пўлатдан чиккан учкунлар иккови устига гўё тупроқдай ёғиларди. Катерина йиғлаганича ичкари уйга кириб кетди, қилич овозини эшитмаслик учун ёстиқقا мукка тушиб қулогини бекитиб ётиб олди. Аммо икки мард ўртасида булайтган қиличбозлик, қулоқни бекитган билан овози эшитилмайдиган ҳазилакам эмас эди. Катеринанинг юрак-бағри пора-пора бўлиб кетгандай эди. Қилич овозидан аъзойи-бадани ларзага келур эди. «Токатим йўқ, колмади сабрим, ок баданлардан қизил қон тиркираб кетгандир. Суюклигим жон бераётган бўлса-ю, мен мунда ётсам!» деди-ю, ранги ўчиб, зўрга нафас олиб нариги уйга кирди.

Казаклар бир-бирига бас келолмай галма-гал олиб иккови ҳам мардона сўқишимоқда. Катеринанинг дадаси ҳамла қилса у гуриб беради, бу ҳамла қилса у туриб беради. Шу зайнлда хўб олишдилар. Иккови ҳам ғазабга келиб, чунонам уришдилар. Бир маҳал қиличлари дастасидан синиб, учеб кетди.

Катерина худога шукур қилиб турган эдики, иккови туффангчага тутиндилар. Буни кўрган Катерина яна чинқириб юборди.

Туффангчалари чақмогини ростладилар, тепкисини күттардилар.

Аввал Данило бек отди, тегмади. Дадаси нишон олди... Укексарок, ёшдек яхши мұлжаллай олмайды, аммо құли маңкам, титрамайды. Отди...

Данило бек гандираклаб кетди. Чопонининг чап енги қызил конга бұялды.

— Йұқ! Ұзимни мунча арzon сотмайман. Чап құл әмас, үйгүл құл қисоб. Деворда осиғлик турган түппончаси бор, у мени ҳеч дармонада колдирған әмас. Қани, қадрдон ошнам, энди девордан туш! Дүстингга бир хизмат кил! — Данило буни деб құлинни түпкончага құзды.

Катеринанинг кути учеб, эрининг қулига маңкам ёпишиб үзини оёғи тағига ташлаб:

— Данило! Ұзим учун тиламайман, үлем битта, эридан кейин умр күрган хотин, хотин әмас, аммо үғлингга бок. Данило, үғлингга кара. Бечорани ким бағрига босади? Ким уни әркалатади? Қора отга миниб жавлон уришни унга ким үргатади, дин учун, озодлик учун жанг қылмокни, мард казаклардек ичмок, үйнамоқни ким үргатади? Үглем, жувонмарғ бұлдинг, отанғ сендан безор бұлипти, сендан юзини үгиришини күрдингми! Энди билдим сенинг кимлигингни, одам әмас, ваҳшый экансан! Бўри бағир экансан, ниятинг бузук, тилагинг шум, үзинг бадбахт экансан. Ҳеч бўлмаса зифирдек раҳм-шафқатинг бор, деб үйлаган эдим. Тананг тошдек каттиқ бўлса ҳам одамгарчилик ҳисси бор, деб юрардим. Аҳмок бўлиб қолдим. Сенга хуш келади бу. Бахти қора үғлингни бадбахт ваҳшый ляхлар ўтга ташлаганларида, улар ханжари үғлинг қонини сочганда, қайнаб турган мумга ташлаганларида боланг фарёд урса, сенинг суюкларинг гўрда ётиб үйнашса керак. Билдим сени мен! Гўрингдан туриб үғлинг ташлаган ўтни қалпоғинг билан еллиб алангалатсанг шунга суюардинг!

— Шошма, Катерина! Бери кел, ширин-шакар үғлимни бир ўпай! Болам, сенинг бир тукингни ҳам ҳеч ким қимирлатолмайды. Юртимизнинг шаън-шавкати бўласан, бошингда бархит қалпок, қўлингда қилич билан казаклар қошида жавлон урасан. Ота, қўлингни бер, орамиздаги адоваратни ташлайлик. Нима гуноҳ қилган бўлсам сўрайман, ўт. Нега қўлингни бермайсан? — деди Данило Катеринанинг отасига боқиб. У бўлса чехрасида на ғазаб, на сулҳдан ҳеч асар кўрсатмай, турган жойида қадалиб турарди.

Катерина отасини қучоклаб:

— Дада, бағрингни тош қилма, Данилонинг гуноҳини ўт, бундан бүён сени хафа қымайди! — деди.

— Кизим, сени деб гуноҳини ўтдим! — деди-ю, кизини ўпди ва күзлари алланечук чараклаб кетди.

Катерина андак чўчиди: отасининг ўпиши ҳам, кўзининг ёниши ҳам унга ғалатирок туюлди. Данило ярадор қўлинни стол устига

қүйіб тангиркан, ҳеч гунохи бұлмагани ҳолда үтінч сұраб, номардлик қылғанига пушаймон еб үй үйлаб туриб әди, Катерина ҳам шу столга келиб ёнбошлади.

IV

Тонг ёриди, лекин кун хира, осмоннинг қовоги солик, далаларға, үрмөнзорларга, кенг ёйилган Днепрға ёмғир майдалаб ёгар әди. Бойвучча Катерина уйқудан турди, лекин хафароқ ахволи наришон, дили тангрок.

— Эргинам, жоним эрим, ажаб бир туш күрдим!

— Азизим Катерина, нима туш күрдинг?

— Жуда ғалати туш күрдим, худди үнгимда күргандек; ясо-пулникида күрган бадбуруш хунук бедаво одам менинг отам әмиш. Аммо сендан сұрғим шуки, тушга ишонма, тушга ҳар бало кираверади! Мен унинг олдода қақшаб турған әмишман. Унинг ҳар бир сүзи томир-томирларимни қақшатар әмиш. Унинг менга айтган сүзини эшитсангми...

— Тиллоим Катерина, айтавер, нима деди?

— Айтдикі, Катерина, менга яхшилаб бок. Мен яхшиман! Одамлар мени ёмоң деб бекор айтадилар. Мен сенга кадрдон эр бұламан. Қўзимга бок, қандай яхши! Ёниб турған кўзларини олайтириб менга қаради, қўрққанимдан чинкириб уйғониб кетдим.

— Туш кўп тўғри чиқади. Майли, лекин тоғ орқасида но-тинчроқлигини биласанми? Ляхлар яна бош кутараётганга ух-шайдилар. Горобецъ хушёр бўлсин, деб айтиб юборипти. Бирок бекор ташвиш қилипти, ўзим ҳам гафлатда эмасман. Йигитларим бу кеча ўи икки жойга шох босиб гов тўсдилар. Посполитларни¹ кўрошин ғўлага тўйдирнимиз, поляклар бўлса қамчинимиз зарби-дан ўнишар.

— Буидан отамниг хабари борми?

→ Отанг менга ортиқча мато бўлди! Ҳалигача унинг нималигини билолмайман. Мусофирилкда юриб кўп гуноҳ ишлар қилганга ушайди, йўқса келғанига бир ойча бўлиб қолди, нега одам бўлиб тузуккина бир хурсанлик қилмайди, чехраси сира очилмайди! Ахир шарбатни ҳам ичмади-да, ҳой Катерина, эшитдингми, Брестдаги жуҳудлардан зўрга ялиниб-ялпогланиб олган шарбатимни ичмади-я. Данило кичқириб:

— Ҳой йигит, ертўлага кириб, жуҳуддан олиб келган шарбатни келтир! Ҳатто чагирни ҳам ичмайди, қандай бало экан! Катерина, назаримда шу отанг худога ҳам ишонмас чикар, нима дейсан шу гапимга?

¹ Посполита я речь — Польша-Литва кироллиги.

— Худо урди, қандай гапларни гапирасан?

Данило йигит құлидан сопол косачаны оларкан.

— Хайронман, хотин, ҳатто палид католиклар ҳам чағирни яхши құрадилар. Әлғиз турклар уни ичмайдилар Ҳой, бола, ер тұлада шарбатдан хұб шимирдингми?

— Ҳужайин, татиб құрдим холос!

— Бекор айтисан, итвачча! Мүйловингга пашшаларнинг ёпишишини қара! Ярим челакни ичдим, деб күзларнинг айтиб турипти. Бу казаклар хұб галати халқ-да! Ошнасидан ҳеч нарсасини аямайди ва лекин ичкилиги бұлса үзидан ортмайди. Хотин, мен аңчадан бери маст бұлғаним йўқми, нима дейсан?

— Ана холос, аңчадан бери дейди-я, үтган..

— Қўрқма, қўрқма, бир косачадан ортиқ ичмайман!

Шу пайтда эшикдан кирмоқчи бўлиб энгашган қайнотасига кўзи тушиб, кесатиқ билан:

— Ана, турк сўфиси ҳам келди!— деб қўйди.

Отаси бошидан қалғонини олиб; қимматбаҳо тоза тошлар қадалган қиличи осиглик белбогини ростларкан:

— Қизим, нима бўлди, кун кўтарилиб қолди-ю, ҳалигача овқатнинг тайёр бўлмалти?— деди.

— Хурматли отам, овқат тайёр. Ҳозир дастурхон ёзамиз! Катерина ёғоч идиш-товоркларни артиб турган кампир энагасига қараб,— хурмадаги буламугни олиб кел!— деди. Кейин яна — Тура-тур, үзим оламан, сен йигитларни чақир!— деди.

Хаммалари гир айланиб үтиришди. Тўрдаги бутлар турган бурчак рўпарасида отаси үтирди, унинг чап томонида Данило, ўнг томонида Катерина билан турли-туман қўқ-сариқ тўн кийган ўн йигит қатор үтиришди.

Отаси овқатдан озрок егач, қошиқни қўйиб:

— Буламугни хуш қўрмайман, ҳеч мазаси йўг!— деди

Данило кўнглида: «Айтмасанг ҳам биламан, сенга жуҳуд ларнинг увраси яхши» деб қўйди. Кейин овозини чиқариб:

— Қайнота, нега буламугни бемаза дейсан? Ош ёмон бўлипти ми? Менинг Катеринам буламугни шундай мазали қиласиди бундай мазали овқатни гетманлар ҳам аҳён-аҳёнда ейдилар Узимизнинг христиан овқатимиздан ҳазар қилма! Бу ош азиз авлиёлар суйган овқат

Отаси чурк этмади, Данило ҳам жим бўлди

Кейин карам билан олжүри аралаш қовурилган чўчка гўшти келтирилди. Катеринанинг отаси карамни қошиклаб олиб:

— Чўчка гўштини ёқтиромайман!— деди

— Нега чўчка гўштини ёқтиромайсан, чўчка гўштини жуҳуд лар билан турклар емайдилар!— деди Данило.

Отаси яна баттарроқ қовоғини солиб олди.

Катеринанинг чол отаси кора бугдой бўғирсоғини сутга қўшиб

ди-ю, бошқа нарса емади, кейин чағир ҳам ичмади. Аммо унинг ўринига кўйнидаги туника идишдан кора сувга ўхшаган нарса кўйиб ичиб олди.

Данило овқатдан кейин хўб яхши ухлаб, кечга яқин турди. Уйкудан тургач, қўл остидаги аскарларга нома ёзди. Бойвучча хотини бўлса сўрида ўтириб оёғи билан беланчагини тербатар эди. Данило бекнинг чап кўзи номада бўлса, ўнг кўзи дарчада эди. Дарчадан қараганда узоқдаги тоф-тошлар ва Днепр дарёси кўриниб турар эди. Днепрнинг у бети, яшил чакалакзор, осмонда булатлар тарқалиб, ҳаво очилди, лекин Данило на осмонни ва на яшил чакалакзорни томоша қиласди. Унинг кўзи туртиб чикиб турган жойдаги кўхна қалъада эди. Унинг назарида қалъанинг кичкина дарчаси очилиб, чирок кўрингандай бўлди-ю, лекин тиқ этган нарса йўқ. Ҳамма ёқ жимжит. Хаёлида кўринди шекилли. Дарёning гувуллашибдан бошқа хеч нарса эшитилмайди, уч томондан бир-бирини қуваллашиб келган тулкиннинг соҳилга урилган овози эшитилади, холос. Дарё ювош, шўриш йўқ, кексалардек жаврайди, қақшайди-ю, лекин туфёни йўқ. Дарё ҳаммадан беозор. Атрофидагилар ҳаммаси унга бегона-узгалар. Тофлар, дараҳтзорлар, ўланзор, чаманзорлар ҳаммаси унга ёв. Улар устидан арз қилгани Коря денгизга чопади.

Кенг дарё устида бир қайикнинг кораси кўринди, тог устидаги қалъада ҳам яна бир нарса йилтирагандай бўлди. Данило секинина хуштак чалган эди, содик йигитлардан бири югуриб чиқди.

— Стецько, дарров бўл, ўтқир қизичинг билан милингни ол, кетимга туш!

Хотини Катерина:

— Кетяпсанми? — деб сўради.

— Ҳа, хотин, кетяпман, ҳамма ёқни бир қараб чиқай, жойида-микин?

— Ёлгиз қолгани кўрқаман. Уйку босиб кетяпти. Агар яна тушимга қирса нима қиласман? Тушимми, ўнгиммилигини ўзим ҳам яхши билмайман, худди ўнгимдагидек.

— Кампир ёнингда қолади-ку; даҳлизда, ташкари ҳовлида йигитлар ётишипти!

— Кампир аллақачон ухлаб қолди, йигитларга ишонгим келмайди. Данило, мени уйга қамаб, устимдан кулфлаб, калитни ўзинг олиб кет. Шунда кўнглим тўқроқ бўлиб қуркмайман. Йигитлар эшик тагига келиб ётсинлар!

Данило милингни чангни артиб, пилтахонасига дори соларкан:

— Майли, шундай қилакол, — деди.

Садоқатли йигити Стецько шайланиб, тайёр бўлиб туриб эди. Данило барра бўркни кийиб олди, деразани бекитди. Эшикни

тамбалаб кулфлагач, ухлаб ётган йигитлари орасидан секин ўтиб, астагина ташқари чиқди.

Осмонда булат қолмади, дарё томондан майин шабада эсар, узокдаги баликчи қушларнинг чийиллаган овози бўлмаса атроф чуқур бир сукунатга ботган эди. Шу сукунат ичидаги тарафдан шитирлаганга ўхшаган овоз эшилди.. Бурульбош содик йўлдоши билан бирга шоҳ тўсилган фовнинг орқасидаги тикан чакалак панасига яшириндилар. Икки ёнида икки тўппонча, белида бир қилич билан кизил чопонлик бир кимса тоғдан тушаверди. Данило чакалак орқасидан мўралаб қарагач:

— Қайнотам-ку!— деди.— Стецько, шу маҳалда қаерга кетаётганикин, нима қиласкин? Сен хушёр бўл, қараб тур-чи, қаёкка бораркин,— деди. Кизил тўилик одам тоғдан дарё ёқасига тушди, кейин тоғ тепасидаги қалъя томонга бурилиб кетди.

— Ҳа, билдим қаёкка кетаётганини,— деб қўйди Данило.— Стецько, сен нима дейсан? Жодугар маконига кетяпти эмасми?

— Тўгри, Данило бек. Худди ўша ерга, бошқа жойга эмас Агар у ерга кирмаган бўлса нариги томонга ўтганда кўринарди, қалъага ёвуклашганда гойиб бўлди.

— Шошмай тур, бу ердан чиқиб олайлик, изидан пойлаб борамиз, бир сир борга ўхшайди. Хотин, отанг номуборак одам, деган эдим-ку, қилган ишининг ҳаммаси тескари, кофирнинг иши демабимиш.

Данило содик йигити билан аллақачон дарё ёқасига етиб келдилар. Қалъя атрофидаги чакалакзор уларни кўздан гойиб қилди! Юқоридаги дарча секин ёришди. Пастда турган икки йигит юқорига қандай чиқиш мулоҳазасини қиласр эдилар. Қалъанинг на дарвозаси, на эшиги кўринади. Ҳовли томондан йўл бўлса керак, лекин ҳовлига кириш иложи борми? Занжирларнинг овози итларнинг югурншгани узокдан эшитилиб турипти.

Данило дарча олдиаги чинорга кўзи тушиб:

— Халигача ўй ўйлаб турганимни кара. Сен азamat шу ерда тур, мен чинор тепасига чиқиб қарай, ойнадан курса бўлади,— деди.

У белидаги қиличи овози чиқмасин, деб белбогини ечиб қилини ташлади. Кейин шохма-шоҳ сакраб дарахт тепасига чиқди. Дарчадан ҳали ҳам ёруг тушиб турган эди. Шундоккина дарча олдиаги шохга ўтириб бир қўли билан бутокни ушлаб олиб дарчадаи мўралаб караса, ичкарида чирок йўғу, лекин ёруг. Уйнинг деворларига ғалати ҳатлар ёзилган. Деворда ҳар хил асбоблар осиглик, лекин ҳаммаси ғалати, на туркларда, на кримларда ва на ляҳларда ва бошқа христианларда, на донғи кетган швед ҳалқида ҳам бу хил яроғ-асбоб бор. Шифтда кўршапалаклар учуб юришишти, девор ва эшикларга уларнинг сояси тушарди. Бир маҳал ҳеч бир овоз чиқармасдан, гирчилламасдан эшик очилди

Кизил чопонлик бирор түппа-тұғри оқ дастурхон ёзилған стол
сніга келиб тұхтади. Данило қайнотам, қайнотам, деб сал пастроқ,
тушиб, үзини бутоқ панаңига олди.

Лекин келган қизил чопонликтің фурсати йүк, дарчадаң
бирор қарайптың-йўқми парво қылмайды. Хафа бўлиб келди,
аҷчинги чиққан, ноҳуш. Стол устига ёзилған дастурхонни йингиши
билаң үйни кўқимтиր ёруғ босди. Аммо бояги зарҳал чироқ ёруғи,
бу кўқимтири нур ичида кўм-кўк денгиз сувига гаркоб бўлиб,
мармардек тобиш уриб жилваланар эди Стол олдида турган
одам бир хумчани столга кўйиб, аллақандай гиёҳлардан хумча
ичига ташлайверди.

Данило тикилиб қараб турган эди, ичкарида турган одамнинг
қизил тұни гойиб бўлиб, турклар кияндиган кенг чолвар пайдо
бўлиб қолди, белида тұппончалари, бошида русча ҳам эмас
полякча ҳам эмас, аллақандай ғалати хат ёзилған телпак пайдо
бўлди. Қараб турса бир маҳал юзи ҳам үзгариб, бурни осилиб,
лаблари дўрдайиб осилди, оғзи бир пасда қулогига стиб қолди,
тишлари оғзидан чиқиб икки томонга қараб үсиб кетди, хуллас
ясовулнинг тўйида кўринган хунук сурат одамга айланди. Буриль-
бош үз ичида, Катерина, тушиңг тўғри экан, деб қўйди.

Сехргар стол атрофида юра бошлади, девордаги аломатлар
тез-тез үзгариб, кўршапалаклар ҳам жадалга олиб уча бошлади-
лар. Кўқимтири нур хира тортиб, кейин бутунлай учди. Кўқимтири
нур учгач, үйнинг ичи майин, қизиши бўлиб ёришиди. Гўё ажаб
чиройли бу нур қўнғирокдек овоз чиқазиб үйнинг ҳар тарафига
ёйилгандек бўлди-ю, бир пасда үчиб үйни қоронғи босди. Ҳамма
ёқни жимжитлик босган сокин бир кечада оҳиста-оҳиста эсган
шабада кўзгудек сувнинг юзида гир-гир айланиб, кумушдек тол
баргларини сувга эгаётгандек ажаб бир хуш овоз эши биларди,
холос. Данилонинг назарида ичкарида ой ёришиб, юлдузлар
үйнаб юргандек, кўм-кўк осмон жимирилашиб, кечанинг салкин
шабадаси үнинг юзига теккандек бўлди. Сўнгра хаёлида, ичкарида
кўринган бу манзара осмон эмас, балки үнинг үз оромгоҳига
үхшайди, тушнимми-ўнгимми деб мўйловини тортиб кўрди. Деворда
үнинг татар ва турк қиличлари осиглик, токчаларда идиш-төвсек-
лари териғлик, стол устида нон билан туз, ўртада беланчак осиг-
лик... Лекин уйдаги бутлари ўринида ваҳимали суратлар, сўрнда...
Шу онда туман ёғилиб ҳаммани кўздан фойиб қилди, яна қорон-
гилик босди, уй яна ёришиди. Қип-қизил булиб ёришиди, сехргар
бошида салласи билан типпа-тиқ туритти. Оҳиста-оҳиста чиқа-
ётган овозлар баландроқ кўтарилди. Майин қизил шуъла равшан-
ланди. Үйнинг ўртасида булатта үхшаган оқ бир-чарса ҳилпиллаб
пайдо бўлди. Данилонинг назарида ҳилпиллаб оқариб турган бу
парса булат эмас, хотин кишига үхшайди. Бирок хотини бўлса үнинг
шујуди нимадаи, ҳаводанми? Нега оёғи ерга тегмайди? Ҳеч

нарсага суюнмай муаллак туритти. Бутун бадани шуъла уриб ёришиб туритти, деворга битилган аломатлар жимирашиб ўйна шади. Хотин ёп-ёруғ бошини секин бу томонга қаратди. Зумраддек кўзларида заиф бир нур, жингалак-жингалак бўлиб елкасига тушган кокиллари гира-шира туманга ухшайди. Лабларида кон йўк, эрталаб энди ёришиб келаётган офтоб нуридек сўник, нимжон Кошларининг қораси ҳам сўник... Оҳ! Катерина-ку! Шу онда Данилонинг аъзойи-баданида мадор қолмагандек бўлди, гапирай деса лаблари қимирлади-ю, овози чикмайди.

Жодугар қимирламасдан жойида тек туритти.

— Каерда эдинг? — деб сўраб эди, олдида турган хотин титраб кетди.

— Хой сен! Нега мени чақириб келтирдинг? — деди алам билан. — Қандай шод эдим. Туғилиб, ўн беш ёшимгача яйраб юрган жойларда эдим. Қандай гузал жойлар! Болалик чоғларимда юрган, ўйнаган, кулган жойларим қандай гузал кўкаламзор, чаманзор эди. Чамандаги гуллар ҳали ҳам уша, уйимиз, чорбоғимиз қандай бўлса шундай туритти! Мехрибон онам огушига тортиб қандай кучоклаб ёгур эди. Кўзларнда қандай меҳр нури бор эди! Эркалатиб, силаб-сийлаб лабларимдан, бетимдан упарди, малла сочимни тараарди... Ота! — деди-ю, нурсиз кўзларини унга тикди. — Ота! Нега онамни сўйдинг?

Жодугар бармоғини найзалаб пўписа қилди:

— Бу гапни мен сендан сўрагамидим? — Докадек ҳилпиллаб турган гузал баданига ларза тушди — Шу пайтда эганг қаерда?

— Эгам Катерина хозир ўйкуда, мен фурсатни ғанимат билиб, танасидан чиқиб парвоз қилиб кетдим. Анчадан бери онамни кўргим келарди. Бирдан ўн беш яшар бола бўлиб қолдим, күшдек сенгил тортдим. Нега мени чорладинг?

Жодугар эшитилар-эшитилмас қилиб оҳистагина:

— Кеча айтган сўзларим ёдингда борми? — деб сўради

— Ёдимда, ёдимда. Лекин у гапларингни унумтмоқ учун нима десанг берардим. Бечора Катерина! Руҳи билган нарсаларнинг кўпини у билмайди.

Данило кўнглида бу турган хотин Катеринанинг руҳи экан, деб қўйди ва лекин қимирлашга ҳали ҳам мажоли йўк.

— Ота, тавба қил! Сенинг қўлингда улганларнинг ҳар бири гўрида типпа-тик турганда бундан қўрқмайсанми?

Жодугар даҳшат билан:

— Сен яна эски гапларни бошлаяпсанми? Мен айтганимни қилдираман, муродимга етмай қўймайман. Катеринани ўзимга мойил қилмагуича қўймайман!

Арвоҳ аламли бир овоз билан инグラб:

— Сен ота эмассан, газандасан! Йўк, сенинг айтганинг бўлмайди, муродингга етмайсан, жодугарлик билан арвоҳни чакир-

мокни, қийнамоқни билибсан, лекин рух худодан бошқа ҳеч кимга итоат қилмайди. Катеринанинг танасида мен бор, худобезор ёмон иш йўлига кирмайди. Ота, қиёмат яқин, агар сен отам бўлсанг ҳам вафодор эримга хиёнат қилишга мени мажбур этолмас эдинг. Эримни севмасам, вафоси бўлмаса ҳам барибир ҳаққига хиёнат қилмас эдим, чунки аҳд-паймонини бузганлардан, вафосизлардан худо безор.

Шу пайтда гўзал хотин нурсиз кўзларини Данило қараб турган дарча томонга тикди, қаради-ю жим, қимирламай қолди...

Жодугар:

— Қаёкка караяпсан? Кимни кўрдинг, у ерда? — деди кичқириб. Катеринанинг арвоҳи титраб кетди. Аммо Данило аллақачон пастга тушиб вафодор ҳамроҳи Стецько билан кир томонга жўнаб қолди. Данило йўлда кетаркан, ботир юрагига аллақандай ваҳима тушиб, кўнглида «даҳшат, даҳшат!» дер эди. Бир пасдан кейин уйига етиб келди. Ҳовлисидан утиб ичкари кирди. Ҳовлида посбонлик қилиб ухламасдан трубка чекиб ўтирган бир йигитдан бошқа ҳамма қаттиқ уйкуда ётарди.

Осмон тўла чараклаган юлдуз.

V

Уйғониб кетган Катерина гул тиккан енгининг учи билан кўзларини ишқаларкан, тепасида турган эрининг бошидан оёғи-гача тикилиб:

— Хўб яхши бўлди уйғотганинг! Ваҳимали ёмон бир туш кўрдим, нафасим тикилиб, бўғилиб кетдим. Воей!.. Жоним чиққудай бўлди,— деди.

— Нима туш кўрдинг, ҳалиги эмасми? — Бурульбош боя кўрганларини хотинига бир-бир сўзлаб берди.

Катерина хайрон бўлиб:

— Эрим, сен буни қандай билдинг? — деди.— Лекин сен айтган гапларнинг кўпини мен билмайман. Отам онами үлдирганини кўрганим йўқ. Ўликларни ҳам кўрганим йўқ. Йўқ, Данило сен бошқача сўзлаяпсан. Воей! Отам курсин, қандай кўркинчли!

— Мен айтганларнинг кўпини тушингда кўрмаганингга ажабланма, руҳинг билган нарсаларнинг ўндан бирини ҳам сен билмайсан. Отанг дажжол, жодугар экапини биласаними? Бултур ляҳлар билан бирга бўлиб кримликлар устига отланган вактимда (мен у вактда бу кофир ҳалқка ёрдамлашар эдим) Брат монастырининг бошлиғи айтган эдики, хотин, бу одам валийлардан эди. Шу киши дажжол, ҳар кимнинг арвоҳини чакира олади, деган эди. Одам ухлаганда руҳи танасидан чиқиб, фаришталар билан бирга арш-аълода сайр қилиб юрар эмиш. Аввал дафъа кўришдаёқ отанг башараси менга ёқмаган эди, агар отангнинг бунақалигини

Билсан сени олмаган бўлар эдим; шайтон жинси билан уруф бўлиб гуноҳга колмас эдим, сени ташлар эдим.

Катерина юзини икки қули билан бекитиб:

— Данило, менинг гуноҳим нима? Суюкли эрим, айт-чи, мен хиёнат қилдимми сенга? Айбим нимаки мунча ғазаб қиласан? Хизматингни бажо келтирмадимми? Айш-ишрат мажлисидан сархуш келганингда кўнглингни оғритадиган бир сўз айтдимми? Ёки қора қош ўғил туғиб бермадимми?.. — деб ҳўнграб йиғлади.

— Катерина, йиғлама, сени энди билдим, асло ташламасман, ҳамма гуноҳ отангда.

— Отанг дема уни менга! Энди у менга ота эмас, безор мен ундан, кечдим ундеқ отадан! Худобезор иблис экан! Сувга окса ҳам, ўлса ҳам қулимни узатмаганим бўлсин. Бехосият гиёҳдан танаси қуриб қовжираса ҳам бир ҳўплам сув бермайман. Менинг отам сен бўласан!

VI

Жодугар, Данило бекнинг чуқур ертўласида қўл-оёғи занжирда ётнити. Устидан бир эмас, уч қулф солинган. Дарё ёқасидаги тоғ тепасидаги шайтонхона макони ўт ичиди ёнмоқда. Кондек кипқизил алангалар кўхна бу уйнинг деворлари атрофида гир-гир айланмоқда. Жодугарнинг зинданга тушишига боис унинг иблислиги ҳам эмас, худобезор ишлари ҳам эмас. Бу ишларнинг жазосини худо ўзи берар. Рус юртига хиёнат қилиб, унинг душманлари билан бирлашиб, Украина халкини католикларга сотмоқчи, черковларимизга ўт қўймоқчи бўлганидан кишангта тушди. Жодугар хафа, кўзига бутун дунё коронғи, бошида тун коронусидек қора хаёллар. Атиги бир кунлик умри қолди, эртага ёруг дунё билан видолашади, жазосини кўради. Эртага кўрадиган жазоси сиғил эмас, агар бошқа баттарроқ жазо бермасалар, тирклайнин кайноқ сувга солиб пиширсалар ёки терисини шилсалар керак. Жодугарнинг баҳти қора, боши солиғлик. Ўлим соати яқинлашаётганини билиб, тавба қилаётгандир, бирок худо қошида қилган гуноҳи кечирадиган гуноҳ эмас. Ертўланнинг юкорисида темир панижара қоқилган кичкина туйник. Қўл-оёғидаги занжирларини чакур-чукур қилиб, қизим ўтиб колмасмикан, деган умидда туйникка келиб қаради. Қизи раҳмдил, кўнгли юмшоқ, кек саклайдиган эмас, отасига раҳми келса ажабмас... Лекин туйник олдидан утган ҳеч ким бўлмади. Куйи қараб кетган йўлдан ҳеч ким юрмайди; бу йўлдан яна пастроқ тушилса дарё буйинга чиқилади. Дарёниг ҳеч ким билан парвоси йўқ, дарё гуриллаб мавж уради, унинг тинмасдан бир макомда гуриллаши бандининг жонини яна сиқади.

Йўлда кетаётган бирорни қўриб қолди, банди уни қўриб, оҳ тортди. Яна жимжит, ҳеч ким йўқ. Яшил бешмати шамолдан

ҳилпиллаб, бошида кимхоб дуррача билан юкоридан яна бирор тушиб келаверди... Келаётган Қатерина. Зинданда ётгаш банди уни қўриб туйникка ястаниб ётиб олди. Келди, жуда яқни келиб қолди...

— Қатерина! Қизим, раҳминг келсин, садақа қил!..

Ундан садо чиқмади, қулоқ солгиси ҳам келмайди, қамоқхонага қайрилиб ҳам қарамасдан ўтиб кетди. Бутун жаҳон кўзига зиндан кўринди. Дарёнинг шовуллаган овози ҳам мунгли. Юракларда қайғу ила ҳасрат. Бу қайғу, бу ҳасратни жодугар биладими?

Кун оғиб, кеч қирди. Офтоб аллакачон ботди, шом бўлди. Салқин тушди, қаердадир ҳўкиз маъради. Аллақаёклардан қўшиқ овози эшитилди. Ишдан қайтиб келаётганлар бўлса керак. Дарёда бир қайиқнинг қораси кўринди... Банди билан кимнинг нима иши бор. Осмонда кумуш ўроқдай бўлиб ой чикди. Рӯпарадан ҳам бир одам келаверди, коронғида унинг кимлигини билиб бўлмайди. Хали ўтиб кетган Қатерина қайтиб келяпти шекилли.

— Қизим! Худо ҳаки, раҳм қил, йиртқич бўрилар ҳам ўз онасини ийртмайди, бадбаҳт отангга ҳеч бўлмаса бир бок.— Қулоқ солмасдан ўтиб кетди.— Қизим, бечора онанг хурмати!..— Қатерина тўхтади.— Бери кел, охирги сўзимни тингла!

— Худодан қайтган ноинсоф, нега мени чакирдинг? Қизим дема мени! Ота-болалик ўртамиизда қолмади... Бечора онамни ўртага солиб мендан нима тилайсан?

— Қатерина! Ўлим чогим келди, эринг мени нима қилмоқчи бўлганини биламан. Байтал думига боғлаб судратмоқчи, ёки бундан ҳам баттаррок бир жазога солмоқчи...

— Сен қилган гуноҳларга баравар келадиган жазо оламда борми? Жаззангни кўр, ҳеч кимса сени ўқуламас.

— Қизим! Мен бу жазодан қўркмайман, мени ваҳимага солган у дунёниг азоби... Қизим, сен пок, руҳинг худонинг маконида саир қилгусидир. Лекин худо урган отангнинг жони дўзах ўтида куяр, бу ўт сира ўчмас, борган сари шиддатланур, бу ўтга катра сув урувчи бўлмас, бирдан шамол келиб совутмас...

Қатерина юзини ўгириб:

— Бу азобдан сени кутқариш қўлимдан келмайди,— деди.

— Қатерина, тўхта, бир сўз айтай. Мени эмас, жонимни куткармок қўлингдан келади. Сен билмайсан, тангрининг даргоҳи кенг, марҳамати улуғ. Авлиёлардан Павл киссасини эшитганмисан, шунча гуноҳкор бўлса ҳам тавба қилиб, охирда, валийлар категорига кирди.

— Жонингни азобдан кутқармоқ учун менинг қўлимдан нима келади! Бунинг тадбири мендек заифа хотилилар ишими?— деди Қатерина.

— Агар мен бу банддан қутилсам, барча ёмонлигимни ташлардим. Тавба қилиб ғорларда макон қилардим. Жун қоп қийиб

кеча-кундуз худога йиғлаб, умримни тоат-ибодат билан үтказар-дим. Эт у ён турсин, балиқни ҳам оғзимга олмасдим, тагимга тұшак солмасдим, тоат ва ибодатдан бошқа билан ишим бұлмасди. Худонинг раҳми келиб гунохимнинг лоқал юздан бирини кечмаса үзимни тириклайин күмардим, ёки девор ичиға кириб тош қалар әдим, емок-ичмокни тарқ қилиб жон берардим, бор-йүк дүнёмни факырларга улашардим, кирк кечаю кирк кундуз ҳақимга дуо килардилар.

Катерина үйланқираб қолди:

— Эшикни очганим билан ҳам занжирингни узолмайман,— деди.

— Занжирдан құрқмайман. Сен менинг құл-оғым кишанда дейсанми. Йүк, мен улар күзини боғладим, құлым үрнига қуруқ ёғоч узатдим. Мана бок, құлым занжирда эмас,— деб үртарокқа бориб турди.— Мен бу деворларни ҳам писанд килмасдим, тешиб чиқиб кетар әдим, лекин бу деворларнинг қандайлигини эринг ҳам билмайди, бу хужрани бир кимәгар авлиё қурган. Авлиё қулфлаб кетган қулғиңнинг калити топтылмагунча бундаги бандини ҳеч ким күтқазиб кетолмайди. Бу ердан кутилиб чиқсам, мен ҳам үзимга шундай бир тилсім ғор қиласы.

Катерина эшик олдига келиб:

— Хұп, мен сени чиқазиб юборай, лекин алдасанг нима қилай? Тавба қилмай яна иблице күшилиб кетсанг нима қилай?— деди.

— Йүк, Катерина, дүнёда бир неча күнлик умрим қолди. Үлдирмасалар ҳам ажалим яқин. Үзимни үзим дүзах азобига со-ламай, деб үйлайсанми?

Қулф очилди.

Жодугар Катеринани үпіб хайрлашды:

— Хуш қол, сени худо үз паноҳида сақласин, болам,— деб кетди.

Катерина:

— Мисли йүк гунохкор, менга яқин келма, йүкол тезрок!..— дегунча ҳам бұлмай жодугар аллақачон ғойиб бұлди.

Катерина қылған ишидан үзи құрқиб, вахима билан деворларга алаңглаб:

— Чиқазиб юбордим, эримга энди нима жавоб бераман? Расво бұлдим. Тириклайн гүрга кирмокдан бошқа иложим қолмади!— деди-ю, фарёд уриб йиғлаганча банди үтирган тұнкага үйқилгундай бұлди. Кейин охистагина:— Лекин уннинг имонини қутқазиб савоб иш қилдим. Аммо эримга нима дейман... Умримда энди бириичи марта уни алдадим. Қандай қилиб унга ёлғон сүзлайман, қандай азоб, қандай уқубат. Бирор келаётганга үхшайди! Эрим!— деди-ю, тоқати қолмай хушидан кетиб үйқилди.

VII

Катерина кўзини очиб, олдида турган кампир энагасини кўрди

— Менман, жоним қизим, мен! Дилпорам, менман!— дер эди кампир.

Кампир унинг бошига энгашиб шивирлаб бир нарсалар ўқир ва қуришган қўллари билан унинг юзига совук сув сепар эди Катерина бошини кўтариб, у ён-бу ён карагач:

— Қаерда турибман? Бу оккан Днепр-ку, оркамга карасам тоғ... Кампир, қаерга адаштириб келтирдинг мени!

— Сени мен адаштирганим йўқ, адашган жойингдан топиб келдим. Рутубатга тўлган ертуладан кутариб чикдим. Эринг Данилодан балога қолмагин, деб устингдан кулфлаб қўйдим Катерина белига қараб:

— Калит қани, йўқ-ку,— деди.

— Эринг жодугарни кўрмок бўлиб калитни белингдан ечиб олди, болам,— деди кампир.

— Кўрмок бўлиб дейсанми?.. Кампир, расво бўлдим!— деб қичқириб юборди Катерина.

— Худо ўз паноҳида сакласин, болам! Товушингни чиқаз-масанг бўлди, жигарим, ҳеч ким билмайди!

Данило хотини тепасига келиб:

— Малъун иблис қочипти! Эшитдингми? Катерина, қочипти!— деди. Қўзларида ут ёнар, титрашидан белидаги қиличи шараклар эди.

Катеринанинг жони қолмади. Титраб-қақшаб:

— Жоним эrim, бирор чиқазиб юбориптими?— деди зўрга

— Рост айтасан, бирор чиқазиб юборипти, лекин чиқазиб юборган шайтон. Буни қара, унинг ўрнига ёғоч занжирга тушибти Худонинг ишини карагинки, шайтонни казак қулидан халос қилипти! Агар бу нарса йигитларимдан биронтасининг хаёлига келса, ва мен билсам... билмадим мен қандай жазо берардим унга!

— Агар қўйиб юборган мен бўлсам-чи?..— Беихтиёр айтиб юборди-ю, аммо бу гапдан ўзи қўрқиб жим бўлиб қолди.

Агар сен шундай ўйга борган бўлсанг, сендеқ хотиндан кечардим, копга бўғиб дарё қаърига ташлардим...

Катеринанинг нафаси ичига тушиб кетди, назарида бошидаги сочлари дув тўкилгандай бўлди

VIII

Чегарага яқин йўл устидаги карвонсаройда ляхлар йифилишиб иккни кундан бери айш-ишрат қилиб ётиптилар. Бачча гарлар озмунча эмас, бирон талонга отланган бўлсалар керак, туффанг милтиқлари ҳам бор, пошналарида чинғилдоклар, ҳаммаси шопу

шалоплик. Улуғлари кайф-сафо базми қуриб, қилган ишларидан мактандилар. Динимизни мазах қиласылар, Украина халқиниң бизнинг малайнимиз, хизматкоримиз, дейдилар. Аганашиб ётган жойларидан мўйловларни бураб чирандилар. Ксендзларін ҳам бор. Ксендзларін ҳам ўзларига муносиб, афтига қарасанг христиан попига сира ўхшамайди, ҳаммаси аралаш-қуралаш бирга ичишиб айш-ишрат қилишаберади, bemaza, уят гапларин айтишаберади. Бошқа фуқаролари ҳам улуғларидан қолишмайди. Йиртик чопонларининг енгини орқага ташлаб, керилиб, ўз хаёлларida жуда ярашгандек савлат қилиб юрадилар. Қартабозлик қилиб бир-бирларининг бурунларига қарта билан чертишади. Бегона хотинлардан бир қанчасини эргаштириб келиптилар, шовқин-сурон, уриш, жанжал!.. Кутаришиб шўхлик қиласылар, жуҳудни соқолидан ушлаб пешонасига бут чизадилар. Паҳтавонлик қилиб, милтиқ отиб хотинларни кўркитадилар, нопок поплари билан қўл ушлабиб ўйин тушадилар. Рус тупроғига келган татарлар ҳам бундай ножӯяликларни қилмаган эдилар. Рус элиниң гуноҳи кўп шекили, бундай ҳакоратларга қолди! Favgo-тўполон ичиди, Данило бекнинг у томондаги кўргони, чиройли хотини тўғрисида ҳам гапчиқиб қолар эди.. Бу баччағар ўғрилар бу ерда яхшиликка тўпланган эмаслар!

IX

Данило бек оқ ўида тирсагига таяниб хаёл сурисида ўтирас эди. Бойвучаси Катерина сўрида кўшиқ айтиб ўтирипти.

— Хотин, билмадим, негадир хафа бўлиб кетаётирман! — деди Данило.— Бошим оғриб, юрагим сикиляпти. Дилтаң бўлиб диккатим ошиб кетяпти! Ажалим яқинлашиб, шу орада юрганга ўхшайди.

Катерина «Э! Шамчирогим эрим, кел, сийнамга бошингни қўй! Нега бундай кора хаёлларга чўмасан», демокчи бўлди-ку; лекин ботина олмади. Гуноҳкор бўла туриб эрига эркалиқ қилганига ўзи уялиб хафа бўлди.

— Хотин, сўзимга қулок сол. Мен ўлсам ўғлимни ташлама Ташласанг худонинг қаҳрига учрайсан. Гўрда ётган суюкларим чиrimай сени қарғаб ётар. Арвоҳим порози бўлар.

— Эрим, бу гапларинг нимаси, хотинларин муштипар ожиза, деб менсимаган сенмасмидинг, энди ўзинг хотинининг гапини қиласан. Сен ҳали дунёда кўп яшамоғинг керак.

— Йўқ, Катерина, ўлимим яқинлигини бўлиб турибман. Юрагим сикилиб, дунё кўзимга коронги. Дорнломон замонлар ўтди, хуб яхши замонлар эди, энди у вактлар қайтмас. Қўши-

нимизнинг шаън-шавкати бўлган кексамиз Конашевич¹ тирин эди. У замондаги сарбозларимиз ҳозир кўз ўнгимда саф-саф ўтётири. У замонлар олтин замон эди. Гетманимиз кора отга миниб қулида чукмор билан туар, ботибу шотирлари атрофида ҳозир туар эдилар. Запорожъелик ботирлар қип-қизил алвон кийимларга гарқ булиб туар эдилар. Гетман сўз бошлаганда ҳамма жим булиб тинар эди. Бурунгининг ишлари, Сеча замони ёдига тушиб, у вактларни кумсаб йиғлар эди. Э, хотин, бурунги вактларда турклар билан қилган кирғинимизни билмайсан-да. Бошимда қилич жароҳатидан қолган ямок ҳали ҳам бор. Тўрт еримдан уқ тешиб кетган. Яраларимнинг ҳеч қайсиси ҳалигача битгани йўқ. Қаинча-қанча тилла, ғаниматимиз бўлди! Аскарларимиз қиммат-баҳо жавоҳирлардан телпак-телпак олдилар. Отларни айтгин. Хайдаб кетган отларимизни сенга айтган билан тамом қилиб бўлмайди. Афсуски, энди бундай жанглар қилолмайман! Қариганим йўқ, баданимда қувватим бор ва лекин қиличим қўлимда турмайди, умрим беҳудага ўтмоқда; нимага яшаб юрганимни ўзим ҳам билмайман. Украина тартиб қолмади. Аскар боши билан ясовуллар бир-бирлари ила итдек олишадилар. Ҳаммасига бош бўлгундай бир улуғ йўқ. Боёнларимиз ҳамма расмодатимизни полякларни кига ўхшатиб юбордилар. Ҳамма кув булиб кетди, Рум папасига итоат қилиб имонини сотди. Жуҳудлар камбагал ҳалкни эзяптилар. Эсиз-эсиз замон ўтиб кетди! Ёшлигимдан нима қолди! Ҳой болам, ертуладан бир оёқ шарбат келтир! Ўтган баҳтимни, қисматимни соғиниб, ўтган йилларни кумсаб бир ичай!

— Бегим, меҳмонларни нима билан кутиб оламиз? Тўқай томондан ляҳлар келишяпти! — деди ташқаридан кириб келган Стецько.

— Нечун келаётганларини биламан,— деди Данило ўрнидан тураркан.— Садоқатли йигитларим, отларни эгарланг, яроғаслаҳангизни тақинг, қиличингизни ялангоchlанг! Кўрғошин талқондан ҳам одинг, меҳмонларнинг иззати бажо келсин!

Бироқ казаклар отларига миниб, туффанг милтиқларини ўқлагунча ҳам бўлмай, ляҳлар кузда тўкилган хазондек тоғ бағрига тўкилиб чикдилар.

Ҳаммадан олдинда зарбоп кийимлар кийиб савлат билан йўртиб келаётган қорни катта полякларни кўрган Данило:

— Эҳ-ҳа, ёқалашадиганлар кўп-ку! Яна бир марта майдонда жавлон уриш насиб экан! Эй казак, охири марта тўйгунингча яйраб ол! Йигитлар, бугун бизнинг тўй, яйранг!

Тоғма-тоғ юриб жанг қила кетдилар. Маърака бошланиб

¹ Сагайдачний деган лақаб олган Петр Конашевич Украина гетмани, яъни поднохи эди.

ўлим бовори қизнди, қиличлар ўйнади, тиғлар сакради. Отлар хангиллаб ҳар тарафга чопиши, фавгодан бош гаранг бўлди, тутун кўзни кўр қилди. Ҳамма аралаш-куралаш бўлиб кетди, лекин казак, дўст қаерда, душман қаерда, билади. Вижиллаб келган уки отликин отдан учиради, қиличининг зарбаси бошларни узади, узилиб тушган бош филдираб, думалаб кетади.

Оломон ичида Данило бекнинг тепаси қизил бўрки кўринади, яшил чопони устидан боғлаб олган заррин камари кўзга чалинади, чора отининг ёли тўзиб ўйнайди. Починдек ҳар тарафга парвоз қилади, наъра уриб Дамашқ шамшири билан ўнг-сўлни уради, чопади! Казак йигити чоп, кес, жавлон ур, армонинг қолмасин, лекин олтин-кумушга, кимхоб чопонларга назар солма, олтин-кумушни, жавоҳирларни оёғинг остига олиб бос, паймол эт! Мард йигит, армонинг қолмасин, жавлон уриб кол. Аммо кетингга ҳам қараб қўй, нобакорлар уйларга ўт қўйиб ҳуркиган молларни ҳайдаб кетдилар. Бундан хабардор бўлиб колган Данило қайрилиб йилдиримдек етиб келди. Қизил бўрки ўйининг олдида кўриниб колди, дуч келганини қириб борар эди.

Икки томон бир соатмас; икки соатмас, кўп жанг килдилар. Икки томондан ҳам одам кам қолди, лекин Данило ҳали чарчагани йўқ. Узун найзасини кимгасуқса отдан йикитади, пиёдаларни оти туёғи билан эзади. Ҳовлига кирганларни қириб битирди, ляхлар тум-тарақай бўлиб кочиштилар Казаклар ўлганларнинг зарбоп кийимларини, қимматбаҳо аслаҳаларини ечиб олмоқдалар. Данило бек душман орқасидан қувламоқ учун йигитларни чакирмок бўлиб қайрилиб қаради... Қаради-ю, ғазабига чидамади. Катеринанинг отасига кўзи тушди. Тог тепасида туриб уни милтиқ нишонига олмоқда. Данило отини тўппа-тўғри унинг томонига сурди... Ҳой казак, ажални йўқлаб кетяпсан!.. Милтиқ отилди-ю, жодугар кўздан фойиб бўлди. Қип-қизил алвон тўнига, ғалати бўркига вафодор Стецьконинг кўзи тушиб қолди, холос. Данило гандираклаб ерга йикилди. Садоқатли йигити Стецько юргурганча келса, беги ерда ётипти, кўзлари юмук, кўкрагидан қип-қизил қон тирқираб турипти. Лекин вафодорининг келганини пайқади шекилли, оҳистагина кўзини очди. Жавдираб:

— Стецько, алвидо, Катеринага айт, ўклимни етим килмасин! Садоқатли ёларим, сизлар ҳам уни ёлғизлатиб қўйманг! — деди-ю, кўзини юмди. Марднинг жони асил танасини ташлаб кетди, лаблари кўкарди, уйғонмас уйқуга кирди.

Вафодори фарёд уриб ишора билан Катеринани чақирди:

— Бери кел, бекам, кел бери, бегингдан айрилдинг, маст бўлиб ётипти тупрокда, бу мастликдан эди ҳушига қелмас!

Катерина икки қўли бир тепа бўлиб, ўроқ билан ўрилгаңдек эри жасади устига йикилди. «Ошиким эрим, кўзларингни юмб ётган сенмисан, азиз шунқорим, тур ўрнингдан, қўлингни узат

менга, бошингни күттар, Катеринангга бир бок, лабларинг кимирласин, бир оғиз сўзингни эшитай!.. Нега индамайсан, шамчиригим эгам! Қора денгиз сувидек кўкарибсан, дилинг урмайди, нафаснинг чиқмайди Баданинг нега бундай совук. Кўзёшларимнинг ҳарорати йўқми, баданингни иситмайдими? Йиғим овози қулогингга кирмайдими, уйғотмайдими сени. Аскарингга энди ким бош булур? Қора отингни ким минур, ким наъра тортиб, ким қиличингни ўйнатур? Казак йигитлари, давлатингиз, номусингиз, шаън-шавкatingиз қани? Кўзи юмилиб ерда ётипти. Кўминг, кўминг мени ҳам унга қўшиб, кўзларим тупроққа тўлсин. Оппоқ сийнамга тобут тахтасини ташланг, ҳусним керакмас энди менга!

Катерина йиғлаб ҳасрат ичидаги куйиб ўртамокда, аммо узокда чанг кўтарилиди. Ясовулбоши Горобець от чопиб келаётир.

X

Ҳаво сокин чоғларида Днепр ажаб хушманзара бир дарё Тошқин сувлари тоғ-тошлар орасидан, ўрмонзорлардан ўтиб жимжит оқиб боради. На гуруллайди, на шовуллади. Дарё сувига тикилиб қараб турган одам викорли бу дарёнинг суви оққанини ҳам, жим турганини ҳам билмайди, дарё эмас, котиб қолган бир шиша. Кўкаламзорлар орасидан айланима бўлиб ўтган эни бенихоя, буйи бепоён ойнадек текис йўлга ухшайди. Бундай чогларда шу хушманзарага иссиқ офтобининг ҳам суки тушиб, шишадек совук сувга, кирғокдаги дараҳтларга шуъладек наизалар отади дараҳтзорлар ёришиб кетади. Даладаги чечаклар билан бирга дараҳтлар ҳам яшил кокилларини ёйиб сувга энгашар, сувга боқиб ўз ҳуснларини сувга солиб томоша қилиб тўймас ва барглари билан имо қилиб табассум ила кулишар эдилар. Дарёнинг ўртасига қарашга уларда ҳад йўқ; бу ерларга офтоб билан кўм-кўк осмондан бошқа ҳеч кимсанинг кўзи тушмайди. Ундай-бундай күш ҳам бу ерларга боролмайди. Ер юзида Днепрдек ясанган басавлат дарё йўқ. Ёз чоғининг илиқ кечаларида одамзоддан тортиб даррандаю чарранда ва паррандалар бариси оромга кириб, ёлғиз тангрининг ўзи шукух билан еру кўкни томоша қилиб, зарбоп тўннинг этагини дабдаба билан елпиган пайтларда ҳам, бу дарё ажаб ғўзаладир; тангрининг этагидан юлдузлар сочилур, сочилган юлдузларнинг нури оламга таркалиб, барчасининг акси сувда кўринар, барчасини дарё оғушидан саклар, осмонда туриб сўнмаса, биттаси ҳам унинг оғушидан чиқиб кетолмайди. Гала-гала қарғалар қўноғи оулган коронги дараҳтзор, ёрилиб-ёрилиб кетган кўхна тоғлар дарё устига энгашиб, лоақал узун-узун кўланкалари билан унинг юзини ёпмоқчи бўладилар, лекин бекорга уринадилар! Днепрнинг сувига копқоқ бўлғундай нарса оламда йўқ. Унинг сувлари тун-кун баравар кум-кўк шишадек ёйилиб викор билан окур, инсон кўзи илғаганча жойдан кўринур Туннинг совуғидан

қочиб, нозу карашма билан қирғоқ бағрига кирмоқ истайди, эгри қиличдек қайрилганда күмүшдек тобиш уриб товланиб кетади, бир товланади-ю, яна күм-күк күкариб тинади, үйқуга толади. Днепр тинган жойида ҳам гүзәл, унга тенглашадиган үзға бир дарё оламда йўқ! Осмонни кора булутлар қоплаб, коронги ўрмондаги дараҳтлар илдизигача қимирлашганда, чинор дараҳтлар кирсиллаб, булутлар орасида чаққан чақмок ер юзини ёритган чогларда, Днепр даҳшатли бўлур! Дарёning суви алғоқ-далғоқ чайқалиб қирғоққа келиб уради, ярқираб, ҳайқирганча кетига кайтади, чинқириб йиғлайди, ёйлади. Ўғлини аскарликка жўна-таётган кампир онадек аламига чидаёлмай фарёд уради. Ўғли кора отга миниб, фурурлик, шўхлик билан, бўркини яримта қилиб, белини ушлаб боради, аммо шўрлик онаси фарёд кўтариб орқасидан югуради, узангисига ёпишади, юганидан ушлайди, карсак уриб, ҳасрат ёшини тўкиб қолади.

Куйиб кўмир бўлган тўнкалар, дўнгак қирғоқдаги тошлар бир-бирини қувалашиб келаётган тўлқинлар орасида танҳо корайиб турадилар. Дарё бўйига якни келган қайиқ гоҳ баланд кўтарилиб, гоҳ настга тушиб қирғоққа уради. Кўхна Днепр шўришга келганда қайиққа тушган мард ким экан? Бундай чоғларда дарё одамни пашшадек ютишидан бехабар чиқар.

Қайиқ сув бўйига келиб тўхтагач, ундан жодугар чиқиб келди. У хафа, казакларнинг ўлган бекларига мотам тутиб қилган азалири унга кўп алам етказди. Ляҳлардан кўп киши кирилди. Шопшалоп таққан, кимхоб кийган улуғларидан қирқ тўрт киши ўлди, йигитларидан ўттиз уч киши қиймаланди. Қолганларини от-уловлари билан банди килиб, татарларга сотгани олиб кетдилар.

Жодугар тошдан-тошга сакраб, куйган тўнкаларни оралаб пастидаги ер бағрини ёриб қилган уйнга келди. Эшикни ғирчиллатмасдан оҳистагина очиб ичкари кирди, дастурхон ёзиғлик столга кўзачасини кўйиб, узун-узун қўллари билан унга ғалати гиёҳлардан ташлайверди; кейин ажабтовур ғалати ёғоч косани қўлига олиб шивирлаб, дуо ўқиб дам ургач, бу коса билан кўзачага сув қуяверди. Шу онда уйда қизил шуъла пайдо бўлиб, жодугарнинг башараси хунук баднома бўлиб кетди. Юзидан кип-қизил қон томар, буришган-тиришган ажинлари тарам-тарам корайиб кетди. Нопок малъун! Соқоли оппоқ, бетлари ажин босган, узи қотиб-куришиб кетган бўлса ҳам нобакорлигини ҳануз қўймайди. Уйнинг уртасида оқ булутга үхшаган бир нарса пайдо бўлди, иблиснинг чехраси очилиб кулгандай бўлди. Бироқ нега тағин оғзини очганча қотиб қолди, қимирлашга мажоли йўқ. Бошидаги соchlари нега тиккайди? Унинг олдида турган оқ булутда аллакимишинг хушрўй юзи кўринди. Чакирилмаган, чарланмаган бу меҳмоннинг юзи тобора равшан тортиб аник кўринди. Қўзлари жодугарга ўқдек қадалди. Унинг афти, қоши-қўзи, лаблари

Барчаси унга ёт, танимайды. Бу суратни умрида ҳеч күрган эмас. Унча күркىнчи ҳам эмас, лекин унинг күнглига даҳшатли бир изхима тушди. Булут ичидаги у танимаган чиройли сурат унга тикилганча қимирламасдан тек турар эди. Булут тарқалиб ҳам кетди, лекин жодугар танимаган бу суратнинг қиёфаси яна равшан тортиб аниқлашди. Ўткир кўзлар унга тикилганча қолаверди. Жодугарнинг ранги ўчиб бўзарди. Даҳшатли бир овоз билан бўкириб кўзачасини ағдариб ташлаган эди, кўринган нарса бир насида гойиб бўлди.

XI

Кекса ясовул боши Горобець:

— Ўзингни нотинч қилма сийним, туш ахёнда бир тўғри чиқмаса, тушнинг эътибори йўқ,— деган сўзларни айтур эди.

Унинг ёш келинчаги:

— Ёт синглим, дуохон кампирни чақириб келай, унинг дами жуда ўткир. Дам уриб қайтарик қилиб қўяди,— дерди.

Ясовул бошининг ўғли бўлса қиличига даст уриб:

— Ҳеч қўркма, ҳеч кимнинг ҳадди йўқ сени хафа қилгани!— дерди.

Катерина индаёлмасдан сўник кўзларини жавдиратиб, ҳаммага бир-бир термулар. «Ўзимни ўзим ҳалок этдим. Уни чиқазган ўзим» дер эди. Кейин бир пас туриб:

— Менга ҳеч тинчлик бермайды! Киевга келганимга мана ўн кун бўлиб қолди, лекин ғамим зигирча ҳам камаймади. Бунда тинчгина ётиб, ўч олмоқ учун ўғлимни тарбиялайман, деган эдим... Тушимда уни кўркىнчи ҳолатда кўрдим! Бундай тушни худо ҳеч кимга кўрсатмасин, юрагим ҳалигача ўйнайди. «Менга тегмасанг ўғлингни сўяман»— деб бакирди. Катерина ҳўнграб йиғлаганча бешинка ёпишли, чўчиб кетган гўдак ҳам қўлини чўзиб йиғлади.

Ясовул бошининг ўғли бу сўзларни эшишиб, ғазабига чидаёлмай кетди. Ясовул боши Горобецнинг ҳам фигони ошди:

— Қани, лаънати иблис келиб кўрсан-чи, кекса казакнинг билагида қуввати бор-йўклигини кўрар,— деб қўйди. Сўнгра узокни кўрган ўткир кўзларини осмонга тикиб: Оғам Данилога қўмаклашай деб, жадал билан келганимни худонинг ўзи кўриб турнити! На килай, худонинг ҳоҳиши шу экан. Ёстиғи куриб, тўшаги совуганда келдим. Казак ҳалқидан кўп кишилар бу совук тўшакка кирган, лекин унинг жанозасидек дабдабали жаноза бўлганми? Ляхлардан биттаси омон қолдими? Тинчнингни бузма, бутам! Мен тирик борман, ёнимда ўғлим бор, ҳеч ким сенинг бир тола мўйингни ҳам қилолмайди.

Ясовул боши бу гапларни айтиб бешик тепасига келди. Бола унинг камариға осилган кумуш қоплама трубасини, чақмоқ

ҳамёнини кўрган, кулиб кўлини узатди. Ясовулбоши белидаги трубкасини олиб, гўдакка узатаркан:

— Отасининг ўрнини босади, йўргакдан чиқмай туриб, трубка чекмоқни ҳавас қиляпти,— деди.

Катерина оҳистагина уф тортиб, беланчакни тервата бошлади Бу кеча ҳаммалари шунда қолмоқчи бўлиб, бирпасдан кейин ётдилар. Катерина ҳам уйқуга кирди.

Ичкарию ташқари, ҳамма ер жимжит. Посбон турган йигитлардан бошқа ҳамма уйқуда. Бир маҳал Қатерина чинқириб уйғониб кетди. Бошқалар ҳам уйғондилар. Қатерина бешик тепасига келиб, «ўлдирипти, сўйиб кетинпти!» деб додлади. Ҳаммалари йиғилишиб бешик тепасига келдилар, бешикда ётган боланинг ўлганини кўриб, ҳамманинг эс-хуши чиқиб кетди. Мисли кўрилмаган бундай баттоллик ва бундай ваҳшийликка нима дейишларини билмай, ҳайрон бўлиб котиб колдилар.

XII

Украина тупрогидан узокда, Польшадан ошиб ўтиб улуф Лемберг шаҳридан ҳам ўтгач, қатор-қатор баланд тоғлар келади. Бу тоғлар, гўё тошдан тўқилган занжирдек, ерни ўнг-сўлдан ўраб, доим шўришда турган тўполон денгизнинг сувидан ерни қўриклаб турган тош қалъадир. Тоғ Валахия билан Седмиград ўлкасигача бориб, галич халқи билан венгер халқи ўртасида катта такага ўшаган силсила ҳосил қилади. Бизнинг юртимиизда бундай улуф тоғ йўқ, тепасига кишининг кўзи етмайди, баъзи чўққиларига одамзод оёқ босган эмас. Ажаб ғалати манзараси бор. Бўрон туриб довул бошланганда, шўх дарё тўполон қилиб, соҳиллардан ошиб, ҳайбатли тўлкинларини осмонга ирғитган-у, улар тошга айланиб, осмонда муаллак қолганмикин? Ёки осмондаги ҳайбатли булатлар узилиб, ерга тушганимикин? Чунки бу тоғлар ҳам булатдек ок, чўққилари қуёшдан ўйлтираб, жимиirlаб товланади. Карпат тоғларига етгунча рус тили кулокқа киради. Тоғдан ўтгач ҳам унда-бунда эшиитилиб қолганда қулокқа хуш туюлади. Лекин бундан нарига утгач, дин ҳам бошқа, тил ҳам бошқа. Бунда венгер деган улкан эл бор, от минишида, қилич чопишда, ичкиликда казаклардан қолишмайди. Яхши эгар-жабдукка, қимматбаҳо либосларга олтинини аямайди. Тоғ ораларида тошган-ошган улкан кўллар бор. Кўлларнинг суви шишадек тиник, сокин. Тоғларнинг яланғоч чўққилари, сабзазор яшил этакларнинг акси кўл сувида ойнада кўрингандек кўринади.

Тун ярмисида юлдузлар ёришар-ёришмас азамат қора отда бораётган ким? Тоғ-тошлар тагида, кўллар бўйида от чоптириб бораётган бўйи теракдек ботир ким? Кўлнинг сокин сувларида азамат отининг акси кўрингандек, тоғ-тошларга узун-узун ҳайбатли

кўланка ташлаб бораётган ким бўлди? Устида совути йилтираёди, олкасида наизаси, эгар қошида қиличи, дубулғасини босиб кийнб олган, мўйлови қора, кўзи юмук, киприклари тушган, уйкуда, лекин от жиловини кўлидан кўймайди, оркасига бир новжувонни мингаштириб олган, у ҳам уйкуда, баходирни қучоқлаб олган. Ким бўлди бу одам, каерга борур? Ким билсин. Бир кун эмас, икки кун эмас, неча вақтлардан бери тоғма-тоғ ошади. Тонг отиб офтоб фишиши билан ундан асар қолмайди. Тоғлилар гоҳ-гоҳда тоғ багрига тушган узун-узун кўланканни кўрадилар, лекин осмонда булат йўқ, ниманинг кўланкаси бўлди бу? Коронги тушар-тушмас яна пайдо бўлиб, кўл бўйларида кўринади, сояси орқасидан қолмай югуради, тоғ-тошлардан ошиб Криван тоғ тепаснга чикди. Карпат тоғларида бундан баланд тоғ йўқ, ҳаммасидан юксак. Бу ерга чикқанда оти тўхтади, отлик яна қаттиқрок уйкуга кирди, устига булатлар тушиб қоплади.

XIII

«Жим... аста, хотин! Тақирлатма, болам ухлади. Йиглаб-йиф-лаб энди ухлади. Мен, хотин, чакалакка бориб келай! Нега менга бундай қарайсан? Хайбатингни қара, кўзингдан темир сихлар чикъяпти, мунчаям узун, ўтдек ёнади-я! Ажинага ўхшайсан! Ёпраи, жин бўлсанг йўқол кўзимдан, ўғлимни олиб қочма. Ясовулбоши-нинг тентаклигини кўр. Хаёлида Киевда мени ёзилади, ўйнаб-ку-лади деди, шекилли! Йўқ, эрим ҳам, болам ҳам шу ерда. Уйга ким қарайди? Астагина чикиб кетганимни на мушук, на ит билади. Ҳой хотин, ёш бўлмоқчи эсанг қийин эмас. Ўйнасанг, кулсанг бўлгани. Мана менга қара, ўйнашимни кўр...» Катерина бу хил нойма-пой сўзларни айтиб ўйин тушиб кетди. Белини ушлаб олиб, телбалардек ҳар томонига аланглаб, ўйин тушар эди. Фарёд уриб ер тепинар, кумуш нағаллари на мақом, на оҳанг билмай жаранглар, паришон кокиллари оқ томогига чўлганар, бошини сарак-сарак тўлғатиб, кўлларини ўйнатиб, қушдек қанот қоқиб, чарх уриб учар, ҳар дамда куч-кувватдан кетиб ана-ана йиқилгундай ёки бу дунёдан чикиб кетгундай бўлар эди.

Кампир энагаси қайғу ва ҳасратга ботиб ҳайратда турар, юзидағи бурушлари кўз ёшига тўлган. Садоқатли йигитлари ҳам бойвуччаларининг ҳолини кўриб бағирлари эзилар эди. Катерина ҳолдан кетди, турган жойида оёқларини зўрға кўтариб, депсинар, хаёлида ўйнаётгандай эди. Туриб-туриб:

— Йигитлар, менинг маржоним бор, сизларники йўқ!.. — деди. Сўнгра белидаги истамбулий ханжарига қўл уриб: Қани менинг эрим? Эй! Менга керак пичоқ бу эмас! — деб қичқирди-ю, кўзи жиқ-жиқ ёшга тўлди, юзида қайғу ва ҳасрат доғи кўринди.— Отамнинг қалби чукурда, бу пичоқ унга етмайди. Унинг қалби

темирдан. Ялмогиз кампир дўзах ўтида тоблаб берган. Нега ҳалигача келмайди отам, ёки ажали етиб сўйилиш вақти келганини билмайдими? Чамаси ўзи келсни, дейди шекилли...— Сўзини охирига етказмай, ажаб бир овоз чиқазиб кулди.— Фалати бир воқеа ёдимга тушди, эримни тириклийн кўмганлари хотиримга келди. Шундай кулдимки... Ҳой тингланлар! Тингланлар!— деди-ю, гап урнига:

Югуради қонли арава,
Унда ётар бир йигит — казак,
Яраланган, тани дабдала.
Ўнг кўлида килич ярқирок,
Ундан конлар тирқираб томар,
Оқар эди қонли бир анхор.
У анхорнинг ёнида чинор,
Чинорда-чи, қарга қагиллар.
Қазак учун йиглар онаси,
Қўй, йинглама, она, чекма ғам.
Ўглинг хотин олди. Севгиси —
Пан наслидан. Олди ерни ҳам
Такир дала ўртасида уй
На эшиги бор, на деразаси.
Шунинг билан адок бўлди куй.
Қискинчбака баликлла ўйнар..
Агар бирор мени севмаса,
Онасига тегсин марг-бало.

деган қўшиқин айтди.

Кўшиклар ҳам пойма-пой бўлиб кетди. Бир-икки кундан бери ўз уйида, лекин Киевга бормоқ истамайди. Тоат-ибодатни ҳам тарк қилди, одамлардан қочади; эртадан кечгача чакалакмачакалак тентирайди. Шоҳ ва бутоқлар оқ бетини, елкаларини тирнайди, ёйилган сочи шамолда селкиллайди. Оёғи остида хазон бўлган япроқлар шитирлашади, лекин унинг ҳеч нарсага парвоси йўқ. Кеч кириб, офтоб шуъласи сўнган, юлдузлар ҳам чикмаган, ой кўринмаган, лекин дараҳтзорни коронги босиб ваҳима тушган чогда, чўкинмай ўлган болаларнинг арвоҳи дараҳтларга тирмасиб, бутоқларга осилиб нола қилганда, йўл устида, даладаги какра ўтлар ичиди думалашиб юрганда ўз қонига ўзи ташна бўлиб ўзини сувга ташлаган қизлар, дарё тўлқинлари орасидан галалашиб қатор-қатор чиқадилар. Яшил соchlари кифтларига тўкилган, соchlарининг ҳар толасидан жилдир-жилдир сув оқар, баданлари сувдан, шиша кўйлак кийгандек тиниқ кўринади, лабларида хуш табассум, бетлари қип-қизил, фаттон кўзлари жон олғудек... муҳаббат ўтида ёнғудек, чўкинган бирорни кўрса тин

масдан ўпгудек... Э, чўкинган одам! Югур, унинг қошига бор лаблари яхдан, тушаги сувдан; китиклайвериб тинкангни қуритар Дарёга тортиб кетар. Аммо Катерина њеч нарсага парво қилмайди тентак, сув париларидан ҳам кўркмайди, қўлида пичоқ билан ҳар тарафга югуради-елади, отасини излайди.

Эрта билан бир меҳмон кириб келди. Бўйлари келишган, эгнида қизил чакмон, Данило бекни сўради. Бирдан воқеани эшитиб, куз ёши қилиб, енги билан ёшини артаркан, кўп афсус еб ачинди Марҳум Бурульбош билан урушганини хўб сўзлади; Данило бекнинг бошига бундай кулфатлар тушади, деб ким ўйлар эди, деган сўзлар билан дилдорлик кўрсатган бўлди. Меҳмон у ён-бу ёндан гаплашгач, Катеринани кўрмокчи бўлганини айтди.

Катерина аввал бошда меҳмоннинг гапларига сира қулоқ солмади, аммо кейин эси киргандек унинг гапларини тинглади. Меҳмон Данило билан оғайнидек бирга турганини, бир куни кримликлардан кочиб, ғарам тагига яшириңганларини сўзлаб берди. Катерина кўзини ундан олмай сўзини хўб тинглади.

Катеринанинг аҳволига тикилиб турган йигитлар ичларида «Энди тузалиб қолади, бу меҳмон, унинг дардини тузатади, эси кириб гапни тинглаяпти!» дер эдиллар.

Меҳмон сўзини айлантириб келиб: «Бир куни Данило билан ҳасратлашиб ўтирганимизда, оғайним Копрян, қазом етиб дунёдан ўтсам, хотинимни сен олгин, майли сенга хотин бўлсан деган эди». деди.

Катерина даҳшат билан унга тикилиб қаради, кейин: «Хабилдим, отам экан!» деб қичқирдию, қўлида пичоқ билан унга югуреди.

Меҳмон пичоқни Катерина қўлидан юлиб ололмай, кўп уринди Кейин алоҳа тортиб олди-ю, урди. Даҳшатли бир ҳодиса бўлди, ота эсидан ажраган қизининг қонини тўқди.

Фафлатда колган йигитлар уни тутмоқчи бўлдилар, лекин жодугар аллақачон отига миниб кўздан ғойиб бўлган эди.

XIV

Киев шаҳарининг орка томонида қулоқ эшитмаган ажиб ҳодиса бўлди. Шаҳарнинг катта-кичик улуғлари, ҳаким ва беклари бу ҳодиса томошасига чиқдилар. Вокеа шуки, дунёнинг тўрт томони очилиб, ҳамма ёқ кафтдек равшан кўриниб қолди. Узокда кўм-кўк кўкариб Лиман кўринади, Лимандан нариёғи бепоён Қора дengиз. Кўпни кўриб кўзи пишган кишилар денгиздан тоғдек юксалиб турган Кримни, тўқай босган Сивошни ҳам танидилар. Чап томонда Галичстон ерлари ҳам кўриниб турипти.

Томошага чиққан ҳалойик узокда, осмоён баравар юксалиб, булутга ўхшаб оқариб турган нарсани кўрсатиб кексаларидан-

— Ха анави нимади? — деб сўрардилар. Кексалар:

— Карпат тоғи. Қори сира эримайдиган, булутлар қўниб ўтадиган баланд чўққилари бор, — дердилар.

Шу пайтда яна бир ажойибот кўринди. Тоғнинг баланд чўққисидаги булутлар таркалишиб, баланд тоғ тепасида совут кийган мусаллаҳ бир паҳлавон от устида кўринди. Яқингина жойда турганга ўхшайди, кўзлари юмук.

Ваҳима ичида ҳайрон бўлиб турган ҳалойиқ орасидан бирор сакраб отига минди, бирор кетимдан кувлаб келаётгани йўқми, дегандек, қўркув ичида тўрт томонга аланглаб, бир пасда отини чоптирганича кетди. Қочган бу одам жодугар эди. Нимадан у бунча қўркиб кетди? Тоғ тепасида кўринган паҳлавонга тикилиб қараб тургач, сехгарлик қилиб турган чоғида пайдо бўлган танимаган одамига ўхшатди. Унга кўзи тутиши билан нега бундай қўркиб кетганлигини ўзи ҳам билмай ваҳимага тушиб, отига минганича, кеч кириб юлдузлар ёришадиган вақтгача тўхтамасдан кетаверди. Бу ҳикматнинг сабабини жоду қилиб билмоқ истади шекилли, кеч бўлгач, уйига кайтди. Йўл бўйига келиб, дарёдан айрилиб чиқкан кичик бир ирмокдан сакраб ўтмоқчи бўлди, лекин сакраган пайтда оти тўхтаб, бошини уриб унга иржайиб қаради. Коронгида ок тишлари ваҳимали кўринди. Жодугарнинг соchlари тиккайиб кетди. Тусатдан бакириб, бирор бўғандек букириб йиғлаб юборди-да, сунгра отининг бошини тўппа-тўғри Киевга бурди. Назарида одамлар уни тутмоқчи бўлиб ҳар томондан кувлаб келаётганга ўхшади. Дараҳтлар ҳар томондан уни куршаб, худди жони бордек, қол-кора соқолларини силкиб, узун-узун шоҳларини чўзиб уни бўғмоқчи бўлганга ўхшарди. Осмондаги юлдузлар унинг олдига тушиб, гўё уни ҳаммага кўрсатиб бораётгандек бирга чопишар эдилар. Бораётган йўл ҳам, унинг изидан кувлаб келаётганга ўхшар эди. Нима қиларини билмай гангиб қолган жодугар, азизларга сифинмок учун Киевга йўл солди

XV

Таркидунё қилиб гор ичида тоат-ибодатга машғул бўлган бир дарвеш олдида кора чироги билан китобидан бош кўтармай ўтирас эди. Неча йилларки ғорни макон этмиш, ётоғи тушак эмас, тахта тобут эди. Бузрук китобини ёпиб, фотиҳа ўқиб турган чоғида, баҳайбат хунук бир одам кириб келди. Бузрук дафъатанига уни кўриши билан ҳазар қилиб, орқасига чиганди, япроқдек титради, кўзлари ола-була бўлиб кетди. Ваҳимали кўзларидан даҳшатли бир ўт чиқди. Келган кишининг баднамо хунук башараси зоҳиднинг баданига ларза солди.

Жодугар:

— Ота, дуо кил! Дуо кил! Имони ҳалок бўлганлар ҳакқига дуо кил! — деди-ю, ерга йиқилди.

Дарвеш чўқиниб китобини очди, лекин қўркиб қўлидан китоби тушди:

— Э баттол, гуноҳкор! Сенга афв йўк, кет бу ердан, йўқол. Ҳакқингга дуо қиломайман!

Гуноҳкор телбаланиб:

— Йўқми?— деди.

— Карагил, муқаддас китоб ҳарфлариға қон қўйилди. Сенек гуноҳкорни ҳалигача дунё қўрмабди!

— Падар, мени масхара қиляпсан!

— Йўқол малъун, осий. Мен сени масхара қилганим йўк, аззойи-баданимга ваҳима тушди. Сен билан бир жойда турмоқ гуноҳдир!

— Йўқ, бекор айтасан, масхара қилганинг рост, ана кўриб турипман, оғзинг очилди. Қемшик тишларинг оқариб қўринди!..

Буни деди-ю, гўё қутурган кишидек бечора дарвешни тутиб ўлдирди.

Дахшатли бир фарёд кўтарилиб, дашт-ўрмонларни ларзага келтирди. Чакалак орқасидан эти суяғига ёпишиб қуришиб кетган, тирноқлари ўсган икки кўл чўзилиб чиқди-ю, силтаб-силтаб гойиб бўлди.

Жодугарнинг қўрқуви, ваҳимаси қолмади. Назаридা оламни хира босди. Худди маст кишидек караҳт, боши гангиб қулоги шангиллар, нимаики бор ҳамма нарса парда ичиде яширингандек гира-шира қуринар эди. Сакраб отига минди. Черкасистондан ўтиб, тўппа-тўғри татарлар юрти Кримга бормоқчи бўлиб, Қанев шаҳрига қараб йўл солди, лекин нега бу йўлга кирганини ўзи ҳам билмас эди. Икки кун йўл юрди, аммо шаҳарга етмади, йўлдан адашгани йўк, бас аллақачон етиши керак эди, лекин шаҳар ҳануз қўринмайди. Олисдан бутхоналарнинг гумбазлари йилтираб қўринди, лекин қўринган бу шаҳар Қанев эмас, Шумск шаҳри эди. Жодугар бошка йўлга кириб кетганини билиб, ҳайрон бўлиб отининг бошини Киев томонига бурди. Куни билан йўл юриб бир шаҳарга етди, қараса Киев эмас, балки ундан ҳам узокдаги венгерлар юртига яқин Галич шаҳри экан. Нима киларини билмай кетига қайрилди, лекин яна қараса тескари томонга кетяпти. Бу пайтда жодугарнинг кўнглидан кечганларин айтиб берадиган одам дунёда йўқ чиқар. Агар бундай одам бўлса-ю, жодугарнинг дилига қараб, унда кечётган ҳолларни билса, кўзига уйқу ҳаром бўлар, умрида ҳеч кулмас эди. Унинг дилида бу чогда уйғонган туйғула қаҳру газаб ҳам эмас, қўркув ҳам эмас, афсус-надомат ҳам эмас. Бу туйғуларни ифода қилгудек сўз дунёда йўқ. Ул куяр, ёнар, ўртаниар, рўйи заминни оти оёғи остида поймол қилгиси келар, Киевдан то Галичгача юрту оламнинг барчасини даст-панжасига олиб, барча одамлари билан бирга Қора денгизга ташлаб ғарқ қилгиси келар эди, лекин аламига чидаёлмаганидан эмас. Йўқ, бу туйғу-

ларнинг сабабини ўзи ҳам билмайди. Бир маҳал қараса Карпат тоғларига ёвук келиб, булутдан қалпоқ кийган Криван тоги этағига келиб қолинти, минганди эса сира тұхтамай тоғ орасига кириб боряпти. Тоғ тепасидаги булутлар тарқалишиб кетди. Тоғ тепасидаги отлиқ паҳлавон маҳобат билан турилти. Жодугар отини тұхтатмоқ бұлиб күп уринди, лекин от жиловини ҳар қанча тортса ҳам ҳангиллаб, ёлині диккайтириб паҳлавон турған ёққа югромыда. Жодугарнинг мажоли қолмай тинкаси қуригандай бўлди. Жим турған отлиқ паҳлавон қимирлаб, юмуқ кўзларини очгандай ва от чоптириб келаётган жодугарни куриб кулиб юборгандай бўлди. Унинг кулгуси гўё кўк гумбирлагандек тоғу тошларни титратди, жодугарнинг ичи-ташини қалтиратди. Унинг назарида зўр бир паҳлавон ичига кириб, бафрини, қон томирларини болға билан ураётгандай бўлди... Паҳлавоннинг кулгиси уни шундай ваҳимага солди.

Тоғ тепасида турған отлиқ паҳлавон азамат қўлини узатиб жодугарни осмонга кўтарди. Бир дамда унинг жони чиқиб ўлди ва ўлгач кўзи очилди, лекин энди жонсиз қуруқ жасад, кўзида ҳам нур йўқ. Қараши шундай хунуқки, тирик ҳам, ўлиб тирилган ҳам бундай қарамайди. Руҳсиз ўлик кўзларини ҳар тарафга аланглатиб қаради, Киевгами, Галич томонгами, Карпатгами қайси томонга қараса, ҳар ёқда ердан бош кутариб чиққан ва ҳаммасининг башараси унинг ўзига ўхшаган ўликларни кўрди.

Бўйлари бир-биридан баланд, бир-биридан баттар бўзарган қоқ суюк ўликлар ҳар тарафдан йигилишиб, даҳшатли жасадни қўлида кўтариб турған отлиқ паҳлавонни қуршаб олдилар. Паҳлавон яна кулиб, қўлидаги жасадни жаҳанинамга ташлади. Ўликлар ҳам дарҳол унинг орқасидан тушиб, жаҳаннам қаърига етгунча қўймай йўлда тутиб, тишлари билан гажий бошладилар. Ҳаммасидан новча, ҳаммасидан баҳайбат яна бир ўлик ердан чиқмоқчи бўлди-ю, лекин ҳар қапча уринса ҳам чиқолмади, ергашу қадар кириб кетган эди; мабода ердан чиқса Карпат тоғини ҳам, Седмиград билан турк тупроғини ҳам ағдар-тўнтар қилиб ташлар эди. Андаккина қимирлаганидан ер юзи титради, кўп ерларда уйлар йиқилди, кўп одамлар том тагида қолди.

Карпат тоғида аксари, худди бир неча минг тегирмон парраги айланастгандек гувиллаган овоз эшитилди. Одамзоддан ҳеч ким кўрмаган, ҳамма ваҳимасидан кўркиб нарирокдан ўтиб кетадиган бу тагсиз жаҳанинамда ўликлар жодугар жасадини гажийдилар. Тоғдан чиқкан даҳшатли гувиллаган товуш шундандир. Гоҳда ер қимирлаб, ер юзи мағрибдан машриқкача ларзага келди; муллалар айтадиларки, шўр дарё бўйида бир тоғ бор эмиш, бу тоғдан ўт чиқиб дарёдек оқар эмиш. Аммо Венгрия ва Галич ўлкасида турған кексалар буни яхшироқ биладилар, бояги баҳайбат ўлик ер бағридан чиқмоқчи бўлиб қимирлаганда зилзила бўлармиш.

Глухов шахрида дўмбирачи бир кўр мўйсафиднинг атрофига ҳалк тўпланиб, бир соатдан бери унинг дўмбирасини эшитмоқда. Ҳеч дўмбирачи ӯшандай яхши куйламайди, ӯшандай яхши айтолмайди. Аввал Сагайдок ва Хмельницкийлардан бурун ўтган гетманлар замонидан ўқиди. У замонлар бошқача эди, казакларнинг донги чиққан, душманлар улар оёғи остида поймол бўлган, ҳеч ким уларга тил теккизолмайдиган замон эди. Сўнгра чол бошқа қувиоқ кўшиклар ҳам айтиб берди. Куйларкан, соғ кишидек кўзларини йиртиб-йиртиб одамларга қаар, нохунлик¹ бармоқлари торлар устида пашшадек йўргалар, тамбурнинг торлари ўзи чалинаётганга ӯхшар эди. Дўмбирачини курсаб ўтирганларнинг кексалари бошларини куи солиб пинакда ўтирас, ёшиланглар эса дўмбирачи чолга маҳлиё бўлиб, чурк этмасдан жим ўтирас эдилар.

Шошмай туринглар, бурунгининг ишларидан айтиб берайнин,— деди чол. Ўтирганлар силжишиб, дўмбирачига яқин ўтириб олдилар. Чол достонини бошлади:

«Седмиград князи Степаншоҳ полякларга ҳам подшолик қилган замонда икки ботир бор эди. Бирининг оти Иван, бирининг оти Петро. Иван билан Петро оға-инидек эдилар. Бир кун иккови нимаики топсак ўргада бўламиз. Хафаликни ҳам, хурсандчиликни ҳам баравар кўрамиз, бошимизга қайғу тушса баравар тушсин, ўлжа туширсак баҳам кўрайлик; биримиз банди бўлиб қолсан, биримиз бор-йўғимизни сотиб, ажратиб олайлик ёки бўлмаса банди тушган қаторида банди бўлиб кетайлик деб, ўртада аҳду паймон қилишдилар. Аҳдларида туриб ниманки топсалар бўлнишдилар, бироннинг молини ҳайдаб кетсалар, отини олиб қочсалар ҳам ўртада тақсим қилдилар.

* * *

«Степаншоҳ туркларга уруш очди. Уч ҳафта жанг қилиб ёвни юртидан ҳайдайлмади. Туркларнинг бир подшоси бор эди, ўн янгичари² билан бир кўр аскарнинг қиронини келтиради. Степаншоҳ, кимки турк подшосини тириклиайн тутиб келса, ёки бошини олиб келса жами аскарнинг маошини ҳадя қиласман деб жар чақиртириди. Иван ботир Петрога қараб подшони тутиб келмаймизми, деди. Икки ботир икки томонга турк подшосини қидириб кетдилар.

¹ Нохун — тамбур чалганда бармоқка такиб оладиган узук.

² Янгичари — Туркия сultonлигига бўлган имтиёзли пиёда аскар.

Петро подшони тутармиди, йўқми, лекин Иван подшони тутиб, бўйнидан аркон боғлаб, Степаншоҳнинг ҳузурига келтирди. Степаншоҳ курсанд бўлиб:

— Баракалла, ботир!— деб жами қўшинга бериладиган маош берилсин деб амр қилди. Қаердан хоҳласа ер берилсин, хоҳлага-нича мол берилсин, деди. Иван, подшоҳдан олган барча инъомларининг ярмини дарҳол Петрога бўлиб берди. Петро подшодан бўлган инъомларнинг ярмисини олди-ю, лекин Иваннинг подшодан бундай иззат-хурмат кўрганига чидаёлмай алам қилиб кунглига тушиб қўйди.

* * *

Икки ботир Карпат тоғидан нарида подшоҳ инъом қилган юртга жўнадилар. Иван ўғлини отга мингаштириб орқасига боғлаб олди. Кун ботиб коронғи тушди, лекин ботирлар тўхтамай кетаёттилар. Иваннинг боласи ухлаб қолди, ўзини ҳам мудрок босди. Ботир йўлга чиксанг ухлама, тоғ-тошларда хатар кўп!.. Аммо ботирнинг оти эгасини дармонда қолдирадиган от эмас, йўлдан адашмайди, тоймайди. Тоғ орасида бир жарлик бор, унинг тагини одам боласи кўрган эмас; ер билан осмон ўртаси канча бўлса, унинг таги ҳам шунча. Жар ёқасига тушган йўлга икки отлиқ сифса, сифади-ю, лекин учтаси сифмайди. От устидаги мудрок босгани эгаси билан аста-секин одимлаб боради. Ёнбошида Петро суюнганидан нафаси ичига тушиб қалтирайди. У ён-бу ён қараб, аҳд-паймонлашган оғасини итариб юборди. Иван от-поти, орқасидаги ўғли билан жарга қулаб кетди.

Аммо Иван ботир бутокни ушлаб осилиб қолди, оти думала-ганча кетди. Орқасида боласи билан тирмашиб, юқорига чиқмокчи. Чиқишига озгина қолганда бошини кутариб караса, Петро найза билан яна итариб юбормокчи бўлиб турипти. «Э, одил худо! Кошки бошимни кутариб юқори қарамаган булсам, қадрдон оғамнинг мени жарга итармоқ бўлиб найза ўқталганини кўрмас эдим. Жон оғам, пешона экан, майли, найзангни сук, лекин ўғлимни ёнингга ол, гўдакнинг гуноҳи йўқ, бундай азоб билан ўлмасин!» деди. Петро хохолаб кулди-ю, найзаси билан туртиб юборди, Иван орқасидаги боласи билан жар тагигача думалаб кетди. Петро ҳамма дунёга эга бўлиб подшодек майшат кечирди. Йилқиси ҳамманикidan кўп эди, қўйларига саноқ йўқ, бир кун ажали етиб у ҳам ўлди.

* * *

Петро ўлгач, худо икки оға-инининг арвоҳини қошига чақириб қозилик қилди. «Бу бандамнинг гуноҳидек оғир гуноҳ йўқ! Иван, бунга нима жазо беришимни билмайман, ўзинг гуноҳига яраша

бир жазо топ!» деди худо. Иван ўйлаб алоҳа топди. «Бу бандангдан менга кўп алам етди. Аҳду паймонини бузиб, ўз кадрдонаига хиёнат қилди, менинг зурриётимни қуритди, дунёда уриғим қолмади. Ҳалол зурриёти бўлмаган одам ерга сепилган ва лекин уимасдан чириб кетган тухумдир. Экилган тухум униб чикмаса, тухум экилганини ким билсин, деди у.

Худойим! Бу бандангга шундай жазо бергинки, унинг уруғи ер юзида бадбаҳт бўлсин! Авлодининг охиргиси дунёда тенги бўлмаган жаллод бўлсин, ҳар гал бировга зулм килганда, отабоболари гўрда тинч ётолмай, азоб-уқубатга чидаёлмай, гўрларида чиқсинглар! Хонн Петронинг ўзи гўридан сира чиколмай қийналсан, қутургандек ери ғажиб, тиришиб ётсан!

Бу банданг қилган зулмларига жазо топадиган вакти етганда отим билан қулаган жардан мени баланд тоғ тепасига чиқаз, бунда қошимга келсин, мен уни жаҳаннамга итарай, ўлган ота-боболари қаерда ўлган бўлсалар, ҳам йиғилишиб келсинлар, уларни бунча азоб-уқубатга қолдирганлиги учун унинг суюгини доим ғажисинглар! Ҳиёнатгар, Петро ер панжасидан қутуломасдан, аламига чидаёлмай ўзини-ўзи ғажисин, юлсин-юлқисин, суюклари борган сари ерга кирсин, бундан баттар қийналсан. Ана шу азоб унинг учун энг яхши жазодир, чунки одам боласига учини ололмай, муродига етолмай қийналишдан баттар азоб йўқ»

* * *

«Бандам, хўб ёмон даҳшатли жазо топдинг,— деди худо.— Нимаики дединг бўлсин, аммо сен ҳам отингдан тушмасдан қиёматгача шу ерда турасан, отингдан тушмагунча сенга ўлим йўқ!» Худо нима деган бўлса бу ҳам бўлди. Отлик паҳлавон Қарпат тоғида ҳали ҳам бор. Тагсиз жарнинг қаърида бировнинг танасини ғажиб ётган ўликларни томоша қилиб туради, ер панжасидан чиколмасдан қийналиб ётган ўлик ўз суюкларини ўзи ғажиётганини томоша қиласди. Азоб ичиди ётган ўлик қимирлаганда ер юзида зилзила бўлади...»

Кўр дўмбирачи сўзини тамом қилиб дўмбирасини бас қилди. Чол дўмбирасини яна қўлга олиб мазак чўпчаклардан, икки лашдавур, ойначи серкадан ўқиб кетди... лекин ёшу қари ҳамма ҳали ҳам хушига келмай, бошларини қўйи солиб, бурунгига бўлган ваҳимали ишлардан хаёл суриб ўтирад эдилар.

ИВАН ФЕДОРОВИЧ ШПОНЬКА ВА УНИНГ ХОЛАСИ

Бу можаронинг ўз можароси бор. Буни бизга Гадячдан келган Степан Иванович Курочка сўзлаб берди. Шунисини айтиб қўяйки, эсарлигимни айтган билан адо қилиб бўлмайди, бирор гапирса-гапирмаса барибир ғалвир билан сув кўтаргандек. Бу нуқсонимни билганимдан атайнин дафтар қилиб ёзиб бернинг, деб сўрадим. Саломат бўлсин, ҳамиша менга муруеввати яхши эди, илтимосимни қайтармай ёзиб берди. Дафтарни мени кичкина ғаладонимга солиб қўйган эдим. Шундайгина эшикдан кираверишдаги ғаладонимни кўргандирсиз, деб ўйлайман... Э, сиз менинига ҳеч борганингиз йўқ-ку, ёдимдан чиқипти. Ўттиз йилдан бери бирга умр қилиб келаётган кампирим ҳеч савод ўқиган эмас, айни яшириб бўладими. Бир кун қарасам, қачонки сомса қиласидиган бўлса қофоз ишлатади. Ҳурматли ўкувчилар, шуни айтиб қўяй, кампирим сомсага ниҳоятда уста, шундай пазандаки, бундай ширин сомсани ҳеч қаерда еган эмассиз. Бир кун пишган сомасининг тагига қарасам хат тушиб қолипти. Дарорв қўнглимга келди, ғаладонимни очиб қарасам дафтарнинг ярмиси ҳам қолмапти! Ҳаммасини кампирим сомсага ишлатиб қўйинпти. Нима килай? Караган чоғимда хотиним билан уришиб ўтирайми.

Ўтган йил Гадячга йўлум тушаб қолган эди. Степан Ивановичдан сўраб олиш эсимдан чиқмасин деб, шаҳарга етмасдан йўлда рўмолчамга тугун солиб қўйдим. Бунга ҳам қаноат қилмай, шаҳарга борганимда тушкурсам дарҳол ундан бу можарони сўраб олай, деб қўнглимга тугиб ҳам қўйдим. Лекин ҳаракатларим беҳудага кетди, шаҳардан ўтиб анча боргач, тушкурдим, рўмолчамни олиб бурнимни ҳам қоқдим, ҳаммаси эсимдан чиқиб кетибди. Шаҳардан чиқиб олти чакиримча йўл юргандан кейин ёдимга тушиди. Ноилож, ҳикоянинг охири бўлмаса ҳам, бостиридим. Мабодо бирор ҳикоянинг охирини ҳам билмоқчи бўлса, Гадяч шаҳрига бориб Степан Ивановичдан сўраса бўлади. У киши бажонидил қабул қилиб, ҳикоянинг бошдан оёғигача қайтариб сўзлаб беради. У кишининг уйини сўрасангиз фишт бутхонанинг шундайгина ёнида. Бу ерга борсангиз кичкина тор кучা бор, шундокқина муюлишда иккинчи ёки учинчи дарвоза, осонроғи шуки, узун ходага бедана осиб қўйган ҳовлини курсангиз шунга кира беринг. Яшил юбка кийган семиз хотин чиқади (шунисини ҳам айтиб қўйсан ёмон бўлмайди, у киши бўйдоқдирлар). Бозорда дуч келиб қолсангиз ҳам ажаб эмас, чунки ҳар куни эрталаб соат тўққизгача бозор қилиб, овқатлари учун балиқ, ҳар хил сабзавот харид қилиб келадилар. Антип ҳазратни кўриб қолсалар ёки бозор ижаракиси жуҳуд дуч келиб қолса гаплашиб қола-

дилар. Құрсанғыз даррөв танийсиз, чунки у кишидан бошқа ҳеч ким олача иштон, хитой малла түі киймайды. У кишининг яна бир аломати шуки, юрганда құлни силкиб-силкиб юради. Бу шахарнинг додхөхі бұлған мархұм Денис Петрович у кишини олисдан күриб қолса ҳам дарров таниб:

— Ана, елтегірмөн келяпти! — дер эди

1

ИВАН ФЕДОРОВИЧ ШПОНЬКА

Иван Федорович Шпонька амалдан тушиб, түрт йилдан бери Витребенъка кишлоғидаги құрғонида турипти. Болалик чоғида Гадячдаги уезд мактабида үқир эди. Шуни ҳам айтib құяйки, мактабда үқиганда зеҳни ҳаммадан баланд ва боадаб бола эди. Русия тили муаллими Никифор Тимофеевич Деепричастье, мактабдаги болаларнинг ҳаммаси Шпонькадек тиришқок бұлса, синфга кирганда чизгич билан киришга ҳожат қолмас эди, чунки ялқов ва шұх болаларнинг құлиға ураверіб қарчадим, дер эди. Дафтари ҳамиша тоза, чизиклари тұғри-тұғри, сиёх тегмаган озода эди. Шұхлик қылмасдан жим үтирап, күзи ҳамиша үқитувчисиңде, олдіда үтирган шеригининг орқасында көз әншылықтың үйнамас, әшшакни йұнмас, бошқа шерикларидек үқитувчи келгүнча жувоз-жувоз үйнамас эди. Унинг қаламтароши борлигини ҳамма билганидан, кимга қаламтарош керак бұлса, дарров уидан сүрар эди. У вактда ҳамма Ванюша, деб чақырган Иван Федорович, кулранг камзулини бөгичига осилған чарм қинидан пичогини чиказіб бераркан, қаламни пичноқнинг тиғи билан тарашламанғ, агар лозим бұлса орқаси билан тарашланғ, деб үқтириб құярды. Унинг бундай боадаблигини құрган лотин тили муаллими ҳам, уига бир мұнча илтифот килады да бұлған қолди, йұқса бу үқитувчининг аччиғи ёмонлигидан бошқа мактаб болалари унинг яшил матта қакмонағының этагини, чүтир башарасини күрмасдан аввал, ташқарыда йұталғанини әшитиб құрқиб кетар әдилар. Олдидаги курсисінде доим иккі даста савағич турған ва болаларнинг ярмисини чүккалатиб құядыған шу баджағл үқитувчи ҳам Иван Федоровични ҳалфа қилиб құйған эди. Ваҳоланки унга қараганда анча зеҳни баланд болалар күп эди.

Бу үринде Иван Федоровичнинг тақдирига катта таъсир күрсатған бир воқеани айтib үтмасдан бұлмайды. Мактаббаччаларидан бири ҳалфасининг күнглини олиб рүйхатта, сабогини билади, деб ёздыриб олмок ниятида мой беланған бир дона чалпакни көғозға үраб келтирди. Иван Федорович, гарчи инсоғ ва тұғриликни афзal құрса ҳам, шу пайтда қорни очинқираб турғаннан да нағси голиб келиб, чалпакни олди ва олдига китобини қўйиб

чалпакни емокқа тутинди. Чалпак билан овора бўлиб, мактаббаччаларнинг бир пасда жим бўлиб қолганларини пайкамапти. Баҳайбат бир қўл, яшил чакмон енгидан чиқиб унинг қулогидан тортиб ўртага чиқазгач, ҳушёр бўлиб кути учиб кетди. «Бер бу ёққа чалпакни! Сенга айтаман аблах, бер!» Баджаҳл ўқитувчи икки бармоги билан чалпакни ушлаб, деразадан ташқарига отиб юборди ва ҳовлида ўйнаб юрган мактаббаччаларга танбеҳ қилиб, ола кўрманг, деб кўркитиб қўйди. Қейин Иван Федоровичнинг кўлига бир-икки марта ачитиб-ачитиб урди. Ажаб бўлсин, чунки айб қўлда, чалпакни тутган бошқа аъзо эмас, қўл. Аввал ўзи ҳам анча қўрқоқ эди, энди баттар қўрқоқ бўлиб қолди. Баъзизда айбни бекитиб кетиш иложи бўлмаслигини тажрибада кўриб, хизматга киришини сира хоҳламаганлиги шу боисдан бўлса ҳам ажаб эмас. Ўн беш ёшга яқинлашиб қолганда иккинчи синфга ўтди, бунда муҳтасар ақоид ва тўрт амал ўрнига инсонлик вазифалари ва каср ҳисобини ўрганишга тутинди. Аммо илмнинг боргани сари кийинлашганини кўриб, бунинг устига падари дунёдан ўтиб қолганидан яна икки йил мактабда ўкиб, қейин онасиининг ризолиги билан П... пиёдалар полки хизматига кирди.

П... пиёдалар полки ўзга полкларга ўхшамаган, жуда бошқача эди. Гарчи, аксари қишлоқ жойларда турса ҳам, баъзи отликлар полкидан сира колишимас эди. Офицерларининг кўпи ичкиликни тўнғитиб иchar эдилар, жуҳудларни кокилидан тортиб мазах қилишда отлик гусарлардан колишимас эдилар; бир нечалари ҳатто мазуркага ўйин тушишни ҳам билар эдилар, шунинг учун бу полкнинг полковники бир неча одам ичида гаплашиб қолгудай бўлса, ўз қўли остидаги офицерларининг бу фазилатидан албатта гапирав эди. Ҳар бир гап орасида қорини чапатилаб: «Менинг офицерларимнинг кўпи мазуркага ўйин тушишни биладилар, кўпи, талаӣ билади» дер эди. П... полкнинг илм-маърифатдан кўп баҳрамандлигини яна ҳам равшанроқ кўрсатмоқ учун, яна шуни айтамизки, унинг офицерларидан иккиси шундай қартабоз эдики, устиларидаги мундирларини, бошларидаги шапкаларини, шинелларини, киличларининг баидагини ҳам қиморга тикиб юборар эдилар. Баъзизда ҳатто кўйлак-лозимларини ҳам ютқизиб кўяр эдиларки, бундай сирри қиморбозлар отликлар орасида ҳам кам бўлар эди.

Иван Федорович шундай одамларга шерик бўлиб ҳам қўрқолигини ташламади. Тўнғиган арокдан бир рюмка тўғри арокни аъло кўриб, тушки ва кечки овқат олдидан андак ичиб олар, мазуркага ўйин тушимас, қарта ўйнамас эди ва шу сабабдан таъби бирдек қолди. Шу тариқа бошқа офицерлар ўрта бойларникида меҳмондорчилик қилиб, зиёфатларда юрсалар, Иван Федорович, уйидан чиқмай юмшоқ ва шафқатли кўнглига тўғри келган ишлар билан машғул бўлар эди. Чунончи тугмаларини тозалар, фол кито-

бини мутолаа қиласар ёки уйининг бурчак-бурчагига қопкон қўйиб сичқон тутар, баъзида мундирини ёпиниб олиб ётиб ухлар эди. Лекин тартиб ва интизом йўсимида ҳеч ким Иван Федоровичга тенг бўлолмас эди. Қўл остидаги бир даста аскарга шундай яхши командирлик қиласар эдики, тепасида турган каттаси ҳамма вакт уни намуна кўрсатар эди. Тез фурсатда прaporшчик мартабасига миндирилгандан ўн бир йил ўтгач, подпоручиклик мартабасига минганилиги шу туфайлидандир.

Шу орада онасининг вафот қилганилигидан хабар олди. Она-сининг туғишган эгачиси бўлмиш холаси билан танишлиги факат шу эдики, ёшлиқ чоғида унга нашвати қоқи ва ўз қўли билан пиширган ширин нонлар совға қилиб келтирур, ҳатто Гадячга ҳам юборур эди; холаси Иван Федоровичнинг онаси билан аразлашиб колганидан кейин, у холасини кўрмай кетган эди. Ана шу холаси жиянига меҳрибончилик юзасидан, унинг онадан қолган андак мол-мулкини ўз тасаррufига олди ва бу тўғрида хат ёзиб маълум қилди. Иван Федорович холасининг эслик-хушлик хотинлигига жуда ионганилигидан хотиржам булиб, бояги-боягидай хизматини қилаберди. Бошка одамга бундай мартаба теккундай бўлса такаббурилиги ошиб кетар эди ва лекин у такаббурикни сира бил-мас эди. Подпоручик мартабасига минса ҳам, феъли-хўйини сира ўзгартмай прaporшчиклик мартабасида қандай бўлса, шу зайлда колаверди. Унинг учун ниҳоятда муҳим бўлган бу воқеадан кейин, яна тўрт йил бу мансабда қолиб, бутун полк билан баравар Моги-лев губернасидан Великорусияга сафар қилмоқчи бўлиб турган чоғида тубандаги мазмунда бир хат олди:

«Марҳаматли жияним, Иван Федорович!»

Сенга кўйлак-лозим юбордим. Беш жуфт ип пайпок, тўрт сурф кўйлак. Сўнгра баъзи ишлар тўғрисида сен билан сўзлашиб олмокчиман. Мартабанг унча-мунча эмас, буни ўзинг ҳам билсанг керак, деб ўйлайман. Бундан ташқари ёшинг улгайиб, мол-мул-кингни тасаррuf қила оладиган булиб қолдинг, шунинг учун энди аскарий хизматни бас килсанг ҳам бўлади. Мен бўлсам қариб қолдим, рўзгорингни саранжом қилолмаяпман. Дарвоқе, яна ўзингга айтадиган кўп гапларим бор. Ванюша кел; сенинг дийдорингни кўришга муштоқлик тортиб қолувчи меҳрибон холанг.

Василиса Цупчевська.

Чорбоғимизда шолғом экиб эдим, ниҳоятда яхши бўлди, шолғом эмас, картошкага ухшайди».

Иван Федорович бу хатни олгандан кейин бир ҳафта ўтгач, тубандаги жавобни ёзмб юборди:

«Хурматли холам, Василиса Кашпоровна!»

Юборган күйлак-лозимингиз учун күп миннатдорман. Хусусан пайпокларингизга жуда хурсанд бўлдим, чунки пайпокларим ниҳоятда эскиб, хизматкорим тўрт марта ямаб берди ва бу сабабдан жуда тор келиб қолган эди. Энди менинг хизматим борасида айтган сўзларингизга тамомила қўшиламан ва бугун уч кун бўлди истеъфо бердим, ижозат олишим билан дарҳол извош кира қилурман. Арновуд буғдойидан уруғлик юбормоқ тўғрисидаги илтимосингизни бажо келтиrolмадим, чунки Могилев губернасида ҳеч қаерда бу хил буғдой йўқ. Бу ёқда чўчқани аксари сал ачиған пиво қўшилган ардоб бериб боқадилар.

Марҳаматли меҳрибон хола, сизга ҳурмату эҳтиром билан қолгувчи жиянингиз.

Иван Шпонъкадирман»,

Вакти-соати етиб Иван Федорович поручик мансабида қолиб истеъфо олди ва қирқ сўмга Могилевдан Гадячгача бир жухуднинг аравасини кира қилиб, дараҳтлар энди барг ёзиб келаётган, ер юзи сабзазор бўлиб, кўклам ҳиди димоққа кириб қолган чоғда соявон аравага минди.

II

И У Л

Йўлда айтгудек ҳеч бир воеа бўлмади. Икки ҳафтадан ортиқроқ йўл юрдилар. Бундан ҳам тезроқ етишлари мумкин эди, лекин ниҳоятда диндор бўлган жухуд шанба кунлари тўхтаб, ёпинчигини ёпиниб олиб, эртадан кечгача тоат-ибодат қиларди. Боя бир марта айтганимдек Иван Федорович хафагарчиликни ўзига сира якин келтирмайдиган одам эди. Жухуд тоат-ибодат билан машғул бўлганда Иван Федорович чамадонини ечиб, кийим-бошларини олиб, тоза ювлганмикин, яхши тахланганмикин, деб бирма-бир кўздан ўтказар, янги тикилган погонсиз формасига ўтирган тўзонни астагина туфлаб тозалар эди. Китоб ўқишини унча хуш кўрмас эди. Гоҳ-гоҳда фол китобига қараб қўйишдан мақсади, неча марта тақрор-тақрор ўқиган таниш жойларини яна бир кўздан кечирмок эди. Шаҳарда турувчи одам ҳар куни клубга борганида, у ерда биронта янги гап эшитиш учун эмас, балки эскидан таниш бўлган ва ҳангомалашиб ўргангандарини ошналарини кўрмоқ учун боргандек, у ҳам эскидан таниш китобини ўқир эди.

Чуночи маъкама чиновниги адрес китобини кунда неча марта ба
ўқиганида сиёсат бобида бир ҳунар кўрсатмок учун ўқимай,
батки унда босилган номларни ўқиб завқ олганидан ўқир эди.
Ана фалончи, фалончи ўғли! Мана менинг ҳам номим бор экан!..»
деб кўяди, ичидаги кувониб. Бу номларни қайта-қайта ўқиса ҳам
зикрланаверади.

Иван Федорович икки ҳафта сафарда юргач, Гадяч шахридан
юз чакиримлик жойдаги кичкина қишлоққа етди. Бу қишлоққа
келиб тушганида жума куни экан. Соябон аравада жуҳуд билан
химроҳ бўлиб саройхонага тушганида кун ботган эди.

Кичкина қишлоқларнинг аксарисидаги саройхоналар билан
бу саройхона ўртасида ҳеч фарқ йўқ эди. Бу саройларнинг қайси
бираисига келиб тушсанг йўловчи мусофирининг отдан фарки йўқ-
дек, олдингга дарров похол билан сули соладилар. Агар-чи ўзин-
гизни тузуккина бир одам билиб, одам ейдиган дурустдор овқат
имоқчи бўлсангиз, бу ҳолда нафсингизни тия турасиз. Иван
Федорович бу гаплардан хабардор бўлганидан икки шода тешик
кулча билан бир бўлак колбаса ғамлаб олган эди. Лекин ароқ
десангиз, саройхоналарнинг ҳаммасида бу нарса сероб. Шунинг
учун Иван Федорович бир рюмка ароқ олиб, ерга маъкамлаб
қадалган қайнин стол ёнига қўйилган эшакка ўтириб олиб, кечки
овқатга тутиндиги.

Шу орада шалдироқ араванинг овози эшитилиб қолди, дарвоза
нижирлади, лекин арава ҳа деганда ҳовлига келавермади. Бирор
шовқинлаб трактир¹ тутган кампир билан койишар эди. «Киришга
кираман, лекин уйингда мени битта қандала чакқундай бўлса,
худо ҳаки сен ажузани соғ қўймайман, худо ҳаки соғ қўймайман,
ничанингга пул ҳам бермайман!» деган сўз Иван Федоровичининг
кулогига кирди.

Бир пасдан кейин эшик очилиб, яшил чакмон кийган семиз
киши кириб келди, дурусти зўрға тикилиб кирди. Бақбақаси оси-
либ, икки қават бўлиб кетганидан, баттарроқ йўғон кўринган гар-
данинг боши қимириламас эди. Майда-чуйда ташвишларга боши
сира оғримаган ва умри роҳатда келаётган одамлар жумласидан
ланлиги ранг-рўйидан маълум эди.

Келган одам Иван Федоровични кўра солиб:

Марҳаматли афандим, саломатмисиз! — деди.

Иван Федорович индамасдан таъзим қилиб салом берди.

— Айбга буюрмайсиз, ўзлари ким бўладилар? — деди семиз
одам.

Иван Федорович унинг бу сўроғини эшитиб, беихтиёр дарров
ўринидан турди ва полковниги ундан бирон нарсани сўрагандаги
олатини қилиб, фоз турди, кейин:

¹ Трактир ошхона, такъя.

— Истеъфога чиккан поручик Иван Федорович Шпонька — деб жавоб берди.

— Қаерга кетаётганингизни сўрасам ижозатми?

— Витребенъка қишлоғидаги ўз кўргонимга.

Тергаб-тежаб суриштираётган семиз киши Витребенъка денг, деб таажжублангач, худди унинг қўлларини ушлаб бирор йўлини тусгандек депсиниб ва қулларини силкиб унинг яқинига келаркан

— Шошманг, шошманг тақсир! — деб уни маҳкам кучоклаб олди, сўнгра ўнг бетидан, кейин чап бетидан, яна ўнг бетидан ўпди. Унинг бу ўпичи Иван Федоровичга ёқди, чунки унинг кулчадек бети семиз кишининг лабларига юмшоқ ёстикдек тегди. Семиз киши яна сўз қотиб: — Мумкинми, танишсан! Мен ўша қишлоғининг помешчиги ва сизнинг қўшнингиз бўламан. Сизнинг кўрғонингиздан кўп бўлса беш чақирим нарирокда Хортишча қишлоғида тураман, отим — Григорий Григорьевич Сторченко. Жанобингиз албатта, албатта бизникига меҳмон бўлиб бормасалар жуда хафа бўламан. Ҳозир мен зарур иш билан шошиб турипман.. Шу пайтда енгига ямок тушган казакча чакмон кийган, тугун ва яшчикларни столга келтириб қўйиб анграйиб турган кучер бола сига қараб:

— Хўш, бу нимаси, бу нимаси,— деди Григорий Григорьевичнинг овози тобора ошиб, аччиқлангандай бўлди-да, дағдага билан,— ахир мен сенга бу нарсаларни шу ерга қўй дедимми, шу ерга қўй дедимми, баччағар. Аввал товукни иситгин, демабинидим, шум? Йўқол! — деди дағдага билан депсиниб.— Ҳой башара, шошма! Шиша солинган кутича қани? Марҳамат килинг, Иван Федорович! Дориликка! — деди, рюмкани узатаркан.

Иван Федорович тутилинқираб:

— Азбаройи худо, ичолмайман, бир марта ичиб балога қолгаман... — деди.

— Жаноблари, қўйинг, гапингизга кулок ҳам солмайман! Ичмагунингизча ўрнимдан қимирамайман, қўймайман... — деди помешчик овозини баландроқ чиқазиб.

Иван Федорович қайтариб бўлмаслигини кўргач, хўб иштаҳа билан ичиб олди.

Семиз Григорий Григорьевич ёғоч қути ичидаги товук гўштини тўғаркан:

— Мухтарам афандим, бу товук гўшти эди. Шуни айтиб қўяйки, ошпазим Явдоха баъзида қиттак ичиб олишни яхши кўради, шунинг учун гоҳда жуда қовжиратиб юборади,— деди Сўнгра тўшак билан ёстик кўтариб кириб келган казакча камзуллик болага қараб: — Ҳой болам! Менга уйнинг ўртасига ўрин сол, ёстик тагига пичандан кўпроқ қўй, баланд бўлсин! Кампирнинг пилтакачидан озрок пахмоқ юлиб ол, кечаси кулогимга тикиб ётай! Жанобингиздан маҳфий қолмагайки, бир кун рус такяхона-

ларидан бирида ётганимда қулоғимга суварак кириб кетгандай бери, кечаси қулоғимга пахта тиқиб ётадиган бўлдим. Кейин билсам, рус мужиклари суварак тушган қарам шўрвани ҳам ея берар эканлар. Шундай азоб чекдимки, чекдимки, айтиб тамом қилиб бўлмайди, қулоғимнинг қичинганига ҳеч тоқат қилолмадим. Шаҳримизга келгандан кейин анчайин бир кампир тузатди. Қанлай қилиб тузатди дейсиз? Авраб тузатди. Табиблар тўғрисида жанобингизнинг фикрлари қалай? Фикримча бизларни лақиллатиб ахмок қиссалар керак, дейман. Баъзи кампирлар борки, касални табиблардан юз чандон яхши биладилар.

— Дарвоке жуда тўғри айтасиз. Баъзи кампирлар... — тузукроқ сўз тополмасдан тўхтаб колди.

Хонаси келганда мен ҳам шуни айтиб қўяйки, бу киши сўзга унча чечан эмас эди. Юраксилигиданми ёки дўндириброк, боллаб гапиришни истаганиданми, ҳар ҳолда жуда камгап эди.

Григорий Григорьевич хизматкорига қараб:

— Пичанин яхши титиб тозала! Бу ернинг пичани ифлос бўлади, эҳтиёт қилмасанг, чўпи-чуртаги хафа қиласди. Жанобингиздан ижозат бўлса, сизга тинч уйку тилаб мен ҳам ётай! Эртага кўриша олмаймиз, чунки мен тонг отмасдан йўлга чикаман. Сизнинг жуҳудингиз эртага юмуш қилмайди, чунки эртага шанба, шуннинг учун сиз эрта турмасангиз ҳам бўлади. Илтимосимни унутманг, бизнинг қишлоққа бормасангиз бетингизга қарамайман.

Григорий Григорьевичнинг хизматкори унинг сюргуги ва этигини ечиб олиб, яктагини кийгизиб қўйди. Григорий Григорьевич тўшак устига катта момик тўшак ташлангандек чўзилди.

— Хой бола! Қаерда қолдинг ҳароми? Бери кел, кўрпамни ростлаб қўй! Бола, ёстиғим тагига кўпроқ пичан қўй! Отларни сугордингми! Пичандан яна қўй, бу ёнбошимга қўй! Ҳароми, кўрпами тузатиб қўйсанг-чи, ҳа баракалла!..

Григорий Григорьевич бир-икки мартавой-войлагач, шундай нишиллаб уйкуга кирдики, уйни бошига кўтаргудай бўлди. Гоҳда отган хуррагидан сўрида ётган кампир чўчиб тушиб, у ён-бу ёнга иланглаб қарагач, уйда ҳеч нарса йўклигини биллиб яна бемалол уйкуга киради.

Эртасига Иван Федорович уйқудан турса, семиз помешчик кетиб қолинти. Йўлда бўлган катта воқеа факат шу эди. Бундан бошка ҳеч воқеа бўлмай эртасига ўз қўргонига якинлашиб колди.

Ел тегирмоннинг айланиб турган қаноти узокдан кўриниб, жуҳуднинг отлари ҳам қамчи зарбидан ўрлаб юқори чиқиб борган сари пастликдаги толлар кўриниши билан унинг юрагига гулгула тушиб ўйнай бошлади. Толзор ичидаги ҳовузнинг суви йилтираб кўринар, салқин эди. Иван Федорович бир вактларда бу ҳовузда чўмилар, болалар билан бўйнингача сувга кириб, қисқич-

бака тутар эди. Соябон арава тепага чиқиши билан Иван Федорович қамиш ёпган кичкина күхна уйни, ёшлик чоғида, ҳар замонда устига чиқкан олма ва гилос дараҳтлари күринди. Ҳовлига кириши билан тўрт томондан қора тарғилемалапар, ҳар хил кучуклар югуришиб келишди. Итларнинг бир нечаси вовуллаб отнинг оёғига ёнишди, бир нечаси араванинг гупчагига мой суртилганини пайқар арава орқасидан келар эди. Ошхона олдида бир ит сүякни осғи остига олиб ириллар эди, яна бир ит нарироқда туриб вовуллар, худди ҳой мўмин бандалар, азаматлигимни қаранг, дегандек, думини ликиллатиб югуришиб келдилар. Кир кўйлакли болалар ҳар томондан томошага югуриб келдилар. Ўн олтита боласини эргаштириб ҳовлида юрган чўчка бир нарсани фаҳмлагандек тумшугини юқори кўтариб, одатдагидан қаттиқрек хуриллар эди Ҳовли юзига аллақанча шолча ёйилиб, буғдой, арпа, тарик қутилиб қўйилипти. Томда ҳам аллақанча чой ўт, семиз ўт ва бошқа ҳар хил алафлар қуриб ётипти.

Иван Федорович буларнинг томошасига жуда маҳлиё бўлиб кетган экан, олапар ит келиб аравасидан тушаётган жуҳуднинг болдиридан тишлаб олгандан кейин зўрга эсига келди. Бир оқсоқ кампир, жундан кўйлак кийган бир жувон ва икки қиздан иборат бўлган хизматкорлар ҳар тарафдан югуришиб келиб, бойбаччамиз келиптилар, деб ҳой-хувлашгандан кейин, ҳоласи қизалоқлардан Палашкани ёнига олиб, ҳам кучер, ҳам қоровул, ҳам боғбон бўлган Омелька билан бирга чорвокқа жўхори экаётганини билдирилар. Лекин узокдан чипта соябонлик аравага кўзи тушган ҳоласи аллақачон етиб келиб эди. Ҳоласи келасолиб уни кўтариб олгундай бўлиб кучоклаб эди, қариб қолдим, куч-қувватдан кетдим, деб ҳат ёзган ҳолам шуми ёки бу бошқа одамми, дегандек ҳайрон бўлиб қолди

III ХОЛА

Ҳоласи Василиса Кашпоровна бу вақтда эллик ёш чамасида эди. Сира эрга тегмаган ва аксари, менга бўйдоқ туришдан яхши нарса йўқ, дер эди. Бироқ бирон жойдан совчи келганини ҳалигача билмайман. Бунинг сабаби шу эдикки, эркагики бор ҳаммаси унинг савлатидан қўркиб, муҳаббатини унга изҳор қилишга ботина олмас эди. Кўёвларнинг ҳаммаси «Василиса Кашпоровна жуда ўқтам!» дер эдилар Уларнинг бу гапи дарвоже рост ҳам эди, чунки Василиса Кашпоровна ҳар қандай одамни ҳам попугини пасайтириб ёвош қилиб қўяр эди Қулидан ҳеч бир иш келмаган ношуд, ароқхўр тегирмончини эркакларниги ўшаган қўллари билан ҳар куни сочидан тутиб уравериб, алоҳа бинойидек одам қилди Бўйи новчадан келган, басти, қуввати ҳам шунга яраша полвон

хотин эди. Бүйи ва жуссасига қараганда узун мүйлов қўйиб, қўнжи балаанд этик кийиб юрса, муносиби шу эди, лекин табиат хато килиб, уни улуғ айём кунларида, сўнгра тугилган кунларида кашмирий қизил шол рўмол ўраб, бошқа кунлари тўқ жигар ранг матодан майда бурмадор кўйлак киядиган хотин қилди. Аммо килган юмушлари ўзига жуда муносиб эди. Қайикқа тушса, қайикни ҳар қандай балиқидан яхши юргизар, парранда отар, ўрокчиларнинг тепасидан сира кетмас, полиздаги қовун-тарвузларнинг сонини санагандек билар, кўтарма йўлидан ўтган ҳар аравадан беш тийиндан бош олур эди. Дарахтга чиқиб нок қокар, одамларидан биронтаси ялқовлик қилса забардаст қўли билан урар, яхши хизмат қилганларига яна шу забардаст қўли билан арок тутар эди. Хали ип бўяған, ҳали ошхонага юргурган, ҳали бировни койиб кетган, квас пиширган, асал қиём қилган ҳаммаси ўзи эди, хуллас куни билан тинмас, ҳамма иши саранжомлик. Шу сабабдан Иван Федоровичнинг охирги рўйхат бўйича ўн саккиз жондан иборат бўлган кичкина давлати куидан-кунга тобора ривожланиб борди. Бунинг устига жиянини ниҳоятда яхши кўрганидан тергаб-тежаб унга чака тўплар эди.

Иван Федорович юртига келиши билан турмуши тамомила ўзгариб, жуда бошқа йўлга кириб кетди. Табиат уни ўн саккиз жонга эга бўлган мулкнинг тасарруфи учун яратгандай кўринар эди. Холаси ҳам унинг тасарруфли киши эканини кўрди-ю, лекин шундай бўлса ҳам хўжаликнинг ҳаммасини унга топширмай, ҳозирча баъзи ишларга уни аралаштирмади. Иван Федоровичнинг ёши киркқа яқинлашиб қолган бўлса ҳам холаси «Вания ҳали ёш, ҳар нарса билавермайди!» дер эди.

Аммо ўрокчилар тепасида доим ўзи турагар ва унинг юмшоқ кўнгли бундан жуда шодланиб хурсанд бўлар эди. Ўн-ўн бешта йилтираган чалғи ўроқнинг бараварига тушиши, ўрилган ўтнинг катор-катор бўлиб ётиши, ўрокчиларнинг гоҳ меҳмон кутган-дагидек қувноқ, гоҳ жудолик қўшиғидек мунгли-мунгли айтган ашуулалари, оқшом пайтидаги тинчлик уни завқ-шавқларга тўлдирап эди. Қандай гўзал оқшом! Ҳаво яйраган, тоза ва мусаффо! Бутун табиатга жон кирган: биёбон бир қизариб, бир қўкариб товланади, чамандек очилади. Беданалар, дудоф, балиқчи кушлар, чирилдоқ човиткалар, минг-минг ҳар хил ҳашаротларнинг чийиллаган, фўнгиллаган, чириллаган овози оламни тутиб, ажаб бир нағма ҳосил бўлади. Бу нағма ҳеч тинмайди. Офтоб ботиб яширинди Қандай салқин, қандай хуш ҳаво. Уида-бунда қозон қурилиб, ўт ёқилди. Узун-узун мўйловдор ўрокчилар ишдан чарчаб қозонни ўраб ўтирадилар. Қозонда қайнаган ҳамир ошидан чиқсан буғ атроф теваракка ёйилди. Шом бўлиб қоронги тушди... Иван Федоровичнинг бундай чоғдаги ҳолатининг тавсифи қийин. Ҳамир

ошини яхши күрса ҳам, үрокчилар қошига келганда яхши күрган бу овқатидан татиб күришни ҳам унуги, осмонда учиб бораётган күшларга тикилиб, ёки үриб күйилгани бүгдөй ғарамларини санашибдан овора булиб, ағрайганча турар эди.

Тез орада Иван Федоровичнинг донғи чиқиб, унинг иш билар-мөнлигига ҳамма қойил бўлди. Холаси жиянидан ниҳоятда хур сандлигидан қаерда хонаси келса, албатта, бир мақтаб қўяр эди. Үрок тамом бўлганда, яъни июль ойининг охирида бир кун Василиса Қашпоровна оҳистагина келиб Иван Федоровичнинг қўлидан ушилаб, кўп вактлардан бери кўнглида саклаб келган бир иш тўғрисида сўзлашмоқчи бўлганини айтди.

Гапнин бошлаб дедики:

— Жоним, Иван Федорович, кўргонингда сенга қарашли ўн саккиз жон борлигини ўзинг биласан, аммо рўйхатга караганда ўн саккиз бўлса ҳам, ҳакниятда кўп, йигирма тўрттага етса ҳам ажаб эмас. Лекин гап бунда эмас. Зовурнинг орқасидаги ҳов анави дарахтзорни-ку биласан, дарахтзор орқасидаги ялангликдаги пичанзорни ҳам биласан. Бу ер сал кам йигирма ботмон келади, ҳар йил юз сўмлик ўт ўрнуб сотса бўлади, хусусан агар одамларнинг гапни рост бўлиб, Гадячга отлик аскар келган бўлсами унда оптиққа сотса ҳам бўлади.

— Нега билмай хола, биламан, жуда яхши ўт.

— Ўтнинг жуда яхшилигини ўзим ҳам биламан, лекин бу ернинг ҳаммаси сенини эканини биласанми. Нега кўзингни бакрайтирасан, Иван Федорович, кулок сол! Степан Кузьмич деган одам бор эди, ёдингдами? Гапимни қара-я, нима деяпман, сен у вактда унинг отини ҳам тузуккинна айттолмайдиган гўдак эдинг. Худди шак куни келганида сени қўлимга олиб эдим, қўйлагимни булғатэздинг. Хайрятки онанг Матрена қўлига тутқиза қолдим. Шундай ярамас эдинг!.. Лекин гап бунда эмас. Бизнинг кўргонимиз орқасидаги ерининг ҳаммаси Степан Кузьмичничи эди. Хортишча қишлоғининг ўзи ҳам унга қаарди. Сенга шуни айтмок керакки, Степан Кузьмич сен дунёга келмасдан аввал ҳам, онанг олдига келиб юрар эди. Албатта отанг уйда йўқлиги вақтида келар эди. Лекин менинг бу гапни унга таъна қилиб айттаётганим йўқ. Марҳума доим мен билан чап эди, жони жаннатда бўлсан, майли! Гап бунда ҳам эмас, нима бўлса ҳам муддао шуки, мен айтган ўша ерни Степан Кузьмич сенга инъом қилиб васият қолдирган эди. Аммо гап шу ерда қолсин, марҳума онангнинг галати хулки бор эди. Худоё ганимга тавба қилдим, унинг одатига шайтон ҳам тушунолмас эди, васиятномани нима қилганини худодан бошқа ҳеч ким билмайди, назаримда умри бўйдок ўтган анов Григорий Григорьевич Сторченко қўлида бўлса керак. Степан Кузьмичнинг ҳамма мол-мулки ана шу семиз муттаҳамга қолди. Васиятномани шу одам яширган бўлмаса мен ҳар нарса бўлай

— Хола, шошмай туринг, Сторченко деган одамнингиз мен бекатда танишган киши эмасми? — Иван Федорович буни деб, бекатда учрашганини сўзлаб берди.

Холаси бир оз андишадан сўнг:

— Ким билсин, балки ёмон одам эмасдир, уларнинг бу ерга кучиб келганларига ҳам атиги ярим йилгина бўлди, ярим йилда бирорни дарров таниб бўлмайди. Кампир онаси жуда ақлли хотин, деб эшитаман, сўнгра бодринг тузлашга ниҳоятда уста экан, деб ҳам эшитдим. У кишининг ўз қизлари жуда яхши гилам тўкир эмишлар. Агар айтганингдек сенга яхши муомала қилган бўлса, бориб кел олдига! Зораки муттаҳам бачағар инсофга келиб, бирорнинг омонатига хиёнат қилмай ўзига қайтарса. Бричка аравани қўшиб борсанг ҳам бўлади, бироқ шум болалар орқасидаги михларини суғириб олиптилар. Кучер Омелькага айтай, кўчиб кетган чармни яхшилаб қоқиб қўйсин.

— Хола, овора бўлиб нима қиласиз. Баъзида парранда овига чиққанингизда сиз минадиган аравани қўша қоламан.

Сухбатлари шу билан тамом бўлди.

IV ЗИЁФАТ

Иван Федорович туш вақтида Хортинча қишлоғига кириб келди. Бойнинг уйига яқин келганда юраги сал увишди. Бойнинг уйи, бу атрофдаги аксари помешчикларнинг уйига ўхшаб каминш эмас, тахта том эди. Ҳовлидаги икки омборхонанинг томи ҳам тахтадан, дарвозаси қайнин тахтадан эди. Иван Федорович катта зиёфат мажлисига келиб, қаёққа қараса ундан яхшироқ кийин-гандар ичидан қолган олифта ўйгитга ўхшар эди. Уй эгасига хурмат юзасидан, аравасини омборхона олдига қўйиб, остонаягача пнёда борди.

Галстуксиз, камзулсиз, елкабоғсиз сюртук кийиб ҳовлида юрган семиз Григорий Григорьевич келган меҳмонга кўзи тушди. Сюртуги ҳам унга оғирлик қилиб тургандай қўринарди, чунки юзидан шариллаб тер оқар эди.

— Ҳа, Иван Федорович! — деди. — Холамга қўриниш бериб, кейин дарров олдингизга бораман, деб эдингиз, нега келмадингиз? — деди яна. Бу сўзлардан кейин Иван Федоровичнинг лаблари яна ўша юмшоқ ёстикка тегди.

— Рўзгор ташвишлари билан банд бўлдим... Олдингизга бир пасга келдим, андак юмуш билан...

— Бир пасга? Бу гапингиз бехуда! — деди. Кейин семиз мезбои: — Ҳой болакай! — деб қичқириши билан казакча камзул кийган анов бола отхонадан югуриб чиқди. — Касъянга айт, дарров дарвозани бекитсин, эшитдингми, маҳкам бекитиб қўйсин! Бойвач-

чанинг отларини дарров чиқазиб қўйсин! Қани ичкари киринг, бу ер жуда иссик, қўйлагим ивиб кетганини қаранг.

Иван Федорович ичкари уйга кириши билан фурратни кўлдан бермасликка қарор қилди. Юраги дадил бўймаса ҳам, бир ботиниб курай, деди.

Холам сизга... Холам менга айтдики, мархум Степан Кузьмичнинг васиятномаси...

Бу сўзларни эшитган Григорий Григорьевичнинг товокдай юзи қандай суратга кирганини таъриф қилиб бўлмайди.

— Азбаройи худо, кулоғим сира эшитмайди. Сизга айтиб кўйяки, чап кулоғимга суварак кириб кетган. Баччағар мужиклар ҳамма ёкка суварак ёйиб юбордилар. Тортган азобимни қалам билан ёзиб тамом қилиб бўлмайди. Қулоғимда фивирлагани гивирлаган, ҳайрият бир кампир анчайин бир даво билан тузатди...

Иван Федорович караса Григорий Григорьевич жўрттага гапни бошқа ёкка бурмоқчи. Буни фаҳмлаб унинг сўзини бўлди:

— Айтмоқчиманки, мархум Степан Кузьмичнинг васиятномасида ер инъом қилинганилиги мазкур экан, бу васиятга кўра менга...

— Билдим, холангиз аллақачон хўб уқтирипти. Лекин бу гаплар ёлгон, азбаройи худо, ёлгон! Амаким ҳеч қандай инъомнома қолдирган эмас, гарчи васиятномада бу ҳақда айтилган бўлса ҳам, лекин инъомноманинг ўзи йўқ, ҳеч ким уни кўрсатгани йўқ. Бу гапларни сизга самимий ҳайриҳоҳликдан, сизга яхшилик соғинганимдан айтаман. Худо ҳақи, ёлгон!

Иван Федорович, дарвоке холам нотўгри хаёл қилган бўлса ҳам ажаб эмас, деган мулоҳазага бориб, индаёлмай қолди.

— Онамиз сингилларим билан келяптилар, овқат тайёр бўлган чикар, қани юринг! — деб Иван Федоровичнинг қўлидан тутиб стол устида арок ва овқат турган уйга бошлаб кетди.

Шу чоғда бошини сириб танғиб олган пак-пакана кампир, бирининг сочиmallа, бирининг сочи қора икки киз билан бошлашиб келиб кирди. Иван Федорович одобли йигит бўлганидан аввал кампирининг, сўнгра икки қизнинг қўлини ушлаб кўришди.

— Она, бу киши кўшнимиз Иван Федорович Шлонъқадирлар! — деди Григорий Григорьевич.

Кампир Иван Федоровичга тикилиб қолди ёки факат тикилгандай бўлган эса ҳам эҳтимол, ҳар ҳолда кампир ниҳоятда яхши одам эди. Унинг башараси худди, Иван Федорович, қишига қанча бодринг тузлайсиз? деб сўрамоқчи бўлиб турганга ўхшар эди.

— Арок ичдингизми? — деб сўради кампир.

— Она, бугун уйқунгиз чала бўлганга ўхшайди. Меҳмондан ичдингизми, деб сўрайдиларми? Сиз меҳмон қиласверинг, ичдикми, йўқми унисини ўзимиз биламиз, — деди Григорий Григорьевич. — Иван Федорович! Марҳамат қилинг, чағирнинг қайси навини хуш кўрасиз, минг олтин хилидан ичасизми ёки Трахимовникиданми? —

Григорий Григорьевич орқасига қайрилиб қарагач:— Иван Иванович, нега караб турибсан?— деди. Шу пайтда Иван Федоровичнинг кўзи узун сюртугининг баланд ёқаси гарданини ўраб олган Иван Ивановичга тушди; ёқасининг баландлигидан, боши аравага тушиб олган кишининг бошидек қўнқайиб турар эди.

Иван Иванович арокқа яқин келиб ўтири. Қўлларини ишқалаб, рюмкаларни хўб томоша қилгач, арокдан қуйиб ёруққа солиб кўргач, бир рюмка арокни оғзига қуйиб юборди. Лекин дарров ютиб юбормай, аввал оғзини хўб чайқаб, кейин ютди. Тузлаган замбуруқни нонга қўшиб еб олгач, Иван Федоровичга караб деди:

— Хурматли Иван Федорович Шпоњка билан гаплашаётган бўлсам керак?

— Балли,— деди жавобида Иван Федорович.

— Сизни таниган вақтимдан бери жуда ўзгариб кетибсиз,— деди Иван Иванович. Сўнгра яна сўз бошлаб:— Мен сизни мана бундай вақтингиздан бери биламан,— кафтини ердан бир газ баланд кўтариб кўрсатди.— Мархум отангиз, жойи жаннатда бўлсин, жуда тогилмайдиган одам эди. У кишининг ковун-тарвузлари шундай битар эдик, энди унақа ковун-тарвузни хеч қаердан тополмайсиз.— Кейин Иван Федоровични бир чеккага тортиб:— Мана бу ерда ҳам ҳали ковун келтирадилар, кўрасиз, шуям ковуни, қарагингиз келмайди,— деб қўйди. Кейин худди бир сир айти-ётгандек оҳиста сўзлаб ва йўгон дарахтни қучмоқчи бўлгандек қўлларини ёзиб:— Жанобингиз ишонсалар, ишонмасалар ҳам, азбаройи худо, манавинақа тарвузлар бўлар эди!— деди.

Григорий Григорьевич Иван Федоровичнинг қўлидан ушлаб:

— Қани дастурхонга ўтиринглар!— деди.

Хаммалари биргалашиб дастурхон ёзилган уйга кирдилар. Григорий Григорьевич ўзининг доим ўтирадиган жойига ўтири ва каттакон сочиқни бўйнига илиб олди. Унинг бу туриши сартарошларнинг ўз вивескаларига солиб қўядиган суратга ўхшар эди. Иван Федорович қизаринкираб икки қизнинг рўпарасидан кўрсатилган ўринга ўтири. Иван Иванович бўлса ўз билганларини айтиб, хўб гаплашиб оладиган одам топганига ич-ичидан кувониб, дарров Иван Федоровичнинг пинжига кириб олди.

Қорадан ямок тушган кулранг камзул кийган хизматкор лаганда овқат келтирди. Кампир Иван Федоровичга қараб:

— Курка-товук эди, думғазасини олиб бекор қилдингиз! Тўшини олинг эди!— деди.

Григорий Григорьевич онасига қараб;

— Она, ким айтди сизга аралашинг, деб! Қаерини олмоқни меҳмоннинг ўzlари биладилар! Иван Федорович олинг манови қаноти билан путакасини олинг! Мунча кам олдингиз? Олинг, сонини олинг. Сен нима қилиб қўлингда лаган билан ағрайиб

қолдинг? Олинг дегин! Ҳароми тиззалаң үтириб сўрагин! Айт дарров, Иван Федорович сонини олинг, дегин!

Лаганда овқат кўтариб келган хизматкор дарров чўккалааб:
— Иван Федорович олинг, сонини олинг! — деди.

Иван Иванович ёнига үтирган меҳмонга қараб, овқатни менсимагандек:

— Хим, қандай товук экан! — деб қўйди. — Курка товук бундай бўладими? Меникидаги товуқларни қўринг! Ишонинг, ишонманг ҳар бирининг мойи бу хил товуқнинг үнтасининг мойига баравар келади. Ишонасизми ахир, семизлиги шунчаликки, ховлида юрганида кўнглим айниб қарагим келмайди!..

Григорий Григорьевич унинг сўзига қулок солиб туриб:
— Иван Иванович, ёлғон айтасан! — деди.

Иван Иванович унинг сўзини эшитмаган бўлиб, Иван Федорович билан сўзлашаберди:

— Мен сизга айтсанм үтган йил шаҳарга юборганимда ҳар донасиға эллик тийиндан бердилар, шундаям сотгим келмади, — деди.

Григорий Григорьевич яхшироқ эшитсин, деб товушини аввалгидан баландроқ чиқазиб, салмоқ билан деди:

— Иван Иванович, ёлғон айтасан, дейман!

Лекин Иван Иванович, бу гапларнинг унга сира тегишлиги ўқдек, bemalol гаплашаверди, фақат энди товушини анча пасайтириб, оҳистароқ сўзлади:

— Таксир, бергим келмаганлиги рост. Гадяч шаҳридаги помешчиқлағнинг биттасида ҳам...

— Иван Иванович! Ахир сен қип-қизил нодон сен, — деди Григорий Григорьевич қаттикроқ. — Ахир Иван Федорович сендан кўра яхшироқ билади ва сенинг гапларингга ишонмаса керак.

Иван Иванович ниҳоятда хафа бўлиб кўнгли қирилди ва индамасдан товук гўштига тутинди. Унинг ҳовлисидағи семизлигидан кўрган одамнинг кўнгли айнийдиган товуқдек семиз бўймаса ҳам, ҳуб туширди.

Сұхбат тўхтаб пичоқ, қошиқ ва лаганларнинг чакир чукури бошланди. Ҳусусан Григорий Григорьевичнинг илик қоқиши ҳаммадан қаттикроқ эшитилар эди.

Бир пас жим туришгандан кейин Иван Иванович ёқасидан бўйини чўзиб, Иван Федоровичга қараб деди:

— «Коробейниковнинг муқаддас жойларга саёҳати»¹ деган китобни ўқиганмисиз? Жону танингизнинг роҳати! Энди бу хил китобларни чоп қилмайдилар! Афсуски йилига қарамапман.

¹ «Москов тужжори Трифон Коробейниковнинг бир неча ҳамроҳлари билан бирга Куддусга, Миср ва Сино тогига 1583 йилда қилган саёҳати» деган китоби. Бу китоб аввал 1783 йилда босилиб, кейин бир неча мартба тақрор босилган.

Иван Федорович, сухбат китобга кўчганини билиб, қовурманнинг шўрвасига ҳафсала килиб қолди.

Жанобингизга айтсан, дарвоқе ажойиб, анчайин бир одам шуича юртни кўриб келганлиги хазил эмас. Ахир тақсир, уч минг чақиридан ортиғ-а! Уч минг чақирим-а. Худо насибасини кўшмаса Фаластину Қуддус шарифларга ким бора олади!

Маҳрамидан Қуддус шариф тўгрисида ҳар хил гапларни кўп эшигтан Иван Федорович:

— Қуддус шарифга ҳам борган дейсизми? — деди.

Стулнинг бир чеккасида ўтирган Григорий Григорьевич

— Гапнинг нима устида, Иван Федорович? — деди.

— Мен, яъни рўйи-заминда қандай олис мамлакатлар борлигини айтиб эдим, — деди Иван Федорович бундай узун ва қийин гапни эплаб гапирганига ич-ицидан қувониб.

Григорий Григорьевич Иван Ивановичнинг сўзини яхши тингламаган бўлса ҳам:

— Иван Федорович, бунинг сўзига инонманг, ҳаммаси ёлғон! — деди.

Шу орада овқатланиб бўлдилар. Григорий Григорьевич одати бўйича андак ухлаб олмоқ учун ўз уйнга кириб кетди. Мехмонлар ҳам кампир ва қизлар билан бошлишиб, меҳмонхонага кирдилар Бунда улар овқатга кириб кетганда устида арок қолган столга қайси бир ҳикмат билан дастурхон ёзилиб, ҳар хил қиёмлар тарвуз, қовун ва олчалар пайдо бўлиб қолипти.

Григорий Григорьевичнинг йўқлиги билиниб туар эди Кампир анча сергап бўлиб, ҳеч ким сўрамаса ҳам мевадан ҳолва қилиш нашватини қандай қоқи қилиш тўгрисида ҳеч ким билмаган кўп ҳикматларни сўзлаб берди Ҳатто қизлар ҳам тилга кириб кетдилар. Аммо опасидан олти ёш кичик бўлиб, бу чоғда айтидан йнгирма бешларга бориб қолган малла сочлиги, ҳали ҳам индамай туар эди.

Лекин Иван Иванович ҳаммадан сергап ва серҳаракат эди

Энди унинг гапидан янгиширадиган ва халал берадиган ҳеч ким йўқлигини билиб, бодрингу картошка, ҳеч нарса қолмай гапираверди ва қадимгиларнинг эндиниларга қараганда хийла ақлли бўлганлари ва энди ҳамма тобора кув бўлиб, ҳар хил галати нарсалар чиқазаётганлиги тўгрисида сўзлаб кетди. Хуллас бу одам, бемаза ҳангомадан жуда завқ оладиган ва бўлар-бўлмас ҳар нарса тўгрисида сўзлайверадиган кишилар жумласидан эди Агар гап азиз ва муборак нарсалар борасига ўтса, Иван Иванович ҳар гапда бир уф тортиб, бошини чайқаб қўяр эди. Агарчи сухбат дунёвий ишлар борасига ўтса, гарданини чўзиб ёқасидан чиқазиб, важоҳатини шундай ўзгартар эдики, унинг бу чоғдаги важоҳатини кўрган одам, нашватини квас қилиш қоидасини ўқий берар, у айтган қовунларнинг қандай катталигини, унинг ҳовлисида

юрган ғозларнинг қандай семизлигини кўриб тургандай бўлаверар эди.

Иван Федорович кечгача ўтириб, кеч киргач зўрға хайрлашиди Гарчи гапга кўнадиган бўшлигига ва ётиб колинг деб кўп қисташлариға қарамай, қилган жазмидан қайтмай жўнаб кетди

V

ХОЛНИНГ ЯНА БИР ҒАЛАМИСЛИГИ

— Хуш нима қилдинг? Эски ноинсофдан хатни олдингми? Эшик тагига чиқиб бир неча соатдан бери унинг келишини кутиб ўтирган ва келавермаганидан тоқати тоқ бўлиб, дарвозахонага югуриб чиққан холаси, жияни келиши билан дарров шуни сўради

Иван Федорович аравадан туша туриб:

— Йўқ, хола, Григорий Григорьевичнинг кўлида хеч қандай хат йўқ экан,— деди.

— Унинг гапига ишондингми? Ёлғон айтпти, бадбахт! Мабодо дуч келиб қолсам, ўз қўлим билан яхшилаб савалайман. Шошмасин, шундай тобга олайки, бироқ аввал ўзимизнинг доддоҳ судимиз билан сўзлашиб кўрмоқ лозим, суд билан олиб бўлмасмикин... Лекин ҳозир гап бунда эмас. Хўш зиёфат тузук бўлдими?

— Жуда...а хола, жуда яхши бўлди.

— Қани гапириб бер-чи, қандай овқатлар қўйди? Кампирнинг пазандалигидан-ку хабарим бор-а!

— Хола, сомсани қаймоққаботириб едик, капитар дўлма едик..

— Гайноли кўшиб пиширилган курка-товуқ гўшти емадингизми?— деб сўради холаси, чунки бу овқатга ўзи жуда пазанда эди.

— Курка-товуқ ҳам бор эди!.. Григорий Григорьевичнинг ниҳоятда чиройли сингиллари бор экан. Хусусан малла сочлиги!

Холаси:

— Нимади?— деб Иван Федоровичга каттиқ тикилиб эди, у қизариб ерга қаради. Унинг миянда дархол янги фикр туғилди. Дарров озмойишлаб:— Хўш, нима бўлди? Кошлари қандай экан?— деб сўради. Шуни айтмоқ керакки, холаси хотин кишининг хусни ҳаммадан аввал қошида бўлади, деб билар эди.

— Ёшлик чоғингиздаги қошингизни макттар эдингиз-ку, уларнинг қоши ҳам худди сизнинг ёшлигингиздаги қошингизга ушшар экан. Юзларини майдо сепкил босипти.

Холасига хушомад қилиш Иван Федоровичнинг хаёлига келмаган бўлса ҳам, унинг бояги гапидан холасининг димоги чоғ бўлиб

— Ҳа! Қўйлаги қандай экан? Лекин энди менинг устимдаги кўйлагим сингари пишиқ мато топиб бўлмайди. Аммо гап бунда эмас. Хўп, ахир сен қиз билан гаплашдингми?

— Яъни, хола, нима демоқчисиз?.. Балки сиз аллақачон ўйлаётгандирсизки...

— Нима килипти, бунинг таажжублиги йўк, худонинг тақдири билади. У қиз билан жуфт бўлмоқ пешонангга ёзилган бўлса ажабми!

— Хола, бундай гапга тилингиз борганига ҳайронман. Бас, маълум бўлдики, сиз мени тақир билмас экансиз...

Холаси:

— Ана холос, дарров хафа бўлди! — деб қўйгач, «Хали ёш ҳеч нарсани билмайди, икковини бир-бираига дуч килиб қўймок керак, танишсин!», деган фикрни кўнглидан ўтказди.

Холаси ошхонага кириб кетди. Иван Федорович ёлғиз қолди. Аммо холаси шу кундан бошлаб, тезроқ жиянини уйлантириш ва набиралар кўриш хаёлига тушиб қолди. Фикри-зикри тўйга тайёргарлик бўлиб, анча беҳаловат бўлиб қолганлиги ҳар бир ҳаракатидан маълум бўлиб турар эди. Лекин бесаранжом ва беҳаловатлигидан ишлари қайтага сира унмайдиган бўлиб қолди Сомсани авваллари ҳам оқсоқ хотинга ишонмасдан яланг ўзи пиширап ва аксари сомса пишираётгандек хаёли кочиб, мазмуни орқасида набираси сомса, деб ҳарҳаша қилаётгандек хаёл қилса керак, сомсадан бир бурдасини орқасига узатганида, кучуги фурсатни ғанимат билиб олиб кочар эди. Сомсани еганда кучукнинг ириллаганини эшитиб, кейин эса ўзига келиб, косов билан кучукни уракетар эди. Ҳатто энг хуш кўрган иши широр эди. буни ҳам тарқ қилиб қўйди. Ҳусусан бир кун каклик деб қарғани отиб қўйгандан кейин, широрга тақир чиқмай қўйди, чунки бундай хатони аввал сира қилмаган эди.

Орадан тўрт кунча ўтгач, бир кун қарашса бостирма тагида турган арава ҳовлига чиқиб қолипти. Кучерликдан ташқари коровуллик ва боғбонлик вазифасини ҳам ўтовчи Омелько эрта саҳардан туриб араванинг кўчиб кетган чармини михлаб тақир-тукир қиласи эди. Итлар ҳар тарафдан келиб араванинг гилдирагини ялашар, Омелько бўлса тинмасдан уларни қувлар эди. Ўқувчиларни огоҳлантириб қўймоқни ўзимга бурч билиб айтаманки, одам атодан қолган арава худди шу эди. Мабодо бирор чиқиб бошқа бир аравани одам атодан қолган деб даъво қилгундай бўлса, фирт ёлғончидир, бе шак ва бе шубҳа қаллобдир. Бу араванинг тўғондан қандай омон қолганлигини ҳеч ким билмайди. Нух алайҳиссаломнинг кемасида унга алоҳида бир жой тайинланган экан, демоқ лозим бўлади. Араванинг суратини таъриф ва тавсиф қилиш имкони йўқлигига ачинамиз. Шуни айтиб қўя қоламизки, араванинг суратидан эгаси жуда рози эди ва эскича араваларнинг оёқдан қолиб, ботиб кетганлигига жуда афсус ер эди. Арава бир томонга қийшайиб турар, яъни ўнг томони чап томонидан анча баланд бўлиб, буниси Василиса Кашпоровнага ёкар эди, чунки

бир томонидан баланд бўйлилар минса, бир томонидан паст бўйлилар минади дер эди. Аравага паст бўйлилардан беш киши, холага ўшаганлардан яна уч киши сифар эди.

Кучер аравани ростлаш билан овора бўлиб, туш пайтида отхонадаги тройка отнинг учовини чиқазиб ҳалиги савлати аравага қўши. Араванинг жабдуклари аргамидан эди. Иван Федорович чап томондан, холаси ўнг томондан аравага миниб жунадилар. Йўлда учраган мужиклар, бундай басавлат аравани кўриб бошларидағи шапкаларини олиб, икки букилиб салом берар эдилар. Чунки холаси бу аравани аҳён-аҳёнда бир минар эди. Арава икки соат йўл юриб, бироннинг зинаси олдига келиб тўхтади. Кимнига келиб тўхтаганини айтиб ўтирасак ҳам бўлади, деб ўйлайман. Сторченконинг зинаси олдига келиб тўхтаганлиги маълум бўлса керак. Григорий Григорьевич уйда йўқ эди, кампир билан икки киз меҳмонларни меҳмонхонада кутиб олдилар. Хола савлат билан керилиб келиб, бир оёғини олдинга чиқазиб каттиқ овоз билан деди:

— Бекам, сизга бўлган иззат ва хурматимни шахсан арз килиш менга муяссар бўлганлиги учун шодман. Иззат ва хурматимни билдириш билан бирга, жияним Иван Федоровичга қилган муруватигиз учун ниҳоят даражада миннатдорлигимни ҳам билдираман. У киши мурувватингизни кўп мактадилар. Хоним, кора буғдоингиз хўб яхши битипти, кишлоққа киравериш жойида экан, кўриб келдим. Бемалол бўлса айтсангиз, ботмон ердан неча гарам оласиз?

Бундан кейин ҳаммалари ўпиша кетдилар. Меҳмонхонага кириб ўтиришгандан кейин кампир сўз бошлади:

— Корга буғдои тўгрисида сизга ҳеч нарса деёлмайман, буни Григорий Григорьевичдан сўрайсиз. Анчадан бери бу ишлар билан шуғулланмайман, қўлимдан ҳам келмайди, қариб қолдим. Бурунги вақтда кора буғдоимиз белбоққа чиқар эди, энди билмайман, нима худо урди. Қайдам, аввалгида энди яхши дейдилар.— Кампир бу ўринда бир оҳ тортиб ҳасрат чекиб кўйди. Агар бунга диккат қилиб турган одам бўлса-ю унинг оҳини эшитса, ўтиб кетган қадимги ўн саккизинчи аср ҳасрати эканини фахмлар эди.

— Хоним, сизнинг қизларингиз ниҳоятда яхши гилам тўкир эмишлар, деб эшитдим,— деди Василиса Кашпоровна. Унинг бу гапи кампирнинг нозик туйфуларини кузғатиб, кўнглига жуда таъсир килди, шекилли, ил қилиш ва бўяш қондалари тўгрисида сайраб кетди. Гилам борасидаги гаплар тамом бўлгач, тузлаган бодринг билан нашват қоқи гапи бошланди. Хуллас орадан бир соат ўтар-ўтмас икки хоним худди қадимдан ошно кишилардек апок-чапок бўлиб кетдилар. Василиса Кашпоровна кўп гапларни факат унинг ўзига эшиттириб оҳиста-оҳиста гапирганидан Иван Федорович бу сўзларни ҳеч эшитолмади.

Үй эгаси кампир ўрнидан туриб:

— Бир айланиб келмайсизларми? — деди.

Кампир кетидан қизлар билан Василиса Кашпоровна ҳам туриб, ҳаммалари қизлар ҳарамхонасига қараб юрдилар. Бирок холаси Иван Федоровичга шу ерда қолгин, деб ишора қилди ва кампирга шивирлаб бир нарса деди.

Кампир малла сочли қизга қараб:

— Машенька! Сен меҳмон билан гаплашиб ўтира тур, зерикиб қолмасинлар! — деди.

Қиз меҳмонхонадан чикмай шу ерда қолиб, диванга ўтирди Иван Федорович ўз стулида безовта бўлиб, қизариб-бўзариб кўзини ерга тикиб, нина қадалгандай зўрга ўтирас эди. Лекин қиз унинг бу ҳолини сира пайкамагандай бўлиб, дераза ва деворлар томошаси билан машғул эди, ё бўлмаса стулларнинг оёғи орасида ўралашиб юрган мушукдан кўзини олмай, ҳеч нарсага парво қилмагандай ўтирас эди.

Бироздан кейин Иван Федоровичга далда кириб, сўз бошлимоқчи бўлиб кўрди, аммо билган гапларининг ҳаммасини йўлда тушириб қўйганга ўхшар эди. Ҳеч бир гап ва фикр эсига келмади

Чорак соатча индамасдан ўтиришдилар. Қиз ҳам ўтираверди

Иван Федорович алоҳа жасорат қилиб, қалтираганроқ овоз билан:

— Ёз бўлса пашша кўпаяди-да, ойим! — деди.

Қиз жавобида:

— Ниҳоятда кўпаяди! Акам атайин овора бўлиб онамнинг эски ковушидан елпифич қилиб қўйди, шундай бўлса ҳам пашша жуда кўп, — деди.

Бу гапдан кейин сухбат яна тўхтади. Иван Федорович ҳеч гап тополмади.

Холаси, кампир ва қора соч қиз билан қайтиб келишди. Кампир билан қизлар ётиб қолинглар деб, ҳар қанча қистасалар ҳам бўлмай, яна бироз гаплашиб ўтиргандан кейин Василиса Кашпоровна кетмоқчи бўлиб хайрлашди. Кампир билан икки қиз меҳмонларни кузатиб эшиккача чиқдилар. Хола билан жиян анчагача аравадан бошлирини чиқазиб хайрлаша-хайрлаша жўнадилар.

Йўлда холаси:

— Хўш, Иван Федорович, қиз билан ёлғиз қолганингизда нимани сўзлашдингиз? — деб сўради.

— Мария Григорьевна ниҳоятда хушфеъл ва боадоб қиз экан, — деди Иван Федорович.

— Гапимга кулок сол, Иван Федорович! Сен билан астойдил сўзлашмоқчиман. Ёшинг, худога шукур, ўттиз саккизга бориб қолдинг. Мартабанг ҳам ёмон эмас, энди бола-чака фикрини ҳам қилмоқ керак! Албатта бир хотин олмоғинг лозим

Иван Федоровичнинг кути учиб:

— Хола, нима деяпсиз! Хотин ол дейсизми! Асло хола, марҳа матингизга балли... Мени жуда уялтиридингиз... Ҳалигача сира ўйлаганим йўқ, хотинни нима қилишимни тақир билмайман!

Холаси кулимсираб:

— Билиб қоларсан, Иван Федорович, билиб қоларсан,— деди. Кейин ичидаги ўйлаб: «Албатта ҳали ёш, нимани билсин!» дегач, жиянига бокиб:

— Ха, Иван Федорович, Мария Григорьевнадан бошқа яхши хотин тополмайсан. Сунгра ўзингта ҳам у анча ёқсанга ўхшайди. Қампир икковимиз бу борада анча сўзлашдик, унинг ҳам сени куёв қилгиси бор. Лекин фосиқ Григорьевичнинг бунга нима дейиши ҳали маълум эмас, лекин биз, унинг нима дейишига қараб ўтирумаймиз, мабодо қизнинг моли ва сепини бермайман дейдиган бўлса, унда суд билан...

Шу пайтда арава ҳовлиларига етиб колди. Қирчанги қари отлар ҳам оғилхонанинг ҳидини билиб, анча илдамладилар

— Омелько, менга қара, отларни чиқаргандан кейин дарров суғорма, ҳозир исенклаб туринти, аввал яхшилаб совутгин,— деди хотаси. Сунгра аравадан тушаркан, жиянига қараб:— Энди, Иван Федорович, сенга маслаҳатим шуки, яхшилаб ўла. Мен дарров ошхонага кириб чиқай, кетаётганда Солоҳага овқат қилиб қўйгин, деб буюриб кетмапман. У жувонмарг эсига келиб ўзи қилиб қўймагандир,— деди.

Лекин Иван Федорович караҳт одамдек эси оғиб, анқайиб турар эди. Мария Григорьевнанинг ҳусни ёмон эмас, лекин уйланмоққа келсак!.. Хотин олиш унга жуда ғалати кўриниар, уйланиш деса қути учар эди. Хотин олиб бирга турмок!.. Бунга унинг асло акли етмас эди. Ўз уйнда ёлгиз эмас, бирор билан бирга турсин!. Бу тўғрида ўйлаган сари вахимаси ошиб, тер босар эди.

Бугун ҳар кундагидан аввалпроқ ётди, лекин ҳар қанча уринса ҳам ухлай олмади. Анча уйғок ётгандан кейин, ҳаммага ором берувчи уйқу, алоҳа унга ҳам етиб уйқуга кирди. Лекин қапақа уйқу! Бундай бемаза, пойма-пой тушни ҳеч кўрган эмас эди. Бир маҳал туш кўрса, атрофида нимаини бор, ҳаммаси тўс-тўполон кўтариб ўнар, унинг ўзи бўлса, оёғи бор-йўқлигини билмай чопар эмиш... Чопа-чопа тинкаси куриб турганида, тўсатдан бирор келиб қулоғидан чўзиб колди. «Вой, вой ким?». «Мен, хотиннингма!» деди бирор бакириб. Шу пайтда уйғониб колди. Ҳаёлида аллақачон уйланган, уйнда ғалати, ажойиб ишлар бўлиб кетгандай кўриниади. Бир кишилик кароват ўрнига икки кишилик каравот тургандек. Курсида хотини ўтирипти, лекин унга жуда ғалати туюлади, қандай қилиб унинг яқинига боришни, нима гапиришни билмайди. Хотиннинг юзига қараса, унинг юзи гудда босган, ғадир-будир эмиш. Бу ёнига қайрилиб қараса бу ёғида яна бир хотини ўтирганмиш, бунинг ҳам юзи ғадир-будир эмиш. Бу ёнига

караса яна бир хотин, орқасига караса, у ёкда ҳам бир хотин үтирганиши. Буларни кўриб, ғам босиб, юргурганча бокқа қочиб чиқди. Бокқа чиқса иссик, бошидан шляпасини олса, шляпасида ҳам бир хотин үтирганиши. Терлаб кетиб рўмолчасини олмоқчи бўлиб чўнтағига қўл солса, чўнтағида ҳам бир хотин үтирганиши. Кулогига тиқиб қўйилган пахтасини олса, унда ҳам бир хотин үтирганиши... Бир маҳал караса бир оёғи билан ҳаккалаб кетяпти, ҳоласи бўлса, унинг ҳаккалашини кўриб, астойдил: «Ҳа, ҳаккалай-вер, чунки хотинлик бўлдинг», дер эмиш. Холасига яқинроқ келса, ҳоласи эмас, мезана эмиш. Бирор унинг бўйнига арқон боғлаб мезанага тортаётган эмиш. Йиғлагундай бўлиб: «Мени судраётган ким?»— деса, «Хотинингман, сен жомсан, мезанага осмоқчи-ман»— дермиш. У бўлса бақириб: «Мен жом эмасман, Иван Федорович бўламан!» дермиш. П... полкининг полковниги бу ердан үтатуриб: «Балли! Жомсан» дермиш. Ёки бир маҳал туш кўrsa хотини одам эмас, аллақандай жун газламамиш, Иван Федоровичнинг ўзи Могилев шаҳрида бир дўконда турганниши. Дўкондор: «Кандай мол керак? Хотин деган мато бор, жуда яхши, шундан олинг, жуда чидайдиган, ҳозир ҳамма шундан кийим тикирияпти», дермиш. Дўкондор хотиндан ўлчаб, йиртиб берса, Иван Федорович қўлтиғига олиб, машиначи жуҳуд олдига келганиши, лекин жуҳуд: «Бўлмайди, матонгиз ярамайди, бундай матодан хеч ким кийим тикирмайди..» дермиш.

Иван Федорович ваҳимасидан ҳуши учниб уйгониб кетди Аъзойи-баданидан совуқ тер чиқиб кетди.

Эрталаб ўрнидан тура солиб фол китобига каради. Беғараз на бориё сахийлинда ягона бўлган бир китобфуруш савоб учун, фол китобининг охирига муҳтасар таъбиринома ҳам илова қилиб қўйган экан. Аммо афсуски мазкур таъбириномада Иван Федорович кўрган пойма-пой тушларнинг таъбири йўқ экан.

Бу орада холасининг бошида яна бошқа янги можаро фикри туғилди, лекин бу можарони энди келаси бобдан биласиз¹.

ЖИН ТЕҚКАН ПАЛАКАТ ЕР ...бутхонанинг дъячоги айтган ҳикоя.

Азбаройи худо, ҳикоя айтишдан безор бўлдим! Ахир ўзингиз уйланг! Қайта-қайта айтган билан кутилиб бўлмас, безор бўлмай-сизми! Хўп, айтсан айтай, лекин азбаройи шифо, бошқа айтмай-ман. Мана сиз боя айтдингизки, шайтонни одам боласи миниб

¹ Гоголь бу ҳикоясини давом эттирмоқчи бўлса ҳам, бу ниятини амалга оширмади.

олса бўлади, дедингиз. Албатта бўлса бордир, чунончи яхши мулҳаза қилиб кўрсангиз, ёруғ дунёда нималар бўлмайди... Бироқ бундай чакки гапни айтманг, шайтон баччағар васваса қила ман деса, унга бас келиб бўлмайди, худо ҳаки, бас келиб бўлмайди!.. Қулоқ солинг, мен сизга айтай: бизлар отадан тўртта эдик, мен у вактда тентак эдим, ўн бир ёшга энди кирган эдим, нега ўн бир бўлсин, ўн бир эмас. Ҳали эсимдан чиқмайди, бир кун эмаклаб ит бўлиб қопиб эдим, отам бошини чайқаб, «Хой, Фома! Уйла-надиган бўлиб қолсанг ҳам тойчокка ўхшаб борган сари ақлинг кетяпти!» деб койиди. Гурингда тинч ётгур раҳматлик бобомнинг кўзи очик, белида куввати бор эди. Гоҳда...

Келинг, гапириб ҳам нима қилдим? Биринг бир соатдан бери трубка чекаман деб чўп титкилайсан, биринг билмасам нимага даҳлизга чиқиб кетдинг. Бу нима деган гап!.. Мен сизларни қистаб айтиётган бўлсам майли эди. Ўзларинг ялиндинглар. Эшитадиган бўлсанглар тузук эшитинглар!

Отам кўклам бошидаёқ тамаки юклаб Кримга савдогарчиликка кетган эди. Эсимда йўқ, иккитами, учтами арава эди. Ўша вактда тамакининг бозори чакқон эди. Карвонликни ўргансин деб уч яшар укамни ҳам олиб кетган эди. Ўйда қолганлар бобом билан онам, мен, яна иккита укам эдик. Бобом шундоққина йўл устига пайкал қилиб қовун-тарвуз, майдо-чуйда экканлигидан чайлага кўчиб чиқди. Экинни кўриклийсизлар, деб бизларни ҳам олиб чиқди. Биз ундан маза қилмадик эмас, ҳар куни қовун-тарвуз, бодринг борми, шолғом борми, пиёз борми хўб тўяр эдик, корнимиз шишиб ичимиизда хўроz қичкиргандай бўлар эди. Бундан ташкари дехқончиликдан кўп ҳаён килар эдик. Ўтган-кетган қовун-тарвуз емасдан утолмас эди. Сўнгра атрофдаги қўргонларда товуқ борми, тухум борми келтириб қовун-тарвузга алмаштириб кетар эдилар. Турмушимиз ёмонмасди.

Лекин бобомга ҳаммадан кўп ёққани шу эдики, ҳар куни элликдан ортиқ карвон ўтар эди. Карвонларни биласиз-ку, ҳаммаси кўпни кўрган одам, ҳикояга тушиб кетса оғзингиз очилиб ағрайиб қоласиз. Уларнинг ҳикояси бобомга, оч одамга умоч эди. Баъзида эски ошна-оғайнилари келиб қолишар (бобомни танимаган йўқ эди), кариялар йиғилишганда бўладиган ҳангомани қўяверинг, ўзингиз биласиз, ҳангома шундай қизийдики, асло қўяверинг, фалон вактда фалончи фалон ишларни килган, фалон бўлган, пистон бўлган, тўхтамас эдилар... Ҳангома авжига чиқиб, қачон-қачонги гапларни қўзғайдилар.

Бир кун, кунботар пайтда (худди шу бугун бўлгандек эсимда бор), бобом қовун ичини оралаб юриб кундуз куни офтоб урмасин деб қовунларнинг устига ташлаб қўйган баргларни йиғиб юриб эди. Мен укамга караб:

— Остап, бу ёққа қара, ҳов ана, кўрдингми, карвон келяяпти!— дедим.

Болалар еб қўймасин деб қовунни таниғлик килиб турган бобом менинг сўзимни эшитиб:

— Кани? — деб сўраб қолди.

Пўлда чамаси олтига арава қатор келар эди. Ҳаммасининг олдида мўйлови шопдек бири келяпти. Қанча десам бўларкин, тахминан ўн қадамча колганда ҳалиги карvonбоши тўхтади-да:

— Саломатмисан, Максим! Худонинг тақдирини кара-я, бизларни шундай жойда учратди! — деди.

Бобом кўзини қисиб қарагач:

— Ҳа! Калайсан, саломатмисан! Қаердан келяпсан? Эй, Болячка ҳам келяпти-ку, омонмисан, эсонмисан, оғайни! Ёпирай! Оғайниларнинг ҳаммаси шунда-ку! Крутотришченко, Печерица, Конёк ҳам, Стецько ҳам шунда экан, оббо!... — деб бир-бирлари билан ўшиша кетдилар.

Хўқизларни аравадан чиқазиб ўтга қўйдилар, аравалар кўчада қолди. Ҳаммалар ҷайла бошида давра олиб трубка чекишдилар. Ҳангома бошланди, сўзнинг думи узилмай трубка чекиш ҳам қолиб кетди. Чошгоҳдан кейин бобом меҳмонларнинг олдига қовун кўйди. Ҳар қайсиси ўз бошига биттадан қовун олиб, пичоқ билан пустини арчиб (буларнинг ҳаммаси кўпни кўрган, кўзи пишиган улууглар дастурхонини кўрган пухта одамлар эди) бармоқ билан тешиб сувини хўб сўргандан кейин, тилим-тилим кесиб едилар. Бобом:

— Эй болалар, нега аграйиб турибсизлар, қани итваччалар, ўйин тушинглар. Остап, сурнайинг қани? — деб қичқириб берди. — Қани туш ўйинга! Фома, ушла белингни! Мана бунақасига, хоп, хон!

У вактда мен ёш бўлсан ҳам шўх эдим. Қарилик курсин, хафсала қани, ўйин тушай десам оёғим чалишади. Бобом карвонлар билан ўтириб, бизларнинг ўйин тушишимизни кўриб, ўзи ўйнаб кетгундай бўляпти. Оёғидан бирор тортаётгандек жим турмас эди.

Остап:

— Караб тур, Фома, чоли қурғур ҳозир ўйинга тушиб кетади, — дейиши билан, уни қарангки, чолнинг сабри чидамай ўйинга тушиб кетди. Карвонларга мақтамоқчи бўлди-да.

— Ҳа, шайтонваччалар, шу ҳам ўйин бўлдими? Мана бундай тушмайсанларми! — ўридан турганча ер тепиб ўйнаб кетди.

Шундай ўйин тушдики, асло қўйяверинг, гетманинг хотини билан тушса ҳам койил килар эди. Бизлар бир чеккага чиқиб олдик. Чоли қурғур бодринг экилган текис ерга тушиб олиб хўб ўйнади. Ўйнаб-ўйнаб авжига чиққандан кейин чириллаб айланиб турган эди, ўртасига борганда бирдан оёғи жонсиз бўлиб кимирламай қолди. Ёпирай! Кейин яна айланиб кетди, аммо яна ҳалиги жойга бориши билан оёғи яна котиб қолди. Шунча уринса ҳам кеч кимирлата олмади, ёғоч бўлиб қолди. «Ёпирай! Жин теккан

жой экан, макринг курсин малъун шайтон! Одамзоднинг душмани бадбахт шайтоннинг ишини қаранг!»

Карвоилар олдида шарманда бўлиб қолаверсинми? Тапир тупирга олиб яна ўйнаб кетди, жуда қойил қилди. Чир-чир айланиб ҳалиги жойга борганда оёғи яна боягидай қотиб қолди, ҳеч қимирлата олмади.

— Ҳа бадбахт шайтон! Сасиган қовун тикилиб ўлгур! Жувонмарг итвачча, қариган чоғимда шарманда қилдинг! — деб жуда койиди. Дарвоке орқадагилардан бири масхара қилиб кулди. Шу пайтда бобом орқасига қайрилиб қараса, на қовун полиз бор, на карвонлар. Қаёққа қараса теп-текис яланглик.

— Ана холос, ёпирай!..

Қўзини қисиб қараса турган жойини танигандек бўлди. Ёнбoshiда дарахтзор ичида ёғоч чиқиб турипти, осмонга етади. Нима бало бўлди, попнинг экинзоридаги капитархонаси-ку! Бу ёнида ҳам бир нарса қорайиб турипти, тикилиброк қараса волость мирзабошисининг хирмони. Шайтон малъуннинг ишини қара! Шу ёққа келтириб ташлапти-я! Адашиб-адашиб йўлга чиқди. Ой кўринмас, булат орасидан фира-шира шуъла кўринар эди, холос Бобом кўнглида «Эртага шамол бўларкан-да!» деб кўйди. Йўлнинг бир томонидаги мозорда шам кўриниб қолди. Бобом ҳайрон бўлиб икки қўли билан белини ушлаганча тикилиб қараб турса бояги шам ўчиб, нарирокда яна бир шам ёнди. Бобом ҳовликиб

— Дунё, нимадан десанг ҳам бас бойлашаман, шу ерда дунё бор! — деб аллақаҷон қўлига тупуриб қазимоқчи бўлди, лекин қўлида на курак, на белчаси борлиги эсига тушиб қолди. — Аттанг, бироқ ким билсин, чимни кўчирса басдир, шундокқина юзада ётган булса ҳам ажаб эмас! Нима қилай, ҳеч бўлмаса таниглик қилиб қўяй, эсимдан чиқиб кетмасин.

У шамолдан синиб тушган булса керак, ётган катта бир шохни судраб чироқ кўринган гўрнинг устига ташлаб, ўзи йўлга тушди Чакалак бўлиб ётган ёш болут дарахтлар сийракланиб колгандан кейин узокда четан девор кўринди. Бобом кўнглида «Попнинг зовур ери, демабидим, четан девор ҳам уники, менинг пайкалим бу ерда бир чақирим ҳам келмайди», деб кўйди.

Лекин уйга жуда кеч келди, умочини ҳам емади. Укам Остапни уйғотиб, ундан карвонлар қачон кетдилар? — деб сўради, холос Кейин пўстинига бурканиб ётиб олди. Укам:

— Бобо, бугун қаерда қолдингиз? — деб сўради. Бобом пўсти нига яна каттиқроқ бурканиб олиб

— Сўрама, айтсан сочинг оқариб кетади, — деди. Кейин шундай хуррап отиб бердики, пайкалга тушган чумчуклар ҳам қочишди. Лекин уйқи қаёқда? Жойи жанинатда бўлсин, жуда қув чол эди, ҳар нарсанинг ҳийласини топар эди. Гоҳда гапни шундай ўринлатор эдики, ҳайрон бўлиб лабингни тишлаб қолаверар эдинг

Эртасига коронги тушар-тушмас камзулини кийиб, белини боғлаб, белкурагини олиб, бошига телпак кийиб олди. Кейин бир коса квасни ичиб олиб, лабини этаги билан артиб, түппа-түғри попнинг ерига қараб кетди. Четан девордан, чакалакдан ҳам ўтди, караса худди ўша жойнинг худди ўзи кеча таниғлик қилиб кетган ери. Узун ёғоч учидаги капитархона ҳам туринти, лекин хирмон кўринмайди. «Йўқ, бу жой эмасга ўхшайди, нарирокда бўлса керак. Хирмон томонга қайтай!» деди. Оркасига қайтиб, бошқа йўл билан хирмон тепасига борди, бироқ энди капитархона кўринмай қолди! Қайтиб капитархона олдига келса, хирмон йўқ бўлиб қолди. Аксига олиб ёмғир томчилай бошлади, юргурганча хирмон олдига келса, капитархона гойиб бўлиб қолди, қайтиб капитархона олдига келса, хирмон йўқ бўлиб қолди.

— Ҳа, баччағар шайтон, болаларингдан айрилгур, лаънати!— деб шайтонни койиб кетди.

Ёмғир челяқдан қўйғандек шариллаб ёғиб турипти.

Оёғидаги янги этигини ечиб, ёмғирда ивимасин, деб рўмолига ураб олди. Кейин чунонам жуфтак уриб кочдики, бойнинг йўргаси ҳам унга етолмас эди. Шалаббо бўлиб ивиб, чайлага кириб кетди Пустинини бошига илиб олиб, шивир-шивир бир нарса дуолар ўқиб, мен сира эшитмаган аллақандай сўзлар билан шайтонни алқаб кетди. Агар кундузи бундай ишни қилган бўлса орим келар эди.

Эртасига уйғониб қарасам бобом пайкални оралаб юрипти, ҳеч нарсани кўрмаган-бильмаган кишидек, тарвузларни барг билан ёпиб юрипти. Овқат устида чол яна бояги-боягида гаплашиб ўтириди, сени товукка алишиб юбораман, деб кичик укамни ёлғондан кўркитди. Овқат еб бўлгандан кейин ёғочдан сивизға килиб чалиб ўтириди. Илонга ўхшаб, ўралиб-ўралиб ғалати, қийшиқ битиб қолган қовуни, манглар турк қовуни, деб масхара билан бизга берди, томоша қилиб ўтиридик. Энди бунақа қовуннинг тухуми колмади. Унинг уруғини аллақаerdan олиб келганилиги рост эди.

Кечқурун овқат егандан кейин белчасини олиб, кечки қовоқقا жўяқ олгани чикиб кетди. Бояги жин теккан жойдан ўтаётганда карғамасдан ўтиб кетолмади. Ҳа лаънат ёққан жой, деб ўйин тушаётганда оёғи котиб қолган жойга бориб аччиғланиб, кураги билан ерни бир урди. Атрофига қараса яна ўша кўзига кўринган жойлар кўринди. Бир ёқда ёғоч бошидаги капитархона, бир ёққа қараса хирмон. Ичида: «Хайриятки белкуракни олиб келган эканман. Анов кўрган йўлим! Манави гўр, ташлаб қўйган шохим ҳам туринти, ёниб турган чирок ҳам худди ўша, энди янглишмасам бўлгани» деб, қовунга кирган қобонни урмоқчи бўлгандек белчасини кўтариб, юргурганча гўрнинг тепасига борди. Бориши билан шам ўди; гўрнинг тепасида ўт босган катта тош бор экан. Ичида: «Бу тошни кўтариб қарамоқ керак» деб, унинг тўрт томонини

қазий бошлади. Тош қурғур катта экан, шундай бўлса ҳам оёғини ерга маҳкам тираб туриб уни ағдариб ташлади. Тош гумбулланча думалаб кетди. «Хўб қилдим, энди иш осонлашди», деди бобом ичида.

Тошин думалатиб юборгандан кейин қортигини чиқазиб буриакнисдан канига солиб энди отмоқчи бўлиб турганида, боши тепасида бирор «ҳапшу!» деб аксириб юборди, ҳатто дарахтларнинг учи қимирилаб, бобомнинг юз-кўзига тупик сачради. Юз-кўзини артаркан:

— Аксирганда тескари қарасанг бўлмайдими! — деб қайрилиб қараса ҳеч ким йўқ. Қортигини қўйнига солиб, белкурагини оларкан: — Баччагар шайтон бурнакини ёмон кўрар экан, бўлмаса бундай асл бурнакини ота-бобоси кўрган эмас! — деб ерни қазий бошлади.

Ер юшшоқ, белкурак ўзи ботиб кетяпти. Бир маҳал жангиллаган овоз чиқди. Тупроқни тортиб қараса қозон кўринди. Бобом қозоннинг тагига белини тиқиб:

— Ҳа баракалла, шу ерда экансан-ку! — деди

Тумшуғи парранданикига ўхшаган бир нарса чийиллаб

— Ҳа баракалла, шу ерда экансан-ку! — деди.

Бобом ўзини четга тортиб белкурагини тушириб юборди. Кўйбошли бир нарса дарахт тепасидан туриб:

— Ҳа баракалла, шу ерда экансан-ку! — деди

Чакалак ичидан айик бошини чиқазиб:

— Ҳа баракалла, шу ерда экансан-ку! — деди

Бобомнинг кути учиб, секингина:

— Бунда бир оғиз сўз айтиб бўлмас экан-ку! — деб ғулдиради

— Бунда бир сўз айтиб бўлмас экан-ку! — деб чийиллади тумшуғи парранданикига ўхшаган бир нарса.

— Бунда бир сўз айтиб бўлмас экан-ку! — деди қўй бошли нарса.

— Айтиб бўлмас экан! — деб ўқирди айик.

Бобом:

— Ҳм... — деди-ку ўзи қўркиб кетди. Дарров бояги тумшуғи парранданикига ўхшаган нарса чийиллаб:

— Ҳм! — деб қўйди. Кейин қўй бошлиги маъраб:

— Ҳм! Ҳм! — деди айик ҳам.

Ваҳимаси келиб у ён-бу ёнга қараса, қоп-коронғи зулмат осмонда на юлдуз бор, на ой. Қаёққа қараса теги йўқ жаҳаннам, тепасига қараса тоғ осилиб, тепасига аганаб тушгандай бўлиб туриби. Назарида тошнинг орқасида бадбашара бир нарса мўралаб турганга ўхшайди. Вой-бў! Бурнини қарасанг темирчининг дамидек, ҳар кавагига бир челяқдан сув кетади; лаблари, азрабойи худо, ҳар қайсиси ғўладек. Қип-қизил кўзлари орқасига айланаб кетипти, тағин тилини чиқазиб, масхара қилиб ҳам қўяди

— Бор-э! Дунённг бошингда қолсин! Бадбашара афтнинг курсии! — деб қозонни ташлаб қочмоқчи бўлиб туриб эди, айланиб қараса бояги-боягидай ҳеч нарса йўқ. Ажина қўркитяпти шекилли деб, яна қозонга ёпишиди.

Ҳеч иложи йўқ, оғир! Нима қилсин, ташлаб кетиб бўлмайди. Ҳамма кучини йифиб қўли билан кўтариб, бир-икки зўр уриб эди, қозон қўзгалди.

Қозонни чиқазиб, бир бурнаки отиб олай, деб кортигини олди. Лекин бурнакисини отмасдан аввал битта-яримта йўқми, деб у ён-бу ёнга қараб қўйди. Ҳеч ким йўққа ўхшайди. Бироқ турган тўнка пишиллаб, дўмбира бўлиб шишаётганга ўхшади, икки қулоқ, икки қўз чиқазди, бурун пайдо қилди, бурнининг каваги керилиб, тепаси тиришиди, аксирай-аксирай деди-ю, аксиrolмади. Бобом қортигини кўйнига тикиб ичиде «Очмай қўяқолай, баччагар шайтон юз-кўзимни яна тупик қылмасин!» деб қозонни кўтартганча урра қочди. Кетидан бирор хипчин билан оёғига савалаб келаётганини билади, холос. Оёғида кучи боричавой-войлаб қочиб кетаверди. Попнинг чорбоғига етгунча дам олмади.

Бизлар, бобом қаёқда колди, деб уч соатча пойладик. Онам қўргондан бир хурмада иссик умоч пишириб келтириди, лекин бобомдан ҳали ҳам дарак йўқ. Кечқурун овқатни яна ўзимиз едик. Онам, ҳамма ёқ экин эмасми, шунинг учун идиш-товоқни ювиб ювиндини каерга тўкишини билмай турганда рўпарасидан бир бўчка тўппа-тўгри думалаб келаётганга ўхшади. Тим коронги эмасми, ҳеч нарсани қўриб бўлмайди, болалар бўчкани ўйнаб думалатиб келяптилар шекилли, шунга тўка қолай деб, иссик ювиндини ағдариб юборди.

Бирор бақириб юборди, қараса бобом экан. Ким билсин, азбаройи худо, бўчка келяпти, деган эдик. Худоё тавба, гапиргани ҳам одам худодан қўркади, уят, бобомнинг оппок соч-соқоли ювиндига беланиб картошка пўчоқ борми, тарвуз пўчоқ борми, бобомнинг соқол-муйловларига илиниб колипти, буни қўриб тоза кулдик.

Бобом этаги билан юз-кўзини артаркан:

— Ха опала курғур! Рождествога сўйилган чўчқани парт қилгандек пиширдинг-ку! — деб бизларни чакирди. — Болалар, бу ёққа келинглар, энди ширин нон ейдиган бўлдинглар! Итваччалар энди кийганингиз кимхоб бўлади! Бери келинглар, нима олиб келганимни қўринглар! деб қозонни очди.

Нима экан деб ўйлайсиз? Яхшигина ўйлаб қўриб гапиринг, тилла дейсизми? Тилла қаёқда! Ахлат, најосат... Айтишга ҳам уят. Бобом туф, деб қозонни иргитиб юборди, кейин қўлини ювиб келди.

Шундан буён бобом шайтонга ҳеч бир ишонмайдиган бўлди, бизларга ҳам аксари насиҳат қилиб:

— Худонинг душмани малъун шайтоннинг йўлига асло кирманглар, итвачча ҳамма вакт алдайди, бир чақалик рост ганийўк! — дер эди.

Шундан бери, қачонки бир ерда нотинчликни эшитса:

— Қани шоввозлар, чўқинтиринглар! Баракалла, чўқинтиринглар, қўйманглар баччагарни! — деб, ўзи ҳам ҳа деб чўқинтира берар эди. Ўйин тушаётганда ёёғи қотиб қолган палакат ернинг атрофини четан девор билан ўраб, нимаики ахлат, хас-хашак бўлса шу ерга ташланглар, деди.

Жин деган нарса одамзодни ана шундай алдайди! Шу палакат ерни жуда яхши биламан, уни қўшниларимиз бобомдан ижарага олиб экин экдилар, ернинг тупроғи ниҳоятда унумдор, экин ҳамиша яхши битар эди, лекин жин теккан ҳалиги палакат ерда ҳеч нарса битмас эди. Ҳар канча ҳафсала билан эксалар ҳам, кейин битган нарсанинг нима эканлигини билиб бўлмас эди, тарвуз деса тарвуз эмас, қовоқ деса қовоқ эмас, бодринг деса бодринг эмас, алланима бало!..

МИРГОРОД

• **Диканька қишлоғи
окшомлари»нинг
дипломи бўлгувчи
новестлар**

Миргород Хорол дарёси бўйига жойлашган мўъжазгина
шиҳар, 1 аркон фабрикаси, 1 фишт заводи, 4 сув ва 45 шамол
тегирмони бор.

Зябловский жүгрофияси

Миргородда тешиккулчалар гарчи жайдари буғдой унидан
ёнилса-да, мазаликкина бўлади.

Бир саёҳатчининг ён дафтиридан

БИРИНЧИ КИСМ

ҚАДИМГИ ЗАМОН ПОМЕШЧИКЛАРИ

Малороссияда қадимги замон помешчиклари деб номи кетган ва ҳозир ҳам олис қишлоқларда яшайдиган баъзи мулкдорларнинг хилватда кечирган умрини, соддагина ҳайтини мен ниҳоятда яхши кўраман; чунки бундай одамлар хилма-хил бўлгани учун ажойиб хушманзара кўхна уйлар сингари гўзал бўлади ва янгича солинган, ҳали девори ёмғир, томи кўкат кўрмаган, сувоқсиз зинапоя гиштлари нурамаган сип-силлик бинодан эски уй тамоман фарқ қилганидек, булар ҳам бошқаларга сира ўхшамайди. Баъзан мен шу хилватгоҳ оғушига кириб, бирпас ором олгим келади, чунки бунда ҳеч қандай орзу-ҳавас, кафтдай ҳовлини ўраб олган ёғоч девордан, олхўрию олмага тўлган боеч четанидан ошиб ўтмайди, толу коракат ва ноклар соясидаги бир томонга қийшайиб кетган қишлоқча уйлардан нари чиқмайди. Бу уйларда яшовчиларнинг турмуши шу қадар тинч ва ҳаловатда ўтадики, бу ерга келган одам барча хирс ва ҳавасларини, ер юзида шайтон васвасаси билан пайдо бўлган ола-ғовурларни бирпас унутади ва бу хирс-ғавғоларни ҳақиқатда йўқ нарса, улар факат ажойиб, ғалати бир туш деб ўйлай бошлайди. Менга бу ердан: чақмоқ чақиб, дўл ёғиб турганда деразаларнинг дарпардасини ёпгани ташқарига чиққанда ёмғирда ивимаслик учун уйнинг гир атрофига курилган айвончанинг қорайиб кетган устунлари ва пастаккина уйча кўриниб турибди. Уйнинг оркасидаги хушбўй шумурт дарахти, катор-катор настак мева дарахтлари, кизарнб турган олчалар, қаҳрабодек олхўрилар, устини кумушдай гард босган, ҳар тарафга шоҳ отган клён дарахти ва истироҳат учун унинг соясига солинган гилам, уй олдида барра ўт ўсган кенг ҳовли, омборхонадан ошхонага, ошхонадан бойнинг оромгоҳига борадиган юравериб топталиб кетган йўлка, момикдек жўжалари билан сув ичаётган бўйни узун гоз, шода-шода нашвати ҳамда олма қоки осилган ва шамоллатиладиган гиламлар ёйиб қўйилган ёғоч девор, омбор олдида турган бир арава қовун, аравадан чиқазилган, бемалол ҷўзилиб ётган дангаса ҳўқиз ҳозир ҳам кўзимга кўриниб турибди, балки, кўпдан бери бу манзарани кўрмаганим учунми ёки йирокдаги нарсани согиниб ўрганганимизданми, ишқилиб булар ҳаммаси мен учун жуда ажойиб ва қандайдир гўзал эди. Нима бўлса

хам, аравам бу уйнинг остонасига яқинлашди дегунча, кўнглим шундай ором олар эдик, асло қўя беринг; отлар ўйноклаб зина ёнида — арава ёнида тўхтар, кучер ҳам худди ўз уйига келган-дек, аста эгаридан тушиб, трубкасига бемалол тамаки тиқар эди; принчоқ барбосларнинг, олапар лайчаларнинг вовуллагани ҳам қулогимга ёқар эди. Аммо, бажонидил кутиб менинг олдимга чиқкан хилватгоҳнинг бу камсуқум эгалари — чолу кампир менга ҳаммадан ортиқ ёқар эди. Баъзан модага эргашиб фрак кийган гала-гала одамлар орасида бўлган чоғларимда бу чолу кампирнинг чехраси кўзимга кўриниб, бирданига эсим оғиб хаёл сурис кетаман, шунда ўтмиш замонлар кўз ўнгимдан бирма-бир ўта берили. Уларнинг чехраси ҳамиша шундай очик, кўнгиллари шундай тозаки, бу чехрани кўрганда, гарчи бирпас бўлса ҳам, беихтиёр ҳамма шўх ва қалтис ҳаёллардан қайтиб, бутун ҳиссиёт билан шу бегалва, осойшта ҳаёт оғушига кириб кетганини киши ўзи ҳам билмай колади.

Ўтмиш аср одами бўлган ва афсуски, энди ҳеч топилмайдиган чолу кампирни ҳалигача сира унутмайман! Лекин, кўнглим ҳали ҳам уларга ачинади; вақтики келиб бир куни шулар яшатан жойга борсаму, пастаккина уй ўрнида вайронга, қуриган ховуз ва ўт босган ариқдан бошқа ҳеч нарсани кўрмасам-а, деган ҳаёллар миямга келганда юрагим орқасига тортиб, орзиқиб, эзилиб кетади. Ҳасратларга тўламан, қайгум ошади, ҳалитдан юрагим эзила бошлайди!

Аммо ҳикояга келайлик.

Афанасий Иванович Товстогуб ва у кишининг хотини Пульхерия Ивановна Товстогубиха, ўша атрофдаги мужикларнинг таърифига караганда, мен гап бошлиган чол-кампирнинг худди ўзгинаси эдилар. Агар мен рассом бўлсаму, Филемон билан Базкидининг¹ суратини олмокчи бўлсан, нусха учун булардан бошқа ҳеч кимсани олмас эдим. Афанасий Иванович олтмишга, Пульхерия Ивановна эллик бешга кирган эди. Афанасий Иванович новча бўлиб, калта эн барра пўстин устидан тушмас, доим букчайиброқ ўтирас, гапирса ёки бировнинг гапини тинглаётган бўлса, доим илжайиб турар эди. Пульхерия Ивановна бироз сипо бўлиб, камдан-кам кулар; аммо унинг меҳр-шафқатли экани ва сиздан ҳеч нарсасини аямаслиги юз-кўзидан шунчалик аёп эдик, агар бундай меҳрибонлик устига яна чехраси ҳам очилиб турса, буни сиз албатта ҳаддан ташкари хушфеъликка жўяр эдингиз. Уларнинг юзидаги майда ажинлар шундай ёқимли эдик, агар бу ажинларни рассом кўрса, албатта ўғирларди; бу ажинлар уларнинг тинч ва ҳаловатда ўтган умрларининг гўё бир китоби, эски

¹ Умрлари охиригача тотув яшаган эр-хотин; уларнинг чин муҳаббатлари на ахилликлари эвазига худо жонларини бир кунда олиб, икки дараҳтга айлантирган. (Юнон афсонаси.)

миллий урф-одатни саклаган, таг-туглик соддадил ва бой кишилар ҳаётининг битиги эди. Булар маҳкама ва идораларга, худди чигирткадек ёпирилаётган ва ўз ҳамشاҳарларининг бир чақасини кўймай шилиб оладиган, Петербургни чақимчи ғаламисларга тўлдираётган, дастмоядор бўлган, фамилиясининг охиридаги «о» га «въ» қўшиб оладиган бир хил қорамойчи савдогарлардан чиккан зоти пастларга сира ўхшамасдилар; йўқ, булар мутлақо бу каби муттаҳам ва пасткаш кишиларга сира ўхшамасдилар, булар Малороссиядаги қадимги таг-туглик хонадонлардан эдилар.

Бу чолу кампирнинг бир-бирига бўлган меҳрибончилигини кўрганда, кишининг ҳаваси келмай қолмасди. Улар бир-бирларини сийлашар, сира сенсирашмас, доим сизлашар: сиз Афанасий Иванович, сиз Пульхерия Ивановна деб сўзлашар эдилар. «Афанасий Иванович, стулни сиз букиб юбордингизми?», «Хафа бўлманг, Пульхерия Ивановна, заари йўқ, мен буқдим». Бола кўрмаганларидан иккови бир-бирига суюнишиб, жуда меҳрибон бўлиб колган эдилар. Афанасий Иванович бир замонлар, йигитлигига отлик аскарда хизмат ҳам қилган, кичик тўралик даражасига ҳам етишган эди; лекин орадан анча вақт ўтиб кетганлигидан, буни Афанасий Иванович аллақачон эсидан чиқариб юборган эди. Афанасий Иванович, ёши ўтизга етиб, укалик камзул кийиб олифтагина йигит бўлганда уйланган эди. Қариндошлари Пульхерия Ивановнани жуда усталик билан олиб қочган эди; бирок бу воқеани такир унтиб юбормаган бўлса ҳам, ҳайтовур, сира ҳам оғзига олмас эди.

Бир замонлар бўлиб ўтган бу ғалати воқеалар унтулиб, хилват кишлокда осойишта турмуш бошланди; улар ўрнини энди кишининг баҳрини очадиган ёмғир дарахт баргларини шитирлатиб, жилдир-жилдир ариқ бўлиб окқанда, аъзойи-баданингиз унишиб муррокбани босгандан, осмондаги камалак бир томони қулаб тушиган гумбаздек етти хил товланиб дарахтлар орасидан мўралаб гира-шира шуъла ташлаганда — кишлок уйининг чорбокقا қараган болохонасида уйқу босиб ўтирганда, ёки ӯланзор ичидан, чакалакзор орасидан ўтиб кетаётган арава сизни тебратиб, аллалаганда, беданалар сайрашиб, хушбуй ӯлан ва чечаклар, буғдой бошоклари билан арава эшикласидан кириб юз-кўзингизга, кўлларингизга тегиб, булардан завқ-шавқингиз ошиб, гашт қилиб бораётган чоғингизда туғилган тотли хаёллар эгаллайди.

Уйига келган меҳмонлар гапирганда, у кулимсираб кулоқ солар, баъзида ўзи ҳам гапирав, аммо аксари кўпроқ сўроклар эди. У эски замонни мақтай берадиган, янги замондан нолиб, ҳаммани безор қиласидиган бир хил чоллардан эмас эди. У, аксинча, сизнинг ҳол-аҳволингизни кўпроқ сўрар, суриштирав, жонкуяр қариялар сингари ишининг ўнгидан келганига севинар, омадингиз юришмаган бўлса куюнтар эди. Кексаларнинг бу одатлари сиз билан гап-

лашиб турганда соатингиз тамғасини ўйнаган гұдакнинг қилигига үхшанқираб кетса ҳам, ҳаммасида шу одат бор. Бу чоғларда уннинг чехрасидан нур, саховат ёғиб туради десак ҳам бўлади.

Чол-кампир турган ҳовлиниң уйлари аксари қадимги оксусякларнидек кичкина ва пастак эди. Ҳар уйда, тахминан уйнинг учдан бирини эгалаган биттадан каттакон печка бўлиб, уйлар ҳаммомдек иссиқ эди, чунки Афанасий Иванович ҳам, Пульхерия Ивановна ҳам иссиқни жуда яхши кўрар эдилар. Ҳамма печкаларниң оловхонаси даҳлиз томондан ёқилар эди ва бу даҳлиз ҳамиша шипигача похол босиб ташланган бўлардики, Малороссияда бу нарса ўтин ўрнида ишлатиларди. Киш кечалари биронта кора кўз кетидан тентираб тўнғиган шўх йигитлар қўлини ишқалаганча даҳлизга кирганида, похолнинг қирсиллаб ёниши, оловнинг шуъласи даҳлизни аллакандай чиройли қиласар эди. Уйнинг деворида қадимги энсиз рамлар ичида бир неча катта-кичик суратлар осиглик тураган эди. Бу суратлар ниманинг тасвири эканини уй эгаларининг ўзлари ҳам аллақачон эсдан чиқариб юборганларига сира гумоним йўқ; агар бирор бу суратларнинг бир-иккитасини олиб кетса ҳам, пайқамасалар керак. Суратлардан каттакон иккитаси сир бўёқ билан ишланган бўлиб, бири қандайдир архиерейнинг сурати, иккинчиси — Петр III нинг сурати эди. Чўзинчоқ ромларнинг бирида малика Лавальернинг¹ сурати турагди, уннинг бутун башарасига пашша ўтирган эди. Деразаларнинг ён-верида, эшиклар тепасида яна бир талай ҳар хил суратлар осиглик эдию, лекин булар кишининг назарига девордаги доғ-дукқа үхшаб кўринганидек уларга тузуккина эътибор берилмасди. Ҳамма уйнинг таги тупроқ бўлса ҳам, шундай топтоза шувалиб чиннидек килиб кўйилган эдикни, қўйрукли камзул кийган ва уйқуга тўймаган хизматкорлар хеч бир саройнинг паркет полини бундай тоза тутмас эдилар.

Пульхерия Ивановнанинг уйи катта-кичик сандик ва қутиларга тўла эди. Деворга осиглик бир талай ҳалта-хулталарда ҳар хил гул, қовун-тарвуз, сабзавот ва резаворларнинг уруғи тураган эди. Сандин ва қутиларнинг бурчак-бурчагига ва ораларига коптоқ-коттоқ ранг-баранг тивит иплар, эллик йил бурун тикилган кўхна кийимларнинг лаҳтаклари тикиб кўйилган эди. Пульхерия Ивановна ниҳоятда саранжом-саришта хотин бўлганидан, гарчи гоҳида нимага яратилишини ўзи билмаса ҳам, ҳар нарсани йиғиб юраган эди.

Аммо уларнинг ўйидаги энг галати нарса — нағмалик эшик. Тонг отиши билан эшикларнинг нағмаси бошланар эди. Мен бу

¹ Француз подшоси Людовик XIVнинг маъшукаси.

эшикларнинг нимага нафма қилганини билмайман, ошик-мошиқлари занглаб қолганиданми, ёки эшикларни курган уста хийла билан ичига бир нарса яшириб қўйганми, айта олмайман: лекин, ажиблиги шуки, ҳар эшикнинг үзига хос нафмаси бор эди: ётоқхонага кирадиган эшик ингичка овоз чиказиб гижирлар, овқатхонага кирадиган эшик дўриллаган йўғон товуш чиқазар; аммо даҳлиздаги эшик шундай титроқ овоз билан нола қиласр эдики, яхши тинглаб қулоқ солсангиз: ёпирай, тўнғидим-ку, деганини аниқ эшитар эдингиз. Кўп одамларга эшикнинг бу овози ёқмаслигини биламан, лекин менга жуда ёқади, агар мен бу ерда эшикнинг гижирлаганини эшитиб қолсам, дарҳол димоғимга қишлоқ ҳиди келади, бурунги шамдонларга шам ёқиб қўйилган пастаккина ўйлар, кеч пайтда дастурхонда тайёр турган овқат, май ойи кечасида чорбог томонидаги очиқ дарчадан стол устидаги идиштоворга тушиб турган коронғу, сайраши боғ ва ўйлардан ошиб узоқдаги дарё бўйида ҳам эшитилиб турган булбул овози, дараҳтларнинг новдаларининг шитирлагани, бунинг ваҳимаси дарҳол кўнглимга келади. Бундай чокда ҳар хил хотиралар хаёлдан бирма-бир ўта беради. Ёпирай!

Қадимги курсилар қандай бўлса, уларнинг ўйларидағи ёғоч курсилар ҳам шундай пухта ишланган, оғир ва пишик эди ва барисининг суюнчиғи баланд бўлиб, ўймакор гули бор, лекин сира бўёқсиз, аслича эди, ҳатто устига ҳеч нарса қопланмаган, ҳалигача бутхоналарда архиерейлар ўтирадиган курсиларга ўхшаб кетар эди. Бурчакларда учбурчак столлар, нозиккина япроқ-япроқ гул ўйилган ва пашиша ўтирган зарҳал ромдаги кўзгу билан диван олдида гулга ўхшаш кушлар ва қушга ўхшаш гуллар сурати солинган гилам осиғлик. Чол-кампир турган уйнинг соддагина жиҳози ана шундан иборат эди.

Чўри қизлар турадиган уйда йўл-йўл матадан юбка кийган аллақанча ёш ва «кари» қизлар бор эди. Пульхерия Ивановна баъзида уларга чок тикитирар, мева тозалатар, аммо улар кўпроқ ошхонага югурап ва ухлардилар, холос. Пульхерия Ивановна уларни уйдан чиқармасликни маъқул кўриб, қаттиқ тергаб турар эди. Бироқ, ой ўтмай қизлардан битта-инкитасининг қорни дўппайнб қолганини кўриб жуда ҳайрон бўлар эди, чунки уйда овқату ўйқудан бошқани билмайдиган, нимчаси устидан тушмай, донм яланг оёқ юрадиган ёлғиз ўғил боладан бошқа ҳеч бир бўйдок киши йўқ деса бўлар эди. Пульхерия Ивановна гуноҳ иш килиб қўйган қизни хўп койигач, бундан буён бундай иш қилинмасин, деб қаттиқ тайинларди. Деразаларнинг ойнасига ёпирилиб гингиллашиб ётган пашишаларнинг ҳисоби йўқ, лекин қовоғари ва ариларнинг гўнгиллаши олдида пашишаларнинг гингиллаши ҳолва эди. Аммо шам ёқилди дегунча, бу маҳлуклар уйнинг шипига коп-кора бўлиб ёпишар ва ўйқуга кетар эди.

Афанасий Иванович ахён-ахёнда үрокчилар төпасиңга бориб, уларнинг ишларини томоша қилгани бўлмаса, деҳқончилиги билан кўпда ҳам иши йўқ эди, рўзгор-тирикчилик ташвишининг ҳаммаси Пульхерия Ивановна бошида эди. Пульхерия Ивановнанинг рўзгордаги иши нуқул омборхоналарни очиб ёпиш, турли-туман мева ва ўланларни куритиб коки қилиш, тузлаш, қайнатиб мураббо қилишдан иборат эди, холос. Унинг уйн худди кимёгарнинг лабораториясиға ўхшар эди. Олма тагидаги ўчокнинг ўти ҳеч ўчмас, сепоя¹ устидан мис жом ёки қозон сира тушмас, доим мураббо, шарбат, асал қўшилган, асал бўлмаса, шакарми, яна билмадим, нима балолар солинган ҳар хил мевалар қайнаб турар эди. Яна бир дараҳт тагида кучер мис кўзага ўхшаш идиңда шафтоли барғи, шумурт гули ёки шичанг деган ўт, олча данагиданни ароқ солиб тортар эди. Кучер бу ишни тамомлагунча, тили сўзга келмай алжиб қолар, Пульхерия Ивановна нима деганини тушуна олмасди, сўнгра у ошхонага кириб ухлар эди. Бундай бемаза нарсалар шунчалик кўп пиширилар эдикни, агар ярмисидан кўпини чўри қизлар еб битирмасалар, ҳовлига сифмай кетарди, чунки Пульхерия Ивановна ҳамиша кўнгил тўқ бўлиб турсин деб рўзгорга керагидан анча ортиқ ғамлар эди. Аммо, чўри қизлар омборхонага кириб олиб, бу овқатларни чунонам ер эдиларки, кейин кечгача коринлари оғриб, инқиллаб юрар эдилар.

Дон экиш ва бошқа шунинг каби ҳовлидан ташкарида бўладиган юмушларга аралашибга Пульхерия Ивановнанинг қули тегмас эди. Гумашталари оқсокол билан тил биринтириб, тоза ўғирлар эдилар. Иккови биргалашиб олиб, ҳужайнининг ўрмонини ўзлариникидек қийратар эдилар, дараҳтларни кесиб чана қилар ва ярмаркага элтиб сотар эдилар. Бундан ташкари йўғон дуб дараҳтларини атроф-теваракдаги тегирмончи казакларга сотар эдилар. Бир куни Пульхерия Ивановна ўрмондан хабар олиб келмокчи бўлди. Ўрмонга бориб келмок учун олдига чарм фартук тутилган каттакон дрожкини қўшдилар. Кучер юганни силтаб юбориши билан — милиция қўлидан чиққан отлар кўзғалди дегунча, араванинг ҳар бир мих ва темиридан барада най, доира ва ногора садосига ўхшаган ҳар хил овозлар чиқа бошлади. Тегирмон билан ҳовли ўртаси икки чакиримдан кам бўлмаса ҳам, бойвучча ҳовлидан чиқишлари билан бояги нағма садолари тегирмонга бориб ётар эди. Пульхерия Ивановна дараҳтлари қийралиб, ҳувиллаб колган ўрмонни, ўзининг болалик чоғидаёқ билгани азамат дубларнинг ғойиб бўлганини фаҳмламай иложи йўқ эди.

Пульхерия Ивановна ёнида турган гумаштасиға қараб, «Ничепор, нега дублар бундай сийрак тортиб қолибди? Билиб қўй, тагин соchlарини ҳам сийрак бўлиб қолмасин» деди.

¹ Сепоя — уч оёклик темир ўчок.

Гумаштаси, «Нега, сийрак дейсизми? Нобуд бўлиб кетди! Кийраб кетди! Яшин тегди, курт тушди, хоним ойим, шундай килиб нобуд бўлиб кетди» деб жавоб берарди.

Пульхерия Ивановна унинг бу жавобидан қоникиб, уйга келгач, чорбодаги катта олча билан катта кузги нок тагига кўпроқ коровул қўйилсин, деб буйруқ берарди.

Ҳамма нарсага эга бўлиб олган гумашта билан оқсоқол ҳамма унни хўжайн омборига тўкишни чакки фахмлаб, унга ярмисини ҳам берсак бўлади, дердилар. Бу ярмиси ҳам нам тортиб бўрсиб қолганидан ярмаркадан сотилмай қайтган эди. Аммо гумашта билан оқсоқол ҳар қанча талон-торож қилсалар ҳам, омборчидан тортиб чўчкаларгача, ҳовлидагиларнинг бариси ҳар қанча есалар ҳам, чўчкалар аксари тумшуклари билан силкитиб, олхўри ва олмани дув тўкиб ер билан яксон қилсалар ҳам, чумчук ва карғалар ҳар қанча чўқисалар ҳам, хизматкор ва малайлар, бошқа қишлоқлардаги қариндош-уруғларига ҳар қанча ташисалар ҳам, ҳатто омбордаги эски мата ип борми, хуллас куридим дарёдан бешбаттар ҳамма нарсани юта берадиган ва ароқхонада ўтадиган ниманки бўлса, шуни ҳар қанча талон-торож қилсалар ҳам, меҳмонлар, лаванг кучерлар, хизматкорлар ҳар қанча ўғирласалар ҳам, баракали ердан шунча смиш унар ва Афанасий Иванович билан Пульхерия Ивановна эҳтиёжи учун керак бўладигани шунча кам эдики, уларнинг рўзгори шунча форат килингани билан билинmas эди.

Чолу кампир, қадимги замон помешчикларининг бурунги одатларича мазали овқатнинг кули эдилар. Тонг отиб эшиклиарнинг боя айтилган нагмаси бошланар-бошланмас (улар ҳар вакт жуда эрта турар эдилар) дастурхон ёзилиб аллақачон қаҳваҳўрликка ўтирас эдилар. Афанасий Иванович қаҳвани хўп ичиб олгач, эшик тагига даҳлизга чиқиб, зина олдида турган гозларни рўмолчаси билан хайдаб: «кишт-кишт»ларди. Ҳовлида аксари гумаштасига дуч келиб, ундан ҳар бир иш тўғрисида шундай каттиқ суриштирас, шундай амр-фармонлар килар эдики, бундай тергаб-тежашини кўрган одам унинг рўзгор ишларида бундай нишибилармонлигига ҳайрон қоларди, янги келган одам бўлса, бундай хўжайнининг бирон нарсасини ўмаридекетиш мумкинилигини хаёлига ҳам келтира олмас эди. Аммо, гумаштаси пихини ёрган ва туллак одам эди, нима жавоб қилишни ва хусусай рўзгорни қандай идора қилишни хўп яхши билар эди.

Шундан кейин Афанасий Иванович оромгоҳига кириб, Пульхерия Ивановна ёнига бориб:

— Хўш, Пульхерия Ивановна, овқат маҳали ҳам бўлдими, бирор нарса еб олсакмикан? — дер эди.

Пульхерия Ивановна бўлса:

— Афанасий Иванович, кўнглингиз нимани хоҳлайди, ширин

понга мой суртиб берайми, ёки күкнор уураги солинган сомсами, ё бүлмаса тузланган замбуруғдан берайми? — дер эди.

Афанасий Иванович:

— Замбуруғми, сомсами, майли, нима бүлса беринг,— дер эди. Шундан кейин дастурхонда дархол бу овқатлар ҳозир бүлар эди.

Афанасий Иванович тушки овқат вактига бир соат қолганда, яна андак овқатланиб, эски кумуш қадаҳни түлдириб арқ ичар, тамаддига замбуруғми, қоқ балиқми — иш қилиб бир нима еб олар эди. Соат үн икки бүлганды тушки овқатга ўтирада эдилар. Дастурхонга лаган ва қайлардан ташқари, ичидаги бурунгидан қолган лаззатли нарсанинг хиди чикиб кетмасин деб оғзи шувалиб күйилган бир неча күзачалар ҳам күйилар эди. Дастурхон тепасида бүладиган сұхбат ҳам овқат доирасидан чиқмас эди.

Афанасий Иванович:

— Назаримда, бу шовла андак тагига олган күринади, сизгачи Пульхерия Ивановна? — дер эди.

— Йүқ, Афанасий Иванович, саримойдан күпроқ солсанғиз, күйганга үшамайды ёки манови замбуруғ қайладан озрок сола қолинг.

Афанасий Иванович:

— Майли, қани күрайлик-чи, мазаси қандай экан? — деб тарелкасини тутар эди.

Овқатдан кейин Афанасий Иванович бир соат дам оларди, дам олиб бүлгач, Пульхерия Ивановна тарвуз сүйиб келтирарди да:

— Афанасий Иванович, жуда яхши тарвуз экан, еб күринг,— дер эди.

Афанасий Иванович тарвуздан лүндагина бир тилигини оларкан:

— Пульхерия Ивановна, тарвузнинг қизиллигига инонманг, ичи қизил бүлса ҳам, үзи бемаза бүлаверади, — дер эди.

Аммо тарвуз бир зумда йүқ бүларди. Сүнгра Афанасий Иванович нокдан ҳам бир нечтасини еб олгач, Пульхерия Ивановна билан боғ сайлига кетарди. Уйга қайтиб келгач, Пульхерия Ивановна үз юмуши билан овора бүлар, Афанасий Иванович бүлса ҳөвли томонга қараган айвон тагида ўтириб, омборхона эшигининг дамба-дам очилиб ёпилишини, бир-бирларини итаришиб, яшикми, ғалвирми, тогорачами ва босқа идишларда ҳар нарса ташиб, кириб-чикиб турган чүри қызларнинг ишларини томоша қилиб ўтирада эди. Бирпасдан кейин бирорини Пульхерия Ивановнани чақыргани юборар ёки үзи бориб:

— Пульхерия Ивановна, бирор овқат еб олсам деган эдим, — дер эди.

— Нима берсам экан? Сизга атаб атайнин олиб күйін мевали сомсам бор эди. Айтай, шунни келтирсінларми? — дер эди Пульхерия Ивановна.

Афанасий Иванович:

— Майли, сомса ҳам тузук нарса,— дер эди.

— Еки, күнглинигиз кисель ҳохлайдими?— деса: у, «Майли, кисель ҳам тузук» деб жавоб берарди. Бу савол-жавобдан кейин айтилган таомларининг барчаси тайёр қилиниб, сира колдирилмасдан, батамом ейилар эди.

Кечки овқатдан олдин Афанасий Иванович яна бир марта хўрак қилиб олар, кейин соат тўққиз ярим бўлганда кечки овқатни ердилар-да, дарров ухлагани кирадилар. Ана шундан кейин бу серҳаракат ва осойишта ҳовли ёппасига оромга кирав эди. Афанасий Иванович билан Пульхерия Ивановна ётадиган уй чунонам иссик эдики, унақа-бунака одам бу уйда сира бир неча соат туролмас эди. Аммо уйдаги иссик зўрлик қилиб, кечаси бир неча марта ўрнидан туриб уйни айланиб юрса ҳам, Афанасий Ивановичга бу иссик ҳам кифоя қилмай, яна ҳам иссиқроқ бўлсин, деб печка устига чиқиб ётар эди.

Баъзида Афанасий Иванович уйпинг у ёғидан-бу ёғига инграб юрганида, Пульхерия Ивановна:

— Нега инграйсиз, Афанасий Иванович!— деб сўради.

— Пульхерия Ивановна, худо билмаса, мен не билай, корним андаккина оғринкираб турибди,— деб жавоб қиласди Афанасий Иванович.

— Афанасий Иванович, бирон нарса еб олсангиз яхши бўлмасмикан?

— Қайдам, Пульхерия Ивановна, тузук бўлармикин! Майли, бўлмаса, есаммикан, нима есам экан?

— Қатик ёки қайнатган мева суви билан нашвати қоки енг...

— Бўлмаса, озрок еб кўраман-да,— дер эди Афанасий Иванович.

Уйкуси чала бўлган хизматкор қиз кўзини ишқалаб, жовонларни ахтариб кетар, Афанасий Иванович бўлса, у-будан еб олгач:

— Оғриқ сал қолганга ўхшайди,— деб қўяр эди.

Гоҳда ҳаво яхши бўлиб, кун очик, уй ҳам яхши иситилган бўлса, Афанасий Ивановичнинг димоги очилиб, Пульхерия Ивановна билан ҳазил-мазаклашиб, у ёқ-бу ёқдан сўз очган булар эди.

— Пульхерия Ивановна, мабодо уйимизга ут тушгундай бўлса, нима қиласмиш-а, қаёқка борамиш?— деса, Пульхерия Ивановна, чўкиниб:

— Кўйинг, худо сақласин,— деб қўяр эди.

— Албатта-ю, лекин мабодо уйимизга ут тушгундай бўлса, қаёқка кўчар эдик?

— Афанасий Иванович, қаёқдаги гапларни гапирасиз? Уйга қандай қилиб ут тушсин, худо бор-ку, ут тушириб қўядими!

— Мабодо ут тушгундай бўлса, дейман-да?

— Унда ошхонага күчиб кўя колардик. Сиз омборчи хотин турган уйни эгаллаб тура турардингиз.

— Агар ошхона ҳам ёниб кетса-чи?

— Худо сакласин! Ую, ошхонаю ҳаммаси бирданига ёнадими? Ошхона ҳам ёнса, янги уй солгунча, омборхонада тура турардик-да.

— Агар омборхона ҳам ёниб кетса-чи?

— Худоё тавба, қаёқдаги гапларни гапирасиз! Қўйинг, эшитгим ҳам келмайди! Бундай гапларни гапирманг, гуноҳкор бўласиз, ахир.

Лекин Афанасий Иванович Пульхерия Ивановнани калака қилганлигига ўзи завқланиб, жилмайиб ўтиради.

Аммо чолу кампирникига меҳмон келганда, улар менга жуда галати кўринар эдилар. Меҳмон келганда, уларнинг уйи тамоман ўзгача бўлиб кетар эди. Чол билан кампир факат меҳмонни деб яшардилар десак ҳам бўлади. Меҳмондан ҳеч нарсаларини аямас, қизғанмас, нималари бўлса меҳмон олдига қўяр эдилар. Ўз рўзгорларидан чиқадиган жами нарсаларини олдингизга қўйиб, олинголинг қилишиб, эслари кетарди: аммо, менга ҳаммадан ҳам кўпроқ ёккани шу эдики, уларнинг меҳмондўстлигига бемаза мулозаматдан сира асар бўлмас, бундай меҳмондўст ва очик юзликлари ўзларига жуда ярашган, шундай ёқимли эдики, таклифларини ҳеч қайтаролмасдан, беихтиёр хўп, дер эдим. Сода дилларида сира гидирлиги йўқ, тоза ва мусаффо бўлганидан феъллари кенг, ўзлари хушмуомала эдилар. Уларнинг бундай меҳмондўстликлари, сизнинг лутф ва карамингиз соясида одам қаторига кирган ва шунинг учун валий неъматим, деб оёғингизга бош урувчи бир хил маҳкама амалдорларининг меҳмондўстлигига сира ўхшамайди. Улар уйларига келган меҳмонни ўшакуни сира кетказмайдилар, бир кеча ётқизмасдан кўймайдилар. Пульхерия Ивановна келган меҳмонга ҳамиша:

— Бундай бемаҳалда қаёқка борасиз! Қеч пайтда бундок узоқ йўлга чиқиб бўладими? — дер эди. (Умуман олганда меҳмон улардан уч-турт чақирим нарида турарди).

Афанасий Иванович ҳам:

— Албатта, бир фалокат бўлмасин, қароқчига ё бўлмаса биронта нобакорга учраб-мучраб қолманг,— дер эди.

Пульхерия Ивановна:

— Қароқчидан худо ўзи сакласин! Кечаси бемаҳалда ёмон нафас қилманг. Қароқчилар йўлиқмаса ҳам, ҳар нечук кечаси, бемаҳалда йўлга чиқмоқ яхши эмас. Кучерингизни яхши биламан, нимжонгина жинғирча одам, қулидан ҳеч нарса келмайди, иничиб олиб аллақачон бир жойда ухлаб қолган бўлса ҳам ажаб эмас,— дер эди.

Бу гаплардан кейин меҳмон, албатта ётиб қолар, аммо ётиб

олгани чакки бүлмас эди. Кечкурун пастаккина уйнинг иссиги кўнглингизни очиб, димоғингизни чоғ қилиб, кайф берадиган ҳикоялар, пазандалик билан пиширилган ва дастурхон устида ҳовури чикиб турган мазали таомлар унга насиб бўларди. Афанасий Ивановичнинг стулда энгашиб, меҳмоннинг гапига завқ билан қулоқ солиб, жилмайиб ўтиргани ҳали ҳам кўзимга кўриниб турибди! Кўпинча сухбат сиёsat доирасига ҳам кириб кетарди. Аҳён-аҳёнда бир марта зўрға қишлоғидан чикадиган меҳмон ҳам, гўё ҳеч ким билмаган сир гапни билган кишидек, ўзича жўйган гапларни ваҳимали қилиб гапирар, инглиз билан француз енг ичида битишиб яна Бонапартни Россия устига отлантиромоқчи бўлибди, ёки яқинда уруш бўлармиш, дер эди. Шунда Афанасий Иванович аксари Пульхерия Ивановнага қарамаган киши бўлиб.

— Мен ҳам урушга борсам деган ниятдаман, хўш, боролмайди, дейсизми? — деб қўяр эди.

Пульхерия Ивановна унинг сўзини бўлиб:

— Ана холос, дарров урушга ҳам отландилар,— дер ва кейин меҳмонга қараб,— бу кишининг сўзларига ионманг, ўзи чол бўлса, қандай қилиб урушга борсин! Дуч келган солдат бирпасда отиб ташлайди! Худо урсин, мана бундок қилиб отиб ташлайди!— дер эди.

Афанасий Иванович:

— Нима қипти, отса мен қараб тураманми, мен ҳам отаманда,— дер эди.

Пульхерия Ивановна бўлса:

— Айта берадилар, қайси ҳолларига урушга борадилар, милтиклари ҳам занг босиб, ҳужрада ётибди. Сиз кўрганинг йўқ-а! Милтиклари шунакаки, тепкисини босмасдан аввал отилиб кетади Қўлларини майнб қилиб, башараларини куйдириб, қайтага умрбод ногирон бўлиб қолмасалар гўрга эди!— дер эди.

Афанасий Иванович:

— Хўш, нима қипти, янги аслача сотиб оламан, қилич ёки казакларнидака найза оливоламан,— дер эди.

Пульхерия Ивановна эрининг гапини оғзидан олиб, хафаланиб, дер эди:

— Бу кишининг ҳамма гаплари беҳуда. Ҳаёлларига нима келса гапира берадилар. Ҳазил қилаётганларига ақлим етади-ю, лекин шундай бўлса ҳам, кишига алланечук ёқинкирамайди. Ҳаммавақт шуидай ҳазил қиласидилар, гоҳда қулоқ солиб туриб, ваҳима босиб кетади

Аммо Афанасий Иванович Пульхерия Ивановнанинг андак кўрқанидан роҳатланиб, ўтирган жойида икки букилиб, хўп кулар эди.

Пульхерия Ивановнанинг келган меҳмонни дастурхонга ўтқазётгандаги муомаласи менга жуда ёқар эди.

Графининг копқоғини очиб, «манави — зарьфар билан илпиз солинган арок; қурак ёки бел оғригига жуда даводир. Мана буниси, бир хил ажойиб ўт солинган арок, буниси, қулоқ шанғиллашидан, бетга тушган темираткидан күткүрадиган даво. Ана уни-си шафтоли данагидан тортилган, бир рюмка ичиб күринг-а, бирам хушбўй ҳиди борки! Агар бирор каравотдан тураётганда стол ёки шкафнинг киррасига ўзини уриб олиб, пешонаси ғурра бўлса, овқат олдидан бир рюмка ичса бас, бирпасда ғурраси тузалиб, соппа-согайиб, кўрмагандай бўлиб кетади» дер эди. Кейин бошқа графинлардаги арокларни ҳам шу зайлда мақтаб, уларнинг ҳам дардга даволигини айтар эди. Бу дори-дармонларнинг ҳар қайсисидан меҳмонга ичириб бўлганидан кейин, уни дастурхондаги тарелкалар ёнига бошлаб кетарди.

— Манави замбуруқка жағжаг солиб тузлаганман, бунисига қалампирмунчоқ билан бир хил ёнғоқ мазизи солганман. Замбуруғни бу хилда тузлашни менга бир турк хотин ўргатган эди; у вақтда турклар бизда асир эдилар. Шу қадар яхши хотин эдики, дини туркча экани сира билинмас, юриш-туришлари ҳаммаси бизникига ўхшаб кетган эди, бирок чўчка гўштини емас эди, холос. Тўнғиз емоқ бизга ман, дер эди. Манави замбуруғларни маймунжон барги билан жавзи бобо¹ солиб тузлаганман! Мана бу йирик қўкатларни олдин сиркада қайнатганман, билмадим қандай бўларкин. Мен бунинг сирини Иван ҳазратларидан ўрганганман. Аввал кичкина бочканинг тагига дуб дараҳтининг баргларини солиб, кейин қалампир билан ишқор солмок, сўнгра нечу-витер деган бир хил алаф бор-ку, шунинг гулини олиб, бандини юкорига қилиб, ташлаб қўймоқ керак экан. Сомсадан ҳам олинг, пишлок солиб қилинган манави сомсага кўкнори уругини эзисб солганман! Манавиниси Афанасий Иванович яхши кўрадиган сомса. Карам билан кора буғдой солганман, — дер эди.

Афанасий Иванович ҳам:

— Ха, тўғри, мен яхши кўрган сомса; ўзи юмшоққина, мазаси андак нордон, — деб қўяр эди.

Хуллас, уйларига меҳмон келганда Пульхерия Ивановна бени-ҳоя хурсанд бўлар эди. Қўнгилчан ва ажойиб кампир! Меҳмон деса жонини аямасди. Мен ҳам уларнигига борсам, гарчи кўп овқат емоқ менга ёқмаса ҳам, ея бериб бўкиб қолар эдим, аммо шундай бўлса ҳам доим боргим келиб турар эди. Аммо, шуниси ҳам борки, Малороссиянинг ҳавосида овқат ҳазм қиласидан алла-қандай хосият йўқмикин деб ўйлайман, чунки агар бизнинг юртни-мизда бирор бунча кўп овқат ейдиган бўлса, боши ёстиқка етмай, тўппа-тўғри тахтага олина беради.

Чолу кампирга балли! Бирок, хикоят бу шўрликларнинг тинч

¹ Мұшк ёнғоқ — мускатний орех.

турмушини абадий ўзгартиб юборган қайгули воқеага якинлашиб қолди. Бу воқеа арзимаган бир ҳодиса орқасида рўй бергани учун ҳам ғалати ва ажиб кўринади. Аммо нечундир ҳаммавакт шундай бўладики, арзимаган сабаб билан катта ишлар вужудга келади; гоҳда буниинг тескариси бўлиб, жуда катта ишларниң оқибати арзимайдиган натижа билан тугайди. Биронта жаҳонгир подшо чиқиб, юртининг бор-йўқ қувватини тўплаб, бир неча йил уруш килади, лашкарбошилари хўп ном чиқаради, лекин бу можаролар картошка экишга ҳам жой топилмайдиган бир парча ерин эгаллаш билан тамом бўлади. Гоҳда икки шаҳардаги икки колбасачи бехуда бир нарсанни талашиб, уришиб қолсалар, уларниң жанжали бу шахарларниң икковига ҳам ёйилиб кетади, кейин равот ва қишлоқларга ва бора-бора бутун мамлакатга ҳам таркалади. Лекин бу гапларни кўяйлик, чунки бу ерда гапниң ўрни эмас ва буниинг устига бехуда мулоҳазаларни гапириб ўтиришни ўзим ҳам ёмон кўраман.

Пульхерия Ивановнанинг бир кул рағиб мушуғи бўлиб, доим унинг оёғига кулча бўлиб ётар эди. Пульхерия Ивановна гоҳда мушукни эркалабиб, силаб-сийпаб бўйнини китиклар, мушук ҳам талтайиб бўйнини борича чўзар эди. Қампир мушукни унча яхши кўрмас эди-ку, лекин ҳамиша ённида бўлганидан унга ўрганиб, меҳрибон бўлиб қолган эди. Афанасий Иванович кампирининг мушукка бунчалик ўрганиб қолганини мазах қиласди:

— Пульхерия Ивановна, билмадим, мушукниң нимасини бунча яхши кўрасиз, нима қиласиз уни? Ит бўлса майли эди, овга яради, аммо мушук нима қилиб беради?

— Кўйсангизчи, Афанасий Иванович, сизга гап бўлса бас, ит нопок бўлади, ҳаммаёқни ифлос қиласди, уни-буни синдиради, мушук-чи, мушук ювош маҳлук, хеч кимга зиёни тегмайди, — дер эди Пульхерия Ивановна.

Сирасини айтганда, итми, мушукми, Афанасий Ивановичга барибир эди, лекин, Пульхерия Ивановна билан ҳазиллашиб учун атайнин шундай дер эди.

Уларниң чорбоги орқасида катта ўрмони бўлар, аммо уддабурон гумашта буни аяб, сира кўл текизмаган эди. Эҳтимол болтанинг овози Пульхерия Ивановна кулогига етиб қолади, деб кўрқаниданми, ҳар ҳолда бу ўрмонга сира тегилмаганидан, одам кирса кўрқадиган чакалак бўлиб кетган, майда ёнғоқ ўсиб, катта дараҳтлар танаси кўринмай қолган ва шу сабабдан, дараҳтларниң танаси пайпокдор капитарниң оёғига ўхшаб кетган эди. Бу ўрмонда ёввойи мушуклар кўп эди. Аммо, ўрмонда бўладиган ёввойи мушукларни томма-том санғиб юрган хонаки мушуклардан фарқ қилиш лозим. Хонаки мушуклар гарчи феъллари хунук бўлса ҳам шаҳарда турганликларидан чакалакдаги ёввойи мушукларга караганда одамга анча ром бўлиб маданийлашганлар

Чакалакда турувчи мушукларнинг важоҳати аксари хунук, ваҳшӣ бўлади. Улар доим оч, озғин, миёвлашлари ҳам беўхшов ва дагал бўлади. Баъзида булар ерни кавлаб, омборхоналарга кириб ёғ ӯғирлайдилар, ошпазнинг бургон ичига кириб кетганлигини пайкасалар, очик қолган ойнадан лип этиб ошхонага ҳам тушадилар. Хуллас, уларда ҳеч қандай яхши хулқ йўқ: даррандалик билан яшайдилар, чумчукларнинг инларига чиқиб, болаларини ейдилар, ана шу мушуклар омборхона тагидаги кавакдан киришиб, Пульхерия Ивановнанинг ювошгина мушукчаси билан бир қанча вактга ҳидлашиб юрдилар, кейин қишлоқдан ўтиб кетаётган солдатлар лакма қишлоқи қизини алдаб олиб кетганларидек, мушуклар ҳам ахири бир кун Пульхерия Ивановнанинг мушугини алдаб олиб кетдилар. Пульхерия Ивановна мушуги бедарак йўқолиб кетганлигини пайқаб, хўп қидиртириди, лекин тополмади. Орадан уч кун ўтгач, Пульхерия Ивановна кўп ачинди, кейин эсидан ҳам чиқиб кетди. Бир кун у резавор экинларини оралаб, бир неча дона барра бодрингни ўз кўли билан узиб, Афанасий Ивановичга олиб келаётуб занф миёвлаётган мушук овозини эшилди. Пульхерия Ивановна беихтиёр «пиш-пиш» деб уни ҷақириб эди, бургон ўт ичидан тарғил мушуги миёвлаб чиқиб кела берди; озиб жуда ҳароб бўлиб колганлигидан бир неча кундан бери сира овқат емаганлиги билиниб турар эди. Пульхерия Ивановна мушугини ҳар қанча ҷақириса ҳам, мушуги нарирокдан туриб миёвлар, лекин яқин келгани қўркарди, чунки шу кунлар ичida анча ёввойилашиб колган эди. Пульхерия Ивановна яна ҷақириб эди, мушуги қўрқа-писа унинг кетидан секин девор тагигача борди, ниҳоят ўз жойини таниб, ичкарига ҳам кирди. Пульхерия Ивановна дарров: сут, гўшт беринглар, деб буюрди ва шўрлик арзандасининг гўшт ва сутни қандай очқузлик билан ейишини завқ билан томоша қилиб ўтириди. Кўк мушук бирпасда кўз олдида йўғон тортиб семира бошлади ва кўзи ҳам анча тўйиб, аввалги иштаҳасидан тушди. Пульхерия Ивановна мушугини силамоқчи бўлиб, қулини узатиб эди, қўрнамак ҳайвон ёввойи мушуклар билан анча эл бўлиб колган экан шекилли, ёки суйганинг билан бўлсанг, қора ўй ҳам олабаргоҳ кўринади, деган муҳаббат қоидасини эшитиб колган эканми (чунки бояги ёввойи эркак мушуклар осмондаги лочиндек бебисот, яланғоч эдилар), ҳар ҳолда деразадан бир сакраб қочиб кетди; хизматкорлар ҳар қанча кувласалар ҳам тутолмадилар.

Бундан кейин, кампир ўй үйлаб, хаёл суриб: «Ажалим мени олиб кетгани келган экан» деди ўзига-ўзи ва жуда хафа бўлиб колди. Унинг бу хафалигини ҳеч нарса ёзолмади. Кечгача хафа бўлиб юрди. Афанасий Иванович унинг нега бирданига хафа бўлиб қолишининг сабабини билмоқчи бўлиб, кўп уринди, ҳазиллашиб кўрди, лекин фойда бермади: Пульхерия Ивановна индамас, индаса ҳам Афанасий Ивановични хотиржам килгундай очик-

ойдии гапирмас эди. Эртасига кампир ўзини анча олдириб, озиб колди.

— Пульхерия Ивановна, сизга нима бўлди? Бетоб бўлиб колмадингизми?

— Йўк, Афанасий Иванович, бетоб эмасман, бир ҳодиса бўлди, шуни сизга айтмоқчиман: шу ёз ўладиганга ўхшайман, ажалим бир марта келиб кетди!

Афанасий Ивановичнинг кўнгли бузилиб, лаблари бурилиб кетди. Аммо, сир бой бермасдан, кўнглига тушган ҳасратни билдири- масликка ҳаракат қилиб, жилмайиб туриб:

— Пульхерия Ивановна, худо кўрсатмасин-эй, каёқдаги гапларни айтасиз, доимо ичадиган дори-дармонингиз ўрнига адашиб шафтоли сувини ичиб қўйганга ўхшайсиз,— деди.

— Йўк, Афанасий Иванович, шафтоли сувидан сира ичганим йўк,— деди Пульхерия Ивановна.

Афанасий Иванович кампирини бундай мазах қилганига ачиниб, ҳасрат билан тикилиб туриб эди, кўзи намланиб, жик-жиқ ёшга тўлди.

Пульхерия Ивановна эрига караб:

— Афанасий Иванович, сизга васиятим шуки, мен ўлсан, жасадимни бутхона девори ёнига кўминг, анови таги жигар ранг читта-читта гулли кўйлагим бор-ку, шуни кийгизинг. Алвон йўл-йўл атлас кўйлагимни кийдирманг, мурдага яхши кийим нима керак, кам-кўстингизга ярас. Ўзингизга тўн тикиринг, меҳмон-пехмон келганда, тузуккина ясаниб чиқарсиз,— деди.

— Пульхерия Ивановна, каёқдаги хунук гапларни, каёқдаги ўлимни гапириб ўтирасиз, ахир бир кун ўлим бор, лекин элбурутдан ваҳима қилишингиз нимаси?— деди Афанасий Иванович.

— Йўк, Афанасий Иванович, қачон ўлишимни ўзим биламан, аммо сиз кўп кайфурманг, ёшимни яшаб каридим, лекин сиз ҳам ёш эмассиз, у дунёда дийдор кўришармиз.

Аммо Афанасий Иванович, ёш боладек, ҳўнграб йиглаб юборди.

— Афанасий Иванович, йиғламок гуноҳдир. Қўйинг, ўзингизни гуноҳкор қилманг, худонинг қаҳри келмасин. Мен ўлиб кетаётганимга афсус емайман, (бир ух тортиб андак фурсат гапира олмай, тилсиз бўлиб колди), сизни кимга қолдираман, деб қайфурман, холос. Мен ўлсан; сизга ким қарайди, ёш боладек кишиносиз, сизни парвариш қиласиган одам ҳозирдан сизни сўймоғи керак.

Бу сўзларни деганида, унинг чехрасида шундай бир ғам-ҳасрат аломати пайдо бўлдики, бу чокда унинг юзига ҳеч ким қайфурмай қарай олмас, деб ўйлайман.

Пульхерия Ивановна омборчи энани атайин чақиртириб келиб, унга:

— Менга қара, Явдоха, мен ўлсам, хўжайинингга яхши қара, кўзингни чўпдан қандай аясанг, уни ҳам шундай ая, ўз болангдай кўриб, парвариш кил. Ошхоначагилар у киши яхши кўрган овқатларни пишириб берсинглар, ички ва ташки кийимларидан хабардор бўлиб тур, тоза бўлсин, меҳмои келгаида тузукроқ ясантириб қўй. Эски тўнини кийиб чиқа кўрмасин, чунки гоҳда шунака одати бор. Ҳозир ҳам кўпинча ҳайитни оддий кундан фарқ қилмайди. Явдоха, у кишидан бехабар қолма, кўзингдан йироқ қилма, мен гўримда хаққингга дуо қилиб ётаман. Ҳудойим сени ҳам ноумид қўймас. Сен ҳам қариб қолдинг, буни ҳам ёдингда тут, ўз жонингга жабр килиб, гунохга ботиб ўтирма, агар у кишини яхши парвариш қилмасанг, дунёда хор бўласан; аввало мен ўзим сени қарғайман, имонсиз кетасан, узинг ҳам, болаларинг ҳам, етти пуштинг худонинг раҳматидан бенасиб бўлади,— деди.

Шўрлик кампир! Ўзининг қандай ҳолатда ётганини, ўз имонининг нима бўлишини ўйламай, бирга умр кечирган, энди етим ва каровсиз қолаётган жуфтининг ғамини ерди.

Кампир дарров ҳаммаёқни саранжом-саришта қилдирди, рўзгорини шундай тахт қилиб қўйдик, ўлганидан кейин Афанасий Ивановичга унинг йўқлиги сира билинмади. Ўлим яқинлигига кўзи етиб колган ва ўзича бунга шундай тайёрланган эдик, орадан бир неча кун ўтар-ўтмас, дарвоке бетоб бўлиб, овқат ўтмай қолди. Афанасий Иванович жони-тани билан уни парвариш қилар ва бошидан нари кетмас эди. Ҳасрат билан унга термулиб туриб: «Пульхерия Ивановна, кўнглингиз бирон нарса хоҳладими?» деб ҳар қанча сўраса ҳам, Пульхерия Ивановна сира индамас эди. Пульхерия Ивановна тилга келиб, бир нарса айтмоқчи бўлди-ю, лаблари қимирлади, аммо овози чиқмай, жони узилди.

Афанасий Иванович кампирнинг ўлимига сира чидолмай, эсхушидан ажраб, шундай меровланиб қолдик, ҳатто кузига ўш ҳам келмади. Гўёки ўликнинг маънисини англамагандек кўзлари хиralашиб унга термулар эди, холос.

Ўликни тахтага олдилар, ўзи васият қилган кўйлагини кийгиздилар, қўлини кўксига қўйиб, бир дона мум шам тутказиб кўйдилар, аммо Афанасий Иванович нима қилаётганларини билмай афраяр эди, холос. Ҳар ёқдан ҳар хил одамлар келишиб, ҳовли тўлди, кузатишга келганларнинг сон-саноги йўқ, ҳовлига узунузун столлар қўйилиб, дастурхон ёзилди, дастурхонда магизли шовла, шарбат, сомса ва турли-туман овқатлар кўп эди, азага келганлар мархуманинг яхши сифатларини мактаб гапиришар, йиғлашар эдилар. Аммо Афанасий Ивановичнинг бу ишларга сира акли етмай афраяр эди, холос. Ўликни чиқаздилар, одам кўп эди. Афанасий Иванович ҳам ҳалойик кетидан кета берди. Поплар ясаниб, салобатли бўлиб чиқкан эдилар, офтоб чараклаган, оналарнинг қўлидаги чакалоқлар йиғлар, тўрғайлар сайран, кўйлак-

чан болалар күчада югуришиб, шұхлик қылар әдилар. Тобутни ғұртепасига келтириб қўйгач, Афанасий Ивановични чақирдилар. Марҳума билан видолашиңг, охирги марта үпіб колинг, дедилар; Афанасий Иванович тобут тепасига келиб, марҳумани үпди, кўзларига ёш келди-ю, бироқ бунда хеч қандай ҳис ва маъно йўқ эди. Тобутни лаҳадга туширдилар, поп белни қўлга олиб, бир курак тупрок ташлади. Осмон тип-тиник эди. Бутхонанинг икки ҳофизи билан дъячоги йўғон товуш билан марҳумага «алвидо» ўқидилар. Гўрковлар белкуракларини олиб тупрок тортилар. Гўр тупрокка тўлиб текис бўлди. Шу пайтда Афанасий Иванович олдинга чикиб кела берди. Одамлар унинг нима қилмоқчилигини билмоқчи бўлиб, унга йўл бердилар. У кўзини юқорига қилиб, паришонлик билан карагач, «Э, кўмдиларингизми? Нега кўмдинги?..» деди-ю бошқа хеч нарса дейлмасдан қолаверди.

Аммо кабристондан кайтиб келгач, уйда танҳо қолганини, ҳатто Пульхерия Ивановнанинг ўтирадиган курсисини ҳам ташқари чиқазиб ташлаганларини кўриб, ҳўнграб йиғлаб юборди, шундай ҳўнградики, ўзини хеч тўхтатолмади, хира тортиб қолган кўзларидан дарё-дарё ёш окди.

Орадан беш йил ўтди. Замон ҳар қандай ғам-ғуссани ҳам эскиртиради. Инсоннинг қайси бир ҳисси, замон билан курашда унга бардош қила олади? Мен бир ёш йигитни билардим. Ҳакиқатан ҳиммати баланд, олижаноб киши эди. Шу одам бир кун ошиқи шайдо бўлиб, муҳаббат үтига шундай ўрганиб ёндики, тоб-тоқати қолмади. Роҳат ва фароғатидан ажради. Ҳусн ва латофати бехад бўлган маъшуқаси худди кўз олдида тўсатдан, мечкай ажак дастидан үлиб қолди. Бояқиши ошиқ шундай дод-фарёд кўтариб, нолаю фигон қилдики, унинг бу мотамзада ҳоли, қайғу ва аламлари кишининг жигарини эзиб, дилини пора-пора қиласар эди. Шундай фожи ҳолга тушдикни, бундай ҳолни сира кўрмаган эдим ва одам ўзини бу қадар азоб-уқубатга солишини, нажот умидининг нишонаси кўрилмаган бундай дўзахга солишини сира ўйламаган эдим. Ўз жонига касд қилмасин, деб ота-оналари бечорани сира ёлғиз қолдирмасликка харакат қиласар, асбоб ва яроғларни ундан бекитар әдилар. Икки ҳафтадан кейин йигит ўзини тутиб олди, куладиган, ҳазиллашадиган бўлди, бундан кейин уни ўз ихтиёрига қўйдилар, аммо у эркинликдан фойдаланиб, аввало тўппонча сотиб олди. Бир кун уйдагилари бехосдан ўқ товушини эшишиб қўркиб кетдилар: юргурганча уйга кирсалар, у боши мажакланиб чалканча тушиб ётибди. У вактда тажрибасининг овозаси кетиб машхур бўлган доктор келиб курса, ҳали жони бор, яраси ўладиган даражада эмас экан, қарангки, доктор уни бокиб тузатди, шундан кейин уни жуда қаттиқ ҳаракат қиласадиган бўлдилар. Ҳатто овқат вактида ҳам, унинг олдига пичок қўймайдиган ва сунқасд учун ярагундай ҳамма нарсани ундан

бекитадиган бўлдилар. Аммо, бир қун яна фурсат топиб, ўзини арава тагига ташлади, қўли ва оёғи синиб, бундан ҳам тузалиб кетди. Бу воқеадан бир йил ўтгач, мен уни одамлар тўлган катта бир залда курдим. Димоғи чоф, стол қошида ўтирас, бир картани қўли билан беркитиб «петит-уверт»¹ дер эди. Унинг орқасида, стулнинг суюнчиғига ястаниб турган ёшгина хотини унинг чекларини ростлаб туради.

Пульхерия Ивановнанинг вафотидан беш йил ўтгач, шу ёқка келиб қолган эдим. Бир замоиларда бирга вактичоглик қилган ва меҳмондуст уйининг лаззатли таомларидан кўп еган эдим. Энди эски қўшимини кўриб кетай деб, Афанасий Ивановичнинг кўргонига келдим. Унинг уйига яқин келганимда, назаримда, уй ниҳоятда эскиб қолганга ўҳшади. Бундаги дехконларининг уйлари тоб ташлаб, бир ёққа қийшайиб кетибди, эгалари ҳам уйларига ўҳшаб колибди. Ҳовли атрофидаги ёғоч девор билан четан девор бузилиб кетибди; ошпаз хотинига ўтии керак бўлса, икки қадам нарирокда бостириб қўйилган шоҳдан олмай, четан деворнинг калтакларини суғуриб олаётганинни ўз кўзим билан кўрдим, кўнглим бузилиб, эшик тагига келиб тушдим. Ўша-ўша барбос, ўша-ўша лайча итлар чакамуғ босган гажак думларини диккайтириб, вовуллашиб чикдилар. Лекин, энди баъзи итларнинг кўзлари шилпик, оёқлари чўлоч бўлиб колибди. Бир мўйсафида эшикка чикди. Унинг ўзи! Мен дарров танидим, бирок аввалгидан энгашиб, икки буқчайнброк қолибди. У ҳам мени таниб, бурунгидек жилмайиб саломлаши. Унинг кетидан уйга кирдим. Уйнинг ичи аввал қандай бўлса, ҳали ҳам шундай, аммо нимага боқсам, қандайдир бир бесаранжомлик кўриниб турнибди, нимадир йўққа ўҳшайди Хуллас, умр бўйи бир ёстиққа бош кўйиб келган хотини ўлиб бева қолган ошнамизникига дафъатан кирганимизда пайдо бўладиган бир ҳолат бор-ку, менда ана шундай ҳолат рўй берди. Бу ҳолат оёғи соғ одам оёғидан ажраб чўлоч бўлиб қолганини кўрганда, кишида пайдо бўладиган ҳолатга ўҳшайди. Саранжом-сариштали Пульхерия Ивановнанинг ўқклиги ҳар бир нарсадан билиниб турар эди. Дастурхон ёйганда келтириб қўйган пичоқлардан биттасининг банди синик, овқатда ҳам аввалги лаззат йўқ эди, рўзгорлари тўғрисида суриштирғим келмади, ҳатто хўжаликларига андак бўлса ҳам кўз соглани тоқатим бўлмади.

Стол қошида ўтирик, бир қиз келиб, Афанасий Ивановичнинг бўйнига сочиқ осиб кўйди. Яхши қилди, бўлмаса овқатнииг қайласини тўкиб, тўнини доғ қиласар эди. Унинг кўнглини кўтармоқчи бўлиб, у ёқ-бу ёқ янгиликлардан сўзлаб бердим. Гапимга кулоқ солиб, эски одатича кулимсираб ўтири, лекин гоҳ-гоҳда кўзидан нур учар, хаёли қочишигина эмас, тамоман акли-хушини

¹ Карта термини.

йўқотиш даражасига етарди. Гоҳда овқатни оғзинга эмас, бурнига элтар, кўлидаги вилкани товоқдаги жўжахўрзга тиқаман деб, графинни туртиб олар. Бояги қиз келиб, кўлинни овқатга ростлаб кўяр эди. Баъзида бир овқатдан кейин келадиган янаги овқатни анчагача кутиб қолар эдик. Буни Афанасий Ивановичнинг ўзи хам пайқаб: «Нега мунча ҳаяллаб қолдила?»— деб кўяр эди. Аммо, мен эшикнинг тиркишидан қараб, кўриб тураг эдим, овқат ташиб турган ўғил бола овқат келтириш хаёлида ҳам бўлмай, скамейкага бошини қўйиб, бемалол ухлаб ётар эди.

Сузма солган қаймоқли сомса келтирилганда, Афанасий Иванович қайта-қайта: «бу таомни», «бу таомни» деб сўз бошлагани эди, овози титраб, нурсиз кўзларига жиқ-жиқ ёш тўлганици пайкадим. Аммо ўзини тўхтатиб, кўзидағи ёшини тўқмасликка ҳаракат килди. «Бу таомни мар..мар..мархума...» деди-ку, кўзидан ёш оқиб кетди. Кўли тарелкага тушди, тарелка ерга тушиб синди. Овқат эгнига тўкилди. Афанасий Иванович кўлида қошиқ билан эссиҳушсиз ўтирас, кўз ёшлари булокдан қайнаб чиққандек шашкатор бўлиб бўйнидаги сочиқка тўкилар эди.

Унинг ҳолига қараб: ё раббий! Ҳеч нарсадан асар қолдирмай хаммани қатрон киладиган замоннинг беш йили ўтса-ю, барча хиссиятлари сўнган, умрида бир марта ҳам бир нарсадан дили оғриб галаёнга келмаган, бутун ҳаёти баланд курсидан тушмай ўтиришдан, балиқ қоқи ва нашвати қоқи ейишдан, қизик-қизик латифалар айтишдан иборат бўлган боёқиши бир чол бўлса-ю, беш йилдан бери бундай қайғурса, бундай аччиқ алам ва ҳасрат чекса! Бас, одамзодда нима устун: хисми ёки одатми? Қайси бири кучли? Еки бизнинг барча хиссимиз, дилда кўзғалган, жуш урган барча тилак-армонларимиз умримизнинг порлок ёш чогигами боғлик нафакат шу туфайлими, аламли, қайгули, фожи куринар? Ҳар нарса бўлса ҳам, бу кезда назаримда бизнинг барча хисларимиз, узок муддат ичида аста-секин пайдо бўлган бу руҳсиз куруқ расми одат олдида анчайин гўдаклар ишига ўхшаб қолди. Мархуманин номини айтмоқчи бўлиб анча уринди. Аммо, ярмисига боргандан доим тинч ва оромда бўлган башараси бужмайиб, тортишиб, гўдаклардек йиғлаб юборар, унинг йиғиси мени то қалбимгача фижимлаб эзар эди. Унинг йиғиси кора баҳтидан қақшаб, ўз ҳолидан ўқиниб, ҳасрат қилувчи бир хил ғарип чоллар йиғисидан эмас, унинг тўккан ёшлари бу хил чолларнинг май ичиб, масти бўлгандаги кўз ёшлари ҳам эмас. Унинг кўзидан оккан ёшлар булокдан қайнаб чиққандек ўзи беихтиёр келган, совигац, сўнгани дилдаги қайғу ва аламлар аччиғидан жунбушга келиб тошиб чиққан ёшлар эди.

Бундан кейин у ҳам узок яшамади, яқинда мен унинг ўлганигини эшийтдим. Бироқ ажиб жойи шу эдики, Афанасий Иванович нинг ўлими ҳам Пульхерия Ивановнаникига ўхшарди. Бир кун

Бог чайрига отланиб, ҳеч нарсани ўйламасдан одатдаги бепарво-
нинг билан аста-аста бораётганида, оркасидан бирор жуда аниқ
чилиб: «Афанасий Иванович!» деганини эшишибди. Қайрилиб
корлас, ҳеч ким йўқ, тўрт тарафга аланглаб, чакалакни ҳам ора-
даб чиқибди, ҳеч зот йўқмиш. Ҳаво тинч ва сокин, офтоб чаракла-
ти. Бирнас хаёлга кетиб ўйлаб қолиби, чехраси бирдан очилиб,
ўнгра, «Пульхерия Ивановна мени ёнига чақириди, шекилли»
шаб қўйибди.

Бундай ҳодиса сизда ҳам, албатта бўлган чиқар, сизни ҳам
пирон чакиргандек бўлгани бордир. Авом ҳалқ ичида буни ўлган
кини кишининг арвохи соғиниб чақиради, бу одам ўлмасдан
китмайди, деган гаплар юради. Ростини айтсан, бу хил ғойибдан
китни овозни эшиганимда, доим кўркардим. Ёш болалик чоғим-
да кўп эшиганиман. Гоҳда орқамдан бирор отимни айтиб чаки-
ргандек бўлар эди. Аксари ҳаво очик, офтоб чиқиб турган вакт-
ларда эшитилар эди. Боғдаги дарахтларнинг битта барги ҳам
шитирламас, тириклидан асар йўқдек жимжит, ҳатто нина-
чиликнинг ҳам товуши чиқмас, боғда ҳеч зот йўқ эди. Ростини
күпсанам, куглпа-кундузидағи бу сукунат шундай ваҳимали эдики,
тириклидек чекаси ҳавода тўс-тўполон кўтарилиб, табиат алғов-далғов
бўлган чокда, чанглазор ичида ёлгиз қолсан ҳам бунча кўркмас
бўлди. Ғойи бдан келган овозни эшитиб, кўрқанимда, нағасим
тириклидек юғурганча боғдан чиқардим ва биронта одам учраб,
тириклидек и кўнгилга тушган бу мудхиш ваҳимани йўқотмагунча
ўнгга келмас эдим.

Афанасий Иванович кампири чақирганлигига астойдил ишо-
шиб, кўнглига тушган шу ваҳиманинг асири бўлиб колди. Қобил
и ювощ гўдакдек бўйин эгиб қуриди, ковжиради, шамдек эриб
овди, бора-бора ёниб соб бўлгач, шамнинг заиф ўти сўнди. Ўлар
ичида айтган битта сўзи шу бўлдики, «Мени Пульхерия Ива-
новна ёнига қўйинглар» деди, холос.

Унинг ҳоҳишини бажо келтириб, бутхона тагидаги Пульхерия
Ивановна гўри ёнига кўмдилар. Жанозага келганлар унча кўп
имас, лекин факир-фукаро, бева-бечора, мискин ва гадолар жуда
бўлди. Бойнинг уйи танҳо колди. Эпчил гумашта билан оқсоқол
биргалашиб олиб, қадимги яхши нарсаларни, сўнгра омборчи
ни олиб кета олмаган барча эски-тускиларни ўз ўйларига ташиб
бўлди. Орадан кўп ўтмай, билмадим қайси ҳам полкда поручик
бўлган узоқ бир қариндоши ворислик даъвосини килиб, ҳамма
моду мулкка эга бўлиб олди-да, кўп ғалати ишлар кўрсатди.
Рўзгор инҳоятда вайрон бўлиб, ҳароб ҳолга тушиб қолганини
бўргач, дарҳол бу бетартибликка барҳам бериб, ҳамма рўзгор
инҳарини саранжом-саришта қылмоқчи бўлди. Олтида яхши
нинг ўроғи сотиб олди, ҳар уйга алоҳида номер қоқтириди,
буллас, иш нинг саранжоми шу бўлдики, орадан олти ой утар-

ўтмас ҳамма мол-мулк васийлар қўлига топширилди. Доно васийлар (vasiyllarning биттаси аввал суд аъзоси бўлган, яна биттаси мундири тўзиб, айниб кетган штабс-капитан эди) озгина вақт ичида товуқ ва тухум зотидан тақир қўймади, кийшайиб ётган уйлар энди агнаб тушди, мужиклар ичкилик пайига тушиб кетдилар ва гала-гала бўлиб қочиб кетдилар. Меросхўр бўлса васийлар билан апоқ-чапоқ бўлиб бирга ичишар, аммо қишлоғига ахён-ахёнда бир келар, келганда ҳам кўп турмасдан, дарров жўнаб кетар эди. Бу меросхўр ҳали ҳам Малороссиянинг қаарида ярмарка бўлса, ун борми, канопми, асалми, шу хил кутара сотиладиган молларнинг улгурчи нарх-навосини суриштириб юради, лекин харидга келганда чакмоқ тоши борми, чилим найини тозалайдиган сим борми, хуллас ҳаммасини йиғиб келганда нархи бир сўмдан ошмайдиган майд-чўйдадан бошқа ҳеч нарса харид қилмайди.

ТАРАС БУЛЬБА

I

— Қани, ўғлим, менга қара-чи! Жуда ғалатисан-ку! Бу нимаси, поплар киядиган рўдапо тўнларни кийиб олибсизлар? Ё академиядагилар ҳаммаси шунақа кийинишадими?

Киев руҳонийлар тайёрлайдиган академияда ўқиб, қайтиб келган икки ўғлини кекса Бульба шу сўзлар билан кутиб олди.

Ўғиллари эндигина отдан тушишган эди. Иккови ҳам якиндинагина мактабни битириб чиққан талабалар сингари ёввойирок, азамат ўспириналар эди. Бегубор тетик юзларидаги майса мўйларига ҳали устара теккани йўқ. Улар оталарининг бундай муомаласидан жуда ҳижолат бўлиб, индамай, ерга қараб турар эдилар.

Бульба ўғилларини айлантириб кўраркан:

— Тўхтанглар! Тўхтаинглар! Яхшироқ кўрай! Тўиларинг мунча узун? Ана холос! Дунё бино бўлиб кўрилмаган тўнлар-а! Қани, бирортанг чопиб кўр-чи! Кўрай-чи, этагингга ўралашиб йикиласмикансан,— деди.

Ниҳоят каттаси:

— Ота, масхара қилма, кулма! — деди.

— Савлатингни қара, ахир! Кулмай бўладими?

— Масхара қиладиган бўлсанг, отам бўлсанг ҳам аямайман, азбаройи худо, ураман!

— Ҳа-ҳа, ҳали шунақами! Отангни-я? — деди Тарас Бульба, таажжуб билан бир неча қадам орқасига чекиниб.

— Ҳа, отам бўлсанг ҳам масхара қиладиган бўлсанг аямайман.

— Хали мен билан уришмокчимисан? Қанақасига? Муштлашамизми?

— Қанақасига десанг ҳам майли.

Бульба енгини шимариб:

— Кел, бұлмаса муштлашамиз, күрай-чи, муштлашишга қалай экансан! — деди.

Анчадан бери бир-бiriни күрмаган ота-бola қуchoқлашиб күришиш үrнига бир-бiriнинг goх бикинига, goх күкрагига муштлаб, дүппослаша кетди; хұп савалашиб олгач, орқага чиганиб, бир-бiriга қарашиб күйядын-да, яна дүппослашарди.

Болаларнинг нимжонгина, озғин меҳрибон онаси, суйган болаларини ҳали бағрига босгунча бўлмай, оstonада туриб:

— Ҳой яхшилар, буни қаранглар; чоли курғур жинни бўлибди, мияси айниб копти; бир йилдан бери күрмаган болалари келса, бу қурғур, билмадим, нима ҳаёлга тушибдики, муштлашяпти-я! — деди.

— Э, жуда ажойиб сўкишаркан! — деди Бульба бир оз тўхтаб.— Азбаройи худо, койилча муштлашаркан! — деди ўзини растлаб олиб, кейин яна: — Синаб утиришга ҳам ҳожат йўқ экан. Фалати казак бўлади! Баракалла, ўғлим. Кел, ўпишиб олайлик,— деди. Ота-бola ўпиша кетди.— Баракалла, ўғлим! Ҳаммани ҳам мени ургандек дүппосла, ҳеч кимдан тап тортма! Лекин нима десанг ҳам кийим-бошинг фалати: бу осилиб турган чилвилинг нимаси? Сен, лапашанг, нега қулларингни шалвиллатиб турибсан,— деди кичик ўғлига қараб.— Итвачча, нега мени дүппосламадинг?

Кенжасини қучоқлаб турган она:

— Тағин нима бало деяпти! Ўз отасини урадими, бу нима жиннилик! Ҳар нарса маврути билан-да; ёш бола шунча йўл юриб келган бўлса-ю (ёш бола йигирмадан ошган, бўйи роса бир саржин келар эди), дамини олсин, овқат есин дейиш үrнига, муштлаш дейди-я! — деди.

— Сен жуда эрка бўлиб колибсан! — деди Бульба.— Онангнинг гапига қулоқ солма, хотин кишининг ҳеч нарсага ақли етмайди. Сизларга эркаликни ким қўйибди? Аргумоқ миниб жанг майдонида хунарларингни кўрсатларинг, билдингларми? Манови қилични кўрдингларми? Онангиз шу бўлади! Сизларнинг мияларингга қўйилган гапларнинг бариси беҳуда; академиянгиз, алифбе китобларингиз, фалсафаю сафсаларингиз ҳаммаси бир пул, барисига тупурдим! — Бульба китобга ёзиб бўлмайдиган бир-икки гап ҳам айтди.— Яхшиси, мен сизларни келар хафтагаёк Запорожьега жўнатай. Илм десанг ана ўша ерда! Асл мактаб ҳам ўшанда: аклингиз ҳам ўша ерда тўлади.

Кексайиб, озиб кетган онаси кўзига ёш олиб:

— Уйда атиги бир хафта туришар экан-да; шурликлар яйраб

сайри-томуша ҳам қилишмас экан-да! Ўз уйларини ҳам тузуккина күролмас, мен ҳам уларнинг дийдорига түёлмас эканман-да? — деди.

— Кампир, бас қил, қўй йиғингни! Қазак хотинчалиш бўлмайди. Сенга колса икковини этагингга қамаб, тухум босган товуқдек босиб ётар эдинг. Бор, бор тезроқ, дастурхон тузат, нима бўлса қўй. Қандалат-мандалатларинг бизга керакмас. Битта қўй, эчки келтир, кирк йиллик бол келтир! Қупрок ароқ келтир, ширин-шакар, жийда-майизлик эмас, шишада ўйнаб турадиганидан, тозасидан бўлсин.

Бульба ўғилларини меҳмонхонага бошлаб кирди. Булар кирганда уйни йиғишириб юрган, қип-қизил маржон тақсан икки чиройли чўри кизлар югуриб чикиб кетди. Улар ҳар кимга бир тегишмай қўймайдиган бойвачаларнинг келганини эшитиб ўзларидан хавотир олиб турган бўлсалар керак, ўз одатларини қилдилар, одатда улар эркакларни кўриш билан қичқириб қочади, кейин қаттиқ уялиб анчагача енглари билан юзларини бекитиб юрадилар. Ўйнинг меҳмонхонаси қадимги замон талабига мос қилиниб, шундай орасталанган эдики, ҳозир у даврдан ном-нишон ҳам қолмаган ва унинг тасвирини фақат қўшикларда ҳамда ҳалқ достонларида учратиш мумкин, унинг таърифини ҳозир Украинадаги узун сокол кекса, сўқир созандалар тўпланган ҳалқка айтмай қўйганлар; бу меҳмонхона худди Украинада уния¹ учун жанг ва талашлар бошлаган оғир ва бетинч давр дидига монанд орасталанган эди. Ҳаммаёқ чиннideк тоза, яркирар эди. Деворларга қилич-қалқон, балиқ тўр, қамчин, қафас, милтиқ, дори солинадиган нақшдор кортиқ, олтин юган, кумуш ҳалқалик тушовлар осилган эди. Деразасида ҳозир факат эски бутхоналардагина қолган ва кўтариб каралмаса ҳеч нарса кўринмайдиган кичкинагина хира думалоқ ойналар. Эшик ва деразалари кизилга бўялган, жимжимадор. Ўйнинг бурчакларидағи кўзачалар, яшил ва кўк шишалар, ўймакор кумуш ва олтин югуртирилган қадаҳлар ва товоклар — Венеция, Туркия ва Черкасда ясалган бу нарсалар қўлдан-қўлга ўтиб, ҳар хил йўллар билан Булбанинг меҳмонхонасига келиб қолган, чунки у алгов-далғов уруш замонларида бу хил ишлар кўп бўларди. Ўйни гир айлантириб қайнин пўстлоғидан қилинган курсилар қўйилган; ўйнинг тўр томонидаги бурчакда, бутлар тагида катта стол; серҳашам катта кошинкор печка. Ҳар йил каникулда уйларига келиб-кетиб турган икки йигитга бу нарсалар жуда яхши таниш эди; улар отлари йўқлигидан ва мактаб болаларига отлик юриш расм бўлмаганлигидан пиёда келиб кетишар эди. Уларнинг факат узун кокиллари

¹ Уния — Румо папасининг қули остида православие черкови билан католик черковининг бирлашуви. XV асрдан бошлаб поляклар Украинани кул килиш учун униядан мафкуравий бир куродида фойдаланишга уринганлар

булиб, ёнида яроғи бор ҳар бир казак уларни кокилидан ушлаб ура оларди. Бульба болалари мактабни битирганларидан кейин, йилкисидан иккита айгир юборди.

Ўғиллари келиши муносабати билан Бульба ҳамма юзбошлиарни, барча аскарбошиларни чақиритирди: қадрдон ошнаси ясувул Дмитро Товкач билан яна икки киши келганда Бульба ўғилларини уларга танитиб — «Қаранг, қандай азамат йигит бўлибдилар! Яқинда икковини Сечга юбораман» деди. Мехмонлар Бульба билан, ўғилларини қутлаб сўрашганларидан кейин: «Жуда яхши иш қиласиз, ёш йигитларга Запорожье Сечдан яхши илму хунар йўқ» дедилар.

— Қани, оғайнилар, дастурхонга! Ҳар ким хоҳлаган жойида ўтираверсин! Ўғилларим, ҳаммадан аввал арокдан бошлайлик! — деди Бульба.— Худо ёр бўлсин!! Ўғилларим, саломат бўлинглар. Остап, сен ҳам, Андрий, сен ҳам омон бўл! Урушда ҳамиша қўлингиз баланд бўлсин! Файри диннинг додини беринглар. Мусулмонларни ҳам, туркларни ҳам, татарларни ҳам додини беринглар. Агар ляҳлар динимизни оёқ ости киладиган бўлсалар, уларнинг ҳам додини беринглар! Қани, косангни тут; қалай, арок жойидами? Арокни лотинча нима дейди? Ана шунақа, ўғлим, лотинлар аҳмоқ бўлишган, улар арок нималигини ҳам билишмаган. Лотинча шеърлар ёзган биттаси бор-ку, оти нима эди? Саводдан нўнокроқман, шунинг учун отини ҳам билмайман. Горациямиди?¹.

Катта ўғли кўнглида: «Отам чакана эмас. Жуда туллақ, чолнинг билмаган нарсаси йўқ, тағин ўзини билмасликка солади!» деб қўйди.

Тарас яна сўз бошлаб:

— Архимандрит сизларга арок ҳидлашга ҳам йўл бермагандир. Ўғилларим, ростини айтинглар, тол новда, олча новдадари билан ҳўп савалармидилар ёки жуда мулла бўлиб кетганингизда дарра билан урамидилар? Шанба кунгина эмас, чоршанбаю пайшанбаларда ҳам ҳўп дарра еган бўлсангиз керак? — деди.

Остап парво қилмай:

— Ўтган ишга саловат, ота, бўлган иш ўтди кетди-да! — деб жавоб берди.

— Қани, энди биттаси тегиб кўрсин-чи, ҳадди борми! Биттаяримта татарвачча қўлимизга туша кўрсин казакнинг қиличи қанака эканини билиб олади! — деди Андрий.

— Баракалла, ўғлим, балли, ўғлим! Бундай бўлса мен ҳам сизлар билан бирга бораман, худо ҳаки, бораман! Бу ерда нимасини кутаман? Бу ерда менга пишириб қўйибдими? Кўнок экиб, рўзгор

¹ Кадимги Румонинг машҳур шоири.

килиб, күй бокиб, чүчқа бокиб ҳезалак булиб ўтирайми? Наритурсин-э, мен казакман, тоқатим борми бунга! Ҳозир уруш бўлмай турибди-да. Майли, сизлар билан бирга Запорожьега кета бераман, худо урсин, кетаман, томоша қилиб келаман! — Чол Бульба секин-секин авж қилиб, бир маҳал жуда кўтарилиб, жаҳл билан ўрнидан турди-да, қаддини ростлаб, ўзига оро бергач, тепиниб: — Эртагаёк жўнаймиз, галга солиб нима қиламиз! Бу ерда пойлаб ётган билан ҳеч қанақа душманни тутолмаймиз! Бу уй, бу ашқолдашкол бизга нима керак? Бу хурмачаларни нима қиламиз? — деди. Бу сўзларни айтгач, хурмача борми, бошқа идиш борми, ҳаммасини уриб-ирғитиб синдира бошлади.

Эрининг бу хил қилиқларини кўп кўриб, кўнишиб қолган кампир курсида термулиб ўтирас, чурқ этиб бир нарса айтишга ҳоли йўқ эди. Аммо унинг учун ниҳоятда даҳшатли бўлган бу қарорни эшитгач, кўз ёшини тўхтата олмади: болаларидан бундай тез жудо бўлиш ваҳнимасига тушиб қолди. Унинг термулган кўзларнида, қалтираган лабларида зоҳир бўлган қайфу ва аламини ҳеч қандай калам эгаси таърифга келтира олмас эди.

Бульба ҳаддан ташқари ўжар. Бу хил табиатли одамлар серташвиш XV асрда, ярим кўчманчи умр кечирган Европанинг бир бурчагида пайдо бўлиши мумкин эди; ўша даврда князлар тамомий жанубий Россияни ташлаб қочган ва ваҳший мўғуллар уни поймол қилиб, кулини кўкка совурган эди. У замонларда бу ернинг одамлари хонавайрон булиб, ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, жасур булиб кетган эди. Даҳшатли қўшинлар кўз олдида, доимий хавф-хатар ва оловлар ичида яшагани учун дунёда қўркиш деган нарса борлигини унутган, ҳеч нарсага парво қилмай кўйган эди. Аввали ювош бўлган славъян қалбига жанговарлик ўти тушиб, казаклар пайдо бўлган, яъни серзавқ, баланд ҳиммат рус табиати қанот ёзган; дарё бўйлари, яйловлар, дархон ерлар сон-саноқсиз казаклар билан тўлган замонлар эди. Буларнинг сонини билмокчи бўлган сultonга улар ўринли жавоб бериб: «Ким билсин! Бутун дашт-биёбонни казак босиб кетган, қаерда бир тепача бўлса, ўша ерда казак бор» деган вақтлар эди. Бу руслардаги куч-қувватнинг мисли кўрилмаган бир жунбиши эдики, буни ҳалқнинг бошига тушган кулфатлар юзага чиқарди. Аввалиги ҳокимликлар, тозибоз «овчилар» билан тўлган майда-чуйда шаҳарлар, бир-бири билан урушиб-талашиб ётган майда ҳокимларнинг шаҳарлари ўрнига, ҳаммасига бир хилда даҳшат солиб турган хавф-хатар олдида бирлашган, ғайри дин ваҳшийларга карши душманлик хислари билан бир-бирларига боғланган даҳшатли ҳарбий қисмлар пайдо бўлди. Уларнинг доимий курашлари ва беҳаловат турмушлари Европани ағдар-тўнтар қилиб ташламокчи бўлган бояги ваҳшийлардан сақлаб қолганлиги тарихдан ҳаммага маълум. Майда-чуйда ҳоким-князлар ўрнига ўтирган

ва бу кенг ўлкаларни эгаллаб олган поляк подшолари, гарчи андак бўлса ҳам казакларнинг аҳамиятини тушундилар, бундай жанго-варлик яхши посбон эканини англадилар. Уларга илтифот кўрсатдилар, хушомад килдилар. Бу подшоларга тобе бўлган казакларнинг ўз ичларида сайланган гетманлар¹ кишлок ва даҳалардан полк ва қисмлар туздилар. Бу полклар мунтазам аскар полклари эмас, кўзга кўринмас, аммо уруш чиққундай бўлса ёки юрга галаён тушса, кўп эмас, роса саккиз кунда ҳамма отланиб, аслахаланиб чикар эди. Поляк подшоҳи одам бошига факат бир олтинданд нул тўларди. Икки ҳафтада шундай кўп аскар йигилар эдики, ҳеч қандай буйруқ ва зўрлик билан бунча аскар йигиб бўлмас эди. Уруш тамом бўлгач, ҳар бир аскар дала ва яйловларга, Днепр бўйларига кайтар, балиқ овлаш, олди-солди, пиво пишириш билан шуғулланар, ўз ихтиёри ўзида, дориламон юра берар эди. Ўша замондаги ажнабийлар бу казакларнинг истеъодига ҳайрон қолар эдилар, уларнинг ҳайрон қолишига ўрин ҳам бор эди. Казак билмаган ҳунар йўқ; мусаллас солиш, арасасозлик, милтиқ дори қилиш, темирчилик, мисгарлик — хуллас ҳар бир иш қулидан келар ва бунинг устига айш-ишрат, арокхўрлик, бўзахўрлик ҳам колмас эди. Уруш чиққанда отланиб чиқишига мажбур бўлган казаклардан ташқари, агар лозим бўлса, ҳаммавакт талай кўнгиллилар ҳам тўпланар эди. Ясовуллар² барча кишлок ва даҳаларнинг бозорларида аравада туриб: «Хой, пивоҳўр-бўзахўрлар, эшитмадим деманглар, пивони энди ташланглар, печкалардан тушинглар, пашшага емиш бўлманглар! Майдонаро чиқинглар, марди майдон бўлинглар! Далада юрган дехконлар, тарик-кўноқ экканлар; кўй ҳайдаган чўпонлар, хотинбозлик қилганилар, бу ишларни ташланглар, отланишиб чиқинглар, жангда шухрат топинглар!» деб чақириши билан ҳамма отланиб чиқарди. Ясовулларнинг бу сўзлари худди ғарамга тушган чўғдек таъсири киларди. Дехкон омочини ёндириб, бўзахўр, пивоҳўрлар хум бочкаларини синдириб, косиблар, дўкондорлар ишларини ташлаб, дўконларини ёпиб, уйларидағи кўзаларини пачоқлаб отланиб чиқардилар. Хуллас, бундай чокларда рус табиати яйраб, жуда гайратга минар, бор куч-куватини майдонга чиқазиб кўрсатар эди.

Тарас шу ернинг ўзида туғилган лашкарбошилардан эди. У факат жанг учун яратилган, айтганини киладиган қўпол табиатли, тўнг одам эди. У замонда Польша дворянларининг таъсири анча ўзини кўрсата бошлаган; кўп одамлар Польшанинг урф-одатларини қила бошлаган: шон-шавкат, дабдаба, ясаниш-тусаниш, уйда хизматкор ва чўрилар саклаш, лочинлар,

¹ Қазакларнинг сайланиб қўйилган подшоларини гетман деганлар.

² Ясовул — казак аскарий қисмларида ўрта офицерлик унвони.

този итлар билан ов қилиш, қаср ва саройлар, түю томошалар, зиёфатлар каби нарсалар жуда одат бўла бошлаган эди. Булар Тарасга ёқмас, у казакларнинг содда ҳётини яхши кўрар, Варшава томонга оғган ошна-офайниларидан безган ва уларни поляк бойларнинг ювндиҳури дер эди. Тиниб-тинчимаган Тарас ўзини православия динининг асл ҳимоячиси ҳисоблар эди. Қаердаки ижараҳўрлардан ва тугун пулидан шикоят қилган кишилар бўлса, дарҳол ўз казаклари билан уша ерга бориб жабр килгандарнинг жазосини берарди. Уч ҳолда албатта қилични қинидан чиқаришни ўзига бир коида қилиб олган эди; ўлпончилар оқсоколларни ҳурмат қилмай, улар ҳузурида шапкаларни олмасалар; динни хор қилиб ота-боболарнинг расм-одатлари ҳурмат қилинмаса; сўнгра, охиригиси, душман ғайридин турклар бўлса, христиан дини йўлида буларга қарши қилич кутармокни ҳаммавакт ҳам жойиз деб билар эди.

Энди бўлса у, икки азамат ўғли билан Сечга бориб, ундагиларга: «Қўринглар, сизларга қандай азаматларни бошлаб келдим!» деб керилишини, кўп урушларни кўриб чиниккан ўртоқларига болаларини тақдим қилганида қандай фахрланишини, болаларнинг жонбозликдаги ва бўзахўрликдаги полvonлигини кўриб қандай суюнишини ўйлар, ичидан шодланар эди, чунки бўзахўрликни ҳам мард йигитларнинг катта фазилатларидан бири деб ҳисоблар эди. Аввал ўғилларини ёлғиз юбормоқчи эди, лекин уларнинг бакувват, забардаст азаматликларини кўриб, ўзининг ҳам ғайрати қистаб, жанговарлиги қўзғаб кетди-ю, ўзи бирга борадиган бўлди. Дарҳол харакатга кириб, сафар жабдуғини тайёрлашга тутиди, ўғилларига от, эгар-жабдук топиб берди; оғилхона, омборхоналардан хабар олди, эртага бирга борадиган навкарларни тайинлади. Ясовул Товкачни ўрнига қоийилмақом тайинлади: «Агар Сечдан хабар бергундай бўлсан дарҳол бутун аскар билан етиб бор» деб буйруқ қилди. Ўзи ширақайф бўлиб боши гарангроқ бўлса ҳам, ҳеч нарса эсидан чиқмади. Хатто отларни сугориб, охирига йирик, тоза буғдойдан солиб қўйинглар, деб буйруқ берди, ҳамма ишни саранжон қилгач, ҳориб-чарчаб бир оз ором олди.

— Қани болаларим, энди ухламоқ керак, эртага худо нима хоҳласа шуни қиламиш. Ўрин солиб ўтирма! Кўрпа-тўшакнинг кераги йўқ. Ҳовлида ётамиш.

Осмон корайгунча ҳам йўқ эди, Бульба ётди, у ҳамиша эрта ётар эди. Гиламда думалаб, пустинга бурканди, чунки кечаси ҳаво салқин бўлар, бундан ташқари, Бульба уйида ётганида ис-сикроқ ӯралиб ётишини яхши кўрарди. Бир оз ўтгач ҳуррак отиб ухлаб қолди. Унинг кетидан ҳовлидагиларнинг ҳаммаси ҳам уйқуга кирди. Ҳовлининг бурчак-бурчагида ётган нимаики бор, ҳаммаси ҳуррак отиб пишиллаша бошлади. Элбурутдан коровул

ухлаб колди, чунки бойваччалар келиши муносабати билан ҳаммадан күп ичган эди.

Боёқиши онагина ухламади, холос. Бечора она қаторасига ётган азиз ўғилларининг бошида ўтириб, уларнинг жингалак сочларини тарап ва қўз ёши тўкар эди; болаларининг дийдорига тикилиб сира тўймас, бутуни вужуди ва барча сезгилари билан термулар, лекин тўймас эди. Оқ сут бериб бокқан, парвариш қилиб ўстирган болаларининг дийдорига ҳам тўёлмасдан коладими энди? «Жоним, болаларим шириналарим! Нима кўргилклар ва савдолар бошингизга тушаркан?» деб йигларди у; кўзидан оккан ёшлари бир замонлардаги хуснини бузган ажинлар орасида тўхтаб коларди. У алғов-далғов, тўполон замонининг барча аёллари каби муштипар, ожиза эди. Боёқиши мұхаббат завқини факат андак вактгина сурди, ёшлик жўшга келган илк вактларда, шўхлик кезларидагина бир оз айш қилиб қолди; бечорани ўзига мафтун қилган раҳмисиз эри қилич-қалқонни, жўра ва улфатларни, бўзахўрларни деб уни ташлаб кетарди. Эрини йилда икки-уч марта кўрарди, холос. Эри бир кўриниш бериб, бир неча йиллар дому дараксиз кетарди. Эри олдида бўлиб, бирга турган вактлари ҳам ўйнаб-кулмасди. Эридан ҳакорату хўрликлар кўтар, калтак ер эди. Эри факат раҳми келгандагина силаб-сийпаб илтифот кўрсатар эди. Тўю тўполонли Запорожъенинг алғов-далгови ичида яшаб бағри тош бўлиб кетган диловар паҳлавонлар орасида бу хотин алоҳида ғалати бир одам кўринар эди. Ёшлиги ҳеч қандай роҳат кўрмай ўтиб кетди, гўзал юзлари ўпич, сийнаси кучок кўрмай сўлниди, тез фурсатда қариб юзини ажин босди. Кўнглидаги бор мұхаббати, барча сезгилари, хуллас хотин зотида бўладиган барча малоҳат ва назокат бу хотинда фактат бир оналик сезгисига айланган эди. Болалари устида куйиб-ёниб, гўё бир күшдек ўргилар-чеврилар эди. Уни ўғилларидан, жондан ширин болаларидан жудо этмоқчилар, уларнинг дийдоридан абадий маҳрум қилмоқчилар. Ким билсин, бирнинчи жангдаёқ бирор татар бошларини кесиб ташлайдими? Уларнинг танаси қаерларда юмалаб ётаркин, қайси дарранда-чаррандага емиш бўларкин, ҳолбуки бу тананинг ҳар бир томчи қонига, ҳар бир парча этига у бору йўгини берарди. Ползон уйқу болаларнинг кўзини юмдирди. Она уйқуга толган бу кўзларга тикилиб йиғлар, Бульба эртага уйқудан тургач зора инсофга келиб, сафарни бир-икки кунга қолдирса, балки кўпроқ ичганидан бундай жадал қилаётгандир, деб умидвор бўларди.

Тиккадаги ойнинг шуъласи ухлаб ётган одамларга тўлган ҳовли юзини, унинг атрофидаги кўрадан ҳам ошиб ўсган алаф ва бурганиларни ёритиб турар эди. Қампир ҳали ҳам болалари бошида, уларга тикилиб ўтирас, кўзига уйқу келмасди. Отлар ҳам тонг яқинлашиб колганини билиб овқатга карамай, ўтга думалаб

ётиб олди. Бақа теракнинг аввал тепадаги барглари, кейин секин секин пастандагилари хам қимирлай бошлади. Она саҳар пайтигача мижжа қоқмасдан ўтириб чикди, лекин толикмади, ҳатто кечанинг кўпроқ чўзишини тилар эди. Кир томондан тойчанинг кишнаган товуши эшитилди. Осмон ялт этиб қизарди.

Бульба уйғониб иргиб турди. Кеча қилган буйруқлари жуда яхши эсида турган эди.

— Қани, йигитлар, туриңлар, булади шунча ухлаганингиз! Туриңлар, отларни сугоринглар! Қампир қани? (Хотинини доим шундай дер эди.) Қампир, тез бўл, сафаримиз узок овқат ҳозирла!

Умидинн тамомила узган бечора кампир ночор ва ноилож бoshини эгиб, уйга кириб кетди. Қампир йиғлай-йиғлай овқат ҳозирлаш билан овора бўлганда, Бульба «уни қилинглар, буни қилинглар» деб буюрар, отларни ва яхши эгар-жабдуқларни ўзи танлар эди. Талабаларнинг афти-ангри тамомила ўзгарди: эски, ифлос этикларини ташлаб кумуш нағалли саҳтиён этик, кенглиги Қора денгиздек келадиган қат-қат бурмалик, зар иштонбоғли чалвар кийиб олишди. Иштонбоғ учига попук ва қўнғироқлар осилган эди. Қип-қизил чуғдек мовут чакмон устидан гулбанд камар боғлашди. Туркча ўйнакор тўппонча камарга боғланган, оёққача тушган қилич юрганда шакир-шуқур киларди. Ҳали унча офтоб емаган юзлари тозаланиб, оқарди. Майса кора мўйловлари юзларини янада оқартириб курсатар, йигитликка хос бўлган соғломлик ва тозалик улар хуснига ҳуси қўшар эди. Шўрлик она! Болаларини бу суратда кўриши билан тили лол бўлиб, бир калима сўз ҳам айта олмади, кўз ёшлари тұхтади.

Ниҳоят Бульба:

— Қани, ўғилларим, бўлди! Вақт ўтмасин! Энди динимиз бу юргани шуки, сафарга чиқиш олдидан бирпас ўтириб, сукут килайлик,— деди.

Ҳатто эшик тагида таъзим билан турган йигитчалар хам ўтиришди.

— Онаси, энди болаларингга фотиха бер! — деди Бульба.— Худодан сўра, улар мардона курашсинлар, мардликни кўлдан бермасинлар, динимизга ҳомий бўлсанлар, агар бунга ярамасалар ёруғ дунёдан беному нишон кетсинлар, болаларим, онанинг яқинрок келинглар, онанинг дуоси ўтдан, сувдан саклади.

Боёқиши кампир уларни қучоклади, хўнграб йиғларкан, иккови-нинг бўйнига биттадан бут осди.

— Худонинг паноҳига топширдим, ўғилларим, оналарингни унутманглар... Ҳат қилинглар... — Бундан ортиқ ҳеч нарса дея олмади.

— Болаларим, юринглар! — деди Бульба.

Эшик олдида эгарланган отлар тайёр эди. Бульба ўзининг

Шайтон деб аталган отига минди. Бульба нихоятда гавдалиқ, оғир эди, шунинг учун йигирма пудлик юқ устига тушган от гандираклаб кетди. Она ўғилларининг отга минганиларини күргач, чеҳрасида қандайдир бир ювошлиқ, маъюслик зохир бўлиб турган кенжә ўғлининг узангисидан ушлаб олди ва кўзлари жовдираб, бошини эгарга қўйиб, узангини маҳкам чанглаб тураверди. Икки азамат уни секин кўлтиқлаб, ичкарига олиб кетди. Аммо болалари дарвозадан чикар-чиқмас у кексалигига қарамай, гуё қулундек чакқонлик билан уйдан югуриб чикди. Шу пайт унда мисли кўрилмаган бир куч пайдо бўлиб, болаларидан бирининг отини маҳкам ушлаб тўхтатди, телбалардек жазаваланиб кучоклаб олди. Уни яна кайтариб уйга киргизиши.

Ёш казакларнинг кўнгиллари бузилди, йифлагани оталаридан қўрқанларидан, ўзларини зўрға босиб хомуш борар эдилар. Ота ҳам дили вайрон бўлиб борар, лекин сир бой бермас эди. Ҳаво хира, қўкатлар яшнаб ётар, қушларнинг сайрашида алла-қандай носозлик бор эди. Йўловчилар бир оз юриб, кайрилиб қарадилар. Уларнинг кўргонлари гуё ер остига кириб кетгандай, фақат иккита мўриси, ёшлигида улар олмахон сингари шохма-шох сакраб ўйнаган дараҳтларнинг учгинаси кўринар эди, холос. Узоқда шу чоққача ўтган умрлари хотиротини саклаган ўланзоргина кўриниб турибди. Бир вактлар бу кўкаламзорнинг шудринг тушган ўтлари устида думалашиб ўйнаган эдилар, сўнгра бу кўкалам майдонда енгилтак оёклари билан шипиллатиб ўтиб бораётган кора қош казак қизларини пойлаган эдилар. Нарирок бориб эдилар, бир учига араванинг ғилдираги боғланган қудук ёғочидан бошқа хеч нарса кўринмай қолди. Бир оздан кейин, орқада қолган яйлов ҳам узоқдан кирдек кўтарилиб, орқадаги ҳамма нарсани тўсди. Алвидо энди ёшлиқ, алвидо, барча ўйину томошалар, алвидо!

II

Отликларнинг учови ҳам индамасдан хомуш борар эди. Кекса Тарас ўтган замонларни ўйлар эди. Ёшлиқ чоклари, ўтган умри бир-бир хаёлидан ўта берди. Бутун умри ёшлиқ билан ўтишини хоҳловчи казак ўтган йилларига доим афсус қиласди. У эски ёру биродарларимдан Сечда кимларни кўрар эканман, деб ўйлар эди. Кимлар тирик, кимлар ўлганлигини ўйлаб кўзига ёш келди, сочлари оқарган боши қўйи солинди.

Ўғиллари ўзга хаёллар билан банд эди. Лекин ўғиллари ҳакида батафсил айтмоқ лозим. Улар ўн икки ёшда Киев академиясига берилган эдилар, чунки у замондаги обрули амалдор кишилар болаларини мактабга беришни шарт билар эдилар. Гарчи кейин мактаб тарбиясидан тақир асар ҳам қолмай, уни тамом упунсалар ҳам, болани мактабга бериб ўқитишни амалдор тўра-

лар зарур билар эдилар. Мактабга келган талабаларнинг ҳаммаси сингари Тарас болалари ҳам далада ўсган ёввойи эдилар; у ерда бир мунча адаб еб силлиқланган ва уларнинг ҳаммасини бир-бирига ўхшатган қандайдир умумий сифатлар пайдо килар эдилар. Болаларнинг каттаси Остап бир йил ўқир-ўқимас кочган эди, лекин уни тутиб хўп савалаб, яна элтиб қўйган эдилар. Тўрт марта китобини ерга кўмган ва ҳар гал ўлгудай калтаклаб, бошқа янги китоб олиб берган эдилар. Отаси: агар ўқиб мулла бўлиб чикмасанг, монастирдагиларга йигирма йил малайлик қилдира-ман, Запорожъега оёқ бостирмайман, деб оғзига сўз олмаса, бу қилигини яна қилишига ҳеч шак-шубҳа йўқ эди. Илмни ҳеч писандга олмаган, юкорида кўрганимиздек, ўғилларига ўқишни ёмонлаб насиҳат қилган Тараснинг бундай дейиши таажжуб. Шундай кейин Остап жуда катта ҳавас билан ўқиб, китобдан бошини кўтармай тез орада энг ўткир талабалар каторига ўтди. У замоннинг ўқиши, сафсатаю мантики, сарф-наҳви турмушдан тамомила йирок тирикчиликка ҳеч қандай тегишлиги йўқ илмлар эди. Ўқишини битириб чикқанлар олган илмларини ҳеч нарсага татбик қилолмас эдилар. У замон уламолари бошқалардан баттарроқ оми эдилар, чунки жуда тажрибасиз ва ношуд эдилар. Диний мактабнинг дориломонлиги, азamat ўспирин йигитлардан бир талайнинг бунда йиғилганлиги уларнинг ўқишига ҳеч алоқаси бўлмаган, тамомила бошқа йўлларга бошлар эди. Гоҳо кийинчилик, гоҳ оч қўйиб жазо беришлар, гоҳда тани соғ ва ба-куватт ѹигитда кўзгаладиган эҳтирослар ҳаммаси йигилиб, уларда уддабуронлик хусусиятларини пайдо киласи, бу хусусиятлар кейинчалик Запорожъеда такомилга етади. Оч талабалар Киев кўчаларида изгиб юрар, уларни кўрган нонвой ва дўкондор хотинлар дарров нонлари борми, ковоқ уруғлари борми бекитар, бургут боласини қаноти остига олгандек, молларини яширад эдилар. Талабаларга кўз-кулоқ бўлиб туриш вазифаси бўлган халфаларнинг чалваридаги чўнтағи шу қадар чукур эдикни, мабодо бирон дўкондор хотин бехабар қолса унинг бутун дўкони жо бўларди. Бу мадраса талабалари алоҳида бир тоифа эди. Поляк ва рус аслзодалари орасига уларни киргизмас эдилар. Ҳоким Адам Кисель, гарчи ўзи мадрасага ҳомийлик қиласа ҳам, талабаларни одамларга қўшмай, «қаттиқроқ ушланглар», деб буюрар эди. Бирок унинг бу хил буйругига эҳтиёж йўқ эди, чунки ректор ва профессор монахлар дарра ва новдани аямас, пешқадам халфа бошликлар аксари лекторларнинг буйруклари билан талабаларни шундай савалар эдиларки, улар бир неча ҳафтагача қашиниб юрар эдилар. Уларнинг аксарисига бу калтак қалампирлик арокдан андаккина аччиқроқ кўринар эди, холос. Баъзилари бу хил калтакдан безор бўлиб, йўл билсалар ва йўлда қўлга тушмасалар Запорожъега кочиб кетар эдилар

Остап Бульба мантиқ, ҳатто ақойид илмини ихлос билан үқишига ҳаракат килган бұлса ҳам барибир даррадан сира кутулоғады. Бу ҳоллар унинг табиатини дағаллаштириб, баджағл килиши табиий эди. Остап ҳамиша әңг яхши жүралардан ҳисобланар эди. Емон йўлга юрганда, бироннинг богига үғирликка тушганда бош бўлмас, лекин муллаваччалардан битта-яримтаси биронта иш бошлагундай бўлса, ҳаммадан аввал унинг ёнига келиб қўшилар, аммо шерикларига ҳеч маҳал номардлик килмас эди, ҳар қанча қалтакласалар ҳам сирни айтмас эди. У жанг ва ўйин-кулги, шўхликдан бошқа нарсага эътибор килмас; тенгдошларига асло қаллоблик килмас, кўнгли очиқ эди. У шундай шафқатли, яхши йигит эдики, бундай фазилат факат уша замонда ва шундай одам табиатида бўлиши мумкин эди. Шўрлик онасининг кўз ёшлари унинг кўнглини бузган, факат шугина унинг бошини ҳам қила олар эди.

Укаси Андрий бир мунча гайратли ва зеҳни ўткирроқ эди. Оғир табиатли, иродаси кучли кишилар одатда қийналиб үқийди, лекин Андрий қийналмасдан ҳавас билан үқиди; акасидан кўра улдабурон эди. Кўпинча хавф-хатарли ишларда бошқаларга бош бўлар, гоҳда фаросатлилк қилиб қолар, акаси Остап бўлса ҳеч бир бўйин товламасдан эгини ечиб, индамай ётарди ва ўла колса узр сўрамасди. Андрийда ҳам диловарлик ҳаваси катта эди-ю, лекин бу билан бирга кўнгли бошқа ҳиссиётлардан ҳам ҳоли эмас эди. Ўн саккиз ёшдан ўтгач, юрагига ишқ-муҳаббат ўти тушди. Хотин унинг шўх хаёлни кўпроқ машғул қила бошлади. Фалсафий мунозараларни тинглаб ўтирган чокларида ҳам қора кўзли танноз, мулойим хотиннинг сиймоси ҳар дам хаёлидан ўтиб турарди. Селкиллаб турган оппок сийнаси, юмшоқ мулойим билаклари кўз олдидан ўта берар; хотин кишининг жозибали баданига тегиб турган кўйлакларининг ўзиёқ унда аллақандай хирсларни қўзғатар эди. Кўнглидаги бу йигитлик хирсларини шерикларидан яширас, чунки у замонларда жангга кирмасдан аввал, хотин ва ишқ-муҳаббат хаёлига тушмоқ казак йигитга ор ва номус ҳисобланарди. Сўнгти йилларда у жўраларининг шўхликларига камроқ аралашар, кўпроқ Киевнинг олчазор чорбоғларида, хилват ерларда, кўчага караган ва кишининг ҳавасини келтирадиган пастак-пастак уйлар орасида ўзи танҳо изгиб юради. Гоҳда хозир эски Киевнинг малороссия ва поляк дворянлари турган уйлари серҳашам бойлар маҳалласига ҳам келар эди. Бир кун у хаёли паришон кетаётганида бир поляк бойиннинг коляскаси уни босиб кетаёди; шунда ўринидикда ўтирган мўйловлари шопдек кучер қамчин билан уни боплаб солиб қолди. Талабанинг аччиғи чиқиб, аламига чидолмай забардаст кўли билан колясканинг орқа ғидирагидан ушлаб тўхтатди. Кучер ўзидан кўркиб, отларни қамчилаб эди, отлар сапчиб кетди; яхшики Андрий кўлини тортиб олди, лекин юзи билан лойга йиқилиб тушди. Аллаким хохолаб кулиб юборди.

Бошини күтариб аланглаб қараши билан дераза ёнида турган мисли күрилмаган бир нозанинга кўзи тушди. Унинг шахло кўзи, ок юзи эрталабки офтобнинг шуъласида товланиб турарди. Киз астойдил хохолаб кулар, кулиш хуснига хусн кўшар эди. Андрий шошилиб қолди. Саросима ҳолда қизга караб, юзидан лойини артмокчи бўлиб, бутун афти башарасига суртиб юборди. Бу гўзал ким бўлсайкин? У дарвоза орқасида дўмбира чалиб турган ёш йигит атрофида турган бирталай ясанган хизматкорлардан сўраб, қизнинг кимлигини билмоқчи бўлиб эди, унинг лой чапланган юзини кўриб улар ҳам кулиб юбордилар. Ниҳоят суриштириб билса бу гўзал, Ковен шахар ҳокимининг қизи бўлиб, бу ерга бир неча кунлик меҳмон экан. Андрий эртасигаёқ, кечаси муллаваччаларга хос бўлган жасорат билан девордан ошиб бокка тушди, кейин шоҳлари уйнинг томига осилиб турган дарахтдан томга чикди; кейин мўридан тушиб тўппа-тўғри қиз ётадиган уйга кирди. Киз шам олдида ўтириб қулогидаги кимматбаҳо исиргасини олмокда эди. Сохибжамол поляк қизи танимаган одамга кўзи тушиши билан шундай кўркиб кетдики, гапиришга ҳам тили келмай қолди. Аммо талабанинг суррайиб, қулини ҳам қимирлата олмай қўркиб турганинни курди-ю ва уни таниб қолди ва кўчада лойга йикилиб тушган одам эканини билгач, яна кулиб юборди. Андрийнинг авзойн бузукка ўхшамас, ўзи чиройликкина йигит эди. Киз хохолаб кулиб, анча вактгача уни масхара қилди. Бу сохибжамол қизнинг қиликларида поляк қизларига хос енгил табиатлик бўлса ҳам, лекин унинг чиройли, чарос кўзлари меҳр-вафодан дарак бериб, ишва билан бокарди. Ҳокимнинг қизи дадил юриб Андрий олдига келди ва чараклаб турган тиллақошини унинг бошига кийгизиб, исиргасини лабига босди; зар билан тикилиб, пистон қадалган тўр рўмолини унинг устига ташлади. Шунда ҳам талаба қимир этмас, копга тушган, кўл-оёғи боғланган кишидек тёқ турар эди. Киз бўлса шўх поляк қизларига хос тантиклик билан Андрийга ҳар хил кийимлар кийгизар, уни минг кўйга солиб майна қилар эди, унинг бу қиликлари бечора талабани яна баттар уялтирас эди. У қизнинг шахло кўзларига тикилганча оғзини очиб афрайиб қолди. Шу пайт эшик томонда тақиллаган овозни эшитиб қиз чўчиди. Андрийга дарров каравот тагига бекин, деб буюрди; хотиржам бўлгандан кейин чўри канизаги татар хотинни чорлаб, йигитни секингина бокка чиқариб, девордан ошириб юбор, деб буюрди. Бирок талаба осонлик билан девордан ошириб кета колмади. Коровул уйғониб қолиб, унинг оёғига роса солди. Фалвани эшитиб, йифилиб келган хизматкорлар кўчада уни кўп саваладилар. Бечора зўрга кочиб кутулди. Бундан кейин қизнинг уйига яқин бориш хавфли бўлиб қолди, чунки ҳокимнинг хизматкор ва чокарлари жуда кўп эди. Яна бир кун қизга бутхонада дуч келиб қолди Киз уни кўриб, худди кадрдон ошна-

сии учратгандек, табассум қилиб қўйди. Бир кун яна бир марта кўзи тушиб қолди, бундан кейин Ковен шаҳар ҳокими юртига кетиб қолди. Шахло кўз қиз қарайдиган дарчадан эди юзи то-вокдек бирор қарар эди. Бонини қуи солиб, отнинг ёлига тикилиб, паришонхол бораётган Аидрий шу хаёллар билан банд эди.

Бу орада уларнинг учови ҳам кўкаlamзор биёбон қучогига кириб кетдилар; ўтларнинг баландлигидан уларнинг кора телпакларигина қўринар эди:

Хаёл суреб бораётган Бульба бошнин кўтариб:

— Ха, ха азаматлар, нега дамингиз чикмайди. Таркидуёнилган кишилардек хомуш борасизлар! Кўйинглар! Хаёлларни ташланглар! Қани, бир чекнишиб олайлик, сўнгра отимизга шифов бериб бир учайлик, күш ҳам етолмасин! — деди.

Казаклар отлари ёлига энгашиб олиб, ўтлар ичида йўқолиб кетдилар, кора телпаклари ҳам кўздан ғойиб бўлди. Босилиб кетаётган ўтларнинг шовиллашигина от қўйиб кетаётгандарнинг изини кўрсатар эди.

Булутлардан тозаланган осмонда офтоб ӯзини курсатиб, саҳрога нурини тўкиб жон киргизганига анча бўлди. Казакларнинг кўнглини хира қилиб, хомушликка солиб турган нарсалар бир лаҳзада йўқолиб кўнгиллари очилиб кетди.

Дашт борган сари гўзаллаши. У замонларда бутун жануб, ҳозирги Новороссия ерлари то Қора денгизгача одамзод оёқ босмаган биёбон эди. Бу бепоён кўкаlamзор ерлар асло омоч кўрмаган, факат кўкаlamайдон ичига киргандан гўё чакалакка киргандек кўмилиб кетган отларгина бу ерларга оёқ босарди. Табиатда бундан бошқа чиройли манзара бўлмас. Ер юзи сарифига бўялиб, товланиб турган бепоён сувга ўхшар, бу сувнинг бетига ранг-баранг гуллар сочилган эди. Баланд бўйли нозик ўтлар орасидан кўк, кизил, яшил, лола ва чумомалар, сарик гуллар, бутакўзлар бош чиқазиб турарди. Ким билан, қаерданadir бу ерга келиб тушиб кўкарган буғдой пишай деб қолган. Бу ўтлар тагига какликлар бўйинларини чўзиб хиромон юрар эдилар. Ҳаво турли-туман паррандалар овозига тўлган. Осмонда қанот ёйиб бир жойда турган қарчифайлар ўтлар орасига тикилади. Булутдан четроқда учиб бораётган бир гала ёввойи ғозлар овозининг акс садоси қаердадир узокдаги кўлдан эшитилар эди. Ўт ичидан учиб чиқиб, кўм-кўк ҳаво тўлқинлари ичида қашот қоқиб чўмилаетгандек, қанот қоқиб-қоқиб осмонга чиқкан оқ күш кўздан ғойиб бўлиб кетди, факат бир кора нуктадек қўринди, ана куёш нури ичида пириллаб ўйнади. Бу дашту биёбон мунча ҳам гўзал!

Йўловчилар овқатлангани ва бир неча минут дам олгани тўхтадилар. Уларга ҳамроҳ бўлиб бораётган ўн казак отдан тушиб, арок солинган заранг идишларни, кадичаларни боғланган жойидан ечиб олдилар. Мой билан нон ёки биттадан патир едилар,

мадор бұлсın деб бир косадан май ичдилар, чунки Тарас Бульба йүлга чиққанда күп ичишга ижозат бермас эди. Андак хұрак қилиб олгач, кечгача яна йүл юрдилар. Кечкурун дашт тамоми-ла үзгариб, бошқа туsgа кирди. Ранг-барант турланиб турған кенг дала ботаётган күннинг охирги нуридан ёришиб, кейин секин-секин қоронғилаша борди. Сояниң юриши ва күкаламзорнинг тим күк рангга бўялиб бориши аниқ кўриниб турарди. Ердан кў-тарилаётган буғ қуюклашди, ҳар бир гул, ҳар бир үлан анбар бўйи сочар, бутун дашт хушбўй ҳидларга тўлган эди. Гира-шира коронғи босган осмон юзига, гўё каттакон бир чутка билан суртил-гандек, қизғиш зарҳал йўл тушди; гоҳ-гоҳда енгилгина барра бу-лутлар парча-парча бўлиб ўтар эди. Денгиз тўлқинининг шамоли-дек майин шабада ўт-ўланлар бошини ўғандек майин эсиб ўтар, одам юзини силар эди. Кундуздаги нағмалар тиниб, энди бошқа нағмәлар бошланди. Ола-була юмронқозиклар инларидан чиқиб, чўқкайиб ўтириб чийиллашар, чигирткалар каттирок чириллаша бошларди. Гоҳда узокдаги кўлдан гозлар овози чиқиб, ҳавони жа-ранглатарди. Йўловчилар даланинг ўртасида тўхтаб ётгани жой ахтардилар. Ўт ёкиб, козон осиб, умоч пиширдилар, козондан чиқ-қап буғ осмонга чирмашар эди. Казаклар овқатлангач, отларини ўтлагани қўйиб юбордилар ва тўнларини тагларига тўшаб ётдилар. Осмондаги юлдузлар уларга қараб турарди. Ўтлар орасидаги курт-қумурскаларнинг гувиллагани, чириллаган, ши-тирган овози тун коронғусида улар қулоғига бир нағмадек эшишилар, соғ ҳавода гўё тозаланиб, уйкуга толғанларни алла-лагандек бўларди. Мабодо улардан биронтаси ўридан турса бу-тун дала унинг назаридаги йилтираган ранг-баранг ҳашаротларга тўлғандек кўринар эди. Гоҳда ўтлоқларда, дарё бўйларидағи қа-мишзорларда ёнган ўтда коп-коронғи осмоннинг бир парчаси ёри-шар ва бу чоқда шимол томонга учиб кетаётган қатор-қатор гозлар оқ-қизилга товланиб яраклаб кетар эди, кеча коронғу-сида гўё қизил рўмollар учиб кетаётганга ухшарди.

Йўловчилар эсон-омон бормоқдалар. Ҳеч қаерда дарахт учра-мади, хали ҳам багри кенг, гўзал сахро. Унда-бунда йироқдаги Днепр дарёси бўйларидағи дарахтларнинг кўм-кўк учлари кўри-ниб қоларди. Тарас факат бир марта узокда ўт ичидаги корайиб кўринган нарсани курсатиб: «Болаларим, курдингизми, хов ана чопиб татар кетяпти» деди. Узун мўйлови кичкинагина бош узок-дан бакрайиб қарагач, този итдек ҳавони ҳидлади-да, казаклар-нинг ўн уч киши эканликларини кўриб, бир лаҳзада кўздан ғо-йиб бўлди. «Қани, болалар, унга ета оласизми? Овора бўлманглар, ҳеч етолмайсиз, унинг оти менинг Шайтон отимдан ҳам чопкир». Аммо, Бульба мабодо бирор ерда бикиб ётган татарлар бўлма-син, деб эҳтиётини кўриб кўйди. Днепрга куядиган Татарка номли анхор бўйига етиб келгач, отлари билан сувга тушдилар,

изларини бекитмок учун сувга анча юргандан кейин чиқиб, яна тұғри йұлларига кетдилар.

Бундан кейин яна уч күн юргач, үйлаган манзилга яқинлашдилар. Ҳаво салқынлашды. Днепрнинг яқинлиги билинди. Днепр йирокда йилтираб, уфқдан айрилиб кетган қора йұлдек күринди. Дарёнинг шабадаси юзға урди, борган сари яқинлашиб, ниҳоят ернинг ярмисини әгаллади. Бу ерлар дарёнинг яйраб, ошиб-тошиб оқаётган жойи эди. Сувнинг үртасида унда-бунда пайдо бұлган ороллар дарё сувини яна күпроқ ёяр, қирғокларидан ошира, бунда уннинг тұлқинлари на тошға, на тепага учрамай, яйраб-яйраб чайқалар эди. Казаклар отдан тушиб, кемага миндилар. Уч соат сувда юргандан кейин Хортіца деган орол бўйига яқинлашдилар. Маконини доим үзгартып турған Сечь шу ерда эди.

Дарё бўйида бир гала одам шовкин-сурон кўтариб, кемачилар билан сўнишар эди. Казаклар отларини ростлаб олдилар. Тарас ҳам үзига оро бериб, камарини маҳкамроқ тортиб, керилиб, мўйловини силаб қўйди. Үгиллари ҳам үзларини ростлаб қандайдир бир кўрқув аралаш аллакандай биргалашиб Сечдан ярим чақиримлик жойдаги бир манзилга келиб тушдилар. Бу манзилга киришлари билан томи чим билан ёпилган ертўлада ишлаб турған йигирма беш темирчиликдаги эллик болғанинг овози улар қулогини битирди. Бақувват қўнчилар кўчага караган дарвозахонада үтириб йўғон-йўғон құллари билан ҳұқиз териларини ошлар эдилар. Атторлар чақмок тош, мильтик дориларини ёйиб үтирап эдилар. Армани қимматбаҳо рўмолларин осиб қўйибди. Татар қўйнинг калласини унга белаб сихга тортиб кабоб қиласар эди. Жуҳуд бўйинин чўзиб, бочкадан ароқ сузар эди. Аммо йўловчиларга энг аввал учраган одам, кўчанинг үртасида ялпайиб ухлаб ётган запорожъелик киши эди Таras тўхтаб, завқ билан унга қарамасдан ута олмади.

Тарас отини тұхтатиб: «Ялпайнб ётишини қара-я! Гавдасини каранг!» деди.

Дарвөке, уннинг ётиши жуда ҳайбатли эди. Қўчанинг үртасида арслондек чўзилиб ётар, узайиб тушган кокили ярим газ ерии олар эди; қимматбаҳо қизил мовутдан тикилган чалварига ҳеч назар-писаңд қыммаганини курсатмок учун қора мой суртиб қўйган эди. Бульба унга завқ билан қараб, ҳар хил ҳунарманц усталар дўкон очиб ишлаб турған ва турли-туман миллат одамларига тўлган тор гузардан үтиб кетди; айш-ишрат билан мильтик-бозлиқдан бошқа ҳеч ҳунари бўлмаган Сечни бокқан ҳам, кийдирған ҳам ярмаркага үхшаган шу гузар эди.

Йўловчилар никоят гузардан үтиб, чим билан ёпилган уйлар ёки татарчасига кигиз ёпилган үтовларни кўрдилар. Баъзи уйларнинг олдида замбараклар турарди. Гузардаги сингари пастак бостирма уйлар, паст деворлар бунда йўқ. Ҳеч коровулсиз, пастак-

кина құрғончалар бундагиларнинг жуда бепарволикларини күрсатар эди. Огизларида трубка билан күчанинг ўртасида бемалол ётган бир неча баҳайбат запорожьелик уларга эътиборсиз қараб қўйди-да, кимир этмай ёта берди. Тарас ўғиллари билан бирга улар ўртасидан ўтиб кетаётганда: «Эсонмисизлар, оғалар!» деб сўрашди. Улар ҳам «Саломат бўлинг!» деб жавоб қайтардилар. Хар қадамда ранг-баранг кийимли одамлар туда-туда бўлиб турардилар. Офтобда корайған юзлари уларнинг кўп жангларни кўриб ва кўп машакқатлар тортиб чиниқканликларини кўрсатарди. Сечь дегани шу экан-да! Шердек мардлар, диловар пахлавонлар макони шу эди. Бебошибок казаклар бутун Украина га шу ердан тарқалар эдилар.

Йўловчилар юрт йигилиб маслаҳат қиласидан майдонга келдилар. Тўнтарилган каттакон бочка устида кўйлакчан бир одам ўтириб, кўйлагини ямар эди. Бир тўда машшоқлар чиқиб, улар йўлинни тўсдилар. Чолғучилар ўртасида бир йигит шапкасини яримта қилиб, ўйин тушар эди. Ўйинчи факат: «Шўхроқ чалинглар! Фома, ароғинги аяма христианлардан!» дер эди, холос. Кўзи шишган Фома, ким сўраса, катта бир косада ароқ қўйиб берарди. Ўйинчи йигит олдида тўртта кексароқ одам тапир-тупур ер тепиб ўйнар, кейин шамолдек гириллаб айланиб машшоқларни босиб кетгундек бўларди; сўнгра ўтириб олиб заранг ерни кумуш нағаллари билан тоза шиббалар эди. Ернинг гумбурлаган овози атроф-теваракка кетар, этиклар нағалининг дўпир-дўпири узокдан ҳам эшитилар эди. Аммо, булар ичиди бирори ҳаммадан каттиқроқ қичқирав, кўпроқ ўйин тушар, кокили ёйилиб учар, азамат кўкраги очик эди. Эгнида иссик пустин, терга пишиб кетган. Буни кўрган Тарас:

— Пустинингни ечсанг-чи; терлаб кетганингни қара,— деди.

Ўйинчи:

— Иложи йўқ,— деди.

— Нега?

— Иложи йўқ, шундака одатим бор, нимани эгнимдан ечсам, ароққа сарф килиб юбораман.

Азаматнинг на бошида шапкаси, на белида камари, на устида тўни, на белбоги бор, буларнинг ҳаммаси аллақачон жой-жойини топиб, ароққа кетган эди. Одамлар борган сари кўпайди; улар ҳам ўйинга қўшилдилар. Оламда мисли кўрилмаган шўх, азамат ихтириочилар казачок деб ном беришган бу ўйин кўнгилда бор гина-кудуратни сидириб ташлар, лекин завқи йўқ одам буни билмас эди.

— Аттанг, отим бўлмаса бир тушардим-да! Бир ўйнар эдимда! — деди Тарас.

Бу орада бутун Сечда иззатли, обрули оқсоқол мўйсафидлар ҳам кела бошлидилар. Тарас бир қанча таниш ва билишлари-

ни күрди. Остап билан Андрій ҳар қадамда уларнинг: «Печери-цамисан! Эссоңмисан, Козолуп!» «Тарас, қаердан келиб қолдинг?», «Долото, сен үзинг бунда нима қилиб юрибсан?», «Саломатмисан, Кирдяга! Густий, қалайсан! Ремень, сени бунда кўраман, деб хаёлмуга ҳам келгани йўқ эди-я!» деган товушларинигина эшитар эдилар. Шарқий Россияда ўзи хон, ўзи бек бўлиб юрган ва бу ерга келган барча паҳлавонлар бир-бирлари билан ўпишиб ҳолаҳвол сўраша кетдилар: «Косян нима бўлди? Бородавка қалай? Колопер қалай? Пидсишко нима бўлди?» Тарас ўз саволларига: «Бородавка Толопанда осилди, Колопернинг Қизиқирманда тери-синни шилдилар, Пидсишконинг боши тузланиб Царьградга¹ юбо-рилди» деган жавобларни олди. Кекса Бульба бошини қуий со-либ, «Яхши казаклар қани!» деди.

III

Тарас Бульба ўғиллари билан Сечда яшай бошлаганига бир ҳафтача бўлиб қолди. Остап билан Андрій уруш машқларини кам қилар эди. Сечдагилар уруш машқлари билан овора бўлиб, беҳуда вакт ўтказишни ёқтиришмасди. Бундаги йигитлар жангнинг ўзида, урушда чиникиб пишар эдилар ва бу сабабдан ҳам кетма-кет уруш бўлиб тураг эди. Уруш тўхтаган бекорчилик вактларда казаклар бошқа бир нарса ўрганишини ўзларига эп билмай, гоҳда мерганлик ва чавандозликни машқ қилар эдилар; дала ва яйловларга чиқиб ваҳшӣ ҳайвон овлашни урганар, қолган бўш вақтларини ўйин-кулги, айш-ишрат билан ўтказар эдилар. Уларнинг серзавқ ҳалқ эканликлари шундан маълум эди. Сечь ҳаёти ниҳоятда ажойиб бир ҳаёт. Бу ердагилар жуда кайф-сафога берилган. Базм ва зиёфатлар бошланар эди-ку, лекин тамоми бўлмас эди. Баъзилар косибиличик, баъзилар савдогарчилик, дўкондорлик қилар эдилар. Лекин аксарият, агар киссасида пули бўлса ва топган-таянган давлати ҳали савдогарлар билан ароқфурушлар қўлига ўтиб улгурмаган бўлса, кеча-кундуз айш-ишрат билан умр ўтказар эди. Бу умумий томошаю базмларда кишини ўзинга мафтун қиласидиган аллакандай бир жозиба ёки сехр бор эди. Бу — томоша алам ва қайғусидан ичиб, думалаб ётган ароқхўр, бўзахўрлар базми эмас, тўлиб-тошган шодлик, хурсандлик эди. Бу ерга келган ҳар бир кимса бор-йўғини унтар, ҳалигача унинг миясини машғул этган икир-чикирларни орқага ташлар эди. У ўзининг ўтмишига тупураг эди десак ҳам бўлади. Бу ерга келган одамлар ўзларига ўхшаган кенг осмондан бошқа на ўй-жойи, на хеш-акрабоси, на бола-чакаси бўлмаган, доим ўйнаган-кулган, завқдан бошқа ҳеч бир нарсаси бўлмаган, улфатларга қўшилиб.

¹ Царьград — ҳозирги Стамбул.

барча ташвишларни унугиб майшатбозликка чўмиб кетар эди. Бу нарса бошқа ҳеч қандай манбадан нашъя олиши мумкин бўлмаган қайнаб-тошган шодлик, хурсандлик туғдирар эди. Хушёкмаслик билан ерга юмалаб ётиб роҳат қилмок учун тўпланган бу одамларнинг бир-бирларига айтган латифалари, чакана-чукана, майда-чуйда гап ва ҳазиллари шундай кизиб, шундай жонли бўлиб кетар эдик, буларни эшигиб индамасдан, кулмасдан ўтирмок учун запорожъеликлар каби беғам бўлмок керак. Жанубий русларни бошқа рус кардошларидан ҳалигача айириб турган катта бир хусусиятлари шудир. Бундаги шодлик, мастилик сурори, қий-чув билан ўтса ҳам, лекин қовоқхонага кириб олиб, ўзини бадмастлик қучогига ташлаб, барча ташвишларни унудиган айрим одамларнинг мастилиги эмас, ўртоклар, жўралар, мактабдошлар улфатчилиги эди. Фарқ шунда эдик, мактабдаги тиз чўкиб ўтириш ва қўлда калтак билан ўтирган муаллимнинг маза-бемаза гапларини эшигини ўрнига, улар беш минг отлик бўлиб, ҳужум қиласр эдилар: коптот ўйнайдиган ўланзор ўрнига бепоён қирлар, узокдан татарнинг боши кўриниб колган, яшил салла ўраган турк чақчайиб қараб турган бепоён қирларда жавлон урап эдилар. Фарқ яна шуки, уларни мактабда мажбуран бирлаштирган бўлсалар, бунда улар ўз ҳоҳишлири билан — отоналарини ташлаб, уйларидан чикиб келганлар; бундаги одамлар дор тагидан кочган ва ўлимдан кутулиб майшат ва ўйин-кулгиларга берилган, кайфу сафоли турмушни топган кишилардирлар. Бундаги одамлар олижаноблик ва баланд ҳимматлик килиб киссаларинда бир тийин саклаб кола олмаган, шу чоққача бир олтинни катта бир давлат деб билган ва ижарахўр жухудлар дастидан чўнтаклари бўшаб, киссаларини ағдар-тўнтар килганда ҳам ҳеч бир нарса топилмайдиган одамлардирлар. Бундагилар диний мактабнинг даррасига чидамасдан кочган ва ўқиб-ўқиб алифни таёқдан ажратса олмаган кишилардирлар. Аммо булар орасида Гораций, Цицеронларнинг кимлигини, Рим республикаси нималигини билган одамлар ҳам бор, кейинчалик король аскарлари ичида кўп иш кўрсатган офицерлар ҳам бор эди. Булар орасида қаерда бўлса ҳам жанг қилмоқни ўзларига улуг бир маслак килиб олган ва ўзини одам билган мард кишиларнинг урушмасдан жим ётишини уят деб хисоблаган ва кўпни курган партизанлар ҳам анча бор эди. «Бизлар Сечда бўлганимиз пишганмиз, чиниккан паҳлавонлармиз» демак учун бу ерга келганилар ҳам кўп эди. Бунда кимлар йўқ? Бу ажойиб дориломо Сечъ ўша замон тақозоси эди. Урушни яхши кўрган, олтин қадаҳлардан май ичишни севган, тилла ва тангалар, кимхоб хаваскорлари бу ерда ўзларига доим касб топар эдилар. Факат хотин парастларгина бу ерда ҳеч нарса тополмайдилар, чунки хотин зоти Сечнинг атроф-теварагига ҳам яқин келолмас эди.

Остап билан Андрий күз үнгиде Сечга бәхисоб одамлар кел ганини ва уларнинг хеч ким каердан келдинг, ким буласаи, исмин гу зотинг нима деб сурамаганини куриб ниҳоятда ажабланар эди лар. Бу одамлар Сечга яқиндагина ўз уйларига қайтиб келгандек келар эдилар. Келган одам факат аскарбоши олдига бориб кўриниш берар, аскарбоши эса, келган одамлардан одатда:

— Хуш келибсан, Исога инонасанми? — деб сўрар эди.

Келган одам:

- Инонаман,— деб жавоб берарди.
- Азиз авлиёларга иқрормисан?
- Икорман.
- Бутхонага бориб турасанми?
- Бориб тураман.
- Қани, бўлмасам, чўкиниб кўр!

Келган одам чўкинар эди. Аскарбоши:

- Хўп, яхши, кайси кўрни хоҳласанг ўшанга кир,— дер эди.
- Шу савол-жавоб билан бутун расмият тамом бўлар эди.

Сечдагиларнинг ҳаммаси битта бутхонада ибодат қилар эдилар ва рўза тутиш, арок ичмаслик тўғрисидаги гапларга асло қулок согилари келмаса ҳам бу бутхонани бир томчи қонлари қолгунча муҳофаза қилишга тайёр эдилар. Фойдахўрлик пайига тушган жуҳудлар, арманни ва татарларгина юрак ҳовучлаб бу ерларга келиб тириклик ва олди-сотди қилар эдилар, холос, чунки запорожъеликлар савдолашини ва кийишишини билмас, қўлларини киссаларига солгандা, қанча пул чикса, шуни бериб кета берар эдилар. Лекин фойдалапараст кишиларнинг бунда кўрган куни курсин! Улар ёнар тоғнииг этагига келиб ўй-жой қилган кишиларга үхшар эдилар, чунки запорожъеликларнинг киссасида пуллари қолмаса, бир хил гушналар чиқиб, дўконларни бузиб-йқитиб, молларни талон қилиб кета берар эди. Сечдагиларнинг ҳаммаси олтмиш кўрдан иборат бўлиб, кўрларнинг ҳар бири ўз бошига мустакил бир республикага, ҳатто кўпроқ ҳамма нарсаси тахт ва тайёр бўлган мактабхонага үхшар эди. Хеч ким молу мулк ортириласа мол бокмас, ҳамма нарса аскарбошининг қўлида бўлар, уни одатда отахон дер эдилар. Пул, энгил-бош, овқат, галла, ҳатто ўтин-кўмир ҳам унинг қўлида бўлар эди. Бирорвоннинг ортиқча пули бўлса ҳам, унга бериб қўярди. Кўпинча қўрлар уртасида жанжал чиқиб муштлашишга айланар, майдонга чиқиб, то бир томон енгилмагунча муштлашар эдилар. Бир томони зўр чиққач томоша бошланар эди. Ёш ўспириинларни ўзига мафтун қиладиган хусусиятлари кўп бўлган Сечнинг таърифи ана шу.

Остап билан Андрий ёшлик ва йигитликнинг барча гайрат ва ҳаваси билан жўш уриб турган бу денгизга ўзларини ташладилар ва бир лаҳзада ота уйини ҳам, мактабни ҳам, аввалда кўнгилларига ғулғула солган барча нарсаларни ҳам унугиб бу

янги турмушга чўмиб кетдилар. Бу ернинг ҳар бир нарсаси улар хаёлини машғул килди. Сечнинг доимий базму томошаси, ўйин-кулгиси, дориломон идора ва конунлари уларни таажжублантирип эди; буидай дориломон ўлкада бу хил қонунлар улар назарида баъзан ҳатто ҳаддан ташқари қаттиқ кўринар эди. Агар биронта казак ўғирлик қиласа, арзимаган бир нарсани ўғирлаб қўйса, казакларнинг ҳаммасига ис nod келтирган бўлар эди. Бундай одамни номусини йўкотган, инсофсиз деб лаънат дорига боғлаб, ёнига бир сўйил ташлаб қўяр эдилар, ҳар бир одам ўғрини сўйил билан бир марта уриб ўтар эди. Шундай килиб, уни то ўлгунча урага зандирлар билан тўпга боғлаб қўяр эдилар, ёру биродарларидан бири келиб ажратиб олмагунчабанди бўлиб ётарди. Лекин биронни ўлдирганлик учун одамларга бериладиган қаттиқ жазо Андрийга жуда қаттиқ таъсир қилди. Одам ўлдирган кишини тириклиайнин ўрага ташлаб, ўлдирилган одамнинг танаси солинган тобутни устига қўйиб, кейин тупрок тортар эдилар. Бу жазо куп вактларгача унинг эсидан чиқмай, ваҳима босиб юрди. Ўлик солинган тобут билан бирга тириклиайнин кўмилган одам унинг кўзидан сира нари кетмади.

Кўп фурсат ўтмай йигитларининг иккови ҳам ҳаммага манзур бўлди. Улар аксари бошқа ўртоқлари, баъзида қўрдагиларнинг ҳаммаси бирга далага чиқиб, ундаги беҳад ва беҳисоб ҳар хил парраида-даррандаларни, буги ва такаларни овлар эдилар, ё эса ҳар кўрниг ўзига чек билан ажратилиб берилган кўл, дарё ва арикларга бориб тўр ташлар ва натижада бутун қўр балиқхўрлик қиласа эди. Казак учун имтиҳон бўлгундай хунар бўлмаса ҳам, улардаги гайрат ва шижаот уларнинг донгини чиқазди. Яхши отадиган мерган, Диепр дарёсидан сувнинг оқимиға қарши сузиб ўтадиган бўладилар. Бу ишлар Сечга келган ҳар бир янги одамни казаклар жумласига олмоқ учун бир имтиҳон эди.

Лекин кекса Тарас уларга бошқа бир касб тайёрламоқда эди. Бундай айш-ишрат ва ўйин-кулги билан ўтган умр унинг назаридан зое кетгандай бўлар, у ҳақиқий иш истар эди. У доим бутун Сечни мардоналиқ ишига бошласам, марду майдон, иш кўрсатадиган бир можаро бошласам деб ўйлар эди. Нихоят бир куни аскарбоши олдига келиб тўппа-тўғри:

— Аскарбоши, одамларимиз бир ярасин,— деди.

Аскарбоши оғзидағи кичкина трубкасини олиб, ёнига тупуриб ташлагач:

— Яйрайдиган жой йўк! — деди.

— Нега йўк бўлсин? Турклар ёки татарлар устига отлансанк бўлади.

Бемалол ўтириб, секин трубкасини яна оғзиға олган аскарбоши:

— Турклар устига ҳам, татарлар устига ҳам отланишнинг иложи йўқ! — деди.

— Нега иложи йўқ?

— Шундай, иложи йўқ. Султонга биз урушмаймиз деб ваъда қилганмиз.

— Ахир у ғайри дин-ку. Худо ҳам, пайғамбар ҳам ғайри динларни уринглар деган.

— Йўқ, ҳақимиз йўқ. Ўзимизнинг динимизни орага солиб, қасам ичмаганимизда ваъдадан қайтсан мумкин эди, лекин энди сира иложи йўқ!

— Нега иложи йўқ! Ҳақимиз йўқ, деганинг нима деганинг? Иккита ўғлим бор, иккови ҳам ёш, ўспирин. Иккови ҳам ҳануз урушни кўргани йўқ, сен ҳақимиз йўқ дейсан. Запорожъеликлар отланиб чиқмасин эканда!

— Кераги йўқ.

— Демак казакларнинг кучи беҳудага йўқ бўлиб кетаверсинми, одамлар тузукроқ бир иш қилмай, бекорга сасиб-чириб кетсинми? Ватанга ҳам, динга ҳам улардан хеч қандай фойда бўлмасинми? Бундай бўлса бизнинг тириклигимиздан нима фойда? Дунёда нима деб юрибмиз? Шуни менга уқтириб бер. Сен доно одамсан, бекорга аскарбоши бўлганинг йўқ. Менга тушунтири, дунёда нима деб юрибмиз?

Аскарбоши унинг бу саволига жавоб бермади. У ҳам хийла ўжар одам эди. Андак жим тургач:

— Нима десанг ҳам уруш қилмаймиз! — деди.

Тарас яна қайтариб:

— Шундайми? Уруш қилмаймизми? — деди.

— Йўқ.

— Шу билан урушни орзу қилмайликми?

— Урушни хаёлингга ҳам келтирма.

Бульба дилида: «Шонимай тур, занғарнинг боласи! Танбэхингни берай!» деди-да, аскарбошидан ўч олмоқни кўнглига тушиб кўйди. Тарас у, бу билан гапни бир ерга кўйиб, ҳаммасига ичирди, маст бўлган бир неча казаклар тўпланишиб, қозикка довул осиб кўйилган жойга чикдилар. Одамларни тўпламоқчи бўлганда, одатда шу довулни чалар эдилар. Довулнинг чупи довулчидаги турар эди. Бу ерда чупни топмай, ҳар кайсилари қўлларига биттадан калтак олиб, довул чала бошладилар. Довулнинг товушига, бир кўзи кўр, уйку босган баланд бўйли довулчи ҳаммадан олдин етиб келди.

Довулчи кела солиб:

— Довулни ким чалди? — деб дағдаға қилди.

Ичиб олиб кайфи тарак бўлган оксоқоллар:

— Овозингни чиқарма! Довул чал, дегандан кейин чўпингни келтириб чала бер! — дедилар.

Довулчи бундай воқеаларнинг оқибати нима булишини жуда яхши билганлигидан, чўнтағида ола келган чўпни олиб довулни чала бошлади. Довул товуши чиқиши билан дарҳол запорожье-ликлар аридек ёпирилиб кела бердилар. Келганлар гир айланиб ўтирилар. Довул учинчи марта урилгандан кейин оқсоқоллар ҳам кела бошладилар. Гурзинни кўтариб аскарбоши, мухрини кўтариб қози-аскар, қаламдонини кўтариб мирза, ҳассасини кўтариб ясовул келди. Аскарбоши билан оқсоқоллар шапкаларини олиб тўрт томонга энгалиб салом бердилар. Тўпланган казаклар кўлларини бикинларига тираганча, гердайиб турар эдилар.

— Бу йиғиннинг боиси нима биродарлар, тилагингиз нима? — деди аскарбоши. Ҳар томондан чиқсан шовкин-сурон ва сўкишлар уни гапиришга қўймади.

Оломон орасидан баъзи бирорлари:

— Гурзин ташла! Шайтондан туғилган, дарров гурзини ташла! Энди сени хоҳламаймиз! — деб қичкиришар эди. Эси хуши ўзида бўлган баъзи бир ҳушёрлар уларга қаршилик қилмоқчи бўлгаңдай кўринар эдилар. Лекин мастлар ҳам, ҳушёрлар ҳам муштлаша кетдилар, шовкин-сурон, тўполон бошланди.

Аскарбоши гапирмоқчи бўлиб кўрди, лекин ғазабланган қайсар оломоннинг уриб ўлдиришидан кўркиб, гапирмай қўя колди, чунки бундай воқеа кўп бўлган эди. Шу сабабдан энгалиб ҳалққа таъзим қилганидан кейин гурзини ерга қўйиб оломон орасига кириб кетди.

Қози-аскар билан мирза ва ясовул ҳам:

— Оғалар, биз ҳам мартаба аломатларини ташлайликми? — дедилар-да, мирза қалам ва қаламдонини, қози мухрини, ясовул ҳассасини ерга қўймоқчи бўлди.

Йигин орасидан:

— Йўқ, сизлар ўз мартабангизда тура беринглар, биз факат аскарбошни ўрнидан туширмоқчи эдик, чунки аскарбошимиз хотинчалиш бўлиб қопти, бизга аскарбошнинг асли керак! — дедилар.

— Кани, энди кимни аскарбоши сайлайсизлар? — дедилар оқсоқоллар.

— Кукубенкони сайлаймиз! — деб қичкирди бир қисм.

— Кукубенкони хоҳламаймиз! Ҳали ёшлик қиласди, она сути оғиздан кетгани йўқ! — деб қичкиришди баъзилар.

Баъзи бирорлари:

— Шило бўлсин, Шилони аскарбоши кўтарамиз! — деб қичкирди.

Оломон орасидан баъзилар:

— Оғзингга тош, итвачча, ўғирлик қилиб шарманда бўлганку, ўша ҳам одамми, казак эмас, татар, йўқолсин арокхўр Соҳти курсин Шилонинг! — деб койиди.

— Бородатийни аскарбоши қилиб күтарамиз. Бородатий бўлсин!
— Бородатийни хоҳламаймиз! Йўқолсин баччагар!
Тарас Бульба бир-икки кишининг кулоғи тагига бориб: «Кирдягани сайлаймиз, денглар!» — деб шивирлаб қўйди.

Оломон орасидан баъзи бировлар:

— Кирдягани сайлаймиз. Кирдягани! — деб ҳайқирса, баъзилар:

— Бородатийни сайлаймиз,— деб қичкиришар эди.

— Кирдягани сайлаймиз, Шило керак эмас. Кирдягани хоҳлаймиз!

Номи зикр килинган кишилар ўзлари-ўзларини сайладилар деган гап бўлмасин, деб дарров одамлар орасидан чикиб кетар эдилар.

Биров: — Кирдяга бўлсин, Кирдяга! — деса, биров: — Бородатий бўлсин,— деб қичкирар эди.

Кейин иш муштлашишга айланди. Оқибат Кирдяга тарафдорлари зўр чикиб ўша сайланди.

— Кирдягани деганлар бу ёкка юринглар,— деб қичкирдилар

Казаклардан ўнтачаси йиғиндан чикиб, унинг томонига ўтди Уларнинг баъзилари шу қадар маст эдики, зўрга тикка туради. Бу ўнтача казак Кирдяга сайланганлигини унга билдирамок учун тўппа-тўғри унинг олдига кетди.

Ёши кайтиб, кексайиб колган бўлса ҳам, кўпни кўрган ақлли Кирдяга худди ҳеч нарсани билмагандай чодирида баҳузур ўтирап эди.

Келганлардан:

— Оғайнилар, нима дейсизлар, нима мақсадда келдинглар? — деб сўради.

— Кани юр, сени аскарбоши қилиб сайлайлик.

— Биродарлар, раҳм-шафқат қилинглар, бундай улуғ мартабага лойик эмасман! Мен кайдаю, аскарбошилик қайда! Бундай улуғ вазифани ўташга ақлим етмайди. Ўртда мендан бошка тузукрок одам куриб кетибдими?

Келганлар:

— Энди индамасдан бораверсанг-чи! — деб қичкирдилар. Иккни киши унинг кўлтиғидан ушлаб, оёғини тираб орқасига чиранганига қўймай, уриб, туртқилаб, тепқилаб маърака ўртасига олиб келди.

— Баччағар, орқангга чиранма! Ит, ахир сени иззат қилиб катта кўтаргандан кейин иззатингни бил-да! — деб койиганлар ҳам бўлди.

Шу тарзда Кирдягани маърака ўртасига олиб келдилар.

Уни судраб келганлар:

— Кани, оғайнилар, нима дейсизлар? Шу кишининг аскар боши бўлишини «оҳлайсизларми? — деб ҳалқ ўртасига ташладилар.

Тұпланған одамлар:

— Хоҳлаймиз! — деб қичқирдилар. Шовқин-сурон оламни босди.

Оқсоқоллардан бири гурзини олиб янги сайланған аскарбоши-га тутқазди. Кирдяга расм-одатни бажо келтириб дафъатан гурзи-ни олмади. Оқсоқол тағин тутқазди, яна олмади, учинчи марта тут-қизганда «баракалла» деган овозлар күтарилди, шовқин-сурон оламни тутди. Бундан кейин энг кекса мүйсафидлардан тұрт киши ўртага чиқиб (Сечда жуда кариб қолған кекса кишилар йүқ эди, чунки бу ердагиларнинг хеч биттаси ўз ажали билан үлмас эди) ёғиб үтган ёмғирдан, лой бўлиб қолған тупроқдан ҳар қайсиси бир қисмдан олиб янги сайланған аскарбошиниң бошига суртдилар. Суюқ лой бошидан оқиб тушиб юз-кўзлари, мўйловлари лойга буланди. Аммо Кирдяга жойидан қимирламай турар ва ўзига бундай иззат-икромлар кўрсатган казакларга раҳмат ўқир эди, холос.

Сайлов шу билан тамом бўлди. Бу сайловга ҳеч ким Бульба-дек хурсанд бўлмаган бўлса керак, чунки Бульба Кирдягани сай-лаб эски аскарбошидан ўч олди ва бундан ташқари, Кирдяга унинг эски қадрдан дўсти бўлиб, қуруқлигу сувда бўлган кўп жангларда иккови бирга бўлган, урушнинг азоб ва машаккат-ларни бирга тортган эди. Янги сайлов тўйи бошланиб, ҳамма то-моша ва хурсандчиликка киришиб кетди; шундай катта тўй бўл-дикни, Остап билан Андрий ҳалигача бундай тўйни кўрмаган эди. Ковоқхоналар талон қилиниб, шароб, шарбат, пиво ва ароқни те-кинга ича бердилар... Ковоқхоначилар ўзлари эсон қолғанларига шукур қиласар эдилар. Тонг отгуича полвон ва ботирлар шаънига кўшик ва ашуласар айтилди; дўмбира ва чирмандалар, ибодат-хонада запорожьеликларнинг достонларини айтиб чалинадиган рубоблар билан кўча-кўйларда тўда-тўда бўлиб юрган машшоқ-ларни осмондаги ой ҳам анча вақтгача хўп томоша қилди. Ниҳоят мастилик ва ҳориганлик зўр чикиб, ҳаммани енгди. Казаклар ҳар ерда думалашиб, ўртоқлар бир-бирлари билан кучоқлашиб, ҳат-то йиғлашиб, йиқилиб қола бердилар. Унда бир гуруҳ бўлиб ётибди, бунда яна бир тўдаси қулабди, бирор қулайрօк жой ахта-риб, тўғри тўнка устига чиқиб ётибди. Бақувватроқ бўлиб ўзини тетик тутган энг охирги одам ҳали ҳам фўлдирар эди, мастилик ни-ҳоят уни ҳам енгди, бутун Сечъ уйкуга кирди

IV

Эртаси Тарас Бульба запорожьеликларни бирон ишга қўз-ғатиш тўғрисида янги аскарбоши билан маслаҳатлашар эди. Аскарбоши ақлли, кўпни кўрган, юртнинг баланд-пастини билган, айёр одам эди. Аввал: «Сира иложи йўқ, ваъдадан қайтиб бўлмай-

ди» деди, кейин бир оз ўйлаб туриб: «Майли, иложини кила-
миз, ваъдамиздан қайтмаймиз-ку, лекин бошқа иложини то-
намиз; юрт йигилсин, лекин менинг буйруғим билан эмас, ўзлик-
ўзи тұпланишсан, буни қандай қилишни үзингиз биласиз; биз-
лар оқсоқоллар билан бирга хеч нарсадан хабаримиз йўкдек,
кейинроқ чиқамиз» деди.

Бу маслаҳатдан кейин орадан бир соат ўтар-ўтмас довул
чалинди. Дарров маст ва енгилтак кишилар ҳам топилди. Майдонга
бехисоб казак тұлди. Ғовур-гувур гап бошланды: «Кім»,
«Нега, нимага юртни тұпладилар?» Ҳеч ким жавоб бермас эди.
Ниҳоят у ёқ-бу ёқдан: «Қазакларнинг куни бекорға ўтапти, уруш
йўк! Оқсоқоллар ҳезалак бўлиб қолдилар, семириб кетдилар!
Дунёда ҳақиқат йўқ экан-да!» деган гаплар чиңка бошлади.
Бошқалар аввал бошда бу гапларни әшитиб турдилар, кейин улар
ҳам құшилишиб: «Тұғри, дунёда ҳеч ҳақиқат йўқ экан!» деде
бошладилар. Оқсоқоллар бу хил гапларга таажжуб билан қараб
тургандай бўлардилар. Ниҳоят аскарбши ўртага чиқиб:

— Запорожъелик оғалар, ижозатингиз бўлса, бир сўз айтай! — деди.

— Айт!

— Хурматли биродарлар, гап шуки юрт аҳлининг кўпи ко-
вокчи жуҳудлардан ҳамда ўз қариндошларидан кўп қарздор бў-
либ қолди, шу даражага етдики, ҳеч кимда инсоф ва диёнат қол-
мади. Буни ўзларнинг ҳам хўп яхши биласизлар. Яна шу гап
ҳам борки, кўп йигитларимиз уруш нима эканини ҳалигача бил-
майдилар, ҳолбуки уруш бўлмаса йигит киши тириклик қилол-
майди. Бу ҳам, хурматли оғалар, үзингизга маълум. Умрида бир
марта ҳам ғайри дин билан урушмаган одамни запорожъелик
деб бўладими?

Бульба кўнглида: «Маъқул гапирияпти» деб қўйди.

— Аммо, оғалар, мени аҳд-паймонни бузиб уруш килмоқ-
чи бўлди,— деб ўйламанглар. Худо сакласин, менинг муродим
бу эмас. Аммо черковларимизнинг аҳволи ёмон, айтишга ҳам
гуноҳдан қўрқаман. Юртимиз худонинг карам ва марҳамати билан
неча йиллардан бери бор, лекин ибодатхонамизнинг тошини
қўя беринг-га, ҳатто ичидаги бутлар ҳам тузуккина ясатилган
эмас. Ҳеч бўлмаса кумуш либос килиб бериш ҳам ҳеч қайси-
мизнинг эсимизга келмайди. Бир-иккиталар хайр килиб кетган
нарсадан бошқа ҳеч нима йўқ. Уларнинг хайри ҳам кўп эмас эди,
чунки улар ҳаётликларида бор-йўқларини ичиб қўйган эдилар.
Бу гаплардан мақсадим, гайри динлар билан уруш қилмоқ эмас.
Уруш килмаймиз, деб сultonга ваъда берганмиз, бу ваъдамизни
бузсак, гуноҳкор бўламиз, чунки ўртада динимиз хурмати бор.

Бульба ўзича, кўнглида: «Нега яна чатоқ қиляпти?» деб
қўйди.

— Хуллас, оғалар, уруш чиқазиш имкони йўқ. Мардлар иши эмас. Аммо калта аклим билан билганим шуки, нукул ёшларнинг ўзларини қайиқка ўтқазиб жунатсак дейман. Анатолия¹ қирғокларини бир алгов-далғов қилиб келсинлар, нима дейсизлар, оғалар!

Оломон ҳар томондан:

— Ҳаммамизни олиб бор, ҳаммамизни, динимиз йўлнига бошимиз фидо бўлсин! — деб қичкирди.

Аскарбошининг кути ўчди. Бутун запорожъеликларни қўзғалиш нияти унда йўқ эди. Яраш аҳдини бузмок унинг назарида ноҳақлик эди.

— Хурматли оғалар, яна бир сўз айтсан ижозатми?

Запорожъеликлар қичкиришиб:

— Бас, бундан яхши нима дер эдинг! — дедилар.

— Ундей бўлса хўп. Мен сизларнинг хизматкорингизман. Маълум ва равшанки, ҳатто китобларда ҳам айтилганки, ҳалқнинг тилаги — худонинг тилаги. Барча ҳалқ бир бўлиб ўйлаб топганидан маъқулроғини ўйлаб топиб бўлмайди. Аммо шуниси борки, йигитларимизнинг бу ўйнларини султон жазосиз қолдирмаслиги ўзингизга маълум. Биз шайланиб, ҳозир бўлиб турсак яхши бўларди, куч-қувватимизни сақлаб турардик ва ҳеч кимдан кўркмас эдик. Бизлар ҳаммамиз юртимизни ташлаб кетсан татарлар хужум қилиб қолиши ҳам мумкин, улар турк султонининг кўппагидилар, бу кўппаклар олд томондан келмайдилар, эгалари бўлганда уйга ҳам киролмайдилр, лекин орқадан келиб почадан олади, тишлаганда ҳам ҳазилакам тишламайди. Ҳақиқатни айтадиган бўлсак, кифоя қилгандай одами миз ҳам йўқ, милтиқ-дориларимиз ҳам ҳаммамизга етгудек эмас. Мен бўлсан сизнинг ихтиёрингиздаман, хизматингизга ҳозирман

Айёр аскарбоши сўзидан тұхтади. Ҳар гуруҳ бир-бири билан сўзлаша бошлади, аймоқ оқсоқоллар маслаҳат очдилар, мастлар ҳартугур камрок эди, шу сабабдан жўяли маслаҳатга қулоқ солмоққа карор килдилар.

Бир неча киши дарҳол Днепрнинг нариги бўйида аскарнинг омборхонаси ва ҳазинаси турадиган жойга кетди. Бунда сув тагида ва қамишзор тўқай ичиди аскарнинг бутун ҳазинаси ва душмандан ғанимат олинган яроғ-аслаҳаларининг бир қисми яширилган эди. Колган бошқа одамлар қайнукларни тузатиб сафарга ҳозирлашга тутиндилар. Бир лаҳзада дарё бўйи одамга тўлди. Бир неча дурадгор усталар арра-болта билан ҳозир бўлдилар. Ёш-кари, кенг ягринили забардаст йигитлар, сочига оқ

¹ Анатолия — Кичик Осиёнинг дengiz бўйлари.

кирган мүйсафидлар чалварларини шимариб олиб тиззагача сувга тушиб, йүғон арконлар билан қайикларни соҳилдан сувга тортар эдилар. Яна бирорлар, тайёр, курук ҳолда ва бошқа хар хил ёгочларни ташиб келтирас эдилар. Бир ёқда қайикларга тахта коқар эдилар, бир ёқда қайикларни тұнтарыб ёриқларини бекитар, қора мой сурттар эдилар. Бир томонда қайикларнинг ёнига қамиш боғлар эдилар, чунки денгиз тұлқини қайиқни ботириб юбормаслиги учун унинг ёнини баланд күтариб қамиш боғлаш казакларда расм эди. Дарё бүйлаб қатор курилган үчокларга мәс козон осиб, қайикларга қуиши учун мум эритар эдилар Иш билған кексалар ўшларга үргатар эдилар. Хар тарафда тақир-туқур, шовқин-сурон. Дарё бүйи жунбиш қилиб ларзага келди

Шу онда каттакон кема сув бүйига яқинлашиб кела берди Кемадаги бир тұда одамлар узоклан құлларини силкитар эди Булар йирик-ямоқ кийимли казаклар эди. Уларнинг күпіда әгниларида күйлак ва оғизларыда калта трубкадан бошқа ҳеч нарса йүк эди. Уларнинг бу ахволи бирор балога учраганликларини ёки бор-йүк кийимларини ичиб соб қылғанликларини күрсатар эди Улар орасидан паст бўйли, кенг яғринли, ёши элликларга борган бир казак чиқиб келди. У бошқалардан күпроқ бақирав, бошқалардан серҳаракатрок эди, аммо ишләётғанларнинг тақир-туқир ва ғовур-ғувуридан унинг гапини эшишиб бўлмас эди

Кема сув бўйига келиб тўхтаганда аскарбоши улардан:

— Нима хабар келтирдингиз? — деб суради.

Ишләётғанларнинг ҳаммаси ишларини тўхтатиб, болта-тешаларини кутарганча ағрайиб турар эдилар.

Паст бўйли казак кемада туриб:

— Шум хабар келтирдик, — деб жавоб берди.

— Қанақа шум хабар?

— Ҳурматли оғалар, сизлардан ижозат бўлса сўзлайн

— Сўзла!

— Ёки юртнинг ҳаммасини тўплайсизми?

— Гапира бер, ҳаммамиз шундамиз.

Дарё бўйидагиларнинг ҳаммаси бир ерга жам бўлдилар

— Гетман юртида бўлаётған воқеалардан хабарингиз йўқми?

— Нима бўлибди? — деди оқсоколлардан бири.

— Ана холос! Ҳеч нарса эшифтмаган бўлсангиз татарлар кулогингизга хўп пахта тиққанга ўхшайдилар.

— Тезроқ гапир, нима бўлибди!

— Бўлгани шуки, онадан туғилиб ҳалигача бундай ишларни кўзимиз кўрган эмас!

— Итвачча, тезроқ гапирсанг-чи, нима бўлибди! — деб оломон ичидан сабри қолмаган бирор бақирди.

— Шундай замон бұлдики, азиз динимиз құлнимиздан кетди, бутхоналардан ажрадик!

— Нега ажраламиз?

— Жұхудлар іжара қилиб олибдилар. Жұхудга жузия тұла- масак, намозимизни ҳам үкій олмаймиз.

— Нима деяпсан?

— Агар энди, итдан туғилған итвачча жуҳуд ҳаром құли билан пасхамизга тамға қўйиб бермаса, нонимизни бутхонага олиб бориб табаррук ҳам қилолмас эканмиз.

— Хурматли оғалар, ҳамма гапи ёлғон, табаррук пасхага жуҳуд ҳаром құли билан тамға босиши асло мумкин эмас.

— Қулок солинг, ҳали бундан баттарини айтib бераман. Украинаң ҳаммасыда ксендзлар¹ аравага тушиб юртма-юрт юрап эмиш. Аравада юрганлари ҳам майли-я, аравага от эмас, бизнинг диндошларимизни күшар эмиш. Қулок солинг, яна айтаман. Жұхуд хотинлар попларимизнинг азиз тұнларини юбка қилиб кияётгандар. Оғалар, Украинада ана шунақа гаплар бұл- япти! Сизлар бұлсанғыз бу ерда үйин-кулғи билан оворасиз. Татарлар жуда юрагингизни олиб қўйғанга үхшайды, кулогингиз эшиштмайдиган, кўзингиз кўрмайдиган бұлиб колибди, дунёда нима бұлаётганини билмайсизлар.

Мұхим ишларда сира ҳовлиқмайдиган, шошмасдан жим үтириб, барча ғазаб ва қаҳрларини бир ерга жамлаб, кейин ҳаракат қиласын запорожъеликлар сингари ҳалигача күзларини ерга қадаб жим үтирган аскарбоши энди бошини кутариб:

— Тұхта, тұхта, мен ҳам бир-икки оғиз сүз айтай,— деди.— Сизлар нима қилдингизлар, отанғизни жин урса, сизлар нима қилардингизлар? Қулингизда киличингиз йўқмиди? Шундай хўрликка қандай қилиб йўл қўйиб бердингиз?

— Кандай йўл қўйиб бердингиз дейди-я! Ляхларнинг үзи эллик мингча бор эди; үзимизда айб йўқ эмас, яшириб нима қиласын, ўз ичимиздан чикқан итлар ҳам бор эди, бу баччагарлар уларнинг дининга кириб кетдилар, бу ахволда құлнимиздан нима келарди.

— Гетманнинглар, аскарбошинглар нима қилишди?

— Аскарбошиларнинг кунларини худо ҳеч кимга солмасин.

— Нима қилишди?

— Гетман Варшавада аллақачон мис сихда кабоб бўлди. Лашкарбошининг қўл-оёқлари билан бошини кесиб бозорларда халқка томоша қилдириб юрибдилар. Лашкарбошиларнинг иши шу бўлди!

Халқ орасида ғала-ғовур кўтарилди; даҳшатли қаттиқ бўрон турар олдидан ҳаво жим бўлганидек, аввал жимжит турдилар,

¹ К сен д з — католик мазхабидаги поплар.

кейин ҳар тарафдан овозлар чиқиб, шўриш бошланди.

— Жуҳудлар бизнинг ибодатхоналаримизни ижара қилиб олаверсинми? Православия динидагиларни ғайри мазҳаблар аравага кўшснилар! Ҳа-ҳа! Рус юртида лаънати ғайри динлар шундай гаддорликлар қиласнилар! Лашкарбоши, гетманларга шундай зулмлар қиласлар, қандай гап! Йўқ, бундай қилиб кўймаймиз, асло кўймаймиз!

Бу хил гаплар ҳар ёққа тарқалди. Запорожъеликлар орасига шўриш тушди, ғайратга миндилар, Бу кўзгалиш сингил табиатли халкнинг тўполони эмас, балки кўзгалиши қийин ва лекин бир кўзгалса, бир қизиса сира тинмайдиган, сира совумайдиган салмоқли, вазмин табиатли кишилар кўзголони эди.

Оломон орасидан бирор:

— Жуҳудларнинг ҳаммасини осмоқ керак, хотинларига муборак тўнлардан юбка тикмаснилар, муборак пасхамизга тамгалини босмасинилар, баччагар итларни битта кўймай дарёга ташламоқ керак! — деди.

Оломонда бирор оғзидан чиккан бу сўзлар гўё яшиндек бир онда ҳаммага тарқалди; оломон жуҳудларни кирғин қилмоқ бўлиб маҳаллага ёпирилди.

Бечора жуҳудларнинг кўрқоқ юраклари қинидан чиқиб, ароқдан бўшаган бочкаларга, печкаларга бекиндилар, баъзилари ҳатто хотинларнинг кўйлаги ичига ҳам кириб кетдилар, лекин казаклар уларни каерда бўлса ҳам топиб, омон бермадилар.

Таёқдек дароз бир жуҳуд кўркқанидан сўррайиб қолган башарасини кўрсатиб:

— Вали неъматимиз, жаноб ҳурматлилар! Ёлғиз бир калима сўзимиз бор, шуни айтайлик, ҳалигача кулоғингиз эшишмаган, қимматини айтиб тамом қилиб бўлмайдиган бир сўз айтамиз! — деб бакирди.

Ҳамиша гуноҳкорнинг гапини тинглашни яхши кўрган Бульба

— Майли, гапирсан! — деди.

Жуҳуд:

— Э, зот-бобаракотлар. Сизлардек яхшини дунё кўргани йўқ. Азбаройи худо, асло кўрган эмас. Сиздек яхши сахийлар, олийхиммат мардлар оламда йўқ... — деди. Кўрқиб қалтираганидан нафаси ичига тушиб овози чиқмай қолди. — Сиз ҳаққингизга биронта ёмонликни хаёл қилишимиз мумкин эмас. Украянада ижарахўрлик қиладиганлар бизлардан эмас, улар бошқа! Азбаройи худо, бошқа! Улар жуҳуд ҳам эмаслар, уларнинг кимлиги ҳам номаълум. Улар шундай халқки, башараларига тупуриб ташламоқ керак. Мана бошқалардан ҳам сўранг; гапим рост масми, Шлёма, ёки сен, Шмуль, айта қол!

Бошида йиртиқ дўппи, ранглари кесакдек гезарган Шлёма билан Шмуль одамлар орасидан туриб:

— Азбаройи худо, рост! — деб жавоб бердилар.

Новча жуҳуд яна сўзлаб:

— Бизлар душман билан асло апок-чапоқлашганимиз йўқ. Шайтон васвасасига олган католикларни бўлса асло якини-мизга йўлатмаймиз; сизлар билан бир туғишган оға-инидек-миз... — деди.

— Оломондан бирор:

— Нима дединг, запорожъеликлар сенлар билан оға-иними? Лаънати жуҳудлар бизларга тенг бўларми, ўйламанг! Оғалар, баччағарларнинг ҳаммасини дарёга ташлаш керак! — деб кич-кирди.

Бу одамнинг сўзи билан жуҳудларни ушлаб дарёга ташлай бердилар; ҳар тарафдан дод-фарёд бошланди. Жуҳудларнинг пайтоқ кийган, бошмоқ кийган оёклари осмондан келганда раҳм-сиз казаклар кулишар эди, холос. Ваъз айтаман деб боши балога қолган бечора жуҳудни тўнидан ушлаб эдилар, тўни-ни ечиб битта ола-була камзули билан кочиб Бульбанинг оёғига ўзини ташлади, зор-зор қилинарди:

— Вали неъматим, эгам. Улуғ хўжам. Худо раҳмати оған-гиз Дорошни ҳам билар эдим. Бечора диловар паҳлавонлар-нинг зеби, салтанати эди. Туркларга банди тушиб қолганда ажра-тиб олмок учун саккиз юз олтин пул берган эдим.

Тарас:

— Оғамни билармидинг? — деб сўради.

— Худо ҳақи, билар эдим. Кўп баланд химматли, сахий одам эди.

— Отинг нима?

— Янкель.

— Матькул,— деди Тарас, кейин бир оз ўйлагач, казакларга қараб деди:

— Жуҳудни қачон лозим бўлса оса берамиз, бугунча уни мен-га бериб туринглар.

Тарас казаклари билан аравалари турган жойга жуҳудни олиб кетди.

— Қали, арава тагига кир, қимирламасдан ётабер; йигитлар, сиз бу жуҳудни кўйиб юборманглар.

Тарас бу сўзларни айтгач, майдонга караб кетди, чунки юрт-нинг ҳаммаси аллақачон у ерга йиғила бошлаган эди. Бир онда ҳамма дурё бўйини, қайикларни ташлаб бу ерга йиғилди, чунки энди сафар йўли сувдан эмас, куруқликдан тушди; кема ва қайик-лар эмас, от-аравалар керак булиб қолди. Энди ёш-кари — ҳамма сафарга отланди; барча оксоқол, аскарбоши ва эллик-бошилар маслаҳати ва Запорожъенинг барча лашкарлари хоҳи-ши билан тикка Польшага бориб полякларнинг қилган ёмонлик-лари, динга ва казаклар шаънига келтирган хўрликлари учун улар-

даи ўч олишга, шахарлардан ўлжа олиб қишлоқларга, экинларга ўт кўймокқа ва бутун саҳрони ларзага келтириб, донгларини чиқармокқа карор бердилар. Ҳаммалари шу ондаёқ отланиб, аслаҳаларини тақа бошладилар. Аскарбоши ўсиб, гўё бўйига яна бир газ бўй қўшиди. У энди ҳалқнинг шамолдек бекарор, ҳарна деганига бўйсуниб бажара берадиган ожиз киши эмас, балки бутун ихтиёр кўлида бўлган амир, факат буйруқ қилишини билган мустабид эди. Бебош, тараалла-бедод паҳлавонларнинг барчаси бошларини қуий солиб, аскарбоши буйруқ қилганда таъзим билан ерга қараб саф тортиб турар эдилар. Аскарбоши салобат билан шошмай, шовқинламай, кўпни кўрган ва иш билган ҳамда ақл-фаросат билан яхши мулоҳаза қилинган ботирликларни бир эмас, кўп қилган пухта бир казакдек, салмоқ билан вазмин буйруқ қиласи эди.

— Яхшилаб қараб чиқинглар, ҳамма нарсаларнинг бирмабир кўздан ўтказинглар! Араваларни, мол идишларни тузатиб олинглар, милтиқларингизни отиб куринглар, кийим-кечакни кўп олманглар, одам бошига биттадан кўйлак, иккитадан шалвар, битта мўндинчада тарик-талқон олсангиз бас, ҳеч қайсингиз буидан ортиқ юк олмай. Керакли нарсалардан араваларга тағин ортиб оламиз. Ҳар казакда иккитадан от бўлсин. Иккита юз жуфт ҳўкиз ҳам олмоқ керак, чунки ботқоқ жойларга ботганда, сувдан кечганда ҳўкиз керак бўлади. Оғалар, ҳаммадан ҳам батартиб бўлинглар. Орангизда шундай кишилар борки, агар худо ярлақаб, бирон ўлжага учраб колгундай бўлса, қимматбаҳо хитойи товар ва духобаларни дарров пайтава килиб оладилар. Бундай шайтоний феълни ташланг, ҳар хил юбка-пубкаларга тегманг, факат яхши яроғ-аслаҳа дуч келиб қолса олинг, сўнгра олтин-кумуш бўлса олинг, чунки булар ихчам бўлади ва ҳар қачон аскотади. Яна, оғалар, шуни айтиб қўяманки, агар сафарга чиққанда биронтангиз ичиб маст бўлсангиз, бундай одамга суд йўқ, бундай номаъқулчиликни қилган одам аскаримизнинг энг атоқли полвонларидан бўлса ҳам итдек, бўйнидан араванинг орқасига боғлаттириб қўяман. Итдан баттар қилиб, ўша ернинг ўзидаёқ отиб ташлайман. Ўлиги ҳам кўмилмасдан даррандаю чаррандаларга емиш бўлади, чунки сафарга чиққанда ичкилик ичиб мастлик қилган одамга динимиз жаноза буюрмайди. Ёшлар, ҳар ишда кексалар гапига қулок солинглар! Агар ўқ тегса ёки қилич тегиб бошингиз ёки баданингиз яраланса, кўп эътибор қилмасдан дарҳол бир отим милтиқ дорини бир коса арокқа қориб ичиб юборинг, шифо топасиз, иситма ҳам чиқмайди; агар яра катта бўлмаса бир қисм тупрокни кафtingизга тупук билан қориб яра жойингизга қўйинг, шу билан яра котиб қолади. Қани, азamatлар, ишни бошланг, шошмасдан пухта иш қилинг!

Аскарбошининг гапи шу эди; у гапини тамом қилиши билан

ҳамма дарров ишга киришиң кетди. Сечь бошдан-оёқ хүшёр бүлди, казаклар орасында ҳеч вакт мастилик деган нарса бүлмагандек битта ҳам масть одам топилмас эди. Бирвлар тегарчакларнинг темирини тузатар, аравага янги ўқ солар, бирвлар араваларга қоплаб ғалла ортар, яроғ-аслаҳалар ташир, бирвлар от ва ҳўқизларни ҳайдаб келтирадар эди. Ҳар тарафда отлар туёгининг овози, синааб отилган милтиқ товуши, киличларнинг шақир-шукури, молларнинг маърагани, араваларнинг фижири, шовқин-сурон, ғовур-ғувур бошланиб, тез фурсатда казаклар кӯчи бутун далани босди. Мабодо бирор, чўзилиб кетган карвоннинг бошидан охиригача югуриб бормокчи бўлса, кўп югурмоғи лозим бўларди. Кичкина бутхонада намоз ўқишиди, поп ҳаммага муборак сувдан сепди, ҳаммалари бутни бир-бир ўпдилар. Карвон ҳаракатга келиб Сечдан жўнаганларида, запорожъеликларнинг ҳаммаси орқалари-га қайрилиб қарадилар. Ҳамма бирданига:

— Онамиз, хайр сенга! Сени ҳар қазо, ҳар балодан худо ўз паноҳида сакласин! — деб хўшлашилар.

Бир гузардан ўтётганда Тарас Бульба ўзининг жуҳуди Янкель кана қуриб чақмок дори, пайтава, бошка ҳар хил йўлга керак буюмлар, ҳатто кулча ва нонлар ҳам сотиб ўтирганини кўрди. Тарас кўнглида: «Шайтон жуҳудни қара-я!» деб отини унинг томонига суриб бориб:

— Тентак, бунда нима қилиб ўтирибсан? Чумчукни отгандек отиб ташласинлар дейсанми? — деди.

Янкель жавоб ўрнида унга яқинроқ келиб, гўё бир сир айтмокчи бўлгандек икки қўли билан ишора қилиб:

— Хўжайнин, дамингизни чиқазманг, ҳеч кимга айтманг, казаклар араваси ичиде менга қарашли бир арава бор, казакларга керакли ҳар хил буюмлар юклаганман, йўлда яна турли озиқовкат топиб ҳеч жуҳуд сотмаган арzon баҳо билан сотаман, азбаройи худо, рост,— деди.

Тарас Бульба елкасини қисиб, жуҳуднинг улдабуронлигига ҳайрон қолиб, карвони томонига қараб кетди.

V

Тез орада Польшанинг гарби жанубий қисми бошдан-оёқ ваҳима ичиди қолди. Ҳар ерда: «Запорожъеликлар қўзғалибидилар, келётган эмишлар!» деган овоза тарқалди. Ўзини кутқаза билган ҳар бир кимса қочди. Эҳтнёткорликни, кўргон ва қалъалар солишини ўйламаган ва татарлар келиб ҳамма ёқни ҳароб киладиган бўлгач уйлар солиб бекорга пул ва куч сарф қилиб нима қиласиз, деб ўзларига факат вактинчалик похол уйлар солиб, шу уйларда яшаган одамлар ҳар тарафга тарқалдилар. Ҳамма ваҳимага тушиб, туполон бошланди: бирор қўш ҳўқизини

от ва мильтикқа алишиб сарбоз бұлиб кетар, бирор молларини ҳайдаб, олиб қочиш мүмкін бұлған биссотларини ортиб кочар эди. Баъзилар яроғланиб, йўлга чиқиб, казакларга қаршилик ҳам қиласынан, лекин әлбурутдан қочиб қолай дегаңлар күп эди. Запорожье аскаридек донғи чиққан ва зоҳирда бутун тузилиши тартибензлик, бебошлиқдан иборатдек кўринса ҳам, лекин жанг ва урушлар замонига мосланган бу тўполончи, жанговар оломонга сира бас келиб бўлмаслигини ҳамма билар эди. Отликлар юкларини оғир қилмай ва отларини қийнамай боришар, пиёдалар хушиерликни қўлдан бермай, карвон орқасидан борар эдилар. Бутун карвон кундузи истироҳат қилиб, кечаси йўл юрар, шахар ва қишлоқлардан ва у замонда ҳар кадамда учраган дараҳтзорлардан нарирокдан, хилват-хилват жойлардан борар эдилар. Карвон олдида тилчи ва айғоқчилар бориб, улар йўлнинг тинчнотинчлигидан хабар бериб турар эди. Аксари улар кутилмаган жойлардан чиқиб қолиб, бор-йўқни вайрон килар, кирон келтирар эдилар. Қишлоқларга ўт тушар, аскарлар кетидан ҳайдаб олиб кетиш имкони бўлмаган молларни шу ердаёқ сўяр эдилар. Улар урушдан кўра кўпроқ айш-ишрат билан, кайфи-сафо билан овора бўлгандай кўринар эдилар. У ваҳший замонда запорожьельникларнинг қилган бедодликлари эндиги одамларнинг тела сочини тик турғизар эди. Гўдаклар қиргини, кўкраги кесилган хотинлар, тиззасигача териси шилиниб, қўйиб юборилган одамлар, хуллас бу каби ваҳшатлар кўп эди. Казаклар эски қарзларини нақд пул билан тұламокда эдилар. Бир ибодатхонанинг епископи казакларнинг яқинлашиб келганликларини эшитиб таркидунё қилган монахларидан иккى кишини улар олдига юборди ва хукумат билан запорожьельниклар ўртасида ҳеч қандай хусумат йўқлигини, подшо амрига итоат қилмасдан бўйин товласалар, халқ ҳурмат қилган барча конун ва кондаларни бузган осийлар жумласидан бўлишларини билдириб, уларни тўғри йўлга даъват қилмоқчи бўлди.

Казаклар аскарбошиси:

— Ҳўжайнингга бориб мендан ва барча казаклар номидан айтгинки, сира қўркмасин, бу ҳали ҳолва: казаклар трубкасининг тутуниги, холос,— деди.

Тез фурсатда ҳашаматли ибодатхонага ўт кетди. Унинг серхашам баланд деразалари аланга ичида қолди. Ҳар тарафга тудалашиб қочган монахлар, жуҳудлар ва хотин-халажлар озрок сарбози бўлған ва ўзини қўриқлашга андак имкони бўлған шахарларга келиб тикилдилар. Хукуматнинг фурсат ўтгандан кейин гоҳгоҳда юборган бир неча гуруҳ аскарлари келиб казакларни тополмас ёки уларга дуч келсалар отларини қамчилаб оркаларига кочар эдилар. Баъзизда аввалги жангларда ғалаба қилиб келган лашкарбошилардан бир нечалари тўпланишиб, запорожьельниклар-

га қарши чиқар әдилар. Талончиликдан ва манфаатпарастликдан йирок бүлган ва душманинг күчсизини эмас, балки кучлисими пойлаган, кексалар олдида үзини күрсатиш орзузи юрагида ёнган, аргумоқ отларга миниб керилиб, енги ташланган чакмон шамолда учиб бораётган магрур поляклар билан яккама-якка олишиб, мардлигини күрсатмок ҳавасида бүлган ёш йигитлар бу пайтларда үзларини синааб қолар әдилар. Уларнинг бу синови гаштли бўлар эди; улар бунда кўп эгар-жабдуқ, кимматбаҳо килич ва милтиклар улжа олар әдилар. Яқиндагина темир қанот чиқазиб учирма бүлган күшлардек бир ой ичидаги чинниб тамомила үзгарар ва вояга стар әдилар. Шу чоққача йигитга хос бүлган юмшоклик юзларидан зохир бўлиб турган кишиларнинг юзида энди бир даҳшат, салобат, үзларида куч кўринар эди. Чол Тарас бўлса, икки ўглининг ҳам саралар жумласидан бўлганини куриб завқланар эди. Назарида жанговар йўл, диловар ва оғир вазифа ларни бажариш Остапнинг пешонасига ёзилгандай кўринарди у ҳар қандай ҳодиса юз берганда ҳам ҳеч эсанкирамасдан, саросима бўлмасдан йигирма икки ёшлик йигитнинг табиатида бўлмай диган мардлик ва вазминлик билан бир лаҳзада ҳар қандай хавф хатарни даф қилар, дарҳол чорасини топар ва хатарга чап бериб қолар эди, лекин кочиб эмас, балки кейин уни енгмоқ ва даф қилмоқ учун чап берар, ҳар бир харакатида дадиллик, мардлик кўринар ва келгусида кўпларга раҳбар бўлажаги ҳар бир харакатидан кўриниб туар эди. Уннинг вужудида бир кувват ва шижаот кўринар, мардлик ва диловарлик хислатлари энди яйраб шергарронга айланмокда эди.

Кари Тарас гоҳда унга караб:

— Вакти келса аломат бир лашкарбоши бўлади, азбаройи худо, ажойиб лашкарбоши бўлади! Шундай паҳлавон бўладики, мендек отасини ҳам йўлда колдиради! — дер эди.

Андрий ўқ ва қиличлар оҳангига мафтун бўлган эди. Ўйлаш мулоҳаза қилиш, үзининг ва бошқанинг куч-қувватини тарозига солиб ўлчаб, сўнгра бир иш қилиш деган нарсани билмас, жангдан завқ олиб, уни бир даҳшатли ҳузур, бир лаззат деб билар эди. Киши кизишиб кўзлари тинган, телбаланган, бошлар танадан жудо бўлиб, отлар гумбурлаб йиқилган пайтларда, ўқ ёғиб турган бошда қиличлар уйнаган чоқларда буларга парво қилмай ҳар тарафга от кўяр, ўнг-сўлга урас, бошқаларга зарба берар ва бошқалардан олган зарбасини сезмай, бу кезларда үзини гўё масти бўлиб, базм ичидаги юргандек билар эди. Андрийнинг фурурлик гайрати жумбушига келиб, эсли-ҳушли одам ҳеч бир вакт жасорат килолмайдиган ишларга қадам босганини, бундай гайрат ва шижаоти билан кўп жангларни кўриб чиниккан кексаларни ҳам таажжуға соладиган ажойиб мўъжизалар кўрсатганини кўрганотаси ҳайрон қолар эди. Кари Тарас бунинг ишларига ҳайрон қолиб:

— Бу ҳам азамат, ҳеч қандай душман бунгаям бас келолмайди, Остап эмасу, лекин бу ҳам хўп диловар йигит! — дер эди.

Қўшин тўппа-тўғри Дубно шаҳрига қараб юришга карор берди; овоза гапларга қараганда бунда мол ва ҳазина, давлатманд бойлар ҳам кўп эди. Бир ярим кун йўл юриб шаҳарга ёвук келдилар. Шаҳар ҳалқи кучи етганча үзини мудофаа қилишга, душманни уйга киргизгунча кўча-кўйларда, ўз эшиклари остоансида жон беришга қарор килди. Шаҳар атрофига баланд девор олинган эди, девори паст ерларга тош терилган ва уйлар солиниб, бу ерларга замбараклар кўйилган, баъзи жойларига қайнин ёро-чидан баланд катор қозиклар кокилган, шаҳар мудофаасида турган аскарларнинг кучи хийла бор эди ва улар устларига тушган вазифанинг муҳимлигини билар эдилар. Запорожъеликлар шаҳарга кела солиб бирдан деворга миномокчи бўлдилар, лекин шаҳардагилар улар устига замбарак ўки ёгдирдилар. Шаҳардаги саводгарлар ва бошқа фукаро тонфаси ҳам бекор турмасдан гурух-гурух булиб шаҳар девори тагига келди. Уларнинг чехрасига боққан одам уларнинг қаршилик қилмоққа каттиқ жазм қилгандарини билар эди. Хотинлар ҳам четда турмасдан, отландилар. Шаҳар деворидан тош-ғиштлар, темир-терсаклар, хуму кўзалар, қайнатилган катрон ва ниҳоят кўзни кўр қилиб очтиргани қўймаган қоп-кора қумлар казаклар бошига ёғила бошлиди. Запорожъеликлар қўргон қамал қилишни ёқтирас, бу уларнинг иши эмас эди. Аскарбоши чекинишга бўйруқ бериб:

— Оғалар, хафа бўлманглар, хозир чекинамиз, лекин агар улардан биттасини шаҳардан ташқарига чиқариб юборсак, мен христиан эмас, ҳароми татар бўлай; ҳаммаси битта қолмасдан оч қолиб итдек ўлиб кетсин, — деди.

Аскарлар орқага чекиниб шаҳарни ўраб олдилар. Бекорчиликдан зерикиб атроф-теваракдаги қишлоқларни талон ва торож қилишга, экин ва хирмонларга ўт қўйишга, ўрок тегмаган буғдойларни йилқиларга оёқ ости қилишга тутиндилар; ўша йили ҳосил жуда мўл булиб, экинлар текис бош тортган ва ҳамма деҳқонлар суюнган эди, лекин казаклар яхши унган, кўкариб турган буғдойларга йилқиларни қўйиб юбордилар. Шаҳардагилар уларнинг ризқ-рўзлари бўлган, пишиб турган экинларнинг поймол бўлишини кўргач, ваҳимага тушдилар. Бу орада запорожъеликлар барча араваларни шаҳар атрофига икки катор қўргон қилиб ўраб ўз юртларидаги каби бунда ҳам кўр-кўр булиб чодир қурдилар чилим чекиши, ганимат қилиб қўлга туширган яроғ-аслаҳаларни алишириш, минди-минди, жуфт-тоқ ўйнаш билан машғул бўлиб кетдилар. Шаҳарга сира парво қилмай, ўзлари билан овора бўлиб ёта бердилар. Кечалари гулхан ёқар эдилар, ҳар бир қўрнинг ошпази катта мис қозонда ғвкат пиширас, кечаси билан ёниб чиккан ўт олдида посбонлар ухламасдан тонг оттирас, эдилар. Аммо

орадан күп вакт ўтмай бекорчилик уларни зериктириди, ичкиликни соғиндилаар. Аскарбоши аскарларга бериладиган вино икки ҳисса оширилсін деб буйруқ берди; қийин сафар ва хавф-хатар бўлмаган вакъларда баъзида шундай ишларга рухсат берилар эди. Бу хил тириклик ёшларга ва хусусан, Тараснинг ўғиллариға асло ёқмади. Андрий анча зерикиб қолди.

Тарас унга:

— Эси паст, сабр қилсанг муродингга етасан; мушкул иш бошига тушганда эс-хушини қулидан берган мард мард эмас; бекорчиликка ҳам зерикмасдан сабр қилган, бирор нима деса ҳам қулоқ солмай ўз йўлида маҳкам бел боғлаган одам мардир,— деди.

Лекин фуури ошган йигит билан кекса кишининг иттифоқ булиши имкондан ташқари. Уларнинг икковида икки хил табиат, бир ишга икки хил қараш бор.

Бу орада Тараснинг Товкачга топшириб келган лашкарлари ҳам етиб келди. Товкач билан бирга икки ясовул, мириза ва бир неча амалдорлар ҳам келди. Тўрт мингдан ортиқ казак йиги-либ келди, булар орасида ўз хоҳиши билан отланиб йўлга чиккан бир қанча кўнгиллилар ҳам бор эди. Ясовуллар Тараснинг болалариға кампир онасидан дуойи салом, Киевдаги Межигор монастиридан сарв ёғочидан ясалган биттадан иккита бут ҳам келтирдилар. Икки ўғил муборак бутларни осиб олиб, беихтиёр, кампир оналари эсларига тушди. Кампирнинг юборган бу совғаси уларга нимадан башорат берар эди? Душманни енгиб эсономон, шоду хуррам, кўп ганиматлар, келгусида достонлар бўлгудек шаън-шавкатлар, иззат ва хурматлар билан ўз юртлариға қайтиб келишлариданми, ёки?.. Лекин келгуси деган нарса — кўздан ғойиб, одамнинг олдида қамишзор тўқайдан кўтарилиб чиккан куз туманидек хира бўлади. Бу туманда кушлар бир-бирларини кўролмай қичкиришиб пасту баланд ҳар тарафга учади-лар, бунда кантар қарчигайни, қарчигай кантарни. кўрмайди, кушандаснинг йирок ва яқинлигини билмайди...

Остап ўз иши билан машғул бўлиб, кўрага кириб кетди. Андрий бўлса, ўзи ҳам билмай, негадир юраги сиқилар эди. Казаклар кечкурунги ўйин-кулгиларини тамом қилдилар, қоронги тушди, июль ойида буладиган ажойиб, хуш ҳаво эсади. Андрий кўшхонасига бормади. Ухламади, беихтиёр кўз ўнгидаги манзаранинг томошасига чўмди. Осмонда беҳад ва беҳисоб юлдузлар йилтираб ёнар, атроф-теварак анча ергача оркасига мой идишлари осилган ва душмандан ғанимат олинган ҳар хил юк ва овқат ортилган аравалар билан банд эди. Аравалар олдида, тагида ва атрофида запорожъеликлар ҳар хил вазиятда думалашиб ётар эдилар. Бирорнинг бошида қоп, бирорнинг бошида шапкадан ёстик, бирор-бирорнинг бикинига бошини қўйган ҳолда ётар эди. Ҳар

бир казакнинг ёнида қилич, милтиқ, мис қопланган калта трубка, темир чакмок. Каттакон, баҳайбат ҳўкизлар оёкларини тагларига босиб тепадек бўлиб ётар эдилар; узоқдан қараганда улар унда-бунда дўппайиб ётган катта тошларга үхшар эди. Ўт ичидаги ҳар тарафдан, уйқуга кирган аскарларнинг хурраги эшитилар, уларнинг хуррагини эшитган даладаги отлар оёклари-даги тушовларидан аччиғланиб, кишинаб жавоб қайтарар эдилар. Бу онда маҳобатли мудхиш бир манзара июль кечасининг гўзалигига кўшилди. Узоқда шуъласи товланиб ўт кўринди. Бир ёқда ажойиб маҳобатли аланга викор билан осмонга кўтарилиб, кўк юзига ёйилди, бир ёқда ёнадиган бир нарсага учраб тўсатдан гуриллаб, осмони фалакка чиқиб кетди, унинг парча-парча бўлиб узилган учкунлари осмонга чиқиб ўчарди. Кўйиб кўмири бўлган ибодатхона гўё бир қора картезиан монахи ҳўмрайиб турган-дек, ўтнинг ҳар бир шуъласи тушганда мудхиш ҳашаматини бир-бир кўрсатиб кўярди. Бир томонда ибодатхонанинг чорбогига ўт кетиб ёмокда. Бурқсиган тутун ичидаги колган дараҳтларнииг пишиллаган овози эшитилаётгандек бўларди. Аланга гуриллаб юқори чиққандаги пишиб турган олхўриларни кип-қизил чўғдек ёритар, унда-бунда сарғайиб турган нокларни олтиндек ярақлатар, булар орасида деворга ёки дараҳт шохига ҳамда ўйлар билан бирга ўтда ёниб ҳалок бўлган бечора жуҳуд ёки шўрлик зоҳиднинг ўлиги корайиб кўринар эди. Аланга тепасида узоқда пирилашиб унишиб юрган кушлар, ғуж-ғуж бўлиб турган майдага бутларга үхшар эди. Қамалдаги шаҳар уйқуга киргандек, томлари, қозик, деворлари, кўрғонлари узоқдаги ёнгии шуъласидан товланир эди. У казаклар орасига кириб оралаб чиқди. Посбонларнинг гулханлари бўтқаларни иштача билан еб, ухламоқда эдилар. Андрий бу бепарволикни кўриб ҳайрон бўлди-да, яхшини яқин ўртада душман йўқ, ҳеч ким хавф солмайди, деб хаёлидан кечирди. Нихоят унинг ўзи ҳам бир аравага чиқиб, боши тагига қўлини қўйиб чалканча ётди; аммо уйкуси келмай анчагача кўкка бокиб ётди. Ҳаво очик, равшан ва тип-тиник. Осмонга белбоғ бўлган «сомон йўли» оқаришиб кўринар эди. Ўхтин-ўхтин у ҳушидан кетгандек, кўзлари жимиirlашар, уйқу босиб назарида осмон хирадашар, бир ондан кейин яна кўзидан уйқу пардаси қўтарилиб, осмон ёришар эди.

Бу онда аллақандай одамнинг ғалати сиймоси лип этиб кўз олдидан ўтгандай бўлди. Андрий «уйқу элитди шекилли, ҳозир уйкум учиб кетар» дегаи хаёл билан кўзини каттарок очиб эди, аллақандай чарчаган-толган бемор одамнинг озгин башараси унинг томонига энгашиб караб турганини кўрди. Тарқалиб тушган қоп-қора, узун соchlари бошга ташланган рўмол тагидан чиқиб турарди. Бу одам кўзининг аллақандай яраклаши, қотма рангсиз юзининг сўликлиги кишининг кўнглини, уни одам эмас,

жин дейишга мойил қиласы. У беихтиёр түппончасига тутиниб, қалтироқ босгандек:

— Кимсан? Жин бұлсанг йүқол күзімдан, одам боласи бұлсанг, бемаҳал ҳазил қилибсан, бир отища үлдіраман! — деди

Жин жавоб үрніда бармоғини лабига құйиб, «төвуш килма» деб ёлворди. Андрий құлнини тушириб тикилиброк қаради. Узун соchlаридан, бүйни ва кора магиздан келган очик құкрагидан упинг хотин киши эканини билди. Аммо хотин бу ернинг одами әмас, чунки юзи қорачадан келган ва беморлар чехрасидек ранг-сиз эди. Қенг ёноклари туртиб чикқан, үзи сұлиб, ботиб кетган күзи қийик, ковоги қайрилиб тушган. Андрий бу хотиннинг афтиға тикилиб қараган сары күпрок таниғандай бұларди. Нихоят сабри чидамай:

— Айт, кимсан? Танишга үхшайсан ёки бирон жойда күрган-мидим? — деди.

— Иккى йил бурун Киевда.

Үтган талабалик вактларидан хотірада нима қолган бұлса, ҳаммасини эсига олишга ҳаракат килиб:

— Иккى йил бурун Киевда? — деб қайтарди. Уннинг юзига яна бир карра тикиліб қарагач, бирдан: — Татаркамисан! Ҳоким кизнинг чүрісимисан!... — деб овозининг борича қичқириб юборди

Татар хотин құлнини қовуштирганича ёлвориб, аъзойи-баданига титроқ қириб:

— Жим! — деди ва Андрийнинг шовқинидан бирон кимса уй-ғониб қолмадимикан деб орқасига қайрилиб қаради.

Андрий нафаси тиқилиб, юраги ёрілгундай бұлиб

— Айт, айт, сен нимага ва не учун бу ерга келдинг? Малика қаерда, тирикми? — деди. Ҳовлиққанидан нафаси ичига түшиб зұрға гапиради.

— Малика шу ерда, шаҳарда.

Андрий яна беихтиёр қичқириб юборгундай бұлиб:

— Шаҳардами? Нега у шаҳарда? — деди. Вужудидаги ҳамма кони назаридан юрагига келиб тикилғандай бұлди. — Шаҳарга не-га келди?

— Чунки ҳокимнинг үзи ҳам шаҳарда. Бир ярим йилдан бери Дубно шахрига ҳоким.

— Эрға текканми? Гапиранг-чи тезрок, ғалатимисан, қалай ахир у...

— Иккى кундан бери ҳеч нараса татигани йүк.

— Нега!

— Шаҳар халқидан ҳеч кимда аллақачондан бери бир бурда нон йүк. Ҳамма анчадан бери факт тупрок ейди.

Андрий таhta бўлиб қолди.

— Малика шаҳар деворидан қараганда запорожъеликлар орасида сенга күзи түшиб қолибди. Бориб, паҳлавонга айтгин,

агар мен эсида бұлсам, бу ёққа келсин, агар унуган бұлса кампир онамга бир бурда нон беріб юборсин, чунки онамнинг күз олдимда үлиб кетишига асло чидамайман. Аввал мен үлай, онам мендан кейин үлсин. Елвориб сұра, оёғига йикіл. Унинг ҳам кампир онаси бор, үша онаси учун берсин, деб мени юборди.

Казакнинг ёш дилида бир талай ҳиссияттандырылғанда, ёнди.

— Сен бу ерга қандай келдинг?

— Лахм билан келдім.

— Лахм борми?

— Бор.

— Қаерда?

— Мард йигит, ҳеч кимга айтмайсанми?

— Муқаддас диним урсын, айтсам!

— Жарга тушиб ариқдан үтгандан кейин қамишзор бор-ку, шунда.

— Худди шаҳарнинг үзиге чиқадими?

— Түппа-түғри шаҳар монастирига чиқади.

— Юр, ҳозир юр.

— Исо пайғамбар билан Марям она ҳаки, бир бурда нон бер!

— Ҳўп, бераман. Сен бунда — арава олдидә тур, ёки яхши аравага чиқиб ёт; ҳамма ухлаб ётибди, ҳеч ким сени кўрмайди, мен ҳозир қайтиб келаман.

Андрий ўз қўрига қарашли овқатлар сақланган аравалар томонга қараб кетди. Юраги ўйнар эди. Үтмиш замонлар, бундаги казаклар турган лашкаргоҳ, азоб ва машаккатларга тўлган жангбозлиқ ҳаёти орқасида пинҳон бўлган нарсалар тусатдан юзага чиқиб уни фарқ қилиб юборди. Гўё денгиз қаъридан паидо бўлгандек, яна ўша мағрур хотин Андрний кўз олдидә намоён бўлди; унинг чиройли қўллари, кўзлари, кулиб турган лаблари, сийнасига тарқалиб тушган тўсдек копкора қалин соchlари, келишган қадди-коматининг диркиллаб турган ҳар бир аъзоси ёдига тушди. Йўқ, булар ёдидан чиқмаган, кўнглида сўнмаган, факат бошка кучли сезгиларга ўрин бермоқ учун бир четга чиқиб турган эди, холос. Аммо бу хаёллар ёш йигитнинг каттик уйқусини кўп бузар эди, уйқуси учиб, кўп вақтлар ухлаётмасдан тўлғаниб бедор ётар ва бу ҳолнинг сабабини билмоқдан ожиз эди.

Андрний кетяпти, лекин қизни яна қўриш туйғулари дилини ўйнатар, тиззалари қалтирап эди. Аравалар олдига келгач, нимага келганини эсидан чиқазди, нимага келганини эслаб олмок бўлиб, анчагача пешонасини қашиб турди, ниҳоят эсига келиб, чучиб тушди, бутун вужудига ларза кирди, хаёлида киз очдан улгандек бўлди. Дарҳол аравага чиқиб, бир неча бўлак катта кора нонни қўлтиқлаб олди. Лекин шу ондаёқ забардаст йигитларга ҳўп яхши овқат бўлган бу нон унинг нозик баданига ёқмасмикан, унга ботмасмикан, деб ўйлаб колди. Кечак аскар-

боши уч марта умоч бўладиган унни бир марта ош қилиб қўйибсан, деб ошпазни койингани эсига тушди. Қозонда албатта умоч ош бўлса керак, деб отасининг сафарда овқат қиласидиган қозон-часини олиб ошпаз олдига кетди. Ошпаз тагида кули совумаган ўн чеълакчилик иккита қозон ўртасида ухлаб ётарди. Қозонларга қараб икковининг ҳам бўшлигини кўриб ҳайрон қолди. Буларининг кўрида одам кам бўлатуриб шунча овқатни бир варакайига еб тамомламоқ ҳазилакам гап эмасди. Бошқа қўрларнинг қозонини ҳам қаради, уларда ҳам ҳеч нарса йўқ: «запорожъеликлар болага ўхшайдилар — оз бўлса ҳам қолмайди, кўп бўлса ҳам қолмайди» деган гап бенхтиёр ёдига тушди. Нима қилсин? Отасининг аскарларига қарашли аравалардан қайси бирнидан ҳам монастир нонвойхонасидан таланиб олинган бир қоп оқ нон бор эди, шекилли. Андрий тўппа-тўғри отасининг араваси олдига келди, лекин аравада қоп йўқ. Остап қопни бошинга қўйиб, арава тагида хуррак отиб ухлаб ётарди. Қопни бир қули билан тортиб эди, Остапнинг боши ерга тушиб; у чўчиб уйгондию, дик этиб туриб ўтириди ва уйқули қўзи билан овозининг борича: «Ушла, ушла, бадбаҳт ляҳни ушла! Отни тутинглар, отни!» деб бакирди. Андрний кути ўчиб, қўлидаги қопни ўқталиб, «Товушнингни чиқарма, ўлдираман! — деб дағдаға қилди. Аммо, Остап аллақачон жим бўлиб ухлаб колган, хуррагининг шабадасига ётган еридаги ўтлар кимирлашар эди. Остапнинг уйқу ичида қилган шовқини биттаяримтани ўйғотиб қўймадимикин, деган хавотир билан Андрий у ён-бу ёнига аланглаб қаради. Яқиндаги қўрдан кокилли бир бош кўтарилиб қарагандек бўлди; лекин у ҳам у ён бўёнига қараб дўуппа тушиб ёта берди. Андрний андак тургач, қопни кўтариб йўлга тушди. Татар хотин дамини чиқазмай ётарди.

— Тур, кетамиз, ҳамма уйқуда, қўрқма! Мабодо бу юкларнинг барисини мен кўтара олмасам, битта нонни кўтариб оласанми?

Буни айтиб, қопни орқалади, бир арава олдидан ўтаркан, яна бир қоп тарикни ҳам кўтариб олди. Татар хотинга кўтартирмокчи бўлган нонларни ҳам қўлтиклаб олиб, қаддини андак букканича, уйқуда ётган запорожъеликларни оралаб, дадил кета берди.

Андрний отаси ёнидан ўтиб кетаётганда у пайқаб қолиб:

— Андрний! — деб чақирди.

Юраги орқасига тортиб кетди; қалтираб туриб астагина

— Лаббай! — деди.

— Ёнингда хотин киши бор-а! Турсам, азбаройи худо, пустингни шиламан! Хотин билан айланишдинг, яхши бўлмайсан!

Тарас буни айтгач, бошини тирсагига қўйиб, чойшабга ўрапиб олган татар хотинга тикилиб қаради.

Андрний отасининг афтига қарагани юраги бетламай, кути учиб безрайиб қолди. Бир оздан кейин бошини кўтариб қараса, чол Бульба бошини кафтига қўйиб ухлаб ётибди.

Андрій чүккіниб олди. Күнглидаги вахима қандай тұсатдан келған бұлса, шундай тусатдан йүқолди. Татар хотинга қаралмок булиб қайрилди. У өзінде үңгіда типпа-тиқ турар, йирекдегі үт шуъласи уннинг мурда күзидек сұнган күзларинің інінің ёритиб күрсатарди. Андрій хотинни енгідан ушлаб торты: иккөвін ҳар дамда орқага қараб-қараб кета берди. Бора-бора кияликдан жар бүйінга тушдилар. Жарлықдан суви ялковланиб оккан, киргогини қиёқ босған, ҳар қадамда бир дүңг дүппайиб турған ариқ бүйінга келдилар. Жарға тушгач, сайхон даладагилар күзидан гойиб бұлдилар. Андрій қайрилиб қараганда, одам бүйінча келадиган баландлықдегі тикка ён бағыр девордек уннинг олдини түсіб қолди. Тепасида бир неча алаф силкиниб турар, осмонда қызыл олтіндан ясалған үрекқа үхшаган ой ёнбошлаб турар, кир томондан зесган шабада тонг яқынлашиб қолғанидан хабар берарди. Аммо, на шаҳар томондан, на вайрон бұлған атроф-теваракдан кичкірган хұroz овози келар эди. Улар кичкина ёғоч күпrikдан үтдилар. Ариқдан үтдилар, жарнинг бу томони нариги томонидан янада баланд ва тикроқ күрінар эди. Бу ер шаҳар құрғонининг табиий мустаҳкам жойи эди. Хар ҳолда шаҳар девори бунда пастроқ, посбонлар күрінімас эди. Аммо нарирокда монастирнинг калин девори баланд чиқиб турарди. Жарнинг тик ён бағрни бурған үт босған. Жарлықдегі ариқ бүйіда одам бүйі келадиган қамиш үсіб ётарди. Жар устида әқинлардан қолған барғ ва поялар күрінар ва булар бир вактларда бу ерда әқин борлигини күрсатар эди. Сассиқ алағннинг шапалок-шапалоқ катта барғлари ичидан күлөк үтнинг боши, чакир-тиканак, бүйіни Ҳаммадан баланд құзған күнгабоқар күрініб турар эди. Бу ерга келгандай татар хотин оёғидегі ковушини ташлади-да, яланг оёқ бұлғын, этагини күтариб олди, чунки бораёттан ерлари ботқоқлик ва құлоб эди. Улар қамишлар орасидан үтиб шох босилиб құйилған ва тұғон қилинған жойға келдилар. Шохни олиб ташлаб эдилар, бир ғор күрінди; ғорнинг оғзи тандирнинг оғзидек эди. Татар хотин бошини әнгаштириб ғорға кирди. Уннинг кетидан елқасидегі қоплари билан иккі букилиб Андрій ҳам кирди; андағ ғурсатдан кейин иккөві көпкоронғиilikка кириб кетди.

VI

Андрій топ ва қоп-коронғи ғор ичидегі копдегі нонларни кутарып, татар хотин кетидан аранғ борар эди.

— Ҳозир әреккә етамиз, мен шам құйиб кетған жойға яқынлашдық,— деди хотин.

Дарвөкө, ғорнинг қоп-кора деворлари секин-секин ёриша бошлады. Бир оздан кейин кичкина супачага етдилар; бу жой құн-

Фирокхона бўлса керак, чунки девор тагида кичкинагина курси-ча қўйилган ва унинг устида бўёклари кўчиб, сийкаланиб қолган Биби Марям сурати бор эди. Сурат олдига осилиб қўйилган кичкина кумуш шамдондан фира-шира ёруғ тушиб турарди. Татар хотин энгасиб ердан узун оёкли мис шамдонни олди, шамдонга занжир осилган, занжирга шамнинг бурнини оладиган қайчи ва куракча осиғлик эди. Хотин шамни чироқчадан ёкиб олди. Фор кўпроқ ёриди; биргалашиб бораётганлар гоҳ ёруғ тушиб, гоҳ қоронги тушиб худди Жерардонинг *della notte*¹ деган суратларига уҳшар эдилар. Жувонмарднинг соғлом, моҳтобдек юзига караганда, ҳамроҳининг юзи заъфарондек сарғайган, сўлиган эди. Форнинг ичи бир мунча кенгайди, Андрий қаддини ростлаб олди У, Киевдаги форларга уҳшаган бу лаҳмнинг деворларига таажжуб билан қаради. Киев форларида бўлган токчалар бунда ҳам бор, баъзи жойда тобутлар ҳам бор эди. Гоҳда рутубатдан чириб, ундеқ уқаланиб тушган одам суюги ҳам учарди. Бу дунёнинг ташвиш ва говғаларидан, кулфат ва ғамларидан, васвасаларидан кочган азиз-авлиёлар бунда ҳам бўлганликлари кўриниб турарди. Баъзи жойда нам кўп бўлиб, шундоккина сув эди. Чарчаб колаётган ҳамроҳига дам бермоқ учун Андрий ҳар қадамда тұхтар эди. Хотиннинг бир бурда еган иони овқат ҳазм қилишдан чикиб қолган корнини оғритди, шу сабабдан хотин ўхтин-ўхтин тұхтаб, ҳаракат қилолмай, туриб колар эди.

Ниҳоят улар кичкина темир дарвозага дуч келдилар. Татар хотин заиф овоз билан: «Худога шукур, келдик»,— деди: сўнгра дарвозани қоқмокчи бўлиб, қулинни кўтарай деса, кўтара олмади Унинг ўрнига Андрий дарвозани қаттиқ қоқди. Гумбиллаб чиққан овоздан у томон очиқлик ер экани маълум бўлди. Гумбиллаган овоз гўё баланд гумбазга бориб етгандек бўлди. Ниҳоят эшик очилди. Қўлида калит ва шам билан тор зинада турган монах уларни кутиб олди. Католик мазҳабида бўлган монахни кўриши билан Андрий беихтиёр тұхтаб қолди. Казакларда нафрат түгдирган бу зоҳидларни улар жуҳуддан баттар килар эдилар. Монах ҳам запорожъелик казакни кўрган он орқасига чиғанди, аммо татар хотин бир нарса деб эди, хотиржам бўлди Монах уларга чироқ тутди, кетларидан дарвозани қулфлаб, зинадан юқорига бошлаб борди; бир маҳал улар монастыр бутхонасининг баланд қоронги гумбази тагидан чикиб қолдилар. Баланд шамдонларда катор шамлар ёниб турган меҳроблардан бири олдиди поп тиз чўкиб оҳиста-оҳиста дуо ўқир эди. Унинг икки томонида ёқасига ок тўр қадалган, кизил тўн кийган икки ёш ҳофиз қўлида бухўрдан билан турар эдилар. Поп худодан мўъжиза

¹ Герард Гонтгорст (1590—1656) голландиялик рассом. Тунда машъала ва чироқлар билан ёритилган манзараларни кўп тасвирилагани учун унга «тун рассоми» деб лакаб қўйилган.

турар, шаҳарга нажот, одамларга сабр-тоқат, қаноат тилар эди. Ариохга ўхшаган бир неча хотин тиз чўкиб, куч-кувватдан кетиб, куйи солинган бошларини олдиларида турган стул ва кора ёғоч скамейкаларга қўйиб, сажда килгандек турар эдилар. Яна бир неча эркак ён томондаги гумбазларнинг устунларига суюниб, маъюс, ғамгин ҳолда тиз чўкиб ўтираш эдилар. Қўёшнинг эрталабки қизгиш нури меҳроб тепасидаги ранг-баранг ойнали дарчани бритди-ю, кўк қизил ва бошка хил шуълалардан қоронғи бутхона бирдан ёришиб кетди. Бутхонанинг тўрига чуқурлашиб кириб келган меҳроб бир лаҳзада ярқираб кетди. Бухӯрдондан чиққан тутун товланиб, алвон рангга бўялган булатдек ёйилди. Андрий қоронғи бурчакда туриб, кун шуъласининг кўрсатган мўъжизасини ҳайрат билан томоша қиласар эди. Бу онда орган нағманинг виқор билан чиққан овози бутхонани янгратди. Нагманинг овози борган сари авж килиб, гиряю фарёдга келди, кейин секин-секин тушиб, хушвоз созанда кизлар ҳофизлик килгандек, самовий бир оҳанг баланд юксалиб гумбазларни нолага келтирди, яна бир фарёд уриб тушди, пасайди, ўчди. Нағма овози анчагача гумбазларни садога келтириб турди. Андрий бу дабдабали мусиқа завқига ботиб аграйганча қолди.

Бу онда бирор унинг этагидан тортди. Татар хотин:

— Вақт бўлди,— деди.

Улар бутхонадан ўтиб, ҳеч кимга сездирмасдан, бутхона олдидаги майдонга чиқдилар. Қуёш нурлари осмонга аллақачон ёйилган, ҳар бир нарса кун чиққанлигидан дарак берарди. Майдонда ҳеч ким йўқ. Унинг ўртасида тахта столчалар турар ва улар бир ҳафтагина аввал бунда бозор булиб, овқатлар сотилганидан хабар берарди. У замонда тош терилмаган кучада тўп-тўп лойлар куриб ётарди. Чорсининг атроф-теварагидаги бир қаватлик кичик кесак ва фишт ўйларнинг синч ва харилари, сарроф ва устунлари кўриниб турарди. У замонларда шаҳарликлар шу хилда иморат солардилар; Литва ва Польшанинг баъзи жойларида ҳали ҳам шу хилдаги иморатлар бор. Бу ўйларнинг ҳаммасининг томи ниҳоятда баланд булиб, туйнук ва дарчалари кўп эди. Бутхонага яқин бир томонда, биронта маҳкама ёки девонхона бўлса керак, бошка ўйларга ўхшамаган баланд бир иморат турарди. Бу иморат икки қават бўлиб, тепасида мезанаси ҳам бор ва бу мезанада посбон турарди. Уйнинг пештоқига катта соат қўйилган эди. Майдонда ҳеч жон асари йўқ, аммо Андрий қулогига бирор инграб йиглаган овози эшитилгандек бўлди. У ён-бу ёнига қараб чорсининг нарига томонида ҳеч бир кимирламасдан ерда ётган икки-уч одамни кўрди. Ётганларнинг ўликми, тирикми ёки ухлаб ётганларини билмоқ учун тикилиброк караб эди, оёғи тагида ётган бир нарсани кўрди. Бу нарса хотин кишининг ўлиги ва айтидан жуҳудга ўхшарди. Ўликнинг афти башараси жуда хунук бў-

либ, ёш-карилигини билиб бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда ёшта уҳшарди. Бошида қизил ипак рўмол, қулоғида икки қатор марваридми, мунчоқми тақиған исирга, қўнғироқ бўлиб тушган иккі-уч сиқим кокили озиб, томирлари ўйнаб кетган бўйнига тушиб турарди. Ўликнинг ёнида унинг қуриган эмчагини чангаллаб, сутдан асар топмай, аламидан уни бураганича бир гўдак ётар эди. Гўдак на йиғлар, на бошқа бир овоз чиқазар, унинг секин-секин тушиб чиқиб турган қорнига қараб ҳали ўлмаган ёки охирги нафасини олиб, энди жон беряпти деса бўлар эди. Улар бир кўчага кирдилар, бунда девонавор бир одам улар йўлини тўси ва Андрийнинг елкасидаги бебаҳо нарсани кўргач: «Нон!» деб бакириб, йўлбарс-дек унга ҳамла қилди, аммо кучи девоналигидан камроқ эди. Андрийнинг раҳми келиб бир нонни унга ташлаб эди, у худди кутурган итдек нонга ўзини ташлаб, нонни ғажиди ва кўп вактдан бери овқат емаганлиги асар қилиб, шу ондаёқ тиришиб жон берди. Ҳар кадамда очликдан ўлгапларни кўриб хайрон бўлардилар. Кўплар уйларида очлик балосига чидолмай, кўчага чиқсан осмондан бирон луқма овқат тушмасмикан деган умидда кўчага қочиб чиққандай кўринардилар. Бир уйнинг дарвозаси тагида бир кампир ўтиради, лекин ухлаб қолганми, ўлганми, ё эса хушидан кетганми, хеч билиб бўлмас эди. Хеч нарса эшитмас, кўрмас, бошини куйи солганча сира кимирламас эди. Яна бир уйнинг томидан осилиб тушган сиртмоклик арқонда заиф бир тан осилиб ётар эди; бечора очлик азобига чидолмай, ажални ўзи тезроқ чақира қолибди.

Очликнинг бу мудхиш гувоҳларини кўрган Андрий татар хотинга:

— Ризқ бўлгандай хеч нарса топилмадими кан? Агар одамда бошқа сира илож қолмаса, аввал ҳазар нарсаларини ҳам ея бермоғи керак. Емоқ ҳаром бўлган маҳлукларни ҳам еса бўлади, ҳар қандай нарса ҳам ҳалол бўлади,— деди.

— Ҳаммасини еб сопладилар. Ҳайвон оти қолмади, шаҳарда на от, на ит ва на сичқон қолди. Шаҳримизда овқат ғамлаш деган одат йўқ эди, ҳар нарса қишлоқдан келарди.

— Бундай ёмон ўлим билан ўла туриб яна шаҳарни қандай муҳофаза кильмоқчи бўласизлар?

— Ҳоким шаҳарни топшира қолгандек бўлиб эди-ку. Буджакидаги лашкарбоши кеча эрталаб қарчиғай қанотида хат юбориб, шаҳарни берманглар, аскарларим билан ёрдамингизга етиб бораман, фақат фалон лашкарбошининг келишини кутиб турибман, келса бирга борамиз дебди. Тез фурсатда улар келиб қоладилар, деб кутиб турибдилар.. Ана уйимизга етиб ҳам колдик.

Бошика уйлардан тафовут қилган бир уйга узоқдан Андрийнинг кўзи тушди. Уйни чамаси Италия бинокорларидан биронтаси солган бўлса керак, чунки чиройли, нозик гиштлардан икки қават

килиниб солинган эди. Пастки қават деразаларининг олди балаид пештоқ килиб ишланган; юкори қават бўлса бир неча қатор равоқлардан иборат эди. Равоқлар ўртасидаги панжараларга, уйнинг бурчакларига герблар осилган. Кошинкор гишталардан қилинган кенг зинапоядан майдонга чиқилар эди. Зинапоянинг остида биттадан посон турар; посонлар ғалати вазиятда бир қўллари билан ойболтанинг узун дастасини ушлаб, яна бир қўллари билан ингашган бошларини тутиб турардилар, уларининг бу туриши жопли одамга эмас, балки ҳайкалга ухшар эди; улар уйкуда эмаслар, мудрокда ҳам эмаслар, лекин ҳеч нарсага парво қилмайдилар, ҳатто зинапояга чиққан одамга ҳам қарамадилар. Зинапоянинг тепаснга чиққанда улар бошдан-оёқ қуролланган, ясанган, қўлида дуонома тутиб, ўқиб турган аскарни кўрдилар. Аскар сувилган кўзларини очиб уларга бокмоқчи бўлган эди, татар хотин бир нарса дегач, кўзини яна китобга тикди. Андрий билан татар хотин бир уйга кирдилар. Кенгтина бу уй меҳмонхона ёки айвончадек бир жой бўлса керак. Бу уй деворга яқин ҳар хил ҳолатда утирган аскарлар ҳамда амалдорларнинг давлат ва мартабасини, шавкат ва дабдабасини кўрсатмоқ учун лозим бўлган бошқа ҳар хил навкар ва чавкарлар, баковулу ясавуллар, миришкор ва саҳйилар билан тўлган эди. Ўчган шамларнинг иси келиб турарди. Панжаралик каттакон деразадан эрталабки қуёш аллақачондан бери мўралаб турган бўлса ҳам, уйнинг ўртасидаги одам бўйи келадиган иккита шамдоңда шамлар ҳали ҳам ёниғлик эди. Андрий тўппа-тўғри бориб тамғалик, серҳашам катта эшикка кирмоқчи бўлиб эди, татар хотин енгидан тортиб, ён томондаги кичкина эшикни кўрсатди. Бу эшикдан йўлакка чиқдилар, кейин бир уйга кирдилар. Андрий бу уйни яхшилаб қарай бошлади. Дарпарданинг тирқишлиридан тушиб турган ёруғ баъзи нарсаларни — қизил парда, зархал пешток ва девордаги суратларни ёритар эди, холос. Татар хотин Андрийни бу ерда турғизиб, иккинчи уйнинг эшигини очиб эди, у ёқдан яраклаб ёруғ тушди. Оёқ шарпаси ва оҳиста-оҳиста чиққан товуш Андрийнинг қулогига эшитилди ва аъзойи-баданига ларза тушди. Эшик очилиши билан бўйи сухсурдек бир хотин узун соchlарини юкори кўтарилган билагига тушириб, селкиллатиб лип этиб ўтиб кетди. Татар хотин қайтиб келиб:

— Ичкарига киринг,— деди.

Андрий қандай қилиб ичкари кирганини ва эшикнинг қандай ёнилиб қолганини билмади. Уйда иккита шам ёниғлик, бут олдида қора чироқ липиллаб турар эди. Бутлар баланд курсича устида турар, католик мазҳабидагиларнинг расмича, чўкингандан тиззани қўймок учун курсига пиллапояча қилинган эди. Аммо унинг кўзлари буларни эмас, бошқа нарсани излар эди. Бу томонга қайрилиб қарashi билан, талпинган вазиятда котиб қолгандек кўрининг хотинга кўзи тушди. Хотин бутун гавдаси билан унинг қучоги-

га үзини ташламоқчи бўлиб турган чокда тўсатдан тўхтаб колганга ўхшар эди. Аммо, Андрий ҳам унинг олдида ҳайрон булиб афрайиб қолди. Уни бу суратда кўраман деб ўйлагани йўқ эди. Бу хотин Андрий билган, таниган хотин эмас. Бу унга сира ўхшамайди. Лекин аввалгидан икки ҳисса ортиқроқ кўхлик эди. У вактда бу хотин камолга етмаган, тўлмаган, энди эса санъаткорнинг қўлидан битиб чиқкан, рассом охирги қаламни тортиб тамомлаган бир асар эди. У вактда кўргани гўзал шўх бир киз эди, энди бу камолга етиб очилган, тўлган, гўзал хотин эди. Унинг юкори қараган кўзларида кўринган ҳиссиётлар тўлиқ, чала-ярим, киноя ва рамзлар эмас, балки тўла-тўқис ифода қилинган сезгилар эди. Қўзидан оққан ёшлар ҳали қуриганча йўқ, юрак-бағрини эзib оққан ёш кўзида йилтираб турибди. Сийнаси, елка ва бўйинлари камолга етган гўзаллик доирасидан ошганмас. Аввал таркалиб бетига тушиб турган соchlари, энди селкиллаган қалин сумбул сочга айланмиш; сочининг бир тўдаси, бошига турмакланган, бир тўдаси буралиб-буралиб кўкрагига тушиб турарди. Юзида ўзгармаган ҳеч бир ери қолмагандек эди. Унинг эсида қолган сифатларидан лоақал биттасини излаб топишга кўп харакат қилди, аммо унинг чехрасида аввалда бўлган хусусиятлардан энди биттаси ҳам қолмабди. Ранг-рўйи ҳар қанча ўтган бўлса ҳам, хуснига ҳеч нуксон етмабди, аксинча, чехрасида аллақандай викорли бир салобат пайдо бўлган эди. Буни кўрган Андрийнинг кўнглига бир зилзила тушиб, тавозе билан бош эгган вазиятда котиб қолди. Жувонмардлик, йигитлик ҳусни камолга етган, харакатсизлигининг ўзида яйраган бир эркинлик, мардоналиқ аломати зоҳир бўлиб турган казак йигитини кўрганда киз ҳам ҳуши оғиб ҳайратда қолган эди. Йигитнинг кўзида ҳиммат ва шижаот ўти ёнар, ўқ-ёйдек қайрилиб тушган коши бархитдек йилтирас, офтоб еб пишган юзларида бокириалик ўти тоб уриб ёниб турар, майса мўйловлари тим қора ипакдек йилтирас эди.

— Ҳиммати баланд мард йигит, сенга ҳар қанча миннатдорчилик килсан кам,— деди қиз; кумушдек жаранглаган товушида бир тигрок пайдо бўлди.— Мен бир муштипар хотин, миннатдорликини бажо келтиришга ожизлик қиласман, ёлғиз худодан қайтсан.

Буни деб кўзларини ерга тикди. Оппок ковоклари бодомдек қайрилиб тушиган, киприклари ўқдек терилган. Бошини куйи солганда гулдек юзининг қизили товланди. Андрий тили лол бўлиб нима демоқни билмай туар эди: юрагини ўртаб турган ганини айтмок истади, қалби қандай жўш уриб турган бўлса, шундай жўшкни ва шундай оташин сўзлар айтмокни хоҳлади ва лекин айта олмади. Бир нарса оғзини тутгандек, тилини боғлагандек бўлди. Бу хил сўзларга жавоб қайтармок диний мактабда, жангу жадаллар ичида бадавийдек ўсган одам қўлидан келмаганини

сезиб, ўзидан ва ўзининг дағал казакча табиатидан койниди.

Шу чоқ татар хотин уйга кирди. У, йигит келтирган нон ва бошқа таомларни олтин товоқда ўз маликаси олдига қўйди. Малика татар хотинга, нонга кўз ташлаб, кейин Андрийга қаради, бу қарашибда кўп маъно бор эди. Унинг хасталигини, дилида мавжурган ҳиссиятларини баён қилишга ожизлигини намойиш этган бу қарашиб Андрийга барча сўзлардан кура яқин эди. Бир онда жони ором олди, назарида банд-банди бушашди. Қандай оғир бир ис-канжада сиқилиб турган нарсалар энди яйраб озодликка чиккан-дай бўлди ва қайнаб чиқаётган сўз булоғига айланмоқ истади. Бу чокда малика татар хотинга қараб изтироб билан:

— Онам-чи? Унга обориб бердингми? — деб сўради.

— У киши уйқудалар.

— Отамга-чи?

— Обориб бердим. Ўзим бориб мард йигитга миннатдорчилек билдириб келаман дедилар.

Қиз нондан бир бурда синдириб оғзига олиб борди. Андрийга жон кириб, оппоқ тоза қўллари билан нон синдириб ейишини томоша килар эди. Бу онда очликдан телбаланиб, бир бурда нон ичига кириши билан жони узилган одам ёдига тушиб, бирдан ранги учди-да, қизни қўлидан ушлаб:

— Бўлди, кўп ема! Анчадан бери овқат емаган бўлсанг бу нон сенга заҳар бўлур! — деб қичқирди.

Қиз ҳам дарров қўлини тортди, нонни товоққа ташлаб, ювошли гўдакдек унинг кўзига термулиб қолди. Унинг бу туришини ким таъриф кила олади... Гоҳда қизнинг қарашида ифода қилинган туйғуларни на қалам тасвир эта олади, на тил. Қизнинг бу қарашларини кўрган одамнинг завқларга тўлган ширин сезгилар нинг таърифи янада қийин.

Қалби жўш уриб ҳаяжони ортган Андрийнинг ҳиммати қўзиб, деди:

— Маликам! Тилагинг нима, ҳожатинг нима, амр қил! Оламда қандай мушкул иш бўлса буюр, амрингга тайёрман! Одам боласи қўлидан келмаган юмушинг бўлса буюр, жонимни фидо қиласай, амрингни бажарай. Фидойинг бўлай, садағанг бўлай! Диним ҳаки қасамёд қиласай, йўлингда жон бермоқдан ортиқ лаззат йўқ... Афсус бу туйғулар таърифидан ожизман! Уч ерда чорбогим бор, отам йилқисининг ярмиси меники, онамнинг топган-тутгани, отамдан яширгани ҳаммаси меники! Менда бор яроғ-аслаҳа юртимизда ги казакларнинг ҳеч қайсисида йўқ. Қиличимнинг дастаси бир қанча яхши арғумоклар, уч минг кўй баҳосига арзийди. Буларнинг барчасидан кечиб, бир оғиз сўз десанг ёки қора қалам қошинг билан бир имо қилсанг барчасини ташлай, ўтга ёқай, сувга оқизай! Тентаклардек бемаъни сўзлар айтиётгандирман, эҳтимол менинг бу гапларим бу ўринда келишмас, шоҳу шаҳ-

зода ва князларга лойик бўлган сўзлар мендек бутун умрини талабаликда, далада ўтказган одамга муносиб эмасдир. Кўрдим, сени худо бошқалардан афзал қилиб яратмиш, барча бек-бекзодаларнинг хотинлари, киз ва канизаклари сендан пастда. Бизлар сенга қуллика ҳам ярамаймиз; ёлғиз кўк фаришталари хизматингга лойиқдирлар.

Куч ва қувватга тўлган ёш қалбни ойнада акс этгандек равшан қўрсатган ва юракдан чиқкан самимий бу сўзларни киз бутун вужуди билан тинглар, бир калимасини ҳам қолдирмай маҳлиё бўлиб эшитар эди. Қалбнинг таг-туғидан қайнаб чиқкан товуш билан айтилган бу гапнинг ҳар бир калимасида зўр бир куч бор эди. Кизнинг кўхлик юзи чўзилиб, маҳлиё бўлиб қолди, ҳа деганда олдига туша бериб безор қилган соchlарини орқасига ташлаб, ағрайганича қолди. Кейин бир нарса демокчи бўлди, бирок тұстадан тұхтаб, йигитнинг устидаги вазифаси бошқалиги, отаси, оғалари ва бутун юрти унинг орқа томонида даҳшатли бир ўч ниятида турғанликлари, шаҳарни куршаб олган запорожъеликларда шафқат йўклиги ва бутун шаҳар билан бирга улар ҳам ўлим чангалида қолғанликлари ёдига тушди... ёдига тушди-ю, кўзлари ёшга тўлди, дарҳол ипакдан тиккан рўмолини юзига ёпди, бир лаҳзада рўмол ҳўл бўлиб ивиди; бошини орқага ташлаб, гўё газанданинг чакиғи накадар аламли эканини энди шу онда пайқагандек, куйи лабини дурдонадек тишлари билан тишлаганча, алам ва ҳасратларини унга қўрсатмаслик учун юзидан рўмолини олмасдан анчагача шу холда турди.

Андрий:

— Бир оғиз сўз айт,— деди-да, ипакдек қўлидан ушлади. Қўли қўлига тегиши билан томирларига гўё ўт юргандек бўлди, қўли устида жонсиздек турган қўлларни сикди.

Аммо ундан садо чиқмади, юзидағи рўмолини ҳам олмади, қимириламади.

— Нега сен бунча хафасан. Айт менга, нима сабабдан бунча қайғурасан?

Киз юзидағи рўмолини ирғитиб ташлади, кўзига тушган сочининг узун толаларини сурди. Хуш ҳаволи кечки пайтда турган майин шамол сув буйидаги қамишзорни шитирлатиб ўтган, шитиршитир товушлар қўшилишиб мунгли бир нағма ҳосил қилган, йўловчи кун ботиб коронғи тушиб қолганини ҳам сезмайдиган, кўш ҳайдаб келаётгандарнинг шодлик қўшиқларини ҳам, каердадир узокда тарақлаб бораётган араванинг овозини ҳам эшийтмайдиган кеч пайтингг шамолидек оҳиста-оҳиста гапириб ҳасрат ва нола қилди.

— Мен йиғламай ким йиғласин. Мени тукқан онанинг баҳти қора эмасми? Пешонам шўр экан. Э, баттол тақдир, мунча бераҳмлик қиласан! Аввал ҳаммани оёғимга йикитдинг, бекзодаларни,

бою боёнларни, бошқа юртлардан келган барон ва графларни, күйи мард-майдонларни оёғимга йикитдинг. Буларнинг барчаси шайдойим эди, менинг илтифотимни ўзларига улуғ бир мартаба билар эдилар. Агар бир ишора килсам, уларнинг энг баланд мартабалиги, энг чиройли ва аслзодаси менга эр бўлар эди. Бераҳм тақдирим, буларнинг ҳеч қайсисига кўнглимини оғдиримадинг, ҳеч қайсисига муҳаббатимни қўзғатмадинг Юртимизнинг энг олижаноб жъонмардларига хушимни туширмай душманга, юргим ёвига ишқимни туширдинг. Э, мушфик Марям она, қайси гуноҳим, қайси бир шумлигим учун мени мунча саргардон килиб, бу савдоларни бошимга солдинг. Давлат ва роҳатда ўтар эди кунларим. Энг лазиз таомлар, ширин майлар овқатим эди. Булар нечун эди? Нимага керак эди? Юртимизнинг энг камбағал қашшоғи бошига тушмаган кун менинг бошимга тушиб, очликдан ўлмок учунмиди? Бундай шум кунга колганим етмасмидики, улар олдимда отам билан онамнинг юз минг азоблар билан қийналиб ўлганини кўрар эканман, бу отам билан онамга жонимни фидо килардим-ку, бу ҳам етмагандек, энди ўлар олдимда умримда кўрмаган муҳаббатни кўрдим, эшитмаган муҳаббат сўзларини эшитдим. Баҳтим коралиги, пешонам шўрлиги етмасмиди, бу хил сўзлари билан юрагимни эзиб, дилимни пора-пора қилади, ёш умримга яна кўпроқ ачинтиради, ўз ўлимимни узимга баттарроқ кўркинчли қилади, э, шум пешонам! Оллоҳим, гуноҳимни афв эт! Янада кўпроқ қақшаб сендан яна баттарроқ нолиб кетайин!

Бу ҳасратларни килиб жим бўлгандан кейин, ночор ва нотавонлик аломатлари чехрасида кўринди; қайгули пешонасидан, маъюсона ерга караган кўзларидан тортиб, то чўғдек яллиғланиб турган юзида қотиб қолган кўз ёшигача чехрасидаги хат-хасрат ва аламдан сўзлар: «Бу чехрада баҳтдан асар йўқ!», дегандай эди.

— Равомики, гўзаллар гўзали, дунёдаги энг юксак нарсаларга маъбуд бўлишга арзигудай гўзал, шундай ҳасратлар ичидаги колса! Йўқ, бу ҳеч қулок эшитмаган, ҳеч қачон бўлмаган,— деди Андрий.— Йўқ, сенга ўлим йўқ, ўлгувчи сен эмас, қасамёд килиб айтаманки, сен ўлмайсан, ўлсанг мен тугилмаган бўлай, ёруғ дунёда менга энг кимматли бўлган барча нарсалардан ажрай! Агар тақдирга чора бўлмай, на куч, на мардлик тақдирни ўзгартиролмаса, икковимиз бирга ўламиш, аввал мен ўламан, сенинг олдингда тиззангга бош қўйиб ўламан, ўлиб сендан ажрамасам, токи тирикман, сен билан биргадирман.

Киз гўзал бошини иргитиб йигитга қараб оҳистагина деди:

— Мард йигит, ўзингни ҳам; мени ҳам алдама; биламан, афсус устига афсуски, хўп яхши биламан, сен менга муҳаббат қўёлмайсан; вазифанг, аҳдинг нима эканини ҳам биламан; сени отанг,

ўртоқларинг, юртинг — ватанинг чақиради, бизлар бўлсак сенинг душманингмиз.

— Отам, ўртоқларим, ватанинг менга керакмас,— деди Андрий бошини силкиб ва теракдек қаддини ростлаб.— Бундай бўлса, агар гап шу бўлса, бундан буён менинг ҳеч кимим йўқ!,— деди тақорлаб яна ўша товуш билан. Азмида мустахкам, қароридан сира қайтмас казаклар бошқалар қулидан келмаган, мушкул ишга бел боғлаганини билдирамоқ бўлганида қўллари билан қандай ҳаракат қилсалар, шу хил ҳаракат қилиб яна давом этди: — Ҳеч кимим йўқ, ҳеч кимим! Украина менинг ватаним, деб менга ким айтди? Уни ким менга ватан қилиб берди? Кўнгил каерни истаса, ҳаммадан шуни хуш кўрса, ватан шу, менинг ватаним сенсан! Бу ватанини мен жон ичида жо килғумдир, умрим борича уни жон ичида сақлайман. Қани, биронта казак келиб мени ундан жудо қилсин-чи, кўрай! Бу ватанга бору йўғимни бераман, фидо қиласман!

Қиз гўзал бир ҳайкалдек қотиб, унинг кўзига тикилиб қолди, кейин бирданига йиғлаб юборди ва бегараз, олижаноб хотинларгагина хос бўлган гўзал толпиниш қилиб, унинг бўйнидан қучоқлаб олди, кордек оппок қўлларини унинг бўйнига чирмади. Бу онда кўчада карнай ва довул товуши ичида қандайдир овозлар эшитилди, аммо бу товушлар йигит қулогига кирмади; у фактат муборак оғиздан чиқкан хушбўй иссик нафасни сезарди, кўзларидан шариллаб оқиб, юзига тушаётган ёшларни, соchlари бошидан ёйилиб тушиб, коп-кора ипакдек уни чулғаб олганини пайкарди, холос.

Бу пайтда татар хотин шод-хуррам шовқин солиб югуриб келди. Ўзида йўқ:

— Кутулдик! Кутулдик! Бизникилар шахарга кирдилар, бугдой, сўк, уни билан бирга банди тушган запорожъеликларни ҳам келтирдилар,— деди.

Аммо қайси «бизникилар» шахарга кирганини, нималар келтирганини ва қайси запорожъеликларни боғлаб келтирганинларини уларнинг ҳеч қайсиси эшитмади. Андрий ер юзида бўлмас самовий завқ-шавқларга тўлиб, унинг юзига ёпишганча тотли лабларидан сўрар, бу лаблар ҳам бежавоб турмас эди. Ширин лаблар ҳам жавоб қайтарди ва бу икки томондан бўлган бусада, одам боласи умрида факат бир маротаба топадиган лаззат топилди.

Казак нобуд бўлди! Барча паҳлавон казаклардан ажради! Энди на Запорожъени кўрсинг, на ота уйини кўрсинг, худонинг уйи — бутхонани кўрсинг. Украина ҳам уни қўриқлашни бўйнига олган энг ботир авлодини кўрмас бўлди. Чол Тарас бошидаги оқ кокилини юлар ва ўзини иснодга қолдириб, бундай ўғилни туғдирганига ва ўғли туғилган куну соатга лаънатлар ўқир эди

Запорожъеликлар орасида шовқин-сурон, түполон эди. Аскарнинг шахарга қандай килиб кирганини аввал ҳеч ким билолмади. Кейин маълум бўлдики, ён томондаги шаҳар дарвозасини куршаб турган Переяслав қўридагиларнинг ҳаммаси ичиб, уласи маст бўлган эди. Шунинг учун уларнинг ярмисини қириб ташлаб, қолганларини ҳаш-паш дегунча боғлаб, банди килиб олиб кетганиклари таажжуб эмас. Яқиндаги қўрлар, шовқин-сурондан уйгониб ярогларини олиб отлангуларича аскарлар аллақачон дарвозага бориб колган эдилар; қўзидан уйқу кетмаган, мастилиги яхши ёзилмаган запорожъеликлар тус-түполон бўлиб аскарлар кетидан қувлаганларида факат кейинда қолган сафларгина улар билан отиша-отиша шахарга қириб кетдилар.

Аскарбоши ҳаммани йиғишга буйруқ берди; ҳамма йиғилиб бошларидан шапкаларини олиб жим бўлишганда, аскарбоши деди:

— Хурматли оғалар, бу кеча ана шундай воеа бўлди; ичкиликнинг оқибати шунака бўлади! Душман яна бизни ана шунака ҳакоратлар килиб кетди!.. Сизларга одат экан-да, ароқдан озрок оширишга рухсат берилса, бошингиз билан чўмиб кетасизлар. Исо дини йўлида жонбозлик қиласиган аскарларнинг душмани шалварингизни ечиб кетиши у ёқда турсин, башарангизга тупуриб кетса ҳам билмайсизлар.

Казаклар айбларини билганликларидан бошларини қуи солиб турадилар. Битта Незамайновский қўрининг атамани Кукубенко сўз котиб айтди:

— Отамиз, шошма. Аскарбоши аскарлар олдида сўз айтаётганда унга рўпара чиқиб бир нарса дейиш одобсизлик бўлса ҳам ҳақиқатни айтмоқ керак. Сен бир оз ноҳақ койидинг. Агар сафарда, жанг вақтида, қийинчилик пайтида ичиб маст бўлсалар, айб албатта йигитларимизда бўлар эди, бу ҳолда уларни ўлимга хукм қилсанг ҳам ҳаққинг бор эди. Аммо ҳаммамиз бекор эдик, шаҳар ёнида беҳуда умр ўтказар эдик. Рўза вакти ёки динимиз буюрган бошқа бир тақиқ вакти эмас эди, бекор колган одам ичмасдан буладими? Бу гуноҳкорлик эмас. Лекин яхшии шуки, биз энди бегуноҳ кишилар устига хужум қилмоқ канака бўлишини уларга кўрсатиб қўяйлик. Аввал ҳам кўп яхши танбехларини берган эдик-ку, лекин энди шундай калтаклайларки, биттаси ўқчасини ҳам уйига эсон-омон олиб кета олмасин.

Қўр атаманининг сўзи казакларга ёқди. Жуда ерга қараб колган бошларини кўтардилар, қўзлари: «Кукубенко яхши гапирди!» деб унинг сўзини маъқулладилар. Аскарбоши ёнида турган Тарас Бульба бўлса:

— Аскарбоши, Кукубенко ҳақиқатни гапирганга ўхшайди! Бунга нима дейсан? — деб қўйди.

— Нима дер эдим? Бундай ўғилни түгдирган отага балли дейман, холос. Койимоқ, сұкиб гапирмоқ катта донолик эмас, одамнинг бошига кулфат тушганда уни койиб яна хафа қилмасдан кўнглини кўтарадиган, далда ва дармон берадиган гаплар керак. Сув ичиб ташналиги конган отга бир қамчи берганда қандай иргиса, одамни ҳам шундай ўйнатадиган гап айтмоқ керак, донолик деб шуни айтади. Мен ўзим бир-икки оғиз сўз айтиб кўнгилларингизни кўтариб қўймоқчи эдим, бироқ Куку-бенко фаҳми етиб мендан олдинроқ айтиб қўйди.

«Аскарбоши ҳам маъқул гапирди!» дедилар турган йигитлар. Орадан яна бир нечалар «маъқул гап» дедилар. Кўк каптардек савлат билан турган мўйсафидлар ҳам бошларини ирғаб, оқарган мўйловларини бураб оҳистагина «Яхши, маъқул гап айтилди!» дейишиди.

Кўрбоши яна сўзлаб:

— Оғалар, энди қулоқ солинглар, кўргонга ўрмалаб чиқмоқ, ажнабий немис усталари сингари лаҳм қазимоқ биз казакларга муносиб иш эмас, буни душманлар қилсин, бизга ярашмайди. Аммо бизга маълум бўлгани шуки, чамаси душман кўп захирап¹ олиб кирмабди. Чунки от-аравалари кам эди. Шахар ҳалқи оч, кирган овқатни бир йўлаёқ еб қўяди. Сўнгра отларга ҳам ем-хашак керак. Қайдам, биронта авлиё-павлиёлари паншаха билан осмондан ташламаса... буни ҳам худо билади, уларнинг ксендерлари гапдан бошқани билмайди. Ҳар қалай шаҳардан чиқишига мажбур бўлиши турган гап. Уч тўдага бўлинниб, уч дарвоза каршисида уч йўлни тўсиб турнинглар. Катта дарвоза олдида беш кўр турсин, бошқа дарвозаларнинг ҳар қайсисида уч кўрдан турсин. Дядькивский кўр билан Корсунский кўр пистирмада турсин! Полковник Тарас ҳам аскарлари билан пистирмада турсин! Титаревский кўр билан Тимошевский кўр араваларнинг ўнг томонини сақлаб турсинлар. Шчербиноўский кўр билан Стебликівский кўр юкоридан чап томонни сақласинлар! Гапга чечанрок азаматлар сафдан чиқиб, душманга гап отиб жаҳлини қўзғасин! Ляҳ деган ҳалқнинг мияси бўлмайди, сўкканга асло чидамайди, шу бугуннинг ўзидаёқ ҳаммаси шаҳардан гуриллашиб чиқиб қолишса ҳам ажаб эмас. Кўр атаманлари, ҳар қайсингиз ўз кўрларингизни қўзингиздан ўтказинг, кимнинг одами кам бўлса Переяславский кўрнинг қолган одамларидан қўшиб олинглар. Қайтадан ҳар бир нарсангизни кўздан ўтказинг! Бош оғриғига ҳаммага бир косадан ароқ, биттадан нон берилсин. Аммо кеча еғанларинг ҳали ҳам ҳазм бўлмагандир, кеча шундай овқатхўрлик булибдики, кечаси ҳеч кимнинг қорни ёрилмаганига ҳайронман. Сизларга яна бир насиҳат; агар биронта ароқфуруш

¹ Овқат, кўр-кут.

жуҳуд бирон кишига бир пиёла сотгундай бўлса, бундай итнииг манглайига тўнғиз қулогини илиб, оёғидан осиб қўяман! Оғалар, қани, ишингииздан қолманг, ха баракалла!

Аскарбоши шу тарзда буйруқларини берди, турганларнинг ҳаммаси бошларини эгиб таъзим қилгач, шапкаларини киймай ўз қўрларига, араваларига қараб кетдилар, анча нарига боргандан кейин шапкаларини кийиб олдилар. Ҳамма отлана бошлади, килич ва шамширларини синааб кўрдилар, қоплардаги дорилардан ёнларидағи доридонларга солиб олдилар, араваларни тузатдилар, отларни танлаб олдилар.

Тарас йигиндан кейин ўз аскарлари қошига бораркан, йўлда: «Андрий каерга йўқолдикин?» деб кўп ўйлади, лекин ўйлаб ҳеч ўйига етолмади. Уни хам бошқалар билан бирга банди қилиб, ўйкуда ётганда боғлаб олиб кетдиларми, бироқ Андрий тирик экан, ўзини банди қилиб қўядиган одам эмас-ку.

У ўлганлар орасида ҳам йўқ эди. Тарас ҳуши оғиб, паришон-ҳол борди, бирор унинг номини айтиб чакириб турганини ҳам пайқамади. Ниҳоят, ҳуши ўзига келиб:

— Ким мени чакирган? — деди.

Унинг олдида Янкель жуҳуд турган экан.

Жуҳуд:

— Тақсир полковник, таксири полковник,— деди муҳим бир иш тўғрисида гапирмоқчи бўлгандай ховлиқиб.— Тақсир полковник, мен шаҳар ичига кириб чиқдим!

Тарас жуҳудга қаради ва унинг шаҳарга кириб чиққанига ҳайрон қолиб:

— Қайси душман сени у ёққа олиб борди? — деди.

— Хозир сўзлаб бераман,— деди Янкель.— Тонг отарда шовқин-сурон кўтарилиб, казаклар отишга бошлаганларида мен дарров тўнимни ёпиниб югурганимча бордим, енгимни йўлда кийиб олдим, чунки шовқин-тўполоннинг боисини, тонг отар пайтда казаклар нега ўқ ота бошлаганликларини тезроқ билмоқчи эдим. Аскарнинг кети шаҳарга энди кириши билан худди шаҳар дарвазасига етиб келдим. Қарасам байроқдор жаноб Галяндович аскар олдида кетяптилар. У кишининг менга танишлиги бўларди, чунки учинчи йилга қадам қўйди, юз олтин қарз олган эди; мен пулимни қистамоқчи бўлгандай унинг оркасидан бора бериб, бирга шаҳарга кириб олдим.

— Ҳам шаҳарга кириб ол, тағин қарзининг ҳам сўрамоқчимидинг?! Ӯша ернинг ўзидаёқ, итдек дорга остирмадими? — деди Бульба.

— Ҳудо ҳақи, остирмоқчи бўлди, навкарлари келиб мени боғламоқчи ҳам бўлдилар, бўйнимга арқон ҳам ташладилар, лекин мен ёлвориб, жаноблари қачон хоҳласалар шунда берсинлар, майли, агар бошқа паҳлавонларга қарз берган пулларимни жам-

ғарип олишга ёрдам берсалар, яна қарз берурман, деб ваъда қилдим. Жаноб байрокдорнинг киссаларида бир танга ҳам пуллари йўқ, уй-жойлари, чорвоғлари, тўрт ерда қасрлари ва бундан ташқари ерларининг бир этаги Шкловгача борса ҳам чақа деган нарсадан, казакларга ҳұшаб у кишида ҳам ҳеч йўқ. Агар Бреслав жуҳудлари у кишига ёрдам қилиб яроғ-аслаҳа сотиб олиб бермасалар урушга отланиб чиқа олмас ҳам эдилар. Шунинг учун сеймда¹ ҳам у бўлган эмас...

— Шахарда нима қилдинг? Бизнинг одамларни кўрдингми?

— Бўлмасачи, бизникилар унда жуда кўп: Ицка, Рахум, Самуйло, ижарачи Хайвалох бор...

Тарас жаҳли чиқиб:

— Итларинг бошингда қолсин! Жуҳудларингни менга айтиб нима қиласан! Бизнинг запорожъеликлардан ҳеч кимни кўрдингми, деб сўраяпман,— деди.

— Бизнинг запорожъеликларни кўрмадим, фақат Андрий жанобларини кўрдим, холос.

— Андрийни кўрдим дейсанми? — деди Бульба қичкириб.— Каерда кўрдинг? Зиндондами, ертўладами? Банддами? Хорзор бўлтими?

— Жаноб Андрийни банди қилишга кимнинг кучи етади, ҳозир у киши шундай улуғ одамки... азбаройи худо, мен таний олмадим, кийган жуббалари, совутлари ҳаммаси олтиндан, бошлиридаги дубулға ҳам олтиндан, белларида заррин камар. Қўкламда боғда турли-туман паррандалар сайрашиб, ўт-ўланлар чаман бўлганда офтоб қандай ярақласа, у киши ҳам шундай яркираб кетганлар. Ҳоким отнинг ҳам жуда аломатини берибди, икки юз олтиндан кам турмайди.

Бульба тахта бўлиб қотиб қолди.

— Нега бироннинг кийимини кийибди?

— Чунки яхши-да, шунинг учун кийган. У киши ўзлари ҳам, бошқалар ҳам от чоптириб юришибди, у кишига таълим беряптилар, аммо у киши ҳам бошқаларга таълим беряптилар; полякнинг «мана ман» деган бадавлати ҳам бунчалик бўлмайди.

— Ким уни бунга мажбур қилибди?

— Мен бирор мажбур қилибди деганим йўқ-ку. У кишининг ўз ихтиёрлари билан улар томонига ўтиб кетганларидан жанобингиз бехабармисиз?

— Ким ўтиб кетибди?

— Андрий жаноблари.

— Қаёққа ўтиб кетибди?

— Улар томонига; батамом уларни бўлиб қолган.

¹ Сейм — у замондаги Польша ва Литва давлатида мамлакатнинг боён тоифаларидан сайданадиган ҳукумат муассасаси.

— Бекор айтасан, тұңғыз!

— Нега бекор айтай, ёлғон гапириб ахмоқманми? Елғон гапир-
сам бошимга бало бұлади-ку! Агар жуҳуд сиздек хурматликтар
олдида ёлғон гапиргудай бұлса, итдан баттар килиб осади-
лар-ку, биңмаймани!

— Демак сенинг айтишингча, ватанини-ю, динини сотиби-да?

— Сотибидилар деганим йүк, улар томонига үтибидилар, дедим
холос.

— Бачағар жуҳуд, ёлғон айтасан! Христиан мамлакатида бу
хил иш асло бұлған әмас, сен ит янглишяпсан!..

— Агар янглишган бұлса, уйим остонасанин үт боссин!
Елғон айтган бұлса, ота-онамнинг гүри оёқ ости бұлсии, агар
хоҳласанғиз нима сабабдан үғлингизнинг улар томонига үтиб
кетганини айтиб бераман.

— Нима сабабдан?

— Шаҳар ҳокимининг багоят чиройли қизи бор, худонинг
ғалати бир гұзали, таърифдан ташқари!

Жуҳуд күлларини ёзиб, құзларини қисиб бирор нарсанинг
таъмини күргандек оғзини кийшайтириб, иш қилиб нима бұлса-
да, башарасида «жуда чиройли» деган аломатларни күрсатишига
харакат қилды.

— Хұш нима қилибди энди!

— Ўша қизни деб улар томонига үтиб кетди. Одам бирорни
яхши құриб қолса, этикнинг тағ қармига үхшаб қолади; ивиб,
қаекқа қайирсанғ қайрила беради.

Бульба үйланиб қолди. Хотиннинг үзи заиф бұлса ҳам ҳукми
зүрлиги, күп пахлавонлар улар дастидан ҳалок бұлғанлиғи,
Андрій ҳам бу жихатдан бұшроқлиғи әсига тушиб, анчагача тур-
ған жойида қоқкан қозикдек қотиб қолди.

— Менга қулок солинг. Мен сизга воқеанинг ҳаммасини
айтиб берай,— деди жуҳуд.— Шовқинни эшитиб борғац, шаҳар
дарвозасидан кириб кетаётгандарни құришим билан, дарров ҳар
әхтимолни үйлаб, бир шода марваридни ёнимга солиб олдим,
чунки шаҳарда нозанин зеболар, бойвучча хотинлар күп. Бино-
барин ейишга овқатлари бұлмаса ҳам марварид олсалар керак
деб үйладим. Байроқдорнинг навкарлари мени қўйиб юборғанла-
ридан кейин дарров юргурғанимча ҳокимнинг ҳөвлисига марварид
сотгани кетдим. Татар чўриси бор экан, ундан сұраб билсам,
запорожъеликларни кувлагач дарров түй бұларкан. Үғлингиз Ан-
дрій, запорожъеликларни ҳайдаб бераман, деб ваъда қилибдир.

— Бадбахтни үша ерда үлдириб құя қолмадингми? — деб
шовқин солди Бульба.

— Нега үлдирай? Үз ихтиёри билан үтиб кетди. У одамда айб
йүк, у ёқ яхши учун үтиб кетган-да!

— Сен уни үз кўзинг билан кўрдингми?

— Азбаройи худо, худди ўзим, ўз кўзим билан кўрдим. Жуда аломат полвон бўлибди! Ҳаммадан ҳам савлати ортиқ! Худо саломат қилсин, мени кўриб дарров таниди, мен яқинига бориб эдим, дарров айтдини...

— Хўш, нима деди?

— Айтгани шу бўлдики... Аввал мени имлаб чакирди, кейин «Янкель!» деди, мен ҳам «Ҳа, Андрий» дедим.— Янкель отамга айт, акамга, барча казакларга, запорожъеликларга, ҳаммага бориб айт, отамдан ҳам, акамдан ҳам, барча уртоқларимдан ҳам кечдим, ҳаммаси билан урушаман, деди...»

Тарасда тоқат қолмай:

— Елгон айтасан, шайтоннинг ҳаромзодаси! Худонинг лаънагига қолган сен баччафар, Исодек одамни дорга коқкансан! Иблис, ҳозир жонингни оламан! Тез бу ердан даф бўл, бўлмаса ҳозир ажалинг етади! — деб бакирди ва газабидан киличига кўл урди. Жуҳуднинг кути учиб жони борича қочди. Гарчи Тарас уни кетидан қувламай, дуч келган бирордан алам олиш яхши эмас деб ўйлаб жим турган бўлса ҳам, у казаклар орасидан далага чикқунча ҳеч орқасига қарамай роса қочди.

Энди Тарас, кеча тунда Андрийнинг бир хотин билан одамларни оралаб ўтиб кетаётганини кўрганлиги эсиға тушди ва бундан кейин сочи оқарган боши ҳам бўлди, лекин бундай номус иш бўлганига ва ўз ўғлидан шундай иш содир бўлиб, дини ва имонини сотганлигига сира ишонгиси келмас эди.

Ниҳоят, Тарас аскарларни бошлаб, казакларнинг ўтидан омон қолган бир дараҳтзордан ўтиб, шу ерда бекиниб ётди. Қолган запорожъеликлар отлик, пиёда бўлиб уч дарвозани мўлжаллаб уч йўлга тушдилар. Уманский, Поповичевский, Каневский, Стебликовский, Незамайковский, Гургузив, Титаревский, Тимошевский кўрлар бирин-сирии йўлга тушди. Ёлғиз Перяславский кўр йўқ эди. Бу қўр одамлари каттиқ маст бўлиб, ўз насибаларини ўзлари уздилар. Уларнинг баъзиси душман қулида бандиликда уйғонди, баъзиси уйғонмасдан кора ер бағрига кирди, атаман Хлиб иштонсиз, кўйлакчан ляҳлар қулида ўзини кўрди.

Шаҳардагилар казакларнинг кўзғолиб колганларини билди-лар. Шаҳар аҳолисининг ҳаммаси девор тагига йигилди. Казаклар кўз ўнгидаги жонли бир манзара пайдо бўлди; бир-биридан басавлат поляк паҳлавонлари девор тепасига чиқдилар. Оқ гоз пари қадалган мис дубулгалар куёшдек ялтиради. Баъзилар бошида қизил ва кўк рангда ҳар хил қалпоклар; қалпокларнинг учи қайрилган. Устларида зарбоф камзул, енги ташланган. Килич ва мильтиқларига олтин-кумуш қадалган; бу хил аслаҳалар уларга жуда қимматга тушар эди. Паҳлавонларнинг устида бундан бошка ҳар хил зебу зийнатлар кўп эди. Ҳаммадан олдинда қизил зарбоф қалпоқ кийган полковник савлат билан керилиб турар эди. Пол-

ковник гавдаси йүғон, баланд бўйли одам бўлиб, қимматбаҳо кенг камзул унга тор эди. Бош томондаги дарвозаларга яки жойда паст бўйли, котмадан келган яна битта полковник савлат билан турар эди; бу кишининг кичкина, ўткир кўзлари қалин коши тагида ўйнаб турар; ингичка, котма кўллари билан ҳар тарафга ишора қилиб буйруқ килар эди. Ўзи ушок бўлса ҳам аскарнишни яхши билғанлиги кўринниб турар эди. Ундан нарироқда турган узун бўйли, серсокол, сермўйлов, юзлари қипкизил байроқбардор жаноблари ўткир май, яхши зиёфат ва маишатни яхши кўрар эдилар. Хорунжийдорнинг оркасида бир талаи бой-боёнлар турар эдилар. Буларнинг баъзиси ўз пулига, баъзиси подшоликдан, баъзиси ота-бобосидан қолган қасрларда нима бўлса ҳаммасини жуҳудларга гаров қўйиб отланиб чиқкан эдилар. Амалдор ва мансабдорларнинг ювинидхўри бўлган яна ҳар хил чакана-чукана одамлар ҳам кўп эди. Бу тоифа одамларни амалдорлар савлат ва дабдаба учун навкар ва чокар қилиб зиёфатларга эргаштириб олиб борарадилар. Улар бўлса зиёфатларда кумуш кадаҳ ва товокларни ўғирлаб, эртасигаяна биронта мансабдор бойнинг аравасини миниб кучерлик қилиб кета берар эдилар. Хуллас қалъя бошида ҳар тоифа одам бор эди. Бу одамлар баъзизда ичай десалар пул тополмас эдилар-ку, лекин уруш деганда дабдабага ҳар қанча бўлса сарф қиладилар.

Казаклар саф-саф бўлиб, қалъя тагида жим турардилар. Буларнинг ҳеч қайсисида олтин-кумуш йўқ, фақат килич дасталарида, милтиқ қўндокларида гоҳда кўриниб қолар эди. Урушга ясаниб чикиш казакларда одат эмас. Кийган совутлари ҳам, кийимлари ҳам содда, бошларидағи қўй терисидан тикилган қора телпаклари узок-узокдан қорайиб кўринар эди.

Запорожъеликларнинг сафларидан икки киши олдинга чиқди. Бири ёш, иккинчиси қариrok, иккovi ҳам гапга чечан, ишга ҳам чакқон ва эпчил эди. Буларнинг бирини Охрим Наш, иккинчиси ни Микита Голокопитенко дер эдилар. Улар кетидан Демид Попович ҳам чиқди. Кенг яғринли бу одам кўпдан бери Сечда юрар Андрианополга ҳам борган, кўпни кўрган, ўтда ёнган, бошига қора мой суртилган ва мўйловлари куйган ҳолда Сечга кочиб келган эди. Лекин Попович энди яна тузалиб, сочи ўсиб, қоп-қора қалин мўйловлари ҳам ўсиб жуда басавлат, бақувват бўлиб кетган, сўзга уста, узиб-узиб оладиган одам эди.

— Хой, қизил чопон полвонлар, шоп-шалопларингиз-ку жуда вахимали, кучларингиз қалай экан, шуни билгим келади!

Қалъя тепасида турган йўғон аскарбоши:

— Шошмай туринглар! Ҳаммангизни боялаб олай! Шўрлик қуллар, милтиқ билан отларни бу ёкка беринглар. Шеरикларингни банди қилиб боялаб келганимни кўрдингларми! - дер эди.

Құл-оёғи арқон билан боғланған запорожьеликтарни қалъа тепасига чиқазиб күрсатдилар. Олдинда атаман Хлиб мастикда қандай ётган бұлса, шу ҳолда, шалварсиз, күйлакчан турар эди. Үз казаклари олдидә яланоч турганидан ҳамда ухлаб ётганида итдек бандга тушганидан номус қилиб күзини ерга тикканча турар эди. Күпни күрган бошининг соchlari бир кечада оқариб кетганди.

Пастдаги казаклар:

— Хлиб, хафа бұлма, ҳалос қилиб оламиз! — деб қичкирар-дилар.

Күр атамани Бородатий ҳам қичкириб:

— Оғайни, хижолат бұлма! Яланочлайин сени тутиб олғанларига сен айбли әмассан; бунақа ишлар ҳар бир кишининг бошига тушади, аммо сени авратингни ёпмасдан күрсатған уларга уят,— деди.

— Уйқуда ётганлар билан уришишга ботир экансизлар-а!— деди Голокопитенко қалъадагиларга қараб.

Юқоридагилар уларга қараб:

— Шошманглар, ҳали кокилингизни кесиб олармиз! — дедилар.

— Кокилимизни қандай қилиб кесар эканлар, шуни күрсам эди! — деди Попович оти устида туриб қайрилиб қараб. Кейин үзининг одамлари турған томонға қараб: — Балки ляхлар рост айттарлар, анов қорни катта бошлаб чикса, у ҳаммаларига жуда яхши қалқон бұлади! — деди.

Казаклар Поповичнинг бир гап айтмоқчи бұлғанини фахмлаб;

— Нега ҳаммасига қалқон бұлади, деб үйлайсан? — дедилар.

— Чунки ҳамма аскари унинг орқасига бекиниб олғандан кейин биттасини наизага олиб күрчи, ололмайсан!

Казаклар қаҳ-қаҳ уриб қулишди. Күп казаклар үзларини тұхтатолмасдан, анчагача хохолаб, Поповича: «Бирорни асқия қиласынан бұлса шундай булғаб ташлайдики...» дедилар, лекин у ёғини айтмай құя қолдилар.

Аскарбоши:

— Қочинглар, тезрок қочинглар девор тагидан! — деб қичкирди, чунки ляхлар гапнинг аламига чидолмадилар шекилли, каталари құлинин силтаб бүйрүк күлгандай бұлди.

Қалъа тагидан андак кочиб әдиларки, бирдан замбараклар гумбурлаб берди. Девор тепасида тұполон-ғовға бошланди. Қекса ҳоким ҳам отга миниб келиб қолди. Дарвоза очилиб, аскарлар ёпирлиб чика бердилар. Олдинда саф-саф бўлиб ясанған навкарлар, улар кетидан совут кийғанлар, кейин темир жубба кийған, сипар күтартғанлар, мис дубулғалилар келардилар; ҳаммадан кейинде ҳар кайсиси үз таъбича ясанған бою бойнлар келардилар. Кибр-ҳавоси ошған бу тоифа бошқаларга күшилишга орқилиб, үз бошига алоҳида борар эди; аскар йиғолмаганлари

гулом ва чокарлари билан чиқкан эдилар. Булардан кейин яна саф бўлганлар чиқиши, булардан кейин савлат ва шукух билан хорунжий чиқди, кейин яна саф-саф бўлиб, аскар чиққач, кейинда йўғон полковник чиқди. Ҳаммадан кейинда паст бўйли котма полковник чиқди.

Аскарбоши:

— Қўйманглар, саф ростлатманг! Ҳаммангиз бир йўла ёпирилинг! Бошқа дарвозаларни қўя беринг, Титаревский қўрнинг одамлари, ён томондан уринг! Дядъиковский қур, ён томондан ур! Кукубенко билан Паливода, орка томонга зўр бер! Бир-биридан айрилиб ташланглар! — деб қичкирарди.

Казаклар ҳар тарафдан от қўйиб уларни алғов-далгов қилиб юбордилар, ўзлари ҳам аралашиб кетдилар. Лоақал бир марта отишга ҳам қўймасдан қиличбозлик, найзабозлик бошлиниб кетди. Ҳамма бир ерга фуж бўлиб, ҳар ким бу жангда ўзини кўрсатди. Демид Попович оддий аскардан учтасини найзага илди, мансабдор боёнлардан иккитасини отдан йикитиб: «Хўп яхши отлар экан, бунақа отга жуда ишқибоз эдим» дер эди. Отларни далага ҳайдаб юбориб, у ёқда турган казакларга: «Отни тутиб олинглар» деди. Кейин яна ўртага кириб бояги отдан йикилгандар тепасига келди ва бирини чопди, бирининг бўйнига аркон ташлаб эгари қошига боғлади, қимматбаҳо дасталик қиличини, белидан бир ҳамён тўла олтинини ечиб олгач, ўзини судраб кетди. Азамат ўспирин казак Қобита поляк лашкаридаги паҳлавонлардан бири билан олишиб қолди; ёқама-ёқа тутишиб бўғизлаша кетди. Казак уни енга бошлаб, ўтқир стамбули пичоги билан кўкрагига урди, аммо ўзи ҳам омон қолмади, чўғдек бир ўқ келиб худди чаккасига тегди. Уни йикитган ботир насли улуғ мартабаси баланд, ўзи чиройли, қадди-қомати келишган сухсурдек йигит эди. Саман отга минган бу паҳлавон кўп ботирлик кўрсатди, запорожъеликлардан икки кишини икки тақсим қилиб ташлади. Азамат казак Фёдор Коржни оти билан ағдариб, отини отиб ўлдирди, ўзини найзага илиб олди. Кўп казакларнинг бошини кесди, қўлини чопди, Қобитани ҳам чаккасидан отиб йикитди.

Незамайковский қўрнинг бошлиғи атаман Кукубенко бу паҳлавонни кўриб:

— Ана шу одам билан олишиб кўрай дейман,— деди. Отининг бошини қўйиб юбориб, тўппа-тўғри унинг орқасидан етиб келди ва бир наъра тортиб эди, якин ўртада турганларнинг ҳаммаси бу наърадан чўчиб тушди. Ляҳ отининг бошини буриб унинг томонига қайрилмоқчи бўлиб эди оти унга итоат қилмади. Кукубенонинг товушидан ҳуркиб қочиб кетди. Кукубенко орқасидан ўқ узиб қолди. Ўқ кўкрагига тегиб отдан йикилди. Аммо ляҳ ҳам мардана туриб душманга зарба бериш харакатида эди, лекин қўлидан дармон кетиб, қиличини кўтара олмади. Кукубенко оғир шам-

ширини икки құллаб ушлаб, унинг қони қочган оғзига тикди. Шамшир унинг икки тишини синдириб, тилини кесиб, бүйнидан чиқиб ерга миҳдек қокилди. Лях ерга қокилганича абадий колди. Насли баланднинг қони қалампирдек қип-қизил пириллаб чиқиб, кимхоб түнини бүяди. Кукубенко уни бу ерда қолдириб, аскарлари билан үзини бошқа тұпга урди.

Уманский құрнинг атаманы Бородатий үз аскарларидан ажраб чиқиб Кукубенко үлдирған лях паҳлавони ётган жойға келганды, унинг либосларини күриш:

— Шундай қимматбақо нарсаларни олмасдан кетипти-я! Мен үз құлым билан еттисини үлдирдім, лекин бундай қимматбақо либосни ҳеч күрмадым! — деб үлкінніг совут ва жуббаларини ечиб олмоқ ниятида әнгашди, тош қадалған стамбули пичоги-ни қинидан чиқазиб олди, белидаги нозик ипак қўйлак, қиздан эсдалик учун саклаган соч толалари, қимматбақо кумуш солинган жилдни ҳам ечиб олди; бу онда орқасидан бурни шолғомдек хорунжийнинг етиб келганини билмай қолди; хорунжий икки марта унга дуч келиб, икки марта әгардан йиқилған, яхшигина шикаст еган эди. У киличини күтариб, әнгашиб турған Бородатийнинг бүйніга урди. Казакнинг нафси жонига бало бұлды. Бөши танасидан жудо бўлиб узилиб тушди, ер кизил қонга бўялди. Казакнинг қаттиқ жони қаҳр-ғазаб билан, айни замонда, бундай бакувват танадан тез чиқиб кетганига таажжубланиб осмон-фалакка парвоз қилди. Хорунжий атаманнинг бошини әгар қошига боғлаб олмоқ учун кокилига қўл узатиши билан унинг ҳам күшандаси етиб келди.

Лочин осмон-фалакка чиқиб бакувват қанотларини қокиб бир неча давра қилғач, бир жойда қанот ёзиб тұхтаб туради-да, сұнгра йўл бўйида сайраган жўжа беданага худди ўқдек үзини отади. Тараснинг ўғли Остап ҳам худди лочиндек тұсатдан хорунжий тепасига етиб келиб, бўйніга арқон ташлади. Сиртмок хорунжий бўйини сиқканда қипқизил юзи талоқдек бўлиб кетди, тўппончасини олиб отиб эди, қўли қалтираб ўқ хато кетди. Хорунжий қўлига тушган бандиларини боғлаш учун әгарига ипак чилвир боғлаб қўйған экан, Остап уни үз ипи билан үзининг қул-оёғини боғлади, чилвир учини әгарига боғлаб олиб судраб кетди. Хорунжийни судраб бораркан, Усманский құрнинг аскарларини чакириб: «Атаман билан видолашиб қолинглар» деб кичкирар эди.

Уманский құрнинг казаклари атаманлари Бородатийдан ажралғанларини эшитгандәёқ жанг майдонини ташлаб, атаманнинг ўлиги тепасига йиғилдилар, шу ерда атаманликка кимни сайлаш маслаҳати бошланди. Маслаҳат шунга келиб тұхталдики;

— Гапни чўзиб нима киламиз. Бульба ўғли Остапдан бошқа атаманликка муносиб одам йўқ; ҳаммамиздан ёш бўлса ҳам акли кексаларнидан кам эмас — дедилар.

Остап бошидан телпагини олиб, казакларнинг унга кўрсатгани иззат ва хурматларига раҳматлар айтди; уруш чоги фурсат йўқлигини билиб: «Ёшман, аклим етмайди» деб узр айтиб ўтирасдан, дарров бош бўлиб тўдага кириб кетди ва ўзини атаманликка бекор сайламаганликларини кўрсатди. Ляхлар жанг жуда кизиб кетганини пайқаб, бир ерга тўпламонк учун майдоннинг бир чеккасига қочиб ўтдилар. Паст бўйли котма полковник дарвоза тагида бир чеккада турган тўрт юз одамга ишора қилиб эди, замбараклар гумбурлаб, казаклар устига ўқ ёғилди, лекин замбарак ўки одамларга тегмасдан урушдан хуркиб, асовланиб турган ҳўкизлар орасига бориб тушиди. Ҳўкизлар қўркиб, бўкиришиб, казакларнинг от-араваларига ўзларини урдилар, араваларни синдириб, кўп одамни босиб, янчиб ташладилар. Аммо Тарас бу пайтда пистирмада ётган жойидан чикиб, бутун аскарлари билан қийқириқ солиб ўртага ўзини урди: хуркиган моллар қийқириқдан хуркиб орқасига қайтиб, ляхлар орасига уриб кетди; отликларни қайтариб, ҳаммани босиб-янчиб, тумтарақай қилиб юборди.

Запорожъенликлар қичкиришиб:

— Баракалла, ҳўкизлар, сафарда кўп хизмат қилиб эдинглар, энди жангда ҳам иш кўрсатдинглар,— деб ўзларини яна душманга урдилар.

Душманнинг кўпини кирдилар. Паҳлавонлардан Метелиц, Шилло, иккала Писаренко, Вовтузенко ва яна бир нечалар хўп қаҳрамонликлар кўрсатдилар. Ляхлар ишлари шикастга караб кетганини кўргач, туғ-байроқларини ташладилар, шаҳар дарвозасини оч, деб қичкиридилар. Темир копланган дарвоза ғижирлаб очилди; кўрадаги кўйлардек ғуж бўлиб питирлашиб турган, хориган, чарчаган, чанг босган отликлар ичкари кирдилар. Запорожъенликлар кўплари улар орқасидан қувламоқчи бўлиб эдилар, Остап ўз одамларини тўхтатиб: «Оғалар, девордан нари қочинглар, деворга яқин келманглар!» деб буюрди. Дарвоқе, тўғри айтган экан, қалъа тепасидан тўп кўйиб, дуч келган ҳар нарсани казаклар устига ташлай дердилар, кўплари халок бўлди. Бу чоғда аскарбоши келиб колиб, Остапни алқади, «янги бўлса ҳам аскарга эски атамандек бошлилик қиласи!» деди. Чол Бульба, янги атаман ким экан, деб орқасига қайрилиб қаради: Уманский қўрнинг бошида қалпоғини чаккасига кўйиб олиб, от ўйнатиб, кўлида атаманлик гурзиси билан Остап кетяпти. Ўғлига қараб: «Оббо зангар-э!» деб суюнди, ўғлига бунча хурмат кўрсатгандарни учун Уманский қўранинг ҳамма одамларига миннатдорлик билдириди.

Казаклар яна оркага қайтилар ва ўз лашкаргоҳларига кетмоқчи бўлдилар. Қалъа тепасида яна ляхлар кўриндилар, энди устларидаги чакмонлари йиртилган эди. Кўпларининг устлари-

даги қимматбаҳо тұнларидан қон қотиб қолған, чиройли дубулғаларини өнгөсін.

Запорожьеликлар пастдан туриб:

— Ҳа, барчамизни боғлаб олдингларми? — деб қичқирап-дилар.

Семиз полковник юкоридан туриб ҳали ҳам:

— Ҳап, сизларни! — деб бақириб, арқон күрсатар эди.

Чанг боссан, әртапа-хөріган аскарлардан баъзи үжарлари ҳали ҳам бир-бирларига дүк қилашар, гап отишар эди. Нихоят ҳаммалари жой-жойларига қайтдилар. Бирор жаңгда әртапа истироҳатта кирди, бирор ярасыга тупрок сепар, рұмолини ва душман үлигидан ечиб олған қимматбаҳо кийимларини йиртиб, ярасыни боғлар эди. Бақузватроклари үлікларни йиғишириб күмиш билан овора эдилар. Шамшир ва наизалар билан гүр қазиб, қалпок ва этакларидан тупрок таширдилар, йигитларнинг үлигини иззат-хұрмат билан ерга қўйдилар, уларнинг күзларини қарғалар, бургутлар чўқимасин деб күмдилар. Ляхларнинг үлигини тұда-тұда қилиб асов отлар думига боғлаб, далага ҳайдадилар, отларни хўп югуртириб, үлікларни хўп саваладилар. Асов отлар зовур ва марзалардан ошиб, қонға, тупрокка беланған ляхлар үлигини судраб борар эди.

Кечкурун ҳамма қўрлар йиғилишиб мажлис тузди, ҳар кимнинг ботирликларидан, келажак бўғинларга достон бўладиган қаҳрамонликлардан сўзлашдилар. Хийла вақтгача ётмадилар, ҳамма ётгандан ҳам чол Тарас ётмади, душман ичидан Андрийнинг кўринмаганлигига сабаб нима экан, деб хәёл суриб кетди; «Хоин үз кардошларига қарши чиқишига номус қилдими ёки жуҳуд мени алдадими, ўғлим банди тушдими?» деб ўйлаб кетди. Аммо Андрийнинг кўнгли хотинларга ҳаддан ташқари мойиллиги эсига тушиб, юрагини гам босди, синклини, ўғлини ошифта килган поляк хотинидан ўч олмоқни кўнглига қаттиқ тугиб қўйди. Бу хотиндан аламини олар эди, унинг ҳуснига, селкиллаган сочига қарамай, казаклар орасыда роса, судраб юрган бўларди. Унинг баланд тоғлар тепасидаги оппок кордек гўзал сийнаси, чиройли кифтлари қону тупрокқа беланар эди. Момикдек чиройли баданини бурда-бурда қилиб судратар эди. Бирок тақдир нима қилишини, эртага нима бўлишини Бульба билмайди. Секин-секин овуниб, алхол у ҳам уйқуга кетди. Казаклар ҳали ҳам гаплашар, посбонлар туни билан мижжа қокмасдан, атроф-теваракдан кўзкулок бўлиб, гулхан ёнида ўтирад әдилар.

VIII

Офтоб қиёмга келгунча ҳам йўқ эди, запорожьеликлар давра олиб йиғилдилар. Сечдан хабар келди; казаклар йўқлигига

татарлар келиб Сечни талон-торож килибдилар, унда қолганларнинг ҳаммасини поймол қилиб, бандга солиб ҳайдабдилар ва ер остида яширин сақланган хазинани ҳам топиб олиб кетибдилар. Бор-йўқ молларни олиб тўппа-тўғри Перекопга йўл солибдилар. Ёлғиз битта казак Максим Голодуха йўлда татарлар қўлидан чи-киб, татар мирзасини сўйиб, унинг ёнидаги ҳамёнини олиб, татар отига миниб қочибди. Татарлар бир ярим куну икки кеча қувладбидилар. Бир отни ўлдириб бошқаснга миниб, буни ҳам ўлдириб яна бошқасини миниб, запорожъеликларнинг Дубнода турганинни йўлда билиб, казаклар лашкаргоҳига етиб келибди. Қелган одам бўлган ёмон воқеани айтди холос; аммо нима сабабдан бундай ҳалокат бўлганини, казаклар одатларини қилиб мастилкда бандга тушдиларми, хазина кўмилган жойни татарлар қандай билдилар, бу ҳақда ҳеч нарса айтмади. Казак жуда чарчаб, шишиб кетибди, юзи офтоб ва шамолдан қуришиб кетибди; турган жойида думалаб қотиб ухлаб қолди.

Бундай ҳолларда запорожъеликлар дарров отланиб ўғрилар кетидан қувар эдилар, чунки бандга тушганлар Кичик Осиё бозорларига, Смирнага ва Крит оролига бориб қолар, қокилдор казаклар худо билсин яна қаерларда хор бўларди. Шунинг учун запорожъеликлар йиғилишган эди. Ҳеч ким бошидан қалпогини олмади, чунки атаманлар ҳузурига буйруклар тинглашга эмас, балки ўз тенгдошлари билан маслаҳатлашгани келган эдилар. Йиғиндагилар:

— Аввал кексалар, маслаҳат беринглар! — деб қичқиришар, яна бошқалар:

— Аскарбоши, маслаҳат бер! — дер эдилар.

Аскарбоши қалпогини бошидан олиб ҳамманинг каттаси ва бошлиғидек эмас, тенгдош ўртоқдек казакларнинг кўрсатган иззат-хурматларига ташаккур айтиб:

— Орамизда кексалар, акли баландлар кўп, бироқ мени ҳурмат қилиб маслаҳат сўрадинглар, менинг маслаҳатим шуки, ўртоқлар, фурсатни ўтказмасдан татарнинг пайига тушмоқ керак, чунки татарнинг қандай одам эканини ўзингиз биласиз; талаб кетган мол-мулклари билан бизнинг келишимизни пойлаб ўтирамайди, дарров барбод қилиб совуради, кейин ушогини ҳам топа олмаймиз; маслаҳатим — йўлга тушмоқ. Бу ерда хўп сайл қилдик. Казакларнинг қандай одам эканини ляхлар кўрдилар. Динимиз йўлида ҳол-қудратимиз етганча жонбозлик қилиб, уларнинг танбеҳини бердик, оч шаҳардан бизга манфаат кўп эмас. Шундай қилиб менинг маслаҳатим «юрмоқ».

Запорожъеликларнинг ҳамма кўрларидан «юрмоқ!» деган баланд овоз чиқди.

Аммо Тарас Бульбага бу гаплар ёқмади, ерга қаради, қовоги солинди, тоғ тепасида ўсган, учларига нина-нина бўлиб

қирған түшгән майды буталар сингари оқ-кора аралаш қошлары чимирилди.

— Аскарбоши, сенинг берган маслаҳатинг нотұғри! — деди Тарас.— Сен номаңқул гапирдинг! Ляхлар күлига банди түшгән одамларымыз бунда қолиб кетса майлыми, буни эсингдан чикарганга үхшайсан. Чамамда сен эң бириңчи мұқаддас конунимиз — биродарлик, қардошлық қойдасини оёқ ости қилишимизни хоҳлайдынга үхшайсан, қардошларымызни тириклайн пүстларини шилсінларми, ёки танларини чор тақсим қылсинарми, бурун гетманни, Украинаңдаги бошқа рус паҳлавонларни шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ сазойи қылғанларидек әнди буларни ҳам шундай сазойи қылсинарми? Бизнинг муборак жойларымызни шунча ҳақорат қылғанлари камми? Ахир бизлар үзимиз киммиз? Ҳамманыңдан сұрайман, үз кардошнини ташлаб кетган, мусоғирликда, ғариблікда ёлғыз ташлаб кетған одам канака казак бұлды? Агар бунақа бұлса, казакнинг обруси ва хурмати ҳаммага бир пул булиб қолған бұлса, ҳаммамиз оппок мүйловларымызға туфлатиб, үзимизни ҳақорат қылдириб құядын бұлсак, мендан ҳеч ким гина қылмасин. Мен үзим ёлғыз қоламан.

Турған запорожьеліктер ҳаммаси безовта бұла бошлади.
Аскарбоши туриб:

— Мардона полковник, татарларнинг күлида ҳам бизларнинг қариндошларымыз банди эканларини ва уларни дархол күткашиб олмасак, улар умрбод мажусий бутпарастларга қуалынка соғтилиб кетишлиарини, бу хүрлік ҳар қандай қийин үлемдан ҳам баттарлыгини ёдигдан чикардигми? Христианларнинг қони бараварига түшгән хазинамыз улар күлига кирғанлыгының эсингдан чикардигми! — деди.

Казаклар үйланиб, нима дейишлиарини билмай қолдилар, ҳеч қайсылари үзларини уят-номусга қолдиришни тилемас эдилар. Бундан кейин улар орасыда ҳаммадан кекса Касъян Бовдюг номлы мүйсағид үртага чиқди. Барча уни иззат ва хурмат қылар әди. Ү иккى марта аскарбоши сайланған, урушларда ҳам жуда полвон әди, аммо ёшы үлгайиб қолғанидан, урушларга чиқмай, маслаҳатга аралашмай құйған ва үзи эски бир аскар бұлғанидан казаклар йигилишганды үларнинг ҳар хил бұлмиш воқеалар, урушлар тұғрисидеги гап ва ҳикояларини эшитиб ёнбошлаб ётишини яхши күрар әди. Бошқаларнинг гапига сира аралашмас, фактат кулок солиб, оғзидан сира түшмайдын трубкасининг кулинин бармоги билан босиб, күзини юмибрөқ үтирад әди, ухлабын ёки кулок солибми үтирганини ҳеч ким билмас әди. Ү урушга чиқмасди, аммо бу гал мүйсағиднинг гайрати құзғаб кетиб, казакчасига құлнини силтаб туриб:

— Мазам кетиб қолибди! Энди мен ҳам борай-чи, бирон ишга яраб қоларман! — деди.

Мұсафид чол ўртага чиқиб сүзга оғиз очганда, ҳамма хайрон бўлиб қолди, чунки кўп вактлардан бери унинг сўзини эшишмаган эдилар. Ҳамма Бовдюга нима дер экан, деб унинг оғзига қараб турар эди.

— Ҳурматли оғалар, энди менга ҳам бирон оғиз сўз айтмоқ навбати келди,— деб сўз бошлади Бовдюг.— Болаларим, мен кексанинг сўзига ҳам кулок солинглар. Аскарбоши доно сўзлади, казак аскарларининг боши ва уларниң ҳомийси ҳамда юртимиш ҳазинасининг қўрикчиси бўлган аскарбошимиз бундан ортиқ доно ва маъқул сўз айта олмайди. Гап шу! Бу менинг биринчи сўзим бўлсин. Энди қулок солинг, иккинчи сўзим нима? Иккинчи сўзим шуки, полковник Тарас ҳам ҳўп маъқул, ҳакиқат гапни айтди. Худо умрини узок қилсин, юртимида бу хил кишилар кўпайсин! Казакнинг биринчи вазифаси, биринчи иззати қардошлиқ қоидасини бажо келтиришdir. Оғалар, ёшим шунчага кириб ҳеч эшишганим йўкки, казак ўз кардошини ташлаб ёки унга хиёнат килиб кетган бўлсин. Улар ҳам, булар ҳам бизга кардош, биттаси озми, биттаси кўпми барибир, ҳаммаси қардошларимиз, ҳаммаси баравар қардонимиз. Шундай килиб, айтадиган гапим шуки, татарлар қўлига тушганларга кўпроқ яқин ва меҳрибон бўлганлар татарлар пайига тушсинглар, ляхларга банди тушганларга кўнгли яқин бўлиб, ҳакконий ишни битирмасдан кетишни истамаганлар, майли бунда. қолсинглар. Аскарбошининг вазифаси татарлар орқасидан борувчиларга бош бўлиб бормоқдир, бунда колувчилар ўзларига бир бошлиқ сайлаб оларлар. Мўйсафид чолнинг сўзига қулок солсангиз, бошлиқ мансабига Тарас Бульбадан бошка муносиб одам йўқ. Ботирликда орамизда унга баравар келадиган ҳеч ким йўқ.

Бовдюг буни айтиб жим бўлди, унинг берган маслаҳатига, кўрсатган йўл-йўриғига казаклар ҳам хурсанд бўлдилар. Ҳаммалиари қалпокларини иргитиб:

— Баракалла, отамиз, индамай юриб-юриб охири бугун бир гапирдинг, яхши гапирдинг, урушга отланиб чиққанингда казаклар кунига яраб қоларман, деган эдинг, сўзинг бекор кетмади, кунимизга ярадинг,— деб қичқириши.

— Нима дейсизлар, шунга розимисизлар? — деб сўради аскарбоши.

— Розимиз ҳаммасиз! — деб қичқириши казаклар.

— Бас, маслаҳатимиз битдими?

— Битди! — деб қичқириши казаклар.

Аскарбоши:

— Болаларим, энди бутун лашкарга берилган буйрукни эшигинг! — деб олдинрок чиқиб қалпогини кийди, қолган запорожье-ликларнинг барчаси қалпокларини олиб, бош яланг ерга қараб турдилар. Улууглари сўзлаганда казаклар ҳамиша шундай бўйсуз

ниб туар әдилар.— Азиз биродарлар, энди бундан кетадиганлар уңг томонга, қоладиганлар чап томонга үтинглар, ҳар қўрнинг кўпчилиги қайси томонга үтса, атаман уша томонга үтсин, камчилик томон бошқа қўрларга қўшилсин.

Ҳаммалари кимирлашиб қолдилар, бирор у томонга, бирор бу томонга ўта бошлади. Қайси қўрнинг кўпчилиги қаёққа үтса атаман ҳам уша ёкка үтди, камчилик томон бошқа қўрларга қўшилди. Ҳар икки томон сал кам баравар чиқди. Незамайковский қўрнинг ҳаммаси деярли қолди, Попович қўрнинг ярмисидан кўпи, Уманский, Каневский қўрнинг ҳаммаси қолди, Стебликовский ва Тимошевский қўрларнинг ярмисидан кўпи қолди. Колганларнинг ҳаммаси татарлар кетидан кувлаб бормоқ тарафдори бўлди. Ҳар икки томонда ботирлар бор эди. Татарлар изидан боришига тарафдор бўлиб чиққанлар ичиде кекса, марди майдон казак Череватий, Покотиполо, Лемиш, Прокопович Хомалар бор эди; Демид Попович ҳам бу томонга үтди, чунки гайрати тез ва бир ерда кўп туриб қолса чидолмайдиган одам эди; ляхлар билан урушиб кўрди, энди яна татарлар билан урушиб қўрмоқчи бўлди. Қўр уругларидан Ностюган, Покришка, Невиличкий, яна бир қанча пахлавонлар татар билан олишиб билак қувватини, қилич дамини синаб қўрмоқчи бўлдилар. Қолмоқчи бўлган казаклар орасида ҳам азамат полвонлар, мард-мардоналар кўп эди. Қўр уруғларидан Демитрович, Кукубенко, Вертихвист, Балабан, Бульбенко, Остап бор эди. Бундан бўлак яна бир неча машхур ва маъруф казаклар бор эдилар. Чунончи, Вовтузенко, Черевиченко, Степан Гуска, Охрим Гуска, Микола Густий, Задорожний, Метелица, Иван Закрутигуба, Мосий Шило, Ўётгяренко, Сидоренко, Писаренко, яна бир Писаренко, яна бир қанчалар. Буларнинг барчаси кўпни қўрган, ҳар юртда бўлган: Анатолий бўйларини кезган, Кримнинг шўрлаган ерларида, дашт ва биёбонларида, Днепрга куядиган катта-кичик барча дарёларда, Днепрининг барча бурун ва оролларида бўлган одамлар эдилар. Молдаванлар, алатлар, турклар юртида ҳам бўлган, Кора денгизни икки куйрукли қайиқ билан бошдан-оёқ кезиб чиқкан, эллик қайиқ бир бўлиб улкан кемаларга кароқчилик қилган: бир талай турк кемаларини ғарқ қилган, умрларида беҳад ва беҳисоб ўқ отган, қимматбаҳо кимхоб ва зарбофларин йиртиб пайтава қилган, бир эмас қайта-қайтадан шимларининг чўнтагини нукул олтинга тўлатиб олган одамлар эди. Булардан ҳар қайсисининг ўз умрида совурган мол-дунёси беҳад ва беҳисоб эди ва бу мол-дунёлар бошқаларга умрбод етар эди. Улар ҳаммани зиёфат килиб, ер юзидағи ҳамма ўйнасин-кулсин деб машшоқлар ёллаб, бор-йўқларини совурганлар. Ҳали ҳам кўмиб қўйган мол-дунёси, кумуш коса ва чўмичи йўғи улар орасида кам эди; мабодо фалокат босиб татарлар қўккисдан Сечга бостириб келиб колсалар, мол дунёларни тополмасин-

лар, деб Днепр оролларидағи қамишзорларга бекитиб құяр эдилар. Бу дунёларни татарлар у ёқда турсин, баъзида әгаси ҳам тополмас эди, чунки күмган жойи эсидан чиқиб кетар эди. Ляхлардан ёр-биродарларининг үчини олмоқни ва Исо дини учун фидо бұлмоқни истаб бу ерда колган казаклар ана шу хилдаги одамлар эди. Мүйсафид Бовдюг ҳам қолиши хохлади: «Татарлар орқасидан кувалаб боришга энди менда ҳол йўк, аммо казаклар кисматига тушган мардона үлим топиб, ер багрида ётмоққа бу ерда үрин бор. Қўп замонлардан бери үладиган бўлсам дин йўлида жонбозлик килиб урушда үлай, деб худодан сўрар эдим. Муродимга етдим. Кексайған казак ҳеч қаерда бундан ортиқ яхши үлим тополмайди» деди.

Ҳамма иккى ёкка ажралиб, ҳар қўр саф тортиб тургандан кейин, аскарбоши сафлар орасидан айланиб чиққач, деди:

— Ҳурматли оғалар, бир-бирингиздан розимисизлар?

— Ҳаммамиз розимиз, ота! — деб жавоб бердилар казаклар.

— Энди бир-бирларинг билан ўпишиб хайрлашинглар, чунки бир-бирларингни кўриш-кўрмасликларингни худо билади. Атаманинг сўзидан чикманглар, казаклар номуси нима буюрганини ўзларинг биласизлар.

Казакларнинг ҳаммаси бир-бирлари билан ўпишиб хайрлашдилар. Аввал атаманлар оқарган мўйловларини силаб қучоқлашиб ўпишидилар, кейин қўлларини қаттиқ ушлашиб, гўё бир-бирларидан: «Оғайни, яна куришармиканмиз, йўқми?» деб сўрамоқчи бўлардилару, лекин сўрамас эдилар. Ҳар икки томон бу ердаям иш етарли бўлишини кўришларини билиб хайрлашдилар, лекин дарров ажралиб кетмасдан, камайиб қолганларини душман билмаслиги учун қоронги кечаси айрилишга қарор қилдилар. Кейин овқатланмок учун ҳамма ўз кўрига кетди.

Йўлга тушадиганларнинг ҳаммаси овқатдан кейин ётди; бундай роҳатда охирги марта ётётганларини сезгандек қаттиқ уйқу билан узок ётдилар. Кун ботгунча ухлаб, коронғу тушгач араваларни тайёрлашга киришдилар. Тайёр булғанларидан кейин аввал ареваларни жунатдилар, кейин ўзлари ёр-биродарлари билан яна хайрлашиб, аревалар кетидан аста-аста боравердилар; отликлар товуш қилмай, отларни «чучу» ламай, секин пиёдалар кетидан бордилар, бир оздан кейин қоронғуда кўздан гойиб бўлдилар. Факат отлар туёғининг овози, ҳали юришиб кетмаган ёки кечаси қоронғуда яхши мойланмаган ареваларнинг ғижирлаган овози узокдан эшитилар эди, холос.

Гарчи кетганлар кўздан ғойиб бўлиб, кўринмай қолган бўлсалар ҳам қолганлар анчагача қўлларини қимирлатиб хайрлашдилар. Ҳар қайсилари жой-жойларига қайтгач, юлдузларнинг ёруғида ареваларнинг ярмиси йўклигини ва ўртокларидан кўпкишиларнинг йўклигини кўрганларидан кейин кўнгиллари бузилди, тара-

бедодликда ўтган бошларини қүйи солиб, беихтиёр хомуш бўлиб колдилар.

Тарас казакларни хафалик босиб, улар бошини ботирларга номуносиб маъюслик эгаллаганини кўрди, аммо ҳеч нарса демади, чунки фурсат ўтсин, кўникишсин, ўртокларидан айрилгандан бир оз ёзилсан эди. Аммо ичидаги тайёргарлик кўриб, казакчасига кийқириб ҳаммани бирданига хурсанд қилиб юбормоқчи эди, факат зоти славъян бўлганлар, саёз дарёлар олдидаги улуф денгизларга ўхшаган славъянларгагина хос жўшқинлик пайдо қилмоқчи ва маъюс қўнгилларни аввалдагидан ҳам хушнуд ва тетик қилиб, ҳамманинг ғайрат ва ҳимматини яна бир қўзғатиб юбормоқчи эди. Улуф денгизлар тўполон ва довул вактида мавжга келиб тошади, ошади, чинкиради, кучсиз кичик дарёлар кўтаролмаган улуг тўлкинларни кўтаради. Шамол бўлмай тинч турган чокларда бу денгизларнинг ойнадек тиник кўз илгамас юзи барча дарёлардан равшанроқ жимирашиб, қараган кўзларга абадий нур, азалий хузур багишлади.

Тарас навкарларини чақириб, бир чеккада алоҳида турган араванинг юкини ечмокқа буюрди. Бу арава бошқалардан мустахкамроқ ва каттароқ эди. Йўгон гилдиракларига икки қават маҳкам темир қоқилган, устидаги юки ҳам оғир, ҳўқиз териси билан ёпилган, кора мой суртилган йўгон аркон билан боғланган эди. Аравада Тараснинг ертўласида қачонлардан бери ётган ўткир винолар солинган катта-кичик бочкалар бор эди. Мабодо катта бир воеа рўй бериб, «пушт-пуштга достон бўлиб қоладиган ишлар бўлса, ҳар бир казак табаррук майдан тўйиб ичиб, улуф айём кунларда одамнинг рухи ҳам улуф бўлсин» деб бир қанча шароб сақлаб қўйган эди. Навкарлар улуғларининг буйруғини эшитгач, дарров арава олдиға келиб шамширлари билан арқонларни кесиб, қалин ҳўқиз териларидан килинган ёникларни олдилар, бочка ва хумларни аравадан туширдилар.

— Нимангиз бўлса олинг,— деди Бульба.— Кимнинг нимаси бўлса олсин, чўмичими, отини сугорадиган челагими, қўлқопими, телпагими — нимаси бўлса олсин; идиши йўқлар ҳовучини ўтсин.

Казаклар ҳаммалари — чўмичи борми, челаги борми — тўлдирив ола бердилар, идиши йўқлар ҳовучлаб ича бошладилар. Тараснинг навкарлари одамларни оралаб юриб ҳаммага хум ва бочкалардан қуйиб берардилар. Лекин Тарас: «Мен буйруқ бермагунча ичманглар» деб буюрди. Бирон сўз айтмоқчи шекилли. Эски вино ўзи ҳар қанча кучли, кишининг рухини ҳар қанча тетик қиласидиган бўлса ҳам, унинг ёнига яна яхши гап қўшилса, бунда винонинг кучи икки хисса ошишини Тарас яхши биларди.

— Азиз қардошлар, мени улуф кўтариб, менга кўрсатган ҳурматингиз ҳар қанча улуф бўлса ҳам бу зиёфат унинг учун

Эмас, кетган ўртоқларимиз билан хайрлашиш зиёфати ҳам эмас. Ҳозир унинг ҳам, бунинг ҳам маврути эмас. Олдимизда улуғ ишлар бор, казакларга муносиб ботирликлар кўрсатиладиган катта ишлар бор. Қани, ўртоқлар, бирданига ичайлик, аввало муқаддас динимиз ривожи учун ичайлик, динимиз бутун дунёга ёйилсин, ер юзида ёлғиз бизнинг динимиз бўлсин, барча мусулмонлар христиан бўлсинлар! Шу қаторда Сечь учун ҳам ичайлик, барча мусулмонларга қирон келтириб, кўп йиллар яласин юртимиз, йилдан-йилга ривожланиб, бир-биридан азамат, бир-биридан кўркам, мард йигитлар етишсин: шу қаторда ўзимизнинг шоншавкатимиз учун ҳам ичайлик, невараларимиз ва уларнинг болалари, бизларни ёдлаб, ёр-биродарликни маҳкам ушлаган, бунинг қоидасини бажо келтирган, қардошларига хиёнат қилмаган одамлар бор экан десинлар. Қани, биродарлар, дин учун ичайлик, дин учун!

Олдинги сафда турганлар гуриллаган овоз билан:

— Дин учун! — деб қичкириши.

Кейин оркарокда турганлар ҳам қўшилишиб:

— Дин учун! — деб ёш-қари ҳамма баравар иди.

— Сечь учун! — деди Тарас қўлини юқори кутариб.

Олдинги сафлардан ҳам:

— Сечь учун! — деган баланд овоз чиқди. Кексалар ҳам оқарган мўйловларини қоқиб:

— Сечь учун! — дедилар; улар кетидан ўспириналар ҳам лочиндек чирпиниб: — Сечь учун! — дедилар.

Қазакларнинг ўз юртларини ёд этиб чиқарган овозлари узок далаларни янгратди.

— Энди ўртоқлар, ер юзидаги барча христианлар хурматига охирги ҳўпламни ичайлик!

Қазакларнинг ҳаммаси, бир киши ҳам колмай, косаларида қолган охирги ҳўпламни ер юзидаги барча христианлар шарафига ичдилар.

— Ер юзидаги барча христианлар учун! — деган овоз ҳар бир қўрнинг ҳар бир сафида такрор-такрор эшитилди ва ҳийли вактгача ўчмади.

Косалар бўшади, лекин ҳаммалари қўлларини кўтарганча турар эдилар. Ҳаммаларининг қўзлари винодан жовдираб шод ва хурсанд бўлса ҳам, кўнгиллари хижилрок эди. Энди улар урушдан оладиган манфаатлар, ўлжа ва ғаниматларни, олтин-кумуш, қимматбаҳо яроғ-аслаҳалар, кимхоб-зарбоф кийимлар, черкас отлари кимга, қайси бир бахтлига ғанимат бўлишини эмас, балки бошқа нарсаларни ўйлар эдилар. Типпа-тик баланд тоғлар устига қўниб, пастдаги бепоён денгизни, унда майда қушлардек юрган кема ва қайқларни, унинг ингичка бир чизикдек кўришиб турган қирғоқларини, атрофида пашшадек кўринган шаҳарларни,

бошини эгган майда уланлардек күринган дараҳтзорларни томоша қилиб турған бургутдек үй-үйлашиб қолған әдилар. Бургут атроф-теваракка бирма-бир бокқандек, улар ҳам йироқда қорайиб күринган қисматларига боқар әдилар. «Дала ва қўриқлар, йўл ва чўллар бизнинг қонимизга сероб бўлур, бузилган араваларга, синган қилич ва найзаларга, оқ суюкларимизга тўлар» дер әдилар. Кокили қонга беланиб қотиб қолған, мўйлови осилиб қолған бошлар сой тошидай думалаб ётар, бургутлар келиб кўзларини чўкир, уяр, аммо бундай кенг, бундай яйраган қабристоннинг хурмати улуғ. Мардоналик, олий химматлик билан қилинган ҳеч бир иш нобуд бўлмагани, дорининг заррачаси ҳам милтиқ оғзидан беҳудага кетмаганидек, казаклар шуҳрати ҳам, уларнинг шон-шавкати ҳам сира йўқолмас. Оқ соқоли қўксига тушган, балки соч-соқоли оқарган бўлса ҳам куч-куввати, мардлигию эрлиги кетмаган, тетик руҳи сўнмаган мўйсафид дўмбирачи чол уларни ёдлаб, одамнинг юрак-бағрини эзувчи, аламли достонлар айтгуси, шуҳратлари оламни тутгуси, авлод-авлодга достонлар бўлгуси, чунки овози яхши чиқсин деб устаси нуқул тоза нуқрадан кўпроқ ишлатган жомнинг данғиллаган товуши шаҳри азимларга ҳам, кулба ва харобаларга, қаср ва ошиёнларга ҳам баравар етиб боргуси, ибодатга чорлагандек, аламли сўзларнинг жаранглаган овози узок замонларга, йироқ масофа-ларга кетгуси.

IX

Запорожъеликларнинг ярмиси татарлар кетидан қувлаб кетганини шаҳардагилардан ҳеч ким билмади. Фақат қалья кунги расида турған посбонлар араваларнинг бир қисми йўлга тушиб дараҳтзор орқасига ўтиб кетганини билдилар, холос, аммо казаклар пиистирма қилиб пойлаб ётмоқчилар, деб ўйладилар. Фаранг муҳандиси¹ ҳам шу хаёlda эди. Бу орада аскарбошининг айтган гаплари тўғри чиқиб, шаҳарда-ош-нон танқис бўлиб қолди; ўтган эски замоннинг таомилини қилиб лашкарга қанча овқат лозимлигини олдиндан тузукроқ хисоблай олмаганлар. Қалъадан чиқиб ҳамла қилмоқчи бўлиб уриниб кўрдилар, аммо ботирларнинг ярмиси казаклар қиличидан ўтди, қолганлари шаҳарга қуруқ қочиб кирди. Бирок жуҳудлар фурсатдан фойдаланиб, сирдан вokiф бўлдилар; запорожъеликларнинг қаёққа ва нега кетганларини, қайси кўрдан қанча одам кетганини, лашкарбошлиари кимлигини, қолганлар қанчалигини, энди уларнинг фикри

¹ Фаранг муҳандиси — француз инженери; у замонларда қалья ва кўргонгарни мустаҳкамлаш ва қамал қилиш ишларига французлар уста бўлар әдилар ва шу сабабдан Польша, Литва ва Москва Россиясига уларни кўп чакириб келтирар әдилар.

нима эканини билиб олдилар. Хуллас орадан бир неча дақика үттар-ұтмас шаҳардагилар ҳамма гапдан хабардор бұлдилар. Шаҳардагиларнинг лашкарбошилари ботирланиб жангга тайёрлана бошладилар. Тарас шаҳардаги шовкин-сурон, ғовға ва ҳаракатни күрибок пайқади ва дарров фармон қилиб, тайёргарлик кўра бошлади, ҳамма қўрларни уч гурухга бўлиб, от-аравалардан истехком ясади, бу тарика уруш килганда запорожъеликлар сира енгилмас эдилар. Икки қўрни пистирмага қўйди. Синик найза борми, бошқа яроғлар борми, ёғоч борми тўнлаб, атроф-теваракка қозик қоқтириди. Тўғри келиб қолса, душманнинг отлиқ аскарларини бу ерга қамаб олмоқчи эди. Ҳамма иш тайёр бўлгандан кейин казакларга ваъз айтди; уларнинг руҳларини кўтариб, далда бериш учун эмас, чунки бунга эҳтиёж йўқлигини билар эди, юрагида саклаган гапларни айтиб олмок учун ваъз сўзлади.

— Оғалар, бизнинг үртамиздаги бирликнинг нима эканини сизга айтмоқ истайман. Ота-боболаримиздан эшитгансизки, бизнинг юртимиз аввал жуда улуғ ва азиз экан; бизни ҳамма ҳурмат килар экан, юнонларгача бизни билар экан, бизга бож-хирож берар экан; шаҳарларимиз обод, ибодатхоналаримиз ривожда, католиклардан чиққан динсиз пошшолар эмас, ўзимиздан, русдан чиққан пошшоларимиз бор экан. Динсизлар келиб ҳамма нарсани эгаллаб олдилар, ҳамма барбод бўлиб кетди, ёлгиз бизлар қолдик; азamat эридан ажраб тул қолган есирдек биз ҳам есири қолдик, юртимиз ҳам биздек есири қолди. Үртоқлар, ана шундай оғир замонда бизлар қардошлиқ аҳди паймонини қилдик, қардошлигимизнинг негизи ана шунака, бу қардошлиқ аҳидан мукаддас, азиз ҳеч нарса йўқ. Ота-она боласини яхши кўради, бола ҳам ўз ота-онасини яхши кўради, аммо жигарларим, бу яхши кўриш бошқа, чунки ҳайвонлар ҳам ўз болаларини яхши кўрадилар. Жон ва тан билан bogланиб кардош бўлмок, ёлгиз одамлар орасида бордир. Бошқа юртларда ҳам бу қардошлиқ бўлган, лекин рус тупроғидагидек кардошлиқ ҳеч қаерда бўлган эмас. Сизларнинг кўпларингиз кўп юртларни кўргансиз, кўп йиллар мусоифирликда юргансиз; бу юртдагилар ҳам одам, улар ҳам худонинг бандаси, сиз-биздек гапиришади, бирок сидқидил билан, юрак-бағридан чиқариб гапириш уларда йўқ. Ақллари ҳам жойида, бизга ӯшшаган одамлар, лекин барибир улар бошқа. Чироғларим, рус қалби сингари яхши кўриш, ақл ёки бошқа бир нарса билан эмас, балки бутун жон-танинг билан, худо берган тамомий борлиғинг билан яхши кўрмок, эҳ-ха! — Тарас буни деб қўлинни силтади, оқ мўйловини учирди, сўнгра яна деди: — Йўқ, ҳеч ким бу хилда яхши кўролмайди! Энди бу дунёнинг одамларида инсоф колмади, пасткашлик ривож олиб кетди, факат ўзим бўлай дейдилар; хирмон-хирмон буғдойим, ғарам-ғарам пиччаним, яйлов тўла йил-ким бўлсин, омборларда хум-хум шароблар турсин дейдилар;

ким билсин аллақандай шайтоний одатларни киладиган бұлиб қолдилар; тилларини тиймайдилар; қариндош қариндош билап сүзламоқни хоҳламайды; бозорда чорвани сотгандек бир-бирларини арzonга сотадилар. Ёт подшонинг илтифоти, пошшоники қаёқда, саҳтиён чориги билан түмшукларига тепса ҳам, бир мумсик поляк бойнинг қылган илтифоти уларга ҳар қандай қардошлидан қимматроқ. Аммо ҳар қандай паст, разил одам бұлса ҳам хушомадгүйлик лойига беланган, кора куяга бүялган бұлса ҳам, чироғларим, ҳар нечук баданида заррача руслик рухи бор; ахир бир күн рухи үйгониб, шүрлик аттанг деб, пешонасига уради, разолатда үтган умрига лаънатлар үкиб шармандалик лойини ювмол учун үзини ҳар бир азоб-уқубатга солишига тайёр бўлади. Рус тупроғида қардошлик нима эканини барча билсин, ўлим ҳақ бўлса, улардан ҳеч ким бундай ўлим томолмайди! Ҳеч қайсиси! Бизга насиб бўлган ўлим билан ўлмокқа у кўр сичқонлар токат килолмайдилар!

Атаманинг сўзи шу бўлди. Кўпни кўриб соchlари оқарган кумушдек бошини гапи тамом бўлғандан кейин ҳам қимирлатиб туар эди; унинг сўзи бунда турғанларнинг ҳаммасига қаттиқ таъсир қилиб, юрак-бағрига бориб тегди; сафда турған мўйсафид кексалар ҳам сочи оқарган бошларини қуи солиб, жим бўлиб қолдилар. Қариган кўзлар жиқ-жиқ ёшга тўлди. Милдир-милдир оққан ёшларини астагина енглари билан артиб олгац, ҳаммалари иттифоқ қилгандек бирданига қўлларини, кўпни кўрган бошларини силкитиб қўйдилар. Чол Тарас уларга үтмишдан кўп нарсаларни эслатди, қайғу ва ҳасратларни кўп тортган, меҳнат ва машақ-қатларни кўп чекиб, жанг-жадалларни кўп кўриб, тирикликтининг азоб-уқубатини кўп тортиб пишган, ақли тўлган одамларнинг кўнглида бўладиган ёки бу каттикларни кўрмаса ҳам, уларни дунёга келтирган қари ота-оналарининг баҳтига ёш қалби кўпни сезган ўспириналарда ҳам бўладиган тотли яхши ҳиссиятларни қўзғатди.

Душман аскари ҳам карнай ва ногораларни чалиб шаҳардан чика бошлади; улуғлари беҳисоб навкар ва чокарлари билан кибр ва ҳаво килиб, керилиб чиқдилар. Семиз полковник буйруқ берар эди. Милтиқларини ўқталиб, совут-қалқонларини ялтиратиб, кўзларини чақчайтириб, казаклар устига ёпирилиб кела бошладилар. Ўқ етар ергача яқинлашиб келишлари билан казаклар бирданига етти қаричлик милтиклардан ўқка тутиб, тинмасдан ота бердилар. Милтиқ овозидан далаю даштни гулдур-гулдур босди. Ер-кўкни тутун коплади, казаклар тинмасдан отар эдилар. Оркадагилар милтиқни ўқлаб олдиндагиларга узатар эдилар; душманлар казакларнинг милтиқларини ўқламасдан отишларига хайрон колар эдилар. Ер-кўкни тутун коплаб икки томон ҳам бирбирини кўра олмай қолди, сафдагилардан ҳали униси, ҳали униси

и йиқилиб турар, кимлигини ҳеч ким билмас эди. Лекин ляхлар үк ёғырдай ёғилиб турганини, жанг кизиб бораётганини пайкаилар. Тутун чиқиб, ўзларини бир четга олмоқ учун кетлариға чиғаниб эдилар, ораларида күп кишиларнинг йўклигини кўрдилар. Казаклардан бўлса юзтадан иккита-учта ўлди. Казаклар бир дам ҳам тўхтамасдан ота бердилар. Буни кўрган фаранг муҳандиси ҳам уларнинг бу хилда уруш килинлариға хайрон булиб, койил қолганидан ҳамманинг олдида: «Запорожъеликларга койилман! Бошқалар ҳам бошқа юртга борганинда шунака урушсинлар!» деди-да, дарров: «Тупларнинг оғзини казаклар томонига тўгриланг» деб маслаҳат берди. Чўян замбаракларнинг катта оғзидан гумбурлаб чиккан үк овозидан ер ҳам ларзага келиб, ҳамма ёқни тутун босди. Узоқ-яқиндаги шаҳарларнинг бозор ва маҳаллалариға ҳам замбарак товуши эшитилди, дори хиди келди. Аммо тўпчилар мўлжални жуда баланд олган эканлар, үк юкорилаб, ҳавони гулдуратиб, казаклар тепасидан ўтиб ерга тушди ва тушган жойида қоп-қора тупрокни ағдариб ташлаб, ерга кириб кетди. Буни кўрган фаранг устаси соchlарини юлиб, казаклар тинмасдан үк ёғдириб турган бўлсалар ҳам, бунга қарамай, тўпни ўзи мўлжалга олиб отмоққа тутинди.

Тарас буни узокдан кўриб, Незамайковский қўр билан Стебликовский қўрнинг фалокат босишини билиб туриб эди, шунинг учун дарров: «Дарров аравалар орасидан чиқиб отга мининглар!» деб кичкирди. Аммо, Остап аскарлари билан етиб келиб ўзини ўртага урмаса, казаклар аравалар орасидан ҳам чика олмас эдилар, отга ҳам мина олмас эдилар. Остап олти тўпчининг пилтасини тортиб олди, лекин тўртласидан тортиб олишга улгуролмади, чунки ляхлар уни қайтардилар. Бу орада фаранг тўпчи казакларнинг ҳеч қайсиси ҳалигача кўрмаган катта тўпнинг пилтасини ўз қўлига олди. Бу тўпнинг катта оғзи ҳайҳотдек очилиб турар, ундан неча минг ажал бакрайиб тургандек эди. Гумбурлатиб чунонам отдики... кейин унинг кетидан яна уч тўп отилди, ер тагида ҳам тўп отилгандек тўрт марта гуриллаган овоз чиқди. Бу тўплар аскарга кирон солди. Кўп казакларнинг боёқиш кампир оналари ориқ кўлларини сўлиган кўксиларига уриб йиғларлар; Глухов, Немиров, Чернигов ва бошқа шаҳарларда кўп казакларнинг хотинлари тул қолдилар, ҳар куни боёқишилар бозорга чиқиб, ҳар бир ўтган-кетганга тикилиб суйган ёрларини изларлар, аммо шаҳардан ўтган аскарлар орасида суйган ёрлари топилмайди.

Незамайковский қўрнинг ярмисидан такир аскар колмади. Бошоги олтиндек бўлиб, тўлиб турган бугдойни дўл уриб кетгандек, уларни шундоққина кириб тўқди.

Казаклар қутлари учиб ҳайрон колдилар. Фазаблари ошди, кўр атамани Кукубенко одамларининг ярмиси кирилиб кетганини

кўриб дарғазаб бўлиб, қолган одамлари билан ўзини ўртага урди, аввал дуч келганининг бошини сапчадек кесиб ташлади, кўп отликларнинг отини ҳам, ўзини ҳам найза билан уриб йикитиб, тўпчилар тепасига борди ва бир тўпни ўлжа олди. Нарирокда Уманский кўрнинг атамани Степан Гуска катта тўпни тортиб олиш ҳаракатида эди, буларни бу ерда қолдириб ўзини душманнинг бошка тўдасига урди, Незамайковский кўрнинг одамларига душман писанд эмас, уларни босиб-янчиб, кириб борарадилар. Ляхларнинг сафлари сийракланиб, ўликлари даста-даста бўлиб ётар эди. Аравалар олдида Вовтузенко, олдинда Черевиченко, орқадаги аравалар олдида Дегтяренко, унинг орқасида кўр атамани Вертихвист турар эди. Дегтяренко икки ляхни найзага олиб, энди учинчисини олмоқчи эди, лекин буниси осонлик билан жон бермай қаттиқ олишиб қолди. Ляхнинг от ва эгар-жабдуқлари хўп дабдабали, орқасида навкар ва чокарларнинг ўзидан эллик киши бор эди. Дегтяренкони енгиб, отидан йикитди, қиличини унинг бошига кўтариб: «Сиз итваччаларнинг биттангиз ҳам менга бас келолмайсиз!» деб бақири.

— Мен бас келаман! — деб ўртага чиқди Мосий Шило. У бир неча бор денгизда қароқчиларга бош бўлган, иссик-совукни кўрган жуда полвон казак эди. Трапезонт¹ шаҳрида турклар қулига тушиб, турклар уни шериклари билан бирга кемада банди қилиб олиб кетган, қўл-оёқларига кишан солиб, денгизнинг шўр сувидан бошка ҳеч нарса бермай, қийнаган эдилар. Боёкиш бандилар барча азоб-укубатларга чидадилар, лекин динларидан қайтмадилар. Аммо қароқчи боши Мосий Шило токат килолмай, динидан қайтиб мусулмон бўлди, гуноҳкор бошига салла ўради, турклар пошшоси ишониб уни барча бандиларга бош қилиб, бандихонанинг калитини қўлига бериб қўйди. Бечора бандилар унинг бу ишидан кўп ранжидилар, чунки ўз ораларидан чиқиб динини ютиб, золимлар билан бирлашиб кетган баттол қўл остида бўлгандан кўра, бошка бир динсиз қўл остида бўлган яхшироқ эканини билардилар. Дарвоке шундай бўлди. Мосий Шило бандиларнинг ҳаммасини уч қатор занжирга боғлади, арқонни суюккача ботириб чамбарчас боғлади. Ҳаммани хўп савалади, турклар бундай садоқатли қулни топганларига суюнӣб айш-ишратга кириб ва шариатларини унутиб маст бўлганларида, Мосий Шило олтмиш тўрт калитнинг ҳаммасини келтириб бандиларга улашди ва: «Кишанларни ечиб дарёга ташланглар, қўлингизга қилич олиб туркларни чопинглар» деб буюрди. Бундан казаклар кўп ўлжалар билан юртларига қайтиб келган эдилар ва уларнинг бу ишларини кўп замонларгача дўмбирачилар хўп мактаб куйладилар.

¹ Трапезонт — Туркияning Кора денгиз бўйидаги шаҳарларидан бири, савдо маркази.

Аскарбошиликка сайлар ҳам эдилар-ку, аммо девонарок эди. Гоҳда ҳар кандай дононинг ҳам акли етмайдиган ишлар қилас, баъзида эса жуда тентаклиги ўтиб кетар эди. Буд-шудини ич-килилкка сарф қилиб, Сечда ҳаммадан қарздор булиб қолди ва бунинг устига ўғирлик қилиб шармандаси чиқди. Бир кеча бировнинг уйинга кириб эгар-жабдукларини ўғирлаб чикиб, арокфурушга гаров қўйибди. Бу қилмиши учун уни бозор жойда ёғочга боғлаб қўйиб, ҳар ким кучи етгунча бир уриб ўтсин деб олдига битта сўйил ташладилар. Аммо унинг бурунги ишлари ҳаммага машхур бўлгани учун запорожъеликлар орасида унга сўйил кўтарадиган хеч ким топилмади. Мосий Шило шунаقا одам эди.

Ляхнинг тепасига етиб келиб: «Сиз итларни ўлдирадиган одамлар ҳам бор» деди. Иккови хўп олишди; зарбадан иккови нинг ҳам совут ва қалқонлари қайрилди; лях унинг совутини кесиб ташлади, қиличининг дами совутдан ўтиб баданига қадалди. Казакнинг темир кўйлаги қип-қизил қонга бўялди, Шило бунга парво қилмай, забардаст, бакувват қўлини кўтариб, ляхнинг бошига чунонам урдики, жез дубулғаси бошидан учиб кетди, ўзи гандираклаб йиқилиб тушди. Шило уни чопишга, чўқинтиришга тутинди. Енгилган душманини яна чопиб нима қиласан, казак! Орқангга қара! Казак орқасига қарамади, ўлган ляхнинг новкарларидан бири келиб бўйнига пичок урди. Шило қайрилиб қаради, кушандасини тутай деди, лекин у дорининг тутини ичиди ғойиб бўлди. Ҳар тарафдан милтиқ ўки ёғилди. Шило гандираклаб қолди ва еган захми қаттиқ эканини фаҳмлади. Қули билан ярасини ушлаганча йиқилди; ўртоқларига караб: «Алвидо! Азиз ўртоқлар, динимиз ва юртимиз Россия абадий яшасин! Асло путур етмасин!» деди. Куввати кетган кўзларини юмди, казакнинг руҳи кўп азоб чеккан танасини ташлаб кетди. У томонда Задорожний ўз одамлари билан чиқиб келди. Қўр бошлиғи Вертихвист сафларни ўнгу сўлга суриб келар, Балабан ҳам майдонга узини урган эди.

Тарас қўр бошлиқлари билан қичкиришиб:

— Оғалар, қалай, кортиқда дорингиз соб бўлгани йўқми? Холингиз қалай, казаклар, бўш келмаяпсизларми? — деб сўради.

— Отамиз, доримиз ҳали бор, кучимиз-кувватимиз жойида, казаклар бўш келмаяптилар!

Казаклар бир зўр бердилар. Сафларни аралаш-куралаши килиб юбордилар. Паст бўйли полковник, ҳар тарафга сочилиб кетган одамларини йигмоқ учун: «саккизта раанг-бараанг байроқ кўтаринг» деб буюрди. Ляхларнинг ҳаммаси байроқ тагига тўпланди. Аммо сафларини ростлаб олгунча бўлмай, қўр бошлиғи Кукубенко аскарлари билан ўзини ўртага уриб, қорни катта, семиз полковникка ҳамла қилиб қолди. Полковник унинг зарбига дош беролмай, отини буриб қочди. Кукубенко унинг орқасидан

узокқача кувлаб бориб, аскарларига йұлатмади, ён томонда турған Степан Гуска буни күриб, күлида арқон билан отининг ёлига ётиб олиб, унинг олдидан түсіб чиқди. Пайт топиб унинг бүйнига арқон ташлади. Полковник икки құли билан арқонға ёпишиб, уни үзмоққа уринди, юzlари моматалоқдек күкариб кетди. Аммо яхшилаб урилған найза аллақачон қорнидан тешіб чиқиб ерга кадалди. Полковник ерга қоқылғандек шу ерда қолди. Бирок Степан Гуска ҳам омон қолмади. Казаклар у ён-бу ёнга қарғанларicha йүк эдікі, душманлари Гусканнан тұрт найзага олдилар. Бечора: «Душманларга кирон келсин, рус юрти дориломон яшасин!»дан бошқа сұз айттолмасдан жон берди.

Казаклар кайрилиб қарасалар, бир томонда казак Метелица ляхлар орасига қыргын соляпти; яна бир томонда атаман Невиличкий үз аскарлари билан босиб-янчыб келяпти. Аравалар турған ерда Закрутнугуба душманнан қайтарып жонбозлық қилип турибди. Чеккады аравалар олдидан учынчи Писаренко бир гала душманин қайтарды; бир томондагы аравалар олдидан икки томон олишиб қолиб, жаңғ аравалар устига ҳам чиқиб кетди.

Атаман Тарас ҳамманинг олдига үтиб олиб:

— Ха, оғайнilar! Ық дорингиз борми? Аскарларда күч күпми? Казаклар бұш келмаяптыларми? — деди.

— Отамиз, үқ-доримиз бор, казакларда ҳали күч күп, казаклар ҳали бұш келмайдилар!

Бовдюг аравадан йиқىлди: үқ худди дилинга бориб тегибди, аммо чол жоп-жаҳди билан бор кувватиниң інғиб: «Дунёда армомым қолмади, ҳаммага худо шүндай үлім берсін! Рус юрти қиёматгача бор бұлсии!» деди. Буни деб Бовдюганинг рухи юксакларға парвоз қилип кетди: дунёдан аввал үтган қарияларға рус тупроғыда қандай жаңғ, бу мамлакатда мұқаддас дин йұлида қандай жонбозлық қилаётгандыларини сұзлаб бергани кетди.

Бир оздан кейин атаман Балабан ҳам йиқىлди. Уч еридан шикаст еди; бир ерига найза, бир ерига үқ, бир ерига шамшир тегди. Бу ҳам машхұр ботир казаклардан зиңді; шұр дарёда күп қароқчылар күлгән зиңді. Аммо Анатоль қирғокларига қүлгән сафари ҳаммадан дабдабали зиңді. Бу сафарда турклардан күп үлжалар олдилар; мол-биссолтар, кимматбақо матолар күп туширдилар. Бирок қайтишда жазоларини тортдилар — боешилар туркларнинг замбарак үқига учраб, кемаларининг ярмиси гирдобға тушиб чирпирак бұлып ағдарылған кетди ва күплар сувга чүкдилар, аммо кемаларнинг икки ёнига бояланған қамишлар уларни ғарқ бұлишдан асраб қолди. Балабан кемасини жадал ҳайдаб, үзини күнрүяга олди ва шу билан омон қолди, чунки күннинг шуъласидан турклар уни күролмадилар. Кейин тун бүйі кемаларнинг тешілған жойини тузатиш, қайыққа кирған сувни товок ва шапка билан сепиши билан овора бўлдилар. Иштонларини йиртиб,

әлкан қилиб, туркларнинг йилдирим кемаларидан қочиб кутулдилар. Ўзлари омон-эсон Сечга қайтиб келганларини кўя берниг, Киевдаги Межигорский монастирининг архимандритига олтни билан тикилган кимхоб тўн, Запорожъедаги Покровга нуқул кумушдан ясалган коплама келтирдилар. Дўмбирачилар кўп замонларгача уларнинг қилган ишларини оклаб, мақтаб юрдилар. Балабан энди ўлими яхин эканини фаҳмлаб бошини эгди-да, се-кингина айтди: «Оғалар, яхши ўлм топдим, еттисини қилич билан чопдим, тўққизини найзадан ўтказдим, отим оёғи остида кўплари поймол бўлди, ўқимдан ўлганлар хисобини билмайман. Рус юрти дунё тургунча турсин!» Буни деди-ю жон берди.

Қазаклар, казаклар! Қўшинимиз гулинни нобуд килманг! Кукубенкони ўраб олдилар; унинг Незамайковский қўридан атиги етти киши қолди, булар ҳам зўрга бардош қилиб турибдилар; Кукубенконинг кийимлари кора конга бўялди. Унинг ҳоли танглигини кўриб Тараснинг ўзи мададга югорди. Аммо казаклар фурсат ўтганда етиб келдилар: уни ўраб олган душманларни қувлаганларича бўлмай, нак дилига найза урдилар. У етиб келган казакнинг қулига секин суюниб ийқилди; қип-қизил қони худди булоқдек қайнаб оқиб кетди, Кукубенко кўзларини жовдирашиб туриб айтди: «Ўртоқлар, худога шукурки, сизлар олдингизда ўлдим! Биздан кейин қолганлар бизлардан ҳам яхши яшасинлар. Исо суйган рус тупроғи абадий шон-шавкатлар ичида яшасин!» Буни деди-ю, ёш руҳи танасидан чикди. Унинг руҳини фаришталар осмонга опчиқиб кетдилар. Унда руҳи хузур топар, Исо: «Кукубенко, суйганим, кел, ўтири. Бевафолик қилмадинг, ноин-софлик қилмадинг, одамни балога гирифттор қилгани кўймадинг, менинг динимни асрординг, қуриклидинг!» дегуси. Кукубенконинг ўлими ҳаммани мотамга солди. Казакларнинг сафлари жуда сийракланиб қолди, ботирларнинг кўпи нобуд бўлди, аммо шундай бўлса ҳам казаклар бардош қилиб турардилар.

Тарас қолган қўрлар билан қичкиришиб:

— Оғалар, қалайсизлар, қортиқда дориларингиз борми? Қиличларингиз дами қайтмадими? Чарчамадингизми? Казаклар бўш келмаяптиларми? — деди.

— Отамиз, доримиз ҳали бор, қиличларимиз ўткир, казакларда ҳали куч кўп!

Казаклар худди ҳеч талафот кўрмагандек, яна ҳамла қилиб кетдилар. Қўр бошлиқларидан атиги уч киши қолди. Ҳар тарафда қизил дарёлар, ҳар икки тарафнинг ўликларидан кўприклар пайдо бўлди. Тарас осмонга бокса, қатор-қатор қарчиғайлар учиб юрибди. Бирорвга давлат насиб булар! Бир ёқда аллақачон Мете-лицияни найзага олибдилар. Яна бир Писаренконинг боши чирпирак бўлиб кесилиб тушди, кўзлари ола-була алангланиб юмилди; тўрт тақсим қилиб чопилиб ташланган Охрим Гуска ҳам ага-

наб түшди. Тарас: «Ха, бўлинглар!» деб рўмоли билан ишора қилди. Остап унинг бу ишорасини фаҳмлаб, пистирмадан чиқиб душманинг отликларига ўзини урди. Ляхлар унинг ҳамласига бардош килолмасдан кочдилар. Остап уларни қувалаб, ерга найза ва ёғочлардан қозик қоқилган жойга ҳайдаб киргизди. Ляхлариниг стлари қокилиб, эгалари устидан учиб туша берди. Аравалар оркасида ҳаммадан кейинда турган ўқандозлар душман ўқ стар ерга якин келганини кўриб, тўсатдан ўқка тутиб қолдилар. Ляхлар ҳаммаси бир ерга фуж бўлиб, эсанкираб қолди. Казаклар ғайратга миндилар; ҳар томондан «Зафар биз тарафда, зафар биз тарафда!» деган овозлар кўтарили. Шодиёна карнай чалиб, зафар тугини тикдилар. Шикаст еган ляхлар ҳар тарафга тумтрақай қочдилар. Тарас қалъа томонга қараб: «Ҳали батамом галаба қилганимиз йўқ» деди; воеа ҳам шундай эди.

Шахар дарвозаси очилиб, барча отлик аскарларнинг шоншавкати Сўлган новжувон отлик аскарлар дабдаба билан чиқдилар. Ҳаммасининг тагида бир хилда тўриқ аргумоқ от, ҳаммадан олдинда бир жувонмард пахлавон келар эди. Жез дубулғаси тагидан қора қокиллари чиқиб туарар, гўзаллар гўзали қўли билан тикилган қимматбаҳо шарф қўлида ҳилпираб борар эди. Тарас буни кўриб танигач, эс-хуши оғиб ҳайратда қолди. У Андрий эди. Пахлавон жангининг жонбозлик завқ-шавкига тўлиб, қўлига боғланган тухфага лойиқ мардлик кўрсатмоқ ҳаваси билан маст бўлиб, бир гала тозилар ичидан барчасидан илдам, барчасидан чиройли тозичадек жавлон уриб борар эди. Шикор устаси уни, гуснишлаб қўйиб юборди, у ҳам тўрт оёқлаб, якка кифтлаб, қорин тўзитоб авжига олганда ҳар қандай югурик қуённи ҳам йўлада қолдириб борар эди. Чол Тарас унинг ўнгу сўлини чопиб келишини томоша қилиб аграйиб қолди. Тарас тоқат килолмай. «Хой, ўз кариндинларингними? Ҳали-я? Иблис боласи, ўзингнини урасенми?» деб бакириди. Аммо Андрий ким билан уруш киляётганини ошиами, бегонами фарқ килмай, ўнгу сўлини суриштирумай урад эди. Унинг кўзига хеч нарса қўринимас, фақат пари шон қокиллар, дарё юзида сузив юрган оккушдек сийналар, оппок қордек томоқ ва кифтлар, тотли-тотли ўпиш учун яратилган нарсалар қўринар эди, холос.

Тарас бакириб: «Хой, азаматлар, алдаб-сулдаб чакалакка олиб келинглар уни, чакалак ичига келса бўлгани!» дер эди Илдам, чакқон казаклардан ўттис киши дарров ҳозир бўлишиб, булар узун телпакларини ростлаб олиб от қўйиб душман олдини тўсиб чикмоқчи бўлдилар. Ён томондан кириб, олдиндагиларга ҳамла қилдилар, уларни пароканда қилиб орқадагилардан айириб ташладилар, кейин икки томонни ҳам хўп калтакладилар. Голокопитенко Андрийнинг оркасига қиличининг тескариси билан урди Казаклар дарров орқаларига кочдилар. Андрий ғазабланди,

ёни қони томир-томирларини ўйнатди. Отига қамчи бериб, жошма жаҳди билан казаклар кетига тушганча, орқасига қайрилиб қарамай, кетидан атиги йигирма кишигина келаётганидан бехабар, от чопиб бораверди. Казаклар эса отларининг жони борича чоптириб бориб чакалакка уриб кетдилар. Андрий қувалаб бориб Голокопитенкога етиб олай деб эди, кўқкисдан бировнинг забардаст қўли отининг жиловидан ушлади, қараса олдида Тарас! Аъзойи-баданига ларза тушиб, ранги ўчди...

Андрний, шеригини урмокчи бўлиб қувлаган ва муаллими га дуч келиб калтак еган мактаб бола ҳолига тушди: бутун газаб ва алами бир онда ўқолиб ювош бўлиб қолди, кўз олдида даҳшат билан турган отасидан бошқа ҳеч нарсани кўрмасди.

Тарас ўғлининг кўзига қараб туриб:

— Хўш, энди нима қиласиз? — деди.

Андрний бу саволга ҳеч қандай жавоб беролмасдан ерга қараганча тура берди.

— Қалайсан, ўғлим, ляхларинг жонингга оро кирдими?

Андрнийдан садо чикмади.

— Шундай ҳам хиёнат бўладими! Динингни сотдинг-а! Ўз кардошларингни сотдинг-а! Қани, отдан туш!

Ёш боладек бўйсуниб отдан тушди, отаси олдига келиб, жонсиз танадек жим турди.

— Қимир этмасдан жим тур! Сени дунёга келтирган ҳам ўзим эдим, энди ўлдирувчи ҳам ўзим бўлай! — деди Тарас. Кейин бир қадам орқасига чифаниб туриб елкасидан милтигини олди.

Андрнийнинг ранги бўздек оқарди, лаблари қимирлаб бировнинг номини атади, аммо бу чокда атаган номи ватанининг номи ҳам эмас, онасининг номи ҳам эмас, оға-иниларининг номи ҳам эмас, поляк маликасининг номи эди. Тарас отди.

Ўроқ билан ўрилган буғдой бошогидек, пичоқ билан бўғизланган қўзилик боши шилқ этиб тушди, бир оғиз сўз айтмай ўт устига йиқилди.

Боласини ўлдирган ота жонсиз танга узоқ тикилганича қараб турди. Андрний ўлганда ҳам чиройли эди. Яқинда куч-куватга тўлган, хотинларни шайдо қилган мардонавор чехрасида ҳали ҳам ажиб бир гўзаллик кўриниб турарди. Қоп-кора қошлари тобут устига ёпилган бархитдек йилтирас ва қони қолмаган афтининг ҳар бир тархини айириб туради.

— Казакликка каери кам эди? Қадди баланд, қошлари қалам, юзида киборлик, қўли жангда маҳкам эди! Эсиз йигит-а! Ярамас итдек хор бўлиб ўлди! — деди Тарас.

Шу онда етиб келган Остап:

— Ота, нима қилдинг? Сен ўлдирдингми? — деди.

Тарас боши билан ишора қилиб; «ҳа» деди.

Остап ўликнинг нурсиз қўзларига тикилиб қаради.

Укасига ачиниб:

Ота, эди душманларга хор бұлмасин, дарранда ва чар-
рандаларга емиш бұлмасин, хурмат билан ер бағрига құяйлик,—
деди.

— Унинг биздан бұлак күмадиганлари, йигловчилари бор! —
деди Тарас.

— Бүри-бұрсыкларга емиш қилиб ташлаб кета берсамми
ёки унинг баһодирлигини хурмат қиласми? Ҳар бир ботир
ҳар қандай душмани бұлса ҳам баһодирликни хурмат қилиши
керак-ку,— деб андак фурсат андишага бориб қолди. Бу онда
Голокопитенко от чопиб келди.

— Шұrimиз курпди, отамиз, ляхлар кучайиб кетдилар, улар-
га мадад келди! — Голокопитенко сұзини тамом қилгунча бұлмай,
Вовтузенко от чопиб келди.

— Атаман, бало ёғилди-ку! Душманга яна мадад келди! —
Вовтузенко бу сұзни айттар-айтмас Писаренко пиёда югуриб
келди.

— Отамиз, қаердасан, казаклар сени излаб юрибидилар: ата-
ман Невиличкий үлди, Задорожний ҳам үлди, Черевиченко ҳам
үлди, аммо казаклар бардош қилиб турибидилар, сени күриб,
ундан кейин үлайлік,— дейдилар.

— Остап, отга мин! — деди Тарас ва казакларни күриб үлай,
улар ҳам үлар олдидә атаманларини күриб қолсиналар, деб шош-
ганица улар тепасига кетди, лекин чакалакдан чикқунча бұлмай,
душманлар атрофдан ўраб келиб қолдилар. Даражтлар орасын-
дан ҳар томондан найза күтарған, қилич яланғочлаган отлик-
лар чиңа бердилар. Тарас: «Остап, Остап, бұш келма!..» деб
қичкирди-да, үзи қиличини яланғочлаб дуч келганини чопа берди.
Олтитаси бирданига Остапга ёпишли, лекин яхши соатда ёшишма-
ган эканлар, бирининг боши учыб кетди, бири юз тубан ағдарилиб
түшди, бири биқинидан найза еди, бири ботирроқ экан, үққа чап
бериб бошини опқочиб қолди, үқ отига тегиб, түшидан тиф-пар-
рондек ўтиб кетди, от осмонга сапчиб йиқилиб, устидаги одамни
босиб түшди. Тарас: «Баракалла үғлим, баракалла, Остап!..
Хозир олдингга етиб бораман!..» деб ёпирилиб келаётгандарни
уриб-йиқиб борар ва иккى күзи Остапда эди; бир вакт қараса кам
эмас саккыздаси биракайига ёпишибди. «Остап!.. Остап, бұш кел-
ма!..» Бироқ Остапни енгиб қүйгүндай бұлдилар; бири бўйнига
арқон ташлади; боғладилар ҳам, тутдилар ҳам. Тарас үнгү сўл-
га уриб дуч келганининг бошини сапчадек узиб, Остап олдига
боришга харакат килар эди. «Оҳ, Остап! Остап!..» Бироқ шу пайт-
да бошига оғир бир тош теккандек бўлиб кузи тинди. Кесилган
бошлар, найза, тутун, ўтнинг шұъласи, дараҳтларнинг шох ва
барглари аралашиб күзига күринди. Илдизига болта урилган
азамат чинордек гумбурлаб ерга йиқилди, кўзини туман босди.

Тарас гүё оғир маст уйкудан карахт булиб уйгонгандек ҳушига келиб: «Узоқ ухлабман-а!» деб ўрнидан турди ва қандай ерда ётганлигини фаҳмлаб олмоққа уринди; аъзойи-баданида сира кувват қолмабди. Ёт бир уйнинг девор ва бурчаклари кўзига сал-пал чалингандай бўларди. Ниҳоят олдида унинг ҳар бир нафас олишига қулоқ солиб тургандек тепасида ўтирган Товкачин таниди.

Товкач ўзинча: «Охират уйқусига кирган эдинг-ку! Тағин қолдинг-да!» деб ўйлади-ю, лекин унга ҳеч нарса демай, бармоғи билан ишора қилиб, жим ёт деди.

Тарас эс-хушини йигиб олиб, ўтган воқеани ёдига солмоқчи бўлиб:

— Ахир айтсанг-чи, қаердаман? — деб сўради яна.

Дўсти жаҳъ билан койиб:

— Жим дедим, жим! Яна нима сўрайсан? Қийма-қийма бўлиб ётибсан-ку, кўрмаяпсанми? Икки ҳафтадан бери икковимиз дам олмасдан от чоптириб бу ерга етиб келдик, сен иситма ичида ҳар балолар деб довдираб келдинг. Бугун энди ором олиб ухлайдинг, холос. Агар ўз жонимга бир бало орттирмай десанг, жим ёт,— деди.

Аммо Тарас дикқат қилиб, эс-хушини йигиб олишга ва ўтган воқеаларни эсинга туширишга ҳаракат қиларди.

— Ахир мени ляҳлар ўраб олиб тутишларига сал колган эди-ку? Улар орасидан қутулиб чиқишим жуда мушкул эди-ку?

Эрка боланинг хархашасидан безор бўлган энага сабри колмай болани жеркиганидек, Товкач аччиғланиб:

— Шайтондан туғилган, жим ёт дейман сенга! — деб койинди.— Қандай қилиб қутулганлигинги билганинг билан сенга нима фойда? Қутулибсан, бўпти-да! Сенга вафодорлик қилувчи одам бор экан, сенга шу етади-да, ҳали кечалари озмунча югурамизми? Сен бу баҳонгни анчайин одамнинг баҳоси деб биласанми? Йўқ, сенинг бошингни икки минг олtingга баҳо кесдилар.

Тарас бирданига ўрнидан туришга уриниб:

— Остап нима бўлди? — деди-да, Остапнинг бандга тушганлиги, унинг кўз ўнгига уни боғлаб олганликлари, аллақачон ляҳлар қўлида асир эканлиги ёдига тушди.

Кекса бошини ғам босди. Ярасига боғланган латталарини узиб-йиртиб, иргитиб ташлади. Кичкириб бир нарсалар демокчи эди, гапиролмасдан гулдираб колди. Истмаси яна ошиб, гапи чалкашиб, талвасалай бошлади. Вафодор дўсти койиб, сўкиб, олдида турар эди. Товкач бир илож қилиб қўл-оёғидан тутиб, худди ёш болани ўраб-чулғаб, жароҳатларини қайтадан боғлади, кейин мол терисига ўраб, чилвир билан чирмаб, эгарга маҳкам боғлаб олиб, яна йўлга тушди.

— Ўлигингни бўлса ҳам юртимизга олиб кетаман! Ляхларга сени хор-зор килиб қўймайман, этингни бурда-бурда килиб сувга ташлатиб қўймайман. Кўзингни калхатлар чўқиса ҳам гўрга, поляклар ютидан келган поляк калхати эмас, ўзимизнинг сахроий калхатларимиз чўқисин. Ўлигингни бўлса ҳам Украинаға олиб бораман!

Вафодор дўстининг гапи шу эди; ҳеч дам олмасдан кечакундуз бараварига от чоптириб уни бехуш ҳолда Запорожье Сечига олиб келди. У ерда ҳар хил дори-дармонлар, гиёҳлар билан даволашга тутинди. Аллақаердан жуҳуд хотин топиб келди бу хотин бир ой муттасил уни турли дори-дармон билан бокди бир ой деганда Тарас андак тузалиб, бошини кўтарди. Дори дармонлар кор қилдими ёки ўзининг бақувватлиги сабаб бўлдими бир ярим ой деганда оёғини босди, жароҳатлари битди, факат қилич теккан жойларда қолган ямоклар мўйсафид казакнинг қандай қаттиқ ярадор бўлганидан нишона бериб турар эди. Аммо Тарас хийла хомуш ва ғамгин бўлиб колди. Пешонасига учта катта ажин тушди ва кейин сира кетмади. Теварак-атрофига караса, эски қадрдан биродарларидан ҳеч ким қолмабди, Сечдагилар барчаси янги одамлар. Ҳакконият, дин ва кардоштик садағаси бўлганиларидан ҳеч ким қолмабди. Аскарбоши билан бирга татарларни қувалаб кетганлардан ҳам аллақачон ҳеч ким қолмабди. Ҳаммалари дунёдан ўтибдилар, ҳаммалари ҳалок бўлибдилар. Гоҳлари жангда мардона ўлим топибдилар, гоҳлари Кримнинг шўртоб сахроларида ташна ва нонсиликдан нобуд бўлибдилар, гоҳлари бандиликнинг шармини, хор-зорликни кўтаролмай ўлиб кетибдилар. Аввалги аскарбоши ҳам аллақачон ўлиб кетибди. Эски ёр-биродарларидан ҳеч ким қолмабди, бир замонларда қайнаб тошган казак кучи аллақачон ер бағрига кириб, ўт босиб кетибди. Нихоятда катта, сердабдабаю, серможаро бир тўй, бир кайф-сафо мажлиси, бир маърака бўлиб ўтибди. Эшитгани шу бўлди. Бу тўйда идиш-товоклар битта қолмай синдирилибди, бир катра вино қолмабди, келган меҳмонлар, хизматкорлар барча қимматбаҳо асбобларни, қадаҳларни ўғирлаб кетибдилар, энди тўйхопанинг эгаси кошки бу тўй бўлмаган бўлса эди, деб хафа булиб юрибди. Тараснинг кўнглини овлаб ҳурсанд қилмоқчи бўлардилар, бирок ҳаракатлари беҳудага кетарди. Серсокол мўйсафи дўмбирачилар қайта-қайта айланиб келиб Тараснинг ишларини алкаб ўқир эдилар, лекин Тарас уларга бепарво эди, унинг қовоги сира очилмас, чехрасидан ғамгинлик кетмас, бошини қуйи солиб, маъюс: «Болажоним, Остапгинам!» дерди, холос.

Запорожьеликлар денгиз сафарига отланмоқда эдилар. Икки юз кайик Днепр дарёсига туширилди. Кичик Осиё уларнинг сочи олинган бошларини, узун кокилларини, бу ўлканинг обод кир-

төкларини йикқан ва ёққанларини яна күрди. Конга бүялган далаларида беҳад ва беҳисоб гуллари ҳар тарафға сочилиб, оёқ ости бұлғанидек, фуқаронинг саллалари ҳам ҳар тарафға сочилиб оёқ өсти бұлар, дарёларга окар эди. Запорожъеликларнинг қора мойға беланған чалварлари, илоидек қамчи тутган бакувват құлларини күп күрди бу үлка. Токларини поймол қилиб, узумларини еб қуритдилар. Мачитларыда гүнглар тепа-тепа бұлды. Кимматбаҳо эроний шолларни отларига ёник қилдилар, кир түйлари устидан белбог қилиб боғладылар. Улардан қолган кичкина трубкаларни одамлар топиб оларди.

Запорожъеликлар қайылларига тушиб, шод-хуррам қайтдилар. Туркларнинг үн замбаракли катта кемалары улар кетидан қуvalаб келиб үн замбаракдан бараварига отиб, казакларининг хароб қайылларини күшдек ҳар тарафға пароканда қилдилар. Қайылларнинг учдан бир қисми дengiz гирдобига гарк бұлды. Аммо қолган қайыллар яна тұпланишиб, үн иккى сандық тұла олтии-кумуш билан Диепрга етиб келдилар. Бирок Тарасда бундай ишларга сира ҳавас йүк эди. У ёлғиз үзи овга чиққан бўлиб сахро ва далаларга кетар, лекин мильтиги ўқлағанча қайтиб келар эди. Денгиз бўйига бориб мильтигини ерга қўйиб, ғам-ғуссага тўлиб ўтирас эди. Бунда узок-узок ўтирас, «Болам, Остан, бўтам, Остан!» дер эди ҳолос. Олдида беноён Кора дengиз мавж уриб, товланиб турар эди; узокдаги қамиш ичиди балиқчи күш кичкирар, Тараснинг оқарғай мўйлови кумушдек ялтирас, кўз ёши чак-чак томар эди.

Таrasда тоқат қолмади: «Нима бўлса ҳам бориб биламан, тирикми, үликми? Гўрдами ёки гўрда ҳам асари қолмадимикин? Билмагунча қўймайман!». Орадан бир ҳафта ўтгач отлик, яроғ-аслаҳалик, қилич-қалқон ва наизалик, эгари кошига тўрва осилған, кўвачада талқони, мильтик-дори соладиган кортиги, отга керакли жабдуқлар билан Уман шаҳрига етиб келди. Шаҳарга кириб тўппа-тўгри, даразалари кичкина, кир босган, қандайдир бир нарса билан булғанған, ифлос бир уйга келди. Уйнинг мўрисига латта тикилған, тешнилиб ётган томи тұла чумчук эди. Шундоккина эшик тагида ахлатлар ўюлиб ётибди. Бошига қорайиб кетган марварид қадалған тоқи кийған жуҳуд деразадан караб турарди.

Таras отдан тушиб, отини эшик олдидағи темир илгакка боғларкан:

— Эринг уйдами? — деди.

Жуҳуд хотин:

— Уйда,— деди-да, дарров отга ем учун бир чўмичда буғдой, отлик учун бир коса пиво олиб чиқди.

— Эринг кани?

— Нариги уйда, ибодат қиляпти,— деди жуҳуд хотин. Бульба косани оғзига олиб борганда таъзим қилиб: — Соғ бўлинг,— деди.

— Сен бу ерда қол, отимга ем-хашак, сув беріб қўй, мен ўзим кириб гаплашиб чиқаман, унда ишим бор.

Жуҳуд маълум ва машхур Янкель эди. Бу ерга келиб бирорнинг жойини ижарага олиб саройвонлик қилас экан; секин-секин атроф-теваракдаги боён ва мансабдорларни қўлга олиб, ҳамманинг пулини сўриб олибди, жуҳудлигини бу юрга шундай кўрсатибдики, қаерга борсанг унинг нишонаси бор. Атрофи уч тош ергача хароб бўлмаган битта ҳам уй қолмабди; ҳаммаси бузилган, йикилган; бутун юрт худди ўлат теккандек ёки ўт тушиди куйган-дек вайронага айланибди. Агар Янкель бунда яна ўн йил турса, бутун мамлакатни хароб қилас экан.

Тарас ичкари уйга кирди. Жуҳуд кир босган чодирини ёпи-ниб ибодат қилас экан, ўз динининг қоидасига охирги марта тупурмок учун орқасига қайрилиб эди, орқасида турган Бульбага кўзи тушди. Жуҳуднинг кўзига дафъатан Бульбанинг бошини келтирган кишига ваъда килинган иккى минг олтин кўринди, лекин ўзининг нокаслигидан ўзи шарм қилиб жуҳуднинг дилини доим куртдек саб ётган ҳирсини, олтин суклигини билдириласликка уринди.

Тарас жуҳудга қараб:

— Хой, Янкель, мен сени ўлимдан кутқазиб қолдим, мен бўлмасам запорожъеликлар сени бурда-бурда қилас эдилар, энди навбат сенга етди, бир хизмат қил,— деди. Янкель унга таъзим қила-қила, бориб секин эшикни ёпди, унинг юзи сал буришди.

— Қандай хизмат? Агар имкони бор хизмат бўлса, нега қилмай.

— Индама, мени Варшавага олиб бор.

— Варшавага? Нега Варшавага? — деди Янкель таажжубдан қошлари қайрилиб, кифтлари учиб кетди.

— Индамасдан мени Варшавага бошлай бер. Нима бўлса ҳам уни яна бир марта кўргим, ҳеч бўлмаса бир оғиз сўз айтгим келади.

— Қимга!

— Ўғлим Остапга!

— Ажабо, ҳали эшитганингиз йўқми?..

— Эшитганман, биламан, ҳаммасидан хабарим бор, менинг бошимга иккى минг олтин ваъда килибдилар. Тентаклар бошимнинг баҳосини яхши билибдилар! Мен сенга беш минг олтин бераман. Икки мингини мана ҳозир ол (Бульба чарм ҳамёнидан иккى минг олтинни тўқди), қолганини қайтгач оласан.

Жуҳуд дарров рўмол олиб тилланинг устига ёпди. Тилланинг биттасини қулига олиб, айлантириб томоша қилгач, тишлаб қўриб:

— Ажаб бир тур тилла экан,вой, фалати тилла экан! Бундай олтинни жанобингиз кимдан тортиб олган бўлсангиз ҳам боё-

киш бир соат ҳам дунёда турмасдан ўша ондаёқ ўзини дарёга гашлаб чўкиб кетгандир! — деди.

— Сендан илтимос ҳам қилмасдан ўзим йўл топиб кета берар эдимку, бироқ лаънати ляҳлар мени таниб қолиб тутиб оладиларми, деб хавотир қиласман, чунки айёрликка укувим йўқ, сиз жуҳудлар айёрликка яратилгансизлар, сизлар шайтонни ҳам алдайсизлар. Сизлар ҳар нарсани биласизлар, шунинг учун мен сенинг олдингга келдим. Сўнгра битта ўзим Варшавада ҳеч нарса қиломайман. Дарров аравангни кўш, мени олиб бор!

— Жанобингиз, байтални қўшдигу, чу деб кета бердик, деб ўйлайдиларми! Сизни яширмасдан шундок кета берсак бўлади, деб ўйлайсизми?

— Бўлмаса билганингча яшир; бўш бочкага тикиб қўяссанми?

— Вой,вой. Сизни бочкага бекитиб бўлади, деб ўйлайсизми? Ахир билмайсизми бочкани кўргандан кейин, ҳар қандай одам ҳам арок деб ўйлайди-да.

— Майли, арок десалар дея берсинлар.

Жуҳуд:

— И-я! Майли дейсизми? — деб икки қули билан гажакларини силаб, кейин юкори кўтарди.

— Ха, бунча ҳовлиқасан?

— Ахир билмайдиларми, арокни худо ичмок учун яратган? Бундагиларнинг ҳаммаси нафси бузук, ширинхўрлар, ляҳ бочкани кўрса беш тош ергача орқасидан югуриб бориб тешмагунча қўймайди. Тешгандан кейин арок оқмаса дарров гумон қилади, бўш бочкани жуҳуд бекорга аравага ортиб юрмайди, бир балоси бор, деб пайқайди. «Тутинглар жуҳудни, боғланглар жуҳудни, қаманглар, пулларни тортиб олинглар!» дейдилар. Чунки нима бало бўлса жуҳуддан кўрадилар; чунки жуҳудни ҳамма ит қаторида кўради, жуҳуд бўлгандан кейин одам эмас, деб ўйлайдилар!

— Бўлмаса балиқ оргтан аравага ўтказиб қўй.

— Ҳеч бўлмайди, азбаройи худо, бўлмайди! Польшада ҳозир ҳамма итдан баттар оч, балиқни ҳам ўғирлаб кетадилар, сизни ҳам пайқаб қоладилар.

— Билганингни қил, нима қилсанг ҳам мени олиб бор!

Жуҳуд енгини шимариб олиб, қўлларини паншаха қилиб яқин келиб деди:

— Топдим чорасини пан, ҳозир ҳар ерда қурғон ва қалъалар солмоқдалар, Неметчинадан¹ фараанг усталари келганлар, шунинг учун йўлларда ғишт, тош ортиб бораётган аравалар кўп. Сиз арава тагига ётиб олинг, устингиздан ғишт ортаман. Ўзингиз бақувват, полвон одамсиз, оғир бўлса сизга ҳеч нарса қилмас,

¹ Бурун Германияни Неметчина деб атардилар.

араванинг тагидан тешик қилиб кўяман, овқатни ўша тешикдан бериб тураман.

— Нима қилсанг қил, ишқилиб олиб борсанг бўлгани.

Бир соатдан кейин икки хароб қирчанғи от қўшилган арава, устида ғишт билан Умань шаҳаридан чиқиб жўнади. Бир отга баланд бўйли Янкель минган, у йўл бўйига қоқилган қозикдек новча бўлиб, сакраган сари, қалпоғи тагидан чиқиб турган узун жингалак қокили селкиллаб ўйнар эди.

XI

Бунда баён қилинган воқеалар бўлган замонда чегарага яқин жойларда божхона деган нарсалар, тужжорлар офати бўлган божчи амалдорлар сира йўқ эди ва шу сабабдан ҳар ким ҳоҳлаган нарсасини ҳар қаерга олиб бора берарди. Мабодо бирор тужжорнинг юқини тинтиб мусодара қилгундай бўлса, ўз нафси учун қиласар эди, хусусан юкнинг ичида кўзга яхши кўринган нарсалар бўлса ва унинг билагида кучи кўп, муштуми оғир бўлса, шундай қиларди. Аммо ғиштга талабгор бўлмади, шунинг учун арава шаҳарнинг катта дарвозасидан бемалол кириб бора берди. Бульба қафасдек жойда ўтириб, араваларнинг такир-тукури ва аравакашларнинг шовқин-суронидан бошқа ҳеч нарса эшиитмас эди. Чанг-тўзон босган калта бурул отига миниб, дингиллаб кетаётган Янкель айланиб-айланиб бориб жуҳуд маҳалла деб юргизилган қоп-қоронғи ифлос тор кўчага қайрилди. Бу кўчанинг жуҳуд маҳалла дейилишининг боиси шу эдики, Варшавадаги жуҳудларнинг ҳаммаси шу маҳаллада туарар эди. Бу кўча тескарисига ағдарилган орқа ҳовлига жуда ўҳшаб кетар, офтоб юзини асло кўрмас эди. Қоп-кора босган ёғоч уйларнинг деразаларидан ҳар қаерда бир хода чиқиб туарар ва бу уйлар кўчани баттарроқ ноҳу什 қилар эди. Гоҳ-гоҳда ғишт деворлар учраб қолар, аммо бу ғишт деворлар ҳам қорайнб кетган эди. Гоҳда деворнинг юқорисидаги бир парча ганчига офтоб тушиб кўзни қамаштирадиган даражада яраклар эди. Бунда ҳар нарса пойма-пой, бир ёқда мўрилар, бир ёқда эски-туски латталар, бузук бочкалар, пӯчоқлар. Бундагилар ахлати борми, ярамас ташланди буюми борми, ҳаммасини кўчага чиқазиб ташлардилар ва ўтган-кетганларга бу ахлатларни куриб ва ҳидлаб «хузур» қилишга имкон берар эдилар. Кўчанинг у бетидаги уйдан бу бетидаги уйга тортилиб жуҳудларнинг пайпоклари, калта иштонлари ва дудланган гоз оснлиб кўйилган ёғочларга отликларнинг бошлари тегай-тегай дер эди. Гоҳда упа-эликларни хўп суртиб, мунчокларни такиб олган жуҳуд хотинишинг башараси кўхна деразадан куриниб қоларди. Афт-башараларини кир босган, соchlари кўнғирок, бир галачувринди жуҳудбачалар лойга белапиб, шовқин кўтариб ўйнашар

ди. Чумчук тухумидек бутун афти-башарасини сепкил босгап сап-сарик жуҳуд ойнадан бошини чиқазиб, дарров Янкель билан түжурлаша кетди, кейин Янкель бир ҳовлига кирди. Күчада яна бир жуҳуд кетаётган эди, бу ҳам тұхтаб гапга аралашди; Бульба шыңдоят гишт тагидан әмаклаб чиққанда жуда ҳовликишиб сұзлашиб турған уч жуҳудни күрди.

Янкель унга қараб: «Нимаики талабингиз бұлса ҳаммасини қиламиз, үглингиз шаҳар зиндонида ётар экан, посбонларни күндириш жуда кийин, лекин уни сизга күрсатиш мұяссар бұлса ҳам ажаб әмас» деди.

Бульба учала жуҳуд билан бирга ичкари уйға кирди.

Жуҳудлар яна үз тилларида чулдирашиб кетдилар. Тарас ҳар қайсисига бир-бир қараб үтирада эди. Ичдан бир нарсаны сезғандай бұлды. Лоқайд ва тунд юзида аллақандай умид олови ёндикі, одам нажотдан умид узиб дилгир булиб турған чокда бирдан пайдо бұлғын қоладынан күвватли умид кишини шундай кайфиятга солади. Уннинг кексайған қалби йигитларниңдек гурс-гурс ура бошлади. Тарас:

— Жуҳудлар, менинг гапимга кулок солинглар,— деди; уннинг бу сұзинде қандайдир бир шодлик аломати бор эди.— Оламда сизларнинг құлингиздан келмаган иш йўқ, шур дарёнинг қаърида бұлса ҳам топасизлар, бурунгиларнинг: агар жуҳуд хохласа үзини-үзи ҳам үғирлайди, деган гапи бор. Болам Остапни күтқазиб беринг! Малъунларнинг құлидан чиқиб қочиш чорасини күрсатинг. Манав одамга үн икки минг олтин ваъда қилдим, яна үн икки минг қүшай. Қимматбаҳо қадаҳларимни, ерга күмилған олтынларимни берай, уй-жойларимни, устимдаги кийимимни сотай, умрим борича нима үлжа қылсам ҳаммасини сизлар билан тенг бўлай ва шуига сиз билан шарт боғлай!

Янкель ух тортиб:

— Йўқ, йўқ! Асло иложи йўқ, жаноби пан, сира бўлмайди! — деди.

Жуҳуднинг униси ҳам:

— Йўқ, йўқ! Иложи йўқ! — деди.

Кейин учови бир-бирига қарашиб олди.

Учинчи жуҳуд бошқаларга қараб, ҳадик билан:

— Бир ҳаракат қилиб кўрмаймизми? Худо берса, ажаб әмас,— деди.

Жуҳудларнинг учови немисчалашиб кетди. Бульба қулогини диккайтириб ҳар қанча қылса ҳам ҳеч тушуна олмади. Ҳадеб: «Мардоҳай», «Мардоҳай» деганларини фахмлади, холос.

— Менинг гапимга кулок солинг. Ер юзида ёлғиз бир одам бор, шу одам билан маслаҳатлашмоқ керак. У шундай одамки, доноликда Сулаймон пайғамбарга тенг; уннинг құлидан келмаган иш бошқа ҳеч кимнинг құлидан келмайди. Шу ерда үтиринг! Мана калит! Ҳеч кимни киргизманг! — деди Янкель

Жуҳудлар кӯчага чиқиб кетдилар.

Тарас эшикни ёпиб олиб, кичкина дарчадан ифлос жуҳуд маҳаллани томоша қилиб ўтириди. Уч жуҳуд кӯчанинг ўртасида турниб олиб, бир-бирига гап бермай сўзлашар эди. Бир фурсатдан кейин уларга яна биттаси қўшилди, яна бир оздан кейин тагин биттаси келди. Тарас яна ҳалиги «Мардохай», «Мардохай» деган сўзни эшилди. Жуҳудлар ҳадеб кӯчанинг бир томонига қаар эдилар. Нихоят кӯчанинг оҳиридаги хароба бир уй орқасидан жуҳудча ковуш кийган бир оёқ ва узун тўннинг этаклари кўриди. Жуҳудлар биракайнга «Ана Мардохай, Мардохай!» деб кичкирдилар. Янкселга қараганда орнокроқ, лекин юзида ажинлари кўпроқ, юкори лаби жуда калин бир жуҳуд мунтазир бўлиб турган жуҳудлар олдига келди. Жуҳудлар бири олиб, бири кўйиб бир нарсалар айтар эдилар. Мардохай Тарас турган уйнинг дарчасига қараб-қараб қўяр эди, бундан Тарас унинг тўғрисида сўзлашаётганини фахмлади. Мардохай қўлини пахса қилиб, бошқаларнинг сўзини булиб бир нарсалар дер, ҳадеганда ёнига тупуриб, гўнининг этагини кўтариб қўяр, қўлини киссасига тикиб аллақандай сокка-покқалар олар ва мағар иштонини кўрсатар эди. Бир маҳал жуҳудлар ҳаммаси чуғурлашиб шундай говға кутардиларки, нарирокда коровул турган бир жуҳуд уларга ишора килиб: «Жим бўлинг!» деди. Буни қўриб турган Тарас ўзидан хавотир ола бошлади, аммо жуҳудлар албатта кӯчада можаро қилишлари ва уларнинг тилига иблис ҳам тушунмаслиги эсига тушиб хотиржам бўлди.

Орадан икки минутча ўтгач, жуҳудлар Тараснинг олдига қириб келдилар, Мардохай Тарас ёнига келиб унинг елкасига қокиб: «Биз хоҳлаган-у, худо хоҳлаган иш бўлмай қолмайди» деди.

Тарас мисли бўлмаган бу Сулаймонга тикилиб қарагач, кўнгли бирмунча оромланди; дарҳақикат, унинг қиёфаси одамни унга инонтирар эди; юкори лаби жуда бадбуруш, бундай йўғон тортиб кетгани бежиз эмас. Бу Сулаймоннинг соколида атиги ўн беш тола мўй бор, бу ҳам факат чап томонида эди. Юзинда, шўхлигидан еган калтакларидан колган ямоқ-чамоқлари кўп эдикки, уларнинг саноги аллақачон эсидан чиқиб кетганлиги ва уларни туғма холлар қаторида санашга ўрганиб қолганлиги бешаку бешубҳа эди.

Мардохай унинг донолигига офарин ўқиб ҳайрон колган шериклари билан бирга чиқиб кетди. Бульба якка қолиб, умрида ҳеч бир бўлмаган ажиб бир ҳолатда эди, умрида бир марта хавотирланиб, кўнгли ташвиш тортиб изтиробга тушди. У энди аввал-гидек азамат чинор дарахтига ўхшамас эди, энди юраги қолмади, куввати кетди. Шитир этган товуш юрагини ўйнатар, кўча бошида қўринган ҳар бир жуҳуднинг шарпаси унинг юрагини

орзиктираар эди. Шу ахволда кунни кеч қилди. Емади, ичмали, күчадаги кичик деразадан күзини асло олмади. Ниҳоят кеч пайтида Мардохай билан Янкель узокдан күринди. Тараснинг юраги ёрилгундай бўлди.

Асов отдек бетокланиб:

— Нима бўлди? Иш ўнгиданми? — деб сўради.

Жуҳудлар нафасларини ростлаб жавоб қайтаргунча бўлмай, Мардохайнинг, гарчи хийли хунук бўлса ҳам, токиси тагидан гажак бўлиб чиқиб турган кокили йўқ бўлиб колганини Тарас дарров пайқади, Нимадир бир нарса айтмоқчи бўлиб алланима балолар деди, лекин Тарас ҳеч нарса англамади. Янкель ҳам худди тумов кишидек ҳа деганда қўлини оғзига тутар эди, холос.

— Э марҳаматли хўжам! — деди Янкель.— Энди сира иложи йўқ! Азбаройи худо, иложи йўқ. Бу ҳалк шундай ярамас эканки, бошига тупурмоқдан бошкага арзимайди. Мана, Мардохай айтсин, бу киши дунёда ҳеч ким қилмаган ишни қилди, лекин худонинг хоҳиши бўлмади. Уч минг аскар посбонликда турибди, эртага уларни дорга осармишлар.

Тарас жуҳудларнинг кўзига тикилиб қаради, бироқ энди, аввалгилик бетоқат ва ғазабнок эмас эди.

— Агар жаноблари кўрмок истасалар эртага саҳарда, тонг отмасдан аввал бормоқ керак. Посбонлар рози бўлдишлар, ясовул боши ҳам ваъда қилди. Аммо манглайи қоралар ниҳоятда баднафс ҳалқ экан-да! Шўрим қурсин! Бизларнинг орамизда ҳам бунақаси йўқ. Ҳар қайсисига эллик олтиндан бердим, ясовул бошига бўлса...

— Яхши. Мени унинг олдига элт! — деди Тарас. Аввалги мардоналиги яна қайтди.

Янкель:

— Немис мамлакатидан келган ажнабий граф кийимини кийдириб олиб бораман,— деб эди, Тарас унинг бу таклифига рози бўлди. Узоқнинг мулоҳазасини қилган жуҳуд энгилларни аллақачон ҳозирлаб ҳам қўйган экан. Кеч бўлиб колган эди. Ўйнинг эгаси, бояги сепкил босган сарик жуҳуд читтага ўхаш бир нарса билан қопланган юпка бир тушак олиб чиқиб, сўрига Бульбага ўрин солиб берди. Янкель ерга тушак солиб ётди. Сарик жуҳуд бир пиёлачада аллақандай шарбатни ичиб олгандан кейин пайпоғи ва ковуши билан жўжа-хўrozга ўхшаб, хотини иккови жавонга ўхшаган бир нарса ичига кириб кетди. Икки жуҳудвачча, икки кучукваччадек жавон тагида — ерда ётди. Аммо Тарас ухламади. Бармоғи билан столни тикирлатиб хомуш ўтиради, Оғзидағи трубкасини тутатар эди, холос. Жуҳуд тутундан акса уриб кўрпага бурканди. Тарас тонг ёришар-ёришмас Янкелни оёғи билан туртиб уйғотди.

— Жуҳуд, тур, графга энгилингни бер!

Бир онда кийинди. Мүйлов ва кошларини қорага бўяди, бошига ихчамгина кора токи кийди. Бу қиёфатда уни яқин қариндош казаклари ҳам таниёлмас эдилар. Афти ўттиз бешдан ошмаган одамга ўхшар эди. Рухсори қип-қизил, юзидағи ямоклари уидаги салобатни яна оширас, зарбоф кийимлар жуда ярашиб турарди.

Кўчалар ҳали ҳам уйкуда. Пулпастлардан ҳеч ким ҳали шаҳар кўчасига чиккани йўқ, Бульба билан Янкель чўқкайиб ўтирган лайлакка ўхшаган бир иморат олдига келдилар. Ялпайган, пастак бу иморатнинг бир ёғидан лайлакнинг бўйнидек узун мезана чиқиб туар, мезананинг тепасида кичкина томча ҳам бор. Бу иморатнинг вазифаси ҳам кўп эди; казарма ҳам, авахта ҳам, ҳатто қозиҳона ҳам шу ерда эди. Бизнинг йўловчиларимиз дарвозадан кириб, катта айвонга чиқдилар. Бунда бир мингга яқин одам ётарди. Рўпарадаги пастаккина эшик олдида ўтирган посбонлар чертмак ўйнаб ўтирадилар. Посбонлар келган-кетганларга учча парво қилмас эдилар, шунинг учун Янкель.

— Бизмиз, оғалар,— дегандан кейин қайрилиб қарадилар.

Улардан бири бир қўли билан эшикни очаркан, иккинчи қўлини чертмакка тутиб бериб:

— Киринглар! — деди.

Улар коронгу, тор йўлакка кирдилар ва бу йўлакдан бориб яна шунаقا юқориси бор дераза залга чиқдилар. Бир неча киши бирданига бақиришиб:

— Кимсан? — дейишди; Тарас бир талай мукаммал куролланган одамни кўрди.

— Ҳеч кимни киргизишга рухсат йўқ.

Янкель:

— Бизмиз, биз! Азбаройи худо, бизмиз! — деб шунча қичкирса ҳам ҳеч ким унга қулок солмади. Яхшики шу пайтда семиз бир одам келиб қолди; афтидан катталардан бўлса керак, чунки ҳаммадан қаттиқроқ сўқинар эди.

— Жанобингиз бизларни биласиз-ку, граф жаноблари ҳали яна кўп муруват қиласидилар.

— Қўйиб юборинг, лаънатилар, бошқа ҳеч кимни киргизманг. Ҳеч қайсингиз қиличингизни қўйманг, итдек ерда ағанаб ёта кўрманг...

Бу амр ва фармойишларнинг кетини бизнинг йўловчиларимиз эшитмадилар. Янкель кимни кўрса:

— Бизмиз, пан, биз, ошнамиз,— дер эди.

Улар бора-бора йўлакнинг охирига етганларидан кейин посбонларнинг биридан:

— Энди мумкинми? — деб сўради.

— Мумкин, бирок авахтанинг ичкарисига сизларни киргизармикаплар. Ян кетиб қолди, унинг ўрнига бошқа одам турибди,— деди посбон.

Жуҳуд оҳистагина:

— Э, аттанг, ишимиз пачава-ку, марҳаматли ҳужам! — деди.

Тарас ҳеч нарсага қулоқ солмай ўжарлик билан:

— Бошла! — деди. Жуҳуд ночор итоат килди.

Тепаси қубба зинданнинг олдида мўйлови шопдек бир сарбоз турибди. Мўйлови уч ёққа айри бўлиб, биттаси баландга, биттаси пастга, биттаси тўғрига караб кетган; шунинг учун мушукка ўхшар эди.

Жуҳуд икки букилиб ёнбошлаб юриб, унинг олдига борди.

— Мұхтарам афандим. Улуғ мартабали пан жаноблари!

— Сен жуҳуд, менга галирятсанми?

— Ҳа... жаноби пан!

Мўйловдорнинг кўзлари чараклаб:

— Ҳм... Мен анчайин бир аскарман,— деди.

— Азбаройи худо, мен ҳокимнинг худди ўзи деб ўйлаган эдим. Ҳай, ҳай, ҳай...— Жуҳуд буни деркан беш панжасини керди, бош чайқади:— Савлатни каранг-а! Худо ҳаки полковникнинг худди ўзи бўларди-я! Жанобингизни пашшадан ҳам илдамроқ арғумоққа миндириб қўймоқ керак, ана ундан кейин машқ бера берад эдингиз!

Сарбоз пастки мўйловини ростлаб кўйди, кўзлари жуда хуррам бўлиб суюниб кетди.

Жуҳуд яна сўз котиб:

— Ҳарбийлар ҳам ғалати бўлади-да! Булардан яхши одам бўлмайди:вой,вой,таърифини кўя беринг. Бофичлари, туймачалири... олтиндек йилтирайди-я! Қизлар кўрганда... Вой,вой!

Жуҳуд яна бошини айлантириб қўяди.

Сарбоз юқори мўйловини бураб, отнинг кишинашига ўхсан-қираб кетган бир товуш чикарди.

— Жанобингиздан бизга бир хизмат кўрсатишингизни сурайман. Улуг, бошқа юртдан келибдилар, казакларни бир кўрай, дейдилар; казак деган халқни асло кўрмаган эканлар,— деди жуҳуд.

Европанинг чала Осиё бир қисмини томоша қилмоқ учун бошқа юртлардан кўп ажнабий граф ва баронлар Польшага саёҳатга келар эдилар. Масковия билан Украинани улар Осиё хисоблар эдилар. Шу сабабдан сарбоз бошини эгиб таъзим қилгач, бир неча калима сўз котмокни лозим топди:

— Билолмадим, жаноби олий, уларни кўриб нима қиладилар. Улар одам эмас, ит! Динлари ҳам ҳеч ким танимаган расво бир дин.

— Шайтондан бўлган, бекор айтибсан! Ит — сан бўласан. Бизнинг динимизни бунда булғатгани кандай тилинг борди. Сизларнинг бидъат динларингизни ҳеч ким танимайди,— леди Бульба.

Сарбоз:

— Эха, эха! Ошнам, кимлигингни билдим. Сен ҳам бундаги бандилардансан. Шошмай тур, мен одамларимизни чақирай,— деди.

Тарас чакки иш қилиб қўйганини билди, аммо қайсарлиги устига алами қўшилиб, қилган хатосини тузатиш тўғрисида ўйлашга қўймади.

Яхшики Янкель дарров келиб қолди.

— Мухтарам афанди! Қандай килиб граф казак бўлсин. Агар чанди казак бўлса устидаги жомаларни қаердан олади, қиёфати шунака бўладими?

— Менга чўпчагингни айтма! — Сарбоз бошлиқларни чақирмок бўлиб оғзини очди.

Янкелнинг қути учиб:

— Шавкатли подшоҳим! Чакирманг! Худо ҳаки, шовкинламанг. Овозингизни чиқарманг, умрингизда қўрмаган нарсангизни берамиз, ўн сўмлик тилладан иккитасини берамиз,— деди.

— Эха, икки олтин! Икки олтинингиз менга нима? Сочимнинг ярмисини кириб қўйганига сартарошга икки олтин бераман. Ҳой, жуҳуд, юз олтин берсанг, унда майли! — Сарбоз юкори мўйловини бураб қўйди.— Агар юз олтин бермасанг, ҳозир чақираман!

Ранги учиб, кони кочган жуҳуд чарм ҳамёнини ечаркан, қалтираб:

— Нега бунча кўп сўрайсиз? — деди. Аммо унинг баҳтига ҳамёнида бошқа пул йўқ эди, сарбоз ҳам юздан ортиқ санашни билмас эди.

Сарбоз кўпроқ сўрамаганига афсуслангандек бўлиб пулларни кўлидан-қўлига олиб турганини кўрган Янкель ҳовлиқиб:

— Афандим, афандим, тезрок кетайлик! Бу одамларнинг ёмонлигини кўрдингизми! — деди.

Бульба аччиғланиб:

— Ҳой, шайтоннинг сарбози, пулни олишга олдинг, энди кўрсатмайман дейсанми; йўқ, энди кўрсат. Пул олганингдан кейин кўрсатмасликка ҳаққинг йўқ! — деди.

— Кетинг, кетинг, йўқолинг! Бўлмаса ҳозир маълум киламан; сизни дарров тутиб... Сизга айтаман, тезрок туёғингизни шиклатинг!

Бечора Янкель:

— Афандим, афандим, юринг кетайлик, азбаройи худо, кетайлик, куриб кетсан, тушида босирқасин! — деб карғар эди.

Бульба бошини қуий солиб секин орқасига қайрилди. Бекорга қўлдан кетган олтинлар эсига тушганда аламига чидамаган Янкель уни койиб, орқасидан борар эди.

— Тегиб нима қиласардингиз? Ит акилласа акилларди-да!

Бу халқ сўкмасдан туролмайди. Шўрим қурсин, худонинг хоҳиши шу экан-да! Бизни қувалаб чиқазгани учун юз олтинимизни олди-я! Бизлар бўлсак кокилимизни юлиб олсалар ҳам, афтибашаримизнинг расвосини чиқарсалар ҳам ҳеч ким бизга юз олтин бермайди. Э худойим, ўзинг раҳм қил!

Аммо бу мағлубият ҳаммадан Бульбага ёмон таъсир қилди. Унинг кўзида пайдо бўлган ўт бунинг аломати эди.

Гўё бехушликдан сесканиб уйғонгандек:

— Юр, кетамиз! Бозор жойинга борамиз. Уни қандай қийнар эканлар, шуни кўрмок истайман,— деди.

— Э афандим, нима киласиз бориб? Барибир бунинг фойдаси йўқ-ку.

Бульба қайсарлик қилиб:

— Юр, борамиз! — деди, жуҳуд ёш боланинг энагаси боланинг хархасасига кўниб, унинг айтганини қилгандек ух тортиб, орқасига тушиб кета берди.

Маҳбусларга жазо бериладиган майдонни топиб бориш кийин эмас, чунки ҳамма ўша ёққа борар эди. У дагал замонда дор авом халқ учун эмас, балки кибор тоифалар учун ҳам катта томоша эди. Қанча-қанча художўй кампирлар, қанча-қанча кўрқоқ қиз-жувонлар томоша қилгандан кейин, туни билан босин-қираб, кўзларига қонга беланган ўлликлар кўриниб, маст сарбозлардан баттар бақиришсалар ҳам, бу томошадан қолмай дор тагнга борар эдилар. Уларнинг кўплари юраклари зириллаб, қарашга токатлари қолмай, тескари қараб кўзларини юниб:

— Вой, во-ей, мунча азоб берадилар-а! — дер эдилар-ку, лекин барибир, кетмасдан қанчагача бўлса ҳам тура берар эдилар. Баъзилари яхшироқ томоша қилмок учун оғизларини очиб, кўлларини чўзиб, одамларнинг тепасига миниб олгудай бўлар эдилар. Бир талай кичкина, оддий каллалар орасидан қассоб хум калласини чиқазиб турар ва бу ишлардан яхши хабардор кишидек жаллодларнинг ҳар бир ҳаракатига дикқат қилиб турар, ёнида турган милтиқсоз устани «ошна» дерди, чунки байрам кунларида у билан бирга арокхонага кириб ичишар эди. Баъзилар жуда кизишиб гапиришар эдилар, баъзилар ҳатто бас боғлашар эдилар. Бироқ одамларнинг кўпчилиги, бутун дунёга ва бу дунёning барча можароларига бурунларини кавлаб қараб тура берадиган одамлар эди. Ҳаммадан олдинда шаҳар соқчилари бўлган мўйловдор сарбозлар олдида бойвачча ёки бойваччанамо бир йигит сипохий кийимда турар эди. Бу сипоҳ, бисотида нимаси бўлса ҳаммасини устига илиб чиқибди, уйида йиртиқ кўйлаги билан эски этигидан бошқа ҳеч нарса қолмаган чиқар. Бўйнида пасту баланд икки қатор занжир осиғлик, занжирга қандайдир бир танга ҳам илиғлик, ёнида маҳбубаси турибди, унинг ипак кўйлагини бирор кир қилиб қўймасин,

деб түрт тарафга аланглагани-аланглаган. Махбубасига ҳамма воқеани айтиб тушунтириб берди, айтмаган ҳеч нарсаси қолмади. «Жоним Юзися, кўриб турганингиз бу одамлар гуноҳкорни қандай кийиаб, ўлдиришларини томоша килгани келган одамлардир. Жонгинам, кўз олдингизда турган анов ойболталиқ, шопу шалоплик одам жаллодdir, жазо берувчи ўша. Буров солиб, турли-турли кийнокларга солганда ҳам гуноҳкор дарров ўла қолмайди. Кейин бошини кесиб ташлайди; бундан кейин, жоним, бирпасда ўлади. Аввал хўп додлаб питирлайди, лекин калласи чопилганок товуши ўчади; сув ичолмайди, овқат еёлмайди, чунки жоним, танасида боши йўқ-да!» Юзися ҳам бу гапларга кулок солиб, юраги орзикib эшитиб ўтиради. Томларда лиқ тўла одам. Тўйнуклардан дўппига ўхшаган ғалати қалпоқчалар кийган, мўйлови бадбуруш башаралар караб тураган эди. Кибор боёнлар болохоналарда бошларига чодир тикиб ўтирадилар. Оппок кантдек йилтираган тишларини кўрсатиб кулиб турган бойвуччанинг чиройли қўллари панжарани ушлаб турибди. Биққа семиз жаноби олийлар гердайиб таманно билан караб туардилар. Енги ташланган, ясанган бир малай шаробу шарбатлар ва лазиз овқатлар ташиб туарди. Кора кўзли шўх бола оппок кўлига ҳолва ва меваларни олиб, одамлар устига иргитар эди. Тўда-тўда бўлиб турган оч сипоҳийлар қалпоқларини тутар эдилар, ранги айнинган қизил тўннининг зарбогичлари корайган аскарбаччалардан бирори новча бўйини чўзиб, узун қўли билан бола ташлаган нарсани ушлаб олгач, аввал ўпиб, сийнасига босиб, кейин оғзига соларди. Болохснада олтин қафасда осиглик турган қарчигай ҳам томошибинлардан эди. У ҳам бўйинни қайириб, бутини кўтариб одамларга тикилиб каарди. Одамлар бирданига говға кутардилар, ҳар тарафдан: «Опкеляяптилар!.. Опкеляяптилар!» деган товуш чиқди.

Бош яланг, кокиллари ўсиб тушган, соколларни ўсиб кетган казаклар кўркмасдан, хафа ҳам бўлмасдан магруона ва мардона келар эдилар. Қимматбаҳо мовут кийимлари тўзиб, йиртиклари осилган эди. Халойиқ томонига карамас ва салом ҳам бермас эдилар. Олдинда Остап.

Ўғли Остапни кўрганда чол Тараснинг кўнглидан нималар ўтди? Қандай хисснётлар дилидан кечди? Одамлар орасидан унга бокар ва унинг ҳар бир ҳаракатини диккат билан кузатиб туарди. Махбуслар дор тагига яқин келдилар. Остап тўхтади. Бу аччинг ўлим шарбатини аввал ичадиган у эди. Шерикларига караб қўлинни юқори кўтариб баланд овоз билан айтди:

— Худоё, християннинг азоб тортиб, додлаганини бунда кўрган фосикларга эшитгулик кильма! Ҳеч қайсимиздан чурк этган овоз чиқмасин! Буни деб дор тагига яқинроқ келди.

Бульба:

— Баракалла, ўглим, баракалла! — деди-да, мўйсафиц бошини қуи солди.

Жаллод унинг тўзиган кийимларини ечиб олди. Кўл ва оёги га кунда солдилар, сунгра... жаҳаннам азобини бунда тасвир қилиб, ўқувчиларимиз дилини сиёҳ қилиб ўтирамаймиз, бу азобларни тасвир қилсак, ўқувчиларимизнинг тепа соchlари тик бўлар эди. Бу қийноклар у дағал замонининг ўз маҳсули эди, у замонларда одам боласи факат конли урушларни билар ва шунинг учун конхўрликка ўрганиб, кўнгли тошдек қотиб кетган ва инсонпарварликни билмас эди. У аср одамларининг баъзи бир саралари бу ваҳшийликларга карши бўлсалар ҳам уларнинг қаршилиги бехудага кетар эди. Подшолар, илм-маърифат соясида қулф-диллари очилган кўп диловарлар бундай даҳшатли чоралар факат казак миллатининг қаҳри ва ғазабини қўзғатажагини фахмлар эдилар. Бироқ давлат аёнлари, ҳоким ва тўраларнинг қилган бебошлиқ ва ғаддорликлари олдида подшонинг ҳукми ва донишмандларнинг фикри ҳеч бўлиб қоларди. Бу ғаддорлар калтабинлик, худбинлик ва гўдаклар каби бемаъни ва бемаза мағрурликлари орқасида мамлакат идорасини масхара ва ҳажвга айлантиридилар. Остап азоб ва қийнокларга мардона туриб, бардош қилиб берди. Ҳатто кўл ва оёфининг суякларини мажаклаганларида ва бунинг мудҳиш овози жим турган одамлардан ошиб узокдаги томошабинлар қулоғига етганда, бойваччалар кўзларини юмиб тескари караганларида ҳам ундан садо чикмади, аммо факат юзи таскин топди. Тарас одамлар ичидан бошини қуи солиб, аммо кош-ковогини кўтариб мардона караб турар ва: «Баракалла, ўглим, балли ўглим!» деб таҳсин ўқир эди, холос.

Бироқ қийноқ жуда жонидан ўтиб ўладиган бўлганда тоқати қолмади, шекилли, кўзлари жовдираб тўрт тарафга қаради. Э худо, қани энди бир ошна кўринса! Ҳамма ёт, ҳамма — бегона! Үлар вактида кариндошларидан лоақал бир киши бўлса эди. Ожиза онасининг дод-фарёдини ёки соchlарини юлиб, оқ қўксига урувчи рафиқасининг йифисини эшитгиси келмайди. Унинг тилаги шу, у бундоқ пайтда яхши сўз билан уни юпатувчи, кўнглини овловчи бир эр йигитни кўрмоқ истайди. Ҳолдан кетиб, дармонсиз йиқиларкан:

— Отам! Қаердасан? Эшитяпсанми? — деб қичқириб юборди.

Ҳамма жимжит турган бир кезда:

— Эшитдим! — деган бир хайқирик чиқди-ю, жами халойиқ ичига ғулғула тушди.

Отлик сипоҳлардан бир қанчаси одамларни оралаб қидиришга тутинди. Янкель ранги учиб мурда бўлиб қолди; сарбозлар ундан нарироқ кетганларидан кейин Тарасга қарамоқчи бўлиб қўрка-писа қайрилиб боқди, аммо Тарас йўқ, аллақачон изи ҳам қолмабди.

Тараснинг изи топилди. Бир юз йингирма минг казак қўшини Украина чегараларида пайдо бўлди. Бу қўшин ўлжа кидириб чиқсан, ёки татарларни кувалаб келган кичик бир аскар эмасди. Йўқ, энди бутун миллат қўзғалди, чунки халқнинг сабр косаси тўлди. Ҳак-хуқуқларини поймол қилганлардан, уни ҳўрлаганлардан, ота-бобосининг дини ва урф-одатларини ҳакорат қилганлардан, ибодатхоналарини оёқ ости қилганлардан, зулм қилган, эзган, жабру жафосини ўтказган ажнабий боёнлардан, ўз динига киргизмоқчи бўлган бидъатчилардан христианлар юртида жуҳудлар ҳокимлик қилиб миллати, номуси тўкилганлиги учун, хуллас кўп замонлардан бери казакларнинг қаҳру газабини қўзғатиб, аламини ошириб келаётган барча бедодликлар учун энди уч олиб, аламини чиқармоқ учун қўзғалди. Ёш бўлса ҳам дили бақувват гетман¹ Остраница² беҳад ва беҳисоб казак қўшинига бош бўлиб борар эди. Маслаҳатчиси ва дўсти кекса Гуня унинг ёнида борар эди. Саккиз полковник ҳар қайсиси ўн икки минг аскарга бош борар эди. Икки ясовулбоши билан икки бош байроқдор унинг кетидан борар эдилар. Бош туғчи туг тагида борар эди. Яна бир талай байроқ ва туғлар бор эди. Туғдорлар туғларини кўтариб борар эдилар. Яна бир талай амалдор ва мансабдорлар, карвонбоши, миrzабоши, ясовул-баковуллар бор эди, буларнинг ҳар қайсиси қўл остида пиёда ва отлиқ аскарлар бор эди. Сафарбар аскарлар қанча бўлса тахминан яна шунча фидойилар, кўнгиллилар бор эди. Қаердаки казак бўлса ҳаммаси қўзғалди; Чигириндан, Переяславдан, Батуриндан, Глуховдан, Днепрининг этак томонидан — ундаги барча орол ва ирмоклардан отланиб келдилар. Даля ва даштларда сонсиз-саноқсиз отравалар кети узилмасдан борар эди. Ана шу казаклар орасида ҳалиги саккиз гуруҳ аскар ичида энг яхшиси Тарас Бульба қўл остидаги аскарлар эди. Унинг кексайган ёши, кўп иш кўрганлиги, қўшинга йўлбошлилк қилишга усталиги, душманга қаҳри ҳаммадан ортиклиги уни бошқалардан ортиқ ва мартабасини улуғ қиласди. Унинг бераҳм ва бешафқат баттоллиги ҳатто казакларнинг ўзларига ҳам ҳаддан ташқари кўринар эди. Унинг сочи оқарган боши факат ўт билан дорни билар эди, холос. Аскарбошилар ўтиришиб кенгашганда унинг берадиган маслаҳатлари ҳам факат йиқмоқ, ёқмоқ, кирмоқ, қнийратмоқ эди.

¹ Гетман — эски замонда Украинада казак аскарлар бошлиги, Украина подшохи.

² Остраница — XVII асрда Украина казаклари Польша хукмронлигига ҳарши курашганларида казакларга бош бўлган ботирлардан бири.

Казаклар күп жонбозлик қылган жангларни ҳам, урушнинг қандай қизиб борганини ҳам бунда узун баён қилиб ўтиришнинг кераги йўқ, чунки буларнинг ҳаммаси тарихга ёзилган. Рус тупроғида дин йўлида қилинган урушлар таърифи маълум ва машҳур. Диндан зўр куч йўқ. Мавж уриб ҳар доим ўзгариб, турланиб турган дengiz ўртасидаги юксак тош накадар қудратли, накадар даҳшатли бўлса, дин ҳам шундай кучли, шундай қудратли. Dengiz ўртасидаги азamat тош дengiz қаъридан чиқиб, яхлит бир тошдан яратилган гавдасини кўкларгача юксалтиради. Қайси томондан қаралса ҳам тош кўринади, унинг олдидан чошишиб ўтиб кетаётган тўлқинларни писанд қилмай тура беради. Ўнга келиб теккан кеманинг шури курсин! Майдамайдан бўлади, ичиди нимаси бўлса сувга гарқ бўлади, йўқ бўлади, ҳалок бўлганиларнинг дод-войидан ҳавода бир ларза қолади, холос.

Озод қилинган шаҳарлардан поляк аскарларининг қандай кочганликлари, инсофсиз ижарадор жуҳудларнинг қанча-қанчалиги қандай дорга осилганлиги; поляк подшосининг лашкарбовиси Николай Потоцкий беҳисоб ва беадад қўшини билан ҳам ҳеч нарса қиломасдан бу азamat куч қаршисида ожиз қолганлиги; шикаст еб, қочиб, кичкина бир дарёда энг сара аскарларини сувда ҳалокатга етказганлиги, Полонний деган бир манзилда баҳодир казак аскарлари уни куршаб олганларидан кейин поляк лашкарбовиси ҳеч чора тополмай ночор ва ноилож «Поляк кироли ва бошка атьёни мамлакат, барча талабларингизга рози бўларлар, бурунги барча ҳақ ва хуқукларингиз, барча имтиёзларингизни қайтарурлар» деб қасам билан ваъда берганлиги — ҳаммаси тарих саҳифаларида бирма-бир тўла баён қилинган. Аммо казаклар бунақа ваъдаларга рози бўладиганлардан эмас эдилар, чунки полякларнинг қасами нима эканини билган эдилар. Агар ўша манзилдаги рус руҳонийлари у вактда Потоцкийни куткашиб қолмасалар, у поляк боёnlари билан мансабдор ва амалдорларнинг ҳасадларини қўзгатиб, қўзларини куйдириб, олти минг аргумоқ минганлар бошида дабдаба сурмас, сенат аъзоларига зиёфатлар бериб сеймда давр-даврон сурмас эди. Жами поплар йиғилишиб, қўлида бути билан шайхларини олдиларига солиб, зарбоф кимхоб жомаларда казаклар қаршининг чиқдилар, казаклар бошларини эгиб, ялангбош бўлиб таъзим билан турдилар. У чоқда казаклар ҳатто киролнинг ўзи келса ҳам ҳурмат қилмас эдилар, аммо ўз динларига, ўз бутларига қарши турмадилар ва руҳонийларни иззат қилдилар. Гетман полковниклар билан маслаҳатлашиб, Потоцкийни қўйиб юборишга рози бўлди. Христиан бутхоналарига асло тегмаслик, эски низо ва адватларни унтишиб, казак қўшинларига ҳеч зиён ва захмат етказмаслик тўғрисида ундан қасамлик ваъда олиб, қўйиб юбордилар. Бундай

сулхга факат бир полковник рози бўлмади, бу одам Тарас эди.
Бошидан бир тутам сочини юлиб олиб, қичқириди:

— Ҳой, гетман, ҳой, полковниклар! Ҳезалаклар ишини қилманг!
Ляхларга инонманг, қанжиклар ҳаммангизни сотадилар.

Мирзабоши аҳдномани битиб бўлгач, гетман қўл қўйиб мухринни босгач, Тарас тоза ва аъло пўлатдан ясалган турки қиличини ечиб, калтакни синдиргандек икки бўлак қилиб, бир бўлагини бир тарафга, бир бўлагини яна бир тарафга улоқтириб ташлади.

— Хайр энди! Бу қиличининг икки бўлаги қўшилиб бутун қилич бўлмаганидек, бизлар ҳам, дўстлар, бу дунёда қўшилмаймиз!
Менинг бу видолашиб айтган гапларим ёдингизда бўлсин,—
бу сўзни айтганида товуши зўрайди, баланд кўтарилди, кучайди,
унинг башораткарда бу сўзларидан ҳамманинг кўнгли бузилди: — ўлар олдида мени ёдларсиз!
Тинчлик, ҳузур ва ҳаловат топдик деб ўйлайсизми, айш қиласиз деб ўйлайсизми?
Айш қиласиз-ку, лекин бошқача айш қиласиз! Гетман бошининг териси шилинг!
Терингга сомон тиқилар ва кўп замонларгача бозорларда одамларга томоша бўлар!
Сиз, панлар ҳам бошингизни сақлаб қололмайсиз!
Агар ҳаммангизни тириклайин қозонга солиб пиширмасалар, унда зинданларда ғишт девор ичидаги кўмилиб ҳалок бўласиз!

Аскарларига қараб деди:

— Энди, сиз йигитларга айтай, қайсингиз ўз ажалингиз билан ўлмоқ истайсиз? Печка тепасида, хотинлар тўшагида ағанаб ётиб эмас, ароқхона олдида девор тагида думалаб ётиб эмас, куёв билан келинде бир кўрпа ва бир ёстиқда ётиб ҳалол казак ажали билан ўлмоқ истайсизми! Ёки ўй-үйнингизга қайтиб чала кофир бўлиб поляк попларини елкангизга орқалаб юрмок истайсизми?

Тарас қўл остидаги аскарларининг ҳаммаси:

— Биродаримиз, полковник! Ҳаммамиз сен билан бўламиш!
Қаёкка бошласанг шу ёққа кета берамиш,— деб қичқиришди.
Бошқа полклардан бир одам булар томонига ўтди.

Тарас:

— Бундай бўлса юринглар! — деди-да қалпогини бостириб олиб, қолганларга даҳшат билан бир қараб қўйгач, отига миниб одамларига деди: — Ҳеч ким бизни орқамиздан сўкмас!
Қани, йигитлар, отланинг, католикларга меҳмон бўлайлик.

Бундан кейин отига камчи бериб йўлга тушди, юз от-аравадан иборат карвон ҳам унинг кетидан жўнади; булар ичидаги кўп отлиқ ва пиёда казаклар бор эди. Тарас орқасига қараб, қолганларга даҳшат билан бир қаради, унинг бу қарашида қаҳру ғазаб тўла эди. Уларнинг йўлини тўсишга ҳеч ким журъат қилолмади. Улар жўнаб кетдилар, бутун қўшин қараб қола берди.
Тарас орқасига қараб-қараб даҳшат қилиб борар эди.

Гетман билан полковниклар хижолатларидан ҳайрон булиб қола бердилар. Ҳаммалари хомуш булиб, қандайдир хунук бир хабарни күнгиллари сезгандек ўйга чўмиб турардилар. Тараснинг гапи бекор эмас, унинг деганлари ҳаммаси бўлди. Орадан бир неча вакт ўтгач, Қаневдаги ҳиёнаткорона воқеадан сўнг гетманнинг боши, яна бир қанча атокли кишилар билан бирга, козикка илиди.

Тарас нима бўлди? Тарас кўшини билан бирга Польшада саир килиб юриб, ўн саккиз равотга, қирққа яқин поляк бутхонасига ўт кўйиб, Краков шаҳрига яқинлашиб қолди. Кўп ляҳларни қирди, кўп яхши сарой ва қасрларни вайрон киради, талон-торож этди; поляк боёнларининг омбор ва ертўлаларида бир неча юз йиллардан бери асраниб келинган шароб-шарбатларин чиқазиб тўқдилар, бисотхона, ҳазиналардаги кимматбаҳо матоларин, жомаларни киймалаб ўтга ташладилар. Тарас доим: «Сира аяманг, ҳеч нарсани аяманг!» дер эди, холос. Қазаклар коши кора, сийнаси тухумдек оқ, гул юзли кизларни ҳам аямадилар; мукаддас жойларга қочиб сифинганларида ҳам омон топмадилар. Тарас уларни сифинган бу мукаддас жойлари билан бирга кўшиб куйдириди. Қанча-қанча оқ билаклар аланга ичидан чиқиб кўкка кўтарилилар, дод-фарёдларидан ер ларзага келар, саҳродаги ўталафлар токат қилолмай сулар эди, десак рост. Аммо бераҳм казаклар бу полаларни писанд қилмадилар, кайтага додловчиларнинг болаларини ҳам куч-куйдан тутиб, найзага илиб ўтга ташладилар. Тарас нукул: «Баччагар ляҳлар, бу сизларга Остапнинг маъракаси!» дер эди. Ҳар бир кишлоққа келганда бу хил маърака қиласа эди. Алоха Тараснинг қилаётган ишлари анчайин қароқчилик бўлмай зўрроқ иш эканини Польша ҳукумати пайкади ва бояги Потоцкийни беш минг аскар билан Тарасни албатта тутиб келмок учун юборди.

Қазаклар ҳеч туткич бермай олти кунгача далама-дала пастқам йўллар билан кочдилар. Отлар бу чопишга зурга-зўрга чидаш берсалар ҳам, ҳар қалай казакларни кутказдилар. Аммо Потоцкий бу гал зиммасига юклangan вазифасини яхши адодилди: казакларни сира кўймасдан ҳормай-чарчамай қувалаб борди ва Днепр дарёси бўйида уларга етиб олди. Бунда вайрон бир кўргон бор эди, Бульба шу кўргонга кириб олди.

Днепр дарёсининг лабида баланд тош тепа устидаги бу кўргоннинг йиқилган деворлари, бузилган қалъалари пастдан яккол кўриниб турар эди. Ҳар лаҳзада ўрнидан қўзғалиб пастга учиб тушгандай булиб турган бу тош тепанинг атрофи ғишт парча ва тошлар билан тўлган эди. Тождор гетман Потоцкий Тарасни ана шу кирга караган томондан ўраб олди. Қазаклар ғишт борми, тои. борми отиб тўрт кунгача олишдилар. Бирок кучлари колмади, ўқ-дорилар, овқатлари ҳам соб бўлди; бундан кейин Тарас ўзини

дushman ичига уриб, ўтиб кетишга қарор қилди. Қазаклар дар-воқе ўтиб ҳам кетардилар, йилдиримдек учар отлари яна бир дафъа вафодорлик күрсатсалар ҳам ажаб эмас эди, бирок жуда жону жаҳдлари билан от чопиб кетаётгандаридан Тарас тұсадан: «Тұхта! Трубкам тушди! Трубкам дushmanга ўлжа бўлмасин!» деб қичкириб колди. Кекса атаман сувда бўлсин, қуруқда бўлсин, урушда бўлсин, уйда бўлсин, доим ёнида бирга олиб юрган трубкасини энгашиб ўт ичидан қидириб турган бир пайтда бир гала дushman келиб уни азамат елкасидан тутди. Аъзойи-баданидаги бор қувватини йифиб бир зўр уриб, силкиниб кўрди, лекин аввалги кучи қолмабди, бурунгидек, ёпишган дushmanларни тўзитиб юбора олмади. Азамат мўйсафид чол: «Карилик курсин, карилик!» деди-да, йиглаб юборди. Аммо айб қариликда эмас эди; зўрни зўр енгди. Оз эмас, кўп эмас, бирданига ўттиз киши қўл-оёғига ёпишди. Ляҳлар: «Қўлга тушдингми, баччағар, энди бу итга бериладиган жазони ўйлаб топиш керак» дер эдилар. Хуллас гетманнинг розилиги билан оломон олдида уни тириклиайн ўтда куйдиришга хукм қиладилар. Шу ернинг ўзида яшин тегиб синиб тушган ялангоч бир дараҳт бор эди, занжирларга боғлаб шу дараҳтга осдилар, икки қўлини михладилар; кейин ҳар қаёқдан қараганда қўриниб турсин деб баландроқ кўтардилар-да, дараҳт тагига ўтин тўплай бердилар. Аммо Тараснинг ўт билан иши йўқ, боёқишининг икки қўзи дushman билан отиша-отиша қочиб кетаётган казакларда эди. Баландда осиғлик турганидан ҳамма ёқ унга кафтдек яққол қўринар эди.

— Азаматлар, тезроқ дараҳтзор орқасидаги тепаликка чиқиб олинглар, у ёққа булар боролмайдилар! — деб қичкирар эди у.

Бирок шамол унинг сўзларини бошқа ёққа олиб кетди.

— Бекордан-бекорга ўлиб кетадилар-да! — дер эди бетоқат бўлиб. Днестр дарёсининг бўз суви ярақлаб турган пастликка бир қаради-да, кўзларида шодлик чироги ёнди. Чакалак орқасидан чиқиб келган тўрт қайикнинг тумшуғини кўриб қолди ва бутун куч-қувватини йифиб бир бақирди:

— Азаматлар, сув бўйига тушинглар, чап томондаги йўлдан тушинглар. Дарё бўйида қайиқлар турибди, ҳаммасини олиб кетинглар, кетингиздан қувласинлар!

Бу гал шамол ўнгдан келиб, унинг сўзларини казаклар аниқ эшилдилар. Аммо берган бу маслаҳати учун калласига тўқмок еди; боши айланиб, кўзи тиниб, ҳамма ёқ остин-устун бўлиб кетди.

Казаклар тепа тагидаги йўл билан жонлари борича қочдилар. Қувлаганлар ҳам кетма-кет етай деб колдилар, қарасалар йўл айланасига илон изи бўлиб кетибди. Ҳаммалари бир нафас тўхтаб: «Ўртоқлар, бўлганича-бўлди энди!» дедилар-да, қамчилари-

ни юқори күтариб бир талпиндилар... Арғумоқ татар отлари осмонда илондек чүзилиб жардан сакраб үтдилару, туғри Днестр дарёсига кириб кетдилар. Фақат икки киши дарёга етолмай тошга тегиб, ҳатто «вой» дегунча ҳам бұлмай, от-поти билан уша ерда ҳалок бўлди. Казаклар отлари билан сузиб бориб аллақачон қайиқларни ечмоқда эдилар. Ляхлар казакларнинг қулоқ эшиитмаган, кўз кўрмаган бу ботирликларига қойил бўлиб: «Биз ҳам сакрайликми, йўқми?» деб туриб қолдилар. Бечора Андрийни афсун қилган гузал кизнинг туғишгани — ёш полковник ёлғиз ўзи узок ўйлаб ўтирасдан казаклар кетидан от кўйди, осмонда оти билан уч марта чархпалак бўлиб тошнинг киррасига бориб тушди-да, бурда-бурда бўлиб кетди. Миясининг қатиғи қонга аралашиб баланд тош бағрида ўсан буталарга сараб кетди.

Тўқмоқ зарбидан бехуш бўлиб қолган Тарас Бульба энди андак ҳушига келиб дарё томонга бокса казаклар қайиқларга ўтириб сузиб кетяптилар. Тепадан ўқ ёмғирдек ёғиб турибди-ку, лекин уларга етмаяпти. Буни кўрган чол атаманинг кўзларида яна хурсандчилик чироғи ёнди.

Юқоридан туриб уларга қараб:

— Оғайнилар, хайр! Мени ёдлаб туринглар, келаси қўкламда яна келиб, яна бир сайил қилиб кетинглар! Занғар ляхлар, нима муродингиз ҳосил бўлди? Оламда казаклар қўрқадиган бир нарса бор деб ўйлайсизми? Шошманг, вакти келар, руслар дини, православиянинг нима эканини биларсизлар! Йирок-ёвукдаги ҳалқлар ҳозир ҳам фахмлаб қолдилар. Рус тупроғидан ўз подшоси чикар, унга бўйсунмаган куч ер юзида қолмас!..

Тагидаги ўт алангалаб оёклариға, дараҳтга туташиб бормокда эди... Ажабо, рус кучини енгишга қодир бўлган куч, ўт, азоб оламда борми!?

Днестр кичик дарё эмас, кирган-чиққан айланма жойлари, қамишзор тўқайлари, чукур ва саёз ерлари кўп, ғозлари ғағиллашганда ойнадек сувнинг бети жаранглаб кетади. Бўйинни асло эгмасдан сузиб кетаётган ёввойи ўрдаклар, чуррак ва олмабошлар ва бошқа анвойи турли паррандалар жуда кўп. Казаклар икки куйрукли ихчам қайиқларда илдам-илдам сузиб, саёзга келганда секин бурилиб ўтиб, күшларни хуркитиб, атаманларини оғизларидан қўймай сўзлашиб борар эдилар.

ИККИНЧИ КИСМ

ВИЙ¹

Киев шаҳрида Братский монастыри бор. Шу монастирнинг дарвозахонаси олдига осиб қўйилган жом эрта билан данғиллаб чалиниши билан мактабга болаю талабалар шаҳарнинг тўрт томонидан қатор-қатор кела берардилар. Савод ва нутқ ўрганаётган пастки синф шогирдлари ҳамда илоҳиёт ва фалсафа билан шуғулланаётган юқори синф талабалари дафтар-карамларини қўлтиқлаб дарсхонага киришарди. Саводхонлар нукул кичкина тирранчалардан иборат, булар бир-бирларини итаришиб, чийиллашиб сўкишар, ҳаммасининг кийим-боши йиртиқ-ямок, кир ва ифлос, чўнгакларида ошикми, патдан қилинган хуштакми, тишланган сомса, баъзида чумчук бола, ишқилиб ҳар бало бўлар эди. Гоҳда булардан битта-яримтасининг чўнгагидаги чумчук бола дарс вактида бирдан чирқиллаб юборса, боёқиши эгаси домладан хўп чивик ер, гоҳда олча новдаси елкасида ўйнар эди. Илми калом² ўқувчи назмхонлар сипорок эдилар. Буларнинг кийим-бошлари аксари бутун бўлар эди-ку, лекин сўзнинг ҳусни рамзумажоз бўлганидек, буларнинг ҳусни башараларидаги йиртиқ-ямоклари эди. Бирининг кўзи олайиб жойидан ўйнаб кетган, бирининг лаби дўрдайган, хуллас ҳар кайсисида бир аломат бўлар; буларнинг товуши йўғонрок, гаплашган ва онт ичганда товушлари сал дўриллаброқ чиқар эди. Фалсафа ўрганувчиларнинг товушлари яна бир парда йўғонрок бўлиб, киссаларида аччиқ тамаки чўпидан бошқа ҳеч нарса бўлмас эди. Уларда бир нарсани асрар қўйиш одати бўлмас, нимаики топсалар шу топда нафсларига урад эдилар, улардан тамаки ва ароқ ҳиди шундай бурқираб турар эдикни, мабодо биронта косиб-мосиб улар ёндан ўтиб қолгундай бўлса, худди този итдек анчагача ҳавони ҳидлаб қолар эди.

¹ Вий — содда ҳалқ ҳаёлий яратган баҳайбат бир нарса, Малороссияликлар ср тагидан чиқадиган жинларнинг бошлигини «Вий» дейдилар. Уларнинг қоқоклари осилиб ерга тушган бўлади. Бу ҳикоянинг бошдан оёқ ҳаммаси ҳалқ орасида юрган афсонадир. Мен ҳикояни андак бўлса ҳам, ўзгартгим келмади ва эшитганимча содда килиб ёздим (*Гоголь изоҳи*).

² Илми калом — революциядан аввал эски мадрасаларда ўқитиладиган тўгри сўзлаш илми.

Бу пайтда бозор ҳам эндигина кизиб келаётган бўлганидан тешик кулча, булка, тарвуз уруғи, кўкнор уруғ сепган ширин ион сотиб юрган хотинлар, юпка эндан ёки бошқа матодан тўн кийган талабаларни кўрсалар, этакларидан тортиб:

— Келинг! Бери келинг, мулла! Тешик кулча олинг! Загазғни қаранг, худо урсин, ўзим пиширганман! Асал ейсиз! — деб ҳар ёқдан чувиллашар эдилар.

Яна биттаси узунрок бурама ноши кутариб:

— Муллажон, бу ёққа қаранг, бурама пондан олинг! Анов хотиндан ола кўрманг, башарасини Қаранг, тавиялигни айтинг — бурни курсин, қўлининг ифлослигини кўринг! — дер эди.

Лекин, фалсафашунослар билан диншуносларниң этакларидан тортгани кўркар эдилар, чунки булар, еб кўрай, деб чанглаб олиб кета берар эдилар.

Семинарияга келгач, ҳар ким ўз дарсхонасиға кириб кетар эди. Дарсхоналар пастак-пастак бўлса ҳам, сахни кенг, дарчаси пастгина, эшиклари катта-катта, ўтирадиган эшакчалари кир, могор ва ифлос бўлар эди. Дарсхонага кириб ўтиришлари билан чувир-чувир, вижир-вижир ўкиш бошлинар, шогирдлар сабокларини халфаларига ўтказар эдилар. Саводхоннинг ингичка товуши кичкина дарчалар ойнасиға текканда, ойналар ҳам шу хилда ингичка акс садо чиқазар эди. Бўйи, осилиб тушган лаблари, файласуфга муносиб бўлган тилшунослардан бири бурчакка кириб олиб, гўнгиллар эди, холос, унинг нима ўқигани эшитилмас, фақат олисдан дўриллаган овоз эшитилар эди; аммо халфаларниң қулоги шогирдларниң ўқишида бўлса ҳам, қўзлари эшакча тагида, чунки шогирднинг чўнтағидан булками, сомсами ёки қовоқ уругими, бир нарса кўриниб колар эди.

Баъзида талабалар мактабга эртароқ келиб қолсалар, ёки профессорлари одатдагидан сал ҳаяллаб келишини билсалар, ҳаммалари маслаҳатлашиб, муштлаш қиласар эдилар. Мактаб болаларининг одоб ва ахлоқини тергаб турувчи пешқадамлар ҳам бу муштлашда катнашмокқа мажбур эдилар. Диншунослардан иккитаси ўртага чиқиб, муштлаш тартибинни, яъни ҳар синф ўзи муштлаш қиладими ёки ҳаммалари икки тарафга бўлниб, шогирдлар бир тараф, талабалар бир тараф бўладиларми, буни қарор қилиб берар эдилар. Ҳар нечук аввал шогирдлар бошлиар эдилар; лекин, нотиклар аралашди дегуича, дарров ўзларини бир чеккага олиб, тепаликка чиқар ва бу ердан туриб жангни томоша қиласар эдилар. Кейин, узун-узун кора мўйловли фалсафашунослар аралашар эдилар, гардани равс диншунослар киришар эдилар. Жангнинг оқибати аксари шу бўлар эдики, диншунослар зўр чиқиб ҳаммани кочирадилар, фалсафашунослар ёнбошлари ни кашиганча дарсхонага кочиб, бунда ҳордик чиқазардилар. Шу пайтда дарсхонага кириб қолган профессор, ўзи ҳам бир

вақтлар шундай жангларда қатнашганидан талабаларнинг кин-кизил башараларини кўра солиб, ҳазилакам жанг бўлмаганини дарров фахмлар эди. Бир ёқда бир профессор тилшунослардан бирини дарра билан савалаб турса, бошқа бири фалсафашунос-лардан бирини тахтакач билан қўлига уради. Диншуносларга бошқачароқ муомала қилинар, яъни улар профессорнинг қавли билан айтганда, ҳар қайсиси дона-дона тасма қамчи ер эди.

Баъзи байрам ва ҳайит кунларида мактаббаччалар билан талабалар уйларига кетиб, қўғирчоқ ўйини томошасини кўрсатар эдилар. Гоҳида масхарабозлик ўйинларини кўрсата олар, ўшанда бўйи Кисев минорасидек новча диншунос чиқиб, Миср подшоси вазирининг хотини Зулайхो булиб, ёки Осия булиб ўйнаб берар эди. Ўйинни ҳаммага манзур қиласа, бир бўлак мато ёки бир қоп тарик, ё бўлмаса яримта пиширилган ғоз ва бошқа гўр-ерлар тушар эди.

Үрталарида эскидан аллакандай бир адовати бўлган бу талабалар билан мактаббаччалар шундай қашшоқ эдики, овқати зўрга ўтар ва лекин ҳаммаси ниҳоят даражада очофат ва юҳо бўлганидан ҳар қайсисининг кечкурун бир ўтиришда канчадан чучвара еганини санаб бўлмас, шунинг учун ҳам баъзи сахий бойларнинг берган назр-ниёзи уларга кифоя қилмай, пешқадам дарсхонлар билан диншунослардан бир нечтаси бош булиб, бир неча саводхон билан бир неча тилшуносга битта фалсафашунос-ни серка қилиб, гоҳда пешқадамларнинг ўзлари ҳам қўшилишиб, елкаларида қоп билан бирорнинг пайкалини қийратгани жўнар эдилар. Бундан кейин мадрасага келиб, қовоқ бўтқа пиширас, қовун-тарвузга хўп тўйиб олар эдилар. Шундай тўяр эдиларки, эртасига халфаларга сабокларини ўтказаётгандаридан оғизларни билан ўқисалар, қоринлари ҳам қулдураб турар эди. Дарсхон-лар билан диншуносларнинг тўни шундай рўдапо бўлар, яъни товоңларидан ҳам узун эди.

Таътил вакти бўлса, яъни июнь ойидан бошлаб, талабалар уйларига тарқайдиган вакт келса, уларнинг куни туғар эди. Бу кезда саводхонлар, дарсхон, пешқадам талабалар катта йўлга тушиб олиб, турна қатор тизилиб кета берар эдилар. Борар жойи бўлмаганлари шерикларидан биронтасиникига кетар эди; фалсафашунос-лар билан диншунослар ўқитувчилик қиласа, яъни бадавлат кишиларнинг болаларини ўқитар ва бунинг бадалига йилига янги этик ва баъзида этикдан ташкари яна тўнлик ҳам олардилар. Бу талабаларнинг ҳаммаси галалашиб, тудалашиб жўнарди. Дала жойга кўниб, ош пиширас эдилар. Ҳар бирининг елкасида биттадан тўрва, ичидаги битта кўйлак, бир жуфт пайтава булар эди. Диншунослар ҳаммадан озода ва пишиқ бўлардилар. Шунинг учун этиклари йиртилмасин деб, хусусан лойгарчиликда, калтакка илиб елкаларига ташлаб, почаларини шимариб, лой-

дан кечиб кета берар эдилар. Йўлнинг бир чеккасида кишлок кўриниб қолса, дарров катта йўлдан чиқиб, қишлоқка йўл солар, тузукроқ уй олдига келганда, дераза тагида каторлашиб, овозларининг борича хониш қиласр эдилар. Бу ерга келиб уй-жой қилиб қолган кекса казаклардан бўлган уй эгаси, икки қулини иягида тираб олиб, уларнинг хонишига хўп йиглар, сўнгра хотинни чақириб: «Хотин, муллабаччаларнинг ўқигани бамаъни бўлса керак, мойинг борми ва уйингда бошқа бирон нарса борми, нима бўлса бир нарса чиқазиб бер!» дер эди. Кейин, бир товок тўла вараки сомса, чучвара, лўндагина бир бўлак ёф, яна бир неча кулча, баъзида оёғи боғлиқ товук — ҳаммаси тўрвага туша берар эди. Талабалар бу кут билан коринларини тиклаб олиб, яна йўлга тушар эдилар. Аммо нари борган сари, йўл-йўлда уй-уйларига етиб сонлари камайиб борар ва охири ота-онасининг уйн ҳаммадан йирокда бўлганларгина колар эди.

Бундай саёҳатлардан бирида талабалардан учтаси қишлоқка кириб, кут бўлгандай бир нарса топмоқ учун катта йўлдан бурилдилар, чунки тўрвалари аллакачоон бўшаб қолган эди. Буларнинг бири диншунос Халява, бири фалсафашунос Хома Брутянга, бири хотик Тиберий Горобець эди.

Диншунос новча, ягринили киши бўлиб, ёмон бир одати бор эдики, нима тўғри келса албатта ўғирлар, ўзи жуда тунд бўлиб, маст бўлса, бурган ичига кириб олиб ёта берар, мактабдошлари уни кидириб топгунча кўп сарсон бўлар эдилар.

Фалсафашунос Хома Брут доим димоги чоғ, хушчакчак одам эди. Ястаниб ётиб, трубка тортишини яхши кўтар, ичадиган бўлса албатта машшоқларни чорлаб, Тапир-тупир ўйин тушиб, хўп хумордан чиқар эди. Мактабда даррани кўп ер эди-ку, лекин файласуфона бепарволик билан: пешонадаги бўлмасдан қолмайди, деб калтакни хеч писанд килмас эди.

Нотик Тиберий Горобець мўйлов қўймокка, ароқ ичмокка, тамаки чекмоқка ҳали ҳақсиз эди. У ҳалигача кокилини кестиргани йўқ, шунинг учун феълу атвори тўғрисида ҳеч нарса хам деб бўлмайди: аммо мактабга доим пешонасини ғурра қилиб келишидан жуда урушқоқ одам чиқиши аниқ эди. Халява билан Хома иккови унинг олдида пешқадам бўлиб, унга оғалик қилганикларини кўрсатгандек, кокилидан тортиб хўп урар эдилар ва баъзида уни дастёр ўрнида ишлатиб, югурдак қиласр эдилар.

Учовлари катта йўлдан қишлоқка бурилганларида кеч кириб қолган, лекин кун эндинигина ботганидан ҳаво ҳали илиқ эди. Диншунос билан фалсафашунос индамасдан трубкаларини тортиб борар эдилар. Нотик Тиберий Горобець қулида хилчин билан йўлдаги «қоки гул»нинг бўйнини узиб борарр эди. Йўл биёбондаги майда чакалаклар, унда-бунда тўп-тўп бўлиб турган дуб ва ёнғок дараҳтларини оралаб борар ва гоҳда адирга, гоҳда кўм-

күк гумбаздек бўлиб турган тепаликка қараб илон изи булишетар эди. Икки жойда пишай деб қолган буғдойзор күрнинг нидан якин ўртада кишлoқ борлиги маълум бўлди. Бироқ, буғдан экилган жойдан ўтиб, бир соатдан кўпроқ йўл юрсалар ҳамки, ҳеч хонадон кўринмади. Қоронғи тушиб қолди. Қун ботардаги шафакдан андаккина асар қолди, холос.

— Нима бало бўлди! Кишлoқ яқинде кўринганди — деди хайрон бўлиб фалсафашунос Хома Брут.

Диншунос индамасдан у ён-бу ёнга аланглаб қўйгач, труп кани оғзига олиб, йўлига кета берди.

Фалсафашунос:

— Азбаройи худо, ҳеч зот кўринмайди-я! — деди яна тўхтабо.

Диншунос оғзидан трубкани қўймай:

— Нарироқ борсак, битта-яримта хонадон кўриниб қолар, деди.

Аммо, аллақачон кеч кириб, ҳаммаёқ тим қоронғи бўлиб қолди. Осмондаги парча-парча булутлар қоронғиликни яна ошириди. Ҳавонинг авзойига қараганда на юлдуз, на ой чиқадиган. Тали балар йўлдан адашиб, анчадан бери бошқа йўлдан бораётганилкларини билдилар. Фалсафашунос оёғи билан у ён-бу сўни титкилаб:

— Йўл қаёқда? — деди.

Диншунос индамасдан туриб-туриб, бир маҳал:

— Дарвоқе жуда қоронғи-я! — деди.

Нотик нарироққа бориб, энгашиб, пайпаслаб йўлни топмокчи бўлди, аммо кўли ха деганда тулкининг инига кириб кета берди. Тўрт томон одам оёқ босмаган — чўл-биёбон эди. Йўлончилар яна андак йўл юриб кўрдилар, аммо ҳар қанча юрсалар ҳам, даشتдан сира чиқмадилар. Фалсафашунос қийқириб кўрмоқчи бўлди, аммо овози ҳеч қаёққа етмай сира жавоб бўлмади. Бирпасдан кейин худди бўри бўкириғига ўхшаган бир товуш узоқдан зўрга эшитилди.

— Ана холос, энди нима қиласиз? — деди фалсафашунос.

— Нима қиласардик, шундай ёта қоламиз! — деди диншунос ва чўнтағига кўл солиб чақмогини олиб, яна трубкасини чекли. Аммо, фалсафашунос унинг бу гапига рози бўлмади; ҳар кечи ярим пудча думалоқ нонни, тўрт қадокча ёғни еб оладиган одати бор эди, лекин бугун қорни тоза очиқди. Сўнгра гарчи ўзи аниҳи хушчакчақ бўлса ҳам, бўрилардан андак кўркар эди.

— Йўқ, Халява, сира кўнмайман, бирон нарса еб коринни озрок каппайтириб олмасдан, ит ётиш, мирза туриш дегандек, оч коринга чўзилиб ёта берамизми? Яна бир уриниб кўрайлини зора кўрғон учраб қолиб, кечаликка бир пиёла арок-мароқ насиб қиласа,— деди фалсафашунос.

Арок сўзини эшигандада, диншунос бир тупуриб олди, сўнгра:

Ганинг түгри; кечаси даштда колиб нима кишилди,—

Талабалар яна йўлга тушдилар, андак юриб эдилар, хайрнят-
широкда итнинг вовиллагани эшитилди. Итнинг овози қай-
сан келаётганига қулок солиб билгач, юраклари ботирла-
ди, озроқ юриб эдилар, милтиллаган чирок кўринди. Фал-
шишунос:

Кўргон кўринди, азбаройи худо, кўргон! — деди.

Унинг ўлагани нотўгри чиқмади. Бироздан кейин иккита-
ни уйлик бир кўргонча кўринди. Улариниг дарчаларидан чи-
ни други тушиб турар, девор тагида ўнтача олхўрот дарахти
ди. Талабалар тахта дарвозадан карасалар, ховли рўясида
яланча чорбозорчи карвонларнинг аравалари турибди. Осмон-
бигита-иккита юлдуз чиқсан пайт бўлиб қолган эди.

Оғайнилар, киргизмаганига қўймаймиз, ҳўпми? Бир кеча
жизирмай кўрсинич!

Талабанинг учови бирданига дарвозани қоқдилар:

Оч!

Бир уйнинг эшиги фирчиллаб очилди. Бир лаҳза ўтар-ўтмас
талабалар нимча пўстин кийиб чиқсан бир кампирни кўрдилар.
Камири гум-гум ўтвалиб:

Ким? — деди.

Энажон, эшигингни оч, бир кеча қўниб кетамиз, йўлдан
шадик, далада ётай десак бўлмайди. Дала курсин, оч қорин-
ди баттар экан.

Қанақа одамсизлар?

Бирорга озор етказадиган одамлардан эмасмиз: биттамиз
диншунос Хаява, файласуф Брут ва яна биттамиз нотиқ Горо-
ғодъ бўламиз.

Камири:

Хеч иложим йўқ, ховлим тўла одам, уйнинг ҳаммаси банд,
шарни каёкка жойлайман? Тагин ҳамманиз новча-новча,
шарни одамлар экансиз, сиздақаларни киргизсан, уйим қулаб ҳам
бўшиди. Фалсафа шуносларни хўп яхши биламан!
Сизлака пиянисталарни киргиза берсан, уйимдан ҳам ажрайман.
Кетинг, кетинг, сиздақаларга жой йўқ! — деди.

Энажон, раҳм кил! Исонинг умматлари бегуноҳ, бекорга
ниб кетсанлар яхшими? Нима қилсанг кил, бир ёқقا жойла-
шини! Агар биздан биронта ножӯялик ўтса, номаъкул иш қил-
увалай бўлеак, қўлнимиз синсин, ишқилиб ҳар нарса бўлайлик.
Ани булдими?

Камири сал бўшашгандек бўлди. Бир оз ўйланқирагандай
зубиб туриб:

Майли, киргизай, бироқ ҳар қайсингизни алоҳидадан ётқи-
шман, бўлмаса, бирга ётсангиз, кўнглим хавотир олиб, тинч ётол-
айман, — деди.

Талабалар:

— Майли, ихтиёр сенда. Нима десанг күнамиз,— дедилар Дарвоза ғирчилааб, талабалар ҳовлига кирдилаар.

Фалсафашунос талаба кампирининг кетидан бора туриб

— Энажон, хозир ичим шундай қалдир-қулдирки, бирор худи соққа отаётганига ўхшайди; ишонасанми, эртадан бери оғзимга ушок кирганий йўк,— деди.

— Ана энди гапнига кара! Хеч нарсам йўк, бугун қозон осганим ҳам йўк,— деди кампир.

— Эртага ҳақининг яхшилааб тулар эдик, нақд қилиб берардик,— деди фалсафашунос ва кейин ўзаро секин шивирлаб: «Сенга бериб қўйибмиз, оласан-а!» деди.

— Йўқотинг, йўқолинг, шунга ҳам шукур килинг, қайси турдан келиб қолдилар, бундай таъби нозик бойваччалар!

Фалсафашунос Хома кампирининг бу гапларидан хафаликка тушиб хомуш булиб қолди. Шу онда тузлаган баликнинг хиди димогига кирди. Диншунос Халяванинг чалварига кўзи тушиб, каттакон қок баликнинг думи киссасидан чикиб турганини курди. Аравадан катта баликни аллакачон ўлжа қилиб келибди, аммо, бу ишни ёмон инятда қилмай, факат одатини ташлай олмаганидан қилганлиги учун аллакачон баликни унутиб, агар дўнгалак бўлса ҳам, дуч келган яна бир нарсанни кулборига жойламок ҳаракатида ўзи билан ўзи овора бўлиб турганида, фалсафашунос Хома ўз киссасига кўл солгандек, унинг киссасига кўл солиб баликни олиб қўйди.

Кампир уларни ҳар ерга биттадан жойлаштириди. Нотикни уйга, диншуносни бўш хужрага, фалсафашуносни ҳам бўш қўйхонаага тикиб қўйди.

Фаласафашунос ёлғиз ўзи колгач, ҳалиги балиқни бир лаҳзада еб соплади; қўйхонадаги четан деворининг у ён-бу ёнинг аланглаб карагач, нариги ёқдаги оғилхонадан тумшугини чиқазиб караган чучқани бир тепиб, тескари қараб ётганча ухламоқчи бўлди. Шу найтда оғилхонанинг пастак эшиги очилиб, кампир икки буқчайиб кириб келди.

Фалсафашунос:

— Ҳа, буви, нимага келдингиз? — деди.

Аммо кампир қулочини ёзганича индамасдан унинг тепасига кела берди.

Фалсафашунос ичида:

— Ийе, ёнирай! Ҳой, кампир, овора бўлма, муродинг хосил бўлмайди, кариб колгансан,— деб ўзини нарироқ олди. Кампир азза-базза бостириб, тепасига кела берди.

Фалсафашунос:

— Ҳой, кампир буви, ахир хозир рўза куни. Минг тилла берсанг ҳам рўзамни очмайдиган одамман,— деди.

Аммо кампир индамасдан кулочини ёйиб, ҳадеб уни ушламок-ка ҳаракат қила берди.

Фалсафашунос ваҳимага тушди, хусусан кампирнинг кўзлари алланечук ҳараклаб кетганини кўрганда, жуда ҳам кўркиб кетди.

— Бувижон, сенга нима бўлди? Худо паноҳинг бўлсин, пари тур! Йўқол! — деб бакирди.

Лекин кампир индамай, яккани кулочкашлаб уни ушлаб олмокчи бўлар эди.

Кочмокчи бўлиб ўриндан турса, кампир эшик олдида туриб олиб, чақчайган кўзларини уига тикканча бақрайиб тура берди. Бирнасдан кейин, яна човут қилиб колди.

Фалсафашунос кампирни кўли билан итариб юбормокчи бўлган эди, караса, на қўлини кўтара олади, на оёгини қимирилата олади, ҳатто овози ҳам чиқмай қолганини билиб, капалаги учиб кетди; гапирай деса, лаби пичир-пичир қиласди-ю, товуши чиқмайди. Юрагининг дук-дук уришидан бошқа товуш эшитилмайди. Бир маҳал кампир келиб, унинг икки қулини йигди, бошини букиб ёнгаштириди, мушук сапчигандай бир сапчиб, буйнига миниб олиб, кўлидаги супурги билан ёнбошига бир уриб эди, талаба минидиргич отдек дингиллаб чопиб кетди. Бу ишлар шундай тез бўлдикни, талаба эс-хушини йигиштириб ололмай, нима қилишини билмасдан, оёкларим тоймасин деб, икки тиззасини маҳкам ушлаганча, дингиллаб кета берди; лекин оёклари унга итоат қилмай, чопогон черкес отидан ҳам тезроқ югуриб кетаётганини пайкаб хайрон колди. Кўргон йирок қолиб, сайхон ялангликка чикканларидан кейин бир томонда кўмирдек қоп-корайиб турган дараҳтзор кўринингач, ўзига келиб: «Эҳ-ҳа, ажина алвости экан-ку!» деб кўйди ичидা.

Осмонда ой ўрокдек яраклар, тун ярмисидаги кўр ойдин ер ўзига ёйилган юпқа чодирдек елпинар эди. Дараҳтзор, ўланзор, ер-кўк бариси кўзини юммай, бақрайганча ухлаб қолганга ўхшар эди. Фир этган шамол бўлса-чи, жимжит кечанинг тоза нам ҳавоси илик. Дараҳт ва буталарнинг думлик юлдузdek сояси бир багрига қадалга нایзага ўхшайди. Фалсафашунос Хома Брут елкасига миниб олган нарсанинг нималигини билмай йўртиб кетаётган чоғдаги тун манзараси шундай эди.— Аллақандай похуш ҳисларнинг ҳужуми дилини сикиб ранжитар, лекин жисемини ҳузур ичидаги фахмлар эди. Бошини қуйи солиб бокса, оёгининг худди тақкинасида турган ўт-ўланлар булоклек тип-тиник сув тагида қолганга, таги кўриниб турган тиник денгиз тагидаги ўтларга ўхшар эди. Ҳар ҳолда елкасига миниб олган кампир билан ўзининг аксини сувда, ойнада кўртандек, равшан кўрди. Осмонда ёришиб турган ой эмас, аллақандай офтоб. Кўнгирок-гуллар бошларини эгиб, кўнгирокларини чалаётгандарини ҳам эшитди. Сув бўйидаги ғумай ичидан чикиб келган сув парисини

курди; унинг вужуди діриллаб турган нурдан яратылғанга үшар, парининг оёқ ва белини ҳам күрди. Сув париси юзини ўнгга ўғириб қаради; унинг юзини, чирогдек ёниб турган күзларини курди; қүшик айтиб, унинг юрак-бағрини эзиб яқининга келай-келай дедику, лекин келмай, ларzonланиб, қах-қаҳа уриб қочиб кетди. Бир маҳал چалқанча тушиб ётди, сирланмаган чиниңдек нозик, сутдек сийнаси офтобдан гардиш шуъла ташлаб товланар, сийнаси устидаги сув қатралари қатор-қатор маржонга үшар эди. Сув ичида бутун бадани ларzon уриб кулар эди.

Хома Брут буларни күзи билан күрятпими, йўқми! Ўнгими, тушибими? Анов ёқдан келаётган товуш нима? Шамолми, нағма товушими? Тинг-тинг қилади, чирпирак бўлиб урилади, аламли таронаси юракка тигдек қадалади...

Фалсафашунос Хома Брут елдек учиб кетаётниб, пастга қаради-ю:

— «Ажабо, қандай сир экан бу?» — деди ичида, ўйланиб. Атзойи баданидан тер шариллаб оқиб кетяпти, аллақандай галати хузур ичида тинкаси қуриған, ваҳима аралаш алланечук аламли бир лаззат кайфини сурниб борар эди. Гоҳда назарида юраги қолмагандай бўларди-да, бутун ваҳимага тушиб юрагини чаңгаллаб қоларди. Тинкаси қуриб ҳолдан кетгач, иҷор ва нотавон бўлиб, билган дуоларидан кайси бирни эсига келса, шуни ўқий берди. Инс-жинсининг зиён-захматидан саклайдиган дуоларики борми, ҳаммасини ўқий берди. Бир маҳал сал енгиллашгандай, қадами секинлашиб, шитоби сусайғандай бўлди; елкасидаги ажина ҳам омонат ўтиргандай, тушиб кетаётгандай сезилди. Жуда галати кўринған қалин ўт-ўланлар ҳам энди баданига тегиб, оёғи тагидаги анчайин ўзи билган ўтлар эканини фахмлади. Осмондаги ўроқ ой яраклаб турнибли.

Файласуф Хома Брут ўзига келиб: «Ёпирай, енгиллашдим-а!» деб билган дуоларни пичирлаб, яна ўқий бошлади. Бир маҳал елкасидаги кампирни ирғитиб ташлади-да, дарров ўзи унга миниб олди. Кампир шундай йурғалаб кетдики, устига миниб олган Хоманинг нафаси кайтиб кетар, назарида ер гир-гир айласар эди. Ойдин унча ёруғ бўлмай, кўр ойдин бўлса ҳам, ҳаммаёқ ёп-ёруг. Даля текис бўлса ҳам кампир жуда тез учиб бораёт ганидан ундаги нарсаларининг бариси аралаш-куралаш бўлиб, факат милиллаб кўринниб кетар, инмалиги аниқ билинmas эди. Пўлда ётган бир калтакни олиб, кампирни кучи борича савалай кетди. Дод-войи оламии тутди; аввал жаҳл ва аччиғ билан ҳўп дагдага қилди, кейин дагдагаси пасайиб, секин-секин ювошланди, овози майинлашиб, ҳуш овоз бўлди, кейин яна пасайиб, кумуш кунгирокдай жингирилаб, унинг кўнглига таъсир қилди. Шу чокда ростанам кампирмикин? деган ўй беихтиёр кўнглига келди.

Кампир тинкаси куриб: «Вой, тобу тоқатим қолмади, соң бүдім!» деди-ю, йиқилди.

Хома үннинг кўзига тикилиб қаради. Тонг ёришиб, Киевдан бутхоналарнинг зарҳал гумбазлари олисдан яраклаб кўриниб колибди. Йигит қараса, олдида кокиллари тарқалиб, ёйниб тушган, киприклари ништардек гўзал бир қиз оппоқ икки кўлинни икки тарафга ташлаб, жик-жик ёшга тўлган кўзларини кўкка термултириб бехуш ётибди.

Хома япроқдек дир-дир титради. Жуда ачиниб кетди, аллақандай ваҳима бутун вужудига ларза солиб, кўркқанидан чопғанча кочди. Дили ўйнаб, инима бўлганини ҳеч билолмай, кўнглига тушган янги ҳисларин тушуниолмай ҳайрон эди. Кўрғонма-кўргон юришга ҳам хоҳиши қолмасдан, тўппа-тўғри Киевга йўл солиб, бўлган воқеанинг сири нималигини йўл-йўлакай ўйлаб кета берди.

Шаҳарда талабалардан ҳеч ким қолмаган, бирорларнинг болаларини ўқитиш ёки бошқа тирикчилик учунми, ҳаммалари қишлоқ-қишлоқка тўзиб кетган эдилар, чунки Малороссия қишлоқларига борсалар, кулча борми, қаймок, шапалок-шапалокдек чучвараларни пул тўламасдан еб кета берадилар. Тоб ташлаган катта уйдаги мактабхонада ҳеч ким қолмабди, фалсафашунос мактабнинг тешик-туйнуги, томи қолмай ҳамма ерини шунча қидирса ҳам, ҳеч қаерда на бир бўлак ёғ ва на талабалар яшириб нетиб қўйган бир бурда нон тополди.

Аммо бир оз ўйлаб очлик чорасини топди, хуштак чалиб, бозордан бир-икки марта айланиб ўтди. Бозорнинг бир чеккасига боргандан бошига дуррача тагидан сарнқ тақия кийиб олиб, лента, милтиқ питра, гилдирак сингари майдада-чуйда, гўр-ер сотиб турган бир бева жувонга бир-икки кўз ташлаб қўйиб эди, дарров шу куни ёк тоза ундан пиширилган вараки сомса, товнқ гўшти, яна алвон турилаззатли овқатларга қорни тўйди. Хуллас, олчазор ичидағи пастаккина уйга кирганда, дастурхонга қўйилган ҳар хил овқатларнинг саноги йўқ эди. Шу куни кечқурун Хомани ковоқхонада оғзида трубка, сўрида ястаниб ётган холда кўрдилар. У атайнин ҳаммага кўрсатиб, ковоқхона эгаси жуҳудга ярим тилла пул ташлади; олдида косаси, келган-кетганларга сира парво этмас, ҳеч кимни назар-писанд қилмас, димоғи чоғ, чамасида, бўлиб ўтган ажойиб воқеани хаёлига ҳам келтирмас эди.

Бу кунларда Киевдан эллик ҷақиримча нарида кўргон килиган бадавлат юзбошилардан бирининг кизи бир кун сайилга чиқкан экан, калтак зарбидан майиб бўлиб, зўрга отасининг уйинга етиб келибди; ҳозир ўлар ҳолатда ётган эмиш ва мен ўлсан, жанозамни киевлик семинарист талабалардан бўлган Хома Brut ўқисин, сўнгра уч кунгача арвоҳимга дуо ўқисин деб, васият килибди, деган шов-шув гап тарқалди. Хоманинг ўзи гапни рек-

төрдän эшитди. Ректор атайнин уни ўз хужрасига чакириб, хеч тұхтамасдан дарров йўлга тушгин, хурматли юзбоши бир одам билан арава юбориби, деди.

Хома сабабини ўзи ҳам билмай, негадир юраги орзикиб, бир чўчиб тушди, кўнгли ташвишлациб, бир фалокат борлиги-дан дарак берарди. Нима сабабдан боришга кўнмаганини ўзи ҳам билмай, узил-кесил килиб, бормайман, деди.

Ректор талабалари билан сўзлашганда, баъзида иззат ва хурмат билан сўзлашар, шунинг учун:

— Гапимни тингланг, domine Хома, сиздан бирор борасизми, нўқми, деб сўраётгани йўқ, факат шуни билиб қўйингки, мабодо ужарлик килиб, яна кўп гапирадиган бўлсангиз, орқангизга ва бошқа аъзойингизга новда ниҳол билан шундай савалатаманки, минбаъд ҳаммомга бормоқ зарурати ҳам қолмайди,— деди.

Хома Брут мабодо пайт келса, қочмоқчи булиб қулогининг орқасини қашиганча чурк этмасдан, секингина ташқари чиқиб кетди. Ўй ўйлаб терак экилган ҳовлига чиқадиган баланд зинадан тушиб кетаётгандага ректорнинг овозини эшитиб қолиб тұхтади. Ректор омборчини билан, юзбоши қошидан талабани олиб кетгани келган киши бўлса керак, яна бирорга алланарсаларни буюрар эди.

Ректор:

— Юборган дони билан тухумлари учун улуғдан кўп миннатдорман. Суратан китоблари тайёр булиши билан дархол юбораман, кўчириш учун котибга бердим. Ўглим, тагин ёдингдан чиқмасин! Яна айтгил, у кишининг қишлоғида яхши балиқлар бўлади. хусусан, осетра балиғи бор, у ниҳоятда яхши бўлади, мабодо тўғри келиб қолса, шу балиқдан юборсалар чакки бўлмас эди. Бизнинг бозоримизда ҳам бор-ку, лекин у ердагидек яхшисин эмас, сўнгра чақаси ҳам қўйматроқ. Сен Явтух, йигитларга бир косадан май кўйиб бер, хўпми. Айтганча, талабани боғланглар, қочиб кетмасин.

Фалсафашунос талаба бу сўзларни эшитиб:

«Ха, шайтоидан тарқаган! Новча рўдано, дарров пайқабдида!» деб қўйди.

Пастга тушса, соябонлик бир арава турибди; уни кўра солиб, аввал гилдирак устидаги буғдойхона деб ўйлади. Дарвоке турган арава Krakov шахрида кўп расм бўлган, хумдонга ўхшашиб ичи чуқур ва қайси шаҳарда ярмарка бўлса, дарров ҳидини билиб; элликтаси биргалашиб, ҳар хил моллар билан ўша ярмаркага келадиган жуҳудлар бўлади-ку, ана шулар тушадиган арава хилидан эди. Ўрта ёшлик азамат казаклардан олти киши уни бунда пойлаб турган экан. Устларидаги попуклик тоза мөвут тўнлари буларнинг улуғроқ қишилардан эканидан, юз-кўзларидаги тиритик ямоклари бир маҳалларда урушларда бўлиб, кўп иш кўрсатганларидан хабар берар эди.

Фалсафашунос: «Нима килай эди, нима бұлса бұлар» деб үз ичидә ўйлагач, овозини баланд чикариб, улар билан сұрашды:

— Саломатмисиз, оғайнилар?

Казаклардан бир қанчаси:

— Саломат булинг, файласуф оға! — деб у билан сұрашдилар.

Аравага чикаркан:

— Ҳаммамиз бир ҳамрок эканмиз-да! Лекин араванғиз жойнда экан. Машшоклар бұлса, ўйни қилиб кетсак ҳам бұларкан! — деб қўйди.

Кучер қалпогини ароқхонага ташлаб чикқаңлигидан бошини латта билан танғиб олган эди. Кучерга дүстөрк бұлған бир казак:

— А, аравамиз улкангина,— деб унинг ёнига ўтириб олди. Қолған беш киши талаба билан бирға араванинг ичига тушиб, шаҳарда харид қилинган ҳар хил нарсалар тиқилған конлар устига жойлашиб олдилар.

Фалсафашунос сұз бошлаб:

— Ажойиб, агар бу аравага тұлдириб юқ ортса, майли-да, түзми, ёки темир-терсакми; иш қилиб бир юқ ортса неча от күнімок керак бұларкан,— деди.

Кучер ёнида ўтирган казак бирпасдан кейин:

— Ха, күн от керак бұларди,— деб қўйди.

Казак назаридә ҳаммани қаноатлантирган жавоб бердім, деди шекилли, кейин от етиб боргунча ҳеч индамади.

Озбошининг кимлигини, феъл-автори, таъби қандайлигини, бундай ғалати ҳодисага учраб, ҳозир ұлар ҳолатда ётган ва уннан ҳам мажарога тиқкан қизнинг воқеаси нима бұлдийкни? Қизнинг үйида нималар бұлаётған экан? Фалсафашунос буларни билгиси келиб, казаклардан сұроқлар эди. Лекин казаклар ҳам, файласуф бұлсалар керак, бу саволларға сира жавоб бермасдан, индамай, қоп устида чилемларини тортиб ёта бердилар. Фақат булардан биттаси арава миниб бораётғанга қараб: «Хой, овесар чол Оверко, эсингдан чикмасин, Чухрайловга етганды йўл устидаги ароқхона олдида менми ёки йингитлардан биронтаси мабодо ухлаб колтудай бұлса, ўйғотиб қўй!» деб амр-фармон қылғач, котиб ухлаб қолди. Аммо бунинг амри-фармони бехуда эди, чунки улкан арава Чухрайлов йўлидаги ароқхонага яқинлашиши билан ҳаммалари бирданинга «Тұхта, тұхта!» деб бақириша кетдилар. Сунгра Оверконинг отлари ҳам шундай үрганған эдикі, ароқхонага етди дегунича, ўзлари тұхтай берар эдилар. Июль ойининг исесік кунлари бұлса ҳам, ҳаммалари аравадан тушиб, пастаккина ифлос бир уйға кирдилар. Ароқхона әгаси жуҳуд оғзи қулогига етиб, эски кадрдонларини дарров кутиб олди. Жуҳуд бир неча бұлак колбасаннан этаги билан бекитиб олиб келгач, стол устига қўйди ва ўзин таврот ман қылған бу емишдан юзини ўғириб ўтираверди. Казаклар столни гир айлантириб ўтиридилар. Мехмонларининг

хар бири олдида биттадан сопол кружка пайдо бўлди. Фалсафа-шунос Хома ҳам бу ўтиришда катнашмоги лозим бўлди. Малороссияликлар хурсандчилик қилганларида бир-бирлари билан ўпиша берадилар ёки йиги бошлайдилар. Шунинг учун бир он ичида уйда ўпишиш бошланиб кетди. «Кани, Спирид, ўпишиб қўяйлик!». «Дорош, бери кел, бир кучоклай!». Ҳаммасидан кек-сароқ ва мўйловларига ок кирган бир казак қулини иягига тираб олиб, ота-онам йўқ, етимман, гарифман, ҳеч кимим йўқ, деб аззабазза йиги бошлади. Насиҳатгўйроқ булган биттаси яккаш: «Қўй, йиглама, азбаройи худо, йиглама! Худо билади у ёғини... не бўлтики йиглайсан!» дер эди, холос. Дорош деган яна бирори жуда эзма бўлиб қолди ва файласуф Хомадан ҳар нарсани сўрай берди:

— Мактабингизда нима ўқийсиз, бутхона попи ўқийдиган нарсаларни ўқийсизми ёки бошқами? Шуни билгим бор,— дер эди нуқул.

Бояги насиҳатгўй кекса салмоқ билан:

— Суриштириб нима қиласан, сенга не, худо ўзи билади, билувчи удир,— дер эди.

— Анов китобларда нималар ёзилганини билгим келади, поплар айтадиган гапларми, ёки бошқами,— деб хиралик қилар эди Дорош.

Насиҳатгўй бузрук бўлса:

— Худоё тавба! Худоё тавба! Нима деди бу одам? Худонинг хоҳиши шундай бўлса, нима дейсан, худонинг иродасини ўзгартиб бўлмайди,— дер эди.

— Китобда ниманки ёзилган бўлса, билгим келади, мактабга кираман, худо ҳаққи кираман, ўқиб мулла бўлолмайди, деб ўйлайсанми? Мулла бўламан, мен билмайдиган ҳеч нарса қолмайди!

Насиҳатгўй:

— Эй худойим, худойим!..— деди-ю, бошини столга ташлади, чунки бошини кўтариб ўтирарлик ҳоли колмади.

Казакларнинг бошқалари хўжайнлари тўғрисида ҳамда осмондаги ойнинг ёруғи нимаданлиги тўғрисида сўзлашар эдилар.

Фалсафашунос Хома казакларнинг боши солиниб қолганлигини кўргач, фурсатни ғанимат билиб, қочмоқ пайига тушди. Аввал етимлигидан ҳасрат қилган бояги гариф мўйсафидни сўзга солиб кўрмоқчи бўлди.

— Ота, нега мунча кўз ёши тўкасан? Мен ҳам етимчаман! Қўйиб юборинглар мени, ўз ҳолимга қўйинг. Сизга менинг нима кераклигим бор? — деди.

Баъзилари:

— Қўйиб юборайликми? Етимча экан, каёкка борса борсин, деб бир-бирларига қарадилар.

Насиҳатгўй бошини кўтариб:

— Ё худо, ё худо! Майли, қўйиб юборинглар, қаёқка борса борсни! — леди.

Қазаклар талабани сиртга чиқазиб, қўйиб юбормоқчи бўлиб тураг эдилар, халиги эзмароғи:

— Тегманглар унга, мактабини суриштириб билмоқчиман, мен ҳам мактабга кириб ўқимоқчиман,— деб уларнинг раъйини қайтарди.

Аммо, Хома қочиб ҳам уддасидан чиколмас эди, чунки ўтирган ерида турмоқчи бўлса, оёклари ёғочдек котиб копти, уйнинг эшиклари кўзига бир неча бўлиб кетди, шунин учун эшикни топиши ҳам маҳол эди.

То кеч кирмагуича йўл эсларига ҳам келмай, ҳаммалари бемалол ўтира бердилар. Кейин эсларига тушиб отландилар. Аравага чиқкач, ҳаммалари ясланиб олиб, ашулани барадла қўйиб, отларга қамчини шиғаб жўнадилар. Лекин, айтган ашулараппининг на сўзини, на маъносини бирор тушунса ўлай. Туни билан йўл юриб кўз юмиб топиб борадиган йўллардан ҳа деганда дамбадамда бир адашиб, бора-бора бир маҳал баланддан пастликка тушдилар. Пастликка тушганларида файласуф у ёқ-бу ёкка қараб сихча калтак ёки новдадан туқилган четан деворларни, пастак даражатлар орасидан муралаб турган уйларнинг томини кўрди. Бу юзбошига қарашли каттакон бир қишлоқ эди. Вакт алламахал бўлиб, ярим кечадан ошган, осмон коп-коронғи, унда-бунда битта юлдуз кўринпар эди, холос. Ҳеч қайси уйда биттаям чирок кўринмайди. Улар итлар вовуллаб чиқсан ҳовлига кирдилар. Ҳовлининг икки томони похол томлик бостирма ва уй эди. Дарвозахонанинг рӯпарасида, ўртада турган каттароқ уйда юзбошининг ўзи турса керак. Арава омборхонага ўшаган кичикроқ уй олдига келиб ттўхтади. Келганлар аравадан тушиб, ётгани кетдилар. Аммо фалсафашунос бойнинг даргоҳини томоша қилгиси келди, лекин қўзини ҳар қанча йирса ҳам, ҳеч нарсани тузукни кўролмади: уй эмас, айик турганга ўхшар, мўркон эмас, мударрис тиrrайиб тургандек кўринар эди. Ҳафсаласи пир бўлиб, у ҳам ётгани кетди.

Фалсафашунос уйғонса ҳовли бесаранжом. Юзбошининг қизи шу кеча улипти. Ҳизматкорлар ҳовлиқишиб ҳар тарафга югуришар эди, баъзи кампирлар йиглашар, бир қанча томошабинлар бир нарсадан куруқ қолгандек деворлардан муралашар эдилар. Фалсафашунос тунда кўролмаган жойларини энди хўп кўриб олмоқчи бўлди. Юзбошининг уйи, у маҳалда Малороссияда расм бўлган похол томлик пастак-пастак кичкина уйлар экан. Қўнқайга, кичкина равоқчанинг дарчаси олайган кўзга ўхшаб, кўк ва сарик сир билан бўялган, ой сурати солинган эди. Равоқнинг дуб ёғочидан килинган устуни бир мунча ҳашамдор бўлиб, ўртаснгача думалок, таги олти кирралик, тепаси гулдор эди.

Гавоқнинг таги зинапоя, зинапоянинг икки томонига икки эшакча қўйилган. Уйнинг икки томонидаги бостирмаларнинг устуни хам серхашамдор эди. Уйнинг олдида сада бўлиб ўсган баланд бўйлик кўм-кўк нок дараҳтининг япроқлари титрашар эди. Ховлининг ўртасида икки қатор солинган бир неча омборхона бор, омборхонанинг ўртаси уйга элтадиган йўл бўлиб колган эди. Омборлар орқасида, шундокқина дарвозахона олдида, бир-бирига рўпара солинган, туморча бўлиб тушган ертўла турар, булашининг томи хам похол. Пастаккина эшиклик ертўладан биттасининг тумор нусха деворларига ҳар хил суратлар солинган, деворнинг бир ёғига қўлида бир кружка пиво билан бочкада ўтирган одам сурати солиғлик. Кружкага: «Ок ичаман» деган хат ёзилган. Ертўланинг яна биттасига хумчаю мўндиҷалар сурати солинган, деворнинг икки чеккасига, чиройли бўлсин деб, икки оёғини кўтариб турган икки айфир, трубка, чирманда сурати солинган. Сўнгра: «Винохўрлик казакнинг касби» деган сўз хам бор. Омборлардан биттасининг томидаги катта туйнукдан ногора билан мис карнай кўриниб турибди, дарвоза олдида иккита замбарак турибди. Хуллас, бундаги нарсалардан, ҳовли эгаси серзвак одам бўлиб, уйи тўйхона, ҳашамхона эканлиги кўриниб турар эди. Дарвозадан ташкарида иккита ел тегирмон бор эди. Ховлининг орқасига кетганча кўкалам майдон, чорвоғ бўлганидан дараҳт орасидан уйларнинг ўзи кўринмас, факат мўрконлари тепасидаги соявончалари куринар эди, холос. Қишлоқ тогнинг кенг ва текис бўлиб ёйилиб кетган ён бағрида эди. Шамол томон тик тоғ бўлиб, бойнинг ҳовлиси шу тогнинг этаккинасида эди. Пастдан қкараганда, тоғ яна ҳам баланд куринар, унинг қулласида¹ унда-бунда ўсган маймоқ-саймоқ бурганлар кўм-кўк осмонда қорайиб кўринар эди. Тогнинг такир манзараси киши қўнглида аллақандай нохуш, мунгли туйғулар туғдирарди. Тоғнинг бағри кор-ёмғир сувидан чок-чок бўлиб кетган, юкорида икки жойда иккита уй қўнқайиб турибди. Уйларнинг бири ҳар тарафга шоҳ отган катта олма тагида, олманинг тагига тупроқ уйилиб кичкина тиргович билан кўтарилиб қўйилган, шамолдан тўқилган олмалар думалаб-думалаб, бойнинг ҳовлисига тушар эди. Тоғнинг тепасидан тушиб келган айланма йўл юзбошининг ҳовлиси ёнидан ўтиб, қишлоққа борар эди. Фалсафашунос тоғдан тушиб келган йўлга қараб, бундай тик йўлдам кеча қандай тушганларини ўйлаб вахимага келди, кейин юзбошининг отлари жуда аклли экан-да ёки юзбошининг одамлари мастилик ҳолда шундай вахималик йўлда арава-паравалари билан ағанамай тушган бўлсалар миялари хўп бутун, заб пухта одамлар экан-да,— деб қўнглидан ўтказди. Фалсафашунос ховлининг баланд жойида туриб эди, кейин қайрилиб бу томонга караса, бутунлай бошқа бир манзара кўрди. Қишлоқ турган қирлиқнинг этаги қан-

¹ Чўкки.

ча олисланса яшиллиги шунча қуюклашар, орада йигирма чаки-римдан ортик йүл бўлса ҳам олисдаги қатор-қатор кишлоклар кўкаламзор ичидан кўм-кўк кўриниб турар эди. Кўкаламайдоннинг ўнг томони тоғ, узокдаги Днепр дарёси худди бир қора йўлдек куринар эди.

— Заб аломат жой экан-да! Қани энди шунда турсанг, дарё ва кўлларда балиқ овлаб, матраб ёки мильтик бўлса-ю, булдуруқ ва базгалдоқларни овлаб юрсанг! Лекин бу пичанзорда тувдо ҳам сероб бўлса керак. Мевалардан ҳар қанча қуритиб шаҳарга элтиб сотса ёки яхшиси, арок қилса ҳам бўлади, чунки ҳар қанақа шарбат мева, мева арогидан ўта берсин. Бу ердан қандай қилиб кочиб колишини уйлаб боккан ҳам ёмон эмас.

Четан девор оркасида бурган ўт босган ёлғиз оёқ йўлга кўзи тушди. Аввал шунчайин айланиб, томоша қилиб юрган киши бўлиб, кейин уйларни пана қилиб секингина далага қараб жуфтак урмоқчи бўлиб, бенхтиёр шу йўлга қадам кўйини билин бирорнинг забардаст қўли елкасига тушганини пайқаб колди. Қайрилиб қараса, кечак етимлигидан, гариблигидан ҳасрат қилиб йиглаган ўша кекса казак ҷурибди.

— Фалсафашунос таксир, бекорга овора бўлма, бу кўргондан қочиб кетолмайсан, қочиб қутладиган жой эмас. Пиёдага йўл ҳам чатоқ. Яхшиси бойнинг кошига бор, анчадан бери меҳмонхонада сени кутиб турибди,— деди.

— Хўп, майли... жоним билан, қани юринг! — деди фалсафашунос ва унинг кетидан кета берди.

Кексайиб қолган мўйсафиид юзбоши қайгуга чўмиб иягини икки қўлига тираб, меҳмонхонада столда ўтирас эди. Ёши элликка бориб қолган, лекин чехрасидаги қайгу ва алам, ранг-рўйи, тўсатдан бошига тушган мусибат рухини эзиб ташлаганлигидан аввалги шўхлиги ва хушчақчаклигидан асар ҳам колмаган эди. Хома бояги казак билан бошлишиб кириб келганда, у бир қўлини иягидан олиб, келганларнинг энгашини берган саломларига боши билан ишора қилиб жавоб берди.

Хома билан казак одоб саклаб пойгаҳда турдилар.

Юзбоши хушмуомалаликка ҳам, дағалликка ҳам жуйини булмайдиган бир тарзда.

— Яхши киши, ким буласан? Қаерликсан, наслинг-насабинг ким? — деб суради.

— Талабалардан буламан, фалсафашунос Хома Брутман.

— Отанг ким эди?

— Жаноб тўрам, билмайман.

— Онанг ким эди?

— Онамни ҳам билмайман. Ақлга ҳавола қилсак, албатта онам йўқ эмас, аммо кимлигини, қаердалигини ва юртини, қачон дунёдан ўтганлигини, азбаройи худо билмайман.

Юзбоши жим бўлди ва бирпас ўйлаб қолганга ўхшади.

— Менинг қизим билан қандай танишдидинг?

— Жаноб тўра, танишганим йўқ, худо ҳаки, танишганим йўқ. Дунёда шунча яшаб ҳалигача бойвучча қизлар билан билишганим йўқ. Улар шаънига ҳакорат бўлмасину, лекин юзларни курсин.

— Бўлмасам, нима сабабдан қизим бошқа бирорга эмас, сени ўқисин, деди?

Фалсафашунос елкасини қисиб:

— Бунинг сабабини худо билмаса, мен билмайман. Лекин, бойлар аксари жуда бориб турган муллаларнинг ҳам акли етмайдиган баъзи чатоқ ишларни қилишлари ҳаммага маълум. Ҳатто: «Бой буюрса, югура бер!» деган масал ҳам бор.

— Таксири фалсафашунос, ёлғон сўзлаётганинг йўқми?

— Ёлғон сўзласам, шу турган жойимда котиб қолай.

Юзбоши ҳафа бўлиб:

— Яна бир нафас ўлмасдан турганда эди, сирни албатта билар эдим... «Ота, бошқа ҳеч ким менга фотиҳа ўқимасин, дарров Киевдаги мадрасага бир одам юбориб, ундаги талаба Хома Брутни келтир. Уч кеча ҳаққимга дуо қилиб ўқисини. Унинг ўзи билади...» Нима билади, бунисини айтольмади. Жигар порам, бундан ортиқ ҳеч нарса айтольмасдан дунёдан ўтди. Сен яхши киши, авлиё бўлсанг керак, авлиёлигинг ҳаммага маълум чиқар. Шунинг учун қизим ҳам сенинг яхши ишларинг тўгрисида эшитгандир.

— Ким? Менми? — деди Хома ҳайрон бўлиб. Кейин юзбошининг кўзига тикилиб туриб: — Мен авлиё эканманми? Худо сакласин, тўрам! Нима деяпсиз! Уят бўлса ҳам айтай, мен рўза куни булкачи хотинникига кириб гунохга ботиб чиқкан эдим.

— Хўш... тақдир шу экан-да. Энди сен бугундан бошлаб ишга кириш.

— Жанобингизга айтар эдимки... албатта муқаддас китобдан хабардор бўлган ҳар бир одам қўлидан келади... Бироқ бу ўринда дъякон ёки ҳеч бўлмаса, дъячок керак эди. Улар билимдон киши бўладилар, йўл-йўрингни яхши биладилар; мен бўлсан... Сунгра менинг товушим ҳам унча эмас, ўзим ҳам қандайлигими ни худо билсин. Савлат-салобат ҳам йўқ менда.

— У ёғини ўзингга ҳавола қилдим, ўзинг бил, лекин, қизим бечоранинг қилган васиятни бажо келтириш учун ҳеч нарсами ни аямайман. Бугундан бошлаб уч кеча ўқиб савобини унинг арвоҳига бағишлаганингдан кейин, назрингни бераман, лекин билиб қўйки, менин ҳафа қиладиган бўлсанг, агар шайтон бўлса ҳам, ёмон қиласман.

Юзбоши охирги сўзни шундай қаттиқ гапирдики, унинг маъносини фалсафашунос ҳам обдан тушунди.

— Кани, юр кетимдан,— деди юзбоши.

Икковлари дахлизга кирдилар. Юзбоши кираверишдаги биринчи уйнинг рўпарасидаги катта уйнинг эшигни очди. Хома бурун коқмок бўлиб дахлизда бирпас тўхтаб колди, кейин юрагига аллақандай вахима тушиб, зўрга остонаян ичкари кирди. Уйга қизил хитой товарлар тушалган. Бурчакда турган бутлар тагида, баланд сўрида, зар ука ва зар попук қадалган кўк баҳмал кўрнпада қизининг жасади ётар эди. Ўликнинг бош ва оёқ томонига чечак ўраб, ёкиб қўйилган узун-узун мум шамларнинг шуъласи куандузнинг ёруғида зўрга кўринар эди. Шўрлик отаси орқасини эшикка ўгириб, қизининг юзига термулиб ўтирганидан, ўликнинг бети фалсафашуносга кўринмади. Аммо юзбошининг манави гапларни эшитиб унинг капалаги учиб кетди:

— Жоним бўтам, мусичам, ёшингни яшамай, бағримни доғлаб унчалигингда бемаҳал ҳазон бўлганингга унча куймайман, баттол душманим кимлигини, ўлимингга сабаб бўлган одамнинг кимлигини билмаганимга куяман. Сени ҳақорат қилмоқчи бўлган ёки шаънингга ножуя бир гап айтмоқчи бўлган одамни билсан кошки эди, агар мендек кекса бўлса бола-чакасини, ёш бўлса ота-онасини кўролмай ўлиб кетарди, ўнги даштларда колиб, паррандаю чааррандаларга емиш бўларди. Шўрим курсин менинг, чамандаги гулим, тургайим, жоним, энди нурсиз кўзларимдан чак-чак оқкан ёшларимни этагим билан артиб дарду ҳасратда ўтаман, аммо душманим хурсанд бўлиб суюнади, мен мўйсафид ожиз ва бечоранинг ҳолига кулади.

Бу гапларни айтди-ю, тұхтади, чунки хурлиги келиб кўзидан ёш шариллаб оқиб кетаверди.

Юзбошининг бу мотамзада йигиси фалсафашуносга таъсир килиб раҳми келди. Йўталиб олгач, кейин овозим хирлламасин, деб томонини кириб кўйди.

Юзбоши унинг томонига ўгирилиб, ўликнинг бош томонида, бир неча китоб турган лавҳ ёнидан жой кўрсатди.

Фалсафашунос кўнглида:

— Уч кечани бир амаллаб ўтказарман, кейин бой икки чунтагими түлдириб беради-ку,— деб кўйди.

Фалсафашунос якинроқ келиб, яна бир марта йўталиб олгандан кейин, у ён бу ёнга сира парво қилмай, ўликнинг юзига ҳам қарамасликка ҳаракат қилиб, ўқишига тутинди. Ҳаммаёқ жимжит Шу пайтда, юзбошининг ташқари чикқашини фаҳмлади. Ўликнинг юзига қарамоқчи бўлиб, секин бошини ўгирди, караса..

Аъзойи бадани жимирилашиб кетди. Ер юзида мисли топилмайдиган барно қиз экан. Бундай чиройли ҳусн, бундай латофат ҳеч замон кўринмагандек, худди тирикдек ётар эди. Кордек оппоқ сулув юзи кумушдек йилтирад, бир хаёлга чўмганга ўхшар юзи кундуз, қиличдек қалам қоши бу кундуз ичиндаги

тун. Күзлари юмук, қоши мағрурона күтарилган, киприклари дар-ду алам ўтида ёнган юзига ўқдек қадалиб тушибди. Оғзи табас-сум билан очилған лаълга ўхшайды... Аммо бу чехра аллақандай дахіматли тиғдек фалсафашуносни жарөхатлади. Гүё ҳамма шодлик гирдобига маст бўлиб, чарх уриб турган пайтда бирор келиб мазлум халқ қўшигини бошлагандек руҳи сикилиб нола қилигандек бўлди. Лаъл лаблари қон талашиб, юрак-багрига ёпишганга ўхшар эди. Бирданига қизнинг юзида унга ошна бўлган машъум бир нарса кўринди, беихтиёр бакириб юборди:

— Ажина! — Кузини ундан олди, ранги ўчиб дуоларини ўқий-верди.

Ётган киз у ўлдирган ўша ажина экан.

Кун оққанда үлкни бутхонага элтдилар. Фалсафашунос кора тобутнинг бир томонини елкасига олганда, яхдек совук нарса баданига теккандек бўлди. Юзбоши мархуманинг тор уйининг бир томонини кўтариб ҳаммадан олдинда кетяпти. Қорайиб, ўт босиб кетган учта конуссимон мезаналик ёғоч бутхона, қишлоқнинг бир чеккасида хомуш турар эди. Анчадан бери ҳеч бир маросим ўталмаганлиги маълум бўлиб турар, бутларнинг ҳар бири олдида биттадан шам ёниғлик. Тобутни бутхонанинг ўртароғига, меҳроб олдига келтириб қўйдилар. Чол юзбоши, қизнинг юзидан яна бир марта ўпид, фалсафашуносни яхши сийланглар, кейин овқат еб олгач, бутхонага киргизиб қўйинглар, деб амр-фармон қилгач, энгашганча, тобутканлар билан бирга ташқари чиқиб кетди. Тобут қўтартганларнинг ҳаммаси ошхонага кириб, қулларини печкага сурдилар, чунки малороссияликларда үлкни кўрганда шундай қиладиган одат бор.

Бу чоқда фалсафашуноснинг обдан корни очганидан үлк бирпас эсидан чиқди. Бир оздан кейин хизматкор ва малайларнинг ҳаммаси бирма-бир ошхонага йиғилиша бошладилар. Юзбошининг суюк ва ювинди дардида думини ликиллатиб эшик тагида турган итларидан тортиб, ҳамма хизматкорлари шу ошхонага йиғилишар эдилар. Булардан биронтаси ўёқ-буёққа юмуш билан кетаётган бўлса ҳам, аввал бирпас ўтириб дам олмоқ ва трубка чекмок учун албатта ошхонага бир кириб ўтар эди. Юзбошининг бўйдок, олифта хизматкорлари сўрининг устидами, тагидами, печка тепасидами, хуллас қаерда ётиб олиш иложи бўлса шу ерда эртадан кечгача ястаниб ётаверар эдилар. Ҳар қайиси яккаш ошхонада шапкасиними, бегона итларни хайдайдиган қамчисиними, иш қилиб бир нарсасини эсдан чиқазиб ташлаб чиқар эди. Аммо кечаси овқат вақти бўлиб йиққисини отхонага қамаб чиқкан отбоқар ҳам, сигирларни соққани келтирган молбоқар ва кундузи билан қораси кўринмаганларнинг ҳаммаси келганида жамоат жам бўлиб, йиғин катта бўлар эди. Овқат тепасида; ҳаммадан камгаплар ҳам гапга тушиб кетар эдилар.

Ким яиги чалвар тиктирибди, ернинг ичида нима бор, кимга бўри учради, хулас ўёқдан-буёқдан гапирилавади. Малороссияликлар орасида мўл бўлган аскиячилар ҳам бунида сероб эди.

Фалсафашунос ҳам ошхона тагига келиб, ҳовли рўядадатта давра куриб ўтирганлар каторига кириб чўкди. Бир оздан сўнг кизиқт тақия кийган бир хотин икки қўлида бир тогора иссанқ хамир оши келтириб, ўтирганлар уртасига қўйди. Ҳар ким ўз чўнтағидан ёғоч қошигини чиқазди, қошиги йўқлар чўпдан қошиқ қилиб олдилар. Нафслари андак ором олиб, оғизларнинг кимирлаши сал секинлашгандан кейин, бир печалари гапга киришдилар. Гап ўлган киз тўғрисида бўлиши табиин.

Трубканинг бөгичига аллақанча тугмача ва мис чегалар қадаб олганидан атторнинг дўконига ўхшаган ёш чўпон:

— Бойвуччамиз шайтон билан таниш-билини экан, ростми шу гап? — деди.

Фалсафашуносимизга ошна бўлган Дорош дарров:

— Ким? Бойнинг кизими? Шайтоннинг ўзи эди, азбаройи худо, ажина эди! — деди.

Йўлда кетаётганда ҳаммани юпатмоқчи бўлган одам:

— Кўйсангчи бехуда гапни, Дорош. Бизга нима даҳли бор бу гапнинг, нима бўлса бўлар, нима қиласан гапириб,— деди.

Аммо Дорошнинг бас қиладиган авзойи йўқ эди. Ҳалигина бир юмуш-ла омборчи билан бирга ертўлага тушиб, бочкалардан бир-икки марта шимириб олганлигидан кайфи баланд, сергап бўлиб қолган эди.

— Нима дейсан? Гапирма дейсанми? Ахир менинг ўзимни ҳам эшак қилиб минган-да! Азбаройи худо, минган,— деди.

Бөгичига тутма қадаб олган ҳалиги ёш чўпон:

— Амаки, ажинанинг таниглик бир жойи бўладими, йўқми? — деди.

— Йўқ, таниб бўлмайди, азиз китобларнинг ҳаммасини ўқиб туширсанг ҳам таниёлмайсан,— деди Дорош.

Бояги насиҳатгўй:

— Бундай дема, Дорош, таница бўлади, худо ҳар махлукка бир аломат бериб қўйгани бекор эмас. Билимдон кишилар ажинанинг кичкина думи бўлади, дейдилар,— деди.

Мўйсафиид чол:

— Хотин кишининг кариси ажина-да,— деди бемалолгина сўзлаб.

Шу чоқда бўшаган тогорага яна ош қўйиб турган хотин:

— Ўзларинг-чи? Сизлар ҳам колишмайсиз! Худди семиз чучкага ўхтайсизлар! — деб қўйди.

Оти Явтух бўлса ҳам Ковтун деб лақаб қўйилган мўйсафиид чол, айтган гапи кампирга обдан таъсир қилганини фаҳмлаб, завқ билан кулиб қўйди. Молбоқар бўлса шундай хоҳолаб бесу-

нақай кулдикى, гүё икки хұқыз қамтима-қамти туриб бараварнга бўкиргандек бўлди.

Ўзбошининг ўлган кизи тўғрисида бошланган гап фалсафа-шуноснинг кўнглига ғулгула солиб, воқеани батафсил билгиси келди. Шунинг учун гапни яна шу томонга бурмок ниятида ёнида ўтиргандан суради:

— Дастанхон тепасида ўтирган гурухнинг ҳаммаси бойнинг қизини нега ажина дейди, шуни билсам деган эдим. Бирон кишига зиёни тегдими, ёки бирорни нобуд қилдими?

Юзи қуракдек япалок бири:

— Ҳар бало бўлган-да,— деб қўйди.

— Итбокар Микитани ким билмайди, ёки анов...

— Итбокар Микитага нима бўлган эди? — деди фалсафашунос.

— Шошма! Итбокар Микита воқеасини мен айтиб бераман,— деди Дорош.

— Йўқ, мен айтаман, менинг оғайним эди,— деди отбоқар.

— Йўқ, мен айтай,— деди Спирид.

Ўтирганлар бакиришиб:

— Майли, майли, Спирид гапира колсин,— дейишди.

Спирид гап бошлади:

— Сен таксири фалсафашунос Хома, Микитани билмас эдинг, топилмайдиган одам эди. Мендан икки одам нарида ўтирган эндиги итбокар анав Микола унинг босган изига ҳам арзимайди. Бу ҳам ўз ишига пухта-ку, лекин шундай бўлса ҳам Микитага караганда бу бир чака, магзава.

Дорош унинг сўзини маъқуллаб, бошини қимирлатиб:

— Гапга чекан экансан, маъқул,— деб қўйди.

Спирид яна гап бошлади:

— Сен бурнингдаги бурунакини артгунингча бўлмай унинг кўзи дарров қўёнга тушарди. «Бос, Разбой, ол. Тез!» деб итларни овга солиб юборсами, кейин сапчиб отига миниб олиб чунонам кувалаб берардики, ундан ит ўзиб кетадими, итдан у ўзиб кетадими, билиб бўлмас эди! Бирок, якиндан бери хўжайнинг қизига кўпроқ қарайдиган бўлиб қолди. Унга хуштор бўлиб қолдими, ёки қиз уни жоду-поду қилдими, ҳар нечунки, бечора хароб бўлди, хотинчалиш бўлиб қолди. Шундай bemаза бўлиб кетдик, айтгани одам ор қиласи!

— Маъқул,— деб қўйди Дорош.

— Қиз бир марта кўз ташлаб қўйдими, бас, жиловни қўлдан бериб, адашиб Разбойни Бровка дер, қокиниб-йиқилиб кетар, аллама бало бўлиб қоларди. Бир кун отхонада отини қашлаб турса қиз келиб, Микита, бери кел, оёғимни устингга ташлай, деса тентак шунга ҳам суюниб кетиб, ўзинг минсанг ҳам майли, дебди. Қиз оёгини кўтарганда лўппигина, пахтадек оёқларини кўриши

билан сенга мубтало бўлдим, дебди. Тентак бўйини эгиб берибди, икки почасидан тутиб, худди айғир отдек далама-дала чопа берибди, лекин каерларга борганини билмас эмиш. Ўлар ҳолатда зурға қайтиб келибди-ю, аммо шундан бери ковжираб тарашадек булиб қотиб кетаверибди. Бир кун отхонага кирсалар Микита турган жойда бир ҳовуҷ кул билан битта бўш пакир турганмиш. Демак, Микита ўзидан-ӯзи қуйиб кул бўпти. Аммо лекин жуда ғалати итбоқар эди-да, унақаси энди топилмайди.

Спирид гапини тамомлаш билан, итбоқарнинг фазилатлари тўғрисида ҳар тарафдан ҳар ким сўзлай кетди.

— Шепчиханинг воқеасини эшитганмисан? — деди Дорош, Хомага қараб:

— Йўқ.

— Эҳ-ҳа, баракалла, чамамда мактабингизда ҳеч нарса ўқитмас эканлар-да. Бўлмаса қулок сол: қишлоғимизда Шептун деган бир одам бор. Яхши йигит. Баъзиза бекордан-бекорга ёлғон сўзлайдиган одати бор, қули ҳам эгрироқ. Лекин... яхши одам, уйи ҳам яқинда, ана шу ерда. Худди мана шу маҳалда, овкатланиб бўлгандан кейин эр-хотин ётишибди, кун иссиқ экан, шу сабабдан хотини ҳовлига чиқиб ётишибди, Шептуннинг ўзи ичкарида сўрига чиқиб ётишибди, йўғ-а, ундоқ эмас, хотини ичкарида, эри ташқарида ётган экан...

Остонада қулинин юзига қўйиб турган аёл:

— Хотини сўрида эмас, ерда ётган экан, — деб сўзга аралашди.

Дорош унга бир қараб олиб, кейин кўзини ерга тикди, сўнгра яна унга бир қараб қўйгач:

— Ҳамманинг олдидаги ич кўйлагингни ечиб олсан қалай — яхши бўлмас; жим ўтири, — деди.

Унинг бу дўки бекор кетмади. Кампир жим бўлганча қайта овоз чиқазмади.

Дорош сўзини давом эттириди:

— Уйнинг ўртасига осигул турган беланчакда қизми, ўғилми, билмайман, бир яшар гўдак ётган экан. Шептуннинг хотини, ётган жойида эшикни ит тирнаганини эшитишибди. Итнинг вовуллаганига одам уйда тоқат қилиб туролмасмиш. Хотин қўрқиб кетишибди, чунки хотин киши деган шундай бўладики, агар кеч пайт эшик орқасидан тилингни чиқазиб кўрсатсанг ҳам жони ҳалқумига келаверади. Бироқ қўрқса ҳам, урайчи, зора овозини учирса, деб қулига косов олиб чиқса, ит бир зумда унинг оёғи орасидан ўтиб, туппа-тўғри беланчак тепасига боришибди. Хотин қарасаса, ит эмас, хўжайниннинг кизи эмиш. Қунда қўриб юрганидек бўлса-ю, майли-я, шундай баҳайбатмишки, ўзи кўм-кўк, кўзлари чўғдаймиш. Болани маҳкам ушлаб олиб, бўғзини ғажилаб қонини сўра беришибди. Хотин: «Вой шўрим!» деганича додлаб уйдан қочиб чиқса, даҳлиз эшиги бекмиш. Юрганча том тагига қочиб унда қал-

тираб ўтирса, бир маҳал қиз у ерга ҳам чиқиб келаётганмиш. Қиз уни тутиб олиб, уни ҳам тишлай берибди. Эрталаб Шептун, хотинини том тагида чала ўлук топибди, күм-күк күкариб кетганмиш. Нодон хотин эртасига ўлди. Ана шунақа ишлар була-ди, ажина шундай фалокат бўлади! Аслзод одамнинг пуштидан бўлса ҳам, ажина ажиналигини килади-да.

Дорош гапни койил килганига ўзи хурсанд бўлиб, у ён-бу ёнга караб олгач, трубкага бармоғини тикиб, тамаки солмоқ учун тозалади. Ажина ҳикояси сира тамом бўлмади. Ҳар қайсиси бир нарса айтмоқчи бўлар эди. Биттасиникига ажина бир ғарам пичан бўлиб, худди эшиги тагига келиб турганмиш, биттасининг бошидаги шапкасини, ёки трубканни ўғирлаб қочганмиш, қишлоқ қизларидан бир нечасининг сочини кесиб, баъзиларининг ҷелак-ҷелак қонини сўриб кетганмиш.

Бир маҳал ҳаммалари эсларига келиб қарасалар гап билан овора бўлиб, коронги тушганини билмай коптилар. Бирма-бир туришиб, ҳар қайсиси ўз ётогига тарқаб, бири ҳовли рўядада, бири бостирма тагида, бири ошхонада ётдилар.

Мўйсафид чол фалсафашуносга қараб:

— Қани, тақсир Ҳома, энди биз ҳам ўлук тепасига борайлик,— деди. Сўнгра Спирид билан Дорошини ҳам бошлаб ҳаммалари бутхонага равона бўлдилар. Йўлда ҳар қадамда учраган итларни савалаб боравердилар, итлар ҳам ириллашиб, уларнинг хипчинини тишлашар эди. Фалсафашунос бир кружка арокни ичиб, ўзини обдан ростлаб олган бўлса ҳам, чироқ ёқиглик бутхонага яқинлашган сари кўнглига ваҳима тушиб чўчир эди. Эшишган ҳалиги ҳар хил ваҳима гаплари, галати воқеалар ваҳимасини яна оширди. Девор ва дараҳтлар тагидаги тим коронглий сал ёриша бошлади, очикроқ ялангликка чиқдилар, кейин тевараги эски девор билан айлантирилган бутхонанинг торроқ ҳовлиси сахнига кирдилар. Ҳовлининг нариги ёғи яланглик, тақирижой эди, бир тарафи зулматдек кўринган ўланзор эди. Биргалашиб келганиларнинг учви Ҳомани бошлаб, тикроқ зиннадан чиқиб бутхонага кирдилар. Улар шу ерда фалсафашунос билан хўшлашиб, ишинг ўнгидан келсан, саломат бўл, деб хўжайнинг айтганини бажо келтириб, унинг орқасидан эшикни беркитиб чиқдилар.

Фалсафашунос танҳо қолди. Аввал ҳомуза тортиб эснаб олди, кейин керишди, сўнгра икки қўлига пуфлаб олгандан кейин ўён-бўёнга қаради. Ўртада кора тобут. Қорайиб турган бутларнинг ҳар қайсиси олдида шам ёқиглик. Шамларнинг ёруғи ёлгиз меҳробни ёритиб, бутхонанинг ўртасига зўрға тушар, узокдаги бурчаклари коп-коронги эди. Қадимги баланд иконостас¹ жуда эскиб

¹ Иконостас — бутлар турадиган меҳроб (Тарж).

колган, тиллакори, чүлпилари унда-бунда ҳали ҳам ялтирад эдину, лекин олтини күчиб кетган жойлари қорайиб қолган, авлиёларининг афти башаралари қоп-қорайиб хунуги чиқиб кетган эди Фалсафашунос яна бир марта у ён-бу ёнга аланглаб қўйди-да, кейин:

— Нимадан қўрқаман? Ташқаридан бу ерга бирор кироматиди, охиратдан келадиган арвоҳлар билан ўликларнинг дафига биладиган ҳар дуоларим борки, бир марта ўқисам, менга асло дахл қиломайдилар,— деди ва кўлинни силтаб яна такрорлади: — Нимадан қўрқаман! Кани, бошлийлик,— деб қўйди.

Сўнгра меҳробга яқнироқ бориб эди, бир неча шода шамга кўзи тушиди.

«Жуда яхши бўлди, бутхонанинг ҳамма срига шам ёқиб ташлай, куппа-кундузидек еруғ бўлсин. Аттаңг, худонинг уйида трубка чекиш мумкин эмаслиги ёмон-да»,— деб қўйди дилида

Кейин сира аямай бутхонанинг токчаси борми, пирамони, суратлари борми, ҳар ерга мум шамларни қадай берди; бирнасда бутхона чарогон бўлиб кетди. Факат бутхонанинг юкори шин томони коронглигича қолди, тилласи унда-бунда қолган қадимги ўймакори зарҳал чор чўплардаги суратлар хўмрайнишиб қарагандек эдилар. Тобутга яқнироқ келиб, қўрқа-писа секин ўликнинг юзига бакрайганча қолди, чунки қизининг хуснинг токат қилиб бўлмас эди.

Юзини ўгириб, ўзини парироқ олмоқчи бўлди-ку, аммо бирор васваса қилгандек аллакандай галати бўлди, хусусан одамни вахима босғанда кишинининг кўнглига гулгула тушиб, бенхтиёр бўлиб қолади-ку, унда ана шундай ҳолат рўй бериб қайрилиб қаради, кейин боягидай бадани увишиб, яна бир марта кўз ташлади. Дарвоқе ўликнинг ниҳоят даражада кўхликлиги вахималик қўринди. Агар озрок хунук бўлгандаям мунчалик вахималик бўлмасми? Аммо ўликнинг башараси руҳсиз, жонсиз, сўник танага сира ўшамас, тирикка ўшшар ва фалсафашуноснинг назарида қиз кўзини юминириб, унга караб турганга ўшшарди. Ҳатто ўнг кўзининг киприклари тагидан бир караб ёш оқиб тушгандек бўлди ва ёш юзига тушиб тўхтаб қолганда, билса ёш эмас, коп экан.

Дарров минбар тепасига бориб, китобни очди-да, далда бўлсин деди шекилли, шовқинлаб ўқий бошлади. Товуни бутхонанинг кўп замонлардан бери садоси чикмай гунг бўлиб қолган ёғоч деворларига бориб тегди. Акс-садоси ҳам бўлмаган бу мудҳиш бир сукунат ичидан танҳо унинг овози дўриллар, бу жимр житлик ўзига ҳам мудҳиш қўринарди. Шундай бўлса ҳам ўзига ўзи далда бериб:

«Нимадан қўрқаман? Ўлик тобутидан турмайди, чунки дуонинг қувватидан қўрқади, ётса-ётаверсин-да! Қўрқоқлик қилсан, эркаклигим коладими. Сал кўпроқ ичиб юборибман, шунинг учун

андак ваҳмим келди. Бурнакидан отиб олсаммикин? Кўп яхши, асл бурнаки-да!» дер эди дилида.

Аммо китобни ҳар вараклаганда секингина, зимдан тобутга караб қўяр ва назарида бирор қулоғига шивирлаб: «ана, ана, туриб келяпти! Ана, тобутдан мўралаб қааяпти!» дегандек бўларди.

Аммо шундай жимжитки, кишининг ваҳми келарди. Тобут кимирламас, шамлар нур сепар эди. Ичида ўлик ётган, ёп-ёруғ кимсасиз бутхона тунда ваҳималик бўлади.

Фалсафашунос ҳеч ваҳима қилмаслик учун овозини яна баланд кўтариб, кироат билан ўқийверди, лекин: «Мабодо бошини кўтарса; ўриндан турса нима қиласман!?» дегандек дам-бадам беихтиёр караб қўяр эди.

Аммо тобут кимир этмади. Тик этган овоз чиқса-чи, лоақал бир кунждан чирқилдоқнинг овози чиқса-чи... наридаги шамлардан битта яримтаси бир чирсиллаб қўймаса, ёки эриган шамнинг қатраси ерга тушиб «чиپ» этмаса, бошқа товушдан асар йўқ эди.

«Мабодо бошини кўтарса-чи!»

Ўлик бошини кўтарди.

Хома ҳайрон бўлиб қаради-ю, қўзини ишқалаб қўйди.

Аммо у тобутда ётмай, ўтирганга ўхшади. Қўзини тобутдан олди-ю, ваҳимага тушиб дарров яна қаради. Бир маҳал қараса, ўлик ўриндан туриб, қўзини очмай юриб келяпти; ҳа деганда қўлини куличкашлаб бирорни тутмоқчи бўлади.

Тўппа-тўгри унга караб келяпти; Хома кўркканидан атрофига айлантириб чизиб қўйди. Дуога зўр бериб, яккаш жин ва париларга учраб юрган бир монахдан ўрганиб олган дуоларини тинмасдан ўқийверди.

Тобутдан турган қиз унинг чизган чизигига жуда яқин келди, лекин чизикини босиб ўтишга мадори йўклиги билиниб турибди: бир неча кунлик ўликдек унниқиб, қўкариб кетибди. Унинг башарасига қарагани Хомада тобу тоқат йўқ; шундай баҳайбат эди. Ўлик тишини-тишига уриб, қўзини очди. Аммо қўзига ҳеч нарса кўринмади шекилли, ниҳоятда аччигланиб, юзлари титраб-қақшаб (аччиглангани шундан билинди) икки қўлини ёйганча бошқа тарафга қараб кетди; Хомани тутмоқчи бўлиб, дуч келган ҳар бир устунни кучоклар, ҳар бурчакка бир кириб чиқар эди. Алоҳа тинчиди, сўнгра бармоги билан дўқ қилиб, тобутига тушиб ётди.

Фалсафашунос ҳали ҳам ўзига келолмай, ажинанинг бу тор уйига ваҳима билан қараб-қараб қўяр эди. Бир маҳал тобут бирданига кўтарилиб, бутхонанинг у ёнидан бу ёнига ғириллаб учаверди, тобут унинг шундоққина бошида учуб юрганини кўрди-ю, лекин чизган бояги чизигига яқин келолмаганини билиб,

ўқишига зўр берди. Тобут бутхонанинг қок ўртасига келиб тушди ва тушган жойида қимирламасдан тураверди, ўлик кўм-кўк кўкариб, янә бошини кўтарди. Шу пайтда узокдаги хурознинг кичкирган овози эшитилиб қолди. Ўлик тобутга тушиб, қоп-қоғи ёпилди.

Фалсафашуносининг юраги дук-дук урар, баданидан чак-чак тер оқар эди. Аммо хурознинг овозини эшитиб, андак дадил бўлди ва ҳам чала қолган варакларини тамомлаш учун тез-тез ўқийверди. Тонг отиши билан бутхонанинг дъячоги билан ҳозир қавмбоши бўлиб турган Явтух чол кириб келдилар.

Фалсафашунос нарироқдаги ётокка келганда ҳам анчагача ухлай олмасдан ётди, аммо чарчаганлиги асар қилиб, алоҳа ухлаб қолди ва тушгача турмади. Ўйкудан турганда кечаси бўлиб ўтган воқеаларни худди тушда кўргандек бўлди. Кувват бўлсин деб, бир коса май бердилар. Даастурхонга ўтирганда катта бир чўчқани еб соблади. Аммо сабабини ўзи ҳам билмаган аллақандай нохушлик рўй бериб, бутхонада бўлиб ўтган воқеани бирорвга айтишига юраги бўлмади. Кизиксиниб сураганларга: «Ҳа, кўп аломатлар бўлди» деб қуя қолди. Корни тўйганда бениҳоят хушмуомала, мулоим ва одампарвар бўлиб кетадиган бир хил одамлар бўлади, фалсафашунос ҳам шу хил кишилардан эди. Оғзида трубкаси билан ётиб олиб, ҳаммага жуда мулоим бокиши қилиб, ҳа деб ёнига тупурар эди, холос.

Овқатдан кейин фалсафашунос димоги чоғ бўлиб, кишлокни ҳўп сайд қилиб, ҳамма билан танишди, ҳатто иккى уйдан қувалаб ҳам чиқаздилар. Чиройликкина бир жувонникига кириб, кўйлаги билан камзуланинг молини билай деб ағ-бағини ушлаб кўрган эди, жувон орқасига курак билан тушириб қолди. Лекин кеч кирган сари кайфи қочиб, хафалиги ошаверди. Кечлик овқатга бир соатча қолганда хизматкорларнинг ҳаммаси ҳовлига йиги-лишиб, тинди-минди ўйинини бошлидилар. Ҳар ким ютса, ютказганини эшак қилиб минар эди. Бу ўйин тобора қизиб, жуда томоша бўлди. Юзи товокдек молбоқар подачи, яккаш афти башарасини ажин босган пак-пакана, нимжон чўчқа боқувчи подачини минар эди. Гоҳда молбоқар подачи Дорошга миндирар, Дорош бўлса ҳар гал уни минганда: «Ҳа полвон ҳўқизим!» деб қўярди. Сипорок хизматкорлар ошхона остонасида ўтирас эдилар. Ёшлар подачи ёки Спириднинг қизиқ гапларидан кулавериб ичаклари узилганда ҳам, булар оғизларидан трубкаларини кўймай, ковоқларини солиб ўтираверар эдилар. Хома ҳам бу ўйинга аралашмокчи бўлди-ку, аралашмади, чунки аллақандай кора хаёллар миясига михдек қадалиб бошидан сира кетмас эди. Кечлик овқат тепасида ўзини ҳар қанча хурсанд қилмоқчи бўлса ҳам, осмонни коронги босган сари, уни ҳам ваҳима босаверди.

Мўйсафид чол Дорош билан бирга ўрнидан тураркан:

— Қани, муллабачча, вакт ўтмасин — юмушимизга борай-лик,— деди.

Хомани кечагидек яна бутхонага элтиб, устидан бекитиб, ёлғыз қўйиб кетдилар. Танҳо қолгач, юрагига яна қўрқув тушди. Корайиб турган бутлар, йилтирок чор чўплари, мудхиш сукунат ичидаги бутхона ўртасида турган қора тобут яна қўзига куринди.

— Майли, бу вахимадан эди қўрқмайман. Аввал қўрккан эдим. Ҳа! Аввал бошда ваҳималирек эди, эди хавф қолмади, сира қолмади,— деб қўйди.

Дарров меҳробга чиқиб атрофиға чизик тортиб, бир-инки дуо ўқиб бўлгач, китобдан қўз олмасликка ва ҳеч нарсага парво килмасликка қасд қилиб, шовқинлаб ўқийверди. Бир соатча шу зайдада ўқиб эди, андак ҷарчагандек бўлди, йутали ҳам қистаб қолди. Киссанидан кортиғини олиб, бурнаки отмоқчи булди-ю, лекин аввал қўз кири билан тобутга қараб қўйди. Юраги орзиқиб тушди, чунки ўлик худди чизик тепасига келиб, кўкариб кетган руҳсиз қўзларини унга тикиб турар эди. Талабанинг юраги чиқиб кетгундай бўлди, аъзойи баданига ларза тушиб, бўшашиб кетди. Қўзини китобдан олмай дуога зўр берди ва шу пайтда ўлик яна тишини тишига уриб, уни тутмоқ қасдида кўлларини қулочкашлай берди. Аммо талаба бир қўзининг кирини ташлаб эди, ўлик унинг турган ерини тополмай, бошка ерда ахтараётганигини ва уни кўролмаётганини билди. Ўликнинг руҳсиз лаблари қимиirlаб, оғзидан ғулдираган ёмон гаплар чиқди, овози хириллаб, гаплари қайнайтган мумдек бакир-букир қилиб чиқар эди. Нима деяпгани маълум эмас эди-ку, аммо вахимали хунук гаплар эканинни билди. Сехр билан жоду қилаётганини фахмлаб, фалсафашуноснинг қути учиб кетди.

Ўликнинг жодусидан бутхонада шамол кўтарилиб, худди бир талай парранда учгандек, қанот овози эшитилди. Бутхона деразаларининг ойнасига, темир чамбаракларига бир нарсаларининг қаноти текканини, панжалари билан темирга ёпишиб, ғирчиллатганини, аллакимлар эшикни уриб, бузиб кирмокчи бўлаётганини эшитиди. Юраги ҳеч тинмасдан қаттиқ дук-дук уради. Қўзини юмиб олиб, ҳа деб дуоларини ўқий дерди. Бир маҳал узокдан бир қичқириқ эшитилди; олисдаги хўрозд экан. Тинкаси қуриб ҳолдан кетган фалсафашуносга бир оз жон кириб, андак тинчиди.

Унинг ўрнига келган одамлар бечорани ўлар ҳолатда кўрдилар. Қўзлари чақчайган, ўзи деворга тиравиб олиб, кирганлар ҳар қанча туртқилаб итарсалар ҳам бўзраяр эди, холос. Судраб олиб чиққач, йўлда бора-боргунча суюб бордилар. Бойнинг ҳовлисига келганда сал ҳушига келиб, май сўради. Майни ичиб олгандан кейин сочини силаб туриб:

— Оламда ҳар бало бор-ку, лекин бундай фалокат. — деди-ю, кейин: — бор-э... — деб қўлини силтади.

Уни гир айлантириб ўраб олганлар унинг бу сўзларини эшишиб, бошларини солиб ҳайрон қолдилар. Оғилхонани тозалаш, ёки сув ташиш керак булиб қолганда ҳар ким хоҳласа дастёрликка буюра берадиган бир малай бола бор эди, ҳатто шу болапақир ҳам ағрайиб қолди.

Оқсоч кампирга қарашиб юрадиган ва белини танғиб боғлаб олганидан тиқмачоқдеклиги кўриниб турган ўрта ёшли сатанг бир хотин бор эди; унинг сатанглиги шундай эдикни, тақиячасига доим бир парча латтами, қалампир мунчоқми, мабодо ҳеч нарса топилмаса, бир парча қофозми, иш қилиб бир нарса тақиб оларди. Шу топда ана шу хотин бу ердан ўтиб кетаётган экан, фалсафа-шуносни кўриб қолиб:

— Салом алайкум, Хома, вой-вой, нима бало бўлди сенга! — деди чапак чалиб.

— Нима деганинг бу, нодон хотин?

— Худоё тавба! Сочинг битта қолмай оқариб кетибди-ку!

Спирид ҳам унга тикилиброк қарагач:

— Эҳ-ҳа! Рост айтади! Ҳудди Явтух чолнинг ўзи бўлиб қопсанку! — деди.

Фалсафашунос бу гапни эшита солиб, ошхона томонга юргурганча кетди, чунки бунда бир парча ойнага кўзи тушган эди; пашша ўтиргаң бу ойнанинг атрофига ўт-ўланлар қадалган, ҳатто бойчечакдан гул баргак ҳам боғланганлигидан бояги сатангнинг пардоз қиласиган ойнаси эканлиги мълум эди. Ойнага қараб ҳалигиларнинг гапи ростлигини билгач, кути учиб кетди, сочининг ярмиси оқариб кетибди.

Хома Брут хафа булиб, хаёл сурив кетди. Ҳўп ўйлаб-ўйлаб, кейин:

— Бойнинг олдига бориб, воқеани айтаман, энди бас, ўқимайман, дейман. Шу топда дарров мени Киевга жўнатсин, — деди ўзинга-ӯзи.

Шу хаёлларни қилиб, юзбошининг эшигига қараб жўнаб колди.

Юзбоши меҳмонхонасида хомуш ўтириб эди. Аввал қандай бўлса ҳали ҳам шу зайлда хафа ва ғамгин ўтирибди. Юзлари яна баттарроқ сўлишибди, кам овқат еганлиги, ёки тақир емаганлиги билиниб туар эди. Ранги ниҳоятда ўчиб, бўзарниб қолганидан тошдек қотиб қолганга ўхшар эди.

Шапкасини қўлига олиб остоноада тўхтаб турган Хомага кўзи тушгач:

— Ассалом, ишларинг қалай, жойидами? — деди.

— Жойидаликка жойида-я, шундай жин урган эканки, шапкани қўлтиклаб қочавермоқ керак.

— Нега бундай дейсан?

— Хўжайн, қизингиз... албатта аслзодалиги аник-ку, бу томондан ҳеч ким гумондор бўлолмайди-я, бироқ худо жонини роҳатда сақласин, мен шаънига ёмон гапирмоқчимасман, бунга газабингиз келмасин...

— Нима килган экан кизимга?

— Шайтон йўлига кирган экан. Шундай аломатларни кўрсатдик, ҳеч қандай китобда таъбири йўқ.

— Ўқий бер! Ўқий бер! Сени чақириргани беҳуда эмас. Шўрлик болам ўз жонининг ғамини еб, ножӯя, бадхаёл фикрларики бор, ҳаммасидан мусаффо бўлай, деб дуога зўр берган-да.

— Хўжайн, ихтиёр сизда, лекин азбаройи худо, тоқатим колмади.

— Ўқий бер, ўқий бер! — деди юзбоши боягидек хушмуомалалик билан.— Энди бир кеча колди. Савоб иш қиласан, яна куруқ ҳам қўймайман.

— Ҳар нарса берсанг ҳам... Нима қилсанг қил, ўқимайман! — деди Хома узил-кесилига.

— Ҳой фалсафашунос, гапга қулоқ сол! Бунақа можаролашибини ёмон кўраман; бу қилиғингни уша мактабингга борганда кўрсатарсан, менинг таъбим кўтармайди, мен урадиган бўлсан домиллангдака урмайман. Чарм даррани биласанми? — деди юзбоши дағдага билан.

Фалсафашунос овозини пастроқ қилиб:

— Нега билмай, чарм даррани ким билмайди, кўпроқ тушгундай бўлса тоқат қилиб бўладиган нарса эмас,— деди.

— Шундай-ку, лекин менинг йигитларимнинг даррасини емагансан-да! — деди юзбоши ҳайбат билан ўрнидан тураркан, авзойи бузилиб, дағдагаси ошди ва бошига тушган мусибат туфайлидан бир оз ювошланган таъби яна айниб, золимлиги тутди.— Менинг одатим шуки, аввал обдан савалатиб, кейин жароҳатига ҷағир қўйдирман, боз яна савалатаман. Бор, юмушингни қил, қиласанг соғ қолмайсан, агар қилсанг минг тилла оласан!

Фалсафашунос ташқари чиқиб кета туриб:

«Ана холос! Баракалла-е. Бу одам билан ҳазиллашиб ўтирамай. Шошма, шошма ошнам, шундай жуфтак уриб қочайки, итларинг билан қуваласанг ҳам етолмагин»,— деб қўйди.

Дарвоқе албатта қочмоққа қаsd қилиб қўйди. Фақат тушки хўракдан кейинги пайтни пойлаб турди, чунки бу пайтда хизматкорларнинг ҳаммаси бостирмалар тагидаги пичан ичиға кириб олиб, шундай пишиллаб, хуррак отардиларки, юзбошининг ховлиси фабрикага үҳшаб кетар эди. Кутган бу пайти ҳам келди. Ҳатто Явтух ҳам офтобга чиқиб, кўзини юмиб ётиб олди. Фалсафашунос хавотир ва ҳадик билан кўрқа-писа секин бойнинг

чорбоғига қараб бораверди. Хаёлида чорбоғдан далага чиқиб кетмоқ осон, ҳеч ким күрмайды, деб үйлади. Чорбоғ қаралмаганидан, жуда чакалак бўлиб кетган ва шунинг учун бекитиқча қилинадиган бу хил ишларга жуда қулай эди. Баъзи рўзгор ишлари билан қатналиб турадиган биттагина ёлгиз оёқ йўл бўлмаса, бошқа йўл йўқ, тўқай бўлиб ўсиб кетган олчалар, кизил қатлар, учидаги ёпишқоқ пуштиранг ғунчаси бош тортиб ўсиб кетган «қариқизлар» чакалак бўлиб, ҳамма йўлни босиб кетган эди. Четандек ӯралашиб чакалак бўлиб кетган ҳар хил дарахт ва буталар тепасига ташланган тўрдек тушган чирмовиклар, ёввойи қўнгирок гулларга қўшилишиб таноб ташлаб, осилиб осилиб ётибди. Чорбоғнинг бир чеккасидаги четан девордан нарёқда, қаралмасдан бурган ўт босиб кетган майдон бўлиб, ўт шундай йўғон тортиб, говлаб кетган эдики, мабодо бирор чалғи билан ўрмоқчи бўлса, чалғиси синар эди. Фалсафашунос четан девордан ошиб тушмоқчи бўлганда тишларигача қалтираб, юраги шундай қаттиқ ура бошладики, ўзи ҳам қўрқиб кетди. Рўдапо этаги бирор ерга михлаб қўйгандек судралар эди. Девордан ошиб тушгунча бўлмай бирорнинг: «Қаёққа борасан, қаёққа?» деган шовқинидан қулоги шанғиллаб кетди. У дарров ўзини алаф ичига олди-ю, эски илдизларга қоқилиб-сукилиб, кўр сичқонларни босиб-янчиб қочди. Бурган ўт ичидан ялангликка чиқиб олсан, нариёғи тиканак, тиканакка кириб олсан марра меники, тўппа-тўғри Киев йўлига чиқсан керак, дер эди. Ялангликдан ўтиб тусатдан тиканакка кириб қолди. Парча-парча этаклари тиканакда илиниб қолиб, сайхонроқ ерга чиқди. Шохлари таркалиб ўсган тол эгилиб ерга тегай-тегай деб туради. Кичкина булокчанинг суви кумушдек тиник. Фалсафашуносининг аввало қилган иши шу бўлдики, ётиб сув ичиб олди, чунки ниҳоятда чанқаган эди. Лабини арта туриб: «Зап сув экан-да! Бирпас дам олай»,— деди.

— Йўқ, қочганимиз маъқул, етиб оладилар!

Бу сўзларни бирор худди тепасига келиб айтди. Қайрилиб қараса олдида Явтух турибди.

«Бадбахт Явтух, оёғингдан кўтариб ерга урсан... Тавия афтингни-ю, бошқа ҳеч ерингни қўймай сўйил билан хўп дўқиллатсан» деб кўйди фалсафашунос ичидаги жаҳл билан.

Явтух яна:

— Мунча айланниб бекор қилдинг, оғилхона ёнидан тўппатўғри ўтиб, мен юрган йўлдан юрсанг яхши бўларди, сўнгра тўнингга ҳам ачинаман, мовути тоза экан, газини қанчадан олган эдинг? Кел энди, хўп сайил қилдик, энди уйга қайтсан ҳам бўлар,— деди.

Фалсафашунос бошини қашиб, Явтух кетидан бораверди. «Лаънати ажина энди таъзиримни беради-ку! Бироқ менга нима

бўлди, нимадан кўркаман? Эркак эмасманми? Икки кечада ўқидим, энди яна бир кечага худо узи мададкор. Худо урган ажина, хўп гуноҳга ботган экан-да, бўлмаса шайтон мунча йўкламас эди уни» деди ичидা.

Юзбошининг ҳовлисига кириб келгандада унинг мияси шу хил хаёллар билан банд эди. Бундай ўйлар билан ўзини мардана тутиб, гоҳда омборчининг ёрдами билан бойнинг ертўласига тушишга ҳадди сиккан Дорошдан, ертўлага тушиб бир шиша май олиб чиккин, деб сўради. Кейин икки дўст бостирма тагида ўтириб, унча-мунча эмас, ярим пакир майни ичиб олдилар; бир маҳал фалсафашунос ўрнидан туриб: «Машшокларни келтиринг, бўлмаса илож йўқ!» деб кичкираверди. Кейин машшокларни ҳам кутмай, ҳовли рўяга тушиб, тапир-тупир ўйин тушиб кетди. Талаба тушгача тинмасдан ўйнай берди, унинг атрофида давра куриб олган жами хизматкорлар туриб-туриб: «Шунака ҳам чарчамай ўйнайдига одам бўларкан, тавба!» дейишиб, тарқашиб кетдилар. Алоҳа фалсафашунос ҳам чарчаб, шу ердагина ёта қолди. Кечкурун катта қўшқулокда тўла совук сув сепмагунларича турмади. Кечкурунги овқат тепасида, казакнинг мардлиги, ҳеч нарсадан кўрқмаслиги тўғрисида хўп эзмаланди.

— Кани жўнайлик, вакт бўлиб қолди,— деди Явтух.

Фалсафашунос ичидা: «Тилинг куйсин, бадбахт чўчка!» деди-ю, ўрнидан туриб, «юр» деди.

Бора туриб фалсафашунос ҳадеб ҳар тарафга аланглар, гоҳда ҳамроҳига сўз котиб қўяр, лекин Явтух индамас, Дорош бўлса узи камгап эди. Осмон тим қоронгу. Олисдан бўриларнинг увиллаган овози келар, итларнинг вовиллагани ҳам алланечук ваҳималик эди.

— Увиллаётган бўри эмас, бошқа бир нарсага ўхшайди,— деди Дорош. Явтух индамади. Фалсафашунос ҳам ҳеч нарса деёлмади.

Улар бутхонага яқинлашиб, унинг эскирган ёғоч пештоқи тагига етдилар. Бутхонанинг харобалиги, бу атрофнинг эгаси булган бой, худони йиғиштириб қўйиб, ўз имонини ҳам ўйламаганинги кўрсатар эди. Явтух билан Дорош яна уни ёлғиз ташлаб чиқиб кетдилар. Бутхонанинг ичи ўша-ўша, кечада қандай ваҳимали бўлса, ҳали ҳам шундай. У бир зум тўхтади. Лаънати ажинанинг тобути ўртада турибди. «Кўрқмайман, худо ҳакки кўрқмайман!» деди-да, яна гир атрофини чизиб, билган дуоларини ўқийверди. Кишининг ваҳимаси келадиган жимжитлик. Липиллаб ёниб турган шамлардан бутхона ёруғ. Фалсафашунос бир варакчи очди, кейин яна бир вараклади, кейин қараса китобда йўқ нарсаларни ўқиётган экан. Кути учиб чўкиниб олгач, хониш кила бошлигар эди, юраги озрок далдаланди. Шириллатиб ўкий берди Китобнинг вараклари кетма-кетига очилаверди.

Хаммаёк жимжит турган пайтда, тусатдан тобутнинг темир копкоги қарсилаб синди-ю, ўлук ўрнидан туриб келаверди. Бу сафар у баттар вахималирок. Тишлари бир-бирига тегиб шакиллаб, лаблари дир-дир тутраб, жодусидан шовқин-сурон, тўполон кутарили. Бутхонада шамол туриб, бутлар йикиласверди, даразаларнинг ойналари синиб тушаверди. Эшиклар ошиқ-мошигидан сўгурилиб, даҳшатли жинлардан аллақанчаси худонинг ўйига йигилди. Қанот ва тирмашган тирнокларнинг товуши бутхонани босди. Нимаики бор ҳаммаси изгишиб, фалсафашуносни қидирар эди.

Хоманинг кайфидан асар қолмай, хушёр бўлиб қолди. Яккаш чўкиниб, оғзига келган дуони ўқийверди, ажина бўлса унинг атрофида чарх уриб айланаб юрар, палид думи ва қанотининг учунга тегиб ҳам кетар, аммо буларга тузукрок караб, нималигини билишга фалсафашуносда юрак йўқ эди. Худди соч ва туклари тўқай бўлиб кетган каттакон вахимали бир нарса деворга ёпишиб олибди. Сочлари орасидан иккита вахимали кўз, кошларини кериброк караб турар эди. Чакчайиб турган нишга ўхшаган бир неча минг сих ва найзалар ҳар тарафга чиқиб, қоп-кора кесаклар уларга илиниб турар эди. Буларнинг бариси Хомага тикилиб, уни қидирар, лекин сехр қилинган чизик бор учун уни кўра олмас эдилар.

— Вийни келтиринглар, борниглар, Вийни чақиринглар! — деган овоз чиқди уликдан.

Шу онда бутхона жимжит бўлиб қолди. Олисда бўри увиллади, кейин бутхонада дўк-дўк бирорнинг юргани эшитилди. Хома кўзининг қири билан бокиб эди, қараса, пак-пакана, дум-думалоқ, оёқлари маймок бир одамни етаклаб келяптилар. Аъзойн бадани қоп-кора тупроқ босган; тупроқка беланганд қўл ва оёқлари ирғиб чиқкан бакувват томирга ўхшар эди. Пакана одам ҳар онда кетига бир чифаниб, тихирлик килиб тап-тап этиб келар, ковоклари ергача осилиб тушган; юзи темирданлигини кўриб, Хоманинг кути учуб кетди. Уни қўлтигидан ушлаб, худди Хома турган жойга келтириб қўйдилар.

— Қовоғими кўтариб қўйинглар, кўра олмаяпман,— деди Вий, ер қаъридан чиққандек овоз билан. Беҳисоб жинларнинг бариси бирданига ёнишиб, унинг қовоғини кўтариб қўйдилар. Аллақаёқдан — ғойибдан келган овоз:

«Қарама!» деса ҳам фалсафашунос сабр қилолмай каради.

— Ана! — деб қичкирди Вий ва темир бармоғини сих килиб кўрсатди. Жинларнинг ҳаммаси фалсафашуносга ёпиша кетдилар. Хома нафаси узилиб йикилди, вахимасидан жони чиқиб кетди.

Шу онда ҳўроз қичкирди; аввал ҳам бир қичкирган эди. Ҳўроз товушини ҳаммадан аввал жинлар эшитиб, қўркканидан ҳаммаси ҳар ёққа тўзиб қочишиди. Ҳар қайсиси тезроқ қочмоқ бў-

либ, бири эшикка, бири деразага ўзини урди. Бироқ, қочиша ол-масдан эшик ва деразага ёпишганча қолдилар. Кейин поп келганды, худонинг уйини бундай ифлос бўлганини кўриб, капалаги учеб, фалокат теккан бундай ерда жаноза ўкишга жасорати етмади. Бутхона шу палид бўлганича абадий колди, эшик ва деразалариға ёпишган жинлар шу зайлда ёпишганча қолдилар, бутхонани ўт ва тиканак босиб, одам оёқ босмайдиган чакалакзор, вайронага айланди.

Бу воқеанинг хабари Киевга эшитилиб, фалсафашуноснинг тақдири диншунос Халявага ҳам маълум бўлганда ҳайрон бўлиб бир соатча ўй ўйлаб қолди. Ҳов ўшандан бери Халяваннинг турмушида ҳам катта ўзгаришлар бўлиб, унинг толеи баландлик қилди. Мактабни битириб чиққач, уни энг баланд жомхонага занг урувчи қилдилар. Бутхонанинг жом чаладиган минорасига чиқадиган тахта зина жуда омонат қилинганидан у доим қашқа бўлиб юрар эди.

Аллақачон файласуфлик даражасига мингана ва мўйлови сабза бўлиб қолган Тиберий Горобець бир кун Халяванинг қошига келиб:

— Хоманинг воқеасини эшитдингми? — деди.

Занг урувчи Халява:

— Худонинг амри шу бўпти, юр ароқхонага, унинг арвоҳини бир хушнуд қиласайлик! — деди.

Хаққини обдан таниб, ичкиликка иштиёқи баландлигидан, кийган тўни билан чалвари у ён турсин, ҳатто бошидаги шапка-сидан ҳам ароқ ва тамаки ҳиди келиб турган ёш файласуф дарров кўна қолди.

Ароқхонанинг оқсоқ эгаси улар олдига учинчи марта ароқмай келтириб қўйганида, занг урувчи Халява:

— Яхши одам эди Хома! Асил одам эди, бекорга нобуд бўлиб кетди! — деди.

— Нега бундай нобуд бўлганини биламан, кўркқанидан улган. Агар кўрқмаса ажина ҳеч дахл қилолмас эди. Чўкиниб олиб, ажинанинг нақ думига бир марта тупирмоқ керак, шунда ҳеч зиён-захмат етказолмайди, буни обдан билиб олдим. Киевнинг бозорида юрган хотинларнинг бариси ажина-да, ахир!

Халява, унинг бу гапини маъқуллаган ишорасини килиб, бошини қимирлатиб қўйди. Аммо тили тутилиб, жуда ғулдираб қолганини фаҳмлади шекилли, секингина ўрнидан туриб гандир-раклаганича, ҳов бир чеккадаги ўт ичига кириб беркиниб олди. Бироқ эски одатини унутмай, токчада ётган кўхна этик чармини қулий қилиб кетди.

**ИВАН ИВАНОВИЧ БИЛАН
ИВАН НИКИФОРОВИЧ
ОРАЛАРИДА
БҮЛИБ ЎТМИШ ЖАНЖАЛЛАР ҲИҚОЯТИ**

Бу ҳикояда баён бўлган вокиалар бундан анча аввал бурунги вактда бўлганини билдириб қўймокни иммамдаги вазифам деб билман ва бундан ташқари, бу викия тамомила ҳеч бўлмаган ёлғондир. Шаҳардаги иморатлар ҳам бошкacha. Шахарнинг уртасида тўқай бўлиб ётган кўл ҳам аллақачон куриб колган. Судъя ва суд аъзоси ва ҳокимдан тортиб жамикин амалдор ва мансабдорлар хайр йўлида юрган жуда хурматли одамлардир.

I боб

Иван Иванович ва Иван Никифорович

Иван Ивановичнинг пўстини жуда яхши! Ниҳоят даражада аъло! Барраси-чи, барраси! Бай-бай! Баррасини айтинг! Ўзи кўк рангда-ю, бир оз оқ астари бор. Бундай бир нарсанинг бошқа ҳеч кимда йўклигига ҳар ким билан гаров боғлашаман! Таъриф ва тавсифга сифмайди: баҳмал! нукра, ўт-олов! ё худо, ё азизлар, ё авлиёлар! Нега ахир менинг бисотимда бундай пўстин йўқ. У киши бу пўстинини Агафия Федосеевна Киев шаҳрига бормасдан бурун тикирган эди. Агафия Федосеевнани сиз ҳам танийсизми? Заседатель тўранинг кулоғини тишлаб узиб олган ўша эди-да.

Иван Иванович кўп яхши одам! Унинг Миргороддаги ҳовлисины айтинг, уйнинг ҳар тарафи қарафай устунлик айвон, айвонга кўйиб қўйган курсиларини айтинг. Кун исиб кетганда, Иван Иванович пўстин ва бошқа кийимларини ечиб ташлаб, кўйлакчан, ҳовлида ва кучада бўлаётган ишларни томоша қилиб, айвонда истироҳат қиласиди. Деразаларнинг тагида ўсган олма ва нашватиларни айтинг! Деразаларни очишингиз билан, шохлари ичкарига уриб киради. Бу — уйнинг олди, энди боғидан келинг! Боғида нималар йўқ? Олхўри, гилос, олча, анвоий сабзавот, кунга боқар, бодринг ва қовунлар, нўҳат, ловия ва бошқалар, ҳаттоқи фаллахона билан темирчилик ишхонасиңгача бор.

Иван Иванович кўп яхши одам. Қовунни жуда яхши кўради. Унинг энг севган овқати шу. Овқатдан бўшаган замон, кўйлакчан айвонга чиқади. Гапка деган оқсоҷ хотинга бир эмас, бирданига иккита қовун келтириради. Қовунни ўз қўли билан сўйиб, уругини алоҳида бир коғозга ўраб қўяди, ундан сўнг ея бошлайди. Еб бўлгандан кейин, яна ўша хотинга сиёҳ билан қалам келтириб, қовун уруги ўралган қофоз устига ўз қўли билан: «Ушбу қовун фалон кунда ейилди» деб ёзиб қўяди. Агарда биронта мехмон ҳам бўлган эса, «фалончи ҳам бор эди» деб яна қўшиб қўяди.

Миргород шаҳрининг марҳум судьяси, Иван Иванович уйига ҳаммавакт ҳавас билан қаарә эди. Дарвоқе уйнинг ўзи ҳам чакки эмас. Менга шуниси маъқул эдикни, унинг чор тарафига даҳлиз ва даҳлизчалар солинган эди. Агар йирокдан туриб карасангиз, бир-бири устига мингашган томлардан бошқа нарса кўринмаэ эди. У томларнинг ўзи ҳам чўзма тахланган товоққа, ёхуд дарахтнинг бутоғига жуда үҳшаб кетарди. Томлар қамиш билан ёпилган. Тол, эман ва икки олма дарахтининг узун-узун шоҳлари том устига тушиб, кўланка ташлаб туради. Дарахтлар орасида йилт-йилт қилиб, дарчалар кўринар эди, ва ҳатто кўча томонда ҳам дарча бор эди. Деразаларнинг ўймакорлик билан ишланган ва оқ сирли дарпардалари бор эди.

Иван Иванович кўп яхши одам! Полтава шаҳрининг ҳокими ҳам у кишини танийди! Дорош Тарасович Пухивочка Хорол шаҳридан келаётганида, албатта уникига бир тушиб ўтади. Колиберд мавзунинг руҳонийси Пётр ҳазратлари бўлсалар, ҳовлиларига уч-туртта меҳмон келиб қолса, ҳаммавакт, христиан динининг буюрганларига Иван Ивановичдек астойдил ихлос билан амал қиласидиган бадавлат кишини сира кўрганим йўқ дердилар.

Ё парвардигори олам, бу умр қандай тез ўтади! Хотинидан айрилганига ўша вақтда ҳам ўн йил бўлиб эди. У кишининг фарзандлари йўқ эди. Оксоч Гапканинг фарзандлари бор, ҳовли сахнида доим унинг болалари ўйнашарди. Иван Иванович уларнинг ҳар бирига доим бир донадан тешик кулча, ёхуд бир тилимдан қовун ва ёхуд бир донадан нашвати берарди. Ертула ва омборлар калити Гапкада турарди; аммо ётогидаги катта сандикнинг ҳамда ўрта омборнинг калити Иван Ивановичнинг ўзида турарди ва ҳеч кимни у ерга йўлатмас эди. Гапка жуда бардам аёл бўлиб, устига матадан юбка киярди: болдиrlари сергўшт, юзлари тирсиллар эди.

Иван Ивановичнинг художўй ва таквадорлигини айтинг! Ҳар якшанба куни пустинини кийиб, бутхонага боради. Бутхонага кириши билан тўрт томонга салом бериб, аксари тўғри хона-кога бориб ўтиради ва йўгон овози билан кироатга қўшилишади. Йбодат тугаши билан тиланчиларнинг ҳаммасига садака бермасдан қўймайди, бундай бехуда иш билан шуғулланмоқни ўзи хоҳламаса ҳам, лекин у кишининг табнатларидаги сахийлик шу «корихайр»га етаклайди. Тиланчилар орасидан йиртиқ-ямок кийинган, ожиз ва нотавон бир хотинни топиб:— Омонмисан, бечора? Ўзинг қайдан бўласан?— деб ҳол-аҳвол сўрарди.

— Таксир, кўрғондан келдим: уч куидан бери ҳеч нарса еган-ичганим йўқ, ўз тукқан болаларим ҳайдаб юбордилар.

— Эй, гарibi бечора! Нега келдинг бу ерга?

— Таксир, ўзим хайр сўрагани келдим, ҳеч бўлмаса, нон пулни бергудай сахийлар топилиб қолар дедим.

Шундай фурсатда Иван Иванович, ўз одатлари буйнча, сұрап әдилар: — Э, шундайми, корнинг очми, нон ейсанми?

— Нега емай? Итдек очман.

— Ха! — дер эди Иван Иванович,— күнглиниң балки гүшт ҳам тиляр?

— Ниманики берсанғиз майли.

— Ҳа, нондан гүшт яхшими?

— Оч одам суриншириб үтирадими, нима берсанғиз розиман,— деб кампир күллариниң узатарди.

— Қани, жұна! Худо берсін! — дер эди Иван Иванович,— Нега қараб турибсан? Сени ураётганим йўқ-ку!

Шу хилда муомала билан бошқа тиланчилардан ҳам «холаҳвол сұрагач», уйларига кетар әдилар, ёхуд Иван Никифорович деган күшилариникига, ё судьяникига, ё шаҳар ҳокиминикига бир рюмка ароқ ичгани кирав әдилар.

Совға-салом олиб келган кишиларни Иван Иванович күп дүст тутар, совға-саломни жуда ёқтирад әди.

Иван Никифорович ҳам, у кишига үхшаш күп яхши одам. У кишининг ҳовлилари Иван Ивановичникига күшин. Улар шундай қалин дүстларки, дунё уларнинг мислинин кўрмаган, деса мумкин. Антон Прокофьевич Пупопуз деган яна бир киши борки, ҳалигача мовий енглик, мosh ранг суртук кияди ва ҳар якшанба куни судьяникида, овқат қиласди. Ана ўша киши аксари дер әдиларки, «Иван Иванович билан Иван Никифоровични шайтоининг ўзи бир-бирига маҳкам боғлаган, бири қай тарафга юрса, иккинчиси ҳам унинг кетидан колмайди».

Иван Никифорович умр бўй бўйдок ўтди. Гоҳда уйланған әди, деган гаплар юрса ҳам, у гаплар ёлғон әди. Каминалари Иван Никифоровични жуда яхши биламан ва шу сабабдан айта оламанки, у киши уйланмоққа ният ҳам қилган эмаслар. Бир замон Иван Никифоровичнинг орқасида думи бор деган гап тарқалган әди. Бундай фасод гапларни ким таркатаракан? Шу қадар нолойик, ёпишмаган ва тўқима бўхтон гапларки, мухтарам ўкувчиларга бу гапнинг ёлғонлигини билдириб үтиришни лозим ҳам топмайман, чунки ёлғиз алвасти деган маҳлуқнинг думи бўлгани ва уларнинг ҳам баъзи бирларидағина дум борлигини ўқимишли кишиларнинг ҳаммаси билади. Алвастилар аксари хотин тоифасига мансуб бўлиб, эркак тоифасидан бўлганлари камдир.

Бу дўстлар ҳар қанча қалин бўлсалар ҳам, бир-бирларига үхшамас әдилар. Уларнинг таъбирларини, энг яхинси, қиёс йўли билан билсак бўлди: Иван Ивановичда жуда хушмуомалалик ва гапдонлик фазилати бор. Худоё, гапи шундай яхшики! Унинг гапини эшитмоқдан ҳосил бўладиган лаззатни, бошингизни боккан ва товоринингизни қашигандаги ҳузурга үхшатса бўлади, холос. Унинг гапини эшитганингизда хомуш бўлиб қоласиз. Ҳузур

қиласиз, чўмилиб кейин ухлагандек мазза қиласиз! Иван Никифорович бўлсалар, аксинча, доим сукут қиладилар, аммо гапиргундай бўлсалар, шундай шартта кесадиларки, ҳар қандай ўткир тиғ ҳам бундай кесолмайди. Иван Иванович орикрок, новча бўйли. Иван Никифоровичнинг бўйи паканароқ бўлса ҳам, йўғондан келган. Иван Ивановичнинг боши думини пастига қилиб тўнтириб қўйган турупга ўхшайди; Иван Никифоровичнинг боши эса, думини юқори қилиб қўйган турупга ўхшайди. Иван Иванович айвонда қўйлакчан бўлиб факат тушлик овқатдан сўнг ётади: кечқурун бўлса пўстинини кийиб, ёки унинг унини сотадиган шаҳар магазинига борар, ё эса далага чиқиб, бедана овлар эди. Иван Никифорович бўлса, эртадан кечгача эшик олдида — зинада ётади, агарда кун унча иссик бўлмаса, албатта, орқасини кунга бериб ётади ва бошқа ҳеч қаерга боргиси келмайди. Эрталаб хафсаласи келиб қолса, яна кириб ётади. Авваллари баъзида Иван Ивановичнинг кирап эди. Иван Иванович таъби жуда нозик одам ва одоб билан гаплашилганида оғзидан ҳеч бир беҳуда сўз чиқмайди ва ўзгаларнинг оғзидан чакки гап чиқса, хафа бўлади. Аммо Иван Никифорович баъзида тилини тиёлмай қолади. Шунда Иван Иванович, дарров ўрнидан туриб: «Бас, Иван Никифорович, бундай гуноҳ гапларни гапиргунча, тезрок офтобга тушайлик» дейди. Иван Ивановичнинг шўрвасига пашша тушгундай бўлса, жуда хафа бўлади, тоқати қолмайди, тарелкаларни отиб юборади, мезбонни ҳам койиб ташлайди, Иван Никифорович бўлса, чўмилишни, то бўғзингача сувга кириб, сувга стол ва самовар қўйдириб, сув салқинида чой ичишни яхши куради. Иван Иванович соқолини ҳафтада икки марта олдиради Иван Никифорович бир марта. Иван Иванович ҳар нарсага қизиксинадиган одам: унинг олдида бир гапни бошлаб тугатмасанг балога қоласан. Агар бир нарсадан норози бўлса, дархол изхор қиласи. Иван Никифоровичнинг хуш-нохушлигини айтига караб дарров билиб бўлмайди; бир нарсадан хурсанд бўлса ҳам изхор қиласи. Иван Иванович пича кўркоқроқ одам. Аммо Иван Никифорович унинг акси, чалвари жуда кенг, агар уни пуфлассангиз ичига бутун ускунаси билан ҳовли жойлашиб кетади Иван Ивановичнинг кўзлари катта-катта бўлиб, кўзининг ранги тамаки рангига ўхшайди; оғзи қадимги рус алифбесининг «и» ҳарфига ўхшаб кетади. Иван Никифоровичнинг кўзлари эса бит куз, ранги сарик, коши калин, юзи семиз бўлганидан кўзлари зурға кўринади, бурни бўлса пишган олхўрига ўхшайди. Иван Иванович сизни сийлаб бурнакисидан тутса, аввал тамаки кутисининг қопқоғини бир марта ялаб, сўнгра бармоғи билан бир чертиб, кейин сизга узатаркан, башарти ошна бўлсангиз: «Марҳаматингиздан умидвор бўлмоғим мумкинми, хўжам?» — дер ва агар ошна бўлмасангиз: «Мансаб ва даражалари, номларини

бilmok шарафи менга мұяссар бұлмаса ҳам, мархаматларидан умидвор бұлмоғим мүмкінмік, давлатпеноғым» дейді. Иван Никифорович эса, сизга тұппа-тұғри бурнакисининг қутиласини узатиб, калтагина қилиб: «Мархамат» деб құя колади. Иван Иванович бұлсın, Иван Никифорович бұлсın, икковлари ҳам бурға деган махлукни жуда ёмон күрадилар ва шунинг учун күчадан үтган ҳар бир чорбозорчи жуҳудни тұхтатиб, үша махлукни йұқотиши үғун лозим бұлган дорилардан олмасдан құймайдилар. Лекин жуҳуднинг молини олмасдан бурун, яхудий динида бұлғани учун унинг үзини хұп сұкиб оладилар.

Бирок, Иван Иванович билан Иван Никифорович үртасида бир нав айирма бұлса ҳам, ҳар холда иккови ҳам яхши одам

II б օ բ

Иван Ивановичнинг қылған орзуси, Иван Иванович билан

**Иван Никифоровичнинг ораларида қандай сұхбатлар
үтгани ва у сұхбатнинг оқибати нима бұлғанининг баёни**

Июль ойида бир кун әрталаб Иван Иванович айвонда ётар эди. Кун ниҳоят даражада иссик, ҳаво қуруқ ва қақшаган үтдек тобиш қылар эди. Иван Иванович жуда әрта туриб шаҳардан ташқарига чиқиб, үрокчиларини күриб, күргонини айланыб, учраған дәхқонлар билан гаплашиб, хотин-халаждан, қаердан келмөкда, қаерга кетмөкда ва нима учун келиб кетмөкда эканини сурштириб келиб, жуда ҳоригандан сұнг, яна ётган эди. У ётган жойида омбор ва саройларга ва ховлида юрган то-вукларға қараб туриб, үй үйлаб кетди: «Худога шукур, хұп давлатим бор-да, менда йүқ нарсадан нима бор? Паррандам бор, иморатларим жойида, омборим бор, хушбүй ароғим бор, бөгімда ноку нашватим, олчаларим бор, сабазоримда күкнор, қарам ва нұхатларим бор, нима кам? Мұхтож бұлган нимам бор экан?»

Үзиге бундай маңнодор саволни бергандан сұнг Иван Иванович фикрга ғарп бұлди, бу орада янги нарсалар ахтариб, Иван Никифоровичнинг деворидан нари ёқдаги нарсаларга беихтиёр күзи тушиб қолди. Қотма бир кампир узок ётиб қолған кийимларни бирма-бир олиб чиқиб, шамоллатмок учун, узун арқонға ёймөкда эди. Шу пайтда енг учлари тұзиган, эски бир «мундир» енгларини узатиб, күчогида зарбоғ нимча билан арқонға осилди, кетидан тұгмалари тамғали, ёқасини күя еган, тұралар киядиган тұн чиқди, сұнг устига дөғ түшгандың оқ шим чиқиб келди, бир маҳалда Иван Никифоровичнинг оёғи сиққан бу шимға, энди құли ҳам зұрға сиғар эди. Кейин яна бир неча шим чиқиб, булар «л» ҳарфига үхшатилиб дорға осилди. Иван Никифорович үйирма үйл бундан аввал миршаблікка ҳозирланиб, мүйлов құйған

вактида тиктирган казакча күк камзул чикди. Охирида мезаннинг наизасига ўшаган қилич чикди. Сунгра, тұгмалари бир мирилик чақадек, сабза рангли кафанга ўшаган бир нарсанинг этаклари елпиниң күрінди. У этаклар оркасидан зар уқали ва очық жилемдегі күрінди. Бирпасдан кейин жилемдегі мархума ачадан колган ва хар чұнтагига битта тарвуз сиғадиган эски күйлак ташланди. Буларнинг ҳаммаси Иван Иванович га жуда ғалати томоша бўлди. Бу онда күк ёки яшил енгларнинг қизил тиккан учлари, ёки осиғлик кимхобларнинг у ер-бу ерига куннинг шуъласи тушиб товланар ва бу манзара кишлоқма-кишлок юрган дарбадар найрангбозларнинг чодир хаёлига ўшаб кетар эди. Хусусан чодир хаёлчилар тилла тожлик шаддотни, така етаклаган авлиёни үйин қилиб күрсатғанларида, орқада гижжак чийиллаб, лули лабини дўмбира қилиб чалиб кетаётгандан, кун ботиб, жануб кечасининг салқин шабадаси семиз-семиз қишлоқи хотинларнинг тоза елка ва сийналарига каттик урган чоғ бўлади-ку, ана шунга ўшаб кетадиган бир манзара.

Бирпасдан кейин кампир энтика-энтика омбордан қадими бир эгар кутарив чиқди, узангилари узилган, ёнидаги түппонча осадиган чарм филофи тўзиган, бир вактларда алвон рангда бўлан, зар тиккан мис қуббалар такилган ёғғичи бор эди.

Иван Иванович ўзига: «Вой, аҳмоқ кампир-эй! Ҳали-замон Иван Никифоровичнинг ўзини ҳам шамоллатгани олиб чиқади, шекилли!» деб қўйди.

Дарвоке Иван Ивановичнинг ўйлагани рост чиқди. Беш минут ўтар-ўтмас, Иван Никифоровичнинг дағал сурупдан килинган катта шими келиб чиқиб, ҳовли сахнининг ярмисича ерни эгаллади. Кейин кампир битта шапка билан битта милтиқ олиб чиқди.

«Хуш, бу нима бўлди?» — деб ўйлади Иван Иванович.— Мен Иван Никифоровичнинг қўлида бир умр милтиқ кўрган эмас эдим, нима қилгани бўлди бу? Ўзи милтиқ отмаса ҳам, милтиқ саклар экан-да! Милтиқнинг унга нима кераклиги бор экан? Лекин хўп яхши нарса-да! Қўпдан бери шундай милтиқни орзу қиласи эдим. Шуни қўлга туширмасам ҳеч бўлмайди, милтиқбозликни яхши кўраман».

— Ҳой кампир, ҳой кампир,— деб бармоғи билан имлаб чакирди Иван Иванович.

Кампир девор якинига келди.

— Ача, унинг нима?

— Кўриб турибсиз-ку, милтиқ.

— Қандай милтиқ?

— Ким билсин қандайлигини? Ўзимники бўлса, нимадан ясалганини билардим, лекин хўжайинники.

Иван Иванович ўрнидан туриб, милтиқни томоша қила

боылади ва милтикни қилич билан бирга шамоллатгани олиб чиққани учун кампирни коймоқчи бўлганини ҳам унуди.

Кампир яна сўз қотиб:

— Ўзи темирдан бўлса ажаб эмас,— деди.

Иван Иванович үзича шивирлаб:

«Хм! Темирдан, нега темирдан экан?» деб қўйди-да, кейин яна:

— Қанчадан бери у милтиқ хўжайниннида? — деб суради.

— Анчадан бери, шекилли.

— Яхни нарса,— деб давом килди Иван Иванович.— Унга нима даркори бор? Мен илож қилиб сўраб оламан ёки бир нарсага алишаман. Кампир, хўжайнин уйдами?

— Уйда!

— Нима қиляпти? Ётибдими?

— Ётибди!

— Хўп, унинг олдига кираман.

Иван Иванович кийинди. Миргород кўчаларида одамдан қўра ит кўпроқ бўлганидан, кўлига бутоклик сўйилини олиб йўлга тушди.

Иван Никифоровичнинг ҳовлиси Иван Ивановичнига қўшини булиб, ўртада фактат четан девор бўлса ҳам, Иван Иванович де-вордан тушмай, кўчадан борди. Бу кўчадан чиқкач, яна бир тор кўча бор эди; бу кўча шундай тор эдики, иккита бир отлик арава дуч келиб қолса, араваларни орқа ғилдирагидан тортиб, кетига тислантириб кўчага чиқармагунча, ўта олмас эдилар. Бироз пиёда ўтгундай бўлса, тор кўчанинг икки тарафида девор тагида ўсган тиканак ва чакамуклар этагига илашарди. Бир томондан Иван Ивановичнинг саройи, иккинчи томондан Иван Никифоровичнинг омбори, дарвозаси ва капитархонаси шу тор кўчага чиқар эди.

Иван Иванович дарвоза тагига келиб, занжирини кокиши билан, ичкаридаги итлар вовуллашди, лекин кирган одамнинг таниш эканлигини кўргач, итлар галалашиб, думларини ликиллаби, оркаларига қайтдилар. Иван Иванович ҳовлининг саҳнидан ҳам ўтди; ҳовлида Иван Никифоровичнинг ўз қўлидан дон ейдин-ган хинд кантарлари ўйнашар, тарвуз ва қовун пўчоқлари, баъзан сабзавот ва баъзан синик ғилдираклар, бочка белбоғлари ётар, кир кўйлакли бир бола ерда тупрокка беланиб ётар эди; хуллас рассомлар яхши курадиган бир манзара, арқонга ёйилган кийимларнинг кўланкаси ҳовли рўяга тушиб, салқин қиласи ҳам бўлди. Кампир таъзим билан уни кутиб олди ва эснаб олгач, бақрай-ганча туриб қолди. Зина тепасидаги икки устунга кўндирилган соявон ўйнинг зийнати эди, лекин у бу фаслда Малорос-сияда ҳазилакам исимайдиган, пиёда йўлга тушган ҳар кимнинг бошини мисдек кизитадиган офтоб кизигидан сакламас эди. Факат кечкурунлари сайрга чиқадиган Иван Иванович ўз

одатига хилоф килиб бундай туш қизиғида күчага чиққанидан
милтиққа унинг қанчалик ишқи тушганилигини била беринг.

Иван Ивановичнинг кирган уйи жуда коронгу эди, негаки
дераза дарпардалари берк, дарпардаларнинг кичкина ёруғидан
кирган офтоб шуъласи осмондаги камалакдек товланар ва шуъ-
ласи рӯпаратадиги деворга тушиб, ранг-баранг лавҳалар чизар эди
ҳам қамиш томлар, дараҳтлар, ҳовлида осилган кийимларнинг
аксини кўрсатар, шу сабабдан уйнинг ичи аллақандай чиройли
бўлиб, фира-шира куринар эди.

— Худоё тавба, ўзинг асрариган! — деди Иван Иванович.

— Эй, ассалому алайкум, Иван Иванович! — деган овоз кел-
ди уйнинг бир бурчидан. Шундан сўнггина Иван Ивановичнинг
кўзи ерда, гилам устида ётган Иван Никифоровичга тушди.—
Хузурингизда яланғоч турганим учун кечиринг.— Дарвоқе, Иван
Никифорович фирт яланғоч ётар, ҳатто кўйлаги ҳам йўқ эди.

— Зарари йўқ, бугун ухладингизми, Иван Никифорович?

— Ҳа, ухладим. Сиз ухладингизми, Иван Иванович?

— Ҳа, ухладим.

— Бўлмаса энди турдингизми?

— Мени айтасизми энди турдинг деб? Худо ёрлақасин сизни
Иван Никифорович? Шу вақтгача ухлаб бўладими, мен кўрғон-
дан эндигина келдим. Йўлда арпа-буғдоиларни кўрдим, хўп битиб-
ди! Ўтлар ҳам баланд, баррадек, сердон!

Иван Никифорович Горпинани чақириб:

— Иван Ивановичга ароқ ва қаймоқ билан сомса олиб кел! —
деди.

— Бугун кун жойида.

— Мақтаманг, Иван Иванович. Куни курсин, дўзах-ку!
Шайтон урган кун! Иссиқдан қаерга қочишингни билмайсан!

— Эй, Иван Никифорович, шайтонни тилга олмасангиз бўл-
майди-да! Кўрарсиз, бир кун пушаймон қиласиз,— лекин фойдаси
бўлмайди, бу шайтоний сўзларингиз учун у дунёда ҳолингиз
ёмөн бўлади.

— Ҳўш, Иван Иванович, мен сизни нима қилиб койитдим?
На отангиз, на онангизга тил теккиздим. Сизни ранжитадиган
бир нарса дедимми?

— Бас энди, Иван Никифорович, бас!

— Худо ҳаки, сизни ранжитганим йўқ, Иван Иванович!

— Ажаб, беданалар ҳали ҳам киркак¹ка келмаяпти.

— Сиз ўзингизча нима деб ўйласангиз ўйлай беринг лекин,
мен сизга ҳеч қандай озор берганим йўқ.

Иван Иванович унинг сўзини эшитмаган бўлиб:

— Билмайман, нега беданалар келмас экан, ҳали вақти кел-
мадими... Лекин ундаи десам ҳозир худди вакти,— деди.

¹ Киркак — бедана чақирадиган хуштак.

— Дон яхши битибди дедингиз-а?

Бу гапдан кейин икковлари жим булиб қолдилар...

— Нега Сиз Иван Никифорович, кийимларингизни ёйдириб қўйдингиз? — деди ниҳоят Иван Иванович.

— Яхши ва тоза кийимларимни лаънати кампир чиритиб қўйибди: шуларни шамоллатиб қўйдим, мовути жуда мулоим, тоза нарса, ағдариб қоплатилса, яна кийса бўлади.

— Буюмларингиздан бири менга жуда ёқиб қолди. Иван Никифорович.

— Қайсиси?

— Менга қаранг, Иван Никифорович, кийимларингиз билан бирга осилган милтиқнинг сизга нима даркори бор? — Шу онда Иван Иванович бурнаки тақдим қилди.

— Марҳамат қилмоғингизни сўрасам рухсатми?

— Куллук, ўзлари марҳамат қилсинлар, мен ўзимнидан тортаман!

Шундан кейин Иван Никифорович ёнини кавлаб, бурнаки соладиган кортигини чиқазди.

— Вой, эси паст кампир! Ҳали милтиқни ҳам чиқазиб осипти-я! Сорочиндаги жуҳуд яхши тамаки қилади. Билмадим, нима қўшар экан, жуда хушбўй! Қалампир мунчоқ ҳиди келади. Мана жиндак шимиб кўринг: тўғри эмасми, ҳиди қалампир мунчоқнига ӯҳшамайдими? Олинг, марҳамат килинг!

— Менга қаранг, Иван Никифорович, менинг эсим ҳали ҳам ўша милтиқда, сиз нима қиласиз уни ахир, у сизга керак эмас-ку?

— Нега керак бўлмасин? Отиш лозим бўлса-чи?

— Эй, худо ёрлақагур, Иван Никифорович, қачон отар эдингиз сиз уни? Қиёматдами? Сиз, менинг билишимча, ва ўзгаларнинг шаҳодатича, шу чоққача битта ўрдак ҳам урганингиз йўқ ҳамда худо сизни яратишда мерган қилиб яратган эмас. Сиз басавлат ва қоматли бир одамсиз. Номини атаб айтмоқ нолойик бўлган кийимларингиз¹ ҳалигача қуритилади-ю, сиз энди ботқокда юриб ов қиласидингиз? Йўқ, сизга тинчгина ётиб дам олмоқ керак. (Иван Иванович, юқорида айтилгани каби, бировни бир гапга кўндиримок лозим бўлганида, ниҳоятда сайраб кетар эди!).

— Шундай, сиз ўзингизга муносиб иш килинг. Сўзимга киринг, милтиқни беринг менга!

— Асло иложи йўқ! Бу — қимматбаҳо милтиқ. Ҳозир бундай милтиқни ҳеч каердан тополмайсиз. Мен буни хизматга кирмокчи булиб юрган вақтимда бир туркдан сотиб олиб эдим, энди сизга дарров бериб қўяманми? Ҳеч иложи йўқ. Бу жуда керак нарса.

— Хўш, нима кераги бор ахир?

— Нима кераги бор деганингиз нимаси? Уйимга ўғрилар

¹ Бунда ички кийимлар — кўйлак-лозимлар кўзда тутилади.

кирса-чи? Шундай ҳам керакмасми? Худога шукур! Хотиржамман ва ҳеч кимдан қўрқмайман? Нега? Чунки хужрамда мильтигиз борлигидан хотирим жам.

— Жуда яхши милтиқ! Лекин Иван Никифорович, қулфи бузук.

— Бузук бўлса нима қипти? Тузатса бўлади. Занг босмаслиги учун кунжут мойи билан мойлаб қўйса бўлгани.

— Иван Никифорович, сизнинг бу сўзларингиздан менга дўстлигингиз сира кўринмайди. Сиз менга ошналиқ важидан ҳеч нарса қилишни хоҳламайсиз.

— Нега сиз ошналиқ важидан менга ҳеч нарса қилмайсиз, дейсиз? Уялмайсизми? Ҳўқизларингиз менинг даламда ўтлади, аммо мен сиздан бир марта ҳам ҳак сўраганим йўк. Ҳар қачон Полтавага борар бўлсангиз, мендан арава сўрайсиз ва шунда ҳам бир марта йўқ дедимми? Болаларингиз четан девордан ҳовлимга тушиб, итларим билан ўйнашади, уларга ҳам ҳеч нарса демайман-ку, майли, ўйнайверсинлар, фақат ул-булга тегмасалар бўлгани!

— Шундай беришни истамасангиз, майли, бўлмаса бир нарсага алишайлик.

— Хўш, бадалига нима берасиз? — Иван Никифорович бу сўзни айтиб, энгагига таянганни ҳолда Иван Ивановичга тикилиб каради.

— Мен сизга унинг бадалига қора чўчқамни бераман, ўзингиз ҳам биласиз, бўрдоқига бокиб семиртирганман, обдан яхши чўчка! Келаси йилда болалаб бермаса ўзимга таш.

— Мен ҳайрон бўламанки, қандай қилиб, Иван Иванович, у гапларга тилингиз боради. Чўчкангизни мен нима қиласман? Шайтоннинг маъракасига сўйманми?

— Шайтонни оғизга олмасангиз ҳеч бўлмас экан-да? Гуноҳга ботасиз, азбаройн худо, гуноҳга қоласиз, Иван Никифорович!

— Ахир, Иван Иванович, бу қандай гапки, милтиқ бадалига аллақандай бетайн бир махлукни бермокчи бўласиз!

— Иван Никифорович, нега чўчка бетайнни экан?

— Ахир ўзингиз яхшироқ ўйлаб кулинг, милтиқ деган нарсани ҳамма билади; чўчқанинг нималигини ким билади? Агар бу гапни менга сиздан бўлак одам айтган бўлса, ҳақорат билардим.

— Хўш, чўчқанинг нимаси ёмон сизга?

— Ахир сиз мени ким деб ўйладингиз? Мен чўчқани...

— Ўтиринг, ўтиринг!.. Тавба қилдим... Мильтигиз ўзингизга буюрсин, менга деса, хужрангизда занглаб, чириб кетсин: бундан кейин унинг тўғрисида гапирмоқни ҳам истамайман.

Шундан сўнг жимиб қолдилар.

Бир оздан кейин Иван Иванович яна гап очиб:

— Уч подшо бир булиб, бизнинг подшомизга уруш очган эмишлар,— деди.

— Ха, Пётр Федорович айтиб эди. Қандай уруш экан? Сабаби нима экан?

— Иван Никифорович, чамаси сабабини билиб бўлмайди шекилли. Уч подшо бир булиб бизларни турк динига киргизмоқчи бўлсалар керак, деб ўйлайман.

Иван Никифорович бошини кўтариб:

— Вой абллаҳлар, ҳо, қаранг-а? — деди.

— Мана, кўрдингизми, бизнинг подшоҳимиз шу важдан уларга қарши уруш очибди. Йўқ, ўзингиз бизнинг динимизга — Исадинига киринг, дебди подшоҳимиз.

— Нима дейсиз, Иван Иванович? Бизникилар зўр чиқар

— Ха, зўр чиқадилар. Шундай килиб, Иван Никифорович, милтигингизни алишмайсизми?

— Иван Иванович, ўзингиз хўш олим кишиносиз, гапингиз тентакларни кига ўхшайди, ахир мен аҳмок бўпманмики...

— Ўтиринг, ўтиринг, худо осин, кераги йўқ! Менга деса чириб кетсан. Энди гапирмайман.

Шу онда дастурхон келтирдилар; Иван Иванович бир рюмкани ичиб, қайнок сомсани еб олди.

— Менга қаранг, Иван Никифорович, мен сизга ҳалиги чўчкадан бошка яна икки қоп сули ҳам берайин, сиз сули экканингиз йўқ-ку. Бу йил барибир сули сотиб оласиз.

— Азбаройн худо, Иван Иванович, сиз билан гаплашадиган киши аввал нўхатга хўп тўйиб олмоғи керак! (бу ҳали ҳолваси: Иван Никифоровичнинг оғзидан бундан баттар гаплар ҳам чиқади.) Бутун бошлиқ бир милтиқни икки қоп сулига ким алишибди? Эгнингиздаги пўстинга-ку алиштиргингиз келмайди-а?

— Лекин, Иван Никифорович, унинг устига яна ҳалиги чўчкани ҳам бермоқчи бўлганимни унутманг!

— Нима! Шундай милтиққа икки қоп сули билан битта чўчқами!

— Хўш, нима булибди, озми?

— Милтиққа-я?

— Албатта, милтиққа.

— Шундай милтиққа икки қоп?

— Икки бўш қоп эмас ахир, сулиси билан, чўчқасини унудингизми?

— Ўпишиб ётаверинг ўзингиз ўша чўчқангиз билан, агар уни хоҳламасангиз, шайтон билан ўпишинг!

— Ана холос... Сизга сал тегса, бас... Қўрасиз, бундай бедиёнат сўзлар учун у дунёда тилингизга бигизни қиздириб тиқар-

лар. Сиз билан гаплашиб бўлгандан сўнг одам бет-қўлини ювиб, ўзини ҳам бир қатрон килиб олмаса бўлмайди.

— Ўзингиз инсоф килинг, Иван Иванович: милтик жуда ноёб нарса, жуда ғалати эрмак нарса, устига уйга ҳам яхши зийнат...

Иван Иванович аччиғи чиқа бошлаганидан, энди:

— Сиз, Иван Никифорович, милтиғингизга девона тўрвасига ёпишгандай ёпишиб олибсиз,— деди алам билан.

— Сиз, Иван Иванович, худди эркак фозга ўхшайсиз!

Агар Иван Никифорович шу сўзни айтмаса, иккаласи бир оз можаролашиб, дўстликларига ҳалал етмас эди. Лекин бу дафъя иш тескарисига айланиб, Иван Ивановичнинг жуда жаҳли чиқиб кетди.

— Нима дедингиз, Иван Никифорович? — деб бақирди.

— Мен, Иван Иванович, сизни эркак фозга ўхшайсиз дедим.

— Жанобингиз, одамнинг даражаси ва ному насабига эҳтиром ва одоб билан қарамоқни ёддан чикариб, бундай ҳақоратомуз ном билан мени беобрў қилмоққа нечук журъат қилдингиз?

— Нимаси ҳақорат бунинг? Хўш, Иван Иванович, қўлингизни мунча пахса килиб гапирасиз, ахир!

— Такрор сўрайман: нега сиз одоб ва ахлоққа риоя қилмай, мени эркак фоз дедингиз?

— Башарангизга тупурдим, Иван Иванович? Бунча товуқдай қақиллайсиз?

Иван Ивановичнинг сабр-тоқати қолмади; лаблари дир-дир титради, оғзи буришиб қийшайиб кетди, кўзлари шундай ўйнаб, пирпираб кетдики, караган одам қўрқар эди. Иван Иванович ниҳоятда аччиғланганда бундай бўлмаса, бошқа маҳалда ҳеч бундай бўлмас эди.

Иван Иванович зарда билан аччиғланиб:

— Мен ҳам сизга айтаманки, сиздака одамни писанд ҳам қилмайман.

— Азбаройи худо, заррача ғам емайман,— деди Иван Никифорович.

Лекин худо урсинки, бу гапи ёлғон эди, чунки бу гап унга жуда алам қилган эди.

— Бундан кейин остоңангизга қадам қўймайман.

— Ўху! — деди Иван Никифорович, лекин ўзи, аламига чидамасдан, нима қилишини билмай ўрнидан тикка туриб кетди.

— Ҳой кампир, ҳой бола! — деб қичкириши билан эшикдан ҳалиги арвоҳ кампир билан узун рўдапо камзулга ўралашган пакана бўйли бир бола кириб келди:

— Бу кишини қўлидан ушлаб, ташқарига чиқазиб қўйинглар! — деб амр қилди у.

Иван Иванович бундай беобрў бўлганлигига ниҳоят даражада аччиғлалиб:

— Мендек аслзодани-я? Қани, яқинимга келиб қўрингчи, аҳмок хўжайнингиз билан бирга кўшиб абжақ қилайки, қарға чўқигундай ерингиз ҳам қолмасин! — деди. (Иван Иванович жаҳли чикканда жуда боплаб гапирав эди).

Тўртовининг туриши жуда ғалати эди. Иван Никифорович қип-ялангоч бўлиб ўйнинг ўртасида турарди. Қампир бўлса кути учиб, оғзини очиб анграйиб қолган эди. Иван Иванович бўлса, қадимги Румо нотиклари сингари қулинни кўтарганча турарди Уларнинг бу ҳолати ғалати бир томоша эди. Лекин томошабин ҳалиги рўдало камзул кийган ва бурнини кавлаб бемалол турган бола эди, холос!

Иван Иванович алоҳа шапкасини қўлига олди.

— Сиз, Иван Никифорович, «жуда яхши» муомала қилдингиз. «Жуда яхши!» Бир кун мен ҳам сизга қайтараман.

— Йўқолинг, Иван Иванович, йўқолинг! Эҳтиёт бўлинг қўлимга туша кўрманг! Тушгундай бўлсангиз, абжақ қиламан!

Иван Иванович бош бармоини панжаси орасидан кўрсатиб:

— Бу гапингизга, Иван Иванович, мана бу,— деди ва эшикни шундай қаттиқ ёпдики, ёпилган эшик яна очилиб кетди.

Иван Никифорович эшикка яқин келиб яна бир нарса демоқчи эди-ку, аммо Иван Иванович орқасига қарамасдан, аллақачон чиқиб кетган эди.

)

III б о б

Иван Иванович билан Иван Никифорович ораларига низо тушгандан сўнг бўлган воқеалар

Шундай қилиб Миргород шаҳрининг обруси ва савлати бўлган икки хурматли зот бир-бирлари билан аразлашиб қолдилар Тағин нима учун денг? Бехудага, бирини бири эркак ғоз дегани учун! Бир-бирларини кўргани кўзлари қолмади, кириш-чикишлари барҳам еди, ҳолбуки аввал ҳамма уларни айрилмас дўст деб биларди. Дарвоке, бурунлар Иван Иванович билан Иван Никифорович одам юбориб бир-бирларининг ҳол-аҳволидан хабардор бўлиб турардилар, ҳар қайсиси ўз айвонида туриб шундай ширин сўзлашар эдиларки, уларнинг бу сўзларини эшитган одам ҳузур қиласар эди. Бурунлари ҳар якшанба куни Иван Иванович чакмонини, Иван Никифорович бўлса бурма бел камзулини кийиб, бир-бирларини кўлтиклишиб, бутхонага борар эдилар. Иван Ивановичнинг кўзи равшанроқ бўлганидан, йўлда кета туриб, Миргороднинг баъзи кучаларида бўладиган кўлоб сувга ёхуд бошқа шундай ифлосликка кўзи тушиб қолса, дарров Иван Никифоровични огоҳлантириб: «Ҳазир бўлинг, оёғингиз

бу ифлос чуқурга тушиб кетмасин» дер эди. Иван Никифорович ҳам ўз навбатида, Иван Ивановичга бўлган дўстлигини донм изҳор килмоқ юзасидан, қаерда учрашиб қолсалар, узокдан бўлса ҳам дарров бурнакисини тутиб: «Марҳамат» дер эди. Иккови-нинг ҳам уй-жойи қандай яхши эди! Мана шундай қалин дўстлар... Улар ўртасига тушган низони эшитганимда бошимга тўк-моқ теккандек бўлиб ҳайрон қолдим! Кўп вактгача ҳеч ишонгим келмай юрдим! Худоё тавба! Иван Иванович билан Иван Никифорович уришиб қолибдилар-а? Шундай обрули одамлар! Ерг дунёда бақолик ҳеч нарса йўқ экан-да!

Иван Иванович уйига қайтгач ҳеч тинчий олмади. Бурунлари у, энг аввал отхонасига кириб, биясининг ем-хашагидан хабар оларди (Иван Ивановичнинг бияси — саман қашқа жуда яхши от эди), сўнгра курка товуклари ва чўчка болаларига ўз қули билан овқат берганидан кейин, уйнга кириб ё ёғочдан ҳар хил идишлар ясар, ё эса айвонда ётиб дам олар эди (Иван Иванович ҳар хил ёғоч идишлар ясашига жуда хунарманд булиб, унчамунча устадан колишмас эди), ёки Лубий, Гарий ва Попов матбаасида босилган китобларни ўқир эди (ўқиган китобларининг исмини эслай олмас эди, чунки хизматчи хотин болаларининг кўнглига қараб китобнинг муқовасини йиртиб юборган эди), ёки айвончада истироҳат қиласр эди. Энди бўлса бу ишларнинг ҳеч қайсиси ни қилмади. Гапка ошхонага дон ташиб турган бўлса ҳам, уни кўриб қолиб, «нега бекор сангиф юрибсан» деб койиб кетди, ҳаммавақт бирор нарсанинг тамаи билан эшик тагига келиб дон-лаб кетадиган ҳуроз бугун ҳам яна келиб эди, калтак олиб кувлади, кўйлаги йиртиқ-ямоқ, кир босган бола: «Ота, ота, холва беринг!» дейиши билан бечорага шундай дағдаға қилиб бердики, бола факир кўркканидан ура қочди.

Бир фурсат ўтгач эс-хушини йиғиб олиб, ўз юмушлари билан банд бўлиб кетди. Кеч пайтга бориб овқатланди, койин дам оладиган айвонига чиқиб ётди. Гапканинг капитар шўрваси эрталабки нохушликни тарқатди, шекилли, Иван Иванович яна аввалгидек завқ-шавқ билан рўзгор ишлари билан овора булиб кетди. Бир маҳал кўзи қўшнисининг ҳовлисига тушиб: «Бу кун Иван Никифоровичнинг олдига чиқканим йўқ, бир кириб чикай» деди ўз-үзича. Сўнгра таёги билан шапкасини олиб, кучага чиқкан ҳамон уришиб колгани эсига тушиб, туф! деб, оркасига қайтди. Иван Никифоровичнинг ҳовлисида ҳам шундай бир ҳол рўй берди. Иван Никифорович хизматчи кампир бу ҳовлига ўтмоқ учун энди четан деворга оёқ қўйиши билан ўёдан Иван Никифоровичнинг: «Қайт, қайт! Қерак эмас!» деган овози эшитилди. Аммо Иван Иванович жуда зәрикди. Аммо Иван Никифоровичнинг ўйда булган бир воқеа учай деб қолган низо устига яна мой қуймаса, бу икки ҳурматли одам яна ярашиб кетсалар ҳам ажаб эмас эди

Шу куни кечкурун Иван Никифоровичнига Агафия Федосеевна келиб колди. Иван Никифоровичга бу хотиннинг хеч қандай кариндошлиги, уруг-аймоклиги йўқ эди. Бас, унинг буникига келишининг хеч бир даркори йўқ ва Иван Никифорович ўзи ҳам ундаи хурсанд эмас эди, аммо хотин буникига келиб неча хафталар, баъзан кўпроқ ҳам туриб қолар ва бутун рўзгорни ўзи эгаллаб, хеч кимни бийлатмас эди. Унинг бу иши Иван Никифоровичга сира ёқмас, лекин шундай бўлса ҳам ажабки, худди гўдакдек унга итоат қиласр эди, гоҳда сал тортишиб колсалар ҳам Агафия Федосеевна доим баланд келар эди.

Ростини айтсам, нега хотинилар ҳамиша бурнимиздан чойнакнинг жўмрагини ушлагандай ушлаб торта берадилар. Ростини айтсам, шунга сира аклим етмайди. Уларнинг қўллари шунака узумни? Ё бизнинг бурнимиз тутиб тортишдан бошқа нарсага ярамайдими? Иван Никифоровичнинг бурни ғайнолига ўхшанкираб кетса ҳам, хотин унинг бурнидан тутиб ит стаклагандай судраб юрар эди. У келганда Иван Никифоровичнинг ҳатто юриш-туриши ҳам бошқача бўлиб қолар эди, яъни офтобда кўп ётмас, ётса ҳам бурунгидай ялангоч ётмай, балки Агафия Федосеевнанинг иши бўлмаса ҳам, кўйлак ва лозимини кийиб ётар эди. Агафия Федосеевна шарм-ҳаёни билмас ва Иван Никифоровичнинг беззаги тутиб қолгундай бўлса, скипидар билан сиркани унинг баданига ўзи суртиб қўяр эди. У кишининг бошида дурраси, бурнида учта сўғали бор, устига сарик гуллик жигар ранг қапот¹ кияр эди. Қомати гўё йўғон кувга ўхшар эди ва шу сабабдан ойнага қарамагунча киши ўз бурнини тополмаганидек, унинг белини ҳам топиш кийин эди. Хар қайси оёғи бир болишдек келар ва калта эди. Қилмиши гийбат, егани қайнатган шолгом эди, қарғашга нихоятда уста ва бу ишларни қилганда хеч маҳал афтини сира ўзгартмас эди: унинг бу қилиғи аёллардан бошқа хеч ким қилолмайдиган қилиқ эди.

Бу хотин келди дегунча Иван Никифоровичнинг уйи остин-устин бўлар эди.

— Сен, Иван Никифорович, қўшнинг билан сира ярашма, бориб ялинма, унинг муддаоси сени йўқ қилмоқ, унинг кимлигини сен ҳали билмайсан, у шунака одам.

Лаънати кампир Иван Никифоровичнинг қулоғига куябериб, Иван Ивановичдан уни тамом бездириди.

Ҳамма иш тескарисига айланиб кетди: қўшнининг ити бу ховлига кириб қолгудай бўлса тушган нарса билан уриб ҳайдардилар, девордан ошиб тушган болаларни кўйлакларини кутариб, орқаларини қавартириб, йиглатиб чиказиб юборар эдилар. Ҳатто, кампир хотин ҳам, бир кун Иван Иванович ундан бир нарса сўра-

¹ Капот — хогинларнинг уйда кийиб юрадиган устки калта кўйлаги.

мокчи бўлганида шундай беодоб ҳаракат қилдики, ниҳоятда одобва ахлокли бўлган Иван Иванович нима дейишини билмай: «Эй, расво хотин! Хўжайинидан баттар-а!» деб тупуриб ташлади.

Ниҳоят, бу ҳакоратлар устига, баттол кўшниси, Иван Ивановичнинг худди четан девордан ошиб тушадиган жойига, гўё ҳакорат устига ҳакорат бўлсин дегандек, гоз боқадиган бир катак солди. Иван Иванович учун жуда нохуш бўлган ифлос катақ, шундай жадаллик билан солиндики, бир кун деганда битди.

Бу нарса Иван Ивановичнинг зардасига тегиб, ўч олмок пайига тушди. Ҳатто Иван Ивановичнинг еридан озгинаси катакка кўшилиб кетган бўлса ҳам, сир бой бермаслик учун аламини изҳор қилмади, аммо юрагига шундай ғулғула тушдики, жим туришга ҳеч токати қолмади.

Куни шу тарзда ўtdи. Кеч кирди... Агар мен рассом бўлсан, бу кечанинг нашъасини ажойиб қилиб тасвирлаб берар эдим! Миргород аҳлининг уйқусини, осмондаги сон-саноқсиз сокин юлдузларнинг қаравини, йирок-яқиндан итларнинг бу сукунат ичидага вовиллашларини, ишқ дардига мубтало бўлган сўғининг итлар олдидан ўтиб, мардоналик билан четан девордан ошиб маъшукасиникига тушганини, оқ уйларнинг деворлари ойдиндан оқариб кўринганини, уйлар ёнидаги дараҳтларнинг корайиб кўринганини, дараҳтлардан тушган кора кўланкаларни, хиди буркираб турган гуллар ва сўлиган ўтларни, тун ошиғи чигирткаларнинг тинмасдан чириллаб қилган нолаларини тасвир қиласр эдим. Пастаккина кесак уйлардан бирида кўкраги дириллаган кора қош бир шаҳар кизининг тўшакда ёлғиз ётиб, бетоқат бўлаётганини ва гусарларнинг қўнғирок пошнаси билан шопдай мўйловини тушкўраётганини ва ойнинг шуъласи унинг бетида жилваланиб турганини кўрсатардим. Уйнинг оқ мўрисига қўнган бир кўршапалакнинг сутдек ёруг йўлга тушиб турган кора соясини тасвирлаб кўрсатардим... Аммо шу кечаси қўлига арра олиб ташкари чиккан Иван Ивановични тасвир этиш қўлимдан келмас. Афт-башарасида аллақанча ҳислар аломати зоҳир эди! Оҳистаохиста бикиниб юриб, бояги ғозхона катакнинг яқинига борди. Иван Никифоровичнинг итлари икки орада бўлган жанжалдан хабарсиз эдилар, шунинг учун уни эски дўст билиб индамадилар. Катакни эман ёғочидан килинган тўртта устун ушлаб турар эди. Иван Иванович бу устуннинг яқинига келиб арра кўйди. Арранинг овози уни дам-бадам ҳар ёнга аланглатар эди, лекин кўрган алами унга дадиллик берар эди. Биринчи устун арраланди, иккинчисига ўtdи, кўзлари ўтдай ёнар ва қўркувдан ҳеч нарсани кўрмас эди. Иван Иванович тўсатдан бақириб юборди ва қотиб колди, унинг кўзига бир ўлик кўринди. Лекин бир оздан сўнг, кўзига ўликдек кўринган нарса бўйини чўзиб ётган гоз эканини пайқагач, ўзига келди. Иван Иванович аччиғидан бир

тупуриб олиб, яна ишини кила берди. Устуннинг иккинчиси ҳам арраланди. Катак қимирлади. Энди учинчисига тутинганида юраги шундай така-пука бўлиб кетдики, қўлни ишга бормай бир неча марта тўхтаб қолди. Учинчи устуннинг ярмидан кўпроғи аррала-ниши билан бу омонат турган иморат жуда кийшайиб, бирдан ағанаб тушди. Иван Иванович зўрга қочиб қолди. Аррасини олганча ҳовлисига қочиб келиб, ўзини каравотга ташлади ва қилган нобакорлигининг оқибати нима бўлганига бир карра ойна-дан боқишига юраги бўлмади. Унинг назарида худди Иван Никифоровичнинг ҳамма хонадони — кампирдан тортиб рӯдапо камзул кийган болагача, Агафия Федосеевна бошлиқ ҳаммаси қора калтак бўлиб, Иван Ивановичнинг уйини вайрон қилгани ёпирилиб келаётганга үшшар эди.

Иван Иванович эртасига куни билан безгак қалтиратган-дек ётди, назарида нобакор қўшниси ундан ўч олмок учун уйи-га ўт қўяётгандай бўлар эди ва шу сабабдан: бирон жойга қуруқ похол ташланиб қўйилмасин, у ёқ-бу ёқдан хабардор бўлиб тур, ниҳоятда ҳушёр бўл, деб Гапкага буюриб қўйди. Отини олдин-рок камчилаб, ҳеч кимга билдирмасдан, элбурутдан Миргородга бориб судга ариза ташламокқа қарор килди. Бу аризанинг мазму-ни нима эканлиги қўйидаги бобдан маълум бўлади.

IV б о б

Миргород уезд суди маҳкамасида бўлиб ўтган вокеалар баёни

Кўп чиройли шаҳар-да Миргород. Ҳар қанақа иморат десан-гиз бор! Томи похол, қамиш, ҳатто тахта билан ёпилган уйлар бор! Ўнгга юрсангиз кўча, чапга юрсангиз кўча, ҳаммаси чиройли четан деворлар, деворларни чирмовукгул босган, хурмаю хур-мачалар осилган, девор орқасида офтобдек башарасини курса-тиб кунгабоқарлар караб туради, қизариб турган кўкнорлар, катта-катта ковоклар... Гашт! Четан деворларга ҳар нарсалар осилганидан яна чиройли кўринади. Бир ёқда кўйлак, бир ёқда лозим, ҳар бало осиглик. Миргородда ўғирлигу қаллоблик йўкли-гидан ҳар ким хоҳлаган нарласини деворига осиб қўя беради. Агар бозор жойидан ўтиб колсангиз, албатта бирпас тўхтаб то-моша қиласиз. Ғалати кўли бор, ҳеч қаерда бундай кўл кўрман-гандирсиз! Бозорнинг салкам ҳаммаси шу кўлга чикиб кетган. Жуда ғалати кўл! Олисдан қараганда похол гарамига үшшаган уйлар кўлнинг тўрт томонига тўпланишиб, кўлнинг хуш манзара-сини томоша қилаётганга үшшайдилар.

Лекин, фикримча, бу шаҳарда уезд судининг уйидан яхши уй йўқдир. Эман ёғочидан солинганми, ё қайинданми — бу билан

ишим йўқ, лекин, эй азизлар, унинг саккизта деразаси бор! Қатор саккиз дераза! Ҳаммаси, шаҳар ҳокимининг кавли билан айтганда, ҳали мен айтган «қўл» деган сувга ва бозорга қараб туради. Бутун Миргород шаҳрида биргина шу уй чакмоқ тоши рангига бўялган, колганлари бариси оқартирилиб қўйилган, холос. Томи тахтадан, агар бўёқ учун тайёрланган ёғини маҳкама мизралари пиёзга қўшиб еб қўйган бўлмасалар ва бунинг устига мазкур воеа рўза кунларида бўлмаса эди, уйнинг томи қизил бўлар эди. Уйнинг дарвозаси бозорга қараган, дарвозаҳонада қачон қарасангиз товуклар югуришиб юради, чунки бу ерга доим тарик ва бошқа донлар сочилиб қолади! Аммо бу донларни ҳеч ким атайлаб сепмайди, илтимосга келганларининг бепарвонилари оркасида тўкилиб қолади. Уйнинг икки булаги бор, бири — маҳкама, иккинчиси — овахта. Маҳкамага хосланган булагида озода қилиб овланиб қўйилган икки хонаси бор, бири арзга келганлар ўтирадиган долонча, иккинчиси сиёҳ тўкилиб дод-дуг бўлган стол қўйилган уй. Стол тепасида тумор тугроси¹. Суяничиги баланд-баланд тўрт стул, девор тагида шиква-шикоятлар сакланадиган темир қоплама сандиклар. Сандиклардан бири тепасида кора мой суртилган бир пой этик.

Суд сўрги эрталабдан бошланди. Семизлиги Иван Никифоровичча бўлмаса ҳам, йўғондан келган судья, ёғ босган тўнини кийиб олиб қўлида трубка, олдида бир чашка чой билан суд аъзоси билан чакчаклашиб ўтиради. Судьянинг юқори лаби бурнининг тагига ёнишганлигидан бурни, лабини хоҳлаганича хидтар ва бу лаб тамаки кути вазифасини ўтар эди, чунки бурнинг ташлаган тамаки лабида қолар эди. Шундай килиб, судья ўз ионби билан гаплашиб ўтиради. Яланг оёқ бир қиз бир чеккада патниседа чой кўтариб турарди.

Столнинг бир бошида котиб ҳукмнома ўқирди ва шундай бир мужмал оҳангла чайнаб ўқирдики, буни эшитганда айбдор ҳам ухлаб коларди. Агар судья чакчаклашиб ўтирмаган бўлса, аввал унинг ўзи ухлаб коларди.

Судья пислада совиб қолган чойдан бир хўплаб олгач:

— Мен атайн уларнинг яхши сайрамоги учун нима килмок лозимлигини билмоқчи бўлдим. Бундан икки йил бурун бир яхши майнам бор эди. Нима бўлди денг? Тўсатдан айниб колиб, аллақандай хунук сайрай бошлади. Кейин борган сари баттарлаши; бора-бора сайраши жуда бузилиб, хириллаб қолди. Холбуки, бу иллатнинг сабаби анчайин бир нарса экан! Томогига нұхатча ҳам келмайдиган бир гудда чикқан экан, шу гуддани нина билан тешса бўлди. Буни менга Захар Прокофьевич ўргатиб қўй-

¹ Чор Россиясида «адолат» белгиси бўлган тумор лавха, устига чор хукуматининг тугроси бўлган жуфтанқуш қўндирилган бўлар эди.

ганди, агар истасанғиз воқеасини сизга сұзлаб берай: бир куни уникiga бориб қолдим...

Хукмнаманың үқиб бўлиб бирпасдан бери тұхтаб турған котиб, судьянинг сүзини бўлиб:

— Демьян Демьянович, бошқасини үқисам ижозатми? — деди.

— Дарров үқиб бўлдингизми? Қаранг, мунча тез, мен эшигмай қолибман. Қани үзи? Қани бу ёққа беринг, қўл қўяй, яна ниманғиз бор?

— Сигир үгриси Бокитъ казакнинг иши бор.

— Хўп, үқинг! Шундай килиб, бир кун уникiga бориб қолдим. Мени қандай сийлаб меҳмон қилганини ҳам айтиб берай. Ғалати балиқ билан арок ичдик. Лекин балиғи бизникидек эмас (шу ерга келганда судья чапиллатиб кулди ва кулгандан бурни ҳам тақкинасида турған тамакини ҳидлади), бунда бакколларимиз сотадиган балиқдан эмас эди, селёдкадан емадим, чунки үзингиз биласиз есам меъдам қайнайди. Икрадан тотиб кўрдим; жуда яхши икра экан! Ҳар қанча мақтасак арзиди! Сўнгра ичига хушбўй гиёхлар солинган шафтоли ароғидан ичдим. Заъфар гулидан қилинган арок ҳам бор эди. Бу арокни ичмаганимни үзингиз биласиз, чакки эмас. Аввал иштаҳани ҳўп қўзгатиб, сўнгра емок... Шу пайтда Иван Иванович кириб қолиб, судья «Эй бормисиз, куринмайсиз?» деб колди.

Иван Иванович ёлғиз унинг үзида бўлган хушмуомалалик билан ҳар томонга таъзим килиб:

— Худо мададкорингиз бўлсин! Эсон бўлинглар! — деди. Епирай, муомаласи билан ҳаммани үзига ром қилиб олади-я. Бундай хушфеълликни ҳеч каерда кўрмадим. Ўз мартаба ва обрўсими хўп яхши билар ва шунинг учун ҳамма уни хурмат қилса, үзини бу хурматларга лойик деб билар эди. Иван Ивановичга судьянинг үзи курси қўйиб берди ва бир тортишда, тепа лабидаги бурнакини тақир қолдирмай тортиб олди; бу килиғи унинг жуда хурсандлигидан далолат берар эди.

— Ҳўш, Иван Иванович, нима емоқ хоҳлайсиз? Бир пиёла чой ичадиларми? — деди судья.

— Йўқ, кўп ташаккур,— деб таъзим қилиб ўтирди Иван Иванович.

Судья яна такрорлаб:

— Марҳамат қилиб бир пиёла чой ичинг,— деди.

— Йўқ, раҳмат, илтифотингизга куллук,— деб яна таъзим қилиб ўтирди.

— Бир пиёла ичинг ахир,— деди қистаб судья.

Иван Иванович ўрнидан туриб яна таъзим қилиб:

— Захмат чекманг, Демьян Демьянович! — деди.

— Бир пиёла?

— Хайр, майли, бир пиёла ичсам ичай,— деди Иван Иванович ва қўлини патнисга узатди.

Ёпирай, одам шундай хушфеъл бўладими! Яхши муомала одамга шундай ёқадики, айтиб тамом килиб бўлмайди!

— Яна бир пиёла берсам нима дейсиз?

Иван Иванович пиёлани патнисга тўнтариб қўйгач, яна таъзим килиб:

— Таксир, ташаккур,— деди.

— Илтифотингизни аяманг!

— Хеч ича олмайман, кўп ташаккур,— деди-да туриб таъзим килиб, яна ўтирди.

— Иван Иванович, дўстлик учун яна бир пиёла ичинг!

— Йўқ, ичмайман, бу ҳурматларингизга ташаккур! Шу сўзни айтгач, таъзим килиб, яна ўтирди.

— Бир пиёлагина, бир пиёла ичинг!

Иван Иванович қўлини патнисга узатиб пиёлани олди.

Ёпирай, шундай одоблик, ўз мартабасини билган ахлоқли кишилар бўлар экан-да!

Иван Иванович охирги хўплам чойни ичиб бўлгач, гап бошлади:

— Демъян Демъянович, сизга зарур бир иш билан келиб эдим, дъятьвийм бор.— Иван Иванович бу сўзни айтиб пиёлани патнисга қўйди, тамғали қоғозга ёзилган аризани чиқазди.

— Душманим, баттол душманим устидан арз.

— Ким устидан?

— Иван Никифорович Довгочхун устидан.

Судъя бу сўзни эшишиб, ўтирган жойидан йиқилиб тушгундай бўлди ва қўлини карсиллатиб:

— Иван Иванович, нима деяпсиз? Ўзингизми ё бошка одаммисиз?

— Қўриб турибсиз-ку, ўзимман.

— Худо ярлақасин, авлиёлар қўлласин! Нима бўлди сизга, Иван Иванович, Иван Никифорович билан ёвлашдингизми, ўз оғзингиз билан айтипсизми шу гапни? Яна бир айтинг! Оркангизда бирор туринги сизнинг тилингиздан гапираётган бўлмасин яна?

— Ҳайрон бўладиган нимаси бор бунинг? Уни кўргани кўзим йўқ: у мени шундай ҳақорат, шундай беобру қилдики, бундан кўра ўлганим яхши.

— Ё худо, ё Исо, ё Марям! Онами бу гапга қандай ишонтираман! Қачонки эгачим билан койишса́м, онам: «Эй болаларим, икковингиз ит-мушуксиз-а. Хеч бўлмаса Иван Иванович билан Иван Никифоровичдан ибрат олсангиз бўлмайдими» дер эди Ана дўстлик, ана обру, ана иноклик шу бўлдими ҳали! Қани, ўзи нима гап, нима бўлди, айтинг!

— Демъян Демъянович, бу нозик иш, сўз билан айтиб тушунириб бўлмайди, яххиси, аризани ўқиттириб қуринг Мана бу томонидан ўқитинг, бу ерида ножӯялик йўқ.

Судья котибга қараб:

— Қани, Тарас Тихонович, ўқиб беринг-чи? — деди.

Тарас Тихонович аризани олгач, уезд судидаги котибларнинг барчасидек икки бармоги билан бурнини қоқиб, сұнгра ўкишга киришди:

— «Миргород уездининг аслзода боёнлар тоифасига мансуб бўлган Иван Иван ўғли Перерепенкодан ариза, шу тўғридаким:

1) Ўзининг худобетарс, ифлос ва ярамаслиги билан бутун дунёга машҳур бўлган, баттол ва ёмонликда ҳеч чегарани билмаган Иван Никифор ўғли Довгочхун, ушбу 1810 йил 7 июлда, менинг шаънимга ва шу билан баравар наслу наслабимга ниҳоятда оғир таҳқир етказиб ҳақоратли сўзлар билан сўкли ва обрўйимни тўқди. Мазкур дворяннинг ўзи ҳам чехраси хунук ва бадбашара бўлгани устига яна ҳақоратгўйлик таъбига голибdir, ва сўзлагани яккаш куфрdir, ўзи худо бехабар даҳрийдир!»

Шу жойга келганда котиб бурнини яна қоқиб олмоқ учун тўхтади. Судья бўлса, қўлини қовуштириб таъзим билан ўтирад ва лабини пичирлатиб:

— Қандай ўтқир қалам, худоё тавба! Шундай ҳам ёзадими одам! — дер эли.

Иван Иванович нариги ёғини ҳам ўқилмоғини сўради, Тарас Тихонович ҳам давом этди:

— Мазкур дворянин Никифор ўғли Довгочхун, мен уни ошна билиб дўстона бир таклиф билан уникига кирганимда, менинг шаънимга ҳақорат бўлиб тушган сўзлар билан ҳақорат қилиб, ҳалойик назарида обрўйимни тўқди. Масалан мени: «эркак гозсан» деди; ваҳоланки, Миргород шаҳрининг тамомий аҳолисига маълумдирки, мазкур паст маҳлукнинг номи ҳеч качон менга қўйилган эмас ва бундан нари ҳам бу номни ўзимга тақмоқ ниятида эмасман. Улуғ аслзодалар наслидан эканлигимга «Уч авлиё» бутхонасида саклаимоқда бўлган туғилиш дафтари далилдир. Мазкур дафтарда менинг туғилган куним билан баравар ному лақабим ҳам битилгандир. Эркак гоз деган ном илмдан оз-моз баҳраманд бўлган ҳар бир кишига маълумдирки, туғилиш дафтарига ҳеч бир тариқ билан қайд қилинмайди, зероки мазкурнинг одам бўлмасдан парранда бўлгани ҳатто мактаб кўрмаган кишиларга ҳам яхши маълумдир; лекин мазкур побакор буни хўп яхши билса ҳам, бошқа бир гараз билан эмас, балки менинг шаънимга ва насл-наслабимга ҳақорат етказмоқ ва обрўйимни туширмоқ гарзида мени мазкур ярамас ибора билан ҳақорат қилди.

2) Мазкур бадаҳлок ва беодоб дворянин, бунинг устига менинг ота мерос мулкимга, яъни руҳонийлардан бўлмиш мархум падари бузрукворим Иван Ониси ўғли Перерепенкодан мерос тариқасида тегмиш жойимга тажовуз қилди, чунончи, масалан, тамоми қонун ва коидаларга хилофлик қилиб, гозлар катагини

менинг худди эшигим рұпарасыға құндириб қүйди, ва бу ишни у менинг шаънимга етказған ҳақоратни оширмоқдан бұлак ғарас билан кілмади, чунки мазкур ғозлар катаги ҳозиргача олисрок, яхши жойда турар эди, ва ҳали анча маҳкам ва мустахкам эди. Аммо мазкур дворяннинг бу ифлосликни қилишдан менинг бошимга бирон ёмон кулфатни солмоқдан бошқа максади йүк эди. Чунки катагига, хусусан, ғозлар катагига ҳеч ким яхши иш билан кирмаслиги ҳаммага маълум, кирган тақдирда ҳам бир ножүя ярамас иш билан киради. Бунинг устига мазкур катакнинг иккى ёғи, яъни бир жуфт устунчаси каминанинг мулкига ҳам дахл қилиб чиқиб турибди, аммо мазкур мулк эрса раҳматлик падарн бузрукворим Иван Ониси ўғли Перерепенконинг ҳаётлигидәёқ менга теккан эди ва ўзи бир парча ер бўлиб, омборнинг эшигидан тортиб, то хотинлар тувак юватурган жойгача келарди.

3) Фақат номини эшитганда ҳам кишининг нафрати қўзғалатурган мазкур дворяннин мени ўз уйимда ёндириб ўлдирмоқчи бўлиб, кўнглида шу ниятни сактайди. Бунинг бешак ва бешубҳа алломатлари күйида айтилганлардан маълумдир: аввал мазкур нобакор дворяннин ўз хонасидан тез-тез ташқарига чикмокқа бошлади, ўзининг хушёқмаслиги ва бадани ҳаддан ташқари семизлиги сабабидан авваллари бу ишни қилмасди: сўнгра раҳматлик падарн бузрукворим Иван Ониси ўғли Перерепенкодан колган бир китъа еримни ихота килиб турувчи деворга келиб тақалган мазкур дворяннинг қарашли меҳмонхонада ҳар кун алламаҳалгача чироқ ёниб турадики, бу ҳам юкорида айтилган гапларнинг аниқ далилидир; чунки алхолгача мазкур дворяннин ўзининг баҳил ва хасислиги сабабидан тоза шам у ёқда турсин, ҳатто кора жин чирогини ҳам учирив қўяр эди.

Шунинг учун сўрайманки, мазкур дворяннин Иван Никифор ўғли Довгочхунни менинг уйимга ўт қўйишда ва менинг шаънимга ҳақорат етказишда, мулкимга қасд қилнишда айбли бўлганидан ва бунинг устига ҳаммасидан баттари — ном валакабимга эркак ғоз деган номни разолат ва ҳақорат йўсинда қўшилганидан мазкурни жарима бермоққа ва ҳам етказған зарар ва зиёнларни тўламоққа ҳукм қилғайсиз ва ёмонлик қилганлиги сабабидан ўзини кишанга солиб банди қилиб, шаҳар овахтасига юборгайсиз ва ҳам ушбу аризам юзасидан дарҳол чора кўргайсиз. Қалам тебратувчи ва ёзувчи Миргород шаҳарининг аслзода мулкдор бойларидан Иван, Иван ўғли Перерепенкодирман».

Ариза ўқилиб бўлгач судья Иван Ивановичнинг ёнига келиб, тұгмасидан ушлаб, тахминан шу зайлда гап бошлади:

— Нима қилганингиз бу, Иван Иванович? Худодан кўркинг! Кечинг бу аризангиздан, шайтонга насиб қилсин у. Қайтага, Иван Никифорович билан қўл бериб кўришинг, ўнишинг, сантурин навидан, ёинки никопол навидан май топинг, жуда бўлмаса осонги-

на шароб тайёр қилинг, мени чақириңг, бирга-бирга ичайлик ва адоватни ташлайлик!

— Йўқ, Демьян Демьянович! Бу унака сиз айтган ишлардан эмас,— деди Иван Иванович, ҳаммавақт ўзинга ярашган керилмачоғлик билан.— Бу муроса билан битадиган иш эмас. Хайр, хайр эди, афандилар,— деди ҳалигидек савлат билан, ҳозир бўлганларниң ҳаммаси билан хайрлашиб.— Аризам оқибатсиз колмас, амал қылса керак деб умид қиласан.— У ҳаммани ҳайрон колдириб чикиб кетди.

Судья ўтирган жойнда индамай сукут қилиб қолди. Котиб бурнаки ҳидлади, маҳкамадагилар сиёҳдон ўрнига ишлатилмоқда бўлган шиша синингини ағдариб юбордилар ва судъянинг ўзи ҳам паришонлиқдан столга түкилган сиёҳни суртаверди.

Бир оз жимлиқдан сўнг судья:

— Сиз нима дейсиз бу тўгрида, Дорофий Трофимович? — деб сўради ноибидан.

— Ҳеч нарса деёлмайман,— деди ноиби.

— Шунака ҳам ишлар бўлар экан,— деди судья.

У бу гапни айтар-айтмас, эшик гирчиллаб, Иван Никифорович нинг боши билан тўши ичкарида кўринди; гавдасининг колган қисми ҳали дахлизда эди. Иван Никифоровичнинг бирдан келиб қолиши, яна тағин суд маҳкамасига келиши бундагиларни жуда ажаблантириди, ҳатто судья қичқириб юборди, котиб ўкишини бас қилди, калта фракка уҳшаган тивит камзул кийган бир мирза пўлат қаламини оғзига ўтиқанича ағрайиб қолди, яна бири оғзиға қўнган пашшани ютиб юборди. Хат ташувчи ва дарвозабон вазифасини бажарувчи, елкаси ямоқ ифлос кўйлаги билан эшик олдида қашиниб турган чўлок ҳам ағрайганидан аллакимининг оёғини босиб олди.

— Эй, қандай шамол учирди? Қалайсиз, сог-саломат бормисиз, Иван Никифорович?

Лекин Иван Никифоровичнинг на улк ва на тирик экани билинmas, эшик орасига тикилиб қолиб на бу ёққа кира олар, на у ёққа чиқа олар эди. Судья даҳлиздагилардан бирорга: «Уни ичкарига итариб юборгин», деб ҳар қанча қичқирса ҳам бўлмайди, чунки у томонда арзга келган бир кампирдан бошқа ҳеч ким йўқ эди ва бу кампир қуриган-қуришган қўллари билан нима қила олар эди. Сўнг лаби дўрдайган, бурни чўмичдек, гилай қўзларидан мастилиги билиниб турган, гирдиғумдан келган, тирсаги йиртиқ бир мирза Иван Никифоровичнинг олдига бориб, икки қўлини кўксига ковуштириб қўйгач, бояги мўйсафид чўлокқа имо қилди. Чўлок тиззасини Иван Никифоровичнинг корнига тираб итарди ва унинг вой-войлашига қарамай, итариб алоҳа дахлизга чиқардилар. Кейин эшикнинг зулфинини чиқариб, иккинчи табақасини ҳам очдилар. Мирза билан унинг ёрдамчиси чў-

лок ноҳоятда зўр бўлганларидан харсиллаганларида оғизларидан чиқкан ҳовур маҳкамахонани бирпас ароқхонага айлантириб юборди.

— Бирор жойингиз майиб бўлмадими, Иван Никифорович? Волидамга айтай, сизга бир дори юборади, белингиз билан орқан-гизга суртинг, дарров тузаласиз.

Лекин Иван Никифорович кирган ҳамон узини курсига ташлади ва чўзиб вой-войламоқдан бошқа нарса деёлмади. Ниҳоят, ҳолсизлик оркасида зўрга-зўрга чиқкан овоз билан:

— Марҳамат киммайдиларми? — деди ва чўнтағидан бурнаки қутисини олиб яна: — Олинг, марҳамат килинг!» деди.

— Сизни кўриб жуда хурсанд бўлдим, бизнинг хузуримизга тўсатдан келиб қолиб хўп хурсанд қилдингиз, лекин бу қадам ранжидаларининг сабабини билолмасдан ҳайронман,— деди судья.

— Илтимос билан...— деди ю, бошқа ҳеч нарса дея олмади Иван Никифорович.

— Илтимос билан, қандай илтимос?

— Даъво билан...— деди ю, нафаси тикилиб, бирпасгача сўзлаётмади.— Вой... Муттаҳам!... Иван Иванович Перерепенко устидан даъвогарман.

— Ана холос! Сиз ҳамми? Шундай қалин дўстлар-а, шундай саховатли одамлар-а!..

Иван Никифорович ҳарсиллаб:

— Иблиснинг ўзи у,— деди.

Судья чўқиниб олди.

— Аризани олинг, ўқинг!

Бошқа иложимиз йўқ, ўқинг Тарас Тихонович,— деди судья котибга караб, чехрасида афсус аломати кўринди. Бурни бенхтиёр юкори лабнни хидлади, авваллари бир нарсадан ниҳоятда хурсанд бўлган чогида бурни бу қиликни қилас эди, энди бурнининг бундай ўзбошимчалик қилгани судьяни яна койитди, ўзбoshimcha бурнининг танбеҳини бермок учун юкори лаби устидан бурнакини суртиб-суртиб ташлади.

Котиб, ҳар дафъа ариза ўкишдан бурун қиладиган одати бўйича бурнини рўмолчасиз тозалагач, ҳамишаги овози билан мана бу хилда ўқимоққа бошлади:

— «Ариза берувчи Миргород шаҳрининг дворяни Иван Никифор ўғли Довгочхундирман, аммо аризанинг нима хусусда эканлиги қўйидагилардан маълумдир:

1) Ўзига аслзода номини такиб олган Иван Иван ўғли Перерепенко, менга адовати ва очикдан-очикдан душманлиги важхидан, менга ҳар хил нобакорлик ва бадтарин ёмонликларни қиласди ва кечаги кунда ҳам худди бир ўғри ва босмачи сингари қўлида болта, арра, болға ва бошқа темирчилик асбоблари билан кечаси

девор ошиб менинг ҳовлимга тушди ва ундаги менга қарашли оғилхонага кириб, беномуслик килиб ўз қўли билан уни бузиб ташлади. Лекин бундай баттол ва нобакорлик ва босмачилликка сабаб бўлгандаи ҳеч бир иш мен томондан содир бўлгани йўқ.

2) Ва яна мазкур аслзода Перерепенко менинг жонимга қасд қилмоқчи ҳам ва ўтмиш ойнинг 7 кунигача бу ниятини маҳфий сақлаб, мазкур куни меникига кириб келди ва менинг уйимда сақланмоқда бўлган милтиғимни дўстлик ва маккорлик йўли билан мендан сўрамоққа бошлиди ва хасислигини килиб, бу милтиқ бадалига қора чўчкаси билан икки коп сули каби бир канча ярамас нарсалар бермоқчи бўлди. Аммо мен унинг ёмон ниятини пайқаб, бу ишдан қайтаришга уриндим ва лекин у муттаҳам ва абллах Иван Иван ўғли Перерепенко паст қишлоқилар оғзидан чиқадиган ярамас иборалар билан мени ҳақорат қилди ва шундан бери кўнглида менга адсоват ва хусумат сақлайди ва яна номи мазкур бўлган ва аслзодалик даъвосини қилувчи бу боскинчи Иван Иван ўғли Перерепенко насаб жиҳатидан ҳам пастдир, яъни унинг эгачиси рўйизаминга машхур бузук, фар эди ва бундан беш сана муқаддам ушбу Миргород шаҳрига келиб тушган тирандоз аскарларга эргашиб кетиб қолди ва эрини деҳқон тоифасига ёздириди, мазкурнинг отаси билан онаси ҳам учига чиқсан бетавфиқ ароқхўрлар эди. Ўзини аслзода деювчи мазкур босмачи Перерепенко бўлса, ўзининг ҳайвонлигини ва ифлос ҳаракатларини ота-она ва қавми-кариндошларидан ҳам чекдан ошириб юборди ва мўмин ва тақвадорлик никоби остида ҳаддан ташқари ёмон бузуқлик ишларни қилади. Рўза тутмайди, чунки шакдан бир кун аввал худодан қайтган мазкур одам қўй сотиб олди ва эртасига чироқ ва шам учун мой керак деган баҳона билан гайри машру хотини Гапкага уни сўйидирди.

Шу сабабдан, илтимос қиласманки, мазкур одамни ўғри ва боскинчини, худодан қайтган бетавфиқни, ўғрилик ва босмачилик килиб бир неча марта қўлга тушган бу муттаҳамни кишанга солиб овахта қилғайсиз, ёнки подшолик қамоқхонасига юборгайсиз ва у ерда ўз билганларингизча жазосини бериб, улугларнинг маслаҳатлари билан даражасидан ва мартабасидан маҳрум килиб, хўп ургайсиз, лозим бўлса Сибирга бадарга килинса, зиён ва зарарларнинг ҳаммасини мазкурнинг зиммасига қўйилса ва менинг ушбу аризам юзасидан хукм килинса.

Ушбунинг ростлиги учун Миргород шаҳрининг аслзодаларидан Иван Никифор ўғли Довгочхун қўйдим».

Котиб аризани ўқиб битирган ҳамон, Иван Никифорович шапкасини олиб таъзим қилди ва чиқиб кетмоқчи бўлди.

Оркасидан судья:

— Иван Никифорович, қаерга борасиз? Бирпас ўтиринг, чой ичинг! — деди.— Оришко, нега сўррайиб турибсан, нодон қиз,

мирзалар билан күз кисишиганинг нимаси. Бор, дарров чой келтир!

Лекин Иван Никифорович уйдан мунча олислаб кетганига күркіб ва бундай хавф-хатардан омон қолганинг үзининг ваҳимаси келиб аллақаочон эшикдан чиқиб жұнаб қолди ва чиқиб кетаркан:

— Овора бұлманг, мен үзим...— деганича орқасидан эшикни бекитиб, ҳаммани ҳайратда қолдириб чиқиб кетди.

Бошқа хеч чора қолмади. Иккала ариза ҳам қабул қилиниб, ғалати можаро бошланмоқчи бұлды-ку, бирок күтилмаган бир ҳодиса бўлиб, бу можаро яна авж олиб кетди. Судъя котиб ва ноиби билан ташқари чикқанда ва мирзалар арзга келганлар келтирган товук, тухум ва нонларни, сомса, кулчаларни энди йигиштириб тўрвага солаётганларидан, тўсатдан бир кора чўчка ичкари кириб ва бундагиларни таажжубда қолдириб, на сомса ва на нонга тегмасдан Иван Никифоровичнинг стол кирғогида осилиб турган аризасини тишилаб кочди. Корга чўчка қозозни олиб шундай қочники, чизгич ва сиёҳдонларни отиб кувлаган сипохлар юргурган билан ета олмадилар.

Нихоятда таажжубли бўлган бу ҳодиса ҳаммани алғов-далғов қилди, чунки аризадан ҳали пусха кўчирилгунча ҳам йўқ эди. Судъя, йўқ, унинг котиби билан ноиби қулок эшиштмаган бундай ҳодиса тўғрисида кўп можаролашдилар. Алоҳа бу тўғрида шаҳар ҳокимиға хат ёзмоққа қарор бердилар, негаки, бу хил ишнинг тергови кўпроқ шаҳар миршабхонасиға тегишли эди. Шу қуниёқ шаҳар ҳокимиға 389 рақамли хат юборилди ва бу иш устида яна бир қизинқ воқеа бўлиб ўтдикি, буни ўқувчилар эндиги бобдан билурлар.

V б о б

**Бу бобда Миргород шаҳридаги икки ҳурматли зотнинг
қилган маслаҳатлари баён қилинур**

Иван Иванович уйидаги юмушлардан бўшаб, доимий одатича, пича чўзилмок учун эндигина айвонга чиқиб эдик, эшик томондан бир нарса кизариб куринди, уни таажжубга солиб кўйди. У нарса шаҳар ҳокимининг енги учига тикилган кизил қайтармаси бўлиб, ёкаси сингари бу енги ҳам ишқалана бериб кайнишдек йилтираб кетган эди. Иван Иванович үзича уйлади: «Пётр Федоровичнинг гаплашиб ўтирганини ва кўлларини силкиб-силкиб жуда шитоб билан келганини кўргач, ҳайрон бўлди, чунки ҳоким бу хилда аҳён-аҳёнда шошиб юрмаса, тез юриш унга одат әмас эди.

Ҳокимнинг мундирида саккизта тұгмаси бор эди, тұққизинчи тұгмаси бундан икки йил бурун бутхонада бұлған бир мағосым өғіда узилиб тушган ва йўқолған эди, шундан бери әллиқбошилар хар қанча қидирсалар ва шаҳар бошлиғи ҳар куни аминлардан рапорт олғанида: «Тұгма топилмадими?» деб доим сұраб тұрса ҳам, тұгма ҳалигача топилғани йўқ. Саккиз тұгмаси хотинлар эккан ловиядек, бири чапга, бири үнгга қадалған эди. Ҳокимнинг чап оёғига охирги урушда ўқ текканлигидан, юрганда оёғини шундай силтағлатып ташлар эдики, ўнг оёғининг ҳамма меҳнати бекорга кетар эди. Ҳоким оёғини қанча тез қимирлатса, шунча орқага караб кетар эди. Шу туфайлидан ҳоким айвонга етиб боргунча анча вакт ўтиб, Иван Иванович ҳокимнинг құлларини бундай силкитиб кетаётғанлигининг сабаби тұғрисида бир қанча нари-бери хаёлларга борди. Бунинг устига ҳокимнинг ёнида ҳатто янги қиличчаси ҳам борлигини күриб яна күпроқ таажжубланды.

Юқорида айтганимиздек, ҳар нарсага қизиксениб қарайдиган Иван Иванович ҳокимнинг күп машаққат билан зинаға зўрга чиқиб келаётғанини ва бир кутарганда зинадан зинаға дарров чиқа олмай, хит қилаётған оёғи билан айтишиб, ерга караб келаётганини кўргач, сабр қилолмай:

— Ассалому алайкум, Пётр Федорович,— деб сұрашди.

Шаҳар ҳокими жавобида:

— Қадрдон дұстим, валинеъматим, Иван Ивановичга хушвақтлик тилайман,— деди.

— Марҳамат қилиб ўтириңг, афтидан, анча چарчаганга ўхшайсиз, зероки оқсок оёғингиз күп кийнабди...

Шаҳар ҳокими, новча одам — паканага, илмден одам — танца муаллимига карагандек назар билан Иван Ивановичга қараб:

— Оёғим курсин,— деди ва бу карашида оёғини чузиб, бир депсиниб қўйди. Аммо унинг ботирлик курсатмокчи булиб қилған бу ҳаракати қалтис бўлди, чунки узи гандираклаб кетди, тумшуғи зинанинг панжарасига тегди ва лекин ҳоким қувлик қилиб, сир бермасдан дарров ўзини ростлаб олиб, гўё тамаки кутисини олмокчи бўлғандек, қўлини киссасига солди.— Қадрли дұстим, валинеъматим, Иван Иванович, мен сизга айтсам умримда шундай урушларни кўрганманки, асти кўя беринг. Ҳазил эмас, рост. Масалан, минг саккиз юз еттинчи йилдаги урушда... Эй, мен сизга бир нозанин немис хотиннинг уйига деворидан ошиб тушганимни айтиб берай.— Бу ўринда ҳоким бир кўзини кисиб, айёрон ва маккорона илжайиб қўйди.

Иван Иванович ҳокимни бу хил сўзлардан тўхтатмоқчи ва тезроқ келишининг сабабларини билмоқчи булиб;

— Букун қаерда эдингиз? — деб сұради Иван Иванович ҳокимдан. «Менга нима гапингиз бор» деб сұрагиси ҳам келди,

лекин одоб ва муомаланинг нозик томонларини яхши билганидан бундай саволнинг чаккилигини дарров пайқади ва сабр-тоқат қилиб, гапнинг муаммоси ечилишини кутди, аммо юрагига фулғула тушиб, юраги тата-пука эди.

— Хўп бўлади, каерга борганимни айтиб берай,— деди ҳоким.— Аввало шуни айтайки, бугун жуда яхши вакт...

Бу сўзни эшитганда Иван Иванович ўтакаси ёрилгундай бўлди.

— Лекин шошманг, буқун мен ҳузурингизга зарур бир иш билан келдим,— деди ҳоким.

Бу чокда ҳокимнинг турқи ва сиёки, боя зинага чиқиб келаёт-гандагидек тажанг бўлди. Иван Ивановичнинг аъзойи баданига ларза тушиб, безгак тутгандай қалтирай бошлади ва ўз одати бўйича:

— Нимаси зарур бўпти унинг, шу ҳам зарур ишми? — деб сўради дарров.

— Мана, марҳамат қилинг, кўринг, валинеъматим ва азиз дўстим Иван Иванович, аввало хафа бўлмасангиз айтай, сиз менинг томонимдан бўлса, ўзингиз кўриб турибсиз, менга бари-бир, лекин ҳукуматнинг амрини бажо келтирмоқ керак, ҳукуматнинг амри шуни талаб қилади; сиз иззат ва ҳурмат коидасини буздингиз!

— Пётр Федорович, сиз ўзингиз нима деяпсиз, гапингизни сира уколмадим?

— Ҳурматли Иван Иванович! Нега уколмадим дейсиз! Ўзингизга қарашли ҳайвонингиз ниҳоятда муҳим подшолик қофозини олиб қочибди-ю, сиз тагин ҳеч нарса уқмадим дейсиз!

— Қанака ҳайвон у?

— Ижозатингиз бўлса айтаман, қора чўчқангиз.

— Менда нима айб? Суднинг дарвозабони эшикни нега очади!

— Аммо, Иван Иванович, ҳайвон сизники, бас, айб сизда.

— Мени чўчқага тенг қилганинг учун сизга ташаккуримни билдираман.

— Хой, Иван Иванович, мен сизга бундай деганим йўқ, азбаройи худо, деганим йўқ! Ўзингиз инсоф билан айтинг; улуғларнинг фармойишига мувофиқ, кўчаларда, хусусан, шаҳарнинг катта кўчаларида нопок ҳайвонларнинг юришлари мандир, буни сиз бешак-бешубҳа яхши биласиз. Ўзингиз айтинг, бундай иш мамну эмасми?

— Билмайман нима деяпсиз? Чўчқага кўчага чиқса нима қипти?

— Шошманг, шошманг, мен сизга айтсан, Иван Иванович, қатъиян мумкин эмас. Бизнинг қўлимиздан нима келади, улуғларнинг хоҳиши шу экан, бўйсунмоқ керак. Гоҳда товук ва фозлар дарвоқе кўчага, ҳатто бозор жойга ҳам чиқадилар, лекин

товук, ғозлар чиқади, аммо чүчкалар билан әчкиларни халойик түппланадиган жойга күймаслик тұғрисида үтган йили буйрук берген эдим ва халойикни түплаб бу буйрук үкиб берилсін деб үша вактда буюрган эдим.

— Іўк, Пётр Федорович, бу гаплардан мурод менга факт озор етказмоқдир.

— Валинеъматим ва азиз дүстим, ҳарна десангиз денг, лекин муродинг менга озор етказмоқ дея олмайсиз. Эсингизга олинг, үтган йили томингизни ёпганингизда ҳаммага жорий қилинган үлчовдан бир оз баланд ёпганингизда оғиз очиб бир сүз айтмадим. Қайтага үзимни билмаганга солиб кетдім. Азиз дүстим. Имонингиз комил бұлсінки, бу гал ҳам ҳалиги... Лекин устимдаги вазифам, хуллас шуки, шаҳарнинг тозалигига қараб турмомғим керак. Үзингиз андиша қилинг, шаҳарнинг катта күчасига бирдан...

— Шаҳарингизнинг катта күчалари хұп яхши-да! Хотин-халажлар керак қилмаган ташланды нарсалари борки, ҳаммаси-ни шу күчага чиқарып ташлайдылар.

— Иван Иванович, хафа бұлмасанғиз айтайки, мен сизга әмас, сиз менга озор етказяпсиз! Тұғри, гоҳда ташлайдылар, аммо күпинча деворлар, сарой ва омборлар тағига ташлайдылар, наинки бұғоз чүчқа катта күчага ва чорсига чиқиб юрсин, бу шундай ишки...

— Пётр Федорович, нима бұptи, чүчқа ҳам худонинг маҳлүки!

— Хұп. Сизнинг уламо киши эканингизни бутун олам билади. Албатта мен ҳеч қандай илм үқиган әмасман, ҳат ёзишни үттіз ёшға кирганимда ўргандым. Аскардан чиққан одам эканимни үзингиз ҳам биласиз.

Иван Иванович «хм», деб күйди.

Хоким яна сүз котиб:

— Ҳа, минг сакқиз юз бириңчи йилда қирқ иккінчи тиран-дозлар полкінинг 4-ротасида поручик эдим. Агар билсанғиз, ротамизнинг командири капитан Еремеев эди,— деди.

Иван Иванович тамаки қутисини очиб тамакисини уқалаб туриб эди, ҳоким гапини тамом қилиб, бармоғини қутига тиқди.

Иван Иванович яна: — «Хм», — деб күйди.

Хоким яна сүз бошлаб:

— Ҳукумутнинг амрига итоат қилмок вазифамдир. Иван Иванович, биласизки, суд мақамасидан подшолик қоғозини ўғирлаган одам жинояткорлар қаторида жазо тортилади,— деди.

— Биламан, лозим бұлса, сизга ҳам ўргатиб құяман. Бу сүзлар одамларға тааллуклидер, чунончы, қоғозни сиз ўғирлаган бұлсанғиз, аммо чүчқа ҳайвондир, худонинг бир маҳлүкідір!

— Маъқул, аммо қонунда «ўғирлаган» дейилған... яхши дик-

кат килишингизни сўрайман, ўгирлаган дейилган, холос; на жинси, на насаби ва на нави айтилган, бинобарин, ҳайвон ҳам айбдор қаторига киради. Ихтиёр сизда, аммо ҳайвонни жазога тортиб ҳукм чиқаришдан аввал тартиб бузувчи бўлганидан уни мираншабхонага элтмок керак.

Иван Иванович парво қилмай:

— Йўк, Пётр Федорович! Бунга йўл қўймайман! — деди.

— Ихтиёр сизда. Лекин мен катталарнинг амрини бажо келтиришмоғим керак.

— Сиз мени қўрқитмоқчимисиз? Қўлсиз чўлоч солдатингизни юбориб олиб кетмоқчимисиз? Хизматкор хотинга буюриб қўяман, келса косов билан уриб ҳайдайди. Соғ қўли ҳам чўлоч бўлади.

— Сиз билан жанжаллашиб ўтиришга тобим ўйк. Агар чўчкангизни полицияхонага топширмоқни истамасангиз, билганингизни қилинг. Рождество хайитига дейсизми, қачон хоҳласангиз сўйинг, хоҳласангиз шундок енг, хоҳласангиз дудлаб енг, башарти колбаса қилсангиз, бир жуфтини менга юборинг. Оқсочингиз Гапка чўчқанинг қони билан ёғидан жуда мазалик колбаса қилади-ку, шундан юборинг, хотиним Аграфена Трофимовна унинг колбасасини жуда яхши қўради.

— Колбаса десангиз бир жуфтини юбораман.

— Валинеъматим ва азиз дўстим, сиздан миннатдорман, энди рухсатингиз бўлса, яна бир сўзим бор, айтай: судья ва жамики ошна-офайниларимиз сизни дўстингиз Иван Никифорович билан яраштириб қўймоқни менга топширдилар.

— Нима! Жоҳил билан-а! Ундей қўрс билан ярашайми! Асло! Ҳеч ярашмайман! — Бу онда Иван Ивановичнинг жуда ўжарлиги тутиб турган эди.

Ҳоким бурнаки отиб туриб деди:

— Билганингизни қилинг. Мен сизга маслаҳат бера олмайман, шундай бўлса ҳам, айтаманки, ҳозир-ку орангизга низотушибди, аммо ярашганингиздан кейин...

Иван Ивановичнинг шундай бир одати бор эдики, қачонки гапни бас қилмоқчи бўлса, дарров бедана овидан гап очар эди.

Шундай қилиб, ҳоким муддаосига етолмай, ноилож йўлига қайтди.

VI б о б

Бу бобнинг баёнини ўқувчи унинг мазмунидан билаверади

Суддагилар бу воқеани ҳар қанча яширмоқчи бўлсалар ҳам, Иван Ивановичнинг чўчқаси Иван Никифоровичнинг аризасини олиб кочгани эртасига ёк бутун Миргородга маълум бўлди. Бу гап-

ни аввало ҳокимнинг ўзи бехосдан айтиб қўйди. Вокеани Иван Никифоровичга айтганларида, у киши ҳеч нарса демасдан «Кора чўчқамасми?» деб сўради, холос.

Лекин шу чокда бунда ҳозир бўлган Агафия Федосеевна Иван Никифоровичга дағдага қилиб, койиб кетди:

— Энди ким бўлдинг, Иван Никифорович? Агар бўш келсанг, ҳамма сени аҳмок деб масхара қиласди! Бундай исноддан кейин аслзодалингинг қоладими! Қандалатни яхши кўрардинг, энди қандалатфурӯш хотинлардан баттар одам бўлиб қоласан.

Қакажон хотин алоҳа унн кўндириди. Афти хунук, кир-могор кўк камзулининг тирсагига ямок тушган, ўрта ёшли, сиёҳ ялан-ган искирт бир одамни топди. Унинг аллақаердан топган бу одами этигини кора мой билан мойлаб олган эди ва ҳар қулоғига учтадан қалам қистирган, бир шишани сиёҳдон қилиб боғич билан туг-масига осиб олган, бир ўтирганда тўққизта сомсани бемалол еб ва яна биттасини чўнтағига урар эди; бир тахта тамғалик қоғозга ҳар хил тухматлардан шунча сигдирар эдики, ҳеч қандай мулла бир неча йўталмасдан, акса урмасдан ўқий олмас эди. Одам сиёқи бўлмаган бу маҳлук кўп азоб ва машаккат билан узок вакт ёзди ва кўп уриниб, алоҳа шу мазмунида бир шикоятнома тайёрлади:

«Миргород уезд судига аслзодалардан бўлган Иван Никифор ўғли Довгочхундан.

Бундан муқаддам берган аризам важҳидан, менким аслзодалардан Иван Никифор ўғли Довгочхундирман, бераман ушбу аризани азбаройи аслзодалардан Иван, Иван ўғли Перерепенко устидан бундан муқаддам берилган ариза хусусида. Аммо мазкур ариза бермокниг сабаби бўлгани важҳида, чунончи бундан муқаддам берилминш аризамга Миргород уезд судъясининг розилиги бўлган важҳидан, яъни шу хусусдаки, бундан муқаддам аризада баён бўлмиш кора чўчқанинг беодоблиги ва узбошимча қилиги одамлардан маҳфий сақланар эмиш ва унинг ахбори бошика одамлардан бизга эшиттирилгани хусусида судъя маҳкамасида бўлмиш мазкур бепарволик албатта бир ёмон ниятдан ҳоли булмагани важҳидан унинг судга берилмоги лозим ва лобидир, зероки мазкур чўчка беакл ҳайвондир, унинг қофоз ўғирламоги аклга сигмайди. Менинг ганимим бўлган ва ўзини аслзода ҳисоблаб юрган Иван, Иван ўғли Перерепенконинг, яъни ўгри ва босқинчиликда ва куфрликда барчага маълум бўлган мазкур ганимим чўчқани ўзи ўргатиб юборганилиги шундан маълумдир. Лекин мазкур Миргород судъяси хушомадгўйлик одати бўйича ўзи ҳам билмай маҳфий йўл билан ризолик бергандир, чунки шундай бир ризолик бўлмаса мазкур чўчқа ҳеч бир важ бирлан коғоз ўғирламоққа қобил бўлмас эди, чароки Миргород уезд суд маҳкамаси хизматкорлар важҳидан кўп ёлчиган. Бунинг исботига

бир күзи ғилай ва бир қули чүлөк бўлса ҳам, аммо чүчқани ҳайдамоқ ва уни таёқ билан урмокқа қобилияти етарли бўлган бир солдатнинг доим эшик тагида пойлаб ўтирганини курсатсан кифоядир. Ушбудан аник маълум бўладики, мазкур Миргород судьяси бу ишга ўзи бош қўшган, яъни менинг ганимим гуноҳига шерикдир ва ҳаром йўл билан топилган фойдани ўртада тақсим қилганлари бешак ва бегумондир. Мазкур ва номи зикр этилмиш ўзини аслзода деб юрган муттаҳам Иван, Иван ўғли Перерепенко эрса бундок бадкорларга аввалдан шерик бўлиб келди. Шу сабабдан мазкур уезд судьясига мен Иван Никифор ўғли Довгочхун мазкурнинг ахборот ва маълумоти учун маълумот қиладирманки, мазкур кора чўчқадан ёки унинг билан шерик бўлган мазкур Перерепенкодан мазкур ариза тортиб олинмаса мазкур аризанинг мазмуни юзасидан ва менинг фойдамга одилона ҳукм чиқарилмаса, у вактда менким аслзодалардан Иван Никифор ўғли Довгочхун мазкур судьянинг шу хилда қонунга хилоф амалий хусусида олий судга ариза берурман ва ишни ўз йўли билан мазкур жойга кўчирурман, деб Миргород уездининг аслзодаларидан Иван Никифор ўғли Довгочхун бўлурман».

Бу ариза дарров таъсир қилди. Ҳар бир кўнгилчан одам кўркоқ бўлганидек, судья ҳам кўркоқлар жумласидан эди. Судья котибиға қаради, лекин котиби оғзини очмасдан йўғон «ҳим» деб кўйди ва башарасида ажаб бўпти дегандек шундай фитнаангиз кувлик аломатлари кўринидики, бирорни васваса қилиб тузогига илинтирганда фақат иблиснинг важоҳати шундай бўларди. Икки дўстни яраштириб кўйишдан бошқа чора қолмади. Лекин бу йўлда қилинган шунча тадбирлардан мурод ҳосил бўлмади, бас қандай қилиб яраштиrmок керак? Аммо шундай бўлса ҳам яна бир марта уриниб қўрмоқчи бўлдилар. Лекин Иван Иванович куимаслигини узил-кесил айтди ва ҳатто қаттиқ жаҳли чиқди. Иван Никифорович эса, жавоб ўрнига орқасини ўгириб олди ва ҳеч сўз айтмади.

Шундан сўнг даъво иши ниҳоятда тезлик билан юришиб кетди. Суд маҳкамалари ишларни бундай жадаллик билан қўришдан ном чиқарганлар-ку! Аризани олдилар, дафтарга ёздилар, номер кўйдилар, тикдилар-тиркадилар, имзо чекдилар, хуллас бу ишлар бир кунда тахт бўлиб, жавонга тахланди ва бунда ётаверди, бир йил, икки йил, уч йил ётди. Бу орада қанча-қанча қизлар эрга тегиб, Миргород шаҳрида янги кўча чиқазилди, судьянинг битта жаф тиши ва иккита озиқ тиши тушди. Иван Ивановичнинг ҳовлисида ўйнашиб юрадиган болалар бурунгидан анча кўпайди. «Болаларнинг қаердан пайдо бўлганини ёлғиз худо билади!», Иван Никифорович, Иван Ивановичнинг қасдига, бурунгисидан бир оз ичкиарироқ бўлса ҳамки, янги гоз катаги солдирди ва Иван Иванович томонини батамом уриб таш-

лади. Шундай килиб, бу икки зот юз кўрмас бўлдилар, лекин даъво иши сиёҳ тўкила бериб мармардек бўлиб кетган жавон ичидагатартиб тахланиб ёта берди.

Лекин шу орада Миргород учун ниҳоятда мухим бир ҳодиса бўлди, яъни шаҳар ҳокими катта бир зиёфат берди, бу зиёфатнинг дабдабасини, бундаги ранг-баранг одамларни тасвир қилмоқ учун қалам ва бўёкни қайдан олай! Соатингизни очиб қаранг, нималар кўрасиз? Чалкаш, ишқал бир нарсани-да. Энди ҳокимнинг ҳовлисини ҳам кўз олдингизга келтиринг, бунда ҳам гилдиракларнинг микдори соат ичидагидан кўп бўлса кўпки, оз эмас? Ранг-баранг бричка ва араваларнинг сон-саноғи йўқ! Бирининг орқаси кенг, олди тор, бирининг орқаси тор, олди кенг, бири ҳам бричка, ҳам арава, бири на бричка, на арава, баъзилари гарам қилиб кўйилган пичанга ёки дўкондор семиз хотинга ўхшайди, яна бири абжаги чиккан жуҳудга ёки этидан ажрамаган скелетга ўхшайди, баъзилари бир ёндан караганда узун найлик сархонага ўхшайди, баъзилари жуда хунук, хаёлда бор, ҳакиқатда йўқ баҳайбат, ваҳшатлик нарса дея беринг.

Тирбанд бўлиб тикилиб ётган бу аравалар орасида йўғон чор чўплари тоб ташлаган, деразага ўхшаб соябони қийшайиб қолган бир нарса ҳаммадан баланд бўлиб, қунқайиб туарар эди.

Турли-туман яхши чакмон, тўн, қалпок ва телпак, ранг-баранг шапка кийган кучерлар, қулларида трубкалари билан ҳовлида от совитиб юрар эдилар. Ҳоким тўра ҳўл зиёфат берди. Мехмонларни бирма-бир санаб чиқсан майлими: Тарас Таракович, Евпл Акинфович, Евтихий Евтихиевич, Иван Иванович, анов эмас, бошқа Иван Иванович, Савва Гавrilovich, ўзимизнинг Иван Ивановичимиз, Елевфериј Елевфериевич, Макар Назарьевич, Фома Григорьевич... Бўлди-эй! Чарчадим, ёза бериб қўлим чарчади! Хотинларни айтинг, хотинларни!.. Корачадан, окдан келган, паст бўйли, баланд бўйли. Иван Никифоровичга ўхшаган семизлар ва ҳоким тўра қиличининг кинига сиғиб кетадиган нозик ниҳол хотинлар!.. Дуррачалари ранг-баранг, қизил, сарик, жигарранг, кўк яшил, янги, ағдарган, ағдармаган, сўқиб тикилган ҳар хил кўйлаклар, рўмолчалар, ленталар, сумкалар! Бечора кўзлар, сиздан ажралдик! Бу томошадан кейин нимага ярардингиз! Ёзилган дастурхоннинг узунлигини айтинг! Ғовур-ғовур гапни, шовқин-суронни қаранг! Бу ғовур-ғовур олдида тегирмон ип эшолмай қолди, дўлидан, тошидан, паррагидан чиқкан тўполон ҳам бунчалик эмас. Гаплари нима тўғрисидалиги айтольмасам эҳтимол. Лекин гаплари ҳавонинг иссиқ-совуқлиги, ит, буғдой, чепик ва тойча сингари фойдали ва завқли нарсалар тўғрисида бўлса керак, деб ўйлайман.

Бир маҳал Иван Иванович, униси эмас, бир кўзи гилай бошқаси:

— Мен шунга хайронманки, ғилай ўнг күзим (Иван Иванович қизиқчи эди) бу ерда Иван Никифорович Довгочхун жаңбларини күролмаяпты-я,— деди.

— Қелмокни истамади,— деди ҳоким.

— Улар, яъни Иван Иванович билан Иван Никифорович бирбирлари билан уришиб қолганларнга (худога шукур) икки йыл бўлди, бири бор жойга униси улса ҳам бормайди.

— Ҳали шуниаками?! — Ғилай Иван Иванович бу ўринда кўзиши юқори қилиб, қўлларини кўксига олди.— Кўзи соглар бу дунёда муросаю мадора қилолмасалар, мендек ғилайлар нима қилсан!

Унинг бу ганига ҳамма кулиб юборди. Ғилай Иван Иванович жуда аскиячи бўлиб, пайрови билан қизиқчилик қилгани учун ҳаммага манзур эди. Ўзи қотмадан келган, баланд бўйли, тивит чакмон кийган, бурни тепасига малхам қўйган, ҳанузгача бир бурчакда ўтирган, ҳатто бурнига пашиша киргандага ҳам пинагии бузмаган бир одам бир маҳал ўриидан туриб, ғилай Иван Ивановичнинг атрофига тўпланганинг олдига келди. Атрофига одам тўпланганини кўриб Иван Иванович деди:

— Менга қаранглар, бу ёкка қаранглар! Ғилай кўзимни хўп томаша қилдингиз, энди бас, ундан кўра икки дўстимизни яраштириб қўяйлик! Хозир Иван Иванович қиз ва жувонлар билан овора; билдирамасдан секинигина Иван Никифоровични чакиртириб келиб, икковини тўқиаштириб қўяйлик.

Иван Ивановичнинг бу таклифи ҳаммага маъқул тушди ва албатта ҳокимнинг зиёфатига етиб келинг деб Иван Никифоровичниги дарров одам юбормоқчи бўлдилар. Лекин масала ишқалга тушнуб, бу муҳим вазифани кимга топшириш тўғрисида ўйлашиб қолдилар. Элчиликка кимнинг қобилнятни яхшилиги тўғрисида роса тортишдилар; кўп тортишувлардан кейин алоҳа бу вазифани Антон Прокофьевич Голопузга топширишга қарор қилдилар.

Аммо ўкувчини бу галати одам билан таништирумок керак. Антон Прокофьевич том маъноси билан ниҳоятда покиза ва ювош одам эди. Миргороднинг улуғлари у кишига рўмолча инъом қиласими ёки кўйлак-лозим садақа қиласими, қуллук деб олаверади; бирор бурнига чертса ҳам қуллук қилар эди. Агар ундан, «Антон Прокофьевич, тўнингизнинг ўзи мош ранг, енги кўкдан» деб сўраса, ҳамиша: «Сизда шу ҳам йўқ, шошманг, эскиса бир хил бўлиб қолади» деб жавоб берарди. Дарвоке кўк мовути офтобдан айниб, мош рангга айланди ва секин-секин тўнининг ҳамма ери бир хил бўлиб қолди. Аммо шуниси таажжубки, Антон Прокофьевич аксари, ёзда мовут тўн кийиб, кишида юпун кийинардилар. Антон Прокофьевичнинг уйи йўқ. Аввал шаҳарнинг бир чеккасида уйи бор эди, лекин уни сотиб пулига учта

түрик от ва кичикрок бричка олди ва бойларникига мемондорчиликка шу от-аравасини қўшиб борадиган бўлди. Уч отнинг ташвиши кўп бўлиб, бунинг устига емхашакка ҳам пул лозим бўлганидан, Антон Прокофьевич от-аравани бир дона фижжак билан чўри қизга алиштирди ва устига йингирма беш сўлкавойлик когоз ҳам олди. Кейин фижжакни сотди. Чўри қизни саҳтиёндан зар қадаб тыкилган тамаки ҳамёнга алишиди. Ҳозир унидек тамаки ҳамён ҳеч кимда йўқ. Бу давлатни деб қишлоқма-қишлоқ аравада юришдан бебахра бўлди, шаҳардан ташқари чи-колмай, ҳар кимницида ётиб юрди, айниқса унинг бурнига чертмоқдан завқ олувчи боёнларникида кўпроқ колиб кетарди. Антон Прокофьевичнинг ўзи овқатга хўра, хўракхўр эди, «дурак» ва «мелник» деган карта ўйинларини яхши биларди. Таъби ювони бўлиб, ҳар кимга бўйин эга берар эди, шунинг учун шапкаси билан ҳассасини қўлга олиб, йўлга равона бўлди.

Йўлда кета туриб, Иван Никифоровични зиёфатга қандай қилиб олиб келсан экан деб бора-боргунча ўйлаб кетди. Ўзи гарчи ҳурматли бўлса ҳам, бу одамнинг табиатида ўжарлик бир мунча ғолиб бўлганидан, унинг бу харакати бехудамасми, дарҳақиқат ётган жойидан турмоғи анча машаққат бўлган одам қандай килиб бора олади? Бордию ўрнидан турдиям, лекин ашаддий душмани борган жойга у нечук борсин? Шундай килиб, Антон Прокофьевич ўй ўйлаган сари чатоқлар чикаверди. Ҳаво дим, кун иссик, у терга фарқ бўлиб борар эди. Аммо Антон Прокофьевич ҳаммага бурнини черттириб юрса ҳам, ўзи кўп жойларда анча кув бўлиб, факат мол алиштиришда толен паст эди. Қачон ўзини тентакликка солишини яхши билар эди ва гоҳда доно қишилар ҳам иложини қилолмаган ишқалларни осонлик билан эплаб кетар эди.

Унинг топогон ақли Иван Никифоровични қандай қилиб кўндириш йўлинини ўйлаб таваккал қилиб бораётганида кутилмаган бир хол унинг шахтини қайтариб қўйди. Бу ўринда ўкувчига айтиб қўйсак зарап қилмайдиган бир гап бор; Антон Прокофьевичнинг ажаб ғалати бир шими бор эди, қачонки бу шимни кийса, итлар талаб почасидан тишлилар эди. Фалокат босиб бугун иттифоқо шу шимни кийиб чиққан экан. Шу сабабдан бояги мулоҳазалар билан бўлиб, ўй ўйлаб кетаётган чоғида ҳар тарафдан хурган итларнинг овози кулогига эшитилди. Антон Прокофьевич шундай қаттиқ бакирдики (бакироқликда ҳеч ким унга бас келолмас эди), маълумимиз бўлган кампир билан рӯдапо камзул кийган боладан ташқари, ҳатто Иван Ивановичнинг ҳовлисидаги болалар ҳам югуришиб чиқдилар, итлар гарчи бир почасидан-гина тишлилаб колган бўлсалар ҳам, у шахти қайтиб, попуги пасайиб колди ва кўрқа-писа зўрға эшик тагидаги зинага чиқди.

VI б о б

Ва охиргиси

Антон Прокофьевич билан ҳамма ҳазилкаш эди. Шунинг учун Иван Никифорович ҳам уни кўрган ҳамон:

— Ҳа, ассалому алайкум, итлар билан ўйнашиб нима қиласиз? — деди.

— Эй, кирилсин ҳаммаси, ким ўйнашибди? — деди жавобида Антон Прокофьевич.

— Ёлғон айтасиз.

— Азбаройи худо, рост! Пётр Федорович сизни зиёфатга айтиб юбордилар

— Ҳм!

— Азбаройи худо, шундай илтимос қилдиларки, асло кўя беринг. Никифорович мени ўзига душман билиб қочади, сухбатлашиб бирпас ўтириб кетгали ҳеч келмайди, деди.

Иван Никифорович иягини силаб кўйди.

— Агар Иван Никифорович бугун келмаса, мен ҳар балони ўйлашга ҳаққим бор. Менинг хусусимда, бир ғарази бордир! Антон Прокофьевич, худо хайр берсин, нима қилсангиз ҳам иш килиб олиб келинг! — деди.— Нима дейсиз, Иван Никифорович, борасизми? Бугун у ерда улфатчилик жойида!

Иван Никифорович зинапояда туриб, кекирдагини йиртиб зўр бериб қичкираётган хўрозни томоша қилаверди.

Бўш келмаган хира элчи сўзини давом эттириб:

— Иван Никифорович, бугун Пётр Федоровичникига шундай аъло балиқлар ва тоза икралар келганки, асло кўя беринг! — деди

Иван Никифорович бу гапни эшигандан бошини бу ёкқа буриб, гапга астойдил кулоқ сола бошлади.

Бундан кейин элчи ғайратга миниб, яна дадил бўлди ва Иван Никифоровичнинг ҳануз қимирламасдан ётганини кўриб:

— Қани, тезрок бўлинг, юринг, Фома Григорьевич ҳам ўша ерда! Қани, нима қилдингиз? Қани бўлинг, борасизми, йўкми? — деди қистаб

— Боргим йўқ.

Унинг «borgim йўқ» деган бу гапи Антон Прокофьевични ҳайрон қилди. Чунки у менинг элчилигим, бир оз ўжар бўлса ҳам, ҳурматли бу одамни бормокка мойил қилди деб ўйлаган эди, аммо «хўп» ўрнига, узил-кесил «йўқ»ни эшилди.

— Нега боргингиз йўқ? — деди ранжиб, Антон Прокофьевич ҳар нарсага бундай ранжий бермас эди, ҳатто майна қилиб завқланадиган судъя билан шаҳар ҳокими ёниб турган қофозни унинг бошига ташлаганларида ҳам сира ранжимаган эди.

Иван Никифорович бурнакисидан отиб олди.

— Ихтиёр үзингизда, Иван Никифорович, йўлингизни тўсаётган нима эканлигини билмайман?

Иван Никифорович алоҳа:

Бориб нима қиламан? Аnavи босмачи ҳам ўша ерда-да! — деди.

«Босмачи» деб Иван Ивановични айтар эди.

Худоё тавба! Яқиндагина...

— Азбаройи худо, бормайди! Худо урсин, бормайди! Ёлғон айтсан турган жойимда яшин тегиб ўлай! — деди соатига ўн мартадан қасам ичишга доим тайёр турган Антон Прокофьевич — Кани, Иван Никифорович, юринг!

— Антон Прокофьевич, ёлғон айтасиз, айтинг, ўша ердами у?

— Азбаройи худо, ўўк! Йўқ дедим ўўк! Агар бўлса турган жойимда кимирламасдан ўлай! Ўзингиз ўйласангиз бўлмайдими! Нега ёлгон сўзлай! Кўл-оёғим курсин... Ана энди ҳам ишонмайсизми! Олдингиздан нари кетмай ўлай! Отаю онам, ўзим худонинг раҳматидан бенасиб бўлайлик! Ҳали ҳам ишонмайсизми?

Бунча қасамлардан кейин Иван Никифорович унинг сўзига ишонди ва рўдапо тўн кийган хизматкорларини чакириб, шими билан хитойи камзулини олиб келмокни буюрди.

Иван Никифоровичнинг шим кийшини, галстугини бошқалар боғлаб қўйганини ва чап енгининг қўлтиғи йиртилиб кетган мовут камзулини қандай кийшини баён килиб ўтириш ортиқча деб ўйлайман. Отланаётганда ҳеч сўзламасдан, ҳатто Антон Прокофьевич, Туркиядан келтирилган ҳамёним бор, шунга бир нарса алишмаймизми, деганига ҳам ҳеч жавоб бермасдан, ўшшайиб жим турганини айтибина кўя қоламиз.

Бу орада мажлис ахли Иван Никифоровичнинг келишини ва икки улуг ярашиб, ҳамманинг орзуси бўлган бу ишнинг саранжом топишини бетокатлик билан кутар эди. Қупчилик Иван Никифоровичнинг келмаслигига ишонган эди. Шаҳар ҳокими ҳатто келмайди деб ғилай Иван Иванович билан гаров боғлашган ҳам эди Аммо ғилай Иван Иванович: «Сиз ўқ теккан оксоқ оёғингизни тикинг, мен ғилай қўзимни тикаман» деганидан гаров бузилиб кетди, чунки меҳмонлар кулишиб, ҳоким жуда изза бўлди. Соат бирдан анча ошиб, миргородликлар ҳатто катта маросим кунларида ҳам аллакачон тушлик овқатини еб оладиган вақт етган бўлса ҳам, дастурхонга ҳалигача ҳеч ким ўтиргани ўўқ эди.

Антон Прокофьевич эшикдан кирап-кирмас, дарров ҳамма уни ураб олди. Ҳамманинг саволига, баланд овоз билан қичкириб «Қелмади» деб калта жавоб килди. Бу гап унинг оғзисидан чиқарчикмас элчиликнинг уddyасидан чиқолмаганилиги учун, ҳар тарафдан унинг бошига сўкиш ва таъналар ёғилмоқчи бўлиб, ҳатто баъ-

зилар бурнига чертиб-чертеб олмоқчи бўлиб туриб эдилар, шу пайтда эшик очилиб Иван Никифорович кириб келди.

Агар шу топда эшикдан кириб келган шайтон ёки гўрдан тирилиб чиккан одам бўлса ҳам, бундагилар Иван Никифоровични кўргандагидек ҳайрон бўлмас эдилар. Антон Прокофьевич эса ҳаммани бундай майна қилганлигига ўзи шод ва хуррам бўлиб, икки бикинини ушлаганча қотиб-котиб кулар эди.

Хар қалай бўлса ҳам Иван Никифоровичнинг бундай тез фурсат ичидаги аслзодаларга лойик ва муносаб бўлган либослари ни кийиб, дарров етиб келишига ҳеч кимнинг акли етмас эди. Иван Иванович бу чокда бирон ҳожат билан ташқарига чиккан эди шекилли, йўқ эди. Мехмонларнинг ҳайронликлари ёзилиб, ҳушларига келгач, Иван Никифорович билан сўраша кетдилар ва семириб йўғон тортганига хурсандлик изҳор қилдилар. Иван Никифорович ҳамма билан ўпишиб кўришар ва ҳаммага «балли, балли»дер эди.

Бу орада карам шўрва хиди келиб уйни босди ва ҳийла очиқиб қолган меҳмонларнинг димогини китиқлади. Ҳаммалари ёпирилишиб дастурхон ёзинглик уйга кирдилар. Баъзилари сергап, баъзилари индамас озгин ва семиз ҳонимлар турна қатор бўлиб, олдинга ўтдилар ва турли-туман товланиб, дастурхон тепасига ўтиридилар. Дастурхонга кўйилган анвойи таомларни баён қилиб ўтирмайман. Қаймоқли вараки, боршчга қўшиб келтирилган калла-пocha, ғайноли билан майиз қўшиб пиширилган курканинг гўшти, квасга солиниб ивитиб кўйилган этикка ӯшаган галати бир овқат, кекса ошпазнинг лаззатли таоми, устига арок сепилган, алангалатиб келтириладиган жуда ғалати, ғалатилиги билан бирга ҳонимларни хийла кўркитадиган бир хил қовурма ва бошқа бунинг сингари алвон турли овқатлар бор эди, уларни ҳам айтиб ўтирмайман. Бу таомлар тўгрисида гапириб ўтирганимнинг боиси шуки, уларни баён қилишдан кўра, тановул қилишини афзалрок кўраман.

Хрен билан тайёрланган балиқ гўшти Иван Ивановичга жуда ёкиб қолди. У киши ниҳоятда фойдали ва тўйимли бўлган бу таомга жуда киришиб кетдилар; балиқнинг нозик-нозик қилтакларини териб, тарелкага ташлар эдилар ва шу иш билан машғул бўлган чокларида бехосдан кўзлари қамти томонга тушар эди, караса ё раббий! Рўпарасида Иван Никифорович ўтирибдилар. Худди шу пайтда Иван Никифоровичнинг ҳам кўзи тушди... Йўқ! Ортиқ ёзолмайман, қўлимга бошқа қалам беринг! Бу холатни ёзмоққа энди қаламим сустлик килади, жони қолмади, учи хит бўлди. Ҳайратдан икковининг юзи ҳам котиб, безрайиб қолди. Икковининг ҳам важоҳати шундай эдики, икки эски қадрдан дўст тўсатдан дуч келиб қолди-ку, беихтиёр қучоклаша кетиб, «марҳамат қилинг» ёки «илтифотингиздан умидвор бўлсан мум-

кинми» деган сұзлар билан көртикларини бир-бирларига тутмокқа тайёр турғандек зәңлар. Аммо буининг бараваридә иккөвииңнің хам важохати нохуш бир фалокатни бошлагундай баднома зәди. Иккөві хам терга пишилди.

Дастурхон устида ўтирган мәҳмонарларнинг ҳаммаси, жуда диңгіз билан қараганларидан ҳайрон бўлиб қолдилар ва бир маҳалларда яқин дўст бўлган иккى биродарга тикилганча аграйиб қолдилар. Ҳурозни қандай ахта қилиш тўғрисида ширин сұхбат билан овора бўлган хонимлар ҳам, сұхбатларини тўхтатиб, жим бўлиб қолдилар. Ҳамма жим бўлди, бу ҳолат ҳакикатан улуг рассом қаламига лойик манзара зәди!

Бир маҳал Иван Иванович рўмоялчасини олиб бурун қоқмокка бошлади. Иван Никифорович эса, у ёқ-бу ёкка қараб аланглагач, очик турган эшикни мўлжаллаб қолди. Ҳоким унинг бу ҳаралатини дарҳол сезди ва эшикни каттирок ёпмокқа буюрди. Шундан кейин иккى дўст овқатга уриниб кетдилар ва бир-бирларига сира қарамадилар.

Дастурхон йигиштирилгач, иккى эски дўст бирданига ўринларидан туриб секин чиқиб кетмоқ ниятида шапкаларини қидириб қолдилар. Ҳоким бир имо қилиб зәди, Иван Иванович, буниси, анави ғилай, Иван Никифоровичнинг кетига ўтиб олди. Ҳоким бўлса, Иван Ивановичнинг орқасига ўтиб, иккөвии бир-бирга тўқнаштириб қўл бериб кўришмагунларича қўйиб юбормаслик учун орқаларидан ҳадеб турта бердилар. Ғилай Иван Иванович Иван Никифоровични итариб юборди, гарчи тўғрисига итармай кинғиррок итарган бўлса ҳам Иван Иванович турган жойга қараб итарди, лекин ҳоким тўғрига қараб итара олмасдан кийшайтириб юборди, чунки бу пайтда унинг ҳеч қандай амри-фармонига итоат қилмаган ва фалокат босгандек букун бутунлай тескари томонга силтанглаб кетаётган саркаш оёқларини ҳеч эплай олмай қолган зәди (дастурхон тепасида ҳар хил шароби-шарбатларнинг кўп истеъмол қилинганидан бўлса ҳам ажаб эмас) Шунинг учун Иван Иванович ўзи ҳангома талаблигидан орқага сукилиб кириб колган кизил кўйлакли бир хонимнинг устига йиқилиб тушди. Бу воеа албатта бир фалокатнинг боши зәди. Бирор судья ишни ўнгламоқчи бўлиб, ҳокимнинг ўрнига ўтди ва юқори лабидаги бурнакисини бир тортишда тақир қўймай тортиб олгач, Иван Ивановични нари ёкка туртиб юборди. Миргородда аразлашганларни расми шу йўл билан яраштирадилар, бу расм коптоқ ўйинига ўхсанқираброк кетади. Судья Иван Ивановични бу томонга итариб юборган ҳамон, ғилай Иван Иванович ҳам кучаниб туриб, аъзойи-баданидан тер шариллаб оқиб турган Иван Никифоровични у томонга итариб юборди. Иккى дўст ҳар қанча тихирлик қилиб кўнмасалар ҳам, алоҳа уларни тўқнаштиридилар, чунки бу ишга бел боғлаган

азаматларга бошқа мәхмөнлар хам хийла ёрдам бердилар

Шундан сүңг уларни тұрт томондан маҳкам үраб олиб, бир-бирларига күл беришмагунларича қүйиб юбормадилар.

— Эй, Иван Никифорович, эй Иван Иванович, худо урди кетди! Ахир үзларинг инсоф қилиб айтингиз: нима талашиб уришдингиз? Жанжалингиз беҳуда эмасми? Худодан, элу юртдан уялинг-эй!

Иван Никифорович жуда чарчаганликдан ҳансирай-ҳансирай (унинг ярашмоққа күнгли борлиги билиниб турар эди) деди:

— Билмайман, нима қилибман Иван Ивановичга! Қатагимни бузиб, үзимга қасд қилишининг сабаби нима?

— Ҳеч қандай ёмон ниятим йўқ эди,— деди Иван Иванович Иван Никифоровичга қарамасдан.— Сиз мұхтарам дворянларнинг ҳузурингизда ва худо қошида қасам ичаманки, менга ғанимлик қилган бу кишига ҳеч ёмонлик қилганим йўқ. Нега у киши мени ҳақорат қилиб, ному наسابим ва мансабимга зиён етказади?

— Эй, Иван Иванович, сизга қандай заарар етказдим мен? — деди Иван Никифорович.

Яна бир дамгача бундай гинахонлик қилсалар адоват ўти үчар эди. Иван Никифорович бурнакисини олиб «марҳамат қилинг» демоқчи бўлиб қўлини киссасига солиб ҳам эди.

Иван Иванович кўзини ердан олмай деди:

— Сиз, мұхтарам зот боборакот, менинг даражам ва насли-на-сабимни бу ерда зикр қилиб бўлмай турган қабиҳ иборалар билан ҳақорат қилдингиз, заарар етказмок бундан ортиқ бўладими?

— Ижозатингиз бўлса агар, Иван Иванович, сизга дўстона бир гап айтай! (Иван Никифорович бу сўзни айтганда Иван Ивановичнинг тұгмасини ушлади, унинг бу ҳаракати унга жуда дўстлигини кўрсатар эди).— Сиз үзингиз қаердаги бўлмағур гаплардан бекорга озорда бўлиб юрибсиз: сизни ниҳояти эркак ғоз деганимга шунча хафа бўласиз...

Иван Никифорович бу сўзни айтди-ю, лекин чакки қилганини ўзи фахмлади, аммо пушаймоннинг фойдаси йўқ эди.

Сўз оғиздан чикдими, бас, ҳамма ҳаракат бекор бўлиб кетади!

Иван Никифорович бу сўзни танҳо жойда айтганида Иван Иванович унга ҳеч чидай олмай шундай ғазабга келган эдики, ҳеч кимни худо бундай ҳолга солмасин. Мұхтарам ўкувчилик, бу қабиҳ сўз бир талай хонимлар ҳузурида айтилганидан кейин нима бўлишини ўзингиз билаверинг. Иван Иванович хонимлар олдида ўзини ниҳоятда сипо тутмасми?! Агар Иван Никифорович эркак ғоз демасдан парранда деганда ҳам, иш ўнгланиб кетармиди?!

Аммо энди иложи колмади!

У киши Иван Никифоровичга шундай бир қаради, шундай

карадики! Агар бундай қараган одамда амр қилмок ҳаққи бұлса, Иван Никифоровични бирпасда ер билан якson килар эди! Иван Ивановичнинг авзойи ёмонлигини меҳмонлар ҳам пайқадилар ва дархол уларни ажратиб қўйдилар. Юввошлик намунаси бўлган ва ҳар бир гадойни кўрганда ҳол-аҳвол сўрамасдан ўтмаган бу одам, қаттиқ жаҳолат билан ўзини олиб кочди. Жаҳл кишини шундай кўйларга солар экан!

Бир ойгача Иван Ивановичдан ҳеч хабар эшитилмади. У киши уйига беркиниб олди. Эски табаррук сандик очилди ва — нима деб ўйлайсиз,— ота-бободан мерос қолган пуллар чиқазилди ва бу пуллар «қалам» аҳли балоҳўрларнинг кир қўлига ўтди. Иш юқори маҳкамага берилди. Мазкур маҳкамадан даъво эртага бартараф бўлади деган хушхабар келгунча Иван Иванович уйидан чиқмади. Афсуски, шундан бери мазкур маҳкама «иш эртага бир ёқлик бўлади» деб ўн йилдан бери ҳар куни бир хабар юборади!

Бундан беш йилча муқаддам шу Миргород шаҳрига ўним тушиб қолди. Мен сафарга бемаҳал чиқкан эканман. Куз фасли бўлиб, ҳаво нам, ўллар лой, осмонни туман босган вакт эди. Тинмасдан ёқкан бемаза ёғингарчиликдан сўнг сийрак бўлиб чиқкан бемаҳал ўтлар, мўйсафидга шўхлик, кампирга гул қандай ярашмаса, бу ўтлар ҳам далаларга шундай ярашмай турар эди. У маҳалда ҳавонинг нохушлиги менга жуда ёмон таъсир қиласди: ҳаво хира бўлганда кўнглим гаш тортиб зерикардим. Аммо шундай бўлса ҳам Миргород шаҳрига яқинлашиб қолганимда юрагим така-пука бўлиб қолди. Ё олло, қанча-қанча хотиралар эсимга тушди! Бу шаҳарни ўн икки йилдан бери кўрганим ўйқ эди! Дўстликда мислсиз бўлган икки зот, икки қалин дўст шунда турар эдилар. Бу орада қанча-қанча мұтабар — доңдор кишилар дунёдан ўтдилар. Судья Демьян Демьянович аллақачон вафот этган эди. Филай Иван Иванович ҳам дорилбакога риҳлат килган эди. Шаҳарнинг катта кўчасига кирдим. Ҳар ерда учига бир тутам похол bogланган ходалар қадалган эди, чунки шаҳар кўчаларини тузатиб, янгича қилмокда эдилар. Бир неча уйлар бузилиб ташланиб, уларнинг деворлари кўнкайиб қолган эди.

Бир куни ҳайит эди; чипта соярон аравамни бутхона олдида тўхтатиб, ҳеч кимга пайқатмасдан охиста бутхонага кирдим. Аммо, ростини айтсан, келганимни пайқайдиган одам йўқ эди, чунки бу ерда ҳозирча ҳеч ким йўқ деса бўларди, ибодатини тарк қилмайдиган намозхонлар ҳам лой-ёмғирдан қочиб келмабдилар. Ҳаво хира кунда, дурустроги, айнигина кунда шамлар аллақандай нохуш кўринар эди; бутхонанинг коронғу жиловхонаси ҳам ғамгин кўринар эди; гардиш ойнали узунчоқ дарналардан ёмғир чак-чак томар эди... Мен ўзимни секин бир чеккага олиб, бунда ўтирган бир мўйсафид чолдан:

— Малол келмаса айтинг, Иван Никифорович тирикмилар? — деб сүрадим.

Шу онда бут олдида, ёниб турган шам чирок лопиллаб ёниб кетди ва унинг шуъласи тўппа-тўгри ёнимда турган мўйсафиднинг юзига тушди. Тикнилиброк қараб, у одамнинг башарасини таниганимда ҳайратим ҳаддан ошиди. Бу одам Иван Никифоровичнинг ўзи экан! Аммо шунчалик ўзгарибдикни!

— Саломат бормисиз, Иван Никифорович? Жуда кексайиб колибсиз!

— Ҳа, қариб колдим, бугун Полтавадан келдим,— деди Иван Никифорович.

— Нима деяпсиз! Шундай ёмон ҳавода Полтавага бордингизми?

— Нима қилай! Даъво ишн...

Бу гапни эшитганимда беихтиёр ух тортдим. Ух тортганимни Иван Никифорович пайқаб:

— Хотиржам бўлинг, иш янаги хафтага кўрилиб, менинг фойдамга ҳукм булиши хусусида аниқ ҳабарим бор,— деди.

Мен таажжубланиб, елкамни қисганимча Иван Ивановичдан ҳам бир ҳабар олай деб нарирок бордим.

Аллаким:

— Иван Иванович шу ерда, ханокода,— деди.

У ёкка қараб озгин бир кишига кўзим тушди; Иван Иванович шундай булиб қолибди-я. Афтини ажин босган, соchlари оқарган, аммо устидаги тўни ўша-ўша эди! Ҳол-аҳвол сўрашгандан кейин, воронка нусха башараснга ярашган жилмайшини килиб:

— Сизга бир янги хуш ҳабар айтами? — деди.

— Қандай янги хуш ҳабар? — деб сўрадим мен.

— Эртага ишим албатта бир ёқлик бўлади, маҳкамама аниқ айтди.

Мен яна қаттирок ух тортдим ва жуда зарур иш билан бораётганимдан, ҳайрлашиб, бундан тезрок кета колай деб аравага миндим. Миргородда почтовой деб ном чиқарган ҳароб отлар ҳар гал түёклари лойга тиқилганда кулокқа ёқмаган нохуш овоз чиқазиб секин йўлга тушдилар. Устига чипта ёпиниб олган жуҳуднинг бошига ёмғир челакдан қўйгандек қуяр эди. Менинг ҳам аъзойи баданим заҳ тортиб кетди. Шаҳардан чиқаверишдаги хафагазаккина жойда посбон турган коровулхона ичида бир чўлок увадаларини ямаб ўтирас эди, бу қоровулхона ҳам оркада колиб, яна ўша ўнкир-чўнкир далалар бошланди; баъзида кўкаламзор, баъзида тақир қора ерлар ўта берди, патлари хўл зоғу зағчалар ҳамда бир мақомда тинмасдан қўйиб турган ёмғир, коп-кора булат босган осмон, йифлоки ҳаво. Хуллас, жаноблар, бу дунёning ҳеч қизиги йўқ экан!

ИЗОХЛАР

«Диканька қишлоғи оқшомлари» иккى кисмдан иборат хикоя ва повестлар туплами булиб, улар изчил яхлит циклни ташкил қиласди. Ҳар бир кисмда ёзувчига маълум бўлган шу давр қишлоқ ҳаётидан олинган ҳикоялар: «Сорочи ярмаркаси», «Рождество кечаси» биринчи ўринда берилади. Иккинчи ўринда ўтмиш ҳакидаги афсона — повестлар туради. Биринчи кисмдаги учинчи ўринда гўзаллик ва лиризм билан сугорилган «Май кечаси, ёки сув кизи» булиб, иккинчи кисмда эса «Иван Федорович Шнонъя ва унинг холаси» туради. Тўртинчи ўринда унча катта бўлмаган повестлари, тўғрирги сирла ва кўркинчли ҳикоялар: «Йўқолган ёрлиқ» ва «Жин теккан палакат ер» туради.

«Диканька қишлоғи оқшомлари» биринчи бор 1830 йил февраль — мартда «Отечественные записки»да «Басаврюк ёки Иван Купал арафасидаги кеча» сарлавҳаси остида босилиб чиқкан. 1831 йилда китобнинг биринчи кисми Асаларичи Рудий Панъо томонидан нашр килинган «Диканька қишлоғи оқшомлари» номи остида чиқарилган.

1832 йилда китобнинг иккинчи кисми чоп этилди.

«Диканька қишлоғи оқшомлари»да украин халқининг олами, украин қишлоғининг табиати, турмуши, ранг-баранг ҳаёти акс эттирилган кундан ташқари «Оқшомлар» рус китобхонини Украина ҳаёти, шеърияти билан танишишибгина колмай, рус ва украин маданиятни бир-бирига яқинлаштириради, умуман «Диканька қишлоғи оқшомлари» рус адабиётининг ажойиб асари ҳисобланади.

XIX асрнинг 30-йиллари бошида, Н. В. Гоголнинг «Оқшомлар»и дунёга келган вактда рус адабиётида романтизм энди кучга тўлиб келаётган давр эди. Шу асар билан бирга рус адабиётига асл халқчил ва демократик тенденциялар кириб келди. Унда романтик киноз ҳам янгича жаранглади. «Диканька қишлоғи оқшомлари»ни ўқиб чиққач А. С. Пушкин ёзган эди: «Булар ҳаммаси бизнинг адабиётинида шундай ўзгачаки, мени ҳапузгача ўзимга келоммадим».

«Диканька қишлоғи оқшомлари» катта муваффакият қозонди. Демократик танқидчилик ҳам Н. В. Гоголнинг дастлабки асарларидан мазкур биринчисини юкори баҳолади. Гоголнинг бу асари ва бутун ижодиёти ҳақида В. Г. Белинский гапириб, унинг лиризмини алоҳида таъкидлаб ўтган эди. У Гоголни «ҳақиқат поэзияси»нинг асосчиси деб атади.

Сорочи ярмаркаси

1829 йил 30 апрелда Н. В. Гоголь ўз онаси М. И. Гоголга ёзган хатида уидан «энг улуг илтифотлардан бирини қилиш»ни илтимос килган эди. «Сиз инча ва зийрак акл соҳибисиз, бизнинг малороссияликларнинг кўп урф-одатларини биласиз, шунинг учун мен биламанки, сиз уларни менга ёзишини рад этмассиз. Бу менга жуда, жуда керак». Хатнинг охирида у яна отаси В. А. Гоголь-Яновскийнинг иккита: «Совлик кўй ва ит», «Роман ва Параска» каби малороссия комедияларини («Содда, ёки солдат томонидан алданган аёлнинг ҳийласи») юборишни сўраган эди. «Сорочи ярмаркаси»нинг ўша комедиялар билан баъзи бир боғлиқлик томонлари бор. Уларда айрим персонажларнинг муносабатлари, айрим саҳналар анча ўҳшашдир.

Повестнинг украин фольклори, халқ әртаклари ва афсоналари билан бөглигиге ҳакида бир неча бор күрсатиб ўтилди. Бунга «Сорочи ярмаркаси»даги украин халқ қўшикларини эслатадиган ва тез-тез учраб турадиган куйидаги эпиграфлар ва украинизмлар гувоҳдир: судья — чегара судъяси, сулея — катта чирпит, за мое ж жито... й побыто! — Менинг ош-тузум учун ўзимни калтаклашиб ва бошқалар.

«Сорочи ярмаркаси» биринчи марта 1831 йилда «Диканька қишлоғи оқшомлари»нинг биринчи алоҳида нашрида босиб чинкарилган эди.

Иван Купал арафаси

Н. В. Гоголь Нежин гимназиясида ўкиб юрган чоғларидаёқ «Хар қандай икир-чикирлар китоби, ёки кўл ости энциклопедия»ни ёза бошлаган эди, унда украин халқ ривоятлари, әртаклари, қўшиклари, урф-одатлари, тарихий ўтмиш ҳакида ҳикоялари тўплланган.

Олимлар «Хар қандай икир-чикирлар китоби»даги куйидаги ёзув «Иван Купал арафаси» повестининг сюжетига асос бўлганилгини тахмин киладилар. Булар «Папорот (руска папоротник, ёки кочедыхник) факат Иван куни арафаси ярим кечада олов ранглаи ёки ким уни узишга улгурса ва жасур бўлса у хазина топади».

Нопок йўл билан топилган бойлик, пуллар доимо баҳтсизлик келтириши ҳакидағи фикр бу асарни кўп халкларнинг фольклори билан якнилаштиради.

«Иван Купал арафаси» повести биринчи марта 1830 йилда «Басаврюк ёки Иван Купал арафасидаги кеча, малороссия повести (халқ ривоятидан) Бутхона-нинг сўғиси айтган ҳикоя» сарлавҳаси билан чоп этилди.

1831 йилдаги иккинчи нашрида Н. В. Гоголь повестининг социал йўналишини кучайтиради, унга муҳим ўзгаришлар киритди, унинг динамикасини чукурлаштириди.

Май кечаси, ёки сув қизи

Н. В. Гоголь ушбу повестда ажойиботлар, русалкалар ҳакида ҳалқ ривоятлари, әртаклари, шунингдек онасининг хатларидан ва ҳикояларидан, «Хар қандай икир-чикирлар китоби»дан фойдаланган эди.

Повестнинг асоси ҳалқ ижодиётидан олинганига қарамай, Н. В. Гоголь булардан оригинал асар яратса олди ва бу билан В. Г. Белинскийни ҳайратга солди: «Сиз «Май кечаси»ни ўкинг, уни киш кечаси ёнаётган ўчок ёнида ўкинг ва сиз кишининг совукларини ва буронларини унутасиз; сизга ажойиботлар ва сехрлари билан тўлган шуҳратли бу жаңубининг ёрқин, тиник кечаси намоён бўлади, сизга бу золим ўгай онанинг зулмидан курбои бўлган ёш, рангсиз соҳибжамол, бу ягона очик дераза билан колдирилган уй, сокин сувда ой нури ўйнайдиган, яшил кирғоғида парилар галаси рақсга тушадиган саҳро кўли намоён бўлади..»

«Май кечаси, ёки сув қизи» биринчи марта 1831 йилда «Диканька қишлоғи оқшомлари» китобида босилган эди.

Йўқолган ёрлик

Бу повестга «Покровск черковининг хизматчиси томонидан айтилган ривоят» деб сарлавҳача кўйилган. Повестнинг бошланишида ҳикоя килиб берувчининг — хизматчи Фома Григорьевичнинг ажойиб образи берилган. Бу адабий усул Н. В. Гоголга, биринчидан, китобхонни ҳикоянинг ҳаққонийлигига ишонтириш учун, иккинчидан эса, халқ характерининг миллий ўзига хослигини курсатиш учун керак бўлди. Бу ҳакиқий Гоголнинг усули — ҳақиқатни, афсонани ва энг ўткир сатирическими сарлавҳачаси билдириштиришади.

«Йўқолган ёрлик» биринчи марта 1831 йилда «Диканька қишлоғи оқшомлари»нинг биринчи нашрида босилган эди.

Рождество кечаси

«Диканька кишлоги окшомлари»нинг иккинчи китоби ушбу повесть билан бошланади. Унда Екатерина II хукмронлик қылган даврда содир бўлган, яъни XVIII асринг иккинчи ярмида бўлиб ўтган воқеалар акс эттирилган.

«Рождество кечаси»да ҳам бошқа шу циклдаги повестларидагидек биз ҳақиқат ва афсонани, ҳалқ мотивлари ва бадий уйдирманинг бир-бирига чамбарчас уланиб кетганлигини кўрамиз.

Н. В. Гоголь ушбу повестида ҳам «Ҳар қандай икир-чикирлар китоби» — даги материаллардан фойдаланди.

«Рождество кечаси» повести биринчи марта 1832 йилда босилган эди.

Даҳшатли интиком

Н. В. Гоголь Украинанинг тарихини яхши билар эди, бу асарда унинг украинларнинг поляклар билан бўлган озодлик кураши тарихига кизикиши равшан ифодаланган. Повестнинг ватанипарварлик руҳи уни «Тарас Бульба» повести билан якинлаштиради.

Ушбу повестнинг тили ранг-баранг, бъязн ўринларда шеъриятга якиндири. Мисолга Диепри тасвирилаган жойни оламиз: «Ҳаво сокин чоғларида Днепр ажаб хушманзара бир дарё. Тошқин сувлари тоғ-тошлар орасидан, ўрмонлардан ўтиб жимжит оқиб боради. На гуруллайди, на шовуллайди. Дарё сувига тикилиб караб турган одам викорли бу дарёнинг суви окканини ҳам, турганини ҳам билмайди, дарё эмас, котиб колган бир шиша. Кўкаламзорлар орасидан айланга бўлиб ўтган эни бенихоя, бўйи бепоён ойнадек текис йўлга ўхшайди».

Биринчи марта «Даҳшатли интиком» повести 1832 йилда босилган эди.

Иван Федорович Шпонька ва унинг холаси

Н. В. Гоголнинг ижодини тадқиқ килувчилар ушбу повестни «Диканька кишлоги окшомлари»нинг иккинчи китобига кирувчи ҳамма повестлардан кейин ёзилган деб хисоблайдилар. «Иван Федорович Шпонька ва унинг холаси» асари шу циклдаги бундан олдинги повестларнинг романтикасига қарама-қарши ўлароқ реалистик руҳда ёзилган. Ушбу повестнинг бу циклдаги асарлар қаторига киритилиши чукур ички маъниога эга булди. Помешчиклар доирасидан келтирилган вакилларнинг ҳеч ким эканлиги, ички маъносизлиги, яшashi — борлигининг мазмунисизлигини сатирик ифодалаш ёзувчининг бундан кейинги ҳамма асарларида янида ривожлантирилди. Худди мана шу повестда рус адабиётидаги реализм методининг асосчиси Гоголь бунёдга келди.

Повесть бехосдан узилади. Сўзбоисида сабаб бўлганиларини тушуниради.

Аслида бу авторнинг услубидир. Н. В. Гоголь бу билан ўз қаҳрамонининг лаёкатсиз ва кераксиз шахс эканлигини таъкидлашни кўзлаган.

Повесть биринчи марта «Диканька кишлоги окшомлари»нинг иккинчи китобида 1832 йилда босилган эди.

Жин теккан палакат ер

«Жин теккан палакат ер» повестининг асосий магзи шундан иборатки, нопок йўл билан, меҳнатсиз топилган пул, бойлик ҳеч қачон баҳт келтирмайди. Повесть украин фольклори руҳида ёзилган бўлиб, унга «Бутхонанинг сўфиси айтган хикоя» деган кичик сарлавҳа кўйилган.

Биринчи марта «Жин теккан палакат ер» повести 1832 йилда «Диканька кишлоги окшомлари»нинг иккинчи китобида чиқарилган эди.

Миргород

Н. В. Гоголь 1835 йилда ўзининг иккинчи повестлар тұпламини нашр килдиради, уни «Миргород» ёки «Диканька қишлоғи оқшомлары»нинг давомини ташкил қылувчи повестлар деб атайды. «Оқшомлар» нашр қилинганига бир неча йиллар үтди, лекин бу китоб унинг давомигина булиб колмади. «Миргород» ўзининг мазмуни ва услуби жиҳатидан ёзувчининг ижодий таракқиетіда анча ююри босқични эгаллаганлыгынинг ёрқин далила бўлди.

Шу йиллари Н. В. Гоголни унинг томонидан таңланган йўлнинг тўғрилиги хакидаги чукур хаёллар қиймар эди. У тарихни ўрганишга кўп куч сарфлади. У ҳатто 1834 йилда Петербург университетидан тарих профессори ўрнини олиб, студентлар учун катта қизиқиш билан лекциялар ўқыйди. Шу даврда Гоголь тамомила тарихчи булиб кетишига сал колди.

Н. В. Гоголь ижодида бурилиш, аввало А. С. Пушкин таъсири туфайли, колаверса уни «Современник» журналига ишга таклиф қилингандан кейин содир бўлди. Пушкин Гоголни Россиянинг ҳеч бир ёзувчисида йўқ истеъоддога эга деб ҳисобларди, чунки ҳеч ким Гоголдек пасткаш оламнинг пасткашлигини, кўз илгамайдиган барча икир-чикирларни ҳамманинг кўзига йирик, ёрқин килиб ифодалай олмаган эди.

«Миргород» баркамол, естук санъаткор томонидан ёзилган. Бу ерда «Оқшомлар»даги каби идеаллаштирилган поэтик дунёйўқ. «Миргород» асосида ёзувчи яшаган ҳаётнинг қандай бўлса шундай прозаик ифодаси ётади.

Ушбу китобда биринчи маротаба Гоголь реализмининг ўзига хос хусусияти аник-равшан аён бўлди: бу унинг рус вокелигининг ўткир проблемалари таңқидий қараши эди. Крепостной Россия асарда реалистик аниқ ва социал умумлашма тарзида берилган.

Қадимги помешчиклар

«Қадимги помешчиклар» повести биринчи маротаба 1835 йилда «Миргород» тұпламида босилди.

Гоголнинг замондоши Н. В. Станкевич 1835 йил 28 марта Я. М. Неверовга ёзган хатида шундай деган эди: «Гоголнинг «Миргород»идан бир повестни ўқиб чикдим — бу қандай ажойиб! Ўқигин! Куруқ, бўлмағур ҳаётда ҳам одамзоднинг қандай гўзал туйгулари кўрилган»¹.

Гоголь асосий фикрининг магзаси ҳам шундан иборатки,— «куруқ, бўлмағур ҳаётда ҳам одамзоднинг гўзал туйгулари бор!» яъни чор Россиясининг зиёсиз бешафқат турмуш тарзида одамзодда мужассамланган эзгулик албатта нобуд бўлар эди.

Тарас Бульба

Н. В. Гоголь аслида тарихчи бўлмоқчи эди. Аммо у тарихчи булиб етишмади, бирок унинг «тарихий изланишлари» изсиз колмади. Улар ёзувчи Гоголнинг бутун ижодига катта озуқа бўлди. Айнан, «Тарас Бульба» повестида бунинг ёрқин ифодасини кўриш мумкин.

«Тарас Бульба» повестида Гоголь украин халқининг ўз мустакиллиги учун олиб борган курашларини кўрсатди. Маълумки, Украина ерларига жанубдан кўпинча турклар ва татарлар, гарбдан поляклар, литваликлар тез-тез хуруж килиб турардилар. XIV асрда Украинани Литва князлиги босиб олди. Хамиша Украинаға кўз олайтириб келган Польша жим қараб турмади. У Литванинг ўзини ҳам босиб олиш нияти билан яшади. Шунинг учун ҳам кўп ўтмай Украина территорияси шиддатли ва конли курашлар майдонига айланди.

¹ «Переписка Н. В. Станкевича» М., 1914, 316-бет

Урушдан аксар халқ — дехкошлар оммаси азоб чекди. Босқинчилар халқни фақат шафкатсизларча эксплуатация килиб қолмай, үз дини, урф-одатларини унугтишга мажбур киілдилар — бу эса үз навбатида стихиялы норозилик ва газабы туғдирәнди. Улардан күплари қийин ва хакоратлардан Украина жанубидаги Днепр атрофидаги ерларига қочиб кетиб, у ерда озод казакларнинг эркин жамоасини ташкил киілдилар. Шу тарзда куролли одамлар үюшмаси (кари ва ёш әрқаклар, аммо онласиз) жонажон Украина поляк асоратидан озод килиш учун курашувчи Запорожье Сечи вужудга келди.

«Тарас Бульба» повестида ана шу давр воқеалари реалистик тарзда гоят жони күрсатиб берилган.

Белинский «Рус повестлари ва ж. Гоголлинг повестлари» мақоласида бу асар тұғрисида завқ билан: «Агар бизнинг давримизда гомерча эпопея лозим бұлса, мана сизга унинг буюк намунаси, идеали ва прототип!»¹ деб ёзған эди.

Гоголь повестниң қайта ишлади. У хажм жихатидан катталашди, янги боблар киритилди, гоявий үткір бадий баркамол тус олди.

Вий

Повесть афсона, халқ ижодиети рухида ёзилған. Бу ҳақда Н. В. Гоголлинг үзи әслатмала шундай деган эди: «Бу повестнинг турған-битгани халқ ижодиетининг ёрқин намунасыдир. Мен уни өч қанақасыга үзгартыришни истамадим ва уни қандай оддийликда әшитған бұлсам, деярлы шундай сұзлаб беряпман». Мазкур гоголчы усул бизга аввалдан маълум — ахир «Диканька кишлоғи оқшомлари» повестида ҳам баён килювчилар бошқалар: дъяк Фома Гордеевич «гороховый панич», Степан Иванович Курочка... «Вий» повестининг асоси халқ оғзаки ижодидан бүлгәнлиги сабабли у «Диканька кишлоғи оқшомлари»га үхшайды дейиши нотұғри. Украина фольклорида Гоголлинг асаридаги афсонага үхшаш нарасанинг борлығы ҳақида Наресунининг «Бурсак» романындағы айрым деталлар гулоғ беради. (Наресунин Гоголлинг ҳамшаһары эди, у ҳам миргородлиkdir. Аммо повесть на роман билан, на украини фольклорининг бирорта маълум асары билан сюзет үхшашылғы бор.

«Вий»да «Диканька кишлоғи оқшомлари»даги каби халқ ҳәтигининг юксак поэзиясы эмас, балки унинг үрніга мураккаб дунё, тұлғы муросасын қарама-каршиликлар тұлыб-тошгандыр.

«Вий» повестининг гоявий проблематикаси марказида инсон тақдиди туради. Құпгина тадқиқотчилар томонидан таъқидланадыки, «Вий»нинг худди мана шу алохиды үзінгә хос асарлилығы, унинг «бир қаҳрамонлилігі» Н. В. Гоголлинг «Кечалар», «Үлік жонлар», «Ревизор» ва башқа «күп қаҳрамон» ёки «қаҳрамониз» асарларидан ажратыб туради.

«Иван Иванович билан Иван Никифорович ораларыда бұлиб үтмиш жанжаллар хикояти» повести

Ушбу охирғы повесть «Миргород» тұпламининг якунидир. У тұпламга кириувчи башқа повестлардан олдинрок ёзилди ва биринчи маротаба 1834 йилда «Новоселье» альманахида босилды.

«Миргород» композициясыда «Иван Иванович билан Иван Никифорович ораларыда бұлиб үтмиш жанжаллар хикояти» повестининг тутған үрни алохиды ахамиятта эга. Үнда Н. В. Гоголь ижодининг реалистик ва сатирик тенденциялари анча чуқур намоён бўлди. Повестдаги сатиранинг обьекти факат жонажон иккى оғайнининг үзигина бўлиб қолмай, балки Миргороднинг чиновниклари ҳамдир. Гоголь ижодининг ироник услуби туфайли биз Миргород ҳәтигининг күз

¹ В Г Белинский, I-том, 304-бет

илғамас томонлари; мансабни, идорани суиистеъмол килиш, пораҳурлик, ўғирлик, суддаги сансалорлик иллатларни кўрамиз. Буларнинг хаммаси соддалиқ, му-
лойимлик, баъзан ҳатто койил қолиш никоби остида баён қилинади.

Бу ерда ҳукм килиш, қаҳру ғазаб йўқ. Бу ерда ҳам ўша «Диканька оқшом-
лари»даги каби гоголча усул яккол кўринади. Биринчи нашрида повестга ҳатто
«Рудий Паньконинг босилмаган саргузаштларидан бири» деб сарлавҳа қўйил-
ган эди.

Бу асар одамзод умрининг асл моҳиятига ва ҳаётдаги ҳакникӣ вазифасига
пародиядир. Гоголь одамдаги юксак масъулнят бурчнинг муҳит, шароит боис
 билан бузилишини кўрсатмокчи бўлади. Гоголь повестни Миргород тўпламига
киритиш учун таҳrir килаётганда цензурадан чўчиб, кичик сўз боши ёзди: «Ушбу
повестда тасвирланган воқеа энг қадимги даврга тааллукли эканлигини билди-
риб қўйишни бурчим деб ҳисоблайман. Бунинг устига у бутунлай уйдирма. Энди-
ги Миргород бутунлай бошқача. Тузилишлар бошқача: шаҳар ўртасидаги кўл-
мак аллақачон куриб битган ва барча лавозимли кишилар судъя, суд ёрдамчиси
ва шаҳар ҳокими — хурматли ва яхши ниятли кишилардир»¹. Гоголь бу билан
ўз асарининг беозор эканлигини таъкидлагандай эди.

¹ Н. В. Гоголь. Материаллар ва тадқиқотлар, М.—Л., 1936, 22-бет

МУНДАРИЖА

<i>M. Бекжонова. Н. В Гогольнинг адабий мероси</i>	5
Диканька кишилори оқшомлари	
Биринчи кисм	
Муқаддима	12
Сорочи ярмаркаси	16
Иван Купал арафаси	40
Май кечаси ёки сув кизи	53
Йўколган ёрлик	79
Иккинчи кисм	
Муқаддима	89
Рождество кечаси	91
Даҳшатли интиком	128
Иван Федорович Шпонька ва унинг холаси	164
Жин теккан палакат жой	164
Миргород	
Биринчи кисм	
Қадимги замон помешчиклари	194
Тарас Бульба	194
Иккинчи кисм	
Вий	316
Иван Иванович билан Иван Никифорович ораларида бўлиб ўтмиш жанжаллар ҳикояти	349
Изоҳлар	391

На узбекском языке

Н. В. ГОГОЛЬ

Избранное

Вечера на хуторе близ Диканьки

Миргород

Печатается с издания Госиздат УзССР 1949, 1951 г.г.

Редактор Ж. Насрилдинова
Рассом А. Бобров
Расмлар редактори А. Кива
Техн редактор Э. Саидов
Корректор Ш. Даражонова
ИБ № 2833

Босмахонага берилди 05.01.84. Босишига рухсат этилди 01.06.84. Формати $60 \times 84^1/16$. Босмахона
кодози № 1. Адабий гарнитура. Юкори босма. Шартли босма л. 23,25. Шартли кр. — оттиск 23,13.
Нашр л. 25,72. Тиражи 30000. Заказ 1625. Баҳоси 2с. 40т. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат
нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кӯчаси, 30.

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича ЎзССР Давлат комитети Тошкент «Матбуот»
полиграфия ишлаб чикариш бирлашмасининг Бош корхонаси, Тошкент — 700129. Навоий кӯчаси, 30.

Гоголь Н. В.

Сайланма /[Русчадан Н. Алимуҳамедов тарж., Тұпловчи, сүзбоши ва изохлар мұаллифи М. Бекжонова]. — Т. Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984.—400 б.

Мундарижада: Диканька қишлоғи оқшомлари, Миргород. [Повестлар].

Бу йил улуг рус ёзуучиси Н. В. Гоголь түғилганиң 175 йил тұлады

Күлиңгиздегі ушбу китобда жағон адабиеті дурдоңаларига айлаппінб қолтап «Диканька қишлоғи оқшомлари», «Миргород» каби илк повестларини үйкісиз

Гоголь Н. В. Избранное.

22 APR